

Тошкент

«Чулпон»

1990



АЛЕКСАНДР ДЮМА

АСКАНИО

Р о м а н

Тошкент
«Чулпон»
1990

И(Фр)
Д 95

Русчадан

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ таржимаси

Мухаррир

Тўлқин АЛИМОВ

Д $\frac{4804010100-47}{36004-90}$ 8-90

ISBN 5—8250—0196—4

© «Чўлпон» нашриёти, 1990



КУЧА ВА УСТАХОНА

Бу воқеа Парижда, милодий 1540 йилнинг 10 июли кун кундуз соат тўртда дорилфунун яқинига жойлашган Августинлар черковига кираверишдаги муқаддас сув тўлдирилган тош жом олдида содир бўлган эди.

Узун қўнғироқ сочлари бўйнигача тушган, шахло кўзлари тимқора, нозик дид билан, аммо одмигина кийинган, ёнига мўъжизавор дастаси кўзни қамаштиргудек гўзал, кичкина ханжар таққан, хушсурат, хушбичим бир йигитча ибодатнинг бошидан охиригача қимир этмай турди. У мўмин художўй бўлса керак: бошини эгиб, ихлос билан нималарнидир секингина пичирлаб гапирарди. Шу боис у айтган гапларнинг маъноси ёлғиз парвардигору унинг ўзигагина аён эди.

Лекин ибодат тугай деб қолганида йигит бирдан бошини кўтарди, шундагина унга яқин турган намозхонлар, унинг шивирлаб айтган сўзларини эшитишди.

— Оятларни намунача бемаза қилиб чўзишмаса бу лаънати француз роҳиблар! Наҳотки дурустроқ ибодат қилиш қўлларидан келмаса? Ахир бу хилқат фаришта-лар муножотини тинглашга одатланган-ку! Э, гап бунда ҳам эмас... ана, ибодат ҳам тугади! Е тангрим, ё парвардигор, ўтган якшанбадагидан кўра кўпроқ омад бахш эт! Шундай қилгинки, у бошини кўтариб менга бир нигоҳ ташласин!

Зотан, бу сўзлар бекорга айтилмаган эди: агарда у дилбар йигитга бир нигоҳ ташлаганда борми, шубҳасиз, ўз шеърларида Психеянинг¹ севгисини, Нарцисснинг² ʋлимини тараннум этган машҳур шоир Клеман Маронинг³ шарофати билан шов-шув бўлган гаройиб мифологик ривоятларни берилиб ўқиган чоғларида тасавурида намоён бўлган энг фусункор ўктам йигитнинг чеҳрасини кўрган бўларди. Зеро, бу нотаниш йигит, юқорида айтганимиздек, ўзининг нодир ҳусни ва бағоят хушбичимлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Унинг навозишли табассумида таърифсиз жозиба мавжуд бўлиб, ҳаёсиз боқишга одатланмаган шахло кўзларида шундай эҳтирос ўтлари ёнардики, одатда бундай алагани ʋн саккиз ёшли йигитчанинг нигоҳида учратиш маҳол эди.

Шу пайт черковда курсиларнинг уёқ-буёққа тарақлатиб сурила бошлангани эшитилди. Бу ибодатнинг тугаганидан дарак берар эди. Ошиқ йигит, муҳтарам ўқувчи юқорида айтилган гапнинг авзойидан унинг шу номга лойиқлигини фаҳмлаган бўлса керак, ўзини четга олиб, сукут сақлаган ҳолда ёнидан ўтиб бораётган художўйлар оломонини — черков қошидаги кенгашнинг басавлат аъзоларини, муътабар, такаббур аёллару

¹ *Психея* (юнон мифологияси) — муҳаббат худоси. Амур ошиқ бўлиб қолган соҳибжамол қиз /одамзод руҳининг тажассуми/.

² *Нарцисс* — юнон афсонаси бўйича, гўзалликда бекиёс йигит. У жилгада аксини кўриб, унга узоқ термулиб қолган. Оқибатда ўла-ўлгунича ўз ҳусни-жамолига мафтун бўлиб юрган.

³ *Клеман Маро* (1496-1544) — илк Уйғониш даврида яшаб ижод этган француз шоири. У ҳаёт гўзаллиги ва қувончини тараннум этар экан, кўпинча антик давр ривоятларига мурожаат қилган.

дундик кизларни кузата бошлади. Лекин йигит черковга одамларни деб келмаган эди. Унинг кутгани оқ либосдаги бир киз кўриниш бергандагина кўзларида ўт чақнаб, беихтиёр олдинга талпинди. Қизни дуэньяси¹ кузатиб келарди. Бироқ у кўринишидан, бообрў хонадон вакиласига ўхшар, боз устига, гоаят назокатли, ҳали анчагина ёш, хушчақчақ ва, тўғриси айтиладиган бўлсак, хушқомат аёл эди. Бу икки нотаниш аёл жом олдига яқинлашиши билан, йигит идишда сув олиб, назокатли таъзим ила хонимларга узатди.

Дуэнья реверанс² қилиб, чин илтифот ва самимий миннатдорчилик билан жилмайди-да, йигитчанинг бармоқларига хиёлгина қўл учларини теккизиб идишни олди ва воситачи сифатида қизга узатди. Ошиқ йигитнинг ҳафсаласи бир бўлди. Қиз эса, албатта, йигитнинг бундан бир неча дақиқа олдин астойдил муножот қилганига қарамай кўзини ердан узмади. Аслида унинг бу хатти-ҳаракати қаршисида ким турганидан воқиф эканлигини билдирарди.

Улар узоқлашгач, гўзал йигит ер тепниб, пичирлади:

— Эҳ, бу гал ҳам у мени пайқамади!

Бу гапдан маълум бўлишича, юқорида айтиб ўтганимиздек, йигитнинг ёши ўн саккиздан ошмаган эди.

Лекин унинг пушаймони бир зумда ғойиб бўлди. Чунки у черков пиллапоясидан пилдираб тушаётганида бояги паришонхотир қизнинг юзига тўр тушириб ҳамроҳини қўлтиқлаганча, ўнг томонга қараб юрганини кўрди. Йигит беихтиёр ўша томонга йўл оларкан, ўзининг ҳам манзили шу ёқда эканлигини эслади. Аёллар дарё ёқалаб юришди-да, Авлиё Михаил кўпригидан ўтишди. Кейин Бочкасозлар кўчасининг охирига боришиб, Тегирмон кўприги томон бурилишди. Юқорида айтганимиздек, йигитнинг йўли ҳам шу томонда бўлгани учун бемалол уларга эрганиб бораверди.

Йигит соҳибжамол қизнинг соясига айланган эди!

Ҳайҳот! Улар Шатле қамоқхонасига етганида, қаҳрамонимизни ўзига йўлдош қилиб олган гўзал юлдуз бирдан ғойиб бўлди. Дуэнья қирол қалъаси дарвозасини тақиллатиши билан торгина эшикча ўз-ўзидан очилгандай бўлдию шу заҳоти яна ёпилди!

¹ Дуэнья — испанлар одати бўйича кибер қизлар ва хонимларни кузатиб юрувчи кекса аёл — мураббия.

² Реверанс — аёллар таъзими, такаллуф ила тизза букилади.

Сояга айланган нотаниш йигит кўчада қолаверди. У аввалига эсанкираган бўлса-да, зум ўтмай дадиллашиб, қандай иш тутишнинг иложини топди.

Шатле қалъасининг дарвозаси олдида найза кўтарган соқчи савлат билан уёқ-буёққа юриб турарди. Бизнинг нотаниш йигит ҳам муҳтарам соқчининг диққатини тортмаслик учун, сал четроққа чиқди-да, дарвозани кўздан қочирмаган ҳолда унга тақлид қилиб, чидам билан қоровуллик хизматини ўташга киришди. Одатда ошиқларнинг аксарияти айнан шундай иш тутишади.

Агар ҳурматли китобхон ҳам бундай вазиятга тушган бўлса, вақтни ўтказиш учун энг яхши восита ўзи билан ўзи суҳбатлашиш эканлигини яхши билиши керак.

Чамаси, йигитча қоровуллик қилишга одатланиб қолган шекилли, ўз хизмат бурчини адо этишга киришгани ҳамона суҳбатни бошлаб юборди:

— Турган гапки, қиз бу ерда яшамайди. Бугун эрталабки ибодатдан кейин ҳам, ўтган икки якшанбада ҳам, у дарё ёқалаб ўнгга эмас, чапга, Нель қасри ва Пре-о-Клер томонга бурилган эди. Жин урсин, ўзим ҳам ғирт аҳмоқ эканман-да! Қирол қалъасида нима иши бор экан-а? Ҳай, начора, кўрамиз. Бирон маҳбусни кўргани келган бўлиши мумкин... эҳтимол, маҳбус акаси дир. Бечора қиз, қаттиқ изтироб чекаётган бўлса керак! Унинг саховати ҳам ҳусну таровати каби беназир бўлиши керак. Оббо! Қанийди, унинг қошига бориб, бу ерда кимингиз ётипти, деб дангал сўрасаму ёрдам қўлини чўзсам! Бордию маҳбус унинг акаси бўлса, юрагимни устозимга очиб маслаҳат сўрардим. Ахир устозим Муқаддас Малак қалъасидан қочган, демак у қамоқхонанинг сирларини билади. Хуллас, мен қизнинг акасини қутқараман. Кейин биз у билан дўстлашиб кетамиз. У менга, яъни ўзининг халоскорига яхшилик қилишга интилади. Мен пайт топиб синглисини севиб қолганимни айтаман. У мени синглиси билан таништиради. Ниҳоят дилбарнинг қаршисида тиз чўякаман, ана шунда у албатта оҳу кўзларини ердан узиб менга қарайди!

Хаёлот ошиқ йигитни узоқ-узоқларга олиб қочди. Шунинг учун ҳам у соат тўртга жом чалинганини эшитиб, соқчи алмашганини кўриб жуда ҳайрон бўлди.

Мана, янги соқчи қоровуллик хизматини ўтай бош-

лади. Йигит ҳам ҳамон ўз хизматини бажаришда давом этарди. У вақтни ўтказишнинг энг қулай усулини топган эди. Шу сабабли зудлик билан, узунликда аввалгисидан қолишмайдиган янги суҳбатни бошлаб юборди:

— Қандай гўзал-а! Юришлари қандай малоҳатли. Хатти-ҳаракатида қанчадан-қанча маъсум латофат мавжуд. Чеҳрасининг силлиқлиги-чи! Фақат буюк Леонардо да Винчи¹ билан илоҳий Рафаэль², ҳа, ҳа, бутун дунёда фақат шулар, ўз истеъдодларининг энг гуркираган даврларидагина бу беғубор ва беқусур хилқат сиймосини ярата олган бўлур эдилар! О, тангрим, нечун мен мусаввир эмас, наққошман? Бор-йўғи ҳайкалтарош — қандайдир сирловчи — заргарман холос? Қолаверса, мусаввир бўлганимда, бу соҳибжамолнинг суратини чизишим учун, унга соатлаб термулишим шарт бўлмас эди. Негаки, унинг йирик-йирик кўк кўзлари, ғаройиб оқ-сарик сочлари, тароватли оппоқ чеҳрасию нафис қомати мудом кўз олдимда намоёндыр. Агар мусаввир бўлганимда, худди Рафаэль Санти-Форнаринани, Андреа дель Сарто³ фақат Лукрецияни тасвирлагани сингари, мен ҳам бу зебо қизни барча полотноларимда акс эттирардим. Бе, қайда, бу соҳибжамолни Форнаринага қиёс ҳам қилиб бўлмайди! Бўлмасам-чи, Форнарина ҳам бу қизнинг бошмоғидан ипларни ечишга ҳам арзимади! Биринчидан, Форнарина...

Йигитча, ўз маҳбубасини кўкларга кўтарувчи муқоисани тугатишга улгурмай, соат жом чалди.

Соқчи иккинчи марта алмашди.

— Соат олти... Во ажаб, вақт шунчалик ҳам тез ўтадими? — деб гўлдиради йигитча. — Агар маҳбубангни кутаётганимда вақт шунчалик тез ўтса, бундан чиқди, у билан ёнма-ён турганимда ўқдек гизиллаб учар экан-да! Бордию унинг ёнида бўлсанг, вақт деган нарсанинг ўзи бўлмайди — ахир сен жаннатга тушган бўласан-ку! Агар шу бахтга мушарраф бўлганимда борми, муттасил унинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб

¹ *Леонардо да Винчи (1452-1512)* — Уйғониш даврида яшаган буюк Италия rassomi ва олми.

² *Рафаэль Санти (1483-1520)* — Уйғониш даврида яшаган буюк Италия rassomi ва архитектори.

³ *Андреа дель Сарто (1486-1531)* — машҳур Италия rassomi.

тураверардим, соатлар, кунлар, ойлар — бутун умрим шу зайлда ўтишига ҳам рози эдим! Ё парвардигор, қандай хушбахт ҳаёт бўларди бу!

Шу пайт йигитчанинг кўнгли қувончдан тоғдек кўтарилиб кетди. Унинг, яъни рассомнинг кўзи олди-дан маҳбубасининг жонли қиёфаси «лип» этиб ўтгандек бўлди.

Соқчи учинчи марта алмашди.

Барча даҳалардаги черковларнинг кўнгироқлари соат саккизга жом чалди. Қош қорая бошлади. Кўриниб турибдики, бундан уч юз йил бурун ҳам июлнинг кеч соат саккизларида, худди бугунги кунимиздагидек, қоронгу туша бошлаган. Сирасини олганда бизни ажаблантирадиган нарса бу эмас, балки XVI аср ошиқларининг ақл бовар қилмас даражада собитлигидир. У замонда ҳамма нарса иқтидорли ва навқирон бўлган. Ёшилар хоҳ муҳаббат, хоҳ санъат, хоҳ ҳарб ишларида бўлсин, ҳеч вақт ўз ишларини чала қолдиришмаган.

Дарҳақиқат, ёш ҳайкалтарошнинг (зеро, биз энди бу нотаниш йигитнинг касби коридан воқифмиз) сабр-бардоши зое кетмади. Қамоқхона дарвозаси, мана, йигирманчи марта очилиб, йигит интизорлик билан кутган соҳибжамол ташқарига чиқди. Қизга яна ўша хоним ҳамроҳ эди, ўн қадамча орқароқда эса икки нафар қуролли соқчи уларни кузатиб борарди. Улар яна беш соат бурун келган йўлларида орқага қайтдилар: Тегирмон кўпригидан, Бочкасозлар кўчасидан, Авлиё Михаил кўпригидан ўтиб, соҳил ёқалаб юрдилар. Августинлар черковига уч юз қадамча қолганда эса бир тор кўчадаги каттакон дарвоза олдида тўхтадилар. Дарвоза ёнида эшик ҳам бор эди. Дуэнья эшикни тақиллатди, ҳаял ўтмай дарвозабон пешвоз чиқди. Икки соқчи эгилиб таъзим қилиб орқаларига, Шатле қалъасига қайтиб кетди, навқирон ҳайкалтарош эса, ёпиқ дарвоза қаршисида яна ҳайкалдек туриб қолди.

Эҳтимол, у шу тахлитда эрталабгача қотиб турарди ҳам, чунки йигитча энди тўртинчи марта хаёлот огушига фарқ бўлган эди. Аммо тасодифни қарангки, шу пайт қандайдир бир ширакайф одам унга туртиниб кетса бўладими.

— Ҳей, ошна! — деди ўткинчи. — Кечирасиз, сиз одамсиз ё устунсиз? Агар устун бўлсангиз жойингиздан жилмай туринг, лекин одам бўлсангиз, четга чиқиб, йўл беринг!

— Афв этасиз, — деди хаёли қочган йигитча. — Мен ажнабийман, шавкатли Парижни яхши билмайман, шунинг учун...

— О, бу бошқа масала. Французлар меҳмондўстдирлар, бинобарин, мен сиздан узр сўрашим керак. Демак, сиз ажнабийсиз... Жуда соз. Модомики, сиз ўзингизни танитдингиз, демак мен ҳам ўз тўғримда гапиришим шарт. Камина дорилфунун талабаси ва ҳаттотдирман, исмим...

— Кечирасиз, — деб унинг сўзини бўлди ҳайкалтарош йигит, — сизнинг кимлигингизни билишдан олдин, ҳозир ўзимнинг қаерда турганлигимни билсам девдим.

— Сиз Нель дарвозаси қаршисида турибсиз, биродар. Мана, Нель қасрининг ўзи, — деди талаба, улкан дарвозани кўрсатиб. «Ажнабий йигит» ҳам худди шу дарвозадан кўзини узмай турарди.

— Шунақа денг?! Унда мен истиқомат қилиб турган Авлиё Мартен кўчасига қандай борса бўлади? — деб сўради ошиқ йигит шунчаки илтифот юзасидан. У иложи борича ҳамсуҳбатидан тезроқ қутулиш ниятида эди.

— Нима дедингиз? Авлиё Мартен кўчасигами? Юринг, сизни кузатиб қўяман, йўлимиз бир экан. Мен сиз билан Авлиё Михаил кўпригида хайрлашаман, ундан уёғига қандай боришингизни тушунтириб қўяман. Хуллас, камина дорилфунун талабасиман, Пре-о-Клердан келяпман, исмим...

— Айтинг-чи, Нель қасри кимга қарашли эканлигини билмайсизми? — деб сўради йигитча.

— Билганда қандоқ! Ахир у дорилфунунга дахлдор бўлганидан кейин¹, нега билмас эканман. Нель қасри, йигитча, қирол аъло ҳазратларига қарайди, лекин у яқинда Париж превоси² Робер д'Эстурвиль ихтиёрига ўтди.

¹ Париж дорилфунуни ўрта асрларда ёпиқ корпорация (*уюшма*) ҳисобланиб, бир қатор имтиёзлардан фойдаланган: ўзини ўзи идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган, ўз суди бўлган, солиқлардан озод қилинган ва ҳоказо. Франциск I даврида дорилфунун давлат маҳкамасига айлана бошлаган ва Париж превосининг суд маъмуриятига итоат этган.

² *Превос* — феодал Франциясида суд ишлари ва ҳарбий ваколатга эга бўлган давлат арбоби. Париж превоси шаҳар ҳаётининг барча жабҳаларини бошқарган.

— Хўш, Париж ҳокими у ерда қандай яшаб турипти? — деди чет эллик йигит.

— Бўтам, мен прево у ерда яшаяпти, деганим йўқ, — эътироз билдирди талаба. — Прево Шатледа туради.

— Э-ҳа, Шатледа, денг? Буёғи қандоқ бўлди — ўзи Шатледа турсаю қирол унга Нель қасрини инъом этган бўлса?..

— Гап бошқа ёқда. Қирол бир вақтлар Нель қасрини гоят муътабар зот бўлмиш бизнинг байига¹ инъом қилган. У дорилфунун талабаларининг ҳуқуқини ҳимоя қилар, суд ишларини оталарча ғамхўрлик билан олиб борар эди. Хуллас, бу қойилмақом лавозим эди! Лекин, бахтга қарши, ўша ажойиб байимиз бизларга нисбатан шу қадар адолатли, шу қадар ҳақғўй судья эдики... Натижада, суд мажлиси пайтида ухлаб ўтиради, деган баҳона билан унинг ҳуқуқини йўқ қилишганига мана, яқинда икки йил бўлди. Шундай қилиб, унинг лавозими бекор қилинди-ю, Париж дорилфунунини ҳимоя қилиш Париж превосининг зиммасига юкланди. Азбаройи худо, бунақа зўр ҳимоячини кундуз куни чироқ ёқиб топиб бўлмайди! Яхшиямки, ўзимизни ўзимиз ҳимоя қиламиз... Хуллас, боя айтганим прево... гапимни эшитяпсанми ўзи, оғайни?.. Боя айтганим прево, мол-дунё деса ўзини томдан ташлайдиган очкўз прево, баски байининг вазифаси зиммамга юкланган экан, унинг мулки ҳам менинг ихтиёримга ўтиши керак, деган қарорга келиб, д'Этамп хонимнинг ҳомийлиги остида, аста-секин Катта ва Кичик Нель қасрларини эгаллаб олди.

— Шундай бўлса ҳам, гапингизга қараганда, прево қасрда яшамас экан-да?

— У ерда яшашни ўйламайдиям, қурумсоқ! Лекин, эшитишимга қараганда, қасрда бу қари Кассандрнинг² Коломбами, Коломбинами деган, исмини аниқ билмайман, — соҳибжамол қизими, жияними яшаб турармиш. У шўрлик қизни Кичик Нель қасрида сақлармиш.

— А-а, мана энди тушундим! — деб юборди санъат-

¹ *Байи* — феодал Франциясида қирол ё сеньор номидан суд қилувчи мансабдор.

² *Кассандр* — Италия халқ комедияларидаги доимий персонажлардан бири, доим ошиқ йигитларга алданувчи бадғумон чол образи.

кор йигит. Қаттиқ ҳаяжонланганидан нафаси оғзига тиқилганди. Зеро у ўз қалби соҳибасининг исмини биринчи марта эшитаётган эди-да.— Менимча, бунинг турган-битгани қонунга зид! Ҳайҳотдай қасрга қиз шўрликни дуэньяси билан ташлаб қўйиш жиноят-ку ахир!

— Нима бало, осмондан тушганмисан дейман, муҳожир? Ё қонунга зид иш қилиш бизда мутлақо табиий ҳол эканлигини билмасмидинг? Мана, биз қашшоқ хаттотлар торгина кулбада олти кишилаб яшаймиз, мансабдор зодагоннинг эса, боғлари, қават-қават ҳовлиларию копток ўйнайдиган зали бўлган анави каттакон мулки ҳувиллаб ётипти!

— Ие, бу қалъада ҳали копток ўйнайдиган зал ҳам борми?

— Ҳашаматли зал, биродар, ғоят ҳашаматли!

— Лекин Нель қасри қирол Франциск Биринчининг мулки-ку?

— Ҳа, албатта, лекин масалан, сен қирол Франциск Биринчига унинг бу мулкани ни́ма қилиши кераклиги тўғрисида қандай маслаҳат берган бўлар эдинг?

— Модомики, прево у ерда турмас экан, қирол қасрни бошқаларга берсин-да.

— Ҳай, ундай бўлса, қиролдан илтимос қил, қасрни сенга берсин!

— Бермай қаёққаям борарди?.. Сиз копток ўйинини яхши кўрасизми?

— Жудаям.

— Ундай бўлса, сизни келаси якшанба куни копток ўйинига таклиф қиламан.

— Қаерга?

— Нель қасрига.

— Қўлни ташланг, жаноби қирол қалъаларининг бошқарувчиси!.. Дарвоқе, ҳарҳолда сенга ўз исмиمنى айтишим керак-ку...

Лекин ажнабий йигит ўзини қизиқтирган ҳамма нарсани билиб олганди. Қолган гапларнинг, чамаси, унга қизиғи йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳамроҳининг, исмим Жак Обри, ўзим дорилфунун талабасиман, ҳозир Пре-о-Клердан келяпман, бугун одатни тарк этиб, қиттай ичган эдим, деган гаплари ошиқ йигитнинг бу қулогидан кириб, у қулогидан чиқиб кетди.

Улар Арфа кўчасига келишганида, Жак Обри ҳайкалтарош йигитга йўл кўрсата бошлади, ҳолбуки

Йигит, ўзи борадиган йўлни Жак Обридан ҳам яхшироқ биларди. Улар келгуси якшанба кунги туш пайтида Нель дарвозаси олдида учрашишга аҳдлашиб, бир-бирлари билан хайрлашишди. Шундан сўнг бири қўшиқ хиргойи қилиб, иккинчиси, хаёл суриб ўз йўлига равона бўлди.

Хаёл суриб кетаётган йигитнинг ҳақиқатан ҳам ўйлайдиган ўйлари кўп эди. У шу бир кун ичида, уч ҳафта давомида билганидан кўра кўпроқ нарсаларнинг тагига етганди.

Хусусан, йигит ўз севиклисининг Кичик Нель қасрида яшашини, у Париж превоси жаноб Робер д' Эстурвилнинг қизи эканлигини ва ҳатто исми Коломбалигини ҳам билиб олган эди. Кўриб турганимиздай, у вақтини бекор ўтказмаганди.

Йигит хаёлга чўмганча, Авлиё Мартен кўчасига Ёурилди-да, данғиллама бир бино олдида тўхтади. Бино дарвозасининг теппасига кардинал Феррарийнинг ганчкор герби бўртма тарзда чиройли қилиб ишланган эди. У дарвозани уч марта тақиллатди.

Шу заҳоти ичкаридан:

— Ким у? — деган тиниқ овоз эшитилди.

— Меиман, мадемуазель Катерина, — деб жавоб қилди нотаниш йигит.

— «Мен» деганингиз ким?

— Асканиоман.

— Вой, хайрият-е!

Дарвоза очилиб, Асканио ичкари кирди.

Ун саккиз-йигирма ёшлардаги, хийлагина қорамағиз, пастбўй, питрак, аммо қадди-қомати жудаям келишган дўндиққина бир қиз йигитни кўриб қувониб кетди.

— Мана, қочоқ келди! Мана у! — деб қичқирди қиз ва Асканионинг келганини хабар қилиш учун шошганидан қўлидаги шамчироқни бехосдан ўчириб қўйди. Лекин барибир ичкари ҳовлига йигитдан анча олдин чопиб, аниқроғи, учиб кириб кетди. Қиз шошганидан ҳатто дарвозани беркитишни ҳам унутган эди. Уни Катеринадан фарқли ўлароқ вазмин табиат бўлган Асканио ёпди.

Йигит ўқдай учиб кетган Катеринанинг шарофати билан қоронғуда қолган бўлса-да, саҳнига тош ётқизилган анчагина кенг ҳовлини дадил қадамлар билан босиб ўтди. Тошларнинг орасидан гиёҳлар ўсиб чиқа

бошлаган, атрофда эса бир-бирига қапишиб кетган аллақандай шумшук ҳужралар қад кўтарган эди. Зотан, кардиналнинг маскани айнан шундай нохуш, захкаш бўлиши керак. Рост, хонадон соҳиби анча вақтдан бери бу ерда яшамас эди. Асканио пўпанак қоплаб, кўкариб кетган пиллапоялардан югуриб чиқиб, бутун уйда ёритилган ягона залга — монастирь хўракхонасини эслатувчи кенг залга кирди. Одатда ҳамиша зим-зиё, бўм-бўш бўлиб ётадиган бу шумшук зал икки ой бурун нурга тўлган, одамларнинг шодиёна гангир-гунгури билан гавжум бўлган эди.

Дарҳақиқат, мана, икки ойдирки, бу қайҳотдай келадиган захкаш хўракхонада бир тўда сергайрат, хушчақчақ одамлар яшашар, ишлашар, вақтичоғлик қилишар: икки ойдирки, улкан зал гўё торайиб қолгандек туюла бошлади. Негаки, бу ерга ўнта дастгоҳ, иккита сандон, залнинг тўрига эса қўлбола темирчилик ўчоғи ўрнатилган эди. Залнинг қорамтир тусга кирган деворларига расмлар, моделлар осилганди. Омбурлар, болғачалар, эговлар қўйиш учун ўрнатилган тахта токчаларда дасталарига ғаройиб нақшлар солинган тиглари ғоятда нафис найза шамширлар, аскарли аслаҳалар, дубулғалар, совутлар, худолар ва маъбудаларнинг тасвири туширилган тилла нақшли қалқонлар терилган эди. Гўё бу қуроллар уларнинг асосий вазифасини унутиш учун шундай бежирим қилиб ясалгандек эди. Бу ерга ланг очиқ деразалардан ёруғ тушиб турар, эпчил ва хушчақчақ шогирдларнинг қўшиқлари ҳавони ларзага келтирарди. Кардиналнинг хўракхонаси заргарнинг устахонасига айлантирилган эди.

Бироқ, ўша 1540 йилнинг 10 июли оқшомида, ҳар яқшанба куни бекорчиликдан гавжум бўладиган бу зал бир зум сукутга чўмди. Бундай сукунат мазкур қасрда илгари, бир аср мобайнида муттасил ҳукм сурган эди. Худди Помпея¹ харобаларидан топилган ғоятда тиниқ ва нафис нақшли шамчироқ тўкин-сочин кечки овқатдан кейин ҳали йиғиштирилмаган столни ёритарди. Бу ҳол кардинал истиқомат қилувчи одамларнинг мири-

¹ Помпея — жанубий Италияда Везувий вулқони яқинига жойлашган милодий 79 йилда вулқон отилиши натижасида кўмилиб кетган шаҳар. Кейинчалик 1748 йилда бошланган қазиш натижасида бу антик даври шаҳрининг деворлари, ибодатхоналари, театр ва хонадонларининг қолдиқлари топилган (тарж.)

қиб ҳордиқ чиқаришни хуш кўришларидан, аммо рўза тутишни ёқтирмасликларидан далолат берар эди.

Асканио устахонага кириб келганида у ерда тўрт нафар одам бўлиб, булар — стол устини йиғиштираётган оқсоч кампир, боя ўчиб қолган шамчироқни ёқаётган Катерина, бурчакда, расм чизишга киришиш учун шамчироқ ёнишини кутаётган ёш рассом ва темирчилик ўчоғига суяниб, қўлларини кўксига чалиштириб турган устахона соҳиби эди.

Залга кирган йигитнинг кўзи ҳаммадан олдин шу одамга тушди.

Ҳеч бир кимсага ўхшамайдиган бу инсоннинг чеҳрасидан ажиб бир шижоат ва иқтидор нури ёғилиб турарди. Бу нур уни пайқамасликка уринган одамларнинг ҳам диққатини ўзига жалб қила оларди. Қирқ ёшлар чамасидаги, қотмадан келган норгул бу одамни фақат Микеланжелонинг¹ кескин қалами ёки Риберанинг² мўйқаламигина тўла тасвирлай олиши мумкин эди. Унинг чиройли, шижоатли қоматини, қорамағиздан келган, маънодор, улуғвор чеҳрасини суратга тушириш унча-мунча мусаввирнинг қўлидан келмасди. Кенг пешонасига ҳусн бўлиб тушган бароқ қошлари, негадир ҳали замон хўмраймоқчидек бўлиб кўринади. Порлоқ, бегубор, зийрак кўзларида гоҳ-гоҳ шоҳона ғазаб билан чақмоқ чақиларди. Меҳрибон ва мурувватли, лекин шу билан бирга хиёл истеҳзоли таббассуми ҳам ўзига ром қилар, ҳам ҳадик уйғотарди. У одати бўйича тимқора соқол-мўйловини силаб турарди. Узун-узун бармоқли эпчил, моҳир, бақувват, боз устига, зодагонларга хос бежирим қўллари, нигоҳ ташлаши, гапириши, бошини буриш одати, тийраклиги, маънодор ва салмоқли ҳаракати, Асканио кириб келгандаги бепарво қиёфаси — хуллас, бутун вужуди куч-қудрат билан йўғрилган эди, дам олаётган шер ҳам шер.

Катерина билан бурчакда расм чизиб ўтирган шогирд йигит ўртасидаги тафовут кишини ҳайратга соларди. Рассом йигит маъюс, одамови, тор пешонасини

¹ *Микеланжело Буонаротти (1475-1564)* — Италиянинг Уйғо-ниш даврида яшаган буюк рассоми, ҳайкалтароши ва архитектори. У яратган маҳобатли образлар иқтидор ва ҳаракат билан йўғрилгандир.

² *Рибера Хусене (1591-1652)* — машҳур испан рассоми; унинг асарларида аччиқ ҳақиқат акс этган.

ҳалитдан ажин қоплаган, лаблари чирт юмуқ Катерина эса тамомила унинг акси, худди қушдек хушвақт, эндигина очилган ғунчадек тароватли эди. Унинг порлоқ кўзлари қувлик билан боқар, лаблари эса садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб дам-бадам табассум қиларди. Йигит бир бурчакка тиқилиб олган, имиллаган, ланж табиат, ортиқча ҳаракат қилишдан қўрқаётгандек кўринарди. Катерина бўлса, доим зир югурар, гир-гир айланар, сакрар, бир зум ҳам жим ўтира олмас, бир сўз билан айтганда ғайрати ичига сиғмайдиганлар тоифасидан эди. Бу навнихол, беташвиш қиз руҳий безовталиқ нималигини билмасди.

У худди тўрғайдек шўх: овози эса қўнгироқдек жарангдор ва бегубор бўлиб, кечагина устахонада бошланган ҳаёти ниҳоятда қувноқлик, бамайлехотирлик ҳамда лоқайдлик билан ўтарди. Устахона соҳибининг унга «Скоццоне» деб қўйган исми жисмига жуда монанд эди, чунки бу сўз италян тилида «балои азим» деган сўзга яқин маънони билдирган ва ҳозирги кунгача шу маънони билдириб келади. Истараси иссиқ, ёқимтойгина, гўдак боладек шўх Скоццоне устахонанинг жон-дили эди: у қўшиқ айтганда ҳамма жим бўлиб қоларди: кулса, ҳамма қўшилишиб кулар, буйруқ берса, барча баробар итоат этарди. Унинг тантиқликлари, ғалати қилиқлари ҳам ўзига ярашар, ҳеч кимнинг аччиғини келтирмас эди.

Скоццоне ҳаётининг тарихи узун: кези келганда, эҳтимол бу тарихга яна қайтармиз ҳам. Оддий халқ орасидан чиққан бу қиз етимликда ўсган, жуда кўп мусибатларни бошидан кечирган... Лекин унга бахт кулиб боқди, эндиликда Катерина шундай самимият, шундай соддадиллик билан қувонардикки, натижада бу кайфият атрофидаги одамларга таъсир этар, улар ҳам бундай шодмонликдан баҳраманд бўлар эди.

Алқисса, биз сизларни романнинг янги иштирокчилари билан таништириб чиқдик, энди ҳикоямизни давом эттирсак ҳам бўлади.

— Ҳа-а, келдингми? Қаёқларда қолиб кетдинг? — сўради устоз Асканиодан.

— Қаёқда бўларди? Сизнинг топширигингизни бажариб юрган эдим, устоз.

— Эрталабдан бери-я?

— Ҳа, эрталабдан бери.

— Ростингни айт, сен бирон можаронинг пайида тентираб юргансан!

— Қанақа можарони айтяпсиз, устоз? — деди Асканио ғўлдираб.

— Мен қаёқдан билай?!

— Вой ўлмасам, мунча рангингиз ўчиб кетипти, Асканио! — деб юборди Скоццоне. — Ҳали кечлик ҳам қилмаган бўлсангиз керак, жаноб дайди?

— Ростданам, ҳеч нима еганим йўқ! — деб жавоб қилди йигитча. — Бутунлай унутибман.

— О, ундай бўлса, мен устознинг фикрига қўшиламан!.. Буни қаранг-а, Асканио кечлик қилмабди! Демак, севиб қолган... Руперта! Руперта! Мессер¹ Асканиога овқат олиб келинг, тезроқ бўлинг!

Оқсоч кечликдан қолган овқатни олиб келди, очқаган йигит таомни иштаҳа билан ея бошлади. Ахир очқамай бўладими — шунча вақт очиқ ҳавода юрган бўлса!

Скоццоне билан устоз, жилмайишганча бири опалик меҳри билан, бири оталарча ғамхўрлик билан йигитнинг овқат ейишини кузатиб туришди. Бурчакда ўтирган рассом йигит Асканио залга кирганида бошини кўтариб қараган эди, лекин Скоццоне эшикни очгани юурганида олиб чиқиб кетган шамчироқни қайта жойига қўйиши билан яна бошини эгиб ишлай бошлади.

— Айтдим-ку сизга, устоз, кун бўйи сизнинг ишингиз ташвишида юрдим, деб, — деди Асканио. У устоз билан Скоццоненинг муғамбирона тикилиб туришганини сезиб, суҳбат мавзуини ўзгартирмоқчи бўлди шекилли.

— Ҳўш, менинг қайси ишим ташвишида юрувдинг кун бўйи?

— Ахир ўзингиз кеча, бу зал унча ёруғ эмас, бошқа устахона топишимиз керак, деб айтувдингиз-ку.

— Тўғри, топиш керак.

— Мен топдим ўша устахонани.

— Эшитяпсанми, Паголо? — деди устоз бошини кўтариб.

— Қани, расм чизишни бас қилиб, буёққа кел! Асканионинг гапини эшит. У устахона топибди!

¹ Мессер — жаноб.

— Узр, устоз, мен дўстим Асканионинг гапларини шу ердан ҳам яхши эшитаверамаман. Мен суратнинг хомакисини чизиб тугатмоқчийдим. Модомки, якшанба кунин християнлик бурчингни ихлос билан адо этган экансан, энди бўш вақтингда бирон фойдали иш билан машғул бўл, зеро бунинг ҳеч гуноҳ ери йўқ, ишламоқ ибодат қилмоқдир.

— Дўстим Паголо, — деди устоз бошини сарак-сарак қилиб, унинг овозида жаҳлдан кўра маъюслик оҳанги кўпроқ эди, — гапимга ишон: ундан кўра, бутун ҳафта муқим ўтириб ишласангу якшанба кунлари саховатли дўстларимиз қатори вақтичоғлик қилсанг яхшироқ бўларди. Лекин сен бегим кунлари ялқовлик қилиб, байрам кунлари ёлғондан ўзингни тиришқоқ қилиб кўрсатишга уринсан. Тўғри, ўзингга ўзинг хўжайинсан, ўз билганингча яшайвер... Хўш, қани гапир, ўғлим Асканио, — деб гапида давом этди устоз, унинг овозида бениҳол меҳр ва самимият оҳанги янгради, — нима топдинг?

— Ажойиб устахона топдим.

— Қаерда экан?

— Нель қасрини биласизми?

— Жудаям яхши биламан. Айтмоқчиманки, қасрининг ёнидан ўтганману, аммо ичига кирмаганман.

— Қаср ташқари томонидан сизга ёқадими?

— Бўлмасам-чи! Лекин...

— Нима лекин?

— Лекин банд бўлса керак?

— Уни Париж превоси жаноб Робер д'Эстурвиль банд қилган. Прево қасрни ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз эгаллаб олган. Шунга қарамай, биз виждон азобига тушмаслик учун, унга Кичик Нель қасрини қолдириб — у ерда превонинг қандайдир қариндоши яшаб турипти шекилли — ўзимиз катта Нель қасрини унинг барча ҳовлилари, майсазорлари, шер ва копток ўйнайдиган залларини эгалласак, шунинг ўзи ҳам кифоя.

— Ие, у ерда копток ўйнайдиган зал ҳам бор эканми?

— Флоренциядаги Санта-Кроче залидан ўлса ўлиги ортиқ.

— Бахус¹ ҳаққи онг ичиб айтаманки, бу менинг энг севимли ўйиним! Сен биласан-ку, Асканио.

¹ Бахус (юнон мифологияси) — май ва хушчақчақлик худоси.

— Биламан. Булардан ташқари, устоз, қасрнинг жойлашиши ҳам жуда қулай: ниҳоятда баҳаво жой, худди қишлоқ ҳавосини эслатади. Жинкўчага жойлашган мана бу исқирт, зимистон маконимиз қаёқдаю у ер қаёқда — қуёш бетини кўрмасак, ахир бунақада бизни пўпанак босиб кетади-ку. У ернинг бўлса, бир томони Пре-о-Клер, иккинчи томони — Сена дарёси ва қирол, қиролнинг ўзи икки қадам нарида, Луврда яшайди.

— Хўш, кимга тегишли экан ўша афсонавий қаср?

— Кимга бўларди? Қиролга-да!

— Қиролга?.. Қани, шу гапингни яна бир марта такрорла-чи! Нель қасри қиролга тегишли, дедингми?

— Ҳа, айнан ўшанга. Мана шу ажойиб масканни қирол сизга беришга рози бўлармикин — фақат шуни аниқласак бўлгани.

— Ким экан ўша қирол? Исми нима унинг, Асканио?

— Франциск Биринчи-да, албатта.

— Ундай бўлса Нель қасри бир ҳафтадан кейин меники бўлади.

— Лекин Париж превоси қаттиқ ғазабланса керак.

— Ғазабланса менга нима?

— Бордию у қасрни яхшиликча топширишни истамаса-чи?

— Истамайди? Хўш, мени ким деб аташади, Асканио?

— Бенвенуто Челлини, устоз.

— Бу демак, агар муҳтарам прево ўз ихтиёри билан қасрни тарк этмаса, унда куч ишлатиб, чиқиб кетишга мажбур қиладилар уни... Хўп, энди ётиб ухлайлик. Бу ҳақда эртага бафуржа гаплашиб оламиз. Кечаси ўйла, эрталаб сўйла, дейдилар.

Шундан сўнг, устознинг ишораси билан, Паголодан бошқа ҳамма ўз ётоқхонасига ухлагани кириб кетди. Паголо бурчакда яна бир оз ишлаб ўтирди, лекин ҳамманинг уйқуга ётганини сезгач, ўрнидан туриб, эҳтиёткорлик билан ҳар томонга кўз югуртирди-да, стол олдига келиб, қадаҳни тўлдириб вино қуйди ва уни бир кўтаришда ичиб, ётгани кириб кетди.

Иккинчи боб

XVI АСР ЗАРШУНОСИ

Модомики, биз Бенвенуто Челлинининг қиёфасини чизиб, исмини тилга олган эканмиз, муҳтарам китобхонларимиз, қиссамизнинг адабий мавзуини ойдинлаштириш ҳамда кейинги икки ойдан бери Францияда яшаб турган бу ғайриоддий инсон ҳақида батафсилроқ сўзлаб бериш учун бир оз мавзудан четга чиқишимизга ижозат берурлар, деган умиддамиз. Зеро, ҳали бу киши китобимизнинг бош қаҳрамонларидан бирига айланиши шундоқ ҳам сезилиб турган бўлса керак.

Бироқ биз биринчи навбатда XVI аср заршуноси қандай одам бўлгани ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз.

Флоренцияда Кўҳна кўприк деб номланган бир кўприк бор. Бу кўприк устига қурилган уйлар ҳозир ҳам турипти. Шу уйларга олтин ва кумуш буюмлар ясадиган устахоналар жойлашган эди.

Аммо бу буюмлар бизнинг бугунги тушунчамизга тўғри келмасди, чунки ҳозирги замонда олтин ва кумушдан нарса яшаш касб ҳисобланади, илгари бу санъат эди.

Шунинг учун ҳам бу устахоналарда ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўша устахоналарда ишланган буюмлардан мўъжизалироқ нарса дунёда топилмас эди. У ерда тарам-тарам ақиқдан ясалиб силлиқ пардозланган, атрофини аждаҳоларнинг тўлганувчи узун гавдалари ўраб олган қадаҳларни кўриш мумкин бўларди. Қадаҳларнинг сиртига ўралган афсонавий махлуқлар бошларини кўтариб, тилла юлдузчалар билан безатилган зангори қанотларини ёйганча, ўт пурковчи оғизларини катта-катта очиб, бир-бирларига ёқут кўзларини тикиб турардилар. Сиртини печак гул навдаси чирмаб олган ақиқ кўзалар ҳам бўларди. Банд сифатида ясалган бу печак гул кўзачанинг оғзигача етган бўлиб, унинг зумрад япроқлари орасига яширинган, силлиқ қилиб сирланган ғаройиб жаннат қушлари худди тирикдек, гўё ҳозир сайраб юборадигандек туюларди. Ложувард тошдан ишланган хокдонларнинг ҳар бирида иккитадан калтакесак гўё чанқоғини қондирмоқчи бўлгандай, хокдон узра бошларини эгиб турардилар.

Зўр маҳорат билан зарб қилинган бу жониворларнинг товланиб турувчи олтин баданларини кўрган ҳар бир кимса, улар «тиқ» этган товушни эшитиши ҳамано девор ёруғига қочиб кириб кетишадди, деб ўйлаши мумкин эди. У ерда яна турли жомлар, эҳсондонлар, бринж¹, кумуш, олтин медаллар ҳам бўларди. Буларнинг ҳаммаси қимматбаҳо тошлар билан безатилганлиги учун дафъатан лаъл, топаз, ёқут, олмосларни дарё соҳилидаги қумдан ё йўлдаги тупроқ орасидан териблиш мумкиндек туюлар эди. Ниҳоят у ерда нимфалар,² наядалар³, худолар, маъбудалар, яъни мунаввар Олимпнинг жами аҳли⁴, Исо банд этилган чормихлару Голгофа⁵ тасвирланган хочлар билан, маънос биби Марьямлару Венералар⁶, Исо пайғамбару Аполлонлар⁷, чақмоқ отиб момақалдироқ яратувчи Юпитерлару⁸ дунёни барпо қилувчи Иеговаларнинг жажжи ҳайкалчалари аралаш-қуралаш бўлиб ётарди.

Буларнинг ҳаммаси наинки зўр маҳорат билан ишланган, шунингдек шоирона илҳом туйғайли вужудга келган бўлиб, нафақат хонимларнинг хосхонаси учун яратилган чиройли безаклар сингари малоҳатли, балки қиролнинг ҳукмронлик қилган даврини ёки миллат руҳини абадийлаштиришга қодир энг буюк санъат асарлари каби олижаноб эдилар.

Дарвоқе, у давр заршуносларининг исмлари Донателло Ҳиберте,¹⁰ Гирландайо¹¹ ва Бенвенуто Челлини эди.

¹ Бринж — бронза. (тарж.)

² Нимфалар — (юнон мифологиясида) табиат қувваси ва ҳодисаларини иддаловчи навниҳол илоҳалар.

³ Наядалар — (юнон мифологиясида) сув санамлари.

⁴ Қадимги юнон мифологияси бўйича, Олимп тоғи худолар маскани бўлган.

⁵ Голгофа — Ерусалим (Қуддус) шаҳри яқинидаги тепалик. Исо пайғамбар шу тепаликда чормих қилинган.

⁶ Венера — Рим мифологиясида аввалига баҳор ва бог-роғлар маъбудаси, кейинчалик юнон маъбудаси Афродита билан тенглаштирилиб, муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси сифатида эъзозлай бошлаганлар.

⁷ Аполлон — Юнон мифологиясида шифокор ва соҳибқаромат тангри. Уни Феб деб ҳам юритадилар.

⁸ Юпитер — Рим мифологиясида олий худо, у юнон мифологиясидаги Зевс билан мос келади.

⁹ Иегова — Яҳудо динида худонинг исми.

¹⁰ Ҳиберти Донателло (1386-1466) — машҳур италян ҳайкалтароши.

¹¹ Гирландайо Доменико Бигорди (1449-1498) — флоренциялик rassом.

Бенвенуто Челлинининг ўзи энг қизиқарли роман-дан ҳам мароқлироқ бўлган кечмишлари тўғрисида, XV ва XVI асрларда яшаб ижод қилган мусаввирларнинг хавфи саргузаштларга бой ҳаётлари тўғрисида ҳикоя қилган эди. Дарҳақиқат ўша пайтларда Тициан¹ совут кийиб расм чизган. Микеланжело ёнидан шамширини қўймай ҳайкал тарашлаган, Мазаччо² билан Доменикино³ заҳарлаб ўлдирилган, Козимо⁴ бўлса, ўз қалъасига беркиниб олиб, пўлат шамширини, ҳатто порфирни⁵ ҳам кеса оладиган қилиб чархлай бошлаган эди.

Биз китобхонни Бенвенуто Челлини билан таништирар эканмиз, унинг ҳаётидан фақат бир лавҳани, Францияга келиши сабабини ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Бенвенуто, папа Клемент VII томонидан Римга чақиртириб олинганидан буён ўша ерда яшаб, папанинг буюртмаси — гаройиб черков жоми устида берилиб ишларди. Лекин моҳир санъаткор бу қимматбаҳо жомни ниҳоятда зўр эътибор билан безамоқчи бўлгани сабаби иш жуда секин борар эди. Турган гапки, Бенвенутонинг ҳасадгўйлари кўп эди. Чунки у Херцоглар, қироллар ва папалардан наф келтирадиган буюртмалар олар ҳамда уларни беқиёс маҳорат билан бажарарди. Оқибат шундай бўлдики, Бенвенутонинг касбдошларидан бири — Помпео исмли ўлгудек танбал ва игвогар заргар Челлини ишининг суист бораётганидан фойдаланиб, уни папанинг олдида бадном қила бошлади. У худонинг берган куни муттасил, гоҳ ими-жимида, гоҳ баралла овоз билан ҳаммани ишонтириб, Бенвенутога тухмат ёғдира бошлади. Помпео тарқатган игволарга кўра, гўё Бенвенуто ҳеч қачон жомни

¹ *Тициан Тициано Вечелио (1489-1576)* — буюк итальян рассоми, Венеция мактаби намойндаси.

² *Мазаччо Томмазо (1401-1428)* — илк Уйғониш даврида яшаб ижод қилган буюк итальян рассомларидан бири.

³ *Доменикино Пампьеро (1581—1641)* — таниқли итальян рассоми, Болоньяда уғилган.

⁴ *Козимо Медичи (1519-1547)* — 1537 йилда херцог бўлган, шафқатсиз қиргин йўли билан Флоренцияда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаган ва бутун Тоскана вилоятини бирлаштириб, ўзини Тоскана херцоги Козимо I деб юрита бошлаган.

⁵ *Порфир* — вулқонли тоғ жинси — қурилиш материали сифатида ишлатилади.

ишлаб ниҳоясига етказа олмасмиш, негаки, унинг қўли бандмиш, яъни ҳазрати бузрукнинг буюртмасини бир четга қўйиб, бошқа ишларни бажараётганмиш. Бу муҳтарам зотнинг найранглари ахийри ўз таъсирини кўрсатди. Бир куни у Бенвенто Челлинининг уста-хонасига оғзи қулоғида кириб келди. Буни кўрган санъаткор Помпеонинг шум хабар олиб келганини дарров пайқади, албатта.

— Мана, ардоқли ҳамкасб, — деб гап бошлади Помпео, — мен сизни машаққатли мажбуриятингиздан халос этгани келдим. Ҳазрати бузрук жомни ғайратингиз этишмаганидан эмас, блки вақтингиз зиклгидан ясаб тугата олмаслигингизни яхши тушундилар. Шунга кўра, ҳазрати бузрук сизни айрим муҳим ишлардан халос этишга қарор қилиб, ўз хоҳишлари билан зарбхона наққоши лавозимидан бўшатдилар. Бундан буён сизнинг мойнангиз тўққиз дукатга камаяди, лекин кунига бир соатдан ортиқча вақтингиз бўлади.

Бенвенуто Челлинининг газабдан қони қайнаб кетди, бу ичиқора одамни у деразадан улоқтириб юборишга ҳам тайёр эди-ю, лекин ўзини босди — унинг чеҳрасида биронта ҳам ўзгариш сезилмади, шунда Помпео, зарба нишонга тегмади, деган қарорга бориб, яна гапини давом эттирди:

— Ҳа-я, яна бир гап, — деди у. — Сабабини билмайман-у, лекин қанчалик сизнинг ёнингизни олишга ҳаракат қилсам ҳам, барибир ҳазрати бузрук, жомни, ҳозир қандай аҳволда бўлишига қарамай, дарҳол қайтариб беришингизни талаб қилмоқдалар. Ростини айтсам, азизим Бенвенуто, ҳазрати бузрук жомни бошқа бирон заршуносга бериб, ишни охирига етказдирмоқчи бўлсалар керак, деб ўйлайман. Мен бир дўст сифатида сизни бундан воқиф қилиб қўймоқчи эдим, холос.

— Э, йўқ, бунақаси кетмайди! — деб бақирди заргар худди илон чаққандек «дик» этиб ўрнидан тураркан. — Зарбхона папанинг мулки бўлганидек, жомнинг ҳам хўжайини мен бўламан. Ҳазрати бузрук менга иш ҳақи сифатида олдиндан тўлаган беш юз эю пулни талаб қилишга ҳақли. Лекин мен ўз асаримни хоҳлаган пайтимда ясаб битиравераман.

— Эҳтиёт бўлинг, маэстро, — деди Помпео, — бу гапларингиз сизни қамоқхонага рўпара қилмасин тагин!



— Сиз эшаксиз, тақсирим! — деди унга жавобан Бенвенуто Челлини.

Помпео газабдан нақ ёрилгудек бўлиб бу ердан чиқиб кетди.

Эртаси куни Бенвенуто Челлинининг ҳузурига ҳазрати бузрукнинг иккита газначиси кириб келди.

— Биз папанинг фармойиши билан келдик қошинга, — деди улардан бири. — Сен жомни қайтариб беришинг керак, сўнгра сени қамоқхонага кузатиб қўюрмиз.

— Жаноблар, — деди Бенвенуто, — камина фақат сиздек соқчиларгагина муносибдурман. Бўлганича бўлди, олиб бординг мени қамоқхонага. Лекин сизларни огоҳлантириб қўяй: бу қилмишингиз, папанинг жоми устида олиб бораётган ишимни зиғирча ҳам тезлаштира олмайди.

Шундан сўнг Бенвенуто газначилар билан бирга қирол қамоқхонаси нозирини ҳузурига борди. Нозир уни дастурхонга таклиф қилди. Балки бу зиёфат папанинг кўрсатмаси билан бўлгандир. Муқаддас Малак қасрининг нозирини овқат пайтида Бенвенутога шундай маслаҳат берди:

— Сен, яхшиси, ўша ясаётган жомингни папага олиб бориб бериб, унинг кўнглини ол. Шундай қилсанг, Климент VII, гарчи қаҳҳор ва қайсар бўлса ҳам, шу итоаткорлигингдан қаноат ҳосил қилиб, жаҳлидан тушади.

Лекин Бенвенуто нозирга жавоб бериб, ўзи ясай бошлаган жомни ҳазрати бузрукка бир эмас, олти марта кўрсатганини, бинобарин, папа ундан ортиқ ҳеч нима талаб қила олмаслигини айтди. «Бундан ташқари, — деди у, — ҳазрати бузрукнинг лафзига унча ишониб бўлмайди. Зеро, у киши ўзининг юксак мавқеидан фойдаланган ҳолда, жомни мендан тортиб олиб, биронта «уста бузармон» галварсга ошириши ҳам мумкин». Лекин Бенвенуто ўзи олган бай пули — беш юз экюни ҳозир дейишса, ҳозир қайтариб беражagini яна такрорлади. Нозирнинг шундан кейинги куйиб-пишиб қилган ҳамма маслаҳатларига жавобан Бенвенуто фақат ошпазнинг пазандалигини мақтаб, столдаги виноларга таҳсинлар ўқиди, холос.

Тушлик овқатдан кейин бу ерга Челлинининг ҳамюртлари, қадрдон ёру дўстлари ва Асканио бошчилигида шогирдлари келишиб, ўз бошингизга фалокат

орттирманг, Климент VII нинг раъйига юра қолинг, деб ёлбора бошлашди. Лекин, маълум бўлишича, Бенвенуто, ҳатто заргар ҳам паланинг қайсарлигини қайсарлик билан енгиши мумкин, деган улкан ҳақиқатни кўпдан бери амалда синаб кўрмоқчи бўлиб юрган эди. Баски, шундай қулай имконият вужудга келган экан, уни қўлдан бой бермаслик керак. Зеро бундай ноёб вазият иккинчи марта такрорланмаслиги мумкин.

Бенвенутонинг ҳамюртлари қайрон бўлиб елкаларини қисишганча жўнаб кетишди. Дўстлари уни, телба бўлиб қолган, деб ўйлашди. Асканно бўлса юм-юм йиғлади.

Хайриятки, Помпео Челлинини унутмаган экан, юқоридаги воқеалар содир бўлаётган пайтда папа ҳузурига бориб, унга бундай деди:

— Ҳазрати бузрук, фақир қулингизга ижозат берсангиз, ул қайсар олдига одам юборурман: агар жудаём хоҳлаётган бўлса, майли, беш юз экю пулни қайтариб берсин. Мен сизга айтсам, Бенвенуто ўлгудек исрофгар, пулларини ҳуда-беҳуда совургани-совурган. Ҳамёнида ҳеч вақо йўқ, шунинг учун у жомни қайтаришга мажбур бўлади.

Помпео ўйлаб топган бу усул Климент VII га жуда маъқул тушди ва унинг ўз билганича иш кўришига ижозат берди. Натижада, ўша кун кечқуруноқ, Бенвенутони Муқаддас Малак қалъасидаги камерага олиб кетишаётганда, газначи келиб маҳбус заргарга бундай деди:

— Ҳазрати бузрук ҳозирнинг ўзида беш юз экюни қайтариб беришингизни ёки жомни топширингизни ихтиёр қилдилар.

Бенвенуто, ўз устахонамга қайтиб борган заҳотим беш юз экюни қайтариб бераман, деб жавоб қилди. Швецария гвардиясининг¹ тўрт нафар соқчиси билан газначи Бенвенутони уйига кузатиб бордилар. У ўзининг ётоқхонасига кириб чўнтагидан калит чиқарди ҳамда девор орасига ўрнатилган темир қутини очиб, каттакон ҳамён олди-да, газначига беш юз экю санаб берди ва шу заҳотиёқ у билан бирга швецариялик соқчиларни ҳам уйдан чиқариб юборди.

¹ Ўрта асрларда Швецария гвардияси ўзининг жанговарлик маҳорати билан довруқ қозонган: хорижий давлатлар швецарияликлардан кўпинча ёлланган аскар сифатида фойдаланганлар.

Швецарияликлар ўз хизматлари учун ҳатто тўрт эю мукофот ҳам олдилар. Бу Бенвенуто Челлинининг ҳиммати эди. Айни пайтда улар ҳам кета туриб, Челлинининг қўлини ўпиб миннатдорлик изҳор этдилар, илтифот кўрсатдилар.

Ҳазначи шу оннинг ўзида ҳазрати бузрукнинг қошига қайтиб бориб, унга Челлини берган беш юз эюни топширди. Бу ҳол падари бузрукни қаттиқ ранжитди. У хуноб бўлиб, Помпеони койий бошлади.

— Энди буюк ҳайкалтарошнинг устахонасига ўзинг бор, ҳайвон,— деб амр этди папа,— мана шу аҳмоқ қаллаиҗдаги бор фаросату назокатни ишга солиб, агар Бенвенуто менга жомни ясаб берса, унга хоҳлаганича имтиёз беришга рози эканлигимни айт.

— Лекин ҳазрати бузрук,— деди Помпео,— бу ишни эртага эрталабгача қолдириб турсак яхши эмасмикин?

— Ҳатто бугун кечқурун ҳам кеч бўлади, ҳафта-фаҳм тентак! Бенвенутонинг мен тўғримда ёмон фикр билан уйқуга кетишини истамайман. Хоҳишимни зудлик билан бажо келтир, токи эртага эрталаб уйғонганимда Бенвенутонинг розилик берганидан воқиф бўлай!

Помпео Ватикандан паришон ҳолда кўчага чиқди ва тўғри Бенвенутонинг устахонаси томон йўл олди. Устахона ёпиқ эди. У бирон ерда чироқ шуъласи кўринармикин, деб кулф тешигидан ҳам, эшик тирқишидан ҳам мўралаб, деразалардан ҳам қараб кўрди, лекин бутун уйни зулмат чуллаган эди. Олдинига у эшикни оҳистагина чертди, иккинчи марта қаттиқроқ тақиллатишга журъат этди, ундан кейин, учинчи марта қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

Шундагина иккинчи қаватдаги дарча очилиб, қўлига пилта милтиқ ушлаган, ички кўйлақдаги Бенвенуто кўринди.

— Ким у? — деб сўради Бенвенуто.

— Менман,— деб жавоб қилди югурдак.

— Мен, деганинг ким ўзи? — деб такрор сўради ҳайкалтарош, гарчи ўз ғанимини яхши таниган бўлса ҳам.

— Помпеоман.

— Елғон айтяпсан! — деди Бенвенуто.— Мен Помпеони жуда яхши биламан. У ўлғудек кўрқоқ, бемақалда Рим кўчаларида юришга юраги дов бермайди!

— Гапимга ишонинг ахир, азизим Челлини...

— Учир овозингни! Сен — ўзини танбал Помпео қилиб кўрсатаётган бир қароқчисан, ниятинг, эшикни очиб берсаму уйимга кириб, бутун бойлигимни талаб кетсанг-а?

— Маэстро Бенвенуто, ўлай агар...

— Яна «гинг» деб оғиз очсанг,— деб бақирди Бенвенуто пилта милтиқни ҳамсуҳбатига ўқталиб,— истагинг бажо келтирилади!

Шунда Помпео бутун кўчани бошига кўтариб дод солганча, оёғини қўлига олиб қоча бошлади ва муюлишда кўздан ғойиб бўлди.

У кетгач, Бенвенуто деразани ёпиб, пилтамилтиқни қозиққа осди-да, ғанимининг ўтакасини ёрганидан хурсанд, мийиғида кулиб қўйди ва яна ўрнига ётиб уйқуга кетди.

Эртаси куни эрталаб устахонага тушиб келган Бенвенуто Челлини бир соат бурун шогирдлари ланг очиб қўйган эшикдан, кўчанинг нариги бетида турган Помпеони кўрди. У бу ерга тонг қоронғусида келган ва заргарнинг пастга тушишини кутиб турган эди.

Помпео Челлинини кўриши ҳамоно унга шундай дўстона қиёфада астойдил таъзим қилиб саломлашдики, шу ёшга етиб ҳали ҳеч кимни бундай самимият билан қутламаган бўлса эҳтимол.

— Ие,— деди Челлини,— сизмисиз, азизим Помпео! Азбаройи худо, бугун тунда бир нобакорнинг додини бериб қўйишимга сал қолди — у ўзини сизнинг исмингни айтиб танитди, лаънати!

— Наҳотки!? — деди Помпео ўлганининг кунидан зўр-базўр тиржайиб, сўнг устахона томон қадам-бақадам яқинлашиб кела бошлади.— Қизиқ, нималар бўлди ўзи?

Бенвенуто ҳазрати бузрукнинг элчисига тунда юз берган воқеани сўзлаб берди, лекин Помпео Бенвенуто билан айнан ўзи гаплашганини бўйнига олмади, чунки ҳайкалтарош уни ўшанда қўрқоқ деб атаган эди-да. Челлини ўз ҳикоясини тугатгач, Помпеога савол берди:

— Қандай хушбахт ҳодиса туфайли сиздек азиз меҳмонни ўз ҳузуримда бунчалик барвақт кўриш шафафига мушарраф бўлиб турибман?

Шунда Помпео Климент VII нинг топшириғи ҳақида, турган гапки, айрим ерларини тушириб қолдириб, гапира бошлади. У ҳикоя қиларкан, Бенвенуто Челлинининг чехраси тобора ёриша бошлади. Демак, Кли-

мент VII таслим бўлипти. Заргар папанинг қайсарлигини қайсарлик билан енгган эди!

Помпео гапини тугатгач, Бенвенуто унга бундай деди:

— Бориб ҳазрати бузрукка айтингким, унга итоат этишни ўзим учун улкан шараф деб билурмен, бинобарин, унинг илтифотига мушарраф бўлмоқ учун бутун кучимни ишлатиб ҳаракат қилурман. Ул шоён илтифотдан эса ўз айбим ила эмас, ҳасадгўйларнинг туҳмати туфайли маҳрум бўлган эдим. Дарвоқе, папанинг қўл остида ундай хушомадгўйлар анча-мунча бор, шундай эмасми? Илтимос, жаноби Помпео, бугундан эътиборан менинг ҳузуримга бошқа хизматкорни юборишсин, шундай қилсак, сиз учун яхши бўлади. Агар ниятингиз тинч-хотиржам яшаш бўлса, жаноби Помпео, бундан буён менинг ишларимга асло аралашманг. Ўзингизга раҳмингиз келсин — ҳеч қачон йўлимга тўғаноқ бўла кўрманг. Алқисса, менинг руҳимни гуноҳга ботирмаслик учун, худога сиғиниб, ибодат қилингким, токи Юлий Цезарь Помпейнинг¹ суробини тўғрилаганидек, мен ҳам сизни гумдон қилиб қўймай.

Помпео бу ердан оёғини қўлига олиб қочиб қолди ва тўғри папанинг ҳузурига бориб, унга Бенвенутонинг жавобини баён қилди, илло заргарнинг охириги гаплари ҳақида лом-мим демади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Климент VII Бенвенуто билан батамом ярашиб олиш ниятида, унга ўз тасвири туширилган медаль буюртирди. Бенвенуто медални бориш, кумуш ва олтиндан зарблаб, папага олиб борди. Климент VII медални кўрдию ҳатто антик давр усталари ҳам бу қадар чиройли медаллар ясай олишмаган, деб заргарнинг маҳоратига таҳсин ўқиди.

— Жуда ҳам яхши-да, ҳазрати бузрук! — деди Бенвенуто. — Агар мен ўз сўзимда қаттиқ турмаганимда борми, биз тоабад аразлашиб қолган бўлур эдик. Мен сизнинг таҳқирингизни кечирмаган бўлардим, сиз ҳам садоқатли қулингиздан айрилиб қолардингиз. Мен

¹ Қадимги Римда, граждaнлар уруши пайтида Юлий Цезарь (милоддан олдинги 101-44 йиллар) ўз рақиби Гней Помпейнинг қўшинини тор-мор келтирган эди. Помпейни эса, Мисрга олиб бориб қатл қилган эдилар. Шундан кейин Цезарь Римнинг бепазир ҳукмдорига айланган. Бу эса сенат республикаси тузумидан империя тузумига ўтишнинг бошланиши эди.

сизга айтсам, падали бузрук, — деб эҳтиёткорона оҳангда гапида давом этди Бенвенуто, — онда-сонда донишманд авом халқнинг: «Етти ўлчаб, бир кес», деган оқилона мақолини эслаб иш кўрилса ёмон бўлмайди! Ана шунақа гаплар, ҳазрати бузрук. Яна бир гап: агар сиз гийбатчи ва тухматчиларнинг гапларига лаққа ишонишни буткул тарк этсангиз, жуда яхши иш қилган бўлур эдингиз. Буларнинг барини фақат сизнинг нафтингизни кўзлаб гапиряпман, келинг энди бу ҳақда бошқа сўзлашмайлик, падали бузрук.

Шундай қилиб, Бенвенуто Климент VII ни кечирди. Шуниси ҳам борки, агар у папани яхши кўрмаганида бу ишни қилмаган бўларди, чунки Бенвенуто ўз ҳамюрти бўлмиш папага меҳр қўйган эди.

Шунинг учун ҳам, ҳозиргина биз ҳикоя қилган воқеадан кейин орадан бир неча ой ўтгач, папа тўсатдан қаво қилганида Бенвенуто жуда қаттиқ қайгурган эди. У метин иродали одам бўлишига қарамай, бу шум хабарни эшитиб, дув-дув кўзёш тўкди, бир ҳафтагача худди гўдак боладек тинмай хўнграб йиғлади.

Умуман, папанинг ўлими бечора Бенвенуто Челлинини қўшалок фалокатга рўпара қилди, зеро, дафн маросими куни у Помпеони учратиб қолди. Улар Бенвенуто бошқа кўзимга кўринманг, деб маслаҳат берган ўша кундан буён бирон марта ҳам учрашмаган эдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўлгудек қўрқоқ Помпео Бенвенуто Челлинининг таҳдидидан кейин кўчага яхши қуролланган ўн иккита ёлланган аскар кузатувида чиқадиган бўлудди. Папа ўзининг швецариялик шахсий соқчиларига қанчадан тўласа, Помпео ҳам ўз қўриқчиларига шунча миқдорда ҳақ тўлар эди, хуллас, унинг шаҳар кўчаларидаги ҳар бир сайри икки, баъзида ҳатто уч экюга тушар эди. Лекин у Бенвенуто Челлинига рўпара келиб қолишини ўйласа, атрофида шунча соқчиси бўлишига қарамай, қўрқувдан дағ-дағ титрай бошларди. Ваҳолонки, мабодо бундай тўқнашув оқибатида Бенвенуто бирон фалокатга учраб-нетиб қолса, уни чин қалбдан хуш кўрувчи папа Помпеони соғ қўймаган бўлур эдики, буни у жуда яхши билар эди. Бироқ, яқорида айтганимиздек, Климент VII ўлдию Помпео анча энгил тортди.

Бир куни Бенвенуто марҳум папанинг пойига бош уриб ибодат қилгани Авлиё Пётр жомесига борди. У жомедан Асканио ва Паголо билан бирга Банчи

кўчасидан қайтаётганида бирдан Помпео ҳамда унинг бир дўжна ёлланган соқчиларига дуч келиб қолди. Помпео душманини кўриши билан ранги қув ўчиб кетди. Лекин атрофига кўз югуртириб ишончли соқчилари қурашовада эканини, Бенвенутонинг эса иккита ўсмир боладан бошқа таянчи йўқлигини сезиб бир оз дадиллашди. Бенвенутога истеҳзо билан бош ирғади ва ўнг қўлини гўё беҳосдан, ханжарининг дастасига қўйди.

Асканио устозига таҳдид солмоқчи бўлган соқчиларни кўрган ҳаманоқ қиличини яланғочлади, аммо Паголо ўзини гўё бошқа томонга қараб тургандек қилиб кўрсатди. Бенвенуто кучлар тенг бўлмаган бу жангда ўзининг ардоқли шогирдини хавф остига қўйишни истамади. У Асканионинг қўлидан маҳкам ушлаб, қиличини қивига солиб қўйишга мажбур қилди ва гўё ҳеч нима кўрмагандек ёки кўрган нарсаси унга мутлақо айил ботмагандек ўз йўлида кетаверди. Асканио устозини танимай қолган эди. Лекин устози олишувдан бош товлагач, у ҳам чекинишга мажбур бўлди.

Помпео ғолиб чиққан эди, шу боис у Бенвенутони масхаралаб, икки букилиб таъзим қилди-да, ўз йўлида кетаверди. Помпеонинг атрофидаги соқчилар ҳам ўз хўжайинларига тақлид этиб, ғашга тегувчи қилиқлар қилишди.

Бенвенуто, гарчи хушчақчақ бўлиб кўринса ҳам, ғазабини яширишга уриниб, лабларини тишлаб кўкартириб юборганди. Маълум ва машҳур устанинг қизиққонлик феълидан воқиф бўлган ҳар бир киши унинг ҳозирги рафторини кўриб ҳайрон қолган бўлур эди.

Мана, Бенвенуто юз қадамча юриб бориб, ўз ҳамкасбларидан бирининг устахонасига яқинлашди-да, яқинда Корнетода этруск¹ қабилаларининг кўҳна қабрларини қазиш пайтида топилган қадимги кўзани кўрмоқчиман, деган баҳона билан ўша уйга кирди. У ичкарига кираётиб ўз шогирдларига уйга бораверишни буюрди ва бир неча дақиқадан кейин ўзи ҳам орқаларидан етиб боражагини айтди.

Бу билан у Асканиони бу ердан узоқлаштиришни кўзлаган эди. Дарҳақиқат, Асканио билан унинг ҳамроҳи Паголо (Бенвенуто бу йигитнинг довжорак эмаслигини биларди, шунинг учун ундан хавотирда эмас эди!)

¹ Этрусслар — Италияда яшаган қадимги халқ.

муюлишдан бурилиб кетишлари билан устоз кўзани жойига қўйдию дўкондан ўқдек отилиб чиқди.

Бенвенуто боя Помпео билан учрашган кўчага бир зумда етиб борди, лекин у ерда Помпео кўринмади. Яхшиямки, ёки, аниқроғи, бахтга қарши, бир дўжна соқчилар қуршовида юрган одамни пайқаш қийин эмас. Бенвенуто биринчи тўқнаш келган одамдан Помпеонинг қай томонга кетганини сўраган эди, у дарҳол йўл кўрсатиб берди. Шунда уста изни топиб Помпеонинг орқасидан қува кетди.

Помпео Чиавика кўчасининг муюлишидаги дорихона эшиги олдида тўхтаб, унинг мўътабар соҳибига ўз жасорати ҳақида — Бенвенуто Челлинини қандай жангга ундаганини мароқ билан сўзлаб бераётган эди. Лекин шу пайт у бирдан муюлишда Бенвенутонинг ўзини кўриб қолди: унинг кўзларидан ўт чақнар, манглайи қора терга ботган эди.

Бенвенуто ўз ғанимини кўриб суюнганидан қийқириб юборди, Помпеонинг бўлса гапи чала қолиб, дами ичига тушиб кетди. Ҳозир даҳшатли воқеа содир бўлиши аниқ эди. Елланган соқчилар Помпеонинг атрофида давра қуриб, қиличларини қинларидан чиқардилар.

Ун уч кишига қарши ёлғиз ҳужум қилиш ғирт телбалик эди, аммо, юқорида айтиб ўтганимиздек, Бенвенуто ўзининг шердек довураклиги билан бошқалардан ажралиб турар, ҳеч қачон душманларнинг миқдорига эътибор бермас эди. Унга қарши ўн учта қилич ялангочланган эди. Бенвенуто эса бунга парво ҳам қилмай доим камарига қистириб юрадиган, унча катта бўлмаган ўтқир ханжарини қинидан суғуриб, соқчиларнинг қоқ ўртасига ёриб кирди ва бир қўли билан ғанимлардан икки-учтасининг қиличини тортиб олди, иккинчи қўли билан улардан баъзиларини ерга қулатди, натижада кўз очиб юмгунча вақт ўтмай, Помпеога якин бориб уни бўга бошлади. Лекин елланган соқчилар шу заҳоти Бенвенутони зич ўраб олишди.

Ана шунда қиличбозлик жанги бошланиб, ҳамма нарса қоришиб кетди.

У ердан дод-фарёдлар эшитилар, ҳавода қиличларнинг дамлари ялтираб кўринар, ерда эса улкан бешакл жонли бир тўп гоҳ у, гоҳ бу томонга думалар эди. Яна бир зумдан кейин шу тўп орасидан бир одам музаффарона ҳайқириб оёққа турди ва кучли ҳамла билан (бундан сал олдинроқ худди шундай ҳамла би-

лан ичига ёриб кирган эди) оломон орасидан отилиб чиқди, унинг ҳаммаёғи қонга бўялган, аммо қонли ханжарини ҳавода тантанавор силкитарди. Бу одам Бенвенуто Челлини эди.

Бошқа бир одам эса кўча ўртасида ўлим талвасасида типирлаб ётарди. Унинг икки ерига ханжар урилган, биринчи жароҳат қулоғи орқасида, иккинчиси ўмрови ёнида, бўйнида эди. Бир неча сониядан сўнг бу одамнинг жони узилди. У Помпео эди.

Агар Бенвенутонинг ўрнида бошқа одам бирон кишини ўлдирганида борми, шу заҳоти жонини ҳовучлаб қочиб қолган бўларди, лекин Бенвенуто ханжарини чап қўлига олиб, ўнг қўлига қилич ушлаб, ўн икки нафар ёлланган соқчига қарши аёвсиз жанг қилиш учун қатъий журъат билан шайланиб тураверди.

Лекин ёлланган соқчилар Бенвенутога ҳужум қилишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Чунки уларга ҳақ тўловчи одам ўлган эди, демак, энди ҳеч қандай маош бўлмайди. Оқибат, улар Помпео жасадини кўчанинг ўртасида қолдириб, қуён бўлиб қолишди.

Худди шу пайт Асканио етиб келди ва кела солиб, устозини маҳкам қучоқлаб олди. Йигит этруск кўзаси ҳақидаги гапга ишонмаган, шунинг учун йўлидан қайтган эди, лекин у қанчалик шошилган бўлмасин, бар бир, бир неча сонияга кечикканди.

Учинчи боб

ДЕДАЛ¹

Бенвенуто Асканио билан билан биргаликда уйга жўнади, у бир оз ташвишли кўринарди, уни жароҳатлари эмас, юз берган ҳодиса безовта қилаётганди. Жароҳатлари энгил бўлиб, Бенвенуто уларга эътибор ҳам бермаган эди. Бундан ярим йил бурун у ўз акасининг қотили Гасконтини нариги дунёга жўнатган бўлиб, фақат папа Климент VII нинг ҳомийлиги туфайлигина

¹ Дедал — юнон мифологиясида моҳир меъмор, уни ўзи қурган лабиринтга қамаганлар. Лекин у бу ҳибсдан ғайритабиий усул билан қочиб қутулган, яъни қушларнинг патларини бир-бирига мум билан ёпиштириб, ўзига қанот ясаган ва шу қанот ёрдамида ўгли Икар билан биргаликда ҳавога кўтарилган.

казодан қутулиб қолган эди. Бундан ташқари, қотилнинг ўлдирилиши интиқомдек гап. Лекин энди Бенвенутонинг пушти-паноҳи ўлган, унинг аҳволи ниҳоятда мушкуллашган эди.

Виждон азоби тўғрисида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Илло, умрида битта, аниқроғи, иккита одамни ўлдирган бизнинг муҳтарам устамизнинг (агар пухтароқ текшириб чиқилса, у ўлдирган одамлар балки иккитадан ҳам кўпдир) худонинг қаҳридан эмас, балки қамоқхона соқчиларидан кўпроқ қўрққани китобхонада ёмон фикр уйғотмаслиги керак.

Зеро бу одам милодий 1540 йилда, ўз даврининг, немислар таъбири билан айтганда, ҳамма қатори оддий бир кишиси бўлган эди. Бу тушунарли. У замонларда одамлар ўлимдан қўрқишмас, ўзлари ҳам совуққонлик билан одам ўлдиришарди, Ёзлар ҳозир ҳам довжоракмиз-у, аммо барибир аждодларимиз густоҳона жасорат кишилари бўлишган. У даврда одамлар ҳеч бир ташвишсиз ҳаётларидан воз кечишган, жон беришган, жон сотишган ва ўзгалар жонини олишган эди.

Бир ёзувчи ўтган бўлиб, одамлар унга жуда узоқ вақт тухмат тошларини ёғдиришган, хоин, бадқаҳр, қуллас, разолатни ифодаловчи қатор сўзлар билан монотлиқ қилишган эди. Фақат башарият тарихида барча асрлар ичида энг беғарази ҳисобланган XIX асрга келиб буюк ватанпарвар, мардонавор инсон бўлмиш ўша адибни оқлашди. Ҳолбуки мазкур ёзувчи — Никколо Макиавеллининг¹ бирдан-бир айби — ўз даврининг фарзанди бўлгани эди. У замонда ҳамма нарса уч-қудрат ва муваффақият билан ўлчанар, одамлар гапни эмас, ишни қадрлар эдилар. Шунинг учун ҳам ҳукмдор Боржа², мутафаккир Макиавелли ҳамда заргар Бенвенуто Челлинилар маблағлар миқдорини су-

¹ *Макиавелли Никколо (1469-1527)* — Италиянинг сиёсий арбоби ва адиби. У ўз давридаги тарқоқ ҳолда бўлган Италияни фақат қудратли монархия ҳокимияти бирлаштира олиши мумкин деб ҳисоблаган. Ўзининг «Подшо» номи китобида, бундай ҳокимиятни барпо қилишда қўл келадиган ҳар қандай воситани, ҳаттоки ошкора жиноятни ҳам маъқуллаган.

² *Боржа Цезарь (1476-1507)* — ўзининг очкўзлиги ва жиноятлари билан донг таратган машҳур Боржалар оиласининг аъзоси, папа Александр VI нинг ғайриқонуний ўғли. Цезарь Боржа бўҳтон ва хиёнат, захар ва ханжар билан ҳокимият тепасига йўл очган.

риштириб ҳам, имкониятнинг қулай ё ноқулайлигини мулоҳаза қилиб ҳам ўтирмай ўз мақсадлари сари тикка бостириб борган эдилар.

Кунларнинг бирида Чезен шаҳрининг майдонида тўрт бўлак қилиб чопиб ташланган бир ўликни топишди — бу Рамиро д' Орконинг жасади эди. Рамиро д' Орко муътабар зот бўлгани ва Италияда юксак мактабга эга эканлиги сабабли, Флоренция республикаси¹ бул зотнинг ўлими сабабини билмоқни ихтиёр қилди. Республика синьориясининг² саккиз аъзоси ўз элчилари бўлмиш Макиавеллига мактуб йўллаб, ундан илтимосларини қондиришни сўрадилар.

Шунда Макиавелли қуйидаги жавоб билан чекланган эди:

Муҳтарам синьорлар!

Сизларга Рамиро д' Орконинг ўлими тўғрисида ҳеч нима айта олмайман, фақат шуни эслатишим мумкинки, Цезарь Боржа — одамларни қилмишларига яраша қатл қилгувчи ва афв этувчи ҳукмдордир.

Макиавелли.

Бенвенуто Флоренция республикасининг машҳур сиёсий арбоби Макиавелли назариясининг амалий тимсоли бўлди. Буюк санъаткор Бенвенуто билан ҳукмдор Цезарь Боржа зўрлик ҳуқуқига амал қилган ҳолда, ўзларини қонундан юқори қўяр эдилар. Уларнинг ҳар бири назарида адолат ва адолатсизлик ўртасидаги тафовут фақат бир нарса: у ё бу ишни эплай олиш, ё эплай олмаслик билан ифодаланарди.

Халақит берган одамни йўқ қилардилар.

Бизнинг давримизда цивилизация инсонни ўзига оғдириб унга яхшилик қиляпти.

Лекин у замонларда ёш миллатлар шу қадар тўлақонли эдиларки, уларни соғломлаштириш учун қортиқ солиб қонларини олишарди. Миллат миллат билан, одам одам билан доҳилий даъват юзасидан, аҳён-аҳён-

¹ Урта асрда Италия жуда кўп майда давлатларга бўлинган бўлиб, улар ё бадавлат одамга қарашли республика-шаҳарлар бўлган, ёки князликлар бўлган.

² Синьория — Италиядаги республика-шаҳарлардаги ўзини-ўзи бошқарувчи шаҳар органи.

да ватан учун, онда-сонда бирон хоним туфайли, лекин аксарият ҳолларда шунчаки, бир муштлашиб хумордан чиқиш учун олишарди. Франциск¹ Карл² га қандай уруш эълон қилган бўлса, Бенвенуто ҳам Помпеога шундай уруш эълон қилган эди. Хуллас, Франциск билан Карл ҳеч қандай изоҳсиз, дабдабали жумлалару бетутуруқ сўзларсиз гоҳ Мариньянода³, гоҳ Павияда⁴ дам-бадам ўзаро жанг қилиб турдилар.

Натижада, даҳолар бевосита, худди туғма фазилатдек, худди эътирозсиз афзалликдек, худди илоҳий ҳақиқатдек пайдо бўла бошлагандилар, XVI асрда ижодиёт табиий бир ҳол эди.

Бироқ ҳеч нимадан ажабланмаган ўша замон одамларидан таажжуб қилиш керак эмас. Бинобарин, улар қилган қотилликни, уларнинг тантиқликларини, хурмача қилиқларини шарҳлаб бериш учун биз Францияда, айниқса бугунги кунда ҳамма нарсани аниқ тушунтирувчи ва тўғри деб топувчи: таомили ўзи шунақа, деган иборадан фойдаланамиз.

Шундай қилиб, Бенвенуто, шунчаки, таомилдаги ишни бажарган эди: Помпео Бенвенуто Челлинига ҳалақит берган эди. Челлини Помпеони гумдон қилди, вассалом.

Лекин полиция баъзи-баъзида бундай қотилликларни тафтиш ҳам қилиб қоларди. Полиция одатда, тирик

¹ *Франциск I* — Француз абсолют монархиясини тиклаш ва мустаҳкамлашда катта роль ўйнаган Франция қироли (1515-1547 йиллар) Франциск I нинг бадавлат Италияга истилочилик юришлари ўзаро савдонинг ривожланишига ва Франция буржуазиясининг тараққий этишига имкон яратиб берди, унинг замонида Францияда Уйғониш даври маданияти гуллай бошлади. Қирол Франциск санъат ва илм-фанга ҳомийлик қилди, италиялик усталарни ўз саройига таклиф этди. Парижда дунёвий фанлар университети, француз Коллежини очди, ўзи ҳам шеърият билан шуғулланди.

² *Карл V* — 1515 йилдан 1556 йилгача Италия қироли бўлган. У австриялик Ҳабсбурглар хонадонининг вакили 1519 йилда Муқаддас Рим Империясининг императори этиб сайланади, натижада Испания ва унинг мустамлакалари, Нидерландия, шунингдек, Австрия, Германия ва Италиянинг ерларини ўзига қамраб олган улкан феодал давлатининг ҳукмдори бўлиб қолади. Бу нарса Франциянинг савдо манфаатларига қаттиқ зарба беради ва Франциск I билан Карл V ўртасида кўп йиллик урушнинг бошланишига сабаб бўлади.

³ Италиянинг Мариньяно шаҳри бўсағасида бўлган жангда (1515) Франциск I Карл V томонида туриб жанг қилаётган Швецария кўшини устидан ғалаба қозонган.

⁴ Павия яқинида бўлган жангда (1525) Франциск I мағлубиятга учраган ва испанлар томонидан асир олинган.

одамни муҳофаза қилишдан ўзини олиб қочар эди, лекин одам ўлдирилган чоғда, баъзан айбдорни жазога тортиш иштиёқида ёна бошларди.

У Бенвенуто Челлинига нисбатан ҳам шу йўлни тутди. Бенвенуто уйига келиб, эндигина айрим қоғозларни ёқишга ва бир неча экюни киссасига солишга улгурган эди ҳамки, папа ихтиёридаги соқчилар кириб, уни ҳибсга олдилар ва Муқаддас Малак қасрига олиб кетдилар. Ўзининг қаёққа кетаётганини эшитган Бенвенуто қувониб кетди. Чунки у Муқаддас Малак қалъасидаги маҳбусларнинг ҳаммаси дворянлар эканини биларди.

Қолаверса, ҳайкалтарош Муқаддас Малак қалъасига кириб борганида, миясига келган ажойиб фикр, ахир менда ихтирочилик қобилияти бор-ку, демак бир амаллаб қочиб кетаман, деган фикр таскин ва далда бўлди.

Шунинг учун, қалъага кириб келиши ҳамано яшил дастурхон ёзилган стол ортида бир тўп қоғозни тартибга солиб ўтирган нозирга қараб деди:

— Жаноби нозир, сизни огоҳлантириб қўяй, эшик зулфинларини, дераза панжараларини, соқчиларни уч карра кўпайтиринг, мени миноранинг қир учига ёки энг чуқур зиндонингизга қаманг, кечаю кундуз сергак бўлиб қўриқланг, барибир қочиб кетаман!

Нозир бошини кўтариб, такаббуруна гапираётган маҳбусни кўрди ва бир қарашдаёқ довурак Бенвенуто Челлинини таниди. Ахир у бундан уч ой муқаддам бу буюк заргарни тушлик билан меҳмон қилиш шарафига муяссар бўлган эди-да. Муҳтарам нозир Бенвенуто билан таниш эканлигига қарамай, эҳтимолки шу таниш бўлганлиги сабабли, унинг гапларини эшитиб қаттиқ саросимага тушиб қолди. Уголино авлодидан бўлган бу флоренциялик муҳтарам мессер Жоржонинг ақли хийла заиф эди. Шунга қарамай, у таажжубни тарк этиб, дарҳол ҳушини йиғиб олди ва Бенвенутони қалъа минорасининг энг тепласидаги камерага олиб чиқди. Ясси том камера учун шифт вазифасини ўтарди. Томда битта соқчи юрар, иккинчи соқчи эса пастда, шундоққина камера девори орқасида турар эди.

Нозир маҳбуснинг эътиборини мана шу тафсилотларга қаратди ва уни ҳайратда қолдирдим, деган қарорга келиб гап бошлади:

— Азизим Бенвенуто, зулфинни очиш ҳам, эшик-

ни бузиш ҳам, энг теран зиндондан ер ости йўли қазииш ҳам, соқчиларни пул билан қўлга олиш ҳам ёки уларни гафлатда қолдириш ҳам мумкин, лекин барибир бундай баландликдан водийга тушиб бўлмайди, башарти қанот боғлаб учмоқчи бўлсангиз, бошқа гап.

— Лекин мен барибир тушаман! — деб жавоб қилди Бенвенуто.

Нозир унга тикилиб туриб, бу маҳбус эсидан оғган кўринади, деб кўнглидан ўтказди.

— Демак, учар экансиз-да?

— Учсам учавераман ҳам! Зеро мен одамзоднинг парвоз қилиши мумкинлигига ҳамиша ишониб келганман. Фақат бу иш билан шуғулланишга ҳеч вақтим бўлмаган эди. Энди бу ерда, азбаройи шифо, вақт бемалол бўлади, шунинг учун бир уриниб кўрмоқчиман. Зеро Дедалнинг саргузаштлари уйдирма эмас, балки ҳақиқатда бўлган воқеадир.

— Қуёшдан эҳтиёт бўлинг, азизим Бенвенуто! — деди нозир истехзо билан.— Қуёшдан эҳтиёт бўлинг!

— Мен тунда учиб кетаман, — деди Бенвенуто.

Бундай жавобни кутмаган нозир миқ этмай қолди ва ғазабдан ёрилгудек бўлиб, чиқиб кетди.

Ҳақиқатдан ҳам Бенвенуто қандай қилиб бўлмасин бу қамоқхонадан қочиши керак эди. Аввалги вақт бўлганида-ку, қилган қотиллиги учун ташвиш ҳам тортиб ўтирмасди. Биби Марьямнинг ўлими куни ҳаворанг шоҳидан тикилган камзул устидан ридо кийиб маросимга қатнашса, бўлди, шунинг ўзи гуноҳини ювиш учун кифоя бўларди.

Лекин янги папа Павел III ўтакетган даражада кек сақловчи одам эди. Илгари у Фарнезеда кардинал бўлиб турганида Бенвенуто у билан бир кумуш гулдон устида жанжаллашиб қолганди. Гап шундаки, санъаткор гулдонни унга текинга беришдан бош тортган, шунда унинг эминенцияси¹ куч ишлатмоқчи бўлган. Бу ҳаракат ўз навбатида Бенвенутони эминенция хизматкорларига нисбатан бир оз қўполлик қилишга мажбур этган. Бундан ташқари, Франциск I нинг падари бузрукка, Ватикандаги ўз элчиси мўътабар зот Монлюк орқали мурожаат қилиб, Бенвенутони Францияга қўйиб юбо-

¹ *Эминенцияси* — Католик епископлари ва кардиналлариининг унвони.

ишни илтимос қилгани ҳам нафсониятига теккан эди.

Бу орада муътабар зот Монлюк Бенвенутонинг ҳибсога олинганидан воқиф бўлиб, шўрлик маҳбусга илтифот кўрсатмоқ ниятида уни озод қилишни Павел III дан қатъият билан илтимос қилаверган.

Лекин Монлюк янги папанинг феълини билмасди. Павел III ўзидан олдинги папа Климент VII дан ҳам бешбаттар қайсар эди. Алқисса, Павел III, Бенвенуто ўз қилмишлари учун қаттиқ жазога мустаҳиқ этилмай, деб онт ичди. Эҳтимол, Бенвенутони қатл этишга маҳкум этмаслар, зеро у пайтларда, папа Бенвенутодек маълум ва машҳур санъаткорни дор остига юборишдан олдин, яхшилаб ўйлаб кўрарди. Лекин маҳбусга бошқа хавф таҳдид солаётганди — унинг дунёда борлигини мутлақо унутиб юборишлари мумкин эди.

Биобарин, Бенвенуто ўз ғамини ўзи ейиши керак эди, шу боис тергов бўлмасдан, судда иши кўрилмасдан олдин, қамоқдан қочишга аҳд қилди, қолаверса, қачон тергов бўларкин, қачон суд қилишаркин, деб кута-кута ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди, чунки бу ишга қирол Франциск I нинг аралашганидан қони қайнаган папа Бенвенуто Челлини ҳақида эшитишни ҳам истамай кўйган эди.

Маҳбус бу гапларнинг ҳаммасини Асканиодан эшитди, Асканио устозининг устахонадаги ишини давом эттирар ва уни кўргани қалъага келиб турарди. У устози билан учрашиб туриш учун кўп қийинчилик билан рухсатнома олган эди. Турган гапки, учрашув пайтида устоз билан шогирдни бир эмас, иккита панжара ажратиб турар, қамоқхона соқчилари, тагин шогирд устозига биронта эгов ё арқон узатмасин, деб кўзларини лўқ қилиб уларни кузатиб туришарди.

Хуллас, нозир камера эшигини ёпиб чиқиб кетиши билан Бенвенуто ҳаммаёқни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

У, ўзининг янги маконида, яланғоч тўрт девор ичида қуйидаги нарсаларни кўрди: каравот, олов ёқса бўладиган ўчоқ, стол, иккита стул. Икки кундан кейин гил-тупроқ билан ҳайкал ясайдиган ёғоч куракча топтириб келтирди. Нозир аввалига маҳбуснинг бу ниятини эшитгиси ҳам келмади, лекин кейин балки ҳайкал-тарошнинг миясини чулғаб олган қочиш ниятини шу йўл билан бартараф қилиш мумкиндир, деган хаёлга

бориб, розилик берди. Бенвенуто ўша куниёқ Венециянинг улкан ҳайкалини яшашга киришди.

Бу албатта илк қадамлар бўлиб, у ихтиро қилишдан, сабр-бардош билан меҳнат қилишдан қочмаса, кўп нарсага эришиши мумкин эди.

Декабрь кунларининг бирида ҳаво жуда совиб кетди, шунда Бенвенуто Челлинининг камерасидаги ўчоққа ўт ёқишди. Қамоқхона соқчиси кириб, маҳбуснинг чойшабини алмаштирдию эскисини стулда унутиб қолдириб, ўзи ташқарига чиқди. У эшикни қулфлар-кулфламас, Бенвенуто «дик» этиб турди-да, бир ҳамлада чорпоя олдига етди ва ҳаш-паш дегунча тўшакнинг йиртиғидан бир қучоқ жўхори баргини тортиб олиб (Италияда тўшаклар ичига похол ўрнига жўхори барги тиқишарди), ўрнига иккита чойшабини тиқиб қўйди. Кейин ҳеч нарса бўлмагандай ҳайкал олдига борди ва куракчасини олиб яна ишлай бошлади. Худди шу пайт соқчи унутган чойшабларни олгани қайтиб кирди, ҳаммаёқни қидириб тинтиб чиқди ва мабодо кўзинг тушмадими, деб Бенвенутодан ҳам сўради, лекин ҳайкалтарош, гўё астойдил ишга берилган одамдек бепарволик билан, мен қаёқдан билай, балки ходимларингдан битта-яримтаси кириб олиб чиқиб кетгандир ё бўлмаса ўзинг бирон ерда унутиб қолдиргандурсан, деди. Соқчи ҳеч нимани сезмади, ахир у бир зумда қайтиб кирган эди-да, боз устига, Бенвенуто ҳам ўз ролини аъло даражада бажарганди. Хуллас, чойшаблар топилмадию соқчи ҳам бу ҳақда «чурқ» этиб оғиз очмасликни мыъқул кўрди, негаки у агар гапиргудай бўлса ҳақини ўзидан ундириб олишлари ё бўлмаса ишдан ҳайдаб юборишлари мумкинлигини яхши билар эди.

Ўз тақдири ҳал бўлаётганида инсон не-не мудҳиш изтиробларни, не-не огир ҳаяжонларни бошидан кечирмайди! Ундай пайтда энг оддий нарсалар улкан бир ҳодисага айланиб, унинг қалбини қувончга тўлдиради, ёхуд ширин умидларини поймол қилади.

Соқчи камерадан чиқиб кетиши билан Бенвенуто тиз чўкиб, кўрсатган ёрдами учун парвардигорга шукрона ўқиди. У чойшабларни бемалол тўшак жилди ичида қолдиришиям мумкин эди: каравот тўшалган, демак назоратчи эртага эрталабгача тўшак олдига бормаслиги аниқ.

Лекин Бенвенуто қош қорайгандан кейин чойшаб-

ларни олиб уч-тўрт энли кенгликда тилим-тилим қилиб йиртди-да, бақувват арқон эшди. Хайриятки, улар деярли янги бўлиб, матоси ҳам анчагина дағал экан. Кейин у гил-тупроқдан ҳайкалнинг қорини ёриб, ичини бўшатди, бебаҳо хазинаси — арқонни ўша ерга яширди ва қориннинг очиқ қолган ерига бир лўмбоз лой чаплаб, бармоқлари ҳамда ёғоч куракчаси билан яхшилаб шуваб қўйди. Буни у шундай усталик билан қилдики, энг зийрак санъаткор ҳам минг тикилгани билан бечора Венеранинг операция қилинганини пайқай олмасди. Эртаси куни нозир, ҳар галгидек, бехосдан камерага кириб келди, лекин маҳбус, ўз одати бўйича хотиржам ишлаб ўтирарди. Бенвенутонинг, кечаси қочиб кетаман, деган таҳдидидан қўрқиб қолган тентак нозир ҳар куни эрталаб, тагин камера бўм-бўш бўлса-я, деб юрагини ҳовучлаб кириб келар, лекин маҳбусни ўз ўрнида кўриши билан қувончини яшира олмай қолар эди.

— Очиғини айтсам, сизни деб ҳаловатимни йўқотдим, Бенвенуто,— дерди тентак нозир.— Лекин энди ўйлаб қарасам, сиз, қочиб кетаман, деб бекорга мени кўрқитган экансиз.

— Мен кўрқитганим йўқ, кўрқитмайман ҳам, жаноби Жоржо,— деб жавоб қилди Бенвенуто,— фақат огоҳ-лантиряпман, холос.

— Нима, ҳалиям учиб кетиш ниятидамисиз?

— Шукрки, бу қуруқ ният эмас, балки, азбаройи шифо, қатъий ишонч!

— Қандай разолат! Ахир қай йўсинда амалга оширасиз буни, а? — деб чинқариб юборди шўрпешона нозир, зеро Бенвенутонинг, қамоқхонадан учиб кетишим аниқ, деб айтган гоҳо сохта, гоҳо самимий гаплари унинг қонини қайнатарди.

— Энди буниси менинг сирим, тақсир. Лекин огоҳлантириб қўяй: қанотларим ўса бошлади.

Нозир беихтиёр маҳбуснинг елкасига кўз ташлади.

— Ана шунақа, мессер кастелян¹,— деб гапини давом эттирди Бенвенуто, ҳайкал ясагини қўймай — чамаси, у Венера Калипитанинг² рақибасини яратмоқчи эди.— Сиз билан икковимиз ўртамизда яккама-якка

¹ Кастелян — қалъа ё сарой нозир.

² Венера Калипита — муҳаббат ва гўзаллик маъбудасини ифодаловчи антик давр ҳайкали.

жанг боряпти, биз бир-биримизни жангга даъват этганмиз. Сизнинг ихтиёрингизда баланд-баланд миноралар, метин деворлар, мустаҳкам зулфинлару ҳушёр соқчилар: менда бўлса, каллам билан мана шу қўлларим бор. Шунга қарамай, огоҳлантириб айтаманки, сиз энгиласиз, буни ёдингиздан чиқарманг. Дарвоқе, яна бир гап... Сиз уддабурон одамсиз, ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб қўйгансиз, шунинг учун бу ердан учиб кетганимда, сиз, муҳтарам Жоржо, ҳеч кимдан ҳеч қандай таъна-маломат эшитмаслигингизни, зеро, мени бу ерда чиритиб йўқ қилиб юбориш учун қўлингиздан келган ҳамма чорани кўрганингизни ўйлаб, ўзингизга ўзингиз таскин беришингиз мумкин... Айтгандек, сиз манави ясаётган ҳайкалим тўғрисида қандай фикрдасиз? Санъатга нечоғли мойил одам эканингизни яхши билман.

Маҳбуснинг ўзини бунчалик катта олиб гапириши калтафаҳм нозирни гижинтирарди. Бенвенутонинг қочиб кетиши ҳақидаги фикр унга мудом тинчлик бермас, сал бўлмаса жинни қилаёзган эди. Бу ҳақда ўйласа, ғамга ботар, иштаҳаси бўғилар, худди дабудурустан туртиб уйғотилган одамдай, дам-бадам сесканиб-сесканиб қўярди.

Бир куни тунда Бенvenuto ясси том устида ғўнғир-ғўнғир овозларни эшитди, кейин бу овозлар йўлакдан эшитилди ва тобора яқинлашиб келиб, камера эшиги олдида тинди. Эшик бирдан ланг очилиб, остонада эгнига халат, бошига тунги қалпоқ кийган жаноб Жоржо, унинг орқасида эса — тўртта қамоқхона ходими билан саккизта соқчи кўринди. Нозир Бенвенутонинг тўшаги олдига пилдираб юриб келди. Унинг авзойи бузуқ эди. Бенvenuto ўрнидан туриб ўтириб, нозирнинг юзига тикилдию хахолаб кулиб юборди. Лекин нозир унинг кулгисига парво қилмай чуқур бир тин олди, одатда сувга шўнғиган одам, бошини сувдан чиқарган чоғда шундай тин олади.

— Э, худога шукр-е,— деб юборди нозир,— хайрият ситамгарим шу ерда экан! Тушнинг акси бўлади, деб тўғри айтишар экан!

— Ҳа, тинчликми ўзи? — деб сўради Бенvenuto Челлини.— Сизни шундай бемаҳалда кўришдек бахтга мушарраф бўлганингнинг боиси не, муҳтарам Жоржо?

— Ё Исо алайҳиссалом! Ҳа, тинчлик, бу сафар ҳам бир оз чўчидим, холос. Мен сизга айтсам, тушимда сиз-

нинг ўша машъум қанотларингиз ўсиб чиққанмиш, қанот бўлгандаям, баҳайбат қанотлармиш. Сиз Муқаддас Малак қалъаси узра бемалол парвоз қилармишсиз-да, менга қараб: «Алвидо, муҳтарам нозир, яхши қолинг! Сиз билан видолашмай учиб кетгим келмади, мана энди бутунлай учиб кетаман. Сизнинг дийдорингизни бошқа кўрмайман, шунинг учун ҳам беҳад хурсандман!» — дермишсиз.

— Наҳот шундай деган бўлсам, муҳтарам Жоржо?

— Айнан шундай дедингиз, бир сўзиям ёлгонмас...

О, Бенвенуто, сиз маҳбус эмас, бошимга битган бало бўлдингиз!

— Наҳотки сиз мени тарбия кўрмаган тўпори одам деб ўйласангиз? Яхшиямки, тушингизда кўрибсиз, йўқ-са, мен сизни кечирмаган бўлардим.

— Яхшиямки, ҳеч нима содир бўлмади. Тўғри, сизни бу ерда, қамоқда олиб ўтирибман, азизим, лекин эътироф этишим керакки, гарчи сиз билан мулоқотда бўлиш, менга унчалик ёқмаса ҳам, барибир ҳали узоқ вақт олиб ўтираман, деган умиддаман.

— Бу гапингизнинг устидан чиқа олмасангиз керак-ов! — деб Бенвенуто шундай виқор билан сўзладики, унинг бундай истеҳзолари ҳаминша қалъа нозири-нинг фиғонини чиқарарди.

Шундан кейин, нозир Бенвенутога лаънатлар ўқиб, камерадан чиқиб кетди. Эртаси куни қамоқхона соқчиларига, кечасию кундузи бирдай, ҳар икки соатда Бенвенутонинг камерасини кўздан кечириб туришни буюрди.

Бу ҳол бир ой давом этди, лекин ой охирига борганда Бенвенуто қочишга тайёрланыпти, дейишга ҳеч қандай асос йўқлиги аниқландию яна назорат сусайтирилди.

Аммо бу аснода, Бенвенуто, бутун ой мобайнида вақтни ғайриинсоний оғир меҳнат билан ўтказди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Бенвенуто камерага қадам қўйган чоғиданоқ уни синчиклаб ўргана бошлаган, ўша дақиқадан бутун диққат-эътибори бир нарсага: қамоқдан қандай қилиб бўлса ҳам қочиб кетишга қаратилган эди. Дарчага ўрнатилган панжара симлари шундай пухта ишланган эдики, уларни на суғуриб олиш, на ҳайкалтарошлик куракчаси билан қайириб, ўрнидан қўзғотиш мумкин эди. Ҳолбуки, Бенвенутонинг қўлида шу куракчадан бўлак ҳеч қандай

темир асбоб йўқ эди. Мўрконнинг эса, юқори қисми ниҳоятда тор бўлиб, ундан чиқиб кетиш учун маҳбус илонга айланиши лозим эди. Энди фақат эшик қолган эди. Ҳа, дарвоқе, эшик! Унинг қандай ясалганини бир кўздан кечирайлик. Бу эман дарахтидан ясалган икки энлик қалинликдаги эшик, иккита қулф билан қулфлашиб, тўртта зулфин билан беркитиларди. Унинг ички томонига тунука қопланган бўлиб, тунуканинг юқори ва пастки қисмига михлар қоқилиб, парчинлаб ташланганди.

Озодлик йўли мана шу эшик орқали ўтиши керак эди.

Бенвенуто бу эшикдан бир неча қадам нарида зина борлигини пайқаб қолган эди — томда қоровул алмашганида соқчи шу зинадан чиқарди. Бенвенуто ҳар икки соатда оёқ товушини эшитарди: бу — зинадан кўтарилаётган соқчининг оёқ товуши бўлиб, бир оздан сўнг бошқа соқчи шу зинадан туша бошларди. Орадан икки соат ўтгач эса яна оёқ товуши эшитилар эдию кейин икки соат мобайнида ҳаммаёқ сув қуйгандек тинч бўлиб қоларди.

Бор-йўқ вазифа иккита қулф билан қулфланган, тўртта зулфин билан беркитилган, бундан ташқари, биз юқорида айтганимиздек, ички томонига тунука қопланиб, юқори ва пастки қисми михлаб ташланган мана шу икки энлик қалинликдаги эман эшикдан ташқарига чиқиб олишдан иборат эди, холос.

Шундай қилиб, Бенвенуто шу бир ой ичида ҳайкал ясовчи куракча ёрдамида тунука қоқилган михларнинг ҳаммасини суғуриб олди. Фақат юқоридан тўртта, пастдан тўртта михни охириги дамга қолдирди. Кейин ҳеч ким ҳеч нима пайқамасин учун, пайдо бўлган чуқурчаларга лойдан мих ясаб ёпиштирди-да, уларнинг қалпоқлари устини темир қириндиси билан шундай беркитдики, энг кўзи ўткир одам ҳам ҳақиқий мих билан қалбаки мих ўртасидаги тафовутни пайқаб олмас эди. Эшикнинг юқориси ва пастидида олтмишта мих бор бўлиб, ҳар битта михни суғуриб олиш учун бир, ҳаттоки икки соат овора бўлишга тўғри келди. Маҳбуснинг ўз ниятини рўёбга чиқариш учун қанчалар заҳмат чекканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Кечқурунлари, ҳамма уйқуга ётган, фақат томда юрган соқчининггина оёқ товуши эшитилиб турган пайтда, маҳбус ўчоққа ланғиллатиб олов ёқар, сўнг

унинг чўғини эшикка қоқилган тунука остига уйиб-уйиб қўярди. Натижада, тунука қизиб чўгдек қизарар ва эшикни аста-секин куйдириб кўмирга айлантира бошлар эди. Лекин эшикнинг кўмирга айлангани ташқари томондан сезилмасди.

Юқорида айтганимиздек, Бенвенуто бутун ой мобайнида мук тушиб ишлади. Натижада, ой охирига келганда ҳамма ишни тугаллади ва қочиш учун қулай тун келишини кута бошлади. Лекин бундай тунни бир неча кун кутишга тўғри келди, чунки у айна ишни тугатган пайтда ойдин кечалар бошланган эди.

Бенвенуто ҳамма миҳларни суғуриб бўлган, энди қиладиган иши қолмаган эди, лекин у ҳамон эшикка қоқилган тунукани қиздиришда давом этар, ҳамон нозирни мазах қилишни қўймасди.

Бир куни нозир камерага ниҳоятда ташвишли қиёфада кириб келди.

— Қадрли маҳбус,— деб гап бошлади ҳамон миясига ўтириб қолган ғоя асоратида юрган муҳтарам жаноб Жоржо,— нима, сиз ҳали ҳам бу ердан учиб кетиш ниятингиздан қайтмадингизми? Қани, рўйирост гапираверинг.

— Ниятим қатъий, қадрли соҳиб,— деб жавоб қилди Бенвенуто.

— Менга қаранг,— деб гапида давом этди нозир,— сиз оғзингизга келган гапни жаврашингиз мумкин, аммо, очиқчасига гапирадиган бўлсак, ахир бу бўлмайдиган нарса.

— Сиз учун бўлмайдиган нарса, жаноби Жоржо, ҳа, сиз учун бўлмайдиган нарса!— деб гапни илиб кетди ҳайкалтарош.— Лекин ўзингиз жуда яхши биласиз-ку, мен бундай сўзни тан олмайман. Мен хом сут эмган бандалар эплай олмайдиган ишларни бажаришга одатланганман, бажарганда ҳам зўр маҳорат билан бажарганман, муҳтарам жаноб! Ахир табиат билан беллашиб, олтин, зумрад ва олмослардан эрмак учун дунёдаги энг гўзал гуллардан ҳам дилрабоқ гул ясаган, гул бўлгандаям марварид шудринг томчиларига чўмган гул ясаган мен эмасми? Балки сиз, ўшандай нозик гулларни ясаган одам қанот ясай олмайди, деб ўйларсиз?

— Е тангрим, ўзинг раҳм қил,— дея фарёд қилди нозир,— шу кетишда сизнинг бу манманлигингиз мени жинни қилиб қўйиши ҳеч гапмас! Айтинг-чи, қанотни

қандай шаклда ясамоқчисиз? Ахир ўша қанотлар сизни ҳавога кўтариши керак-ку... Лекин менинг назаримда, буларнинг ҳаммаси бўлмаган нарса.

— Дарҳақиқат, ўзим ҳам бу ҳақда кўп бош қотирдим, чунки парвозимнинг муваффақиятли ўтиши албатта қанотларнинг шаклига боғлиқ.

— Буни қандай тушуниш керак?

— Мана, эшитинг, қушларни кузатишим шуни кўрсатдики, парвозимнинг муваффақият қозониши учун мен фақат кўршапалак қанотидан андоза олишим лозим бўлади.

— Мени афв этасиз, Бенвенуто!— деб эътироз билдирди нозир.— Фараз қилайлик, сиз қанот ясадингиз ҳам дейлик, наҳотки, ўша қанотлардан фойдаланишга юрагингиз журъат эта олса?

— Сиз, муҳтарам нозир, қанот яшаш учун зарур бўлган буюмлар билан мени таъминланг, ана унда саволингизга жавоб бериш ўрнига учиб кетганимни кўрасиз.

— Хўш, нималар керак сизга?

— Э, тавба, арзимаган нарсалар: мўъжазгина темирчилик ўчоги, сандон, эгов, омбор ва пружина яшашга қисқичу, пардақанотлар тикиш учун йигирма газча келадиган клеёнка.

— Яхши, яхши,— деди мессер Жоржо.— Хайрияте, елкамдан тоғ ағдарилди: гарчи сиз ақлли бўлсангиз ҳам, айтганларингизнинг биронтасини ҳам топа олмайсиз.

— Мен уларни аллақачон топиб қўйганман,— деб жавоб килди Бенвенуто.

Нозир ўтирган ўрнида бир иргиб тушди, лекин шу заҳоти, қамоқхона шароитида қанот яшашга ҳеч ким қодир эмас, деган мулоҳазага борди. Шунга қарамай, бу бемаъни фикр унинг оғриган бошига ҳеч ором бермасди. Деразаси олдидан учиб ўтган ҳар битта қуш унинг кўзига Бенвенуто Челлини бўлиб кўринарди. Буюк алломанинг нодон одамга таъсири шу қадар кучли бўлган эди.

Ўша кунидеҳ жаноб Жоржо бутун Римда моҳирликда ягона ҳисобланган устага одам юборди ва унга кўршапалак қанотлари шаклида бир жуфт қанот ясаб беришни буюрди.

Ҳайратдан донг қотиб қолган уста чурқ этмай нозирга тикилиб тураркан, бу одам чиндан ҳам жинни бўлганга ўхшайди, деб ўйларди.

Лекин жаноб Жоржо, қанот ясайсан, деб оёғини тираб туриб олди. Зотан, жаноб Жоржо миясига келган ҳар қандай номаъқулчиликни қилса ҳам ҳамёни кўтарадиган бадавлат одам эди. Шунинг учун уста ўзига топширилган ишни бажаришга киришди ва бир ҳафтадан кейин бир жуфт ажойиб қанот ясаб келди. Бу қанотлар темир белдамча билан баданга уланар, ниҳоятда ғаройиб пружиналар орқали ҳаракатга келтирилар ва беҳато ишлар эди.

Мессер Жоржо устага аппарат учун келишилган хизмат ҳаққини тўлади, қанотларни ўлчаб кўрди, сўнг Бенвенуто Челлинининг камерасига чиқиб унга ҳеч нима демасдан, бутун камерани тинтиб чиқди. Каравот остига қаради, ўчоқни титиб кўрди, тўшакни пайпаслади, хуллас ҳамма бурчак-бурчакларни кўздан кечирди.

Кейин у, агар Бенвенуто сеҳргар бўлмаса, уста ясаб келган қанотга ўхшаш бир жуфт каттақон қанотни топа олмайдиган қилиб яшириши асло мумкин эмас, деган қатъий қарорга келиб, «чурқ» этмасдан камерадан чиқиб кетди.

Ношуд нозирнинг тобора ақлдан озаётганига энди ҳеч шубҳа қолмаган эди.

Жаноб Жоржо уйига келса, уни уста кутиб ўтирган экан.

— Сизга бир нарсани айтишни унутибман, жаноби Жоржо,— деди у.— Ҳар қайси қанотга биттадан темир ҳалқа кийдирилган бўлиб, улар учаётган одамни горизонталь вазиятда ушлаб туришга хизмат қилади.

Уста уйдан чиқиб кетиши билан жаноб Жоржо хонасининг эшигини ичидан беркитиб олди-да, белдамчани тақиб, қанотларни ёйди, ерга юзтубан ётиб олиб, оёқларини темир ҳалқаларга тикди, қанотларни қоқиб учмоқчи бўлди. Лекин у қанча терлаб-пишиб қанот қоқмасин, барибир ердан кўтарилмади. Икки-уч марта қилган ҳаракати зое кетгач, яна устага одам юборди.

— Тақсир,— деди у устага,— мен сиз ясаган қанотларни синаб кўрдим, улар яроқсиз бўлиб чиқди.

— Сиз қай йўсинда синаб кўрдингиз қанотларни?

Мессер Жоржо, қандай қилиб кетма-кет уч мартаба учишга уриниб кўрганини бутун тафсилоти билан сўзлаб берди.

Уста унинг изоҳини жиддий эътибор билан тинглаб бўлиб шундай деди:

— Бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ, сиз ерда ётган пайтингизда атрофингизда парвоз қилишингиз учун етарли миқдорда ҳаво бўлмайди. Сиз, яхшиси, Муқаддас Малак қалъасининг томига чиқиб, ўша ердан: юрак ютиб ҳавога парвоз қилишга уриниб кўринг.

— Шундай қилсам учаманми? Бунга ишончингиз комилми?

— Ишончим комил,— деб жавоб қилди уста.

— Модомики, шунчалик ишонар экансиз,— деди нозир,—бу қанотларни ўзингиз синаб кўрсангиз қандай бўларкин?

— Бу қанотлар менинг эмас, сизнинг вазнингизга мослаб бичилган,— деб эътироз билдирди уста.— Менин¹ жуссамни ҳавога кўтара оладиган қанотларнинг ҳар бири сизникидан бир ярим фут¹ каттароқ бўлиши керак.

Шундан сўнг уста таъзим бажо қилиб уйдан чиқиб кетди.

— Минг лаънат сендақа устага!— деб қолди мессер Жоржо унинг орқасидан.

Ўша куни ҳамма мессер Жоржонинг паришон бўлиб юрганини кўрди...

У кечқурун уйқуга ётиш олдидан барча ходимлар, назоратчилар, соқчиларни ўз қошига чақиртирди.

— Мабодо,— деди у,— Бенвенуто Челлинининг учишга шайланаётганини пайқаб қолсанглар, унга тўсқинлик қилманглар, майли, учаверсин, фақат менга хабар қилсанглар бўлгани! Ҳатто қоронғи тунда ҳам ўзим уни осонгина тутиб оламан, чунки мен ҳақиқий кўршапалакман. Бенвенуто бўлса, минг мақтангани билан барибир — қалбаки қуш.

Шўрлик нозир бутунлай ақлдан озган эди, лекин қўл остидаги одамлар, шояд уйқу уни бу дарддан фориғ қилса, деган умид билан эрталабгача кутишга, шундан кейингина папага хабар қилишга қарор қилдилар.

Бунинг устига, ҳаво айнаб, ёмғир шаррос қуяр, тун зим-зиё эди, бундай рутубатли тунда ҳеч ким ҳам кўчага чиқишни истамасди.

Аммо Бенвенуто Челлини муҳолифлик удумига амал қилган ҳолда, албатта, қамоқдан қочиш учун айнан шу тунни танлаган эди.

Шунга кўра, соат ўнга жом чалиб, соқчи алмашиши

¹ Фут — 30,48 см. га тенг узунлик ўлчови.

биланоқ у тиз чўкиб, астойдил ихлос билан иботат қилди-да, ишга киришди.

Биринчи навбатда тунукани тутиб турган охирги тўртта миҳни суғуриб олиш керак эди. Охирги миҳ лиқиллай бошлаганида ярим кечага жом чалинди.

Бенвенуто томга кўтарилаётган соқчининг оёқ товущини эшитди, у таққа тўхтаб, нафасини ичига ютганча, эшикка қулоқ тутди. Ниҳоят соқчилар алмашиниб, настга туша бошлади, оёқ товущлари узоқлашиб, ҳаммаёқ яна сукутга чўмди.

Жала қуя бошлади, ёмғирнинг деразага шатир-шутир урилаётганини эшитган Бенвенутонинг юраги қувончдан гурс-гурс ура бошлади.

Шунда у эшикка қопланган тунукаларни кўчиришга киришди. Миҳлари олиб ташланган тунукалар осонгина кўчди. Бенвенуто уларни оҳиста деворга ёнма-ён тираб қўйди.

Сўнг у чалқанчасига ётиб олиб, ҳайкалтарошлик куракчасини эшикнинг туб томонига зарб билан уриб йўна бошлади. У куракчани ханжардек ўткир қилиб қайраган ва унга ёғоч даста ўрнатиб олган эди. Қуйиб кўмирга айланган эман эшик зарбга дош беролмади. Бенвенуто ҳаш-паш дегунча, эшик тубидан ўзи бемалол сирадиган туйнук ўйди.

Сўнг у ҳайкалнинг қорнини очди ва ўзи тайёрлаган қўлбола арқонни олиб бир учини белига боғлади, юқорида айтганимиздек, қайрайвериб ханжарга айлантисан куракчаси билан қуролланди, шундан кейин, тиз чўкиб яна худога сизина бошлади.

Ибодат қилиб бўлгач, туйнукка олдин бошини, сўнг елкаларини тикиб, йўлакка чиқиб олди.

Бенвенуто «дик» этиб ўрнидан турди, аммо оёқлари дағ-дағ қалтирай бошлаганидан деворга суянишга мажбур бўлди, суянмаса йиқилиб тушиши аниқ эди. Унинг юраги худди кўксини ёриб чиқиб кетмоқчи бўлгандек қаттиқ-қаттиқ тепар, юзи чўғ бўлиб ёнар, нешонасини реза-реза тер қоплаган эди. У қўлбола ханжарининг бандини жон-жаҳди билан шундай сиқиб ушлаган эдики, гўё уни тортиб олмоқчи бўлган одамдан муҳофаза қилаётганди.

Ҳаммаёқ сукутда, «тиқ» этган товущ эшитилмас эди. Шунинг учун Бенвенуто дарров ўзига келди-да, деворни пайпаслаб йўлакдан оҳиста бораверди ва ниҳоят девор тугаганини сизди. У олға бир қадам

қўйган эди, оёғи томга олиб чиқувчи кўчма зинанинг биринчи поғонасига тегди.

У ёғоч пиллапояларнинг ҳар бир ғижирлашидан сескана-сескана юқорига чиқа бошлади ва кўп ўтмай шамол эсаётганини ҳис қилди, кейин юзини ёмғир томчилари савалай бошлади — унинг боши том сатҳидан баландроқ кўтарилган эди... Қочоқ маҳбус бу зим-зиё тунда чорак соатдан ортиқроқ туриб қолди. Шундан кейингина у нимадан қўрқиши ва нимадан умид қилиши лозимлигини тушунди.

Тарозининг палласи умид томонига оға бошлади.

Соқчи ёмғирдан қочиб, будкага кириб олган эди. Гап шундаки, Муқаддас Малак қалъасининг томида ҳар икки соатда алмашиб турувчи соқчилар, томни эмас, балки қалъани ўраган жарлик ва унинг теварак-атрофини назорат қилардилар, шунинг учун қоровул будкаси Бенвенуто Челлини чиқиб келган зинага орқа томонини ўгирган эди.

Бенвенуто иложи борича ўзини соқчи будкасидан нарироқ олишга уриниб, аста-секин эмаклаб том лабига етиб олди. Шу ерда у чойшаблардан эшилган арқоннинг бир учини кўҳна қалъа деворидан олти дюймча¹ туртиб чиқиб турган ғиштга маҳкам боғлади-да, бугун учинчи марта тиз чўкиб, пичирлаб ибодат қила бошлади.

— Ё тангрим! Ўзинг мадад бер, мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим.

У ибодатни тугатиб, арқондан ушлаб пастга сирғалиб туша бошлади. Маҳбус дам-бадам қалъа деворига урилар, гоҳ тиззаларини, гоҳ пешонасини чақа қилар, лекин бу жароҳатларга парво ҳам қилмас эди. Ниҳоят, у ерга тушди.

Оёғи ерга текканини ҳис қилган заҳоти, Бенвенутонинг қалбини ғайри таъриф шодлик ва ғурур туйғуси қамраб олди. У ҳозир ўзи арқонда сирғалиб тушган юксак ва баҳайбат деворни чамалаб кўрди-да, беихтиёр пичирлади. «Мана, энди мен озодман!» Лекин Бенвенутонинг қувончи узоққа бормади.

У орқасига ўгирилиб қаради, қарадио оёқлари қалтираб чалишиб кетди. Бу ерда қалъанинг яқинда қурилган янги девори қад кўтарган бўлиб, Бенвенуто ҳали бундан мутлақо беҳабар эди. У адои тамом бўлганини

¹ Дюйм — 25,5 мм. га тенг узунлик ўлчови.

тушунди. Бутун умидлари пучга чиққанига чидай олмай, ўзини ерга отди. Лекин у йиқилганида қандайдир бир қаттиқ нарсага урилди — бу узун жари эди. Бенвенуто ҳайрат ва қувончдан ҳатто қичқириб юбора-ёзди, у халос бўлганини тушунган эди.

Кўз очиб юмгунча ўтган вақт ичда инсон умидсизлик билан шондик туйғусини неча-неча марта бошидан кечиришини ўйласанг, ҳайрон қолади киши.

Бенвенуто харига ташланди.

Одатда денгиз ҳалокатига учраган одам чўкиб кетмаслик учун тахта порага шундай ёпишади. Бу харини иккита забардаст йигит зўр-базўр ердан кўтариши мумкин эди. Бенвенуто бўлса бир ўзи уни судраб бориб деворга тираб қўйди.

Кейин вақтни ўтказмай харига тирмашиб, бир амаллаб девор бошига чиқиб олди, чиқдию бирдан кучи кетиб, силласи қуриганини ҳис қилди, кейин харини деворнинг нариги томонига тушириш учун, уни юқорига тортиб олишга қанча уринмасин, ҳеч эплай олмади.

Бенвенутонинг кўнгли озиб боши айлана бошлади. У кўзларини чирт юмиб олди, атрофида олов алангаланиб ёнаётгандек бўлиб туюлган эди.

Шу пайт бирдан чойшабдан эшилган арқони эсига тушиб қолди.

Челлини харидан сирпаниб ерга тушди-да, арқон осилиб турган жойга югурди. Лекин у арқоннинг юқори учини бўғот ғиштира қаттиқ чандиб боғлаганлигидан уни тортиб тушира олмади.

Шунда Бенвенуто арқонга осилиб олиб, уни бирон еридан узиб юбориш мақсадида жон-жаҳди билан торта бошлади. Бахтига чойшаб парчаларини бир-бирига улаб турган тўртта тугундан бири ечилиб кетдию Бенвенуто қўлида йигирма футча узунликдаги қўлбола арқон билан ерга чалқанчасига йиқилиб тушди.

Унга керак бўлган нарса ҳам шу эди. Бенвенуто дик этиб ўрнидан туриб, яна харига тирмашиб юқорига чиқди, деворга миниб олиб, арқоннинг бир учини кўндаланг тўсинга боғлади. Кейин унга осилганча, сирғалиб туша бошлади. Аммо арқон тугаса ҳам ердан дарак йўқ эди. У оёқ учи билан пайпаслаб ерни қанча қидириб кўрмасин, урунишлари зое кетди. Кейин пастга қараб, ўзидан тахминан олти футча қўйида ерни кўрди ва арқонни қўйиб юбориб, шундоққина девор тагига тушди.

Тушдию ерга ётиб олди. Унинг мажоли қолмаган, қўл ва оёқларининг териси шилиниб кетган эди. Бенвенуто аъзойи баданидаги қон талашган жароҳатларга тикилиб, бир неча дақиқа ўтирди... Худди шу пайт соат бешга жом чалди, қочоқ осмонга нигоҳ ташлаб, юлдузларнинг аста сўна бошлаганини кўрди.

У эндигина ўрнидан тура бошлаган эди, ўзидан сал нарироқда соқчи пайдо бўлди. Бенвенуто уни шу чоққача пайқаммаган эди ва лекин соқчи уни анчадан бери кузатаётган эди. Бенвенуто ишнинг хароб бўлганини, агар ҳозир соқчини ўлдирмаса ўзи ҳалок бўлишини тушунди. Шу сабабдан камарига қистирган қўлбола ханжарини қўлига олиб, тўғри соқчи томон юра бошлади. Турган гапки, соқчига юзма-юз келаётган одам паҳлавон эмас, балки, бу дунёдан умидини узган, ҳозир ё ўламан, ё ўлдираман, деб қатъий қарор қилган бир маҳбус эди. Шу ваддан у чекинишни хаёлига ҳам келтирмади, бунинг иложи ҳам йўқ эди. Шунда соқчи, гўё қочоқни пайқаммагандек, унга орқасини ўгириб олди. Бенвенуто бунинг маъносини дарров тушунди.

У энди қалъанинг учинчи, энг охириги девори томон отилди. Бу девор ўн икки-ўн беш фут баландликда бўлиб, унинг ташқи томони зовур билан ўралган эди. Лекин Бенвенуто Челлинидек азаматни, тўғрироғи, ночор аҳволга тушиб қолган азаматни, турган гапки, бундай гов асло чўчита олмас эди, албатта. Ваҳолонки, у эшган қўлбола арқоннинг бир бўлаги том бўғотидаги ғиштга, яна бир бўлаги эса тўсинга боғлоглиқ қолган эди. Осилиб тушиш учун бошқа ҳеч нима қолмаган, бунинг устига, вақт ҳам ўтиб бораётганди. Ноилож маҳбус дилида яна бир бор худога сизгиниб кўзини чирт юмганча, ўзини пастга отди.

Бу сафар Бенвенуто йиқилган заҳоти ўзидан кетиб, камида бир соатча беҳуш ётди. Ниҳоят, тонг отарда эсган энгил шабададан кўзини очди. Кейин у яна бир дақиқача карахт бўлгандай ётди, сўнг қўли билан пешонасини силаб, ҳамма бўлган воқеани эслади.

Бенвенуто бошининг қаттиқ лўқиллаб оғриётганини сезди, кўзи қон томчиларига тушди — қон унинг юзидан худди тердек оқар ва ўзи ётган тош устига чакиллаб томарди. У ўзининг жароҳатланганлигини англади. Кейин яна пешонасини силади, бу сафар у фикрини бир ерга тўплаш учун эмас, балки жароҳатни пайпаслаб кўриш учун қўлини манглайига олиб борган эди. Бах-

тига жароҳатлари енгил бўлиб, шунчаки, териси шилинган, муҳими, боши лат емаган эди. Бенвенуто мийиғида кулиб қўйиб, ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин шу заҳоти йиқилиб тушди. Унинг ўнг оёғи тўпигидан уч энликча юқорироқдан синган эди. Оёғи увишиб қолганидан, аввалига оғриқни ҳам сезмаган экан.

Бенвенуто қўйлагини ечиб, узун-узун қилиб йиртди-да, синган оёғининг суяк бўлақларини бир-бирига тўғрилаб, маҳкам сиқиб боғлади, латта сирғалиб тушмасин учун, уни товонидан айлантириб ўради. Кейин Римга кирадиган дарвозалардан бири томон эмаклаб юра бошлади, дарвоза тахминан беш юз қадамча нарида эди.

Бенвенуто минг машаққат билан ярим соат ичида дарвоза тагига етиб борди, аммо у ёпиқ эди. Шу чоғ Бенвенутонинг кўзи дарвоза тагига тамба ўрнида қўйилган бир харсангтошга тушди. У тошни осонгина суриб қўйиб, ҳосил бўлган туйнукдан эмаклаб шаҳарга кирди.

Бенвенуто яна ўттиз метрча судралиб борди, лекин шу пайт бир гала оч, дайди итлар, қон ҳидини сезишиб, унга ташланишди. Челлини қўлбола ханжарини олиб энг баҳайбат очкўз итнинг биқинига санчиб уни ўлдирди. Қолган итлар шу ўлган итга ташланишиб, уни бир зумда еб юборишди.

Бенвенуто Транспонтан черковигача судралиб борди. Шу ерда бир сув ташувчига тўқнаш келиб қолди, у сув тўлдирилган кўзаларини эшагига ортаётган эди.

Бенвенуто сув ташувчини ёнига чақириб деди:

— Менга қара, ошна, мен жононимникига меҳмонга борган эдим, лекин уникига эшикдан кирган бўлсам ҳам чиқишда, деразадан сакрашимга тўғри келди. Иккинчи қаватдан сакраб оёғимни синдириб қўйдим. Агар мени Авлиё Пётр жомесининг бўсағасига оли бориб қўйсанг бир олтин танга бераман.

Сув ташувчи индамасдан ярадорни опичлаб олди-да, у айтган ерга олиб бориб қўйди. Кейин ваъда қилинган мукофотни олиб, ҳатто орқасига ўгирилиб ҳам қарамай, ўз йўлида кетаверди.

Бенвенуто яна эмаклаганча жомедан атиги бир печа қадам нарида турувчи Франция элчиси сеньор Монлюкникига етиб борди.

Сеньор Монлюк унга дарҳол ёрдам кўрсатди ва шундай меҳрибонлик билан парвариш қила бошла-

дики, Бенвенуто бир ойда дард кўрмагандай бўлиб кетди. Икки ойдан кейин гуноҳи кечирилиб, афвнома олди. Тўрт ойдан кейин эса Асканио билан Паголонни олиб, Францияга жўнаб кетди.

Шўрлик нозир эса телба бўлиб қолди. У доим ўзини кўршапалак деб фараз қилар ва мудом парвоз қилишга уринар эди. Шу дард билан ўлиб кетди.

Тўртинчи боб

СКОЦЦОНЕ

Бенвенуто Челлини Францияга етиб келганида Франциск I ўз сарой аъёнлари даврасида Фонтенбло қасрида дам олаётган эди. Шундай қилиб, қирол билан учрашишни кўпдан орзу қилиб юрган ҳайкалтарошнинг орзуси ушаладиган пайт келганди. Бенвенуто Фонтенблода меҳмонхонага кўниб, ўзининг ташрифи ҳақида кардинал Феррарийга хабар беришларини илтимос қилди. Қиролнинг Бенвенутони сабрсизлик билан кутаётганидан воқиф бўлган кардинал, бу хушxabарни дарҳол аъло ҳазратга етказди. Қирол ўша куниёқ Бенвенутони қабул қилиб, унга Челлини жуда яхши биладиган гоят ширали, бой тилда мурожаат қилди.

— Бенвенуто, бир неча кун вақтичоғлик қилинг, кулфату надоматларни унутинг, ҳордиқ чиқаринг, юракнинг чигилини ёзиб, кўнгилхушлик қилинг. Бу аснода биз сизга қандай гўзал санъат асари буюртма қилиш ҳақида ўйлаб кўрамиз.

Кейин Франциск I ҳайкалтарошни қасрга жойлаштиришни ва унинг барча истаklarини оғзидан чиқиб улгурмасиданоқ бажо келтиришни амр этди.

Шундай қилиб, Бенвенуто дабдурустан француз цивилизациясининг қоқ марказига кириб қолди. Бу тараққиёт гарчи ўша даврда Италия маданиятидан орқада бўлса ҳам, айни пайтда ундан ўзиб кетишга шайлана бошлаган эди. Ҳайкалтарош атроф муҳитни кўздан кечирар экан, ўзини ҳамон Тоскана пойтахтидагидек ҳис қиларди, зеро бу ерда ҳам у ўзини Флоренциядан таниш бўлган санъат асарлари ва расмлар қуршовида кўрган эди. Зеро бу ерда Леонардо да

Винчи билан маэстро Россодан кейин Приматиччо¹ ишлаган эди.

Алқисса, Бенвенуто мана шу машҳур санъаткорларнинг издоши бўлиши ва Европадаги энг нозиктаб сарой аҳлининг диққатини ҳайкалтарошлик санъати-га жалб қилиши лозим эдики, юқорида номлари зикр этилган санъатнинг уч буюк пири тасвирий санъат бобида қандай камолот чўққисига чиққан бўлса, Челлини ҳам ҳайкалтарошлик соҳасида шунчалик юксак маҳоратга эришганди. Шунга кўра, Бенвенуто қиролдан олдин отни қамчиламоқчи бўлди, яъни у ваъда қилган буюртмани кутиб ўтирмасдан, ҳозирданоқ ишга киришишга ва илҳоми буюрган биронта гўзал санъат буюмини ўз маблағи ҳисобига ясамоқчи бўлди. Қирол Челлини билан учрашган ўз қароргоҳини ниҳоятда қадрларди. Буни ҳайкалтарош бир қарашдаёқ пайқадди ва қиролга хушомад маъносида ажойиб ҳайкалча ясаб, уни «Фонтенбло Санами» деб аташга аҳд қилди.

У ғоятда антиқа бир асар — бугдой бошоқлари, эман япроқлари ҳамда ток новдаларидан гултож кийган ҳайкал ясашни кўзлади. Зеро Фонтенбло қасри водий ёқасига жойлашган бўлиб, теварак атрофи ўрмонзор, тоқзор эди. Бенвенуто тасаввур қилган санам ўзида учта энг дилбар маъбуда: Церера², Диана³ ва Эригоналар⁴ қиёфасини муштарак ҳолда акс эттирмоғи лозим эди. Ҳайкалтарош ўзи яратаётган ягона об-разда ҳар маъбуданинг махсус фазилатларини сақлаб қолмоқчи, ҳайкал ўрнатиладиган супанинг ёнларида учала маъбудага хос белгиларни акс эттирмоқчи бўлди. Челлинининг Персей⁵ супасини безаган антиқа

¹ *Приматиччо (1504-1570)* — Италия rassоми, ҳайкалтарош ва архитектори. У Леонардо да Винчи билан rassом Россо дель Россо (1494-1541) сингари Франциск I саройида ишлашга таклиф қилинган эди.

² *Церера (Рим мифологияси)*— ҳосилдорлик маъбудаси.

³ *Диана (Рим мифологияси)*— ов маъбудаси, ўрмонлар сохибаси, шунингдек, Ой маъбудаси.

⁴ *Эригона (Юнон мифологияси)*— май худоси, Бахуснинг соҳиб жамол маъшуқаси. Ўлганидан кейин уни худолар юлдузга айлан-тиришган.

⁵ *Персей (Юнон мифологияси)*— жуда кўп жасоратлар кўрсатган афсонавий қаҳрамон, хусусан, у аёл қиёфасидаги Медуза номли даҳшатли махлуқнинг калласини чопган. Ҳайкалтарош Бенвенуто Челлини Персейни қўлига Медузанинг калласини ушлаган гўзал йигит қиёфасида тасвирлаган.

тасвирларни кўрганлар, бу флоренциялик устанинг ҳайкалтарошлик санъатига хос гоаят ажиб деталларни қандай маҳорат билан ишлаганига шоҳид бўлган бўлишлари керак.

Бу ҳайкалтарош гўзалликни ҳис қилишда беназир санъаткор эди. Аммо юксак орзуни рўёбга чиқариш учун унга натурачи аёл керак эдики, ишнинг энг мушкул томони ҳам шунда эди. Ахир бир эмас, учта маъбуданинг энг латиф фазилатларини ўзида мужассамлаштирган аёлни қаердан ҳам топсин!

Рост, агар антик даврда, Фидий билан Апеллес¹ замонида бўлганидек, гўзал қомат соҳибалари бўлмиш маълум ва машҳур дилбар аёллар ҳайкалтарош қошига ўз ихтиёрлари билан келишганида борми, Бенвенуто улар ичидан ўзи ахтарган соҳибжамолни осонгина топган бўлар эди. Франциск I саройида гўзалликда камолотнинг сарчўққисига чиққан ҳақиқий Олимп маъбудалари: эндигина йигирма икки баҳорни кўрган Екатерина Медичи², «Тўртинчи гўзал»³ ва «Унинчи муза»⁴ номини олган Наварра қироличаси Маргарита де Валуа ва ниҳоят, бизнинг қиссамизда хийла муҳим роль ўйновчи, олималар ичида энг гўзал, гўзаллар ичида энг зўр олима деб доврўқ қозонган герцогиня д'Этамплар бор эди. Қисқаси, бу ерда дилбар аёллар санъаткор учун керагидан ортиқ топилар эди, бироқ, шунга қарамай юқорида айтганимиздек, Фидий ва Апеллеслар замони аллақачон ўтиб кетган эди.

Ҳайкал учун моделни, яъни натурачи аёлни бошқа ердан қидириш лозим эди. Шунинг учун ҳам,

¹ *Фидий* — Қадимги Юнонистоннинг энг буюк ҳайкалтароши — классик даврда (милоддан олдинги V аср) яшаб ижод қилган. Апеллес — Қадимги Юнонистоннинг энг машҳур рассоми (милоддан олдинги IV аср).

² *Екатерина Медичи (1519-1589)* — асли келиб чиқиши италиялик. Флоренция банкирлари ва герцоглари — Медичилар хонадонининг вакиласи, кейинчалик Франция қироличаси (қирол Ҳенрих II нинг хотини).

³ *«Тўртинчи гўзал»* — Рим мифологиясида эзгулик, шодлик ва ҳаётнинг мангу навқирон ибтидосини ўзида мужассамлаштирган учта гўзал маъбуда мавжуд. Маргарита де Валуани шу маъбудалар билан бир қаторга қўйилган (*Тарж.*)

⁴ *«Унинчи муза»* — Юнон мифологиясида шеърят, санъат ва илм-фанга ҳомийлик қилувчи тўққиз опа-сингил маъбудалар (уларнинг исмлари: Каллиопа, Клио, Мельпомена, Эвтерпа, Эрато, Терпсихора, Талия, Полигимния, Уралия) бор. Бу ўринда Маргарита де Валуа шу музалар билан бир қаторга қўйилган. (*Тарж.*)

Бенвенуто сарой аҳлининг Парижга отланаётганини эшитиб, беҳад қувониб кетди. Лекин бахтга қарши, Бенвенутонинг ёзишича, у замонларда сарой аҳли сафарда худди мотам маросимига чиққандек жуда имиллаб юрар, олдинда ўн икки-ўн беш минг отлиқ борар, атиги икки-учта кулбаси бўлган қишлоқларда ҳам манзил қуришар, ҳар куни кечқурун чодирлар тикишга тўрт соат, эрталаб уларни йиғиштириб йўлга отланишга яна шунча вақт кетар, шунинг учун ҳам қирол қароргоҳи билан пойтахт ўртасидаги масофа бор-йўғи ўн олти льё¹ бўлишига қарамай, Фонтенблдан Парижга беш кун деганда етиб келишар эди.

Бундай сафарга сабри чидамаган Бенвенуто Челлини, бир неча марта от чоптириб жўнаб кетишга чоғланди. Лекин кардинал Феррарий, агар қирол сизни кун давомида бирон марта кўрмаса, албатта, ҳайкалтарош қаерда деб сўрайди. Бордию аъло ҳазратлари беижозат жўнаб кетганингизни эшитиб қолса, бу хатти-ҳаракатингизни ўзига нисбатан беҳурматлик ўрнида қабул қилгай, деб ҳар гал уни шаштидан қайтарар эди.

Хуллас, Бенвенуто сабрсизлигини зўрға босишга уришар, узоқ тўхтаб қолишганида, «Фонтенбло Санамининг хомаки расмларини чизиб вақт ўтказарди.

Ниҳоят, улар Парижга етиб келишди. Бенвенуто биринчи навбатда Приматиччонинг ҳузурига борди. Леонардо да Винчи билан Россонинг Фонтенблодаги ишларини давом эттириш шу рассомга топширилганди. Приматиччо Парижда кўпдан бери яшар, шунинг учун натурачи аёлни топишда унга яхши маслаҳат бериши мумкин эди.

Кези келганда, Приматиччо тўғрисида икки оғиз гапириб ўтайлик.

Сеньор Франческо Приматиччо (у замонларда унинг исмига тугилган ерининг номини қўшиб Приматиччо да Болонья деб айтишарди, биз эса оддийгина қилиб Приматиччо деймиз) Жулио Романонинг² шогирди бўлиб, унинг қўл остида олти йил таҳсил кўрган, мана, саккиз йилдирки, Парижда яшарди. Уни бу

¹ Льё — Францияда 4,5 км. га тенг қадимги узунлик ўлчови.

² Жулио Романо (1482-1546) — Италия рассоми, Рафаэлнинг шогирди.

ерга рассомларни ёллашда донғи кетган маркиз Мантуанининг маслаҳати билан Франциск I таклиф қилган эди.

Приматиччонинг ижоди ғоят даражада серунумдир. Фонтенблода бўлган ҳар бир одам бу фикрнинг ҳақлигига шаҳодат билдириши мумкин. Унинг тасвиридаги услуби эркин ва асосли, беғубор чизиқлари мутлақо бекусурдир. Аммо рассомнинг ўзи ҳам, унинг кўп қиррали заковати ҳам, тасвирий санъатнинг барча жанрларида намоён этилган беназир савияси, иқтидорли қобилияти ва маҳорати ҳам узоқ вақт биз учун мутлақо номаълум бўлган. Шу боис, рассомнинг уч аср давомида инсофсизларча унутиб юборилгани учун бизнинг давримиз интиқом ола бошлади. Ваҳолонки, бу орада унинг динга фидойилиги қўзиб, Борегардаги ибодатхонанинг деворларига суратлар чизиб берди. Монморанси қасри деворларини христианларга хос асл эзгу фазилатларни ифодаловчи ахлоқий мавзудаги расмлар билан беади. Фонтенбло қасрининг улкан заллари эса бу мусаввир истеъдоди нишонларини ҳанузгача сақлаб қолган. У Олтин қопқа ва Бал зали деворларини мажозий мазмундаги суратлар билан тўлдирган. Улисс¹ пешайвони ва Авлиё Людовик хоналарида эпик шоир Ҳомер образини яратди. «Одиссея» мазмунини ҳамда «Илиада» да баён қилинган воқеаларнинг бир қисмини тасвирий санъат жанрида акс эттирди. Кейин афсонавий замондан қаҳрамонлик даврига ўтиб, ўз ижодини тарихга бағишлади. Катта пешайвонни ва у билан Улкан зал оралиғидаги хонани рассомнинг Александр² ва Ромул³ ҳаётига тааллуқли асосий воқеаларни, шунингдек, Гаврининг таслим бўлишини акс эттирган полотнолари беаган эди. Унинг зўр иштиёқ билан чизган пейзаж расмлари Кунсткамера (музей) хоналарини беаганди.

Ва ниҳоят, агар биз бу буюк сураткашнинг теран истеъдодига бошдан-охир кўз югуртириб чиқсак, бутун ижодини ҳисобга олсак, барча яратган асарларини чўтга солиб кўрсак, у ўз умрида тўқсон саккизта йирик

¹ Улисс — римликлар Ҳомер асари қаҳрамони Одиссейни шундай деб атаганлар.

² Александр Македоний (яъни Искандар Зулқарнайн) (милоддан олдинги 356-323 йиллар) назарда тутиляпти. У қадимги дунёнинг энг йирик саркардаси ва давлат арбоби бўлган. Жаҳон монархиясини бунёд этган. Унинг тўғрисида сон-саноксиз ривоятлар яратилган.

³ Ромул — қадимги Римга асос солган ва унинг биринчи шоҳи бўлган.

ва юз ўттизта кичикроқ ҳажмдаги полотно яратганига шоҳид бўламиз. Булар орасида табиат манзарасини акс эттирган пейзажлар ҳам, мариналар¹ ҳам, муқаддас китоблардан олинган сюжетлар-у тарихий воқеалар ҳам, портретлар ҳам, мажозий ва эпик мазмундаги асарлар ҳам бор.

Бундай инсон Бенвенутонинг дардини тушуна оларди. Шунинг учун ҳам, Бенвенуто Парижга кириб келар-келмас, очиқ кўнгил билан Приматиччо ҳузурига отилди. Мусаввир ҳам уни очиқ чеҳра билан қарши олди.

Одатда, мусофир юртда дийдор кўришган ёр-дўстлар ўртасида дарҳол самимий суҳбат бошланиб кетади. Ана шундай суҳбат охирида Бенвенуто ўзи билан олиб келган картонни ёйиб, Приматиччога хомаки суратларини кўрсатди, кўзлаган янги ниятлари ҳақида сўзлаб берди ва гапининг охирида, натурачи аёллар орасида менинг орзуим тимсоли бўла оладигани йўқми, деб сўради.

Приматиччо маъюс жилмайиб, бош чайқади. Рост-да, ахир улар ҳозир Юнонистоннинг саодатли рақибни ҳисобланмиш Италияда эмас эдилар-да. Ўша даврда ҳам Франция худди ҳозирги пайтдагидек, нафосат, назокат ва таннозлик мамлакати ҳисобланарди. Лекин шунга қарамай, Тибр ва Арно² соҳилларида Микелланжело, Рафаэль, Жованни Балонья³ ҳамда Андреа дель Сартоларни илҳомлантирган улғувор гўзаллик намуналарини бу Валуалар ерида⁴ излаб топ-пиш гоётда маҳол эди. Тўғри, агар мусаввир ёки ҳайкалтарош, юқорида айтиб ўтганимиздек, натурачи аёлни асилзодалар даврасидан ахтарганида борми, у ўз асарида яратмоқчи бўлган образ тимсолини осонгина топган бўларди. Бироқ у, Стикс дарёсининг бу томонида қолган рух⁵ сингари, Елисей майдонида⁶

¹ *Марина* — денгиз манзарасини тасвирловчи сурат.

² *Тибр ва Арно* — Италиядаги дарёлар номи.

³ *Жованни Балонья (1529-1608)* — Флоренцияда яшаб ижод қилган фламанд (Белгия) ҳайкалтароши.

⁴ *Валуалар ери* — яъни Франция. Валуалар-1328 йилдан то 1589 йилгача Францияда хукмронлик қилган қироллар сулоласи.

⁵ *Стикс* — қадимги юнон мифологиясида ўликлар салтанатидаги дарёнинг номи. Ривоятларда айтилишича, мурдакаш Ҳарон ўлган одамнинг жасадини қайиқда дарёнинг нариги соҳилига олиб ўтармиш, аммо марҳумнинг руҳи бу соҳилда қолар эмиш. (Тарж.)

⁶ *Елисей майдони* — Париждаги марказий кўчанинг номи.

Юнон мифологиясида масъудлар маскани, одатда, худонинг эрка бандалари қазо қилганларидан кейин шу ерга тушар эмишлар. (тарж.)

виқор ва улуғворлик билан сайр қилиб юрган хонимларнинг ғоят гўзал қадду қоматларини узоқдан мушоҳада қилиш билан чекланарди, натижада бу ҳол унинг бадий дидига ижобий таъсир кўрсатарди, холос.

Приматиччо айтган гап тўғри чиқди: Бенвенуто натурачи аёллар қўшинини кўриқдан ўтказди, лекин кўзлаган ғоясини амалга ошириш учун зарур бўлган белгилар бу аёлларнинг биронтасида ҳам ўз аксини топмади.

Шундан кейин, у ҳар сеанс учун бир экюдан ҳақ олувчи барча таниқли натурачи қиз-жувонларни ўзи яшаб турган кардинал Феррарийнинг қасрига қақиртирди, лекин уларнинг ҳам биронтаси ҳайкалтарошнинг кўнглидагидек бўлиб чиқмади.

Бенвенуто деярли буткул умидини узган эди, аммо у бир куни кечқурун, Парижда яшовчи ҳамюртлари — сенатор Пьетро Строчи, унинг куёви граф д' Ангийар ҳамда машҳур Жан Пик Мирондолнинг жияни Галеотто Пико билан биргаликда кечлик қилиб, Пти-Шан кўчасидан ёлғиз ўзи уйига қайтаётганида, ниҳоятда гўзал, латофатли бир қизни кўриб қолди. Бенвенутонинг вужуди қувончдан сесканиб кетди: у ўзининг «Фонтенбло Санами»ни бу қадар жонли қиёфада тажассум қилган аёлни шу пайтгача учратмаган эди. Шунинг учун у ўша қизнинг орқасидан юриб кетди. Қиз Тиканли тепага кўтарилиб, Авлиё Оноре черкови ёнидан ўтгач, Сақоқуш кўчасига бурилди. Шу ерга келганда у нотаниш одам ҳалиям эргашиб келмаяптимикин, деб ўйлаб орқасига ўгирилди, ўгирилдию ўзидан бир неча қадам нарида турган Бенвенутони кўрди ва шахт билан эшикни очиб ичкарига кирди-да, шошилиб уни ёпди. Бенвенуто ҳам яқин келиб эшикни очди. Айни вақтида очган экан — тутаб ёнаётган жинчироқ билан ёритилган зинанинг бурилган ерида бояги қизнинг бурма кўйлагини кўриб қолди.

Бенвенуто иккинчи қаватга чиқди. Бу ердаги хонанинг эшиги қия очиқ эди. У шу ерда ҳалиги қизни кўрди.

Бенвенуто ўз ташрифининг сабабини айтмай, ҳатто бир оғиз ҳам сўз демай, дастлаб унинг қадди-бастини билан юз тузилиши уйғунлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди ва шу мақсадда таажжубда қолган қизнинг атрофидан худди антик давр ҳайкалини кўздан кечираётгандай, икки-уч марта айланиб ўтди. Қиз ҳам

унга беихтиёр итоат этди. Ҳайкалтарош ҳатто қизни қўл кўтаришга мажбур қилди, зеро у «Фонтенбло Санами»ни шундай ҳолатда тасвирламоқчи эди.

Бенвенутонинг қаршисида турган қиз Церерага кам, Дианага ундан ҳам камроқ ўхшар, аммо жуда кўп жиҳатлари билан Эригонани эслатар эди. Ҳайкалтарош бир йўла учта образни мужассам ҳолда акс эттириш мумкин эмаслигини тушунарди, шу сабабдан вакханканинг, яъни Бахус маҳбубасининг образини яратишга қарор қилди.

Вакханка образи учун бу қиз чиндан ҳам зўр топилма бўлиб, унинг кўзлари чақмоқдек ёнар, дудоқлари қирмизиранг, тишлари садафдек оппоқ, бўйни силлиқ, бежирим, елкалари қия, бели хипча эди; унинг назокатли тўпиқлари ва билаклари, узун-узун бармоқлари ташқи қиёфасида қандайдир асилзодалик аломатларини акс эттирар эди. Бу ҳол ҳайкалтарошда қатъий ишонч уйғотди.

— Исмингиз нима, мадемуазель? — деб сўради ниҳоят Бенвенуто чет элликлар талаффузида: бу билан у қизни тамоман ҳайрон қолдирди.

— Катерина, тақсир, — деб жавоб қилди қиз.

— Яхши! Мадемуазель Катерина, — деб гапида давом этди Бенвенуто, — мана сизга хизматингиз учун олтин экю. Эртага Авлиё Мартен кўчасидаги мен истиқомат қилиб турган кардинал Феррарийнинг қасрига борсангиз, айнан шу хизматингиз учун яна шунча ҳақ оласиз.

Қиз иккиланиб қолди — бу хорижий киши мени мазах қилмоқчи бўлса керак, деб ўйлаган эди. Лекин ярақлаб турган олтин экю суҳбатдошининг жиддий гапираётганидан далолат бериб турарди, шунинг учун қиз бир зум ўйланиб туриб сўради:

— Соат нечада?

— Эрталаб ўнда. Сиз бу пайтда ўрнингиздан турсангиз керак?

— Бўлмасам-чи.

— Демак, мен сизга ишонаман.

— Майли, бораман.

Бенвенуто худди ҳерцогиня билан хайрлашаётгандек, қизга назокат билан букилиб таъзим қилди ва қувончдан кўнгли тоғдек кўтарилиб қасрга қайтди. Уйда у ўзи хаёлан тасаввур қилиб чизган маъбуда қиёфасининг барча хомаки нусхаларини ёқиб юборди-да,

ҳаракат ва ҳаёт билан йўғрилган янги эскиз чизди. Чизиб бўлгач, бир лўмбоз мум олиб ўз олдига қўйди. Мум бу иқтидорли қўлларда кўз очиб юмгунча ҳайкалтарошнинг ўзи кўздан орзу қилган санам қиёфасига кирди. У шу қадар зўр иштиёқ билан ишлай бошладики, эртаси куни эрталаб Катерина устахонага келганида кўпгина иш бажариб бўлинган эди.

Катерина Бенвенутонинг ниятини тушунмагани ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Ҳайкалтарош қизни ичкарига киритиб эшикни ёпди, сўнг унга ҳайкални кўрсатиб, не мақсадда бу ерга таклиф қилганини тушунтирган эди, қиз ҳайрон қолди.

Киролга туҳфа этиладиган маъбуда ҳайкали учун модель бўлиб хизмат қилишидан мағрурланиб кетган қиз шу заҳотиёқ кийимларини ечиб ташлаб, шундай беҳато, шундай назокат билан ҳайкалча ҳолатига кириб турдики, Бенвенуто орқасига ўгирилиб, Катеринанинг ўз қоматини қандай чиройли бамайлихотир тутиб турганини кўрдию севинганидан ҳайқириб юборди.

Бенвенуто ўз ишига меҳр қўйган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу одам табиатан олиҳиммат, истеъдоди беназир санъаткорлардан эди. Одатда бундайлар ҳамиша кўтаринки руҳ билан ижод қиладилар, берилиб ишлайдилар. У камзулини ечиб ташлаб, кўйлагининг ёқаларини очди-да, енгларини шимариб олиб ишга киришди; у наинки натурачи қиздан нусха кўчирди, балки бу табиат неъматини санъатда ярата бошлади. Ҳайкалтарош ўз қўли теккан ҳар бир нарсага мисоли Юпитер сингари, ҳаёт алангасини уфурнишга ҳам қодирдек кўринарди. Чакана одамлар билан алоқа қилган — жайдари одамлару бойвачча йигитлар қўлида ўйинчоқ бўлган Катерина ҳайкалтарошга завқланиб тикилар, кўкраги ўзи учун номаълум бўлган ҳаяжондан кўпчиб-кўпчиб қўярди. Қиз ўзини ҳайкалтарош тутган мавқе даражасига кўтарилгандек ҳис қилар, шу боис кўзлари бетиним порлар эди. Устадаги илҳом туйғуси бора-бора натурачи қизга ҳам ўта бошлади.

Сеанс икки соат давом этди. Кейин Бенвенуто Катеринага хизмати учун олтин экю бериб, у билан кечагидек назокат ила хайрлашди-да, эртага ҳам худди бугунги пайтда келишини илтимос қилди.

Катерина уйига қайтиб бориб, кун бўйи ҳеч қаёққа чиқмади. Эртаси куни эрталаб, тайинланган вақтдан ўн дақиқа олдин устахонага етиб келди.

Устахонада яна кечаги иш такрорланди. Бенвенуто ҳамон кўтаринки илҳом оғушида эди, зеро у қўлга олган модда худди Прометей қўлига тушгандек жонлана бошларди. Эригонанинг юзи тайёр бўлган, гўёки жонли чеҳра шаклсиз лой бўтқаси ичидан мўралаб тургандай туюларди. Катерина ўзига ўхшатиб яратилган маъбуда-эгачисига қараб табассум қиларди: у ҳеч қачон бунчалик шодланмаган эди, қизиги шундаки, нима сабабдан ўзини бунчалик бахтиёр ҳис этаётганига ҳеч фаҳми етмасди.

Эртаси кун и эрталаб ҳайкалтарош билан натурачи қиз яна ўша соатда учрашишди. Бу гал Катерина уялиб, бирдан қизариб кетди, ҳолбуки у илгари уялиш нима-лигини билмас эди. Шўрлик қиз севиб қолган ва бу қудратли туйғу унда маъсумалик фазилатини уйғотганди.

Эртаси кун и аҳвол шу даражага бордики, ҳайкалтарош натурачи қизга: мен Венеранинг эмас, балки эҳтирос ва майдан сармаст бўлган Эригонанинг ҳайкалини ишлаяпман, деб эслатишга мажбур бўлди. Ҳарна бўлганда ҳам бардош қилиш керак; Бенвенуто моделни яна икки кундан кейин ясаб битирмоқчи эди.

Ўша икки кун ҳам ўтди. Кечқурун эса Бенвенуто ўзи яратган ҳайкалга охириги марта куракчасини тек-кизиб қўйиб, кўрсатган илтифоти учун Катеринага ташаккур айтди ва қўлига тўрт олтин экю тутқазди, лекин олтин тангалар қизнинг қўлидан тушиб кетди. Бечоранинг саодатли кунлари тугаган, энди у яна аввалги турмуш тарзига қайтиши керак эди. Ҳолбуки, Катерина ҳайкалтарошнинг устахонасига қадам қўйганидан буён, аввалги ҳаёти ўзига жирканч бўлиб туюла бошлаганди. Шўрлик қизнинг қалбида нималар юз бераётганидан беҳабар Бенвенуто тўрт олтин экюни ердан териб олиб, Катеринага узатди ва унинг қўлини сиқиб қўйиб, қачон бўлмасин бирон ёрдамга муҳтож бўлиб қолсанг, тўғри келиб фақат менга муурожаат қил, деди. Кейин шогирдлари ишлаётган устахонага йўл оларкан, битирган ишини тезроқ намойиш қилиш учун Асканиони чақирди.

Хонада ёлғиз қолган Катерина Бенвенуто қўлига олиб ишлаган ҳамма асбобларни бир-бир ўпиб чиқди-да, дув-дув кўзёш тўкиб уйига кетди.

Эртаси кун и эрталаб Катерина яна устахонага келди. У ерда Бенвенутонинг ёлғиз ўзи ишлаб ўтирар эди.

Ҳайкалтарош жуда ҳайрон бўлди, лекин у Катеринанинг нега келганини сўрашга улгурмасдан, қиз буюк санъаткорнинг пойига тиз чўкди-да, сизга чўри керак эмасми, деб сўради. Бенвенутонинг кўксига санъаткор қалби жо бўлган, демак, у ҳамма нарсани ҳис қиладиган, ҳамма гапга тушунадиган одам эди. Уста бечора қизнинг қалбида нималар бўлаётганини тез фаҳмлади, уни турғазиб, пешонасидан ўпди.

Шу дақиқадан бошлаб Катеринани устахонасиз, устахонани Катеринасиз тасаввур қилиб бўлмай қолди: қизнинг гўдакларга хос хушчақчақлиги, тиним билмас шўхликлари бу ерга шодмонлик, яхши кайфият олиб кирди. Қисқаси, у ҳамма учун, ҳаммадан кўра Бенвенуто учун энг керакли шахс бўлиб қолди. У рўзгор ишларини бажарар, ҳаммани ўз измига қаратар, гоҳ Рупертани койиб берар, гоҳ унга хушомад қилар эди. Натижада, аввалига Катеринани кўрқа-писа қарши олган бу кекса оқсоч хотин, бора-бора, унга ҳамма қатори меҳр қўйди.

Бу ишлардан Эригона фақат ютди. Энди Бенвенутонинг қўл остида ўз натурачиси бор эди. Шунинг учун у ҳайкални ниҳоятда зўр ҳафсала билан ишладики, шу пайтгача яратган асарларининг биронтасини бунчалик камол эътибор билан ишламаган эди. Бир кун у ҳайкал эскизини қирол Франциск I га олиб бориб кўрсатди. Аъло ҳазрат бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, Бенвенутога ҳайкални кумушдан ясашни буюрди. У ўшанда заргар билан узоқ суҳбатлашди, ундан устахонасининг ишлашга қанчалик қулайлиги, қаерга жойлашгани ва у ерда санъат асарларининг бор-йўқлиги ҳақида сўради. Шундан сўнг Франциск I Бенвенуто Челлинининг кетишига ижозат бераркан, бир кун эмас, бир кун эрталаб албатта унинг устахонасига беҳосдан кириб борамак, деб кўнглидан ўтказди, ammo ўз нияти тўғрисида Бенвенутога «чурқ» этиб оғиз очмади.

Энди қиссамизнинг ибтидосига қайтайлик-да, Бенвенуто иш билан банд бўлган, Катерина қўшиқ куйлаётган, Асканио хаёл сураётган, Паголо ибодат қилаётган устахонадамиз, деб фараз қилайлик.

Асканио Нель қалъаси атрофида сайр қилиб, уйга кеч қайтган ўша куннинг эртасига эрталаб дарвоза қаттиқ тақиллай бошлади. Оқсоч хотин Руперта дар-

возани очгани дик этиб ўрнидан турди, лекин Скоццоне (агар китобхоннинг эсида бўлса, Бенвенуто Катеринага шундай исм қўйган эди) ундан олдинроқ хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Бир дақиқадан кейин ташқаридан унинг қувонганини ҳам, чўчиганини ҳам билиб бўлмайдиган овози эшитилди:

— Вой ўлмасам! Устоз! Устоз, ахир бу қиролнинг ўзи-ку... Қиролнинг ўзи сизни кўргани устахонангизга келипти!

Ранги бўздай оқарган, вужуди дағ-дағ қалтираётган Скоццоне бир зумдаёқ ҳамма эшикларни ланг очиб, Бенвенуто билан унинг шогирдлари ва халфалари ишлаётган устахона остонасида пайдо бўлди.

Бешинчи боб

САНЪАТКОР ИСТЕЪДОДИ ВА ҚИРОЛ ИҚТИДОРИ

Дарҳақиқат, Скоццоненинг кетидан ҳовлига қирол Франциск I бутун сарой аъёнлари билан кириб келди. У энг олдинда, ҳерцогиня д' Этамп билан қўлтиқлашиб келарди. Уларнинг кетидан Наварра қироли малика Екатерина Медичи билан, кейинчалик бориб қирол Ҳенрих II бўлган шаҳзода ўз холаси Наварра қироличаси Маргарита де Валуа билан келишарди. Уларни саройнинг қарийб барча аъёнлари кузатиб келарди.

Бенвенуто меҳмонлар томон пешвоз чиқиб, бу ерга келган қироллар, шаҳзодалар, акобирлару сарой хонимларини худди ўз ёр-дўстларини қарши олгандай, ҳеч тортинмай, эсанкирамай кутиб олди. Ҳолбуки меҳмонлар орасида Франциянинг энг номдор давлат арбоблари ва бутун жаҳонда тенги йўқ гўзал хонимлари бор эди. Маргарита кишини мафтун қилар, д' Этамп хоним ҳайратга солар, Екатерина Медичи лол қолдирар, Диана де Пуатье ақлдан оздирарди. Хўш, нима бўпти! Ахир Бенвенуто Италиядалик пайтида кўҳна аждоднинг энг машҳур намоёндалари бўлмиш XVI аср киборлари билан апоқ-чапоқ дўст бўлган ва Микеланжелонинг ардоқли шогирди сифатида, қироллар жамоасига кўникиб қолган эди-да.

— Ижозат берсангиз, хоним, наинки сиздан, шунингдек санъат асарларидан ҳам бир мароқлансак, —

деди Франциск I ҳерцогиня д' Этампа юзланиб, хоним унга жавобан табассум қилди.

Испаниядаги асирликдан қутулиб қайтган қирол, Анна де Писслэга, яъни ҳерцогиня д' Этампа шоҳона илтифот билан ўз «мойиллигини» изҳор қилган, ўша пайтда илоҳий гўзаллиги айни камолга етган бу хоним эса, ўз навбатида аъло ҳазратнинг маъшуқаси графиня де Шатобрианни унинг қалбидан ситиб чиқарган эди. Ҳерцогиня д' Этамп сарвқомат, хипча бел, такаббур аёл бўлиб, хушбичим бошини мушукларга хос қандайдир назокат билан адл тутарди. Ҳолбуки, назокат наинки мушукка, шунингдек, қоплонга ҳам хосдирки, хоним ўзининг беқарорлиги ва харисона феъли билан ҳам мушукка, ҳам қоплонга ўхшаб кетарди. Айни пайтда қиролнинг бу маҳбубаси ўзини шу қадар соф кўнгил, шу қадар гўл қилиб кўрсата оларди ҳамки, натижада унинг бу рафтори ҳатто энг бадғумон одамларни ҳам эсанкиратиб кўярди. Гоҳ Ҳермиона¹, гоҳ Галатея² қиёфасига кирувчи бу аёлнинг юзи ниҳоятда тез ўзгарувчан ва маккор бўлиб, рангпар лаблари гоҳ мафтункор, гоҳ даҳшатли жилва қилар, баъзида беҳад мулойим боқувчи кўзлари дабдурустдан чақмоқдай чақнаб, ғазаб ўтини соча бошлар эди. У хумор кўзларини одамга шундай ноз билан қадаб, шундай карашма билан ерга тикардикки, бу нигоҳлари нимани: назокатними ё таҳдидними ифодалаётганини асло тушуниб бўлмасди. Ана шу мутакаббир ва риёпараст хоним Франциск I нинг бошини айлантириб, ўзига ром қилиб олганди. У ўта калондимоғ ва ҳасадғўй, уddaбурон ва дамдуз, яъни ҳеч кимсага сир айтмайдиган аёл эди.

— Анчадан бери сизни йўқлаб келмоқчи эдим. Бенвенуто, ахир, агар янглишмасам, салтанатимизга ташриф буюрганингизга ҳам икки ой бўлди, аммо нима қилайки, ҳар хил зерикарли ишлар ва ташвишлар санъатнинг олижаноб фазилати ҳақида мусоҳаба юртишимга ҳамиша халал бериб келди. Лекин сиз инимиз ва император амакиваччамиздан гина қилинг, у бизга

¹ Ҳермиона — Франция классик драматурги Жан Расиннинг «Андромаха» (1667) трагедиясидаги персонаж, Ҳермионанинг қайлиги Пирр ундан юз ўғирди, шунда рашк алангасида ёнган бу аёл Пиррни ўлдиргани қотил юборади.

² Галатея (юнон мифологияси) — соҳибжамол санам, унга чўпон циклог (яъни бир кўзли) Полифем ошиқ бўлиб қолади.

бир дақиқа ҳам тинчлик бермаяпти,— деди қирол.

— Агар хоҳласангиз, аъло ҳазрат, мен императорга мактуб ёзиб, сизнинг санъатга энг буюк ҳомий бўлиб қолишингиз учун ижозат беришини ундан илтимос қиламан, зеро, сиз ўзингизнинг буюк саркарда эканлигингизни аллақачон унга исботлаб бергансиз.

— Ие, сиз Карл Бешинчини биласизми? — деди таажжуб билан Наварра қироли.

— Ҳа, аъло ҳазрат, бундан тўрт йил бурун Римда мен ул табаррук зотга ўзим ишлаган оятлар тўпламини тухфа этиш бахтига мушарраф бўлганман. Мазкур маросим пайтида айтган бир неча оғиз каломимни император ғоят зўр илтифот билан тинглаган эди.

— Хўш, нима деган эди сизга ул табаррук зот?

— Ул зот мени уч йилдан бери билишини айтган эди. У папанинг жуббасига қадалган ва маҳоратим доврўғини оширишга сабабчи бўлган ғоят нафис ва нодир тугмани кўриб қолган экан.

— О, сиз қироллар мақтовини эшитишга одатланиб қолган кўринасиз! — деди Франциск I.

— Ҳақ гапни айтдингиз, аъло ҳазратлари, менга омад кулиб боққан, зеро асарларим кардиналлар, улўғ ҳерцоглар, шаҳзодалар ва қиролларнинг мақтовига сазовор бўлган.


— Ўша ажиб асарларингизни менга ҳам кўрсатинг. Кўрайлик-чи, камина янада талабчанроқ ҳакам бўла олармикинман.

— Вақтим жуда кам эди, сир¹. Бироқ ҳозир мана шу ваза билан кумуш жом устида ишляяпман, аммо улар сиз аъло ҳазратларининг эътиборига муносиб эмаслар.

Қирол Челлини яратган буюмларни кўздан кечирар экан беш дақиқача сукут сақлаб туриб қолди. Бу ғаройиб санъат асарлари гўё уни тамомила ром этган-у, ҳатто ижодкорни ҳам унутиб юборишга мажбур қилгандек эди. Ниҳоят, Франциск I ўзининг синчков хонимлар қуршовида турганини фаҳмлаб уларга юзланди:

— Қаранглар, хонимлар, ахир булар чинакам мўъжиза-ку! Вазанинг шакли мутлақо янгича ва ғоятда

¹ Сир — Францияда фақат қиролларга мурожаат этганда айтиладиган «аъло ҳазрат» деган маънони билдирувчи сўз. (Тарж.)



дадиллик билан ишланган! Е тангрим, барельеф билан рельеф нақадар нафис, нақадар моҳирона чизилган! Айниқса, мана бу чизиқлар мени ҳайратга соляпти: қаранг: одамларнинг ҳолатлари нақадар табиий ва турлича! Манави қизга эътибор беринг-а, расмом унинг оний ишорасини ниҳоятда жонли тасвирлаган. Гўё у ҳозир қўл силтамоқчи бўлгандек кўринади. Орий рост, ҳаттоки қадим замонларда ҳам бундай гўзал буюмлар ясашмаган. Мен антик давр усталарининг ва машҳур италян ҳайкалтарошларининг энг ноёб асарларини эслаяпман... Йўқ, ҳеч бир нарса менда бу қадар кучли таассурот уйғотмаган эди! Сиз мана бу гўдакни бир томоша қилинг: гулларга бурканган мургак бола оёқларини қимирлатмоқда. Ҳаммаси ниҳоятда жонли, нафис ва гўзал!

— Сиз буюк қиролсиз, сир! — деди Бенвенуто. — Ўзгалар мени мақтовларга кўмиб ташлаган эдилар, сиз эса мени тушундингиз!

— Яна бирон нарсангизни кўрсатинг! — деди қирол қандайдир ҳарисона сабрсизлик билан.

— Мана медаль, унга Леда¹ билан оққушнинг тасвири туширилган. Мен бу медални кардинал Габриэль Цезарини учун ишладим. Буниси муҳр, унга авлиё Иоанн билан авлиё Амвросийнинг тасвирини ўйиб ишлаганман. Мана бу устига сир қопланган муқаддас мақбара тасвири...

— Наҳотки? Сиз ҳали медаллар ҳам зарб қиласизми? — деб сўради д'Этамп хоним.

— Худди Кавадоне Миланийдек, хоним афанди.

— Сиз олтин устидан сир қоплай оласизми? — деди Маргарита.

— Худди флоренциялик Америкгодек.

— Сиз муҳрлар ҳам ясайсизми? — сўради Екатерина.

— Худди Лантизко Перузийдек. Хоним афанди, сиз менинг истеъдодимни нафис олтин тақинчоқлар ясашу кумуш тангалар зарб қилишгагина қодир, деб ўйлаясиз шекилли? Яратганга шукрки, менинг қўлимдан, озми-кўпми, ҳамма иш келади. Мен муҳандислик санъатини яхшигина ўзлаштирганман, душман-

¹ *Леда (юнон мифологияси)* — Троя жангининг бошланишига сабабчи бўлган соҳибжамол Еленанинг онаси. Леда оққуш қиёфасида намоён бўлган сархудо Зевс билан қовушниш оқибатида Еленага кўзи ёрийди. (Тарж.)

нинг Римни босиб олишига икки марта халал берганман. Бинойидай сонетлар ёзаман. Сиз, онҳазратлари, менга мадҳия ёзишни буюришингиз мумкин. Азбаройи худо, шайнингизга шундай мадҳия ёзайки, у ҳатто Клеман Мародек шоирнинг шеърларидан ҳам қолишмагай! Муסיқадан отамнинг калтагини еб сабоқ олганман. Бу усулнинг кўп нафи тегди — най ва корнетни жуда яхши чаладиган бўлдим. Ешим йигирма тўртга кирганда, мени папа Климент Еттинчи ўз оркестрига қабул қилган эди. Булардан ташқари, мен порох ишлаб чиқиш усулини кашф этдим, шунингдек ажойиб пилтамилтиқлар ва жарроҳлик асбобларини ясай оламан. Бордию сиз, аъло ҳазратлари, уруш бошлагудек бўлсангиз, марҳамат қилиб, мени ҳам сафарбар қилинг. Кўрасиз, албатта нафим тегади сизга, пилтамилтиқдан ўқ отишда зўр мерганман, замбаракни нишонга тўғрилашни биламан. Бир кун, шикорда йигирма бешта товусни отишга муваффақ бўлганман. Замбараклар жангида императорни шаҳзода Оранийдан, сиз аъло ҳазратларини коннетабль Бурбондан¹ қутқарганман. Кўриб турибсизки, қўлимга тушган сотқиннинг ҳолига маймунлар йиғлайди...

— Хўш, қайси ишингиз билан кўпроқ фахрланасиз? — деб унинг гапини бўлди ёш шаҳзода, — коннетаблини ўлдирганингиз биланми ё йигирма бешта товусни отганингиз биланми?

— Камина на у, на бу ишимдан фахрланаман, монсеньёр ... Абжирлик ҳам бошқа ҳамма истеъдодлар сингари парвардигорнинг инояти, мен ана шу нарсани намойиш қилдим, вассалом.

— Қаранг-а, менга яхшилик қилганингиздан гофил эканман,— деди қирол. — Демак, сиз ўлдирган экансиз-да Бурбони? Бу воқеа қандай бўлган эди?

— Е тангрим, оппо-осон бўлган эди! Коннетаблининг қўшини кутилмаганда Рим бўсағасига ёпирилиб келиб,

¹ *Коннетабль* — ўрта аср Франциясида қирол қўшинларининг олий қўмондони. Бу ўрида коннетабль Шарль де Бурбон назарда тутиляпти. Қирол Франциск I у билан сиёсий рақобат қилишдан қўрқарди, шунинг учун у ўз опаси Савойя маликаси Луизанинг кўмагида коннетаблининг мулкларидан бир қисмини тортиб олмоқчи бўлади. Шунда коннетабль Карл V билан хуфиёна тил бириктириб, унинг томонига қўчиб ўтади ва ўз ватанига қарши уруша бошлайди, оқибатда, сотқин деган ном олиб, шарманда бўлади.

қалъа деворларига ҳужум қила бошлади. Мен дўстларим билан жангни томоша қилгани бордим. Уйдан чиқаётганимда, иттифоқо пилтамилтиқни олиб олган эдим. Биз девор бошига чиқдик. Қарасам — у ерда қиладиган ишимиз йўқ. «Ахир бекорга келиб кетавераманми?» — деган фикр миямга келди. Шунда мен ганим сафлари зич бўлиб турган томонга пилтамилтиғимни тўғриладим-да, бўйи бошқалардан бир қарич баланд бўлган дароз жангчини нишонга олиб, ўқ уздим. Жангчи йиқилди — ўқ овози шу заҳотиёқ душман кўшинини саросимага солиб қўйди. Ушанда Бурбонни отиб ўлдирган эканман. Кейин билсам, у ҳаммадан ҳам новчароқ бўлган экан.

Бенвенуто ҳеч тортинмасдан бамайлихотир ҳикоя қиладиган пайтда хонимлар ва киборлар ўзларини ундан аста четга олишди: ўз жасоратининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан гофил бўлган бу қаҳрамонга ҳамма ҳурмат ва айни чоғда даҳшат билан тикилиб турарди. Елғиз Франциск I ҳамон Челлинининг ёнидан жилмаган эди.

— Шундай қилиб, ҳурматли дўстим, — деди у, — сиз менга ўз истеъдодингизни бағишлашдан олдин, жасоратингиз билан ҳам хизмат қилган экансиз-да?

— Аъло ҳазратлари, — жилмайганча жавоб қилди Бенвенуто, — биласизми, назаримда, мен туғилганимдаёқ сизнинг содиқ қулингиз бўлиб дунёга келган бўлсам керак! Болалик чоғимда юз берган бир воқеа миямда шу фикрни уйғотди. Сизнинг гербингизда самандар тасвири бор, шундай эмасни?

— Тўғри, яна: «Nutriseo et extinguo»¹ деган ёзув ҳам.

— Мана, эшитинг... Беш ёшли бола чоғимда, бир куни мен отам билан қазноқда ўтиргандик, сал олдин у ерда кир қайнатишган эди. Учоқда эман гўлачалар ҳали ҳам лангиллаб ёнарди. Қишнинг энг аёзли кунлари эди. Мен оловга тикилиб ўтирардим, шу пайт аланга орасида худди калтакесакка ўхшаб кетадиган бир жониворни кўриб қолдим. Назаримда, у бу жаҳаннам ўтида шўх-шўх рақс тушаётганга ўхшади. Мен уни отамга кўрсатган эдим... андишасизлик қилсам, афв этгайсизлар, илло, начораки, биз томонларда шун-

¹ «Туйдираман ва ўлдираман» (Лот.)

дай хунук одат бор... хуллас, отам эсдан чиқмайдиган қилиб, бир шапалоқ урди-да, мулойим оҳангда: «Сен-да гуноҳ йўқ, ўғлим, лекин олов ичидаги самандар ёдингда қолсин, деб урдим, Зеро, биронта одамнинг уни кўргандини ҳеч қачон эшитмаганман»,— деди. Ахир бу гойибдан дарак берувчи аломат эди-ку, шундай эмасми, аъло ҳазратлари? Мен бундай аломатга ишонаман. Йигирма ёшимда Англияга жўнаб кетишимга сал қолган эди, лекин мени Англияга боришга кўндирган ҳамроҳим олтин буюмлар зарб қилувчи Пьетро Торрежиано, болалик чоғида, бир куни устахонада Микеланжело билан жанжаллашиб қолиб, унга бир тарсаки ургани ҳақида сўзлаб берди. Шу гапдан кейин ҳаммаси тамом бўлди: чунки буюк ҳайкалтарошга қўл кўтарган одамга, бошимдан зар сочишган тақдирда ҳам ҳамроҳ бўлолмасдим. Мен Италияда қолдим, кейинчалик, Италиядан Англияга эмас, Францияга келдим.

— Сиз, Бенвенуто, Францияни танлаган экансиз, Франция бундан беҳад фахрланади. Биз ҳам, ватанингизни қўмсамаслигингиз учун, сиздан ҳеч нимани аямаймиз.

— О, менинг ватаним — санъат! У ҳамиша ўзим билан бирга. Ҳукмдорим эса менга энг бебаҳо жом зарб қилишни буюрган одамдир.

— Ҳозир режалаб қўйган бирон ғоянгиз борми?

— Албатта бор, аъло ҳазратлари! Мен Исонинг андомини яратмоқчиман, Чормихга тортилган Исони эмас, балки илоҳий ҳамду сано шуъласи билан йўғрилган Исони тасвирлаб, иложи топилса, унинг ўзи менга намоён қилган жамики ғайритаъриф гўзаллигини шу асаримда акс эттирмоқчиман.

— Сиз ҳали маликуззаминлардан ташқари маликуссамони¹ ҳам кўрганмисиз?— деди жилмайиб ҳамма нарсадан гумонсировчи Маргарита.

— Ҳа, хоним афанди, — деб жавоб қилди Бенвенуто болаларга хос соддалик билан.

— Ундай бўлса, бу ҳақда бизга сўзлаб беринг, — деб илтимос қилди Наварра қироличаси.

— Бажону дил, хоним афанди, — деди Бенвенуто Челлини қатъий ишонч оҳангида, чамаси у гапининг

¹ Ердаги подшолар ва осмон подшоси (бу ўринда Исо пайгамбар).

ҳақлигига бирон кишида шубҳа уйғониши мумкин-лигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.— Бундан бир неча кун олдин мен иблисни бутун жину шайтонваччалари даврасида кўрдим; дўстим Некромант¹ поп ром очиб уни кўз ўнгимда намоён қилди. Иблис кўзимизга Колизейда кўринди, биз унинг таъқибидан зўрга қочиб қутулдик. Лекин астойдил ихлос билан худога илтижо қилаверганим оқибатида, изтиробдаги руҳимга далда бериш ниятида бўлса керак, муборак бошига офтоб шуъласидан заррин тож таққан самовий халоскоримизнинг жамоли кўз олдимда намоён бўлдики, фақат шундан кейингина ул жаҳаннам дажжолининг мудқиш башараси тамомила йўқолди.

— Шу нарсага ўзингиз ишонасизми?..— деб сўради қиролича,— яъни кўз олдингизда Исо алайҳиссалом намоён бўлганига мутлақо имонингиз комилми?

— Имоним комил, хоним афанди.

— Модомики, шундай экан, Бенвенуто, сиз саройимиз ибодатхонаси учун Исонинг қиёфасини ишлаб беринг,— деди Франциск I хуш кайфият билан.

— Аъло ҳазратлари, каминага раҳм қилинг, бошқа нарса буюринг. Бу ишни қўя турайлик.

— Бирон сабаби борми?

— Сабаби шуки, мен парвардигорга сизиниб, бу ижодимни ёлғиз сенга бағишлайман, деб оит ичиб қўйганман.

— Жуда соз! Ундай бўлса, Бенвенуто, менга стол устига қўйиш учун бир дўжна шамдон керак.

— О, бу бошқа гап! Амрингизни бажону дил ба- жаргум, сир.

— Оддий шамдонлар эмас, кумуш ҳайкаллар.

— Аъло ҳазратлари, ниҳоятда ғаройиб иш бўлади бу!

— Ҳа, ҳар бири менинг бўйимга тенг ўн иккита ҳайкал — олтига худо ва олтига маъбуда ҳайкали.

— Улар албатта сизнинг бўйингизга тенг бўлади, сир.

— Сиз бутун бир дoston буюряпсиз-ку! — деб луқма ташлади д' Этамп хоним.— Бу мўъжизавий, ғоят

¹ *Некромант* — ром очиб, гуёки марҳумларнинг руҳини чақириб, улардан истиқболда нималар бўлишини сўраб олинган санъатини эгаллаган одамларни қадимги юнонлар шу ном билан аташган.

ажабтовур достон бўлади! Шундай эмасми, жаноб Бенвенуто?

— Мен ҳеч қачон ҳеч нимага ажабланмайман, хоним афанди.

Бу гап ҳерцогинянинг нафсониятига тегиб кетди.

— Мен ажабланган бўлардим,— деди у,— башарти, антик давр ҳайкалтарошларидан мустасно, биронта ҳайкалтарош шу сингари ноёб бир нарса ярата олганда, албатта.

— Шунга қарамай, мен буюртмани антик давр усталааридан ёмон бажармайман, деб умид қиламан.

— Мақтанмаяпсизми, маэстро Бенвенуто?

— Мен ҳеч қачон мақтанмайман, хоним афанди,— деди Челлини, д'Этамп хонимнинг юзига тикилиб қараркан.

Шунда такаббур ҳерцогиня устанинг мутлақо бегазаб, хотиржам, аммо қатъий нигоҳига дош бера олмай, беихтиёр кўзини ерга қаратди. Анна Челлинини зимдан ёмон кўриб қолган эди, у Бенвенутонинг ўзидан ақлан афзаллигини ҳис қилган, аммо бу афзаллик қудрати нимада эканлигини ҳеч англаб ета олмаётган эди. Зеро у шу чоққача, гўзаллик ҳамма нарсага қодир, деб тасаввур қилиб келган ва ақл-заковатнинг ҳар недан қудратли эканлигини унутган эди.

— Бас, шундай экан, сизники сингари беқиёс истеъдодни кадрламоқ учун қандай беназир хазина керак бўлади? — деб қаҳр билан сўради ҳерцогиня.

— Турган гапки, менинг хазиналарим камлик қилади,— деди Франциск I.— Дарвоқе, Бенвенуто, сиз, бор-йўғи беш юз олтин экю олиб эдингиз. Айтинг-чи, биз сарой мусаввиримиз Леонардо да Винчи учун тайинлаган йиллик маош — етти юз олтин экю сизга қифоя қиладими? Бундан ташқари, шахсан ўзим буюрган ҳар битта иш учун алоҳида ҳақ тўланади.

— Аъло ҳазратлари, бундай саховат фақат Франциск Биринчидек қиролга ҳамда, юрак ютиб айтадиган бўлсам, Челлинидек ҳайкалтарошга муносибдир. Шунга қарамай, сиз аъло ҳазратларига яна бир илтимос билан мурожаат этмоқчи эдим.

— Эшитмасимданоқ, илтимосингиз бажарилади, деб сўз бераман, Бенвенуто.

— Аъло ҳазратлари, устахонам ншлаш учун ноқулай, тор. Шогирдларимдан бири, энг йирик санъат

асарларини юзага келтириш учун анча қулайроқ жой топиб келибди, сиз ҳукмдорим буюришингиз мумкин бўлган энг нодир асарларни ўша ерда яратсак, нур устига нур бўлур эди. У бино сиз аъло ҳазратларига тегишли экан. Мен Катта Нель қасрини назарда тутяпман. Қаср Париж превосининг измида экан-у, лекин ўзи у ерда турмай, фақат Кичик Нель қасрини ишғол қилган эканки, буни мен бажону дил унга қолдиришим мумкин.

— Мен розиман, Бенвенуто! — деди Франциск I. — Майли, Катта Нель қасрига жойлашаверинг, агар кўнглим сиз билан мусоҳаба қилмоқни ва сиз яратган дурдоналарни мушоҳада қилмоқни тилаб қолса, Сена дарёси устидаги кўприкдан ўтсам, кифоя — ҳузурингизда бўламан...

— Во ажаб, аъло ҳазратлари, — деб қиролнинг сўзини бўлди д'Этамп хоним, — сиз менга содиқ бўлган одами, ҳеч қандай асосиз, қасрга эгалик ҳуқуқидан маҳрум қиляпсиз! Ахир у асилзода-ку!

Бенвенуто Аннага қараган эди, у устанинг ниҳоятда зийрак ва ўткир нигоҳига дош бера олмай, иккинчи марта кўзларини ерга қаратди.

Шунда Челлини кўзига намоён бўлган шайтон ва раҳмон ҳақида қандай соддадиллик билан ҳикоя қилган бўлса, шундай оҳангда гапини давом этгирди:

— Лекин мен ҳам асилзодалар наслиданман, хоним афанди! Менинг аждодларим шажарасини Монтефиаксконе яқинидаги Челлино шаҳрида туғилган Фиорино исмли одам бошлаб берган. У Юлий Цезарнинг энг йирик саркардаси бўлган. Флоренцияга ҳам ул муҳтарам зотнинг номи берилган, аммо сиз тилга олган ўша прево аждодларининг номи, агар хотирам менга панд бермаса, ҳали биронта ҳам жойга қўйилмаган... Илло, — деб гапида давом этди Бенвенуто Франциск I томонга ўгирилиб, шунда унинг кўз қараши ҳам, товуши ҳам ўзгарди, — балким мен густоҳлик қилаётгандирман... балки мен сиз аъло ҳазратнинг ҳимоятингизда бўлишимга қарамай, айрим ҳукмдорларнинг нафратини кўзгаб қўйгандурман, эҳтимол, бу нафрат бир кун келиб, мени маҳв этар ҳам. Ахир Париж превосининг ихтиёрида бутун бошли кўшин бор дейишади...

— Менга бир воқеани сўзлаб беришган эди, — деб

қирол унинг сўзини бўлди. — Кунларнинг бирида, Римда Челлини деган заргар, ўша пайтда кардинал бўлган, ҳозирги папа ҳазрати бузрук Фарнезенинг буюртмаси — кумуш вазани, хизмат ҳақини олмасдан олдин унга беришдан бош тортган экан.

— Тўппа-тўғри, аъло ҳазратлари.

— Яна айтишларича, ўшанда кардиналнинг жамики соқчилари қилич яланғочлаб келиб, вазани зўрлик билан тортиб олиш учун устахонага ҳужум қилишган экан.

— Бу ҳам орий рост.

— Аммо ўша Челлини дегани қўлида мушкет¹ билан эшик орқасига туриб олиб, ўзини мардона ҳимоя қилган ва ҳазратнинг соқчиларини тирқиратиб қувган экан, натижада эртаси кун эрталаб кардинал заргарнинг хизмат ҳақини бекаму кўст тўлаган экан.

— Бу гапларнинг ҳаммаси чин ҳақиқат, аъло ҳазратлари.

— Мабодо, ўша Челлини сиз эмасмисиз?

— Ҳа, сир, камина бўламан, агарда аъло ҳазратлари менга кўрсатган марҳаматларини бундан буён ҳам дариг тутмасалар, мени ҳеч нима кўрқита олмайди.

— Ундай бўлса, мардона олга! — деди қирол хиёл жилмайиб. — Бардам бўлинг, зеро сиз асилзодасиз!

Д'Этамп хоним лом-мим демади, аммо шу лаҳзадан бошлаб, Челлинини таҳқирланган аёлга хос ашаддий нафрат билан ёмон кўриб қолди.

— Аъло ҳазратлари, илтимос, охирги марта яна бир муруват қилсангиз, — деб гапини давом эттирди Челлини. — Сизга халфаларимнинг барини тавсия қилиб ўтирмоқчи эмасман: улар ўн киши — французлар ва немислар, ҳаммалари ажойиб йигитлар, менинг моҳир ёрдамчиларим. Аммо икки шогирдимни — Паголо билан Асканиони ўзим билан бирга Италиядан олиб келганман... Берироқ келинг, Паголо, бошингизни адл тутинг, кулиброқ боқинг! Суллоҳга ўхшаб эмас, балки ҳеч қандай ёмон ишга қўл урмагани учун, уялмай ўзини эркин тутувчи одамдай боқинг... Паголода кашф қилиш қобилияти сал етишмайди, аъло ҳазратлари, шунингдек, кўтаринки руҳ ҳам. Ўзи хўп тиришқоқ, ҳалол уста: секин, аммо пишиқ ишлайди, ниятларимни

¹ *Мушкет* — қадимий пилта милтиқ.

жуда яхши фаҳмлаб, аниқ, пухта бажаради... Бу Асканио, олижаноб йигит, энг ардоқли шоғирдим, мен уни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Тўғри, ҳали у баральефда акс эттирилган, бир-бирига душман икки қўшин аскарларини ўзаро тўқнаштириб жанг қилдира оладиган, ёки шернинг панжасини, ёхуд йўлбарснинг тишларини ваза оғзига ботира оладиган ижодий тасаввур қудратига эга эмас. Йўқ, унинг фантазияси ҳали энг ғаройиб сеҳрли образларни: даҳшатли химераларни¹ ҳам, эртақлардаги аждаҳоларни ҳам яратишга қодир эмас, ва лекин унинг ўзи сингари ғоят гўзал қалби илоҳий ғояларни, агар таъбир жоиз бўлса, қандайдир бир доҳилий ҳис билан идрок қилади. Сиз Асканиодан фариштани ёки бир гуруҳ санамларни ясаб беришни илтимос қилсангиз, бу борада унга ҳеч ким тенг кела олмайди. Унинг ижодида бениҳоя назокат, нафосат, мисли йўқ латофатнинг гувоҳи бўласиз! Паголо билан ишлаганимда қўлим тўртта бўлади. Асканио билан ишлаган чоғимда иккита қалб билан ишлайман. Яна шуни илова қилиб айтмоқчиманки, Асканио мени яхши кўради, мен ҳам ёнимда унинг беғубор, вафодор қалби тепиб турганидан беҳад бахтиёрман.

Устози гапираётган пайтда, Асканио сипогина бўлиб, аммо ҳеч ийманмасдан бемалол турди. Унинг қадди-қомати шу қадар хушбичим эдики, д'Этамп хоним бу қора кўз, қора соч италияликдан, Аполлоннинг тирик нусхаси бўлмиш бу жонон йигитдан ҳеч кўзини уза олмади.

— Модомики, Асканио нафис буюмларнинг моҳир устаси экан,— деди ҳерцогиня,— бирон кун эрталаб менинг ҳузуримга, д'Этамп қасрига борсин. Унинг менга қимматбаҳо тошлару олтиндан ғаройиб гул ясаб беришини истайман.

Асканио ҳерцогинянинг чеҳрасига астойдил миннатдорлик билан боқиб, унга таъзим қилди.

— Мен эса,— деди қирол,— у билан Паголога йилига юз олтин экюдан маош тайинлайман.

— Йигитлар бу маошингизни оқлагайлар,— деди Бенвенуто.

— Анави ерда бурчакка биқиниб олган киприклари

¹ *Химера* — (юнон мифологияси) боши ва бўйни шерин, танаси эчкини, думи аждаҳони эслатувчи баҳайбат махлук. (Тарж.)

узун қиз ким бўлди? — деб сўради эндигина Скоццоне-ни кўриб қолган Франциск I.

— О, унга эътибор берманг, аъло ҳазратлари! — жавоб қилди Бенвенуто хўмрайиб. — Мен фақат бир нарсани — устахонамни безаб турган беҳисоб мўъжизакор буюмлар ичида шу қизни ҳам пайқашларини сира ёқтирмайман. Сирасини айтганда, хуш кўрмайман.

— О, рашкчи экансиз, Бенвенуто!

— Ҳаёт ўзи шунақа экан, сир, менга тегишли нарсаса кўз олайтиришганини ёқтирмайман. Узингиз бир тасаввур қилинг. Гарчи келтираётган муқоясам мутлақо ўринсиз бўлса ҳам айтаман: биронта одамнинг д'Этамп хонимни орзу қилишга журъат этганини бир тасаввур қилиб кўринг, — ахир қанчалик газабланган бўлардингиз, аъло ҳазратлари! Скоццоне ҳам менинг ҳерцогиням.

Бу сўзлар Асканиога маҳлиё бўлиб, хаёлга толган ҳерцогиняни қушига келтирди ва у лабини тишлаб қолди. Асилзодалардан баъзилари беихтиёр жилмайиб кўйишди, хонимлар пичирлаша бошлашди. Қирол баралла кулиб юборди:

— Бас, бўлди! Сиз рашк қилишга ҳақлисиз, Бенвенуто, чин асилзодалик сўзим! Биз ҳаммамиз — санъаткорлар ҳам, қироллар ҳам бир-биримизни яхши тушунамиз... Хайр, дўстим! Илтимос, ҳайкаллари нишлашга киришаверинг. Ишни, албатта, Юпитердан бошланг, унинг моделини ясаганингиз ҳаманоқ менга олиб бориб кўрсатинг. Яхши қолинг, сизга муваффақият тилайман! Нель қасрида кўришгунимизча хайр.

— Аъло ҳазратлари, сизга моделни олиб бориб кўрсатиш — айтишгагина осон! Ахир мен Луврга қандай кираман?

— Қаср дарвозасида турган соқчиларга сизни ичкарига қўйиб юбориш ҳақида фармон берилган бўлади.

Челлини эгилиб таъзим қилди ва Паголо билан Асканио учовлари қирол ҳамда унинг аъёнларини дарвозагача кузатиб чиқдилар. Шу ерда Бенвенуто тиз чўкиб, Франциск I нинг қўлини ўпаркан, эҳтирос билан шундай деди:

— Аъло ҳазратлари, сиз монсеньёр де Монлюкнинг ёрдами туфайли мени ҳибедан, эҳтимолки, ўлимдан халос этдингиз! Сиз менга гоят беназир сахийлик кўрсатдингиз, фақирона устахонамга қадам ранжида қи-

либ мурувват қилдингиз! Энг муҳими, менинг ниятларимни ҳайратомуз сидқидиллик билан олдиндан фаҳмлаб оляпсиз, бунинг учун сизга қандай миннатдорчилик изҳор этишга ҳам ҳайронман. Шу нарса қадимдан одат тусига кирганки, биз санъат кишилари кўп асрлар ўтгач, қадримизга етувчилар учун ишлаймиз. Лекин менинг омадим бор экан: мен ҳозир, тириклик чоғимда, ҳамиша мададкор бўлувчи, ҳамиша доно маслаҳатлар берувчи ўз ҳакамимни топдим. Шу чоққача мен келгуси авлодларнинг устаси эдим. Бугундан эътиборан, ижозат берсангиз, қирол заршуноси бўлсам, аъло ҳазратлари!

— Сиз менинг устам, менинг заршуносим, ҳайкалтарошим ва дўстим бўласиз, Бенвенуто, агар шундай унвон сизга мақбул бўлса, албатта! Яхши қолинг, аниқроғи, кўришгунча хайр.

Турган гапки, д'Этамп хонимдан ўзга барча сарой аъёнлари қиролга тақлид қилиб, Челлинига илтифот кўрсатишди, уни мақтов сўзларга кўмиб юборишди.

Меҳмонлар жўнаб кетгач, ҳовлида Бенвенуто икки шогирди билан қолди, шунда Асканио унга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор эта бошлади. Паголо эса истар-истамас раҳмат айтди.

— Қўйинглар, ўғилларим, мендан миннатдор бўлманглар, ҳожати йўқ. Лекин гапимни яхшилаб эшитинглар: агар сизлар ўзингизни ҳақиқатан ҳам менинг олдимда бурчли деб ҳисобласангиз, фақат бир нарсани илтимос қиламан, инчунун, ҳозир бунинг мавриди келиб қолди, гап мен учун бебаҳо бўлган хилқат устида борапти. Қиролга Катерина тўғрисида нималар деганимни ўзингиз эшитдингиз, бу гаплар менинг теран қалб ҳиссиётимни ифодалайди. Бу қиз, дўстларим, мен учун ижодда ҳам — ўзингизга аён, Скоццоне менга жон-жон деб моделлик вазифасини бажаради, — ҳаётда ҳам керакли одам бўлиб қолди; аминманки, у мени севади. Хуллас, сизлардан илтимосим шуки — гарчи Скоццоне гўзал, сизлар навқирон бўлсангиз ҳам, — унинг тўғрисида ўйлай кўрманг. Дунёда дилбар қизлар кўп. Бинобарин, Скоццонега эҳтиросли нигоҳ ташлаб, қалбимни ўртаманг, сизларга бўлган дўстона муносабатимни таҳқирламанг. Мен уйда йўқ бўлган пайтларимда эса уни оғаларча авайланг. Сизлардан фақат бир нарсани илтижо қиламан: ўзимнинг феълим ўзимга маълум, шунинг учун, худони ўртага қўйиб онт ича-

манки, бирон қинғирлик сезсам Катеринани ҳам, хоинни ҳам ўлдираман!

— Устоз,— деди Асканио,— мен сизни ўз мураббийим деб биламан, сизни ўз падаримдек эъзозлайман! Кўнглингизни тўқ тутинг.

— Е қодир Исо! — дея ҳайқириб юборди Паголо, кафтларини бир-бирига уриб.— Бундай разолат ҳақида ўйлашдан мени худонинг ўзи асрасин! Нимаики яхшилик кўрган бўлсам, ҳаммаси фақат сиз туфайли бўлмадими ахир? Агар мен учун табаррук бўлган ишончингизни суиистеъмом қилсам-у, кўрсатган муруватингиз эвазига ташаккур айтиш ўрнига қабиҳона хиёнатга қўл урсам, худога шак келтирувчи жиноят қилган бўламан-у!

— Миннатдорман, ўғилларим! — деди Бенвенуто бир-бир йигитларнинг қўлини сиқаркан.— Минг раҳмат сизларга. Кўнглим таскин топди, мен сизларга ишонаман... Ана энди, Паголо, ишга кириш, шу нарса ёдингда бўлсин: жаноб де Вилльруага сен ишлаган муҳрни эртага тайёр бўлади, деб ваъда берганман. Асканио билан биз бўлсак, олиҳиммат қирол инъом этган мулкни бориб кўриб келамиз. Келаси якшанба куни бир вақтихушлик қиламиз: зўравонлик қилиб бўлса ҳам, Нель қасрини қўлга киритамиз.— Кейин у Асканиога ўгирилиб илова қилди: — Қани, юр, Асканио, сиртидан сенга маъқул бўлган машҳур Нель қасрига! Қани, кўрайлик-чи, унинг ичи ҳам одамларнинг мақтаганича бормикин.

Асканио бир оғиз ҳам сўз айтишга улгурмай, Бенвенуто ҳамма шогирдларининг ўз ўрнида ишлаётганини тез кўздан кечириб чиқди-да, Скоццоненинг анордек қизил, лўппигина юзига эркалаб шапатилаб қўйиб, шогирдини қўлтиқлаб олганча уйдан чиқиб кетди.

Олтинчи боб

ДУЭНЬЯЛАР ҚЎЛИДАН НИМАЛАР КЕЛМАЙДИ

Улар кўчага чиқиб ҳали ўн қадам ҳам юришмаган эди, эллик ёшлар чамасидаги паст бўйли, донишмандона чехрали хушбичимгина бир одамга тўқнаш келишди.

— Мен сизнинг олдингизга келаётган эдим, Бенвенуто,— деди нотаниш одам. Асканио унга наинки ҳур-

мат, балки камоли эҳтиром билан таъзим қилди. Бенвенуто эса, дўстона қўл чўзиб кўришди.

— Агар муҳим иш билан келган бўлсангиз, азизим Франческо, уйга кирайлик, бордию шунчаки, мени кўргани келган бўлсангиз, биз билан юринг.

— Мен сизга маслаҳат бергани келаётувдим, Бенвенуто.

— Жон-дилим билан эшитаман. Зеро дўст берган маслаҳат ҳамиша асқотади.

— Лекин маслаҳатимни бегоналар эшитмаслиги керак.

— Бу йигит ўзимнинг одамим, Франческо, гапираверинг!

— Айтардим-у, лекин лозим тополмайман, — деб жавоб қилди Бенвенутонинг дўсти.

— Афв этинг, устоз, — деди Асканио ва камтарлик билан ўзини четга олди.

— Начора, ўғлим, биз бормоқчи бўлган ерга бир ўзинг боришингга тўғри келади, — деди Бенвенуто. — Биласан-ку, сенга худди ўзимга ишонгандай ишонаман. Ҳаммаёқни бутун икир-чикиригача синчиклаб кўздан кечириб чиқ. Бўлгуси устахонанинг ёруғлигини, ҳовлиси қуйма қуйишга яраш-ярамаслигини, ундан кейин, бизнинг устахонани бошқа халфалар ишлайдиган хонадан ажратиш мумкин-мумкинмаслигини — барини яхшилаб чамалаб кўр. Дарвоқе, копток ўйнайдиган зални ҳам унутма.

Шундан сўнг Бенвенуто шогирди билан бош иргатиб хайрлашди ва нотаниш кишини қўлтиқлаб, ўз устахонасига кириб кетди, йигит эса Авлиё Мартен кўчасининг ўртасида қаққайғашча туриб қолди.

Ҳақиқатан ҳам устознинг топшириғи Асканиони қаттиқ эсанкиратиб қўйган эди. Бенвенуто унга қасрни бирга бориб кўриб келишни таклиф қилганидаёқ доддираб қолганди. Энди устози унинг ёлғиз ўзини ўша ёққа юборганида йигитнинг ҳоли нима кечганини ўзингиз бир тасаввур қилинг.

Шундай қилиб, Коломбани икки якшанба кўриб, изидан юришга журъат эта олмаган, учинчи якшанбада эса таъқиб қилган-у аммо гапиришга юраги дов бермаган Асканио, мана, энди унинг истиқболига кириб бориши керак... Хўш, нима учун? Нель қасрни кўздан кечириш учун кетяпти. Ваҳолонки, Бенвенуто келгуси якшанба куни бир вақтичорлик қилиш ниятида, мум-

кин бўлса, келишув йўли билан, йўқса куч ишлатиб бўлса-да, Коломбанинг отасидан қасрни тортиб олмоқчи.

Асканионинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам бўлганида ҳам ўзини ноқулай ҳис қилган бўларди. Чунки у аввало ошиқ эди, шунинг учун нима қилишга ҳайрон қолди.

Яхшиямки, Авлиё Мартен кўчасидан то Нель қасригача бўлган масофа анчагина узоқ эди. Акс ҳолда, Асканио бир қадам ҳам жилмаган бўларди. Оралиқ масофа ярим миляча¹ келарди, шунинг учун йигит юрак ютиб, йўлга тушди.

Кишини хавф-хатарга кўниктирувчи энг яхши восита вақт ёки оралиқ масофадир. Мулоҳаза — руҳи тетик ёки юксак истеъдодли одамлар учун қудратли таянчдир. Асканио ҳам шу тоифадаги одамлардан эди. У замонларда эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар орасида умидсизлик кайфиятига тушиш ҳали одат тусига кирмаганди. Барча инсоний ҳиссиётлар самимий, уларнинг вужудга келиши ҳам табиий бўлган: одамлар севинганда кулишган, қайғурганда йиғлашган. У замонда, сулуқат қилиш на ҳаётда, на санъатда одат бўлган, бинобарин йигирма ёшлар ўқтам йигит, ўзининг бахтиёрлигини ҳеч тортинмасдан, ошкора баён қилиши мумкин эди.

Қисқаси, Асканио ўзини қанчалик бесаранжом ҳис қилаётган бўлишига қарамай, хушбахт эди. Негаки, у фақат келгуси якшанбада кўришни орзу қилган Коломбани шу бугуноқ кўришга муяссар бўлади. Ахир бу муддатидан олти кун илгари дегани эмасми? Ошиқ йигит учун висол онини олти кун кутиш эса, ўзингизга аён, олти аср билан баробар.

Мана, энди у қалъага яқинлашган сари, қиладиган иши ўйлаганидан кўра анча осондек туюла бошлади. Тўғри, қиролдан Нель қасрига жойлашишга ижозат сўраб, ўша ерда устахона очиш фикрини Асканионинг ўзи Бенвенутога айтган эди. Наҳотки, Коломба шунга хафа бўлса: ахир Асканио унга яқинроқ бўлишга интилгани учун шундай қиляпти-ку! Тўғри, флоренциялик устанинг қалъага кўчиб кириши Коломбанинг отасига катта зиён етказди, зеро у қалъани ўз шахсий мулки деб ҳисоблайди. Лекин модомики жаноб Робер

¹ Бир миля 7420 метрга тенг.

д' Эстурвиль у ерда яшамас экан, қандай ҳам зиён етиши мумкин? Бунинг устига, Бенвенуто жуда кўп йўлларни қўллаб бино учун ҳақ тўлаши: чунончи, превога қадаҳ ёки унинг қизига маржон тақдим қилиши мумкин. Албатта, Асканио бу маржонни ўз қўли билан ясамоқчи бўлди. Санъат равнақ топган ўша даврда бундай нарсалар ҳар қандай қийинчиликни бар- тараф қила олар ва шундай қилиши шарт эди. Асканио устози ясаган қандайдир бир ғаройиб, қимматбаҳо нарсани сотиб олиш учун ўз бошларидаги тожни, тиарани¹, қўлларидаги салтанат ҳассасини сотишдан ҳам тоймайдиган қудратли ҳерцогларни, қиролларни, папларни кўрган. Ва ниҳоят, мессер Робер ҳам масалани тотувлик билан ҳал этиш лозимлигини тушунса керак, шундай қилса, ҳали у маэстро Бенвенутодан миннатдор ҳам бўлади. Ахир устози шундай мурувватли одамки, агар мессер д' Эстурвиль муомаласини яхши қиладиган бўлса, маэстро Бенвенутонинг унга шоҳона саховат кўрсатишига Асканионинг ишончи комил эди.

Асканио Авлиё Мартен кўчасининг бошидан охиригача юриб ўтганидан кейин, ўзини икки давлатни тотувлик билан келиштириш учун парвардигор томонидан вакил қилинган сулҳ элчиси деб фараз қила бошлади.

Бироқ Асканио ўзининг бу фаразига ишонган бўлса ҳам, борадиган йўлини яна ўн дақиқача узайтириш нияти йўқ эмас эди. Ошиқлар ўзи шунақа, ғалати табиатлироқ бўлишади. Шунинг учун бўлса керак, у Сена дарёсидан қайиқда сузиб ўтиш ўрнига, соҳил бўйлаб Тегирмон кўприги томон йўл олди. Балки у бундан бир кун олдин Коломбага эргашиб, шу йўлдан юргани учун ҳам шундай қилгандир.

Лекин Асканио қандай сабаблар билан бу айланма йўлни танлаган бўлишига қарамай, йигирма дақиқалардан кейин, барибир, ўзини Нель қасри олдида кўрди. У ўзи остонасидан ҳатлаб ўтиши лозим бўлган, тепаси пештоқсимон эшикка кўзи тушиб, чўққи гум- базлари тикка осмонга қадалган, готик услубда қурилган бу муҳташам бинони диққат билан кузата бошлади. Ҳавонинг иссиқлигидан қопқоқлари ярим ёпилган бу деразалар ортида соҳибжамол Коломба яшашини ўйлагач, булут парчаларидан тикланган энг мўъжизали

¹ *Тиара* — бу ўринда Рим папасининг бош кийими.

шакллар шамолнинг енгилгина нафасидан вайрон этилганидек, у йўл-йўлакай бунёд этган ҳавоий қасри муаллақ ҳам барбод бўлди. Оқибат, йигит ҳақиқий ҳаётга рўбарў келди, аммо бу ҳаётда унинг қалбига таскин берадиган ҳеч нима йўқ эди.

Асканио бир неча дақиқа тўхтаб қолиб (тўхташининг ўзи аломат эди, зеро куннинг бу жазирама иссиқ пайтида дарё бўйидаги кўчада биронта ҳам жонзот кўринмасди,) бирон-бир қарорга келиш кераклигини англади. Қалъага кириш керак эди — бирдан-бир қарор шу эди. Мана, йигит эшик тагига келиб, уни тақиллатадиган болғачани кўтарди. Лекин агар шу заҳоти эшик тасодифан очилиб, тўғри келган ҳар қандай хизматни бажарувчи хизматкор ё деҳқонга ўхшаб кетадиган ўттиз ёшлар чамасидаги бир одамга рўбарў келмаганида, унинг эшикни қачон тақиллатишини айтиш қийин эди. Эшик очган мессер д' Эстурвилнинг боғбони эди.

Асканио ҳам, боғбон ҳам бирдан орқага ташланишди.

— Сизга нима керак? — деб сўради боғбон.— Нега бу ерда турибсиз?

Чекинишга илож қолмаган эди, шунга кўра Асканио бутун жасоратини ишга солиб, дадиллик билан жавоб қилди:

— Кириб қасрни кўрмоқчиман.

— Қанақасига кириб кўрар экансиз? — деб ажабланди боғбон.— Ким рухсат берди?

— Қирол,— деб жавоб қилди Асканио.

— Қирол?!— бақириб юборди боғбон — Е Исо Масих! Қирол биздан қасрни тортиб олмоқчи эмасми, мабодо?

— Ажаб эмас,— деб жавоб қилди Асканио.

— Ахир бу нима деган гап?

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, биродар,— деди Асканио салобат билан ва ўзини тутишидан мамнун бўлиб,— сизга ҳисобот бериб ўтиришим шарт эмас!

— Ҳа, бу ҳам тўғри. Ким билан гаплашишни истайдилар?

— Айтинг-чи, жаноби прево уйдаими? — деб сўради Асканио. Ҳолбуки, у превонинг қасрда йўқлигини жуда яхши билар эди.

— Йўқ, тақсир, ҳозир у Шатленда.

— У йўқлигида ким унинг ўрнида қолади?

— Жаноби превонинг қизи мадемуазель Коломба.

Асканио қулоқларигача қизариб кетганини сизди.

— Яна,— деб давом этди боғбон,— Перрина хоним. Қай бирлари билан гаплашмоқчисиз, тақсир, Перрина хоним биланми ёки мадемуазель Коломба биланми?

Бу оддийгина савол Асканионинг қалбида бир олам ҳиссиётларни уйғотди. Йигит, мадемуазель Коломбани кўрмоқчи эканлигини айтиш учун оғиз очди-ю, лекин бу густоҳона сўзларга тили бормай, боғбондан Перрина хоним қошига бошлаб боришни илтимос қилди.

Бу табиий илтимос замирида қанчадан-қанча бесараңжомликлар, ташвишлар ётганини тасаввур ҳам қилмаган боғбон итоаткорлик билан бош ирғади-да, ҳовлини тик кесиб, Кичик Нель қалъаси томон йўл олди. Асканио унга эргашди.

Улар иккинчи ҳовлидан ўтиб, иккинчи эшикка киришди, кейин гулзор оралаб, пиллапоялардан узун пешайвонга чиқишди-да, унинг охиригача боришди.

Шу ерга келганда боғбон эшикни очиб деди:

— Перрина хоним, бир йигит келиб қирол номидан қасрни кўрсатишимизни талаб қиляпти.

Шундан сўнг у ўзини четга олиб, остонада турган Асканиога жой бўшатди.

Асканионинг кўз олди қоронгулашиб, деворга суюниб қолди: мутлақо кутилмаган воқеа юз берган эди. Хонада дуэнья билан бирга Коломба ҳам ўтирар, Асканио уларга рўпара келган эди.

Перрина хоним ип йигирар, Коломба бўлса чамбракка тортилган матога гул тикарди.

Икковлари баравар бошларини кўтаришиб эшик томон қарашди. Коломба шу бир қарашнинг ўзидаёқ Асканиони таниди. Гарчи бу қизнинг ақл-заковати йигитнинг бу ерга кела олмаслигини қайта-қайта таъкидлаб ётган бўлса ҳам, барибир, Коломба кутарди. Йигит эса, Коломбанинг кўзига кўзи тушиши ҳамноқ, ҳозир ўлиб қолсам керак, деган хаёлга борди, ваҳолонки, қизнинг нигоҳида битмас-туганмас меҳр товланарди.

Гап шундаки, Асканио Коломба билан учрашишни ўйлаганида жуда кўп қийинчиликларни кўз олдига келтирган, беҳисоб тўсқинликларга дуч келишини тасаввур қилган эди. Уша тўсқинликлар уни руҳлантириши, қийинчиликлар чиниқтириши лозим эди. Лекин унинг барча ниятлари шундай яхши, шундай осонгина юз бе-

риб қўя қолди. Йигит Коломба билан тасодифан учрашди, натижада олдиндан тайёрланган барча ажойиб гаплар, қизга ўз таъсирини кўрсатиб уни мафтун этиши лозим бўлган оташин, дабдабали сўзлар бирдан хотира-сидан кўтарилди. Эсида на бирон жумла, на бирон сўз, на бирон товуш қолганди.

Коломба ҳам донг қотиб қолган эди, у қимир этмай ўтираркан, бир оғиз сўз айтишга ҳоли келмас эди. Бу беқусур ва навқирон икки хилқат гўё азалдан бир-бирлари учун яратилганликларини ҳалитдан ҳис қила бошлаган, бинобарин бу илк висол онидан чўчиб кетганларидан қаттиқ хижолат бўлиб, вужудлари даг-даг титраб, бир оғиз калом айтишга мажоллари етмаётгандек эди.

Перрина хоним ўрнидан турди, урчуқни бир четга қўйиб, қўлини чарх гилдирагига тиради-да, ўртага чўккан сукунатни бузди.

— Бу овсар нималар деб жавраяпти,— деди муҳтарама дуэнья,— эшитдингизми, Коломба?

Коломба жавоб бермади.

Шунда дуэнья Асканиога яқин бориб, гапида давом этди:

— Сизга ким керак, афандим?.. Вой, танимабман-ку, ё парвардигор, ўзинг кечир! — деди у бирдан йигитни таниб қолиб.— Ахир бу, уч якшанбадан бери черков қопқаси олдида менга илтифот билан оби табаррук тутаётган йигит-ку. Хўш, хизмат, азизим?

— Сиз билан гаплашиб олишим керак эди,— деб гўлдиради Асканио.

— Холи жойдами? — нозланиб сўради Перрина хоним.

— Холи жойда...

Асканио шундай деб жавоб қиларкан, ҳеч кечириб бўлмайдиган тентаклик қилаётганини тушунди.

— Ундай бўлса, буёққа марҳамат қилинг, яхши йигит, марҳамат, киринг,— деб Перрина хоним ёп эшикни очди-да, Асканиога орқамдан юринг, дегандек ишора қилди.

Асканио унга эргашиди, лекин кетатуриб маҳбубасига шундай узоқ бир нигоҳ ташладики, ҳар бир ошиқ йигит бундай нигоҳи билан кўп маънони ифода эта оларди. Ишқ дардини бошидан кечирмаганлар бу нигоҳдан ҳеч нима тушунмас, аммо нигоҳ қаратилган хилқат учун у теран маънони англатар эди. Турган гапки, Коломба ҳам бу нигоҳнинг маъносига тушунган

эди, зеро унинг кўзлари, беихтиёр йигитнинг кўзлари билан учрашганида, бирдан чўғдек қизариб кетган эди, шунда у қизарганини ҳис этиб, гўё тикаётган каштасига қараётгандек бошини қуйи эгди, ўзи тиккан гулларни шафқатсизлик билан сўка бошлади. Коломбанинг латиф чехраси лов-лов ёнаётганини кўрган шўрлик ошиқ юришдан тўхтаб, эндигина маъшуқасининг истиқболи сари отилмоқчи бўлган эди, Перрина хоним орқасига ўгирилиб, йигитни ўзи билан юришга чорлади, Асканио унинг ортидан юришга мажбур бўлди. Йигит остона ҳатлаб ўтиши билан, Коломба игнани отди, кўлларини креслонинг ён суянчиғига қўйганча, бошини орқага ташлаб, шундай чуқур бир хўрсиндики, унинг бу хўрсинишида ҳамма нарса: Асканионинг кетаётганига афсусланиш ҳам, унинг чиқиб кетганидан ўзини енгил ҳис қилганлик туйғуси ҳам бир-бирига омухта бўлиб кетган, бир сўз билан айтганда, қиз қалби изоҳлаб бўлмайдиган сирлар оғушида қолган эди.

Асканионинг эса машқи паст эди: у бундай тутуруқсиз топшириқ берган Бенвенутодан, қолаверса, қулай фурсатдан фойдалана олмагани учун ўзидан ҳам хафа эди, ҳаммадан кўпроқ у Перрина хонимдан аччиғларан эди. Зеро у уйдан шу аёлнинг қистови остида, айни Коломба ўз нигоҳи билан уни қолишга ундагандек бўлган чоғда, чиқиб кетишга мажбур бўлганди.

Шунинг учун, дуэнья Асканио билан холи қолиб, ундан не мақсадда қасрга ташриф буюрганини сўраганида, йигит ўз шахсий хатоси учун хонимдан қасд олиш ниятида анча дағал жавоб қилди:

— Ташрифимнинг боиси, муҳтарама хоним, сиздан Нель қасрини кўрсатишни ва мен билан биргаликда унинг ҳамма ерини айланиб чиқишни сўрамоқчиман.

— Менга Нель қасрини кўрсатишингиз керак, дедингизми? — такрор сўради Перрини хоним. — Айтинг-чи, сизга нима учун керак бўлиб қолди қарсни кўриш?

— Мен қасрнинг бизга маъқул тушиш-тушмаслигини, биз учун бу ерда қулай шароит бор-йўқлигини билишни, хуллас, бу қаср кўчиб келиш учун бош қотиришга арзийдими-йўқми, — шуни ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

— Ие, бу ерга кўчиб келмоқчимисиз? Нима, сиз қасрни жаноби преводан ижарага олдингизми?

— Йўқ, қасрни бизга аъло ҳазратлари туҳфа қил-
яптилар.

— Аъло ҳазратлари сизга қасрни туҳфа қияп-
тилар?! — деди таажжубдан тутоқиб кетган Перрина
хоним.

— Таг-туғи билан,— деб жавоб қилди Асканио.

— Сизга-я?

— Менга эмас, муҳтарама хоним, менинг устозимга.

— Ижозатингиз билан, яхши йигит, қизиқсиниб
сўрамоқчиман: ким бўлди ўша сизнинг устозингиз?
Балки у ҳорижлик биронта ақобирдир?

— Ундан ҳам баландроқ. Перрина хоним, у мурув-
ватли аъло ҳазратимизга хизмат қилиш учун, атайлаб
Флоренциядан келган буюк санъаткор!

— Шунақа денг! — деди гапнинг нима ҳақда бо-
раётганини унчалик тушуна олмаган дуэнья.— Хўш,
ўша устозингиз нима иш қилади ўзи?

— Нима иш қилади, денг! Ҳар қандай ишни бажа-
раверади: гўзал қизларнинг нафис бармоқлари учун
узуклар, қирол столига қўйиладиган кўзалар, ибод-
атхоналар учун ҳайкаллар ясайди, бўш вақтларида
эса, агар у императорни даҳшатга солмоқчи ёки папа-
нинг ҳақ-ҳуқуқини мустаҳкамламоқчи бўлса, шаҳар-
ларини гоҳ қамал, гоҳ муҳофаза қилади.

— Ё Исо алайҳиссалом! — деб юборди Перрина
хоним.— Устозингизнинг исми нима?

— Унинг исми Бенвенуто Челлини.

— Қизиқ, бу номни ҳеч эшитмаган эканман,— деб
ғўлдиради дуэнья.— Унвони қанақа экан унинг?

— У заргар.

Перрина хоним ажабланганидан кўзларини кат-
та-катта очганча, Асканиога тикилиб қолди.

— Заргар? — деб такрорлади кейин у.— Ҳали сиз
мессер прево ўз қасрини аллақандай бир заргарга
осонликча бериб қўяди деб ўйлаяпсизми?

— Бермаса — куч ишлатиб, тортиб оламиз.

— Куч ишлатиб?

— Ҳа, шундай.

— Устозингиз жаноби прево билан ўчакишишга
журъат эта олмас-ов!

— У ўз ҳаётида учта ҳерцог, иккита папа билан
ўчакишган.

— Ё Исо алайҳиссалом! Иккита папа билан-а?
Устозингиз мабодо ғайридин эмасми?

— Сиз билан биз, Перрина хоним, қандай католик бўлсак, у ҳам шундай католик. Хотиржам бўлинг, шайтонга шерик эмасмиз, аксинча, бизга қиролнинг ўзи паноҳгоҳдир.

— Ҳали шунақа денг! Унда шуни билингки, жаноби превонинг ҳам сизларникидан қолишмайдиган паноҳгоҳи бор.

— Ким экан у?

— Д' Этамп хоним.

— Ундай бўлса, кучларимиз тенг экан,— деди Асканио.

— Агар мессер д' Эстурвиль талабингизни рад этса-чи?

— Унда, маэстро Бенвенуто қасрни зўрлик билан ишғол қилади.

— Бордию мессер Робер қасрни қалъага айлантриб, ичидан беркитиб олса-чи?

— Унда маэстро Челлини қасрни қамалга олади.

— Мессер превонинг тиш-тирноғигача қуролланган йнгирма тўртта соқчиси бор. Шу ҳақда ўйлаб кўрсангиз бўларди.

— Маэстро Челлинининг ўнта шогирди бор. Кўриб турибсизки, Перрина хоним, кучларимиз тенг.

— Илло мессер д' Эстурвилнинг ўзи хавфли рақиб. У Франциск биринчининг никоҳ тўйи муносабати билан уюштирилган мусобақада ўзи билан олишган паҳлавонларнинг ҳаммасини ерга қулатган.

— Жуда соз-да. Перрина хоним, Бенвенуто айнан шунақа азамат билан куч синашишни орзу қилиб юрган эди. У ҳам худди мессер д' Эстурвиль сингари ўз ганимларининг ҳаммасини ер тишлатган. Фақат шуниси борки, сизнинг превонгиздан мағлуб бўлганлар орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас оддек соғайиб яна вақтихушлик қила бошлашган, лекин менинг устозимга рўпара келганлар, ўринларидан бошқа қайтиб турмаганлар, балки уларнинг ҳар бирини уч кундан кейин қабристонга олиб бориб қўйишган.

— Оҳ, кўнглим сезиб турипти, фалокат рўй берадиганга ўхшайди! — деб гўлдиради Перрина хоним.— Одамларнинг гапига қараганда, қамалда қолган шаҳарларда кўп даҳшатли воқеалар содир бўлармиш.

— Тинчланинг, Перрина хоним,— кулиб туриб деди Асканио,— қасрни забт этганлар сизга нисбатан шафқатли бўлишади.

— О менинг навқирон дўстим, бу гапларни қон тўкилишидан қўрққанимдан гапирялман мен,— деб жавоб қилди Перрина хоним, чамаси, у қамал қилувчилар орасидан ўзи учун ҳимоячи топиш ниятида эди.— Ўзингиз тушунаётгандирсиз, бизга қўшни бўлишингиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилади, Зеро, бу лаънати хилватгоҳда чақчақлашиш учун биронта ҳам одам йўқ. Мессер д' Эстурвиль бизларни — ўз қизи билан мени — мисоли иккита шўрпешона роҳибадек бу ерга ҳибс қилган, ваҳолонки, биз дунёдан никоҳсиз ўтамиз, деб қасамёд қилмаган эдик. Э худо, ўзинг асра бизни бу офатдан. Одамзоднинг ёлғиз бўлмоғи-гуноҳдир, дейилган муқаддас китобда, зотан «Одамзод» дейилганда, аёл кишиларни ҳам назарда тутишган. Шундай эмасми, тақсир?

— Ие, бўлмасам-чи.

— Бизлар бўлсак ҳайҳотдек кўшкларда ёлғизликда яшарканмиз, албатта, диққинафасликдан юрагимиз сиқилади.

— Наҳотки, сизларни кўргани ҳеч ким келмаса? — деб сўради Асканио.

— Вой, нимасини айтасиз? Роҳибалардан ҳам бешбаттар кун кечирамиз, бу ҳақда сизга боя гапирувдим. Роҳибалар ҳар қалай, ўз хешларини, дугоналарини қабул қилишиб, улар билан жиллакурса панжара орқали учрашишади, монастир тановулхонасида ўзаро уёқдан-буёқдан гаплашиб, дардлашиб озми-кўпми кўнгил ёзишади. Лекин бизнинг ҳузуримизга ўқтин-ўқтин фақат мессер превонинг ўзи келади, келди дегунча қиз шўрликни койишга тушади: бечоранинг кун сайин гулдай очилаётгани сабаб бўлса керак бунга. Ҳолбуки, қизимизнинг шундан бошқа гуноҳи йўқ. У мени ҳам койийди — қизимни яхшироқ назорат қил, деб буюради. Худога шукрни, шўрлик қиз бу ерда биронта ҳам тирик жонни кўрмайди, агар мен билан қиладиган суҳбатини ҳисобламасак, фақат ибодат учунгина оғиз очиб гапиради, холос. Йўқса мен ҳам оладиганимни олардим. Шунинг учун, илтимос қиламан, яхши йигит, сизни бу ерга киритганимиз ҳақида Катта Нель қасрини кўздан кечириб чиққанингиздан кейин, биз билан суҳбатлашгани Кичик қасрга кирганингиз тўғрисида ҳеч кимга оғиз очманг.

— Нима, Катта Нель қасрини кўздан кечириб чиққач?..— деб юборди бирдан Асканио.— Демак, ҳали

сиз билан бирга яна Кичик қасрга қайтарканман-да? Демак, мен... — дедию ўз қувончини сездириб қўйганини пайқаб, жим бўлиб қолди.

— Яхши йигит, мадемуазель Коломбага ўзингизни танитгач, — ахборотингиз учун, отаси уйда йўқ пайтида у қаср бекаси ҳисобланади, — хуллас, айтмоқчи-манки, фақат мен билан гаплашиб, хайрлашув олди-дан бекага бир оғиз ҳам сўз айтмай Нель қасрини тарк этишингиз одобдан бўлармикин? Аммо ихтиёрингиз, агар буни истамасангиз яна ўзингиз биласиз, Катта Нель қасридан тўғри кўчага чиқиб кетаверишингиз мумкин — у ерда ҳам дарвоза бор.

— Асло уёқдан чиқмайман, анойи йўқ, азбаройи худо! — деди Асканио. — Мен ҳам, бошқалар сингари тарбия кўрганман, аёлларнинг ҳурматини жойига қўйишни биламан. Фақат, илтимос, Перрина хоним, тезроқ Катта қаср хоналарини кўздан кечириб чиқайлик, жудаям шошиб турибман.

Дарҳақиқат, Асканио Кичик қасрга яна қайтиши мумкинлигини билгач, Катта қасрни тезроқ кўриб чиқишга шошила бошлаган эди. Перрина хоним ҳам превонинг дабдурустдан бостириб келиб қолишидан қўрқиб, Асканиони бу ерда ортиқ ушлаб турмади: эшик орқасидан қоziққа илинган бир шода калитни олди-да, йўл бошлади.

Келинг, бизлар ҳам Асканио билан биргаликда Нель қасрини бир кўздан кечириб чиқайлик, зеро бундан буён қиссамизда баён қилинадиган энг муҳим воқеалар айнан шу қасрда содир бўлади.

Нель қасри, аниқроғи, Нель мулки — у замонларда ҳам қасрнинг шу ном билан юритилганидан китобхоннинг хабари бор, албатта, — Сена дарёсининг чап соҳилига жойлашган бўлиб, бу ерга кейинчалик Невер саройи, ундан ҳам кейинроқ эса Зарбхона билан академия бинолари қурилган эди. Қаср Парижнинг жанубий-ғарбий чеккасига жойлашган бўлиб, унинг девори ортида фақат шаҳар зовури ва Пре-о-Клернинг кенг майсазори кўринарди. Қасрни VIII асрнинг охирида пикардиялик тахтга ворис Нель сенъори Амори қурган эди. Уни 1308 йилда Чиройли Филипп¹ сотиб олиб, ўз қароргоҳига айлантиради. 1520 йилга келиб эса Нель

¹ Чиройли Филипп (1285-1313) — Франция қироли.

минорасини (унинг шаҳватли ишрат билан ўтган қонли ўтмиши ҳақидаги хотиралар тоабад унут бўлмайди) қасрдан ажратиб, дарё ёқалаб йўл қурдилар, зовур устига кўприк ётқиздилар. Мудҳиш минора энди оролда худди тавба-тазарру қилаётган гуноҳкор аёл сингари ёлғиз шўппайиб турарди.

Нель амлоки ниҳоятда поёнсиз бўлгани сабабли, миноранинг ажратиб олингани унга деярли ҳеч қандай путур етказмаган эди. Бу амлок йирик бир қишлоқдек бўлиб кўринарди. Уни баланд девор ва тепаси чўққи кенг дарвоза билан торгина эшик соҳилдан ажратиб турар эди. Даставвал сиз ҳаммаёғи девор билан ўралган тўрт бурчакли кенг бир ҳовлига кирасиз, бу ерда иккита эшик бор: бири чап томонда, иккинчиси — ҳовлининг тўрида. Агар сиз, Асканионинг ҳозирги рафторига тақлид қилиб, ҳовлига чап эшикдан кирсангиз, XIX асрда готика услубида қурилган мўъжазгина, ғоятда бежирим бир бинога дуч келасиз. Бу Кичик Нель қасри бўлиб, унинг жанубий девори ёқалаб боғ кетган. Бордию сиз ҳовлининг тўридаги эшикдан ўтсангиз, ўнг томонингизда Катта Нель қасри қад кўтарганини кўрасиз. Иккита учда ўткир минораси бор, гир айланаси нақшинкор панжарали, олд томони поғонасимон кўтарилган, нақшли деразалари баланд-баланд, томига шамолда ғижирлаб айланадиган йигирмата пирпирак ўрнатилган бу бино харсангтошдан қурилган. Бизнинг замонамизда бўлганида у ерга бир эмас, учта банкдор хонадони жойлашиши мумкин эди.

Мабодо сиз яна нарироқ юрсангиз, ҳар хил шакл ва ҳажмдаги боғларда адашиб қолардингиз, илло сиз бу боғларда копток ва серсо¹ ўйинлари учун мосланган бинони, дегрезлик хонасини, ҳарбий асбоб-анжомлар омборини, улар ортида эса, паррандахона, қўйхона, оғилхона, отхоналарни кўришингиз мумкин эди. Бизнинг давримизда бу ерга бир эмас, учта ферма бемалол жойлашса бўларди.

Шуни айтиш керакки, бу ердаги ҳамма нарса қаровсизлик оқибатида путурдан кетган эди. Боғбон Бембо билан унинг икки ёрдамчиси, Коломба гул ўтқазган

¹ Серсо — иргитилган ҳалқани чиллак чўпи билан илиб олиш ўйини.

ва Перрина хоним карам эккан Кичик Нель қасридаги боғни парвариш қилишга зўрға улгуришарди. Лекин қаср ниҳоятда кенг, офтобрўй, иморатлари жуда пишиқ-пухта қурилган бўлиб, озгина меҳнат ва пул сарфлаб, у ерда дунда қиёси йўқ устахона барпо қилиш мумкин эди, албатта.

Қаср устахона учун унчалик қулай бўлмаган тақдирда ҳам, Асканио, барибир ҳозиргидек дилхуш бўлаверарди, зеро, бу ерда, унинг ёнгинасида Коломба яшарди. Энг муҳими шу эди.

Бу эпчил йигит кўз очиб юмгунча вақт ўтмай, бутун қасрни кўздан кечирди, ҳамма нарсасини текширди, ҳамма нарсага аҳамият берди. Перрина хоним аввалига йигитдан орқада қолмасликка кўп уринган бўлса ҳам, ҳаракатлари зое кетди ва салдан кейин бир шода калитни Асканионинг қўлига тутқазди, йигит ҳам қаср билан обдон танишиб чиққач, калитларни яна хонимнинг қўлига топширди.

— Мана энди, Перрина хоним,— деди у,— камина сизнинг ихтиёрингиздаман.

— Жуда саз, унда Кичик Нель қасрига қайтамиз, яхши йигит, зеро, одоб юзасидан шундай қилиш жоиздир.

— Бўлмасам-чи! Акс ҳолда мен беҳурматлик қилган бўлур эдим.

— Лекин, эсингизда бўлсин, Коломбага ташрифингиз сабаби ҳақида оғиз оча кўрманг-а!

— Е танграм, бўлмаса у билан нима ҳақда гаплашаман? — деди Асканио.

— Асло хижолат тортманг, азизим! Ахир ўзингиз, заргарман, деб айтдингиз-ку!

— Ҳа, тўғри.

— Мана сизга мавзу: Коломба билан зеб-зийнатлар тўғрисида гаплашинг. Бундай суҳбат ҳаттоки энг камсуқум қиз учун ҳам доим хуш ёқади. Ахир Момо Ҳавонинг қизими у ё йўқми? Агар Момо Ҳавонинг қизи бўлса, ялтироқ нарсани яхши кўрмай иложи йўқ. Кейин, бояқиш қиз шундоқ ҳам ҳеч кўнгилхушлик қилмайди, ҳамиша ёлғизликда кун кечирадики, унинг бир озгина бўлса ҳам вақтини чоғлаш кони савобдир. Шунинг учун ҳам ҳар сафар жаноби Робер келганида: «Қизингизни эрга беринг, эрга беринг қиз бечорани», деб пичирлаб унинг қулоқ-миясини ейман.

Перрина хоним шундай деганча, Кичик Нель қас-

рига йўл олди ва Асканионинг кузатувида, боя Коломба қолган хонага кириб борди.

Коломба, улар чиқиб кетаётганда қай алфозда қолган бўлса, шу алфозда орзулар оғушида ўйга толиб ўтирарди. У фақат кўп марталаб бежирим бошини кўтариб, ўктам йигит чиқиб кетган эшикка қараб-қараб қўйган эди холос. Агар биронта одам ҳозир унинг кўзини кузатса борми, бу қиз Асканиони кутяпти, деб ўйлаган бўларди, албатта. Ҳолбуки, эшик очилган заҳоти, қиз шундай чаққонлик билан яна ўз ишига киришдики, унинг тикишдан тўхтаганини на Перрина хоним, на Асканио пайқади.

Йигитнинг дуэнья орқасидан келаётганини қиз қандай сездими экан? Агарда ўша даврда гипноз кашф этилганида, буларнинг ҳаммасини шу гипнознинг таъсири деб изоҳлаш мумкин бўларди.

— Коломба, бизга оби табаррук тутган йигитни бошлаб келдим. Тасаддук, бу ўша, уни бир кўришдаёқ танидим. Уни Катта Нель қасри дарвозасигача кузатиб қўймоқчи бўлувдим, лекин у сиз билан хайрлашмаганини айтди. Гапим чин — ахир бир-бирингиз билан икки оғиз ҳам гаплашмадингиз-ку. Йлло, шукрки, икковингиз ҳам гунг эмассиз...

— Перрина хоним! — деб дуэньянинг сўзини бўлди хижолатдан чўғдек қизариб кетган Коломба.

— Рост-да! Нима қилипти? Бунинг ҳеч уятли ери йўқ. Жаноби Асканио андишали йигит, сиз ҳам хушалоқ қизсиз. Бунинг устига, маълум бўлишича, бу йигит ҳар турли тақинчоқлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнатлар бобида моҳир уста экан, одатда дилбар қизлар ундай буюмларни жуда ёқтиришади. Айтмоқчиманки, агар сиз истасангиз у ўзи ясаган нарсаларни олиб келиши мумкин.

— Менга ҳеч нима керак эмас, — деб гўлдиради Коломба.

— Эҳтимол, ҳозир керак эмасдир, лекин ахир бутун умр бу хиёват гўшада сарғайиб ўтирмассиз! Ахир ўн олтига кирдингиз, Коломба, ҳадемай чиройли келинлик либосини киясиз, шунда сизга бир талай қимматбаҳо кийимлар тақдим этишади, ана унда сиз машҳура хонимга турли-туман безаклар, тақинчоқлар керак бўлади. Ўшанда мана бу ўктам йигитнинг тирноғига ҳам арзитайдиган қаёқдаги қаланғи-қасанғи усталар билан

мулоқотда бўлгандан кўра, ҳозир шу гўзал йигитнинг ўзини афзал кўрган яхши-ку, менимча.

Коломба изтиробда эди. Бу ҳолни пайқаган, лекин Перрина хонимнинг фаразларидан унча қувонмаган Асканио бечора қизга ёрдам бермоқчи бўлди, дарҳақиқат, Коломба учун дуэньянинг гапини эшитишдан кўра йигитча билан суҳбатлашиш юз карра афзалроқ эди.

— О, мадемуазель, — деди Асканио, — мендан марҳаматингизни дариг тутманг, ўзим ясаган арзимас буюмлардан баъзиларини олиб келишимга ижозат беринг! Энди мен ҳамма зеб-зийнатларни сиз учун ясагандек, ишлаб туриб фақат сиз тўғрингизда ўйлагандек ҳис қиляпман ўзимни. О, гапларимга ишонаверинг, зеро, биз санъаткор-заргарлар баъзида олтину кумушдан, қимматбаҳо тошлардан ишланган безак буюмларда ўз орзу-армонларимизни ифода этамиз!..

Хуллас, тарихнависларга жоиз рўй-рост гапирадиган бўлсак, йигитнинг назокат тўла бу каломларини эшитган Коломбанинг қалби қувончдан жўш уриб кетди, зеро, узоқ фурсат сукут сақлаган Асканио ниҳоят тилга кирган, кирганда ҳам айнан шу қизнинг орзусидаги йигит янглиғ гапира бошлаган эдиким, гўзал қиз ҳатто кўзларини ердан узмасдан ҳам ўзига қандай оташин, порлоқ нигоҳ қадалиб турганини ҳис қилаётган эди. Йигитнинг ажнабий талаффузда айтган сўзлари Коломба учун янги, нотаниш бўлган махсус жозиба билан янграркан, муҳаббатнинг тутқич бермайдиган, ғоят уйғун тилига теран маъно, ғайритабiiий тароват бахш этардики, бу тилни қизлар, ўзлари у тилда гапиришга ўрганмасларидан олдинроқ тушуна бошлайдилар.

— Тўғри, — деб Асканио кўзини Коломбадан узмай гапида давом этди, — тўғри, биз сизнинг зариф ҳуснингизга заррача ҳам ҳусн қўша олмаймиз. Зеро, худонинг қудрати биз унинг саждагоҳини бегаганимиз билан ошавермайди. Биз фақат аёл кишининг ҳусну латофатини, унинг ўзи сингари мафтункор, мўъжизавор бебаҳо безаклар билан ҳошиялаймиз, сўнг, бизлар, яъни ялтироқ ва жозибали тақинчоқларни ясаган камсуқум, қобил усталар, ўзимизни хилватга олиб, сизнинг баркамол латофатингизни кузатар эканмиз, ўзимизнинг нечоғли ғарибу нотавон эканлигимиз ҳақида ўйлаб, ўз меҳнатимиз туфайли, сиз дилбар аёлларни

янада дилбарроқ қилганимиздан таскин топамиз.

— О, афандим,— деб жавоб қилди йигитнинг сўзларидан ниҳоятда уялиб кетган Коломба,— сиз ясаган ажойиб безакларни тақиш менга ҳеч қачон nasib бўлмаса керак! Тўғриси, улар менга асқотмайди. Зеро, мен ёлғизликда, хилватда яшайман, аммо бу ёлғизлик ҳам, хилват ҳам менга асло малол келмайди. Очиғи, мен ҳаммиша шундай яшашни истар эдим. Шундай бўлса ҳам барибир сизнинг тақинчоқларингизни кўришни жудаям истардим... Уларни харид қилиш ниятим йўқ, фақат, шунчаки кўрсам девдим... Уларни тақмоқчи ҳам эмасман, фақат томоша қилмоқчиман, холос.

Шундан сўнг Коломба, жуда кўп гапириб юбордим деб ўйлаганидан дағ-дағ қалтираб, эҳтимол, яна ҳам кўпроқ гапириб юбормаслик учундир, бирдан жим бўлиб қолди. Кейин Асканиога таъзим қилди ва шундай шошқалоқлик билан уйдан чиқиб кетдики, қизнинг бу рафторини кўрган ҳар қандай одам, уни чўчиб кетди, деб ўйлаган бўларди...

— Вой, қандай яхши бўлди! — деди Перрина хоним. — Ниҳоят, биз ҳам ишва қила бошладик! Очиғини айтсам, сиз, яхши йигит, гапга жуда чечан экансиз. Фаҳмимча, юртингиздагилар одамларга ёқиш сирини билишса керак. Мана исботи: сиз бир кўришнинг ўзидаёқ мени ўз тарафингизга оғдириб олдингиз. Шунинг учун ҳам жаноби превонинг сиз билан унчалик дағал муомала қилмаслигини чин қалбимдан тилайман. Хўп, кўришгунча хайр, навқирон йигит, яна устозингизга айтиб қўйинг, эҳтиёт бўлсин. Унга шуни тайинланганки, мессер д' Эстурвиль жоҳил табиат одам, нақ иблиснинг ўзи, бундан ташқари, у қирол саройида жуда нуфузли зот ҳисобланади. Устозингиз маслаҳатимга қулоқ оссаю кўзлаган ниятидан қайтса яхши иш қилган бўлар эди. Катта Нель қасрига кўчиб келманглар, энг муҳими, қасрни зўравонлик билан босиб олманглар. Дарвоқе, ҳали сиз билан яна кўришамиз-у, шундай эмасми? Яна, илтимос, Коломбанинг гапларига ишонманг: қизга марҳума онасидан шунча кўп бойлик мерос қолганки, у хоҳлаганича тантиқлик қилиб, тақинчоқларингиз учун ўз қийматидан йигирма карра ортиқ тўлашга ҳам қурби етади. Ҳа-я, айтгандек, одмироқ буюмларингиздан ҳам олиб келинг, шояд у менга ҳам бирон нима совға қилса. Худога шукрки, ҳали ёшим ўтган эмас, агар сал ўзимга оро берсам,

биронтага ёқиб қолишим ҳам мумкин. Сиз гапимга тушундингиз, тўғри эмасми?

Шундан сўнг Перрина хоним, гапи тушунарлироқ бўлсин учун, ўз фикрини ҳаракат билан таъкидлаш мақсадида қўлини йигитнинг елкасига теккизиб қўйди. Бундан Асканио бир сесканиб тушди, кўринишидан, ҳозир у туйқусдан уйғотиб юборилган одамга ўхшарди, Дарҳақиқат, йигитнинг назарида, ҳозирги воқеаларнинг бари худди хаёлидан ўтгандек кўринганди. У ўз маҳбубасининг ҳузурида бўлганига ҳеч ишонгиси келмас эди. Қўнғироқдек овози ҳануз қулоғида янграётган, позикниҳол жуссаси ҳозиргина кўзи олдидан лип этиб ўтган бу покиза шарпа шундай бир хилқат эдиким, Асканио куни кеча ва бугун эрталаб унинг учун чиндан жон фидо қилишдан қайтмаган бўлур эди.

Истиқболи порлоқ, бахти кулган Асканио Перрина хонимнинг нималарни сўраётганини эшитиб ўтирмай, унинг барча истакларини бажо келтиришга сўз берди. Ҳа, у бутун бойлигини бахшида қилишга ҳам тайёр эди, фақат Коломбанинг васлига етса кифоя.

Лекин шу пайт у бу ерда ортиқ қолиш керак эмаслигини тушунди ва эртаси куни эрталаб яна келишга ваъда бериб, Перрина хоним билан хайрлашди.

Асканио Кичик Нель қасридан чиққанида икки кишига тўқнаш келди. Улардан бири йигитга шундай тикилиб қарадики, шунинг ўзидан, эғнидаги либосини эътиборга олмаган тақдирда ҳам, Асканио бу одамнинг прево эканлигини фаҳмлади.

Улар ҳозиргина Асканио чиққан дарвозани бориб тақиллатишгандан кейин эса йигитнинг тахмини қатъий ишончга айланди. У сал олдинроқ чиқиб кетмаганига афсусланди: ахир ким билибди бундай бўлишини. Ишқилиб, эҳтиётсизлиги Коломбага янги ситамлар олиб келмасайди...

Асканио одамлар диққатини ўзига қаратмаслик учун, ҳозир ўз тасарруфига олишни ихтиёр қилган жаҳонда ягона гўша томон ўгирилиб қарашга ҳам журъат этмай жўнаб кетди.

У устахонага келиб Бенвенутони жуда ташвишли қиёфада кўрди. Маълум бўлишича, боя кўчада дуч келган одам Приматиччо бўлиб, у ҳар бир диёнатли ҳамюрт сингари, Франциск I нинг эрталабки ташрифи пайтида ҳайкалтарош эҳтиётсизлик қилганини ва бу-

нинг оқибатида ҳерцогиня д' Этамп тимсолида ўзига ашаддий душман ортириб олганини эслатиб, Челлинини огоҳлантириб қўйгани келган экан.

Еттинчи боб

ҚАЙЛИҚ ВА ДҮСТ

Нель қасри дарвозаси олдида Асканиога рўпара келган нотаниш одамларнинг бири ҳақиқатан ҳам Париж превоси мессер Робер д'Эстурвиль эди. Унинг ҳамроҳини эса ҳадемай билиб оламиз.

Асканио чиқиб кетгандан бери беш дақиқача вақт ўтган бўлса ҳам, ҳамон Коломба ўз хонасига биқиниб олиб, хаёл сурганча «тиқ» этган товушга қулоқ солиб тураркан, Перрина хоним отилиб кириб, қўшни хонада отаси кутаётганини хабар қилди.

— Отам! — дея қичкириб юборди қўрқиб кетган Коломба, сўнг заиф овоз билан қўшиб қўйди: — Вой худойм, наҳотки улар учрашишган бўлса?

— Ҳа, ўргилай, отангиз, — деб жавоб қилди гапнинг охирини эшитмаган Перрина хоним, — у билан бирга яна аллақандай басавлат чол ҳам келди, лекин уни танимадим.

— Басавлат чол? — деди Коломба ва кўнгли нохуш бир нарсани сезиб сесканиб кетди. — Ё танграм! Буни қандай тушуниш керак, Перрина хоним? Кейинги икки-уч йил ичида отам ҳамиша бу ерга ёлғиз ўзи келар эди.

Бироқ қиз қўрқиб кетган бўлса ҳам, итоат этишга мажбур бўлди, қолаверса, у ўз отасининг бетоқат одам эканлигини яхши биларди. Қиз бутун кучини йиғиб, ҳозиргина ўзи қочиб чиқиб кетган хонага табасум қилиб кириб борди. Гап шундаки, гарчи Коломба ўз қалбида вужудга келган бундай гайринихтиёрий қўрқув туйғусини умрида биринчи марта ҳис қилаётган бўлса ҳам барибир, отасини ниҳоятда ҳурмат қилар эди. Шу боис, превонинг хийла дағал муомала қилишига қарамай, Коломба ўзининг ҳамиша бир хил ўтувчи диққинафас ҳаётида, отасининг Нель қасрига келган кунларини байрам деб ҳисобларди.

Коломба отасига биронта ширин сўз айтиб, уни кучиш ниятида яқин борди, аммо прево кизининг оғиз очишига имкон бермай, ўзини четга олди. Кейин

Коломбанинг қўлидан ушлаб, ҳаммаёғи гуллар билан безатилган улкан каминга суяниб турган нотаниш одам қошига етаклаб борди ва шундай деди:

— Мана, эъзозли дўстим, сенга ўз қизимни тавсия қиламан... — Сўнг у Коломбага юзланиб, илова қилди: — Қизим, бу киши граф д' Орбек бўлади, у қирол хазиначиси ва сенинг қайлигинг.

Коломба одоб юзасидан ўзини босиб, оҳиста инграб юборди, лекин тиззалари букилиб, стул суянчигига таяниб қолди.

Дарҳақиқат, бу хабар Коломбани, айниқса, ҳозирги руҳий ҳолатида, қандай ҳайратга солганини тушуниш учун граф д' Орбекни кўриш керак эди.

Тўғри, Коломбанинг отаси мессер д' Эстурвилни ҳам хушрўй деб бўлмасди. У сўзини ерда қолдирган ёки бирон ишда унга гап қайтарган одамни кўрса, бароқ қошларини чимириб оларди. Унинг ҳамиша қовоғи солиқ, чорпахил жуссасида қандайдир дағаллик, бесўнақайлик мавжуд эдики, бу жиҳатлари билан у кишининг ихлосини қайтарарди. Лекин прево граф д' Орбек билан ёнма-ён турганида, уни аждаҳо қошидаги сармалак Микоилга қиёс қилиш мумкин эди. Ҳар нечук, превонинг кўзга яққол ташланиб турувчи юз бичими унинг ҳеч нимадан тап тортмайдиган метин иродали одам эканлигидан дарак берар, зийрак ва шўх биткўзларида ақл-идрок акс этиб турарди. Граф эса, озгин, рамақижон, узун қўллари ўргимчакнинг оёқларини эслатувчи, овози чивиннинг гингиллашига ўхшайдиган, тошбақадек имиллаган бир чол бўлиб, наинки бадбашара, ҳатто ўта жирканчли эди. Боз устига, бадбашаралиги унинг аҳмоқлиги ва жоҳиллиги билан жуда мос тушганди, у чуқур сингиб кетган одат бўйича, бошини бир ёнга хиёл эгиб, манфуруна тиржайиб турар, кўз қарашада қандайдир маккорлик акс этар эди.

Шунинг учун ҳам ўз қалбида, хотирасида, кўз олдида, ҳозиргина мана шу хонадан чиқиб кетган ўктам йигитнинг сиймоси гавдаланиб турган Коломба, отаси, қайлигинг, деб таништирган бадбуруш чолни кўриб, юқорида айтиб ўтганимиздек, чинқириб юбораёзди, лекин ўзини тутиб, ранги бўзек оқарганча, кўзини кўрқа-писа отасига тикиб, шамдек қотиб қолди.

— Қадрли дўстим, — деб давом этди прево. — Ко-

ломбанинг беадаблик қилгани учун афв этишингни сўрайман. Бирламчи, менинг одамови қизим қарийб икки йилдан бери остона ҳатлаб кўчага чиқмайди, зеро, ўзингга маълум, бугунги мухит таъсирининг дилбар қизлар учун нафи унчалик яхши бўлмайди. Иккиламчи, гапнинг очиғи, режамиз ҳақида қизимни огоҳлантирмай, аҳмоқлик қилган эканман. Лекин бунинг ҳожати ҳам йўқ, ахир менинг қарорим ҳеч бир кимсанинг розилигига муҳтож эмас ва у сўзсиз бажарилади. Ниҳоят, қизим ҳали сенинг кимлигингни билмайди, колаверса, ўз номинг, бойлигинг билан ҳамда д' Этамп хонимнинг илтифоти туфайли кўнглинг тусаган ҳамма нарсага муяссар бўла олишингдан ҳам ҳали у беҳабар. Кейин у шулар тўғрисида бафуржа ўйлаб кўриб, сенинг ўз қадимги насабингни бизнинг ёш дворянлик авлоди билан қовуштиришга рози бўлганинг ва бу билан улкан илтифот кўрсатганингни қадрлайди, албатта. Шунингдек, сен билан бизнинг қирқ йиллик қадрдонлигимизни ҳам...

— Бўлди, етар, қадрдон дўстим! Худо ҳаққи, бас қил! — деб унинг сўзини бўлди граф. Шундан кейин, Асканионинг тортинчоқлигига тамомила ўхшамайдиган беандиша ва беҳаё такабурлик билан Коломбага юзланиб гапира бошлади: — Бўлди, қўйинг, тинчланинг, менинг дилбарим! Яхшиси яноқларингизга анордек мафтункор қизиллик югурсин-у бир ҳуснингизга ўн ҳусн қўсин. О, тангрим, қиз боланинг, ҳаттоки навнихол жувеннинг қалбини мен билмай ким билсин. Ахир мен бир эмас, икки марта уйланганман, жонгинам! Қўйинг, азбаройи худо, ҳеч ҳаяжонланишининг кераги йўқ. Ҳар қалай мендан қўрқмассиз, деб ўйлайман, а! — мағрурона оҳангда илова қилди граф, кўкрагини кўпчатиб ва қиролга тақлид қилиб кузалган сийраккина соқол ва мўйловини силаб қўяркан. — Отангиз мени дабдурустдан қайлиқ деб таништириб бекор қилди. Бу сўзни биринчи марта эшитган навнихол қизларнинг қалби доимо увишиб кетаси, лекин сиз, жонгинам, бу сўзга ҳали кўникиб кетасиз ва бора-бора мана шу лаъл лабларингиз билан... Ие, рангингиз баттар оқариб кетди-ку!.. Э худо, ўзинг асра!.. Бу қизнинг мазаси қочиб қолмадиммикин?

Д' Орбек шундай деб Коломбанинг белидан ушламоқчи бўлган эди, лекин қиз қаддини ростлаб, худди илондан ҳазар қилгандек, бир қадам орқага тисарилди,

бутун кучини йиғиб, тили зўрга калимага келиб деди:
— Афв этинг, афандим... Афв этинг, дадажон... Ҳеч нима бўлгани йўқ. Ахир мен умид қилган, ўйлаган эдим...

— Нимани ўйлаган эдинг, нимадан умид қилган эдинг? Қани, чўзмасдан тезроқ гапир!— деди прево қаҳрли кўзларини қизига тикканча.

— Ҳамиша сиз билан қолишимга рухсат берасиз, деб ўйлаган эдим, дадажон,— деб жавоб қилди Коломба.— Ахир онажоним қазо қилган кундан буён ёлғиз ўзим сизга ёрдам бериб келяпман, мен сизни яхши кўраман, шунинг учун ўйловдимки...

— Жим бўл, Коломба!— деди прево қатъий оҳангда.— Мен ҳали қариганимча йўқ, бинобарин ҳеч қандай ёрдамга муҳтож эмасман, сен бўлсанг, айти турмуш қурадиган ёшга етгансан.

— Ё тангрим!— деб яна гапга аралашди граф.— Хўл деяверинг, жонгинам, нима кераги бор бунча такаллуфнинг! Мен билан қандай хушбахт бўлишингизни сўз билан таърифлаб бўлмайди! Онт ичиб айтаманки, ҳали кўп ҳасадгўйларингиз топилади. Мен ниҳоятда бойман, азбаройи шифо! Шу боис, менга илтифот қилишингизни истайман. Сиз қирол саройида қабулда бўласиз, ана унда, таққан брильянтларингизга, қиролича бўлмаса ҳам, д'Этамп хонимнинг ҳавас қилиши муқаррар.

Графнинг охириги сўзлари Коломбанинг қалбида қандай ҳиссиётлар уйғотганини баён қилиш мушкул, лекин унинг икки юзига бирдан қизиллик югурди ва у отасининг таҳдидона хўмрайиб турганига қарамай, графга жавоб қилди:

— Монсенъор, мен сизнинг таклифингизни ўйлаб кўриш учун отамдан ижозат сўрамоқчиман.

— Бу қанақаси бўлди яна?!— ғазаб билан бақирди д' Эстурвиль.— Бир соат ҳам, бир дақиқа ҳам муҳлат бермайман! Ҳозирдан эътиборан сен графнинг қаллиғисан, буни яхшилаб қулогингга қуйиб ол! Агарда граф бир соатдан кейин Нормандиядаги ўз мулкига жўнаб кетаётган бўлмаганда, шу бугун кечқурун никоҳларингни ўқитган бўлардим. Ўзинг яхши биласан, менинг ҳоҳишим — бу буйруқ. Гап қайтарма!.. Қани, юр, д'Орбек, бу инжиқ қизни ўз ҳолига қолдирайлик. Хуллас, энди у сеники, дўстим, бинобарин, кўнглинг тусанган пайтда уни ўз қаллиғим, деб овоза қилишинг

мумкин! Юр, бўлгуси масканингни кўриб келамиз.

Д'Орбек Коломбага яна бирон гап айтиш ниятида тарадудланиб туриб қолди, лекин прево уни қўлтиқлаб олди-да, бир нималар деб тўнғиллаганча уни стаклаб чиқиб кетди. Шунинг учун граф фақат таъзим қилиш билан чекланиб, тиржайганча мессер Робер билан хонадан чиқди.

Улар чиқиб улгурмасларидан Перрина хоним иккинчи эшикдан хонага отилиб кирди. У превонинг даргазаб овозини эшитган, шунинг учун, бу сафар ҳам, чол қизига ўдагайлаб берган бўлса керак, деб Коломба хузурига шошилган эди. Дуэнья жуда вақтида кирган эди — у ҳушидан кетиб йиқила бошлаган Коломбани ушлаб қолди.

— Э, худо, бу не кўргулик! — деди бечора қиз, сўнг гарчи д'Орбек хонада йўқ бўлса ҳам, унинг жирканч башарасини кўришдан қўрққандай, кўзларини кафти билан беркитиб олди. — Е парвардигор, тамом бўлдим! Алвидо, эй ажиб хаёллар! Алвидо, ширин умидлар! Ҳаммаси йўқ бўлди, барбод бўлди, мен учун фақат битта йўл қолди — ўлим!

Коломбанинг бу сўзлари, нохуш аҳволи, рангининг қув ўчиб кетгани Перрина хонимни қўрқитиб юборган ва бу қўрқув унинг синчковлигини уйғотгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Коломба ҳам ўз дардини айтиб юрагини ёзгиси келди ва у ўзининг шоиста мураббиясига умрида биринчи марта аччиқ-аччиқ кўзёш тўкиб, отаси, граф д'Орбек ва ўзи ўртасида нима гаплар бўлганини батафсил ҳикоя қилиб берди.

Перрина хоним кувининг ёш ҳам, хушрўй ҳам эмаслигига қўшилди, лекин у қиз боланинг умрбод уйда ўтириб қолишидан оғирроқ мусибат йўқ, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам Коломбага, қариқиз бўлиб кун кечиргандан кўра, бадбашара бўлса ҳам бой-бадавлат кибор чолга турмушга чиққан минг карра афзал эканлигини неботлай бошлади. Дуэньяннинг бу маҳмадоналиги Коломбанинг қаттиқ қаҳрини келтирди. Тез фараз қилиш қобилиятига эга бўлган бу аёл ҳалитдан мадемуазель Коломбанинг мураббияси деган лавозимдан бир йўла графиня д'Орбекнинг надима-хоними унвонига сазовор бўлишини орзу қила бошлаган эди.

Бу пайтда, прево билан граф бундан бир соат муқаддам Перрина хоним билан Асканио айланиб чиққан Катта Нель қасрини кўздан кечираётганди.

Деворнинг қулоғи бор, дейишади, қани энди, унинг қулоқдан бошқа яна кўзи ва тили бўлсаю ҳозир қасрни айланиб юрганларга, бундан сал бурун бу ерга келганлар тўғрисида кўрган ва эшитганларини сўзлаб берса, кўп антиқа иш бўларди-да.

Лекин деворлар гунг бўлишиб, прево билан хазиначини (эхтимол, ўзларича мийигларида кулиб) кузатиб туришар эди. Шунга кўра, биз таниш бўлган қирол хазиначиси гап бошлади:

— Дарҳақиқат, — дея мулоҳаза қилар эди у Кичик Нель қасридан ҳовли орқали Катта Нель қасрига ўтиб бораркан, — дарҳақиқат, бизнинг жонон ғоятда ёқимтой экан. Менга айнан шунақа зукко, иффатли, тарбия кўрган хотин керак эди, азиз биродарим д'Эстурвиль. Бу момақалдироқ гумбирлаб бўлгач, чарақлаган кунлар бошланади. Ҳамма навниҳол қизлар, навқирон, хушрўй ва бадавлат эрни орзу қиладилар — мен уларни яхши биламан. Ё худоё тавба! Ахир менда ҳам, шу фазилатларнинг камида ярми мавжуд-ку!

У қаллиғи ҳақида сўзлаб бўлгандан кейин, келажакда ўз мулкига айланажак қаср ҳақида гап очди, лекин у қиз ҳақида ҳам, қизнинг сепи бўлмиш — қаср ҳақида ҳам бир хил оҳангда гапирди.

— Мана кўҳна Нель қасри! — деди хазиначи. — Кўшклар бенуқсон, миннатдорман. Бу ерда биз — хотиним, мен ва қирол хазинаси жуда яхши жойлашамиз. Бу томонда бизнинг кўшкларимиз бўлади, ҳув анави ерда хазина сақлайман, мана буёқда хизматкорлар яшайди. Бу ердаги ҳамма иморатлар анча путурдан кетибди, лекин бир оз ақча сарфлаб ҳаммасини тузатамиз-да, айшимизни суриб яшайверамиз, ҳали кўрасан, таъмир учун сарфлаган пулимизни аъло ҳазратдан ундириб оламиз. Айтгандай, д' Эстурвиль, бу мулк сенинг номингда эканлигига қатъий ишонасайми? Шундай қилгинки, сени қасрга эгаллик ҳуқуқи билан таъминлашин. Билишимча, қирол сенга ҳадянома бермаган.

— Тўғри, қирол қасрни менга ҳадя қилмаган. Тўғрини тўғри дейиш керак! — деб хахолаб кулди прево. — Йлло, у қасрни олишимга ижозат берган, бу ҳам ҳадя қилиш билан баробар.

— Бордию битта-яримта қиролдан ҳадянома олиб сени гел қилиб қўйса-чи?

— Ундай тентакнинг бошлаб додини бераман, қани, ўша ҳадяномасини олиб келиб кўрсин-чи! Сен билан

д'Этамп хоним мени қўллайсизлар, мен ўша азаматни тавбасига таянтираман. Э, ўйлама буни, мен мутлақо хотиржамман. Нель қасри меники. Қизим Коломба сенинг қаллигинг эканлиги қанчалик ҳақиқат бўлса, бу муҳташам иморатнинг эгаси мен эканлигим ҳам шунчалик тўғри, дўстим. Сен худодан мадад тилаб, бемалол сафарга чиқу тезроқ эсон-омон қайтиб кел.

Прево айтган бу сўзларнинг самимийлигига унинг ўзида ҳам, ҳамсуҳбатига ҳам заррача шубҳа йўқ эди, албатта. Худди шу пайт чорқирра ҳовлидан Катта Нель қасрининг боғига очилувчи дарвозада, боғбон Рембо кузатувида ушбу воқеанинг учинчи иштирокчиси пайдо бўлди. Бу виконт де Мармань эди.

Виконт ҳам Коломбанинг қайлиги бўлишга даъвогарлардан эди, лекин у омадсиз даъвогар эди. Бу такасалтангининг сочи малларанг, юзи оқ-қизил рангда бўлиб, жуда ўзига бино қўйган, сурбет, маҳмадона йигит эди. У ўзининг қирол котиби лавозимида ишлашини пеш қилишдан чарчамас, шу амали туфайли қирол аъло ҳазратлари ҳузурига този итлар, тўтиқушлар ва маймунлар каби бемалол кириб бориш ҳуқуқига эга эди. Мана шунинг учун аъло ҳазратнинг де Марманга нисбатан бўлган на зоҳирий муруввати, на сохта хайрихоҳлиги превони чалғита олганди. Мишмишларга қараганда, де Мармань бундай эътиборга мушарраф бўлиш учун ҳар қандай топшириқни, ҳаттоки ўта бадахлоқ вазибаларни ҳам бажараркан. Бундан ташқари, виконт де Мармань бутун мол-давлатини аллақачон совуриб бўлган, энди унинг бутун умиди Франциск I нинг саховатига боғлиқ эди. Лекин мазкур саховат булоғи кутилмаган пайтда бирдан қуриб қолиши мумкин эдики, мессер Робер д'Эстурвиль бундай муҳим ишда гоятда инжиқ табнат қиролнинг ҳаминша яхши кайфиятда бўлишини умид қилувчи анойи эмас эди. Шунинг учун прево виконт де Марманнинг қулоғига қизининг аллақачон бошқа одамга унаштириб қўйилганини шипшиб, унинг таклифини ниҳоятда эҳтиётлик билан рад қилганди. Гарчи рад жавобини изоҳловчи шу сўзлар туфайли виконт де Мармань билан мессер Робер сиртдан қараганда энг қадрдон дўстлардай бўлиб кўринишса ҳам, аслида ўша кундан бошлаб виконт превони ўлгудек ёмон кўриб қолган, прево эса ўзини виконтдан олиб қоча бошлаган эди. Ахир виконт сиртдан ўзини хушмуомала кўрсатиб,

ёқимли табассум қилса ҳам, саройнинг энг махфий сирларини, ўзгаларнинг дилидаги гапларни худди очик китобдек ўқий оладиган превога бўлган адоватини яшира олмас эди. Кўринишидан гоят хушмуомала, сертақаллуф виконт ҳар сафар пайдо бўлганида прево ўзини ёмон хабар эшитишга тайёрларди. Виконт де Мармань ҳам бундай хабарни, превонинг жароҳатига туз сепиш мақсадида атайлаб кўзида ёш билан, сохта ҳамдардлиқ билан айтарди.

Виконт де Мармань граф д'Орбек билан деярли бутунлай алоқани узган эди. Бу ҳам етмагандек, улар ўртасидаги ўзаро зиддият одамлар кўзига яққол ташланиб турардики, одатда бундай ҳол саройда кам учрарди. Д'Орбек де Мармандан нафратланарди, зеро де Мармань бой бўлмагани учун ўзининг юксак макеши муносиб тутишга ожиз эди. Де Мармань д'Орбекни кўра олмас, негаки у беқиёс даражада бадавлат эди. Қисқаси, икковларининг ҳам бир-бирларини кўрарга кўзлари йўқ эди, шунинг учун ҳар гал тор йўлда тўкнаш келиб қолишса беихтиёр бир-бирларини мазах қила бошлардилар.

Мана, бу гал ҳам иккала сарой аъени бир-бирига шундай заҳархандалиқ билан совуққина тиржайишиб, таъзим қилишдики, бундай ҳолни қирол саройидаги қабул маросимларидагина кўриш мумкин эди. Бу совуқ табассум: «Эҳ, агар биз бунчалиқ разил ва кўрқоқ бўлмаганимизда, иккалаимиздан биримиз аллақачон нариги дунёга равона бўлган бўлардик!» — деган маънони билдирарди.

Бироқ шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки (зеро қиссанависнинг вазифаси яхши нарсалар тўғрисида ҳам, ёмон нарсалар тўғрисида ҳам баб-баравар баён қилмоқдир), бу гал улар фақат таъзиму тиржайиш билан чекландилар. Граф д'Орбек виконт де Мармань билан бир оғиз ҳам сўзлашмай, превонинг кузатувида, ғаними кириб келган эшикдан шошганча чиқиб кетди.

Шошилинич тарзда шу нарсани илова қилишимиз керакки, бу икки душман, бир-биридан ўлгудек нафратланишига қарамай, кези келганда, учинчи, умумий ғанимни гумдон қилиш учун дарҳол ўзаро иттифоқ тузишга ҳам қодир эди.

Алқисса, граф д'Орбек кетиб, прево ўз «дўсти» виконт де Мармань билан ёлғиз қолди.

Прево ўзини хушчақчақ қилиб кўрсатиб виконтга

яқинланди, виконт эса уни маънос чехра билан қарши олди.

— Дуруст, дуруст, азизим прево,— виконт сукутни биринчи бўлиб бузди.— Ҳоят шодмон кўринасиз.

— Сиз бўлсангиз, қимматли Мармань, негадир жуда маъносиз.

— Мен сизга айтсам, о, шўрлик дўстим д'Эстурвиль, дўстларимнинг бошига тушган: кулфатни худди ўз бошимга тушгандек билиб қайгураман.

— Ҳа, тўғри, сизнинг нечоғлиқ раҳмдил одам эканлигингизни жуда яхши биламан.

— Лекин ҳозир сизнинг, сиз билан бўлғуси куёвингиз граф д'Орбекнинг чехралари қувончдан гул-гул порлаб турганини кўрдиму... дарвоқе, графнинг қизингизга уйланиши ҳеч кимга сир эмас энди, шу боис мен сизни табриклайман, азизим д'Эстурвиль...

— Ҳа, Қолембанинг унаштириб қўйилгани ҳақида сизга анча олдин айтган эдим, муҳтарам Мармань.

— Лекин ҳеч ақлим бовар қилмаяпти: шундай дилбар қизингиздан айрилишга қандай рози бўлдингиз?

— Йўқ, мен қизимдан айрилмайман,— деб эътироз билдирди мессер Робер.— Куёвим граф д'Орбек қўл остидаги бутун хазинани олиб, Сенанинг бу соҳилига сузиб ўтади-да, Катта Нель қасрига жойлашади. Мен эсам, хизматдан бўш вақтларимни Кичик қасрда ўтказаман.

— О, шўрлик дўстим!— деди Мармань. У қаттиқ қайгураётган одамдек бошини сарак-сарак қилди, бир қўли билан превони қўлтиқлаб олиб, иккинчи қўли билан гўёки йиғидан ёшланган кўзини артди.

— Нега энди «шўрлик» бўлар эканман?— деб сўради мессер Робер.— Жин урсин, яна қандай хабар топиб келдингиз?

— Наҳотки, сизга бу шум хабарни биринчи бўлиб мен айтишим керак бўлса?

— Қандай шум хабар? Гапира қолсангиз-чи?

— Биласизми, ҳурматли прево, бу бевафо дунёда яшамоқ учун файласуф бўлиш керак. Шундай бир қадимий мақол борки, бахти қора одамзод уни ҳамиша такрорлаб турса яхши бўлар эди, зеро, бу мақолада жамики инсоний заковат ўз аксини топган.

— Гапира қолсангиз-чи! Қандай мақол экан у?

— Мен қиламан бунёд, азизим дўстим... мен қиламан бунёд, худо қилади барбод.

— Хуш, мен нимани бунёд қилибман-у, худо уни қандай барбод қилипти? Қани, бўлинг. айтиб қўяқолинг!

— Сиз кўҳна Нель қасрини куёвингиз билан қизингизга беришни мўлжаллаганмидингиз?

— Албатта. Яна уч ойлардан кейин қасрга кўчиб киришади, деб ўйлайман.

— Янглишяпсиз, азизим прево, янглишяпсиз! Нель қасри сизники эмас энди. Ранжитаётганим учун мени афв этинг. Сизнинг жаҳли тез одам эканлигингизни билганим сабабли, бу хабарни, бахтсизликка учраганингизни кўриб хурсанд бўлувчи бирон аблаҳ оғзидан эшитганингиздан кўра, уни асабингизни эҳтиёт қилувчи, ҳамма нарсани ётиғи билан тушунтирувчи дўстингиздан эшитганингиз маъқулроқ бўлар, деб ўйладим. Афсус ва надоматлар бўлсинки, дўстим, Катта Нель қасри энди сизнинг қўлингиздан кетди.

— Ким экан уни мендан тортиб олган?

— Аъло ҳазратлари.

— Аъло ҳазратлари?

— Шахсан ўзлари. Кўриб турибсизки, бартараф қилиб бўлмайдиган бахтсизлик бу.

— Қачон юз берди бу ҳол?

— Бугун эрталаб. Агар Луврдаги ишларим билан ўралашиб қолмаганимда, сизни бу хабардан эртароқ огоҳ қилган бўлур эдим.

— Сизни лақиллатишипти, Мармань. Бу менинг ғанимларим томонидан тарқатилган ғирт ёлғон гап, сиз бўлсангиз, дурустроқ суриштирмай, уни овоза қилиб юрибсиз.

— Кошкийди ёлғон бўлса, аммо, таассуфки, бу гапни менга ҳеч ким айтгани йўқ, балки ўз қулогим билан эшитдим.

— Нимани эшитдингиз?

— Шахсан қиролнинг ўзи Катта Нель қасрини бошқа одамга беришни амр этганини.

— Ким экан ўша «бошқа одам»?

— Таг-зоти италиялик бўлган бир товламачи, касби заргар, унинг исми, шубҳасиз, сизга таниш бўлиши керак. Бу — бундан икки ой муқаддам Флоренциядан келган Бенвенуто Челлини деган ғаламис. Ҳайронман, қиролга унинг нимаси ёқиб қолди экан, ҳатто бугун эрталаб, аъло ҳазратнинг шахсан ўзи, сарой аъёнлари билан биргаликда ўша хашаки ҳайкалтарошнинг уста-

хонаси жойлашган кардинал Феррарийнинг саройига ташриф буюрди.

— Айтинг-чи, виконт, қирол Катта Нель қасрини ўша товламачига инъом этган пайтда сиз ҳам шу гапнинг теппасида бормидингиз?

— Бўл-ма-сам-чи, бор э-дим!— деб жавоб қилди Мармань. У сўзларни дона-дона қилиб талаффуз этар экан, ундан ҳузур қиларди.

— Яхши, яхши, — деди прево, — начора, бўпти, кутганим бўлсин ўша қаллобни. Майли, келаверсин қиролнинг совғасини олгани.

— Нима, сиз ҳали қаршилик кўрсатмоқчимисиз?

— Бўлмасам-чи.

— Қиролнинг амрига-я?

— Э, менга деса раҳмоннинг, шайтоннинг амри бўлмайди — кимки мени бу ердан ҳайдаб чиқариш ҳақида буйруқ берса, унга қарши бош кўтаравераман!

— Эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт, прево! — деди виконт де Мармань. — Бу ишингиз билан қиролнинг газабига учрашингизни-ку, айтмай қўяқолай. Лекин шуни унутмангки, Бенвенуто Челлини сиз ўйлагандан даҳшатлироқ шахс.

— Нима, сиз ҳали менинг кимлигимни билмайсизми, виконт?

— Авваламбор, қиролнинг ўзи унга ҳомийлик қил-япти. Эҳтимол, вақтинчаликдир, лекин, барибир, ҳомийлик қиляпти.

— Сизга маълум бўлсинки, мен Париж превоси, қирол аъло ҳазратларининг Шатледаги вакили бўламан. Мен қундуз ёқа ридо, бошимга пат кадалган шляпа кийиб, ёнимга қилич осиб, қўлимда мовийранг асо ушлаган ҳолда гулдор чодир остида ўтираман!..

— Сизга яна шуни эслатиб қўймоқчиманки, ўша лаънати италиялик шахзодалар билан ҳам, кардиналу папалар билан ҳам тап тортмай шартга олишавераркан.

— Агар билсангиз, ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи муҳр менинг қўлимда сақланади!

— Мишмишларга қараганда, бу касофат урушқоқ, йўлига ғов бўлган ҳар қандай одамнинг, кимлигини фарқ қилиб ўтирмай, ярадор қилармиш, ўлдирармиш.

— Наҳотки сиз қўл остимда йигирма тўрт нафар ўқчи кечаю кундуз хизмат қилишидан беҳабар бўлсангиз?

— Яна у олтмиш нафар аскар билан жанг қилиб, ўзганими заргарни ўлдирганмиш.

— Сиз Пель қасрининг пишиқ истеқком эканлигини, унинг деворларида, дарвозаси теппасида шишаклар¹ борлигини, бундан ташқари, шаҳар қалъаси билан ёнма-ён бўлгани туфайли, қасрининг бир томонидан мутлақо яқинлашиб бўлмаслигини унутиб қўйганга ўхшайсиз.

— Айтишларича, Бенвенуто худди Баярд² ёки Антонио де Лейва³ сингари қамал қилишнинг пири экан.

— Кўрамиз.

— Мен сиздан хавотирдаман...

— Лекин мен кутаман.

— Узр, муҳтарам дўстим, сизга айтадиган бир маслаҳатим бор эди.

— Майли, айтинг, фақат қисқароқ бўлсин!

— Баски, рақибингиз сиздан кучлироқ экан, у билан довлашманг.

— Мендан кучли? Сиз ўша италиялик жайдари заргарни мендан кучлироқ деяпсизми? Виконт, сиз менинг аччиғимни чиқаряпсиз!

— Гапимга ишонинг, таассуф қилиб қолманг яна! Сизни огоҳлантирмоқчиман, зеро бундай қилиш учун менда ишончли далиллар бор.

— Виконт, сиз қонимни қайнатяпсиз!

— Ўйлаб кўринг, қирол унинг томонида.

— Нима қилипти, мен томонда д'Этамп хоним бор.

— Тағин итоатсизлик қилганингиз учун аъло ҳазратнинг газабига учраб юрманг.

— Мен бир эмас, бир неча марта шундай иш тутганман, тақсирим, аммо асло панд емаганман.

— Ҳа, хабарим бор, Мант кўпригидан ўтиш учун тўланадиган бож масаласида қиролнинг сўзини ерда қолдирган эдингиз. Лекин...

— Нима «лекин»...

— Мен сизга айтсам, ожиз ва оққўнгил қиролнинг хоҳишича иш қилиб, кўп нарса йўқотмайсиз, ҳатто баъзан, мутлақо ҳеч нима йўқотмайсиз, лекин Бенвену-

¹ *Шинак* — қалъа деворлари устидаги мудофаа учун мўлжалланган тўйнуқлар.

² *Баярд Пьер дю Террайль (1473-1524)* — машҳур француз саркардаси. Унинг садоқати, жасорати ва мардлиги ҳақида халқ афсоналар тўқиган, «Довюрка ва олижаноб рицарь» деб лақаб қўйишган.

³ *Антонио де Лейва (1480-1536)* — Карл Vнинг энг танилган лашкарбошиларидан бири.

то Челлинидек кучли ва даҳшатли одам билан кураша-
диган бўлсангиз, ўзингизни бутунлай оғир хавф остига
қўйишингиз мумкин.

— Минг лаънат! Виконт, сиз мени бунақада ақлим-
дан оздирасиз!

— Аксинча, мен сизнинг кўзингизни очиб
қўймоқчиман.

— Бас қилинг, виконт, етар! Қандай аблаҳ экан-а!
Онт ичиб айтаманки, сизнинг дўстона ғамхўрлигингиз
шарофати билан ўтказган ушбу кўнгилли дақиқаларим
у муттаҳам учун жуда қимматга тушади!

— Айтганингиз келсин, прево, айтганингиз кел-
син!

— Бас энди, етар! Ҳамма гапингизни айтиб
бўлдингизми?

— Ҳа, ҳа, айтиб бўлдим шекилли, — деб жавоб қил-
ди виконт, гўё, шу айтган хабаримдан қолиш-
майдиган яна бирон янгилик йўқмикин, деб
ўйлаётгандай қиёфада.

— Яхши боринг, бўлмаса! — деди прево.

— Яхши қолинг, шўрлик дўстим.

— Алвидо!

— Ҳар қалай, сизни огоҳлантириб қўйдим.

— Алвидо!

— Энди менинг виждоним пок. Шу нарса менга
таскин беради.

— Алвидо, алвидо!

— Сизга муваффақият тилайман! Лекин айтиб
қўяй, тилагимнинг рўёбга чиқини амримаҳол.

— Алвидо, алвидо, алвидо!

— Яхши қолинг!

Шундан кейин Мармань гўё прево билан мангу
видолашаётгандек, чуқур бир хўрсиниб, ғамгин чехра
билан унинг қўлини сиқди-да, икки қўлини кўкка
чўзганча нола қилиб қасрдан чиқиб кетди.

Прево уни остонагача кузатиб қўйиб орқасидан
эшикни ёпди.

Турган гапки, бундай дўстона суҳбат оқибатида
д'Эстурвилнинг ғазабдан фигони чиқиб, зардаси
қайнай бошлади. У битта-яримтага заҳрини сочиб, ху-
мордан чиқмоқчи бўлди, шунда бирдан боя граф
д'Орбек билан бирга Катта Нель қасрига кираёт-
ганида, шу дарвозадан чиқиб уларга рўпара бўлган
навқирон йигит эсига тушиб қолди. Рембо шу ўртада

гимирлаб юрган эди. Жаноб д'Эстурвиль амирона ишора билан богбонни ўз ёнига чақирди ва ундан нотаниш йигит ҳақида билганларини сўзлаб беришни талаб қилди.

Богбон бор гапни айтиб берди:

— Сиз сўраётган ўша йигит, хўжайин, бу ерга қирол ижозати билан келганини, Катта Нель қасрини кўрмоқчи бўлганини айтди; илло мен бундай масъулиятли ишни ўз зиммамга олишдан қўрқиб, у одамни тўғри Перрина хонимнинг ҳузурига бошлаб бордим, бекамиз бўлса меҳмонга илтифот кўрсатиб, ҳаммаёқни кўрсатиб чиқдилар.

Шунда прево Кичик Нель қасри томон ўқдек отилди. У шоиста дуэньядан бу қилмиши учун изоҳ талаб қилмоқчи эди, лекин афеуски, дуэнья рўзғор учун озиқ-овқат харид қилгани эндигина уйдан чиқиб кетган экан.

Уйда ёлғиз Коломба ўтирарди. Прево, қасрга бегоналарни яқин йўлатмаслик борасида Перрина хонимга қаттиқ тайинлаб қўйганини эслаб, қизининг ўша нотаниш йигит билан кўришиши мумкинлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмади, шу боис Коломбага бу ҳақда оғиз очмади.

Жаноб д'Эстурвилни Шатле қалъасидаги ишлар кутиб қолган эди, шунга кўра, у жўнаб кетиш олдидан, Рембога, ҳеч бир кимсани, айниқса, қасрни кўриб чиққан анави лаънати товламачини, кимнинг номидан келган бўлишига қарамай, Катта Нель қасрига ҳам, Кичигига ҳам киритмасликни буюрди ва буйруғимни бажармасанг, зумда думингни тугаман, деб дўқ қилди.

Шунинг учун ҳам, Асканио эртаси куни эрталаб Перрина хонимнинг таклифига кўра, қимматбаҳо тақинчоқларни олиб қасрга келганида, Рембо фақат дарвозадаги туйнукнигина очиб, панжара орқали, Нель қасрига кириш барча учун, алалхусус, шу йигитча учун ман қилинганини айтди.

Асканио бу гапни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушди, албатта, лекин эътироф этиш керакки, бундай кутилмаган муомала учун Коломбани айблашни хаёлига ҳам келтирмади. Зеро, у қиз кеча Асканиога бир мартагина нигоҳ ташлаган, фақат бир оғизгина гап айтган бўлса ҳам, нигоҳида тортинчоқ муҳаббат, сўзлаш оҳангида эса, назокат шунчалик кучли эдики, Асканионинг қал-

бида илоҳий бир сас мутгасил янграб тургандек туюларди. Йигит, мессер д'Эстурвиль, ҳойнаҳой мени кўриб қолгану шундай буйруқ берган бўлса керак, шунинг учун ҳам мени қасрга киритишмади, деб кўнглидан ўтказди.

Саккизинчи боб

ҲУЖУМГА ВА МУДОФААГА ТАЙЕРГАРЛИК

Асканио уйга келиб, Бенвенутога ўз қилган ишлари, аниқроғи, Нель қасрига доир ҳамма маълумотлар ҳақида ҳисобот бериб бўлиши билан, бинонинг ҳар жиҳатдан ўзи учун қулай эканлигини фаҳмлаган Челлини, ҳадянома олиш мақсадида дарҳол қирол котиби сеньор де Нёфвиль ҳузурига жўнаб кетди.

Сеньор де Нёфвиль, мессер Бенвенутонинг даъвоси ҳақиқатга тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилгунича, яъни эртаси куни эрталабгача кутиб туришни илтимос қилди. Ҳайкалтарош гарчи унинг сўзига ишонинлмаганини адабсизликка йўйган бўлса ҳам, илтимоснинг қонунан тўғрилигини тушуниб, бу зарурий шартга итоат этди, устига-устак сеньор Нёфвиль муддатни бир дақиқа ҳам орқага сурмасликка сўз берди.

Шунинг учун Челлини эртаси куни эрталаб қирол котиби ҳузурига айни тайинланган дақиқада кириб борди. Уни дарҳол қабул қилишди, буни Челлини яхшилик аломати деб эътироф этди.

— Хўш, қалай, монсеньор,— деб сўради Бенвенуто,— италиялик ҳайкалтарош сизга рост гапирган эканми ё ёлғончи бўлиб чиқдимми?

— Ҳақ рост сўзлабсиз, азиз дўстим!

— Хурсандман.

— Қирол сизга бутун қондасини ўрнига келтириб ҳадянома ёзиб беришимни амр этди.

— Бағоят мамнунман.

— Бироқ...— деб тараддуд оҳангида давом этди қиролнинг молия ишлари бўйича котиби.

— Хўш, яна нима, гапиравинг!

— Бироқ, агар ижозат берсангиз бир хайрли маслаҳатим бор эди сизга...

— Хайрли маслаҳат, ё танграм! Ахир бу гоят ноёб нарса-ку, жаноби котиб! Марҳамат, гапиравинг...

— Гап бундай, яхшиси, сиз ўз устахонангиз учун Катта Нель қасридан бошқа жойни ахтаринг.

— О, гап буёқда, денг!— деди Бенвенуто жилмайиб.— Сизнингча, у ер менга тўғри келмайдими?

— Аксинча.

— Бўлмаса, сабаб нима?

— Сабаб шуки, қаср бағоят юксак мартабали бир зотга тегишли, уни оламан деб қаттиқ заҳмат чекишингиз мумкин.

— Камина Франциянинг энг олиҳиммат қиролининг содиқ қулиман,— деб жавоб қилди Челлини,— бинобарин, ҳеч қачон аҳдимдан қайтмайман, зеро, мен қиролнинг номи билан иш кўрмоқдаман!

— Бу тўғри, жаноб Бенвенуто, лекин бизнинг мамлакатимизда ҳар бир мансабдор ўз мулкининг қироли ҳисобланади, демак, сиз превони, у эгаллаб олган бинодан қувиб чиқаришга уринаркансиз, ўз ҳаётингизни хавф остига қўйишингиз мумкин.

— Лекин, барибир, бир бошда бир ўлим бор,— деб жавоб қилди Челлини насиҳатомуз тарзда.

— Демак, аҳдингиз қатъий?

— Ҳа, иблис мени маҳв этмасидан олдин, ўзим иблисни гумдон қилмоқчиман. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, сеньор котиб, жаноб прево эса, қирол амрини бажаришдан бўйин товлаган ҳар бир шахс ўзини қандай эҳтиёт қилса, шундай иш тутсин, зеро бу гал аъло ҳазратларининг амрини бажариш, кимсан Бенвенуто Челлинининг зиммасига юкланган.

Шу гаплардан кейин мессер де Нёфвиль дарҳол насиҳатгўйликни тўхтатди, лекин ҳадяномани топширишдан олдин бажарилиши шарт бўлган ҳар хил расмиятчиликларни важ қилиб, ишни пайсалга сола бошлади. Шунда Бенвенуто, то ҳадяномани қўлига олмагунча бу ердан бир қадам ҳам жилмаслигини, бордию тунаб қолишга тўғри келса, тунашга ҳам розилигини, зеро уйдан чиққанида, у ердагиларни, эҳтимол эртага эр-талабгача келмасман, деб огоҳлантириб қўйганини айтиб, баҳузур жойлашиб ўтириб олди.

Бу ҳолни кўрган мессер де Нёфвиль талабни бажаришга розилик билдириб, оқибати ёмон бўлишидан хавотирланса ҳам, Бенвенуто Челлинига ҳадяномани тутқазди. Кейин қисман қиролнинг амри бўйича, қисман заргарнинг талабига кўра шундай қилишга

мажбур бўлганлиги тўғрисида мессер Робер д'Эстурвилни огоҳлантириб қўйишни ихтиёр қилди.

Бенвенуто Челлини бўлса уйига қайтиб келди, ўз муваффақияти ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмай, ҳадяномани қимматбаҳо тошлари сақланадиган сандигига солиб қулфлаб қўйди-да, бамайлихотир ишга киришди.

Қиролнинг молия ишлари бўйича котибининг Робер д'Эстурвилга айтган хабари виконт де Марманнинг ҳақ гапирганидан ва Бенвенутонинг чиндан ҳам Нель қасрини, қандай йўл билан бўлмасин, эгаллаб олишга аҳд қилганидан далолат берарди. Прево сергак бўлиб туришга қарор қилди. У йигирма тўрт кишидан иборат соқчиларининг ҳаммасини йиғди, қалъа деворларига қоровуллар қўйиб, фақат энг зарур ишларни бажариш учунгина Шатлега жўнаб кетди.

Вақт ўтиб борар, аммо Челлини ҳужум тараддудини кўрмай, хотиржам ишлаб юрарди. Лекин прево бу доҳилий хотиржамликнинг шунчалик бир найранг эканлигига, душман унинг ҳушёрликни сусайтирган пайтини пойлаб туриб, қасрни қўққисдан босиб олмақчи эканлигига қатъий ишонар эди. Шунинг учун мессер Робернинг кўзи ҳар доим олазарақ, қулоғи динг эди. У беҳаловат яшар, ҳамиша ўзини жанговар ҳолатда ҳис этар, ана шу тинчлик бўлиб тинчликка, уруш бўлиб урушга ўхшамаган ҳолат мавҳумлик талвасаси, руҳий безовталиқ онлари чўзилиб кетиб, худди Муқаддас Малак ноziри сингари жинни бўлиб қолаёзганди. Прево туз ҳам тотимас, тунларни бедор ўтказар, кун сайин озиб чўп бўлиб борарди.

Баъзан у бирдан шамширини суғуриб, ҳар томонга силкитар, деворга қараб ҳужум қиларкан, бақириб қоларди:

— Майли, келсин! Майли, бир келиб кўрсин ўша муттаҳам, ўзим кутиб оламан уни!

Аммо Бенвенутодан ҳамон дарак йўқ эди. Баъзан мессер Робер, бу ҳайкалтарош шамшир билан эмас, тили билан жанг қилишга уста кўринади, демак ўзининг разилона ниятини амалга оширишга ҳеч қачон юраги дов бермаса керак, деб ўзига-ўзи тасалли берарди. Шундай дамлардан бирида, тасодифан уйдан чиққан Коломба одамларни жанг тараддудида кўриб, отасидан, нималар бўлаётганини сўради.

— Бир такасалтангнинг адабини бериб қўймоқчиман, вассалом,— деб жавоб қилди прево.

Одамларни жазолашга превонинг ҳаққи бор эди, шунинг учун Коломба, ўша такасалтанг ким эканки, уни жазолаш учун бунчалик тайёргарлик кўриляпти, деб сўраб ҳам ўтирмади,— орзу-хаёллари билан банд бўлгани учун отасининг изоҳи унда қаноат ҳосил қилган эди.

Дарҳақиқат, мессер Робернинг яқинда қилган аҳди қизининг ҳаётида теран ва қайғули ўзгаришлар вужудга келтирди. Шу чоққача қиз ёлғизликда камтарона, бамайлихотир яшаб келар, ҳар бир куни тинч ва беташвиш ўтар, кечалари уйқусида ҳаловат бўларди. Энди эса унинг ҳаётини бўрон тўлқинлантирган кўл сатҳига қиёс қилиш мумкин эди.

О, бизнинг Коломба, хиёл дағалтабиат, аммо жонкуяр Перрина хоним билан дилкашлик қилиб ўтказган, шу туфайли ўзини деярли хушбахт ҳисоблаган, ўз истиқболини энг қадрдон дўстидек эъзозлаб, умид ва ишонч билан ғофил ва хотиржам яшаган ва ниҳоят, отасининг падарлик меҳридан умидвор бўлган пайтларининг энди қайтиб келмаслигидан қаттиқ таасуф қилар эди! Ҳайҳот! Келажак бугунги кунга айланди: қиз учун манфур бўлган граф д' Орбек пайдо бўлди, ота меҳри ниқобланган худбинлик бўлиб чиқди. Нега энди бадавлат мансабдорнинг ягона меросхўри бўлиб туғилган экан, бундан кўра шаҳар чеккасида яшовчи камсуқум ғариб бир одамнинг оиласида дунёга келганида-ку, ўша одам уни эркалаб, парваришлаб ўстирган бўларди... Ана унда Коломба, ҳаяжонли каломлари билан мафтун этган, нигоҳлари бисёр саодату беҳисоб муҳаббат ваъда қилган навқирон рассом — хушчеҳра Асканионинг дийдорига етган бўлур эди.

Лекин қиз юрагининг гурс-гурс уриши ва юзига югурган қизиллик кўпдан бери мусофир йигитнинг жамолига маҳлиё бўлганлиги ҳақида дарҳол уни огоҳлантира бошлар, шунда Коломба ўша ширин хаёлларни даф қилишга ўзига қатъий сўз берар ва сўзининг устидан чиқарди ҳам, зеро, қиз мавжуд ҳақиқатнинг нечоғли беҳаловат эканлигини яхши тушунар эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Коломбаниннг отаси уни эрга бермоқчи бўлганини хабар қилган пайтдан бошлаб, қиз, Асканиони, қандай иш билан келишига қарамай, қабул

қилмайсиз, деб Перрина хонимга қаттиқ тайинлади ва, акс ҳолда отамга айтиб бераман, деб қўрқитиб ҳам қўйди. Дуэнья ҳам, ўзини Асканио билан тил бириктирганликда айбашларидан қўрқиб, йигитнинг устози тузган густоҳона режа ҳақида «чурқ» этиб оғиз очмади. Шунинг учун бечора Коломба ўзини ҳар кандай тасодифдан четда деб ҳисобларди.

Бироқ биз, бокира қиз отасининг хоҳишига юриб, дилидаги ширин орзуларидан воз кечибди-да, деб ўйласак хато қиламиз. Йўқ, у кўзига гоятда манфур бўлиб кўринган (кошкийди, шўрлик қиз нафрат туйғуси нималигини билса) одам билан никоҳдан ўтишини ўйлаганида, бутун вужуди титраб-қақшаб кетарди. Хуллас, Коломбанинг оппоққича гўзал чехраси замирида, илгарилари унга мутлақо ёт бўлган сон-саноксиз беором, разабнок ҳис-туйғулар гужғон ўйнардик, уларни Коломба даярли жиноий ўйлар деб ҳисоблар, миясига шундай ҳаёт келгани учун, тиз чўкиб худого сиғинар, осий бандангни ўзинг кечир, деб илтижо қилар эди. Баъзи пайтларда у ҳатто, Франциск I нинг қошига бориб, унинг оёғига йиқилсаммикин, деб ҳам ўйларди. Лекин бундан ҳам мушкулроқ аҳволга тушган Диана де Пуатьенинг¹ кўнглига ҳам айнан шундай фикр келганлиги ва шу қилмиши учун унинг иффатидан жудо бўлганлиги ҳақидаги мишмишлар Коломбанинг ҳам қўлоғига этиб келганди. Д'Этамп хоним Коломбага ҳомийлик қилиши, агар хоҳласа, уни кутқариши мумкин эди. Лекин хоҳлармикин? Қизнинг арзини эшитиб заҳарханда қилиб тиржаймасмикин? Коломба, мени ўзингиздан жудо қилманг, деб отасига ёлборганида отасининг лаблари шундай масхараомуз тиржайган ва бу ҳол қиз қалбини қаттиқ изтиробга солган эди.

Коломба кунига юз карра тиз чўкиб дуо ўқир, худого илтижо қилиб, ундан манфур қайлиғи билан никоҳ ўқитадиган пайтгача қолган шу уч ой мобай-

1. Диана де Пуатье — ўз даврида гўзалликда машҳур бўлган сарой хоними. Франциск I внинг кейинчалик Генрих II номи билан қирол бўлган ўғлининг маъшукаси. Ривоятларда айтилишича, у Франциск I нинг оёғига йиқилиб, уни сиёсий фитна қатнашчиси сифатида ўлимга ҳукм қилинган отасининг гуноҳидан ўтишга кўндирган экан.

нида бу бадбахтликдан халос этишни, бордию бунинг иложи бўлмаса, ўз марҳума волидасининг руҳи билан ҳамдам қилишни сўрарди.

Энди Асканиюга келсак, унинг қалбидаги ҳаяжон ҳам севгилиснинг тугўнларидан кам эмасди. Рембо, унинг учун Нель қасрининг эшиги ёниқ эканлигини эълон қилгандан бери жуда кўп марта, гоҳ ҳали ҳеч ким уйқудан уйғонмаган эрта тонг палласида, гоҳ ҳамма маст уйқуга кетган кеч окшомда, ўзи билан бир умрлик саодати бўлмиш Коломба ўртасида гов бўлиб турган юксак девор атрофини айланиб юрар эди. Лекин у бирон марта ҳам ўша қатагон боққа на ошқора, на пинҳона киришга жазм қилди. Зеро, унинг қалбида аёл кишига бўладиган энг покиза, йигитлик ҳурмати ҳали ўлмаган эдики, бундай ҳурмат маъшуқани ҳаттоки муҳаббатнинг ўзидан ҳам муҳофаза қиларди.

Лекин бу ҳол, олтинга гул зарб қилаётган, узук гардишига инжу ва бриллиант ўрнатиб беэётган Асканионинг телбаларча хаёлпарастлик қилишига халақит бермасди; унинг тонгги ва окшомги сайрлари пайтидаги ширин хаёллари, кечалари уйқусида кўрган ҳаяжонли тушлари тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. У аксарият пайт хаёлан, Бенвенутонинг Нель қасрига соҳиб бўладиган энг мудҳиш, эндиликда эса гоят матлуб кунни орзиқиб кутар, зеро Асканио ўз устозининг феълени яхши билган ва Челлинининг зоҳирий хотиржамлиги унга отилиш олдидан гафлатга кетган вулқонни эслатар эди.

Мана, ниҳоят вулқон уйғонди: Челлини қасрни келгуси якшанба куни забт этишга қарор қилди ва шоғирдларини ўз ниятидан воқиф этди. Челлинининг келаётган якшанба куни бу режасини амалга оширишига Асканиода заррача ҳам шубҳа йўқ эди.

Лекин режани амалга ошириш,— Нель қасри атрофини кўп мартаба айланган Асканиснинг фикрича,— осонликча бўлмас эди, чунки кечаю кундуз қаср деворлари устида соқчилар алмашилиб турарди. Асканионинг кузатишича, қасрда мудофаага ҳозирлик кўрилар эди. Демак, агар қасрга ҳужум қилинса, қамалдагилар мудофаага ўтадилар; кўринишидан, қалъа таслим бўлмақчи эмас-бинобарин уни шиддатли ҳамла билан қўлга олишга тўғри келади.

Қисқаси, Асканио бу жиддий шароитда паҳлавонлардек ҳаракат қилиши керак. Жанг бошланганда,

улар бирон рахна ердан қасрга бостириб киришади... балки ёнгин бошланар... Оҳ, кошкийди, шунга ўхшаш бирон фалокат содир бўлса! Ҳаммасидан ҳам ёнгин бўлгани яхшироқ. Ёнгин аланга оладию Коломбанинг ҳаёти хавф остида қолади. Ана шунда, Асканио омонатгина ликиллаб турган пиллапоялардан кўтарилади-да, гуриллаб, ёнаётган тўсинлар устидан сакраб ўтади, аланга олган девордан ошади; шу пайт маҳбубасининг ёрдам сўраб қичқираётган нафис овозини эшитиб қолади, кейин олдига кириб, деярли ҳушини йўқотаётган бу чалажон хилқатни даст кўтаради-да, кўксига босиб, ўз юраги яқинида унинг юраги тешиб турганини ҳис қилганча, алангани ёриб ўтади. Барча хавф-хатарларни енгиб, ҳамма ғовлардан ўтгач, Коломбани оғир қайғудан телба бўлиб қолган отасининг сёғи тагига қўяди, шунда прево, ёлғиз меросхўрининг халоскорини мардона жасорати учун тақдирлаш ниятида, қизини унга беради. Ёки бўлмаса, Асканио тагида олов лангиллаб ёнаётган чириган кўприкча устидан чопиб ўтаётганида, бирдан қоқилиб кетадию икковлари сўнги нафаслари чиқаётганда, бир-бирларидан биринчи ва охириги марта бўса олишиб, биргаликда ҳалок бўлишади... Бутун умидлари барбод бўлган Асканиодек одамни ҳатто шундай мудҳиш хотима ҳам чўчита олмасди; зеро, фақат бир-бирлари учун яшашдек энг улкан қувончга мушарраф бўлган ошиқ-маъшуқларга биргаликда ўлиш энг юксак саодат ҳисобланади.

Китобхон кўриб туриптики, Нель қасрини қамал қилиш ҳақидаги мардонавор режасини гўё бутунлай унутиб юборгандек туюлган Бенвенуто Челлини билан унинг бу ниятидан мутлақо беҳабар бўлган Скоццонедан бошқа барча қаҳрамонларимиз кечаю кундуз қаттиқ ҳаяжонда яшардилар.

Шундай қилиб, бутун ҳафта юқорида баён қилганимиздек, ҳаяжонда ўтди, Бенвенуто Челлини эса стти куи сурункасига виждонан меҳнат қилиб, Юпитернинг лой моделини деярли ясаб бўлди ва шанба куни кеч соат бешларда эгнига совут, совут устидан камзул кийди-да, Асканиони ўзига ҳамроҳ этганча, Нель қасри томон йўл олди. У қаср девори тагига бориб, бирон заиф ерни топиш мақсадида қамал режасини ўйлади ва бино атрофини айланиб чиқди.

Прево дўсти де Марманга айтганидек, яна Асканио ўз устозига хабар қилганидек, қасрга ҳужум қилиш

осон эмаслиги аён эди, қолаверса, Челлинининг ўзи ҳам бунга шоҳид бўлди. Нель қасрининг деворларида шинаклар ва осма туйнуклар бўлиб, соҳил томондан қасрни қўшқават девор ўраб турар, Пре-о-Клер томонидан эса зовур билан ихота қилинган эди. Бу, агар дарвозаси маҳкам ёпиладиган бўлса, ўзини жуда яхши муҳофаза қила оладиган энг мустаҳкам, салобатли ва маҳобатли қалъалардан бири эдики, у ўзгалар кўмагисиз ҳам, ўша замон таъбири билан айтганда, ўғри ва қароқчи галаларини, зарурат туғилган чоғда эса, ҳатто қирол сарбозлари ҳужумини ҳам даф қилиши мумкин эди. Зотан, ўша ажабтовур замонда кўпинча одамлар ўзларига ўзлари ҳам полиция, ҳам соқчи бўлиб хизмат қилишган.

Бенвенуто қадимги ва замонавий муҳораба илмининг барча қондаларига амал қилган ҳоҳда, қасрни кўздан кечириб чиқди ва даставвал қалъани яхшиликча топширишларини талаб этиш, бунга рози бўлмасалар, ўшандагина уни қамал қилиш керак, деган қарорга келиб, ўтган ҳафта Асканио кирган эшикни тақиллатди. Бу гал ҳам эшик тақиллагани ҳамано туйнук очилди, лекин энди беозор богбоннинг ўрнига қуролли соқчи пайдо бўлди.

— Нима истайсиз? — деб сўради у Нель қасрининг эшигини тақиллатган нотаниш одамдан.

— Қасрга эгаллик қилишга киришмоқчиман, зеро менким, Бенвенуто Челлинига қаср ҳадя қилиниб ҳадянома берилган,— деб жавоб қилди ҳайкалтарош.

— Яхши, кутиб туринг,— деб жавоб қилди соқчи ва мессер д'Эстурвилнинг буйруғига кўра, уни огоҳлантиргани югуриб кетди.

У бир зумда превони шахсий қўриқчилари билан бирга бошлаб келди, лекин жаноб д'Эстурвиль аҳволнинг қанчалик жиддий эканлигини ўз кўзи билан кўриш мақсадида ўзини панага олиб гапга қулоқ сола бошлади.

— Биздан нима истаётганингизни тушунмаямиз,— деди соқчи.

— Ундай бўлса,— деди Бенвенуто,— манави ҳадяномани мессер превога топширинг, бу унинг тасдиқланган нусхаси.

У шундай деб ёрлиқни дарчадан узатди.

Соқчи яна ғойиб бўлди, лекин бу гал ҳадяномани

превога тутқазниш учун турган ерида қўл чўзди, холос, кейин туйнук зум ўтмай яна очилди.

— Мана сизга жавоб,— дея соқчи майда-майда қилиб йиртилган бир ҳовуч қоғозни узатди.

— Жуда соз,— деди Челлини бамайлихотирлик билан.— Яхши қолинг.

У Асканининг қалъани жуда диққат билан кўздан кечириб чиққанидан, унинг бўлғуси жанговар ҳаракатлар борасидаги фикр-мулоҳазаларидан ғоятда мамнун бўлганди, шунинг учун у устахонага келиб, агар пешонасига янада буюкроқ санъаткор бўлиш ёзилмаганида, менинг бу шогирдим буюк саркарда бўлиши мумкин эди, деди ҳаммага. Челлинининг кўзи билан қараладиган бўлса, бу мақтов ниҳоятда юксак баҳо эди.

Эртаси кун ирталаб қуёш одатдан ташқари чарақлаб чиқди. Бундан сал олдин Бенвенуто ўз ёрдамчиларидан устахонага тўпланишни илтимос қилган эди. Яқшанба бўлишига карамай, биронта ҳам одам келмай қолмади.

— Ўғлонларим,— деб мурожаат қилди уларга устоз,— маълумки, мен сизларни ҳарб ишлари учун эмас, олтин ва қумуш буюмлар ясаш мақсадида ёллаганман. Мана, икки ойдан бери биргаликда ишлашиб, бир-биримизни яхши таниб-билиб қолдик, шунга кўра, сизлар ҳамини ва ҳар ишда қанчалик менга орқа қилсангиз, мен ҳам, зарурат туғилган пайтда сизларга суянишим мумкин. Гап нима ҳақда бораётганини тушуниб турибсиз. Бу ерда ишлашимиз учун шароит оғир: ҳаво етишмайди, хоналар қоронғи, бинобарин, қўлларимиз боғлиқ, чинакам иш билан шуғуллана олмаймиз, ҳатто дурустроқ босқон босишга ҳам имконимиз йўқ. Ниҳоят, ўзингиз шоҳид бўлдингиз — қирол менга бундан каттароқ, қулайроқ бинони ҳаёда қилишни лозим кўрди. Лекин унинг ҳар хил икир-чикир ишлар билан шуғулланишга вақти бўлмагани сабабли, ўз ғамингни ўзинг е, деб амр этди менга. Ваҳолонки, қирол мурувват кўрсатиб инъом этган ўша иморатни баъзи кишилар менга беришни истамаптилар: демак қасрни куч ишлатиб тортиб олиш лозим. Париж превоси аъло ҳазратнинг фармонини инобатга олмай — бундай бедаблик бу мамлакатда расм бўлган шекилли,— мени қасрга киритмади, лекин у ким билан муомала қилаётганини билмаса керак. Илтимосимни рад этганлар олдига талаб қўяман, қаршилиқ кўрсатганларни

эса, енгаман. Менга ёрдам беришни хоҳлайсизларми? Яширмайман — ишимиз хатарли: жангга киришимизга, қалъага шиддатли ҳужум қилишимизга тўғри келади. Яна бошқа, унчалик безарар бўлмаган эрмаклар ҳам бўлади. Биз полициядан ҳам, соқчилар қўшинидан ҳам асло қўрқмаймиз, чунки қўлимизда аёло ҳазратнинг ҳадяномаси бор. Эҳтимол, қурбонлар ҳам бўлар, чироқларим. Айтмоқчиманки, кимда-ким чекинмоқчи бўлса, асло ийманмасин, кимда-ким уйда тинч ўтирмоқчи бўлса, тортинмасин. Мен фақат мард йигитларни даъват этаман. Агарда мени Паголою Асканио билан ёлғиз қолдирсангиз, ҳеч азият чекманг. Қандай иш тутишимни айтолмайману аммо қарорим қатъий эканлигини яхши биламан. Бироқ агар сизлар менга жисман ва руҳан садоқат кўрсатсангиз, — шундай бўлишига имоним комил, — Исо Масиҳнинг муборак қони ҳаққи онт ичаманки, прево учун унинг қароргоҳида сичқоннинг ини минг танга бўлади! Мана, ҳамма гапдан муфассал воқиф бўлдингиз, энди айтинг-чи: мен билан борасизларми?

Ҳамма бир овоздан:

— Борамиз, устоз, бизни қаерга бошласангиз ҳам бораверамиз! — деб қичқирди.

— Баракалла, қароғларим! Ҳаммангиз ҳам вақтичоғлик қилишни яхши кўрасиз-а?.. Ҳаммангиз! Таваккал! Бир мириқиб дилхушлик қилайлик! — деди Бенвенуто, ўзини сувдаги балиқдек эркин ҳис этиб. — Кейинги пайтларда жуда диққинафас бўлиб қолгандим. Қани, олға, мардона олға, шамширлар яланғочлансин! Худога шукрки, кўп ажойиб зарбалар берамиз, ўлжалар ҳам кам бўлмайди! Мен сизга айтсам, азиз ўғлонларим, хулласи калом, довюрак дўстларим, бизлар тиш-тирноғимизгача қуролланиб, яғона режа бўйича иш қилишимиз, ҳужум тараддудини кўришимиз лозим — сизлар қиличбозликни машқ қилишингиз керак, қисқаси, яшасин хурсандчилик! Ҳаммасини — ҳужум аслаҳаларини ҳам, мудофаа қуролларини ҳам сизларнинг ихтиёрингизга топшираман, деворга осилган қуроллар ҳисобга кирмайди. Ҳар ким ўзига ёққанини танласин. Эҳ, ҳозир биттагина қулинг ўргулсин замбарагимиз бўлганида борми, жудаям асқотарди-да! Ҳай, илож қанча! Замбарак бўлмаса, мана шунча майда-чуйда аслаҳалар бор-ку: пилтамилтиқлар, мушкетлар, найзалар, ханжару шамширлар, мана яна совутлар, дубулғалар, қалқонлар... Қани, азамат-

лар, тезроқ ясанинлар, балга борамиз, музика ҳақини превога тўлатамиз!

— Ура! — деб қичқирди оломон.

Устахонада қандай жонланиш, қандай тўс-тўполон ҳўкм сураётганини кўрсангиз, кўзингиз қувонарди, ҳаммаёқ остин-устун булиб кетган эди.

Бенвенутодаги руҳий кўтаринкилик, жанговар жўшқинлик ҳамманинг қалбига қувонч пуркаган, чехрасини ёритганди. Халфалар совутларни кийиб кўришар, қиличларни ўйнатишар, ханжарларни қинидан суғуришар, қах-қах уриб кулишар, қўшиқ айтишар эди... Буларнинг ҳаракатини кўрган одам, ҳаммалари маскарарда ёки байрамга ҳозирлик кўришяпти, деб ўйлаши мумкин эди. Бенвенуто ҳамманинг олдида бўлишга улгурарди: бирига қандай зарба бериш усулини ўргатса, иккинчи шогирдининг камарбандини боғлашга кўмаклашар, унинг назарида, томирларидаги қайноқ қон эркин ва жўшқин оқаётгандек туюларди, гўёки у қайта дунёга келиб, янгидан чинакамига ҳаёт кечираётгандек эди.

Халфалар ўзларининг жанговар қиёфаларидан, қурол-аслаҳаларни нўноқлик билан тақишлари, ишлатишларидан қотиб-қотиб кулишарди.

— Устоз, манавинга қаранг! — деб қичқирарди биттаси. — Симон-Чапақайнинг қилич тақишини бир томоша қилинг!.. Унг ёнинга тақ, ахир! Унг ёнинга!

— Жаннинг ойболта ушлашига қаранглар! — дерди Симон. — Гўё епископ бўлгану асо ушлаб турипти.

— Паголога қаранглар! Устма-уст икки қават совут кийипти, — деб қичқирарди Жан.

— Ҳа, нима қипти? — деб эътироз билдирарди Паголо. — Анави ёққа қаранглар, германиялик Ҳерман худди император Барбаросса¹ замонидаги рицарларга ўхшаб кийинибди...

Дарҳақиқат, бу германиялик Ҳерман (ваҳолонки, уни германиялик дейиш ортиқча эди, зеро исмининг ўзи унинг Муқаддас Империя намояндалари авлодидан эканлигини билдириб турарди), такрорлайман, Ҳерман бондан-оёқ совут билан ихоталангани учун санъат

¹ Фридрих I Барбаросса (яъни Малласоқол, 1123-1190) — Германия қироли, кейинроқ Муқаддас Рим Империясининг императори этиб сайланган.

гуркираб камол топган ўша ажойиб замонда дахмаларни безаш учун ясалган маҳобатли ҳайкаллардан бирига ўхшаб кетганди. Гарчи Рейн дарёсининг нариги томонида туғилиб ўсган бу паҳлавон йигитнинг куч-қудрати халфалар ўртасида овоза бўлиб, латифага айланган бўлса ҳам, Бенвенуто: назаримда, бунақа совутда унча яхши ҳаракат қилолмасанг керак, натижада кучинг кўпайиш ўрнига, қирқилади, деб гап қистирди. Аммо Ҳерман унга жавоб бериш ўрнига дастгоҳ устига, совут эмас, балки духоба либос кийган одамдек енгил сакраб чиқди ва илгакка осилган залвар болгани олиб боши узра чирпирак қилиб айлантирди-да, сўнг болга билан сандонга кема-кет чунонам зарб билан ура кетди, сандон уч марта тушган зарбанинг ҳар биридан сўнг ерга тўрт энлидан ботиб борди. Бундай асосли жавобдан кейин Челлини тўла қаноат ҳосил қилганини билдириб, Ҳерманга эҳтиром билан таъзим қилди.

Асканио гапга аралашмай, бир чеккага ўтиб яроғ-аслаҳаларни тақарди: йигит бу густоҳона ташаббус оқибатини ўйларкан, қаттиқ ҳаяжонланарди. Бордию Коломба, ўз отасига қарши қаратилган ҳужумда иштирок этгани учун уни кечирмаса-чи? Эҳтимол, ҳали қўшни бўлиб кўчиб борганида, Коломба учун у мутлақо бегона бўлиб қолар, агар прево жангда ҳалок бўлса ёки жароҳатланса шундай бўлиши турган гап.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Скоццонени ҳам қувонтирар, ҳам ваҳимага соларди: у дам йиғлаб, дам куларди. Унга ҳар қандай ўзгаришлар, курашлар хуш ёқарди, аммо қонли жанг, жароҳатлар чўчитарди. Шўх қиз Скоццоне жангга ҳозирланаётганларни кўриб, қувонганидан дик-дик сакрардию, лекин аёл аёл-да, жанг оқибатини ўйларкан, қўрқувдан дағ-дағ титрарди.

Ниҳоят, Бенвенуто бу қизнинг йиғи аралаш кулаётганини пайқаб, унинг олдига бориб шундай деди:

— Скоццоне, сен Руперта билан уйда қоласан. Ярадорларнинг ярасини боғлаш учун латта, соғломлар учун мазали овқат тайёрлаб турасан.

— Вой, бу нима деганингиз! — деди Скоццоне.— Сиздан бир қадам ҳам нари жилмайман! Сиз билан бўлсам, преводан ҳам, унинг югурдақларидан ҳам қўрқмайман, лекин бу ерда Руперта билан қолсам даҳшат ва ҳаяжондан ёрилиб ўламан...

— Э, йўқ, мен сени ўзим билан олиб кета олмайман,— деб жавоб қилди Бенвенуто,— уёқда сенга нима

бўлдийкин, деб доим хавотирда бўламан. Дўндиққинам, бу ерда қайтишимизни кутиб, худодан бизни ўз паноҳида асрашини илтижо қилиб ўтир.

Чамаси Скоццоненинг миясига яхши бир фикр келди шекилли:

— Энди менинг гапимни эшитинг, Бенвенуто! — деб эътироз билдирди. — Бу ерда қўл қовуштириб ўтира олмаслигимни ўзингиз яхши тушунасиз, сиз у ерда яраланишингиз... ё, худо кўрсатмасин, ҳалок бўлишингиз мумкин, ахир. Лекин ҳамма нарсанинг иложини топса бўлади: мен устахонада қолиб худога сиғинмайман, балки жанггоҳга яқинроқ жойга — черковга бориб ибодат қиламан. У ерда хатардан холи бўламан, ғалаба ё мағлубият дарагини ҳам тезроқ эшитаман.

— Майли, сен айтганингдек бўлсин, — деб жавоб қилди Бенвенуто. — Ундан кейин, бизлар ҳам, турган гапки, эргалабки ибодатни охирига етказмасдан қақшатқич жангни бошламаймиз. Демак, келишдик: Августинлар черковига йўл оламиз — шукрки, черков Нель қасридан узоқ эмас, — сен, тасаддуқ, ўша ерда қоласан.

Улар шундай қарорга келишдию тайёргарлик ишларини яқунлаб, ҳаммалари ўткир бургунд виносидан бир қултум-бир қултум ҳўплашди. Шундан кейин яроғ-аслаҳадан ташқари яна болғалар, омбирлар, каноп нарвонлару арқонларни ҳам олишиб, жанговар тартибда эмас, балки жуфт-жуфт бўлишди, кейин кўчадаги одамлар диққатини жалб қилмаслик учун, бир-бирларидан узоқ-узоқ масофада кета бошлашди.

У замонларда бу сингари ҳужумлар, бизнинг давримизда юз бериб турадиган ғалаёнлар ёки министрликлар алмашуvidан кам бўлмасди, лекин ростини айтadиган бўлсак, у замонларда ҳам ҳеч ким якшанба кунлари, яна келиб-келиб, чошгоҳ паллада бундай дилхушлик қилмаган, зотан бундай шўхликка журъат этиш учун Бенвенуто Челлинидек довьорак бўлиш керак эдики, унга бу ишда ўзининг ҳақлигини идрок қилиши мадад бераётган эди.

Шундай қилиб, қаҳрамонларимиз Августинлар черковига турнақатор тизилишиб кириб боришди, қурол-аслаҳаю асбобларни Симон-Чапақайнинг оғайниси бўлмиш пономарнинг¹ олдига қўйиб, парвардигорга

¹ *Пonomарь* — христиан ва католик динида кичик рутбадаги рухоний.

сиғинишди, ундан раҳм-шафқат қилишини ва қаср соқчиларидан кўпроғини махв этиш учун билакларига куч-қувват тилаб, эрталабки ибодатни то охиригача эътиром билан адо этишди.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, вазиятнинг нечоғли жиддийлигига, ўта художўй Бенвенутонинг тангрига илтижо қилиб ўқимоқчи бўлган ибодатининг канчалик катта аҳамиятга эғалигига қарамай, у черковга кириб келиши билан паришон бўлиб қолди. Бунга сабаб, у ўзидан сал орқароқда, ибодатхонанинг нариги девори тагида, бежирим дуо китоби узра бош эгган бир қизни кўриб қолган эдики, унинг гоят фусункор жамоли наинки ҳайкалтарошнинг, ҳаттоки авлиёнинг ҳам диққатини ўзига қаратган бўларди. Шунга кўра, бизнинг оқкўнги Челлини ҳозир беихтиёр ибодатга халақит бера бошлади. У ичига сиғмаётган қувончни бирон кимсага изҳор қилишни истаб қолди, аммо унинг чап ёнида турган Катерина маэстронинг бегона қиз тароватидан ҳайратга келганини қувватлаши маҳол бўлгани сабабли, ўнг ёнида турган Асканиога ўгирилиб, унга ўша қизнинг китобга эғилган гоят бежирим бошини кўрсатди. Лекин Асканионинг нигоҳи шусиз ҳам ўша томонда, ибодатхонага кирган чоғиданоқ кўзини қиздан узмай қолган эди. Бенвенуто Асканионинг ҳам ўзи сингари маҳлиё бўлиб қолганини кўриб, уни тирсағи билан туртди.

— Ҳа-а,— деди Асканио,— бу Коломба. Ниҳоятда дилбар қиз, шундай эмасми, устоз?

Дарҳақиқат, у Коломба эди. Қасрга куппа-кундуз куни ҳужум қилишларини хаёлига ҳам келтирмаган прево, қизининг Августинлар черковига бориб ибодат қилишига бир оз иккиланиб тургандан кейин, рози бўлганди. Тўғри, Коломба ҳам отасининг розилигини олиш учун унга роса ёлборди — зотан шўрлик қизнинг бирдан-бир юпанчиғи шу ибодат бўлиб қолган эди. Перрина хоним унинг ёнида турарди.

— Коломба деганинг ким бўлди? — деб қизиқсинди Бенвенуто.

— Ҳа-я, сиз ҳали уни танимайсиз-ку! Коломба — прево мессер Робер д'Эстурвилнинг қизи. Нақадар гўзал-а, шундай эмасми? — деди яна Асканио.

— Э, йўқ,— деб эътироз билдирди Бенвенуто,— йўқ,

у Коломба¹ эмас. Яхшилаб қара, Асканио, ахир у Хеба-ку², қирол менга буюртма қилган навқиронлик маъбудаси Хеба. Ахир мен кўришни орзу қилган, парвардигорга сизиниб, ўзинг руҳини намоён эт, деб илтижо қилганим Хеба шу-ку! Мана дуоларим ижобат бўлиб, у самодан учиб тушипти...

Сўнг, Бенвенуто Хебани қўлида дуо китоби билан, руҳан Исога сажда қилаётган ҳолда тасаввур этиш қандай бемаънилик эканлигини сезмай, унинг ҳусну жамолини кўкларга кўтариб мақтаркан, айна пайтда ҳам ибодат қилар, ҳам қасрга ҳужум қилиш режасини мулоҳаза этар эди. Ҳозир унинг қалбида ҳам ҳайкалтарош, ҳам католик, ҳам саркарда баҳс олиб борарди.

— «Е самодаги бузрук падаримиз...» Қарасанг-чи, Асканио, у ён томонидан қандай мафтункор, қандай назокатли кўринаркан! «Мукаддас номинг беғубор, давлатинг зиёда...» Қадди-басти нақадар сержозиба! «Ризқ-рўзимиздан асло кам қилма...» Демак, бу латофатли хилқат ҳали ўз қўлим билан маҳв этмоқчи бўлган превонинг қизи, дегин? «Биз берган қарзимизни қарздорлардан талаб қилмаганимиздек, сен ҳам бизга ато этган омонатингдан бизни бот маҳрум этма...» Мен қасрга ўт қўяман! Омин! — Шундан сўнг, Бенвенуто яқшанбалик ибодатни ғоят эҳтиром билан ўқиганига асло шубҳа қилмай, чўқиниб олди.

Ибодат тугади. Бошқа даврда яшовчи, феъл-атвори ҳам бошқача бўлган одам учун Челлинининг бу хатти-ҳаракати шаккоклик бўлиб туюлиши мумкин эди, ҳайкалтарошдек соддадил одам учун ва шоир Клеман Маро тавба-тазарру пайтида ўқиладиган еттита оятни ишқий шеърга солиб ёзган ўша давр учун бундай қилиқ мутлақо табиий ҳол ҳисобланарди.

«It messa est»³ каломидан сўнг Бенвенуто билан Катерина бир-бирларининг қўлини сиқишди. Челлини билан Асканио, ҳамон дуо китобидан бошини кўтармай ўтирган Коломбадан кўз узмай ҳамроҳлари кузатувида табаррук сув пуркаб, покланиш учун ташқарига йўл олдилар. Кейин улар черковдан битта-битта бўлиб чи-

¹ Коломба сўзи французчада «кабутар» деган маънони билдиради.

² Хеба (юнон мифологияси) — олий тангри Зевснинг қизи, навқиронлик маъбудаси.

³ Боринглар, ибодат тугади (Лог.).

қишди-да, черков билан Нель қасри оралиғидаги масо-
фанинг тахминан қоқ ўртасидаги бир хилват тор-
кучада тўпланишди.

Катерина эса, келишилган шарт бўйича, черковда
кейинги ибодатга қолди. Коломба билан Перрина хоним
ҳам шундай қилди. Улар иккови бу ерга саҳарлаб
келишган бўлиб, эрталабки ибодатни тинглаган ва энди
байрам ибодати бошланишини кутаётган эдилар, лекин
Коломба ҳам, Перрина хоним ҳам ўзлари тарк этган
уйларига борадиган йўлни энди Бенвенуто билан унинг
шогирдлари кесиб қўйишга шайланаётганини мутлақо
билишмасди.

Тўққизинчи боб

ФАВҚУЛОДДА ҲУЖУМ

Шиддатли дақиқалар бошланди. Челлини ўзининг
ўн кишидан иборат қўшинини икки гуруҳга бўлди:
биринчи гуруҳ, қандай қилиб бўлмасин, қаср дарвоза-
сини бузиб, ичкарига кириши, иккинчи гуруҳнинг одам-
лари эса биринчи гуруҳнинг ҳаракатини муҳофаза
қилиб, пилтамилтиқлардан ўқ отиб туриши ёки, агар
қамалдагилар кунгирали девор устида пайдо бўлиб,
ўқ ёғдиргудек бўлсалар, ё жанг қилгани ташқарига
чиқсалар, уларнинг ҳужумини қайтаришлари керак
эди. Бенвенуто ана шу иккинчи гуруҳга бош бўлди
ҳамда бизнинг дўстимиз Асканиони ўзига ёрдамчи
қилиб олди. Биринчи гуруҳга у эски танишимиз бўл-
миш оққўнгил ва довюррак немис Ҳерманни қўмондон
этиб тайинлади, бу йигит бир болга урганда темир
ғўлани пачоқлаб ташлайдиган, бир мушт уриб одамни
ўлдириб қўядиган кучга эга эди. Ана шу Ҳерман, ўз
навбатида Жимит-Жанни ўзига ёрдамчи қилиб олди.
Бу ўн беш ёшли шумтака олмахондек чаққон, май-
мундек айёр, қирол маҳраמידек мард бола эди. Жи-
мит-Жан ҳаминша Ҳерманга тегажоглик қилиб юрарди,
шунинг учун бўлса керак, бу Голиаф¹ болага қаттиқ

¹ Голиаф — таврот ривоятига кўра, филистинлик (ҳозирги Фа-
ластин) бўйи олти ярим газ келадиган паҳлавон: у яккама-якка
жангда исроиллик чўпон (кейинчалик подшо) Давид томонидан
ўлдирилган (*Тарж.*).



меҳр қўйганди. Шундай қилиб, Жимит-Жан қўшқават совут кийиб, бесўнақай бўлиб кетганидан кўпроқ кекса Командорнинг¹ ҳайкалини эслатувчи Паголонинг кўзини ўйнатиб, виқор билан ўз бошлиғи ёнига бориб турди.

Вазифалар тақсимланиб бўлгач, Бенвенуто ўз лашкари ва унинг яроғ-аслаҳаларини охириги марта кўриқдан ўтказди, ўз устозлари туфайли хавф-хатар, эҳтимолки, ўлим сари мардона юриш бошлаган бу азаматларга юзланиб, қисқагина нутқ сўзлади. Сўнг ҳар бирининг қўлини сиқиб, тақводор одамдек чўқиниб олди-да: «Олга!» — деб наъра тортди. Иккала гуруҳ одамлари ҳам дарҳол йўлга тушиб, одамсиз ҳувиллаб қолган Августинлар соҳили ёқалаб, оралиқ масофани сақлаганча юриб кетишди, салдан кейин улар Нель қасри девори тагига етиб боришди.

Лекин Бенвенуто бундай пайтларда бажарилиши лозим бўлган ҳурмат ва назокат қоидаларига амал қилмай, душманга хужум бошлашни истамасди. Шу биле, у шамширининг учига оқ рўмолча илиб, кечаги ўзи тақиллатган дарвоза олдида борди. Бу гал ҳам ундан худди кечагидек, темир панжара орқали, нима истайсиз, деб сўрашди. Бенвенуто ўз талабини такрорлаб, қирол инъом этган қасрга соҳиблик қилиш ниятида келганини айтди. Лекин бу сафар унга ҳатто жавоб қайтаришни ҳам раво кўрмадилар.

Шунда Бенвенуто дарвоза томонга ўгирилиб, даҳшат билан хайқирди:

— Сенъор Вильбоний, Париж превоси Робер д'Эстурвиль! Менким, заргар, ҳайкалтарош, расом ва муҳандис Бенвенуто Челлини, сенга шуни маълум қиламанки, қирол аъло ҳазратлари Франциск Биринчи ўз ҳукмронлик ҳукуқига амал қилиб ихтиёрий равишда менга Катта Нель қасрини бутунлай инъом этди. Шу муносабат билан, сенъор Вильбоний, Париж превоси Робер д'Эстурвиль, сенга шуни такрорлаб айтаманки, мен қасрни куч ишлатиб бўлса ҳам оламан! Ўзингни ҳимоя қил! Лекин агар сенинг қирол амрига итоат этмаганинг оқибагида, бирон фалокат юз бергудек бўлса, билиб қўй, бунинг учун бу дунёда ҳам, у дунёда

¹ *Командор* — Ғарбий Европа ёзувчиларининг Дон Жуан ҳақида ёзган асарларидаги персонаж. /Пушкиннинг «Тош меҳмон» трагедиясини эсланг (*Тарж.*).

ҳам, жамоа олдида ҳам, худо олдида ҳам ўзинг жавоб бергайсан.

Бенвенуто ўз даъватига жавоб кутиб, гапдан тўхтади, аммо қаср девори ортидан ҳеч бир садо эшитилмади. Шунда Бенвенуто пилтамилтиқни ўқлаб, ўз одамларига қуроолларни жангга шайлашни буюрди. Кейин Ҳерман, Асканио ва Жанлардан ташкил топган ҳарбий кенгаш чақирди-да, ўз сафдошларига юзланиб бундай деди:

— Ўғлонларим, кўриб турибсиз, жанг қилмай иложимиз йўқ. Хўш, нимадан бошлаймиз?

— Меники тарвоса синдиради, — деб таклиф қилди Ҳерман, — кегин орқамдан сислар киради, шу тамом.

— Сен, иним, ҳақиқий Самсонсан¹. Аммо айт-чи, дарвозани қандай қилиб синдирасан? — деб сўради Бенвенуто Челлини.

Ҳерман атрофга кўз югуртириб, дарё бўйида ётган йўгон бир харини кўриб қолди, уни тўртта одам зўрга ердан кўтариши мумкин эди.

— Маники дарвосани хари билан синдиради, — деди у.

Шундай деб у хари ётган ерга бамайлихотир юриб борди-да, уни осонгина ердан кўтариб, ўз саркардаси олдига қайтиб келди.

Бу аснода кўчага оломон тўплана бошлади. Лекин Бенвенуто томошабинларнинг ҳайбаракаллеси билан эндигина ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ бериб турганида муюлишда беш ё олтига отлиқ аскар қузатувида келаётган кирол ўқчилар капитани пайдо бўлди. Чамаси, биронта ҳамиятли одам уни бу ерда бўлаётган воқеадан бохабар қилган бўлса керак. Капитан превонинг дўсти эди, шунинг учун бу ерда гап нима ҳақда кетаётганини жуда яхши тушунарди; у Бенвенуто Челлинини чўчитиб юборишига қатъий ишонган ҳолда,

¹ Самсон — тавротдаги ривоятга кўра, қадимги яҳудийларнинг гайритабиий қудратга эга бўлган паҳлавони. Самсоннинг бутун кучи узун сочларида бўлган. Қуиларнинг бирида, Самсоннинг маъшукаси фаластинлик Далила у ухлаб ётганида сочини олиб, юртининг кўшинини чақиради. Аскарлар Самсоннинг кўзини ўйишиб, занжирбанд қилишади. Лекин кейинчалик ҳибсада ётган паҳлавоннинг сочлари яна ўсиб чиқади. Шунда у бутун ибодатхонани вайрон қилади, оқибатда ибодатга келган ҳамма фаластинликлар ва улар билан бирга Самсоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. (Тарж.)

тикка унинг устига от суриб борди, ўқчилар эса Ҳерманнинг йўлини тўсишди.

— Нима керак сизларга бу ерда? Нега шаҳар аҳлининг тинчини бузаяпсизлар?

— Қирол амрини бажараётган одам эмас, балки унга итоят этишдан бўйин товлаган одам бузади тинчликни, — деб жавоб қилди Челлини.

— Бу билан нима демоқчисиз? — деб сўради капитан.

— Айтмоқчиманки, мана молия ишлари бўйича сарой котиби де Нёфвиль жаноблари берган аъло ҳазратнинг ёрлиги, ҳеч бир каму кўсти йўқ. Бу ёрликда Катта Нель қасрининг менга инъом этилгани ёзилган. Аммо қаср ичига жойлашиб олган одамлар қирол фармонига итоят этишни хоҳлашмаяпти, бинобарин, менинг ҳуқуқимни тан олишмаяпти. Хуллас, нима бўлганда ҳам Бенвенуто Челлинига тегишли бўлган нарсани Бенвенуто Челлини олиши шарт, деган фикрни миямга қўрғошиндек қўйиб олганман, зеро: «Шоҳники шоҳга, гадоники гадога», дейилган-ку!

— Ҳей, навкарлар, бизга халақит бергандан кўра, яхшиси дарвозани очишимизга ёрдамлашинг!.. — деб қичқирди Паголо.

Бенвенуто унинг сўзини бўлиб:

— Ўчир овозингни, иш ёқмас, — деб ер тепинди. — Мен ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасман, билдингми?

— Тўғри, сиз ҳақсиз албатта, лекин амалда ноҳақсиз, — деди капитан.

— Тушунмадим! — деди Бенвенуто, қони қайнай бошлаганини ҳис қилиб.

— Ўз мулкингизни эгалламоқчи бўлганингиз тўғри, лекин уни эгаллаш учун қўллаган усулингиз нотўғри. Олдиндан айтиб қўяқолай, агар бу метин девор билан олишадиган бўлсангиз, ҳеч нимага эриша олмайсиз. Мен сизга дўстона маслаҳат бермоқчиман, гапимга ишонинг: одил судга мурожаат қилинг. Яъни, масалан, Париж превоси устидан шикоят ёзинг. Хўп, яхши қолинг, муваффақият тилайман!

Қирол ўқчилари капитани шундай дедию тиржайиб мийиғида кулганча ўз йўлида кетаверди, ҳукумат вакилининг истеҳзосини кўрган оломон хахолаб кулиб юборди.

— Пировардида кулган бахтли бўлади! — деди

Бенвенуто Челлини.— Олга! Ҳерман, қани, олға!

Ҳерман яна харини қўлига олди. Бенвенуто, Ас-канио яна икки-учта энг яхши мерган қўлларида пилтамилтиқ билан қаср девори бошидаги шинакларни нишонга олишган пайтда, Ҳерман мисоли бир жонли палахмондек қаср эшигига ҳужум қилди, чунки дар-возадан кўра эшикни уриб синдириш осонроқ эди.

Лекин у қасрга яқинлашиши билан девор бошидан оламжаҳон тош худди дўлдек ёғилди, ваҳолонки, ҳеч ерда «қилт» этган тирик жон кўринмаганди. Гап шун-даки, прево қалъа девори устига тош уйиб қўйишни буюрган — бунинг оқибатида девор устида иккинчи девор қад кўтарган эди. Ана шу девор салгина туртиб юборилган ҳам эдики, тошлар қасрни қамал қилганлар устига дўлдай ёғилди.

Бу аснода, ҳужумчилар тош ёғинига чап бериб хиёл орқага чекиндилар. Гарчи қамалдагиларнинг бундай даҳшатли қаршилиқ кўрсатиши ҳамма учун фавқулодда ҳол бўлган бўлса ҳам, Паголодан бошқа ҳеч ким жароҳатланмади. Қўшқават совут кийиб жуда-ям бесўнақай бўлиб кетган Паголо, бошқалар билан бирга қочишга улгуролмай, товонидан лат еган эди.

Аммо Ҳерман худди дўл ёғганида ҳам асло эгилмай-диган эман дарахтига ўхшаб, тепадан ёғилаётган майда тошларга парво қилмай, ҳамон эшик томон боришга уринарди. Ниҳоят, у кўзлаган ерига бориб олиб, қўлидаги харини эшикка шунақанги куч билан ура бошладики, гарчи бу эшик метиндек бақувват бўлса ҳам, зарбига бардош бера олмаслиги ҳаммага аён бўлди.

Бенвенуто билан унинг ёрдамчилари қалъа девори устида душман пайдо бўлиши ҳамано уларга пилта-милтиқдан ўқ отишга шай бўлиб турдилар, аммо девор бошида ҳеч ким кўринмасди. Катта Нель қасрини гўё қандайдир кўринмас қўшин мудофаа қилаётгандек туюларди. Бенвенуто жасур немис йигитига кўмаклаша олмаётганидан хуноб бўларди. Шу пайт бирдан унинг кўзи, юқорида айтиб ўтганимиздек, соҳилнинг иккинчи томонида, пойдеворини Сена дарёсига ботириб бир чеккада қад кўтариб турган кўҳна Нель минорасига тушди.

— Тўхта, Ҳерман,— деб чинқирди Челлини,— тўхта, менинг азамат дўстим! Нель қасри энди биз-ники — исмим Бенвенуто Челлинию касбим заргарлик

эканлиги қанчалик рост бўлса, Нель қасрининг бизники бўлиши ҳам шунчалик рост.

Сўнг у Асканио билан яна иккита халфасига, орқамдан юринглар, дегандек имо қилиб, минора томон югуриб кетди. Ҳерман эса, устозининг амрига итоат этиб, тўрт қадамча орқага чекинди-да, тепадан ёғилаётган тош тегмайдиған бежавотирроқ жойни танлаб, швейцариялик аскар пилтамилтиғини ерга қандай қўйса, харини шундай қўйиб, бош қўмондоннинг ҳарбий режаси нима билан яқунланишини кузата бошлади.

Дарҳақиқат, Бенвенуто ўйлаганидек бўлиб чиқди: прево бир нарсани, яъни кўҳна минорани қўриқлашни эътибордан четда қолдирган эди. Челлини уни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритди ва зина пиллапоялари оша югуриб, бир зумда миноранинг ясси томига чиқди. Черков қўнғироқхонаси шаҳар узра энг баланд ер ҳисобланса, минора томи ҳам Катта Нель қасридан анча баландроқ эди, шу боис, ҳалигача юксак девор панасида бўлган қаср аҳли энди бирдан қамал қилувчиларнинг зарбаси остида қолдилар.

Пилтамилтиқдан отилган ўқ визиллаб учиб бир соқчини яралади, у додлаб юбориб ерга қулади, шунда прево вазиятнинг ўзгарганини тушуинди.

Бу аснода Ҳерман ҳаракат майдонининг бежавотир эканлигини кўриб, бояги хари билан яна қаср эшигини тарақлиги ура бошлади. Қамалдагилар эса ҳужумнинг вақтинча тўхтаганидан фойдаланиб, эшикни ичидан маҳкамлаб олган эдилар.

Бенвенутонинг пилтамилтиқдан ўқ отгани ва ярадор соқчининг фарёди эшитилган ҳамано бирдан майдонга тўпланган оломон бундай отишма пайтида бирон балога йўлиқиш муқаррарлигини, ҳозир бошланажак фожиянинг шохидлари мудҳиш фалокатдан четда қолмасликлари мумкинлигини одамзод табиатида мавжуд бўлган жон ҳовучлаш ҳиссиёти билан фаҳмлаб, худди бир гала қаптардек зумда ҳар ёққа тарқаб кетди.

Майдонда фақат биргина томошабин қолган эди.

Бу томошабин бизнинг танишимиз Жак Обри бўлиб, копток ўйнаб вақтихушлик қилиш ниятида, ўтган якшанба куни Асканио тайинлаган учрашувга келган эди. У жанг майдонига бир назар ташлаганидаёқ бу ерда нима бўлаётганини тушуинди. Жак Обрининг феълени билган одам бундай ҳолларда унинг қандай қарорга келишини жуда яхши тушунади. Ахир ўйин бўлга-

нидан кейин барибир эмасми — копток ўйнайдими ё қамал-қамал ўйнайдими, унисиям, бунисиям ўйин-ку: у ҳужум қилаётганлар орасида дўстлари ҳам борлигини пайқаб, шу онинг ўзида улар тарафига ўтди.

— Ҳорманглар, биродарлар! — деди у ҳозир дарвоза очилишини кутиб, қаср ичига ўқдай отилиб киришга шайланган бир гуруҳ ҳужумчилар олдига яқинлашаркан. — Қасрга ҳужум қилар эканмиз-да! Азбаройи шифо! Сизлар хароба бир кулбага ҳужум қилмаясиз, балки жуда машаққатли ишга қўл ургансиз: бир сиқимгина одам метин истеҳком қаршисида турипти!

— Бизлар камчилик эмасмиз, — деди товонининг ярасини боғлаётган Паголо, Венвенуто билан унинг уч-тўртта сафдоши томонга ишора қилиб. Улар қалъа деворини шундай шиддат билан ўққа тутардиларки, бунинг натижасида девор бошидан тош ёғилиши анча сийраклашган эди.

— Тушунаман, тушунаман, жаноби Ахилл¹, — деди Жак Обри, зеро ҳеч шубҳа йўқки, сизнинг Ахилл билан ўхшашлик жиҳатларингиз кўп. Бундан ташқари, сиз ҳам айнан товонингиздан яраланибсиз. Тушунаман, тушунаман! Э, ана, қадрдон дўстим Асканио ҳам шу ерда экан! Унинг ёнидаги одам, аминманки, маэстро Челлини бўлиши керак, ҳўв ана, улар минора томида туришипти.

— Тўгри, — деди Паголо.

— Анави, қаср эшигини жон-жаҳди билан гурчиллатиб ураётган паҳлавон ким бўлди? У ҳам сизлар тарафдадир-ов, тўгрими?

— У Ҳерман! — деди гурур билан Жимит-Жан.

— Азбаройи худо, жуда абжир йигит экан! — деди талаба. — Уни табриклар қўйиш керак.

Шундай деб у боши узра визиллаб учаётган ўқларга парво ҳам қилмай, қўлларини чўнтагига тикқанича, худди бир меъёрда ишлайдиган машина сингари ўз вазифасини тиришқоқлик билан бажараётган довурак немис олдига яқинлашди.

— Сизга ҳеч нима керак эмасми, муҳтарам Голи-

¹ Ахилл (Ахиллес) — Ҳомернинг «Илиада» достонидаги энг асосий қаҳрамон. У Троя шаҳзадаси Парис отган ўқдан ҳалок бўлади. Зеро, тагри Аполлон ўқни Ахиллнинг баданидаги бирдан-бир қалтис ер — товонига йўналтиради (Тарж.).

аф? — деб сўради Жак Обри. — Буюринг, хизматингизга тайёрман.

— Мен хоҳлайди сув, — деб жавоб қилди Ҳерман, эшикка ҳужум қилишдан тўхтамай.

— Азбаройи шифо! Бунақа ишдан жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас! Афсус, қўл остимда пиво ё бўза тўлдирилган бочка йўқ-да, сизни астойдил меҳмон қилган бўлардим!

— Сув бер! — деб қичқирди Ҳерман. — Сув бер!

— Сизга шу ичимлик ёқадими? Жуда соз, ёнгинамизда бутун бир дарё оқиб ётипти. Бир дақиқагина сабр қилсангиз, чанқоғингизни қондираман.

Жак Обри шундай деб Сена томон югуриб кетди, шапкасини сувга тўлдириб, немисга олиб келди. Паҳлавон харини ерга отди-да, сувни бир кўтаришда ичиб юбориб, шапкани эгасига қайтарди.

— Яхши! — деди у ва харини қўлига олиб, яна ишга киришди.

Салдан кейин у талабага ўгирилиб бундай деди:

— Сизники устозга боради, сиз унга айтади, тез тайёр бўлади ҳаммаси, у ўзи тайёр турсин.

Жак Обри физиллаганча минора томон югурди ва ҳаш-паш дегунча Асканио билан Бенвенутонинг олдига чиқиб борди. Устозу шогирд қамалдагилар устига пилтамилтиқлардан шиддатли ўқ ёғдирар, бунинг оқибатида мессер превонинг соқчиларидан икки-уч киши сафдан чиққанди. Шунинг учун, улар девор бошига кўтарилишга журъат эта олмай, ҳамла учун пайт пойлар одилар.

Ҳерман эшикнинг ҳадемай жойидан жилиши ҳақида Бенвенутога хабар юборган пайтда, прево охирги марта ҳамлани даф қилишга уриниб бўлди; у ўз аскарларига далда бериб, руҳларини кўтарди, шунда девор бошидан яна тошлар дўлдай ёғила бошлади: лекин шу пайт пилтамилтиқдан кетма-кет отилган иккита ўқ мессер Робернинг таҳдиди ва ваъдалари туфайли қамал аҳли қалбида уйғонган ғайрат ва шижоатни яна сўндирди, улар ўзларини панага олиб, жим бўлиб қолишди. Бу ҳолни кўрган мессер Робер ўзи олга отилиб чиқди ва каттакон бир харсангтошни Ҳерманнинг бошига тушириш ниятида, уни икки қўли билан итаришга шайланди.

Лекин Бенвенуто гафлатда қоладиган одамлардан эмас эди. Эҳтиётсиз душманнинг ҳеч ким журъат эта

олмаган хатарли ерга чиққанни кўриб, уни дарҳол нишонга олди. Бироқ Челлини эндигина тепкини босмоқчи бўлганида, Асканио чинқириб юбориб, пилта-милтиқнинг оғзини қўли билан четга буриб юбордию ўқ ҳавога учди. Гап шундаки, Асканио Колумбанинг отасини таниб қолган эди.

Дарғазаб Бенвенуто Асканиодан бу қилмиши учун изох талаб қилмоқчи бўлган эди, лекин бу пайт прево итариб юборган харсангтош тўғри Ҳерманнинг дубулга кийган бошига келиб тушди. Бу замонавий Титан¹ беназир куч-қувват соҳиби бўлишига қарамай, Пеллион² зарбига дош бера олмади, харини тушириб юбориб, қўлларини ёйганча ўзига бирон таянч қидирди, аммо уни тополмай, гурсиллаб ерга қуладно ҳушидан кетди.

Шунда қамалдагилар ҳам, қамал қилганлар ҳам бараварига ҳайқириб юборишди. Шу яқин ўртада турган Жимит-Жан билан яна уч-тўртта халфа ёрдамга югуришиб келиб, паҳлавонни девор тагидан узоқроққа кўтариб ўтишди ва уни ҳушига келтира бошлашди. Лекин худди шу пайт Нель қасрининг эшиги билан дарвозаси ланг очилиб, ичкаридан прево бошчилигида ўн беш нафар соқчи чиқиб келди ва тўғри ярадор немис ётган ерга отилди, бунинг устига, улар шамширларини моҳирлик билан ишлатиб, ҳам санчишар, ҳам чопишардики, Бенвенутонинг далда берувчи ҳайқирикларига, ҳозир ёрдамга етиб бораман, бўш келманлар, ўғлонларим, деб ёлборишларига қарамай, Жан билан унинг уч ўртоғи чекинишга мажбур бўлишди. Бу ҳол превога қўл келди. Саккиз киши ҳануз ҳушига келмаган паҳлавоннинг оёқ-қўлларидан ушлаб кўтаришди, Жан билан ўртоқларини ярадорга яқин йўлатишмади, натижада, то Челлини, Асканио, Жак Обри ва уларнинг уч-тўртта сафдоши тўрт-беш қават баландликдаги минорадан тушиб келгуналарича, Ҳерманни Катта Нель қасрига олиб кириб кетишга улгуришди. Бенвенуто отишга шай пилтамилтиқ билан минора эшигидан чи-

¹ *Титан* — юнон ривоятларида худоларга қарши курашган энг қудратли паҳлавон.

² *Пеллион* — Юнистондаги тоғ. Ривоятларга кўра, худоларнинг кекса авлоди — Титанлар ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган Зевсга қарши исён кўтарганлар ва самога чиқиш учун Пеллион тоғини кўтариб, унинг ёнида турган Оса тоғи устига қўйганлар.

қишга улгурмай, қаср дарвозаси прево одамларининг энг охиригини ичкари киритиб, қарсиллаб ёпилди.

Ширишининг ҳожати йўқ — бу мағлубият эди, мағлубият бўлганда ҳам ҳазилакам мағлубият эмас эди. Челлини, Асканио ва уларнинг дўстлари пилтамилтиқлардан ўқ отиб қамалдагилардан уч-тўртта соқчини жароҳатлаган эдилар, лекин прево учун бу йўқотиш Бенвенутонинг Ҳермандан жудо бўлганичалик оғир талафот бўлмади.

Қамал қилувчилар бир зумгина эсанкираб қолдилар.

Шу чоғ бирдан Асканио билан Челлини бир-бирларига қарашди.

— Менда бир режа пайдо бўлди, — деди Челлини чапга, шаҳар томонга қараб.

— Менда ҳам, — деди Асканио, ўнг ёққа, дала томонга кўз ташлаб.

— Мен соқчиларни алдаб қасрдан олиб чиқиш йўлини топдим.

— Агар соқчиларни авраб қасрдан олиб чиқа олсак, унда мен қандай қилиб дарвозани очишни биламан.

— Бунинг учун сенга қанча одам керак?

— Битта стади.

— Танла.

— Жак Обри, — деди Асканио, — мен билан боришни хоҳлайсизми?

— Сиз билан, азиз дўстим, дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга розиман! Лекин мен ҳам бирон-бир қурол олсам бўларди: қилич бўлагими, ханжар парчасими — хуллас, кези келганда душманга санчиш учун бир-икки қарич келадиган темир парчаси бўлса кифоя.

— Жуда соз! Унда Паголонинг найза-қиличчини олинг — энди у қилич ишлата олмайди: негаки, унинг ўнг кўли товонида, чап кўли эса чўқиниш билан баңд.

— Қиличга илова қилиб, мана, менинг ханжаримни ҳам олинг, — деди Челлини. — Зарба беришга беринг-у, йигитча, илло уни душман баданида унутиб қолдирманг! Зеро ғаним учун бу ниҳоятда қимматли совга бўлади — унинг дастасини ўзим зарб қилганман, у юз олтин экю туради.

— Тиғи-чи? — деб сўради Жак Обри. — Тўғри, дастаси қиммат туради, лекин шунга қарамай, мен тиғни афзал кўраман.

— Тиғи бебаҳо, — деб жавоб қилди Бенвенуто, —

мен у билан ўз акамнинг қотилини ўлдирганман.

— Яшасин ханжар!— деб қичқирди талаба.— Қани, олга, Асканио.

— Ҳозир,— деди Асканио белига ўн беш-йигирма газча узунликдаги арқонни ўраб, елкасига нарвон кўтарқан.— Мана, тайёрман!

Шундан сўнг бу икки азамат йигит дарё ёқалаб юз қадамча юришди-да, Катта Нель қасрининг муюлишида, шаҳар зовурининг нариёғида чап томонга бурилишиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Маъли, уёқда Асканио ўз кўзлаган ишни бажарар-версин, биз бўлсак, буёқда Челлинининг ўз ниятини қандай амалга ошираётганини кузатайлик.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Асканио ўнг томонга, яъни дала тарафга қараганида, Бенвенуто, чап томонга, яъни шаҳар ёққа қараган эди, негаки у жанггоҳдан сал четроққа ўтиб турган томошаталаб оломон орасида превонинг қизи билан, қизнинг мураббиясига ўхшаб кетувчи икки аёлни кўрганди.

Дарҳақиқат, улар Коломба билан Перрика хоним бўлиб, ибодатдан сўнг ўз уйларига, Кичик Нель қасрига келишаётгандилар. Улар йўл-йўлакай қасрнинг қамал қилингани ҳақидаги гапларни эшитишиб ва ниҳоят кўз олдларида намоён бўлган даҳшатли воқеалардан кина-лаклари учиб, юришдан таққа тўхташган ва ўзларини оломон орасига олишган эдилар.

Лекин отасининг тақдиридан хавотирланаётган Коломба жангнинг бир оз тинганини ва кўчадан бемалол юриб бориш мумкинлигини кўргани ҳамона, Перрина хонимнинг жанг бўлаётган ерга асти яқинлашманг, деб худонинг зорини қилиб ёлборишига қарамай, мураббиясини ўз ҳолига қолдириб, қаср томон шахдам юриб кетганди. Перрина хоним Коломбага астойдил меҳр қўйган эди, шу боис, қўрқувдан дағ-дағ қалтираб бўлса ҳам, ўз тарбиясидаги қизни кузатиб боришга жазм қилди.

Бу икки аёлнинг оломон орасидан чиқиши Асканио билан Жак Обрининг муюлишдан бурилиб кетган пайтига тўғри келди.

Бенвенуто Челлинининг режаси энди бизга ойдин эди.

У аёлларнинг қаср томон яқинлашиб келаётганини кўриб, ўзи улар томонга пешвоз юрди ва Коломбага назокат билан қўлини узатди.

— Ойимқиз, асло қўрқманг, — деди у. — Менинг қўлимга суянсангиз, ўзим отангиз ҳузурига олиб бориб қўяман.

Коломба иккиланиб туриб қолди, лекин Перрина хоним, гарчи Челлини унга ёрдам таклиф қилишни унутган бўлса ҳам, дарҳол ҳайкалтарошнинг қўлига осилиб олди.

— Рози бўлаверинг, тасаддуқ, бу олижаноб йигитнинг ҳимоятидан юз ўгирманг!.. Ана, қаранг, жаноб прево қалъа девори устида турипти! Ана, энгашиб қараяпти... Бизлардан хавотир оляпти, албатта.

Коломба Бенвенутонинг қўлига суянди, шунда улар учовлон қаср дарвозаси олдига яқинлашишди.

Коломба билан Перрина хонимни қўлтиқлаган Челлини шу ерда тўхтади.

— Жаноб прево, — деб қичқирди у, — қизингиз уйга кирмоқчи! Сиз эшикни очиб, уни ичкарига киритасиз, деган умиддаман, ахир шундай соҳибжамол қизни гаров тариқасида душманларингиз қўлида қолдирмасиз!

Прево қалъа девори панасида туриб жанг қилган шу икки соат давомида, қизининг черковга боришига ижозат бериб, эҳтиётсизлик қилгани ҳақида бир эмас, бир неча марта эслаган ва уни қандай қилиб қасрга киритиш тўғрисида ўйлайвериб боши қотган эди. Прево, шояд қизини бирон кимса огоҳлантирсаю у Шатле қалъасига бориб, ўша ерда жанг тугагини кутиб ўтирса, деб умид қилиб турганида, бирдан кўзи икки аёл томон пешвоз юриб бораётган Челлинига тушди-ю, бир қарашдаёқ ўша аёлларнинг Коломба билан Перрина хоним эканлигини таниди.

— Тентак қиз! — тўнғиллади прево гижиниб. — Ҳай, нима бўлганда ҳам қизини анави бетавфиқлар қўлида қолдирмаслигим керак...

Кейин у туйнукни очиб, юзини панжарага тираганча, баланд овоз билан Челлинидан сўради:

— Нима таклиф қиласиз?

— Шартим битта, — деди Бенвенуто. — Мен ойимқиз Коломба билан мураббиясининг уйга қайтишларига имкон бераман, сиз эса, барча одамларингиз билан кўчага чиқасиз ва биз очиқ жанг қиламиз. Жанг майдонида ким ғолиб чиқса, ўша қасрга эғалик қилади, ана унда мағлубнинг шўри қуриydi! Ўрни ватандо-

шингиз Бреннинг¹ таъбири билан айтадиган бўлсак:
Voe vietis!

— Розиман,— деди прево,— лекин битта шартим бор.

— Қандай шарт?

— То қизим қасрга кириб, соқчиларим қасрдан чиққунича бўлган вақт ичида сиз ўз кўшинингиз билан четроққа бориб турасиз.

— Майли, сизнингча бўлсин!— деди Челлини.— Илло аввал сизлар қасрдан чиқасизлар, ундан кейин ойимқиз Коломба ичкарига киради, яна, чекинингизга имкон қолдирмаслик учун, дарвоза калитини девордан ошириб ичкарига отасиз.

— Розиман,— деди прево.

— Сўз берасизми?

— Сўзим — асилзода сўзи! Сиз-чи?

— Сўзим — Бенвенуто Челлини сўзи.

Улар бир-бирларига виждонан сўз беришгач, дарвоза ланг очилиб, ичкаридан мессер д'Эстурвиль бошчилигида соқчилар чиқишди ва икки қатор бўлиб саф тортишди. Энди улар ўн тўққиз киши эди. Бенвенуто Челлини отрядида эса Асканио, Ҳерман ва Жак Обрилари сиз саккиз киши бўлиб, Симон-Чапақай ҳам (хайриятки, у ўнг қўлидан яраланган эди) шулар ҳисобида эди. Лекин Бенвенуто душманларининг миқдорини суриштириб ўтирадиган одамлар тоифасидан эмасди. Унинг бир дўжна ёлланган қўриқчилари қуршовида бўлган Помпеони ёлғиз ўзи маҳв этганини муҳтарам ўқувчи яхши эсласа керак. Челлинининг ҳозир дунёда бирдан-бир истаги, душман билан энг шиддатли, энг кескин жанг қилиш эди, шунинг учун превонинг шартига дарров рози бўла қолди.

— Энди сиз қасрга киришингиз мумкин, хоним афанди,— деди у дилбар асирага юзланиб.

Худди беозор кабутарга ўхшаб кетувчи Коломба айнан шу қуш янглиғ бир қароргоҳдан иккинчи қарор-

¹ Бренн — 390 йилда Этрурияга (Францияга тобе бўлган Италиядаги давлат) бостириб кириб, Римни қўлга олган Галлия саркардаси. Ривоятларга кўра, Бренн шаҳар аҳолисининг асоратдан қутулиши учун халқдан жуда катта тоvon тўлашни талаб қилган, лекин унга олтин тортиб беришаётганда, Бренн торозунинг қадоқтош қўйилган палласига ўз шамширини ташлаган ва: «Мағлубнинг шўри қурисин!» (Латинчасига «voe victis») деган экан.

гоҳга учиб ўтди ва қаттиқ ҳаяжонланганидан ўзини йўқотиб қўйгудек бўлиб, превонинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди.

— Дадажон! Дадажон! Худо ҳаққи, жонингизни хавф остига қўйманг!— дея ёлворди у дув-дув кўзёш тўқаркан.

— Йўқол кўзимдан!— деб қўрс жавоб қилди прево, қизининг биллагидан ушлаб дарвоза томон етакларкан.— Сенинг бемаъни истакларинг касофатига шундай фалокат тушди бошимизга.

Коломбат Перрина хоним кузатувида қасрга кирди (гарчи мураббия ўз тарбиясидаги соҳибжамол қиз янглиг қушдек парвоз қилмаган бўлса ҳам, қасрга физиллаганча чопқиллаб кириб кетди, ваҳолонки у ўн йилдан бери, оёғим увушади, деб муттасил зорланиб келарди!)— Прево уларнинг орқасидан дарвозани беркитди.

— Калит! Калит!— деб қичқирди Челлини.

Прево сўзининг устидан чиқиб, калитни девор оша қаср ҳовлисига отди.

— Ана энди,— деди Бенвенуто прево билан унинг қўшинига қарши ҳужумга ўтаркан,— ҳар ким ўзини химоя қилсин. Худо — ҳаммамизни!

Кейин бирдан қонли олишув бошланиб кетди, зеро соқчилар пилтамилтиқларини ишчонга олиб, ўқ узишга улгурмасларидан, Бенвенуто ўзининг етти нафар халфаси билан уларнинг орасига ёриб кирган ва даҳшатли шамшири билан ўнгу сўлга ҳамла қила бошлаган эди. У шамширини наинки жангда элчиллик билан ишлатишни билар, балки унинг пўлатини ўзи антиқа бир тарзда тоблаб ясаган, бинобарин, бу шамшир зарбига дош бера оладиган биронта совут ё бирои қалқон дунёда топилмасди. Соқчилар энди иш бермай қўйган пилтамилтиқларини ташлаб, қиличларини суғурдилар-да, қиличбозлик жангига кириб кетдилар. Душман ҳам сон, ҳам куч жиҳатидан имтиёзга эга эди, аммо шундай бўлишига қарамай, Челлинининг одамлари уни бир зумда майдоннинг ҳар тарафига тирқиратиб юборди, улар ичида энг довюракларидан икки-учтаси қаттиқ яраланди ва ортиқ жанг қила олмай, чекинишга мажбур бўлди.

Прево ўзининг хавф остида қолаётганини кўрди, лекин у мард одам бўлиб, юқорида эслатиб ўтганимиздек, бир вақтлар кўп жанговар зафарлар қозонган эди.

Мана, ҳозир ҳам у ҳамма соқчиларни тирқирата бошлаган Бенвенуто Челлини томон бир ўзи отилди.

— Қани, кел,— деб бақирди у,— келақол, ярамас, қароқчи, яхшиси, орамиздаги баҳсени яккама-якка жанг ажрим қилсин! Кўрамиз, кимнинг қўли баланд келаркин!

— О, оит ичиб айтаманки, мессер Робер, менинг ҳам бирдан-бир ниятим шу эди! Одамларингизга буюрини, бизга халақит бермасинлар, камина хизматингизга тайёрман.

— Қимирламанглар!— деб буюрди прево соқчиларга.

— Жоингиздан жилманглар!— деб қичқирди Челлини ҳам ўз ёрдамчиларига.

Ҳамма қимир этмай туриб қолди. Ҳомер мадҳ этган муҳориблар жангни тўхтатиб, яккама-якка урушаётган икки машҳур саркарданинг ҳар биттаси ҳаракатини кўздан қочирмаслик учун, шундай қимирламай турган эдилар¹.

Мана, прево билан Челлини найзасимон қиличларини яланғочлаб, бир-бирларига ташландилар.

Прево қуролдан ниҳоятда усталик билан фойдаланар, лекин Челлини ҳам баркамол қиличбоз эди. Кейинги ўн-ўн икки йил ичида превоини қилич яланғочлаши учун сабаб бўлмаган, бунинг акси ўлароқ, сўнгги ўн-ўн икки йил мобайнида Бенвенутонинг ханжар ё шамшир билан жанг қилмаган куни деярли бўлмаган бўлса керак. Тажрибалар ўз кучини кўрсатди: қатъий ишонч билан жангга кирган прево дастлабки ҳаммаларданоқ рақибининг қўли баланд эканлигини фаҳмлади.

Ўз навбатида, қандайдир бир судьянинг бунчалик қаршилик кўрсатишини хаёлига ҳам келтирмаган Бенвенуто Челлини бутун гайратини йиғиб, абжирлик ва чаққонлик билан қилич ишлата бошлади. Унинг найзасимон шамшири худди илоннинг айри тилига ўхшаб, айни пайтда душманининг ҳам боши, ҳам юрагига ҳамла қилаётганини, ҳужум йўналишини яшин тезлигида ўзгартириб, рақибининг бирон марта ҳам зарба бери-

¹ Бу ўринда муаллиф Ҳомернинг «Илиада» дostonида баён қилинган соҳибжамол Еленани ўғирлаб келган Парис билан ўша жувоннинг эри Менелай ўртасида бўлган яккама-якка жангга ишора қилмоқда. (Тарж.)

шига йўл қўймаётганини, ва шу билан бирга, ғанимининг зарбаларини қайтаришга зўрға улгураётганини ҳамма ҳангу манг бўлиб кузатиб турарди. Шунда, ўзидан бирмунча кучлироқ қиличбозга рўпара келганини фаҳмлаган прево, ҳимоя қилишдан тўхтамаган ҳолда, орқага чекина бошлади ва ахири мағлубиятга учраганини ҳис қилди. Мессер Робердинг омади келмаган эди: у қасрга орқа ўгириб турарди. Шунинг учун, бир неча қадам чекинишга улгурмай, Бенвенуто уни дарвозага олиб бориб тираб қўйди. Прево гарчи дарвозани ўзи қулфлаб, калитини девор оша ичкарига отиб юборганини яхши билса ҳам, беихтиёр унга яқинлашган эди.

Энди прево енгилганини сезди ва този итлардан ўзини ҳимоя қилаётган қобонга ўхшаб, бор кучини йиғди-да, шундай эпчиллик билан, уч-тўрт марта кетма-кет ҳамла қилдики, Бенвенуто ҳам, ўз навбатида, мудофаага ўтишга мажбур бўлди. Лекин у рақибининг битта зарбасини ўз вақтида даф қила олмади, оқибат душман қиличининг тиғи, гарчи эғнига жуда пишиқ совут кийган бўлса ҳам, кўкрагини тилиб ўтди. Совуқ пўлат тиғнинг баданига ботганини ҳис қилган Бенвенуто худди яраланган шердек қутуриб кетди ва бор кучини йиғиб, ғанимига яшин тезлигида, қаттиқ зарба бериш учун ҳамла қилди, лекин худди шу пайт дарвоза ланг очилиб кетиб, прево ерга чалқанчасига йиқилди. Бенвенутонинг найза-шамшири эса, ҳозиргина дарвозани тасодифан очиб, мессер превони ўлимдан қутқарган одамнинг кўксига ботди.

Бироқ мутлақо кутилмаган воқеа содир бўлди: ярадор инграмади, аммо Бенвенуто аламдан додлаб юборди.

Зеро у Асканиони яралаган эди.

Бенвенуто шогирдининг орқасида турган Жак Обри билан Ҳерманга эътибор ҳам бермади. У телба одамдек йигитни бағрига босиб, уни пайпаслаб кўра бошлади, яра бўлган ерини қидираркан, уни ҳадеб ўпар ва мисоли шердек инграр, фарёд солиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

— Ўлди! Нобуд бўлди! Мен ўлдирдим буни! Асканио, нуридийдам, мен ўлдирдим сени!

Бу пайт Ҳерман Асканио билан Челлинининг оёғи остида ётган соппа-соғ ва гунгурсдай превони олиб, худди гўдак болани кўтаргандай кўтарди-да, одатда Рембо

боғдорчилик ускуналарини сақлаб қўядиган саройга олиб кириб, устидан эшикни беркитди ва асирни қутқаришга уринган душманларнинг ҳар қандай ҳамласини ҳам даф қилиш учун остонада қилич ялангочлаб туриб олди.

Жак Обри эса, бир сакрашда девор бошига чиқди-да, ғалабадан дарак бериш учун қўлидаги ханжарини ҳавода силкитганча қичқирди:

— Карнайлар чалинсин, дўмбиралар гумбирласин!
Катта Нель қасри энди бизники бўлди!

Ушбу ғаройиб воқеалардан сўнг нималар бўлганини китобхон навбатдаги бобдан билиб олади.

Унинг боб

ҚАЛЪАЛАРНИНГ АФЗАЛ ТОМОНЛАРИ ҲАҚИДА

Нель қасри Пре-о-Клер томонидан шаҳар девори ва яна зовур билан ихота қилинган эди, шунга кўра ҳамма, бу томондан қасрга асло яқин йўлаб бўлмайди, деб ҳисобларди. Асканио ҳам, одамлар ўзларининг ўғирлаб бўлмайдиган нарсалари тўғрисида кам бош қотирадилар, деган мантиқий хулосага келиб, қасрнинг мудофаа қилишга ҳеч эҳтиёж туғилмаган ана шу еридан унинг ичига кирмоқчи бўлди.

У дўсти Жак Обри билан шу мақсадда йўлга тушди, аммо муюлишдан бурилган чоғда, бошқа томондан маҳбубаси Коломба пайдо бўлишини ва бу ҳол Бенвенуто учун превони қасрдан чиқишга мажбур қилувчи ваз яратиб беришини йигит қаёқдан билибди дейсиз.

Асканио кўзлаган ишни бажариш осон эмас эди, зеро у ниҳоятда хатарли режа тузганди. Йигит теран зовурдан ўтиб, йигирма беш фут баландликдаги деворга тирмашиб чиқиши керак, ҳар бир лаҳзада йиқилиб кетиши, душманлар қўлига тушиб қолиши ҳам мумкин эди. Шу боис, Асканио зовур лабига боргандагина, демакки, ўз режасини бажаришга киришгандагина, кўзлаган ниятини амалга ошириш нечоғлиқ мушкул бўлишини тушунди. Шунинг учун, сал бўлмаса, ниятидан қайтмоқчи ҳам бўлди.

Бу пайт, Асканиодан ўн қадамча нарида тўхтаган Жак Обри бамайлихотирлик билан дам қаср деворига,

дам теран зовурга назар ташларкан, ўз олдидаги говни кўзи билан чамалаб кўриб деди:

— Қани, марҳамат қилиб менга айт-чи, қадрдон дўстим, нима жин уриб, мени бу ерга судраб келдинг? Қурбақа овлагани бўлмаса керак, албатта... Э, ҳа, гап буёқда экан... нарвонга тикилиб қолдинг... жуда соз, фаҳмладим. Лекин нарвоннинг узунлиги атиги ўн икки фут, деворнинг баландлиги эса йигирма беш фут келади, бунинг устига, зовурнинг кенглиги — ўн фут: агар янглишмасам, жами йигирма уч фут етмайпти бизга.

Бундай якун аввалига Асканиони эсанкиратиб қўйди, лекин бир зумдан кейин у тўсатдан пешонасига шапатиллаб:

— О, қойилман, зўр фикр! — деб юборди. — Қаранг!

— Қаёққа?

— Анави ёққа, — деди Асканио, — қаранг.

— Ахир сен менга зўр фикрни эмас, эман дарахтини кўрсатяпсан-ку, — деди талаба.

Дарҳақиқат, зовурнинг шундоққина лабида азим туп бир эман дарахти қад кўтарган бўлиб, унинг шохлари девор оша Нель қасрининг ҳовлисига эгилиб турар эди.

— Наҳотки тушунмаяпкан бўлсангиз? — сўради Асканио.

— Э, ҳа... Мана, энди тушунаётганга ўхшайман. Жуда тўғри ўйлаб топибсиз. Фаҳмладим. Эман дарахти билан девор гўё кўприкнинг бошланишию унинг давоми — нарвон бўлади. Лекин дарахт таги теран жарлик, жарлик бўлганда ҳам балчиққа лиқ тўлган! Азбаройи шифо, бу ишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак бўлади. Лекин биласизми, бугун мен кўчага ясаниб чиққан эдим, қолаверса, тикувчи қарзга кийим тикишдан бош тортяпти.

— Менинг нарвон бошига чиқиб олишимга ёрдамлашсангиз бўлгани, — деди Асканио, — сиздан фақат шуни илтимос қиламан.

— Хўш-хўш... Ундан чиқди, мен бу ерда, настда қолар эканман-да? Ташаккур, саломатликлари керак!..

Шу гапдан сўнг икки дўст барабар дарахт шохига осилишиб, бир зумда унга чиқиб олишди.

Энди улар биргалашиб нарвонни кўтаришди-да, уни дарахтнинг қир учига илиб, ўзлари ҳам шу нарвондан дарахт учига чиқишди. Кейин улар нарвоннинг бир

томонини, худди кўтарма кўприк сингари, қаср девори устига ташлашди ва унинг бир учи дарахтнинг йўғон шоҳига маҳкам жойлашганини, иккинчи учи эса деворнинг ичкарасига икки-уч футча кириб турганини кўришиб қувониб кетишди.

— Хўш, девор бошига ўтиб олганимиздан кейин, уёғига нима қиламиз? — деб сўради Обри.

— Биз деворга ўтиб олганимиздан кейин, нарвонни тортиб олиб пастга туширамиз.

— Бу-ку тўғри-я... Лекин битта мушкул томони бор-да: деворнинг баландлиги йигирма беш фут, нарвоннинг узунлиги эса — бор-йўғи ўн икки фут.

— Бунинг ҳам иложини топиб қўйганман,— деди Асканио боя белига ўраб олган арқонни ечаркан: кейин у арқоннинг бир учини дарахт танасига боғлаб, иккинчи учини девор оша қаср ичкарасига отди.

— О, ақлингга балли, ошна, бўлди, тушундим! — деди Жак Обри. — Шунинг учун, сен билан бирга асфаласофилинга кетишимдан бахтиёрман ва фахрланаман.

— И-и, нима қияпсиз?

— Нарвондан юриб ўтмоқчиман, — деб жавоб қилди Обри деворга ўтишга шайланаркан.

— Йўқ, олдин мен ўтаман, — деди Асканио.

— Қуръа тортамиз: ҳўл бармогимни топ! — деди Обри ва дўстига кўрсаткич бармоғи билан ўрта бармоғини чўзди.

— Яхши, — рози бўлди Асканио ва Обрининг бир бармоғига қўлини теккизди.

— Сен ютдинг, — деди Обри, — лекин билиб қўй, ниҳоятда совуққон, хотиржам бўлишинг керак, тушундингми?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, — деди Асканио.

Сўнг у осма кўприкдан юриб кетди. Жак Обри нарвоннинг бир учидан маҳкам ушлаб, унинг мувозанатини сақлаб турди. Нарвон унча бақувват эмас, лекин йигит ҳам қушдай енгил эди. Талаба нафасини ичига ютганча дўстининг қилкўприкдан ўтишини ҳаяжонланиб кузатарди, унинг назарида, Асканио ҳар қадам қўйганида, оёғи тойиб кетаётгандек туюларди... Лекин у охирги тўрт қадамли масофани чопиб босиб ўтиб, эсон-омон девор бошига чиқиб олди. Девор бошида ҳам у фалокатга учраши мумкин эди, лекин хайриятки, қасрдаги одамлардан биронтаси ҳам

уни кўрмади. Асканионинг тахмини тўғри чиққан эди. У қаср боғига кўз ташлаб, дўстига қичқирди:

— Буёқда ҳеч зог йўқ!

— Ундай бўлса, олға! — деди Жак Обри. — Мен ҳам бир дорбозлик қилай.

Шундай деб у ҳам тебраниб турган ингишка осма йўлдан юриб кетди, Асканио бўлса, ўз навбатида дўстига ёрдам қўлини чўзиб, нарвоннинг нариги томонидан маҳкам ушлаб турди. Обри ҳам худди Асканиодек эпчил ва чаққон йигит эди, шунинг учун, бир зумда дўстининг ёнига ўтиб олди.

Энди, икковлари деворга миниб ўтириб олиб, нарвонни ўзларига тортдилар, кейин бир учи эман дарахтига чандиб боғланган арқонга шу нарвонни боғлашиб, уни зарур бўлган узунликда қаср ичига туширдилар. Кейин, ҳар бир ишни биринчи бўлиб синаб кўришни ўз зиммасига олган Асканио иккала қўли билан арқонни маҳкам чангаллаб, то нарвоннинг биринчи поғонасигача сирғалиб тушди, орадан яна бир зумгина вақт ўтар-ўтмас унинг оёқлари ерга тегди.

Унинг кетидан Жак Обри ҳам бешикаст ерга тушди.

Энди энг муҳими — имкони борича тез ҳаракат қилиш керак эди. Дарахтдан деворга ўтиб олиш учун анча вақт кетган эди; Асканио, ишқилиб биз йўқлигимизда устоз фалокатга учрамаган бўлсин-да, деб ўйларкан, бутун вужуди қақшаб кетди. Улар қилич яланғочлашганча, биринчи ҳовлига кирадиган эшик томон ўқдек учиб боришди: Асканионинг тахминича, превонинг одамлари, агар жанг майдонини ўзгартиришга ҳали улгурмаган бўлса, айнан шу ҳовлида бўлишлари керак эди.

Асканио эшик олдига бориб, қулф тешигидан мўралади: ҳовли бўм-бўш эди.

— Бенвенутонинг қўли баланд келипти! — деб қичқирди у. — Соқчилар чиқиб кетишипти. Қаср бизники!

Шундай деб у эшикни очишга урина бошлади, лекин эшик қулфланган эди.

Икковлари жон-жаҳдлари билан эшикни итара бошлашди.

— Буёққа келинглар! — деган овоз эшитилди, бу овоз йигитнинг қалбида гўё акс садо бериб янграгандек бўлди. — Буёққа, тақсир!

Асканио ўгирилдию биринчи қаватдаги дераза олди-

да турган Коломбани кўрди. У бир сакрашдаёқ дераза олдиға етди.

— Э, гап буёқда экану!— деди Жак Обри унинг орқасидан эргашаркан.— Танишларимиз бор экан-ку, бу ерда! Сиз бўлсангиз, жаноби Индамас, бу ҳақда чурқ этиб ҳам оғиз очмадингиз-а!

— О, отамни қутқаринг, жаноби Асканио!— деб ёлборди йигитнинг бу ерда пайдо бўлганидан асло ажабланмаган Коломба, зеро унинг қасрда бўлиши мутлақо табиий ҳолдек туюлган эди қизга.— Эшит-япсизми, улар ташқарида, майдонда жанг қилишяпти, ҳаммасига мен айбдорман, менинг касримга шундай бўлди! Э, худо, э, худо! Тезроқ чиқинг, бўлмаса отамни ўлдириб қўйишади!

— Тинчланинг,— деди Асканио, хонага ўқдек отилиб кираркан: бу хона орқали иккинчи ҳовлига чиқиш мумкин эди.— Асло ташвишланманг, ҳаммасига ўзим жавоб бераман.

— Асло ташвишланманг,— деб такрорлади Жак Обри ҳам дўстидан орқада қолмасликка уринар экан.— Ташвишланманг, ҳаммасига биз жавоб берамиз.

Асканио остонага етганида кимдир унинг отини атаб чақирди, лекин бу овоз Коломбаники сингарининг майин эмас эди.

— Ким мени чақирди?— деб сўради Асканио.

— Мен чақирдим, навқирон дўстим, мен чақирдим,— деб такрорлади бояги овоз немисча талаффуз билан.

— Азбаройи шифо!— деб юборди Жак Обри.— Ахир бу ўзимизнинг Голиаф-ку! Нима қилияпсиз бу товук катагида, алп паҳлавон?

Шу пайт у чинданам мўъжазгина омборхонанинг дарчасида Ҳерманнинг бошини кўриб қолган эди.

— Ўзим ҳам билмайман, қандай тушиб қолдим. Танбани олиб ташланг, меники жанг қилишни хоҳлайди. Қўлларим қишиган!

— Қани чиқақолинг,— деди талаба паҳлавонимизнинг илтимосини тезроқ бажаришга ҳаракат қилиб.

Бу орада Асканио дарвоза тагига етиб борди, ташқаридан шамшир қиличларнинг бир-бирларига урилган даҳшатли жангнинг эшитиларди. Энди йигитни жанг қилаётганлардан фақат гумбир дарвоза тавақалари ажратиб турарди, лекин у тўсатдан майдонда пайдо бўлса, душманлар қўлига тушиб қолиши мумкинлиги-

ни ўйлаб, эҳтиёт юзасидан ташқарига панжара тутилган туйнук орқали мўраллади. Шунда у ўз рўпарасида Челлинини, ҳаяжонланган, даргазаб, бадқаҳр Челлинини кўрдию мессер Робер ҳалок бўлипти-да, деб кўнглидан ўтказди. У оёғи остида, ерда ётган калитни олиб, бир зумда дарвозани очди ва фақат Коломбага берган ваъдасинигина ўйлаганча, юқорида айтганимиздек, елкасидан яраланди, аке ҳолда Челлинининг найза-шамшири превонинг баданига ботиши муқаррар эди.

Биз бу воқеадан кейин нималар бўлганини боя кўрдик. Бенвенуто, аламдан ўзини йўқотиб қўйгудек бўлиб, Асканиони бағрига босар эди. Ҳерман ҳозиргина ўзи қутулиб чиққан зимистон омборхонага превони олиб кириб устидан эшикни беркитиб қўйди, Жак Обри эса қаср деворига чиқиб олиб, қўлларини силжитганча ғалабани овоза қиларди.

Чиндан ҳам, узил-кесил ғалаба қозонилган эди, превонинг соқчилари ўз соҳибларининг асир олинганини кўришиб, қаршилиқ ҳам кўрсатмай қўйишди ва қуролларини топширишди. Мана, ниҳоят Бенвенутонинг халфалари, бугундан эътиборан ўз мулкларига айланган Катта Нель қасрининг ҳовлисига киришди ва превонинг ёлланган аскарларини ташқарида қолдириб, дарвозани нчидан беркитиб олишди.

Бироқ бу пайт Бенвенуто атрофда бўлаётган воқеаларнинг биронтасига ҳам эътибор бермас эди: у Асканионинг совутини ечиб, шогирдини бағрига босганча, эгнидаги камзурини шартта йиртиб ташлади, ниҳоят, йигитнинг жароҳатланган ерини очиб, қонини тўхта-тиш мақсадида унга рўмол босди.

— Асканио, ўғлим, — деб такрорларди у нуқул. — Сени мен яраладим, мен яраладим! Энди у дунёда туриб онанг раҳматли нима деб ўйлайди? Кечир, кечир мени, Стефана!.. Оғриянтими? Жавоб бер, ўғлим, елканг оғриянтими, а? Наҳотки, қонингни тўхтата олмасам?.. Тезроқ табибни топиш керак! Табибга югуринглари!..

Табибга Жак Обри югуриб кетди.

— Ҳеч парво қилманг, қимматли устоз! Рост, арзимаган жароҳат бу, — деб таъкидларди Асканио. — Фақат елкам сал тилинди, холос. Ҳеч азият чекманг: такрор айтаман, арзимаган жароҳат бу.

Дарҳақиқат, орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, Жак Обри бошлаб келган табиб, яра чуқур бўлса ҳам хатарли эмас, деб айтди, сўнг уни боғлашга киришди.

— О, елкадан тоғ ағдаргандай бўлдингиз, табиб жаноблари!— деди Бенвенуто Челлини.— Эъзозли ўғлим, демак, мени сенинг қотилинг бўлмайман!.. Вой, нима бўлди сенга, Асканио? Томиринг уриши тезлашди, юзингга қон қуйилди.. О, табиб жаноблари, уни бу ердан олиб кетиш керак, ҳарорати жуда баланд!

— Йўқ, йўқ, устоз,— деди Асканио,— аксинча, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. О, мени шу ерда қолдиринг, ўтинаман, олиб кетманг бу ердан!

— Қани менинг отам? — деган овоз янгради бирдан Бенвенутонинг орқасида, у сесканиб кетди.— Отамни нима қилиб қўйдинглар?

Бенвенуто орқасига ўгирилиб, ранги докадек оқариб, қимир этмай турган Коломбани кўрди. Қиз савол бераркан, кўзлари олазарак бўлиб превони қидирарди.

— О, отангиз сонпа-соғ, мадемуазель! Худога минг қатла шукрки, отангиз заррача ҳам шикастланмаган!— деди Асканио.

— Ташаккурни менинг бечора боламга айтиш керак,— деб гапни илиб кетди Бенвенуто.— Мессер превонинг насибаси бўлган зарбага ўғлим ўзини рўнара қилди... Бинобарин, сиз, жаноби д'Эстурвиль, шу довжурак йигит туфайли ўлимдан қутулиб қолганингизни қатъий ишонч билан овоза қилишингиз мумкин. Эшитяпсизми? Қайқасиз ўзи, мессер Робер? — деб сўради Челлини ўз навбатида кўзлари билан мессер Роберни қидираркан ва унинг қайққа гоийб бўлганини тушуна олмай.

— У бор, шу ерда, афандим!— деб қичқирди Ҳерман.

— «Шу ерда» деганинг қаерда?

— Шу ерда, омборхонада.

— О, жаноби Бенвенуто!— деди Коломба қўлларини бир-бирига уриб, ҳам илтижо, ҳам таъна оҳангида, сўнг омборхона томон югуриб кетди.

— Эшикни очинг, Ҳерман!— деб буюрди Челлини.

Ҳерман эшикни очган эди, остонада прево пайдо бўлди. У ўзининг бетолиҳлигидан бирмунча хижолатдек кўринарди. Коломба уни қучоқлади.

— О, дадажон,— деди қиз,— яраланганингиз йўқми? Сизга зиён етказишмадими? — қиз шундай деб савол бераркан, кўзларини Асканиодан узмас эди.

— Йўқ,— деб жавоб қилди прево, ҳар галгидек

қўрслик билан, — худого шукр, менга ҳеч нима бўлган йўқ.

— Сизни... ҳалиги... сизни ростданам, анави йигит кутқариб қолдими? — деб сўради Коломба дудуқланиб.

— Инкор этолмайман: у айни вақтида пайдо бўлди.

— Ҳа, тўғри, жаноби прево, — деди Челлини, — сизга йўналтирилган шамширим уни жароҳатлади... Ҳа, мадемуазель Коломба, — деб такрорлади у, — отангиз тирик қолгани учун мана шу азамат йигитга миннатдорчилик изҳор этиши керак. Агар у ўз ташаккурини ҳаммага эшиттириб айтмаса субутсиз, бунинг устига, кўрнамак одамдир!

— Халоскорингиз унчалик қаттиқ шикастланмаган бўлса керак? — деди Коломба ва шундай дейишга журъат этганидан чўғдек қизариб кетди.

— О, мадемуазель, — деди Асканио, — мен жонимни фидо қилишдан ҳам қайтмасдим.

— Кўрдингизми, мессер прево, сизни қанчалик яхши кўришларини, — деди Челлини. — Лекин Асканио, янглишмасам, ҳолсизланиб қолди. Яраси боғланди, энди у, назаримда, дам олиши керак.

Ярадор йигитнинг превога қилган яхшилиги ҳақида Бенвенуто мутлақо ҳақ гапни айтган эди; боз устига, гапнинг ҳақлиги шундоқ ҳам кўриниб турар, бинобарин, прево, жонини сақлаб қолганлиги учун Асканиога миннатдорчилик изҳор этиши лозимлигини қалбан тушунди ва ўзини зўрлаб бўлса ҳам йигитнинг теппасига борди-да, шундай деди:

— Яхши йигит, ўз қасримнинг бир қисмини сизнинг ихтиёрингизга топшираман.

Асканионинг аҳволидан кўнгли бир қадар таскин топиб, кайфияти чоғ бўлиб кетган Бенвенуто Челлини:

— Сизнинг қасрингизми бу, мессер Робер? — деб хахолаб кулиб юборди. — Сизнинг қасрингиз? Нима, жангни қайтадан бошлашимизни истайсизми?

— Нима деяпсиз? — деб чинқириб юборди прево. — Ҳали мен билан қизимни қасрдан қувиб чиқариш ниятидамисиз?

— Янглишяпсиз, мессер. Сиз Кичик Нель қасрини эгаллаган экансиз — бундан кейин ҳам бемалол ўша ерда тураверинг. Қайтага, ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшаймиз. Хуллас, гап бундай, мессер: Асканио ҳозирданоқ Катта қасрга жойлашади, бизлар ҳам шу бугун

кечкурун унинг ёнига кўчиб келамиз. Бордию, агар уруш қилиш сизга ёқиб қолган бўлса...

— Оҳ дадажон!..— деб юборди Коломба.

— Йўқ, тинч-тотув яшайлик!— деди прево.

— Шартномасиз тинчлик ўрнатиб бўлмайдди, жаноби прево,— деди Бенвенуто.— Марҳамат қилиб, мен билан Катта Нель қасрига юринг ё бўлмаса, дўст тутинганимизни нишонлаб, мени Кичик Нель қасрида қабул қилинг-у, биз ўзаро шартнома тузайлик.

— Мен сиз билан бормоқчиман, тақсир,— деб жавоб қилди прево.

— Розиман!— деди Челлини.

— Мадемуазель,— деб мурожаат қилди шунда жаноб д'Эстурвиль ўз қизига,— гапимни қайтара кўрманг. Уйга киринг-да, мени кутиб ўтиринг.

Коломба, буйруқнинг кўрс оҳангда айтилганига қарамай, ўпич учун отасига пешонасини тутди ва бу ерда турганларга, шунингдек, Асканиога ҳам, «хайр» дегандек нигоҳ ташлаб ичкарига кириб кетди.

То у кўздан ғойиб бўлгунича, йигит орқасидан кузатиб қолди. Кейин бу ердан олиб кетишларини илтимос қилди, зеро энди бу ерда уни ҳеч нима қизиқтирмас эди. Ҳерман Асканиони худди гўдак болани кўтаргандек кўтариб, Катта Нель қасрига олиб ўтди.

— Тўғриси айтганда, мессер Роберт...— деди Бенвенуто ҳам ўз навбатида қизнинг орқасидан кузатиб қоларкан,— тўғриси, менинг собиқ асирамни бу ердан кеткизиб яхши қилдингиз. Виждонан айтадиган бўлсам, бу эҳтиёткорлигингиз учун сизга миннатдорлик изҳор қилишим керак: зеро, мадемуазель Коломбанинг иштироки менинг ишимга зарар келтириши, кўнглим юмшаб кетиб, фақат санъаткорлигимни, яъни баркамол қомату илоҳий гўзалликнинг мухлиси эканлигимни ўйлаб, голиб эканлигимни унутиб қўйишим мумкин эди.

Мессер д'Эстурвиль бу назокатли гапга жавобан афтини беҳурматлик билан буриштирди: гарчи у бир нималар деб тўнғиллаётган бўлса-да, кайфиятининг расво эканлигини кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, ҳайкалтарошнинг орқасидан эргашиб борарди. Челлини рақибининг жигига тегиш учун ўзининг янги мулки — қасрни биргалликда айланиб чиқишни таклиф қилди! Бу таклиф шундай назокат билан айтилдики, уни рад этишга превонинг тили бормади. Шунинг учун прево

истаса-истамаса кўшнисининг орқасидан эргашиб юришга ва у билан бирга боғни, хоналарни, хуллас, қасрнинг ҳамма бурчакларини кўздан кечириб чиқишга мажбур бўлди.

— О, қойил-мақом жой экану!— деди Бенвенуто қасрни айланиб чиқишгач, бу пайт у билан ҳамроҳининг дилида бир-бирига мутлақо зид ҳиссиётлар вужудга келган эди.— Нима сабабдан қасрни тарк этишни кўзингиз қиймаганини энди тушундим, тушундиму сизни кечирдим, жаноби прево. Утган ишга салават, қачонки илтифот кўрсатиб, худди бугунгидек ғариб кулбамга ташриф буюришни ихтиёр қилсангиз, ҳаминша менинг азиз меҳмоним бўлгайсиз.

— Сиз тақсир, унутиб қўйдингиз чоғи: бугун мен бу ерга фақат сизнинг шартларингизни эшитиш ва ўз шартларимни баён қилиш учун келдим. Қулогим сизда.

— Ҳа, албатта, албатта, мессер Робер! Камина хизматингизга тайёрман. Агар ижозат берсангиз, биринчи бўлиб мен ўз истакларимни айтсам, кейин эса сиз ўз хоҳишингизни бемалол изҳор этаверасиз.

— Гапиринг.

— Ҳаммадан олдин — энг муҳим нарса устида шартлашиб олсак.

— Нима ҳақда?

— Мана, эшитинг. «Биринчи шарт: Париж превоси мессер Робер д'Эстурвиль Бенвенуто Челлинининг ҳуқуқини эътироф этади ва қасрдан мутлақо воз кечади».

— Розиман,— деб жавоб қилди прево.— Лекин агар қирол мендан тортиб олган қасрни яна сиздан ҳам тортиб олиб бирон кимсага тортиқ этишни ихтиёр қилгудек бўлса, турган гапки, бунинг учун мен жавоб бермайман.

— Ҳм...— деди чўзиб Челлини.— Бу гапингиз замирида қандайдир фириб борга ўхшайди, жаноби прево. Лекин барибир мен жанг билан қўлга киритган нарсамни ҳимоя қиламан. Ундан кейин...

— Навбат меники,— деди прево.

— Ҳақ гап,— деди Челлини.

— «Иккинчи шарт: Бенвенуто Челлини Робер д'Эстурвилнинг хусусий мулки ҳисобланмиш Кичик Нель қасрига таҳдид қилмасликка сўз беради; бунинг устига, у кўшни сифатида ҳам, дўст сифатида ҳам Кичик қасрга киришга уриниб кўрмайди».

— Майли, сизнингча бўлсин, — деди Бенвенуто, — лекин бундай шартдан кейин сизни илтифотли мезбон дейиш қийин бўлади: ахир бордию қаршимда эшик очилса, ҳурмат юзасидан киришим керак бўлади-ку!

— Демак, мен эшикни очмасликлари ҳақида буйруқ бераман. — деб жавоб қилди прево.

— Давом этинг.

— Давом этаман. «Учинчи шарт: Катта ва Кичик Нель қасрлари орасидаги биринчи ҳовли иккала хўжалик учун умумий ҳовли бўлади».

— Ғоят одилона фикр, — деди Бенвенуто. — Бинобарин, агар шу ҳовлига мадемуазель Коломба чиққудек бўлса, мен уни асирга олмайман.

— О, кўнглингиз тўқ бўлсин! Қизимнинг кўчага чиқиб кириши учун мен бошқа эшик очдираман: мен фақат фойтун ва араваларимнинг ҳовлига кириш ҳуқуқини сақлаб қолмоқчиман.

— Бўлдимиз? — деб сўради Бенвенуто.

— Ҳа, — деб жавоб қилди мессер Робер ва шу заҳоти илова қилди: — Дарвоқе, бу ердаги жиҳозларимни олиб чиқиб кетишимга ижозат берарсиз?

— Ғоят ҳаққоний талаб. Ҳамма жиҳозларингиз ўзингизники, Катта Нель қасри меники бўлганидек... Энди, мессер прево, шартномангизга охириги, яъни бизнинг бир-биримизга нисбатан хайрихоҳлигимизни ифодаловчи илова.

— Гапиринг.

— «Тўртинчи ва охириги шарт: мессер Робер д'Эстурвиль ҳам, Бенвенуто Челлини ҳам бир-бирларига кек сақламайдилар ва ўзаро соф виждон билан тинч-тоғув яшашга сўз берадилар».

— Мен бу шартни қабул қиламан, — деди прево, — зеро бу шарт сизга ҳужум қилишган тақдирда мени мадад беришга мажбур этмайди. Қелишдик, сизга ёмонлик қилмайман, аммо ёрдам қўлини чўзишга ҳам ваъда бермайман.

— Ўзимни қандай ҳимоя қила олишимни, ҳеч ким билмаганда ҳам, сиз, жаноби прево, жуда яхши билиб олдингиз-ку, шундай эмасми? Бинобарин, — деб илова қилди Челлини унга патқаламини узатаркан, — имзо чекмоқчи бўлсангиз, жаноби прево, марҳамат, имзо чекинг.

— Имзо-ку чекаман! — деди прево хўрсиниб.

У имзо чеккач, иккала тараф шартноманинг бит-тадан нухасини олди.

Кейин мессер д'Эстурвиль Кичик Нель қасрига йўл олди: у бечора Коломбани аҳтиётсизлик қилгани учун қаттиқ койимокчи эди. Коломба отасига бир оғиз ҳам гап қайтармай, бошини ҳам қилиб ўтираверди. Очиғи, у отасининг гапларини эшитмаётган эди. У фақат бир кишини, Асканиони ўйларди. Коломба йигитнинг соғлиғи тўғрисида сўрашга шунча жазм қилса ҳам, барибир, чурқ этиб оғиз оча олмади, ўктам йигитнинг исми унинг оғзида қолди.

Деворнинг бир томонида мана шу воқеа юз бераётган пайтда, нариги томонда черковдан чақиртириб келинган Катерина Катта Нель қасрига кира солиб, ёқимтой соддадиллик билан ўзини Челлинининг кучоғига отди, Асканионинг қўлини сиқди, Ҳерманни ғалаба билан табриклади. Пағолони мазах қилиб, бир-талай қочирик гаплар айтди... У бир вақтда ҳам йиғлар, ҳам кулар, ҳам саволлар ёғдирарди. Шунини айтиш керакки, у эрталабдан то шу чоққача бўлган вақтни ҳаяжонда ўтказган эди. Пилтамилтиқлардан отилган ўқ садолари унинг ибодат қилишига халақит берганди. Хайриятки, мана, ниҳоят ҳаммаси яхшилик билан тугабди: тўғри, ҳалок бўлганлар, ярадорлар бор, аммо қолганлар соғ-омон-ку. Скоццоне ҳар вақтдагидек, яна хушчақчақ эди.

Ғала-говур сал тинганидан кейин, Асканио айни вақтида унга ёрдамга келган талабанинг қасрга нима мақсадда ташриф буюганини эслаб қолди ва Бенвенутога юзланиб деди:

— Устоз, бу йигит — менинг дўстим Жак Обри бўлади. Виз бугун у билан бир қўл копток ўйнамоқчи эдик. Таассуфки, бугун мен у билан копток ўйнай олмайман. Лекин у биздан ёрдамини аямай, жангда жасорат кўрсатди, шу боис, ўрнимни боссангиз, деб сиздан илтимос қилишга журъат этияпман.

— Жоним билан,— деб жавоб қилди Бенвенуто.— Хўп, бўш келмайсиз, жаноби Обри!

— Ҳаракат қиламиз бўш келмасликка, мессер!

— Ўйиндан кейин кечлик қиламиз. Билиб қўйинг, голиб чиққан мағлубга нисбатан икки шиша кўп ичиши керак.

— Бундан чиқди, жаноби Бенвенуто, мени бу ердан

гирт маст ҳолда олиб чиқиб кетишар экан-да. Яшасин хушчақчақлик! Бунақа ҳаёт менга ёқади...

Шундан сўнг, икковлари копток ва ракеткаларни олиб боққа чиқиб кетишди.

Ўн биринчи боб

БОЙҚУШЛАР, ҚАРҒАЛАР, БУЛБУЛЛАР

Ўша куни якшанба эди, шукинг учун Челлини ҳеч қандай иш қилмай, фақат копток ўйнаш билан машғул бўлди: ўйиндан кейин эса майхўрлик қилди, сўнг янги мулкни қайта бошдан айланиб чиқди. Лекин эртаси куниёқ кўчларни қасрга ташиб ўта бошладилар, тўққиз нафар халфа астойдил ҳаракат қилиб, икки кун ичида ҳамма нарсани батамом кўчириб келишди. Ҳафтанинг учинчи куни эса, Бенвенуто, худди ҳеч бир нарса юз бермагандек, хотиржамлик билан ўз ишига киришди.

Ўзининг буткул мағлубиятга учраганини кўрган прево, Бенвенутонинг устахонаси ҳам, шоғирдларию асбоб-ускуналари ҳам Катта Нель қасрига жойлаштирилганини билиб, бешбаттар газабланди ва кўнглида ўч олиш режасини туза бошлади. Орадан уч кун ўтгач, яъни чоршанба куни эрталаб у қаттиқ хуноб бўлиб турганида, ҳузурига кутилмаганда де Мармань кириб келди. Ўзига бино қўйган бу мақтанчоқ виконт худди тентак ва қабиҳ одамларга ўхшаб, ҳамиша ўз яқинларининг омади юрмай, бахтсизликка учраганини кўрса, хурсанд бўлар эди.

— Хўш,— деди у д'Эстурвиль олдига яқин келиб,— мен ҳақ эканманми, азизим прево?

— Э, ҳа, сизмисиз, виконт? Салом! — деди д'Эстурвиль унга жавобан.

— Хўш, қалай, гапим рост эканми?

— Афсуски, ҳа. Ўзингиз қалайсиз?

— Ҳар қалай, ўзимни айблай олмайман, зеро, менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ: сизни ўз вақтида огоҳлантирган эдим.

— Хўш, қирол Луврга қайтиптими?

— Ҳаммаси уйдирма, деган эдингиз: «Нима экан менга ўша нотавон косиб! Қани қорасини кўрсатсин!» — деган эдингиз. Мана, кўрдингиз ҳам қорасини, о, бечора дўстим!

— Аъло ҳазратлари Фонтенблодан қайтдим, деб сўраяпман сиздан!

— Ҳа, якшанба куни Парижда бўлмагани, Лувр минораларидан бирида туриб, ўз заргарининг прево устидан қандай зафар қозонганини кўрмаганидан афсусланди.

— Саройда нима дейишяпти?

— Сизнинг ер билан яксон қилинганингиз ҳақида дув-дув гап юрипти.

— Ҳм... ҳм... — деб гўлдиради прево: бу кўнгилсиз суҳбат уни ғазаблантира бошлаган эди.

— Бу ҳол қандай юз берди ўзи? Наҳотки у сизни шундай шармандаларча маҳв этган бўлса? — деб гапиришда давом этарди Мармань.

— Аммо...

— У сизнинг икки соқчингизни ўлдирганмиш, шу тўғрими?

— Шунақа шекилли...

— Агар ўша ўлганларнинг ўрнига одам ёлламоқчи бўлсангиз, менда иккита азамат италиялик бор, улар амрингизга мунтазир. Тўғри, бир оз қимматроқ туришади, лекин жуда ишончли одамлар. Уша куни агар бу йигитлар сизнинг ихтиёригизда бўлишганидами, жанг мутлақо бошқача тус олган бўларди.

— Кўрармиз, қарши эмасман: ўзим ёлламасам, эҳтимол куёвим граф д'Орбекка асқотиб қолишар.

— Одамлар нима дейишса дейишаверсини, аммо Бенвенутонинг шахсан ўзи сизни таёқ билан савалаганига менинг ҳеч ҳам ишонгим келмаяпти.

— Ким айтди буни сизга?

— Ҳамма гапиряпти. Бировлар менга ўхшаб ғазабланишяпти, бошқа бировлар қиролга ўхшаб кулишяпти.

— Бас қилинг! Кураш ҳали тугагани йўқ.

— Ўша тўнг одам билан ўчакишиб яхши қилмабсиз. Нимани талашдингиз ўзи? Арзимаган бир нарсани деб олишиб ўтирибсиз-а.

— Энди мен номусимни деб жанг қиламан.

— Агарда баҳс сабабчисен аёл киши бўлганида эди, унда сиз қилич яланғочлаб, анави ярамас махлуқларнинг додини берган бўлур эдингиз, аммо турар жой туфайли жанг қилиш...

— Нель қасри — ҳаттоки қирол яшаса арзигулик истиқоматгоҳдир.

— Фикрингизга қўшиламан. Лекин ана шу қиролга монанд турар жой туфайли сизни худди жайдари бир одамдай адабингизни беришипти-да, ахир бунга қандай йўл қўйдингиз?

— О, ҳозир миямга ажойиб бир фикр келди! — деди тоқати тоқ бўлган прево. — Азбаройи худо! Сиз менинг энг садоқатли дўстимсиз, шу боис мен ҳам сизга чин қалбимдан бир яхшилик қилмоқчиман. Шундай қулай имконият туғилганидан бошим осмонга етди, дўстим. Ҳурматли виконт, сиз — асилзодасиз, сиз — қиролнинг саркотибисиз-у, аммо Юшетт кўчасидаги истиқоматгоҳингиз сиздек улуг зот учун муносиб эмас. Гап шундаки, мен яқинда бир дўстим учун ҳерцогиня д'Этамидан илтимос қилган эдим: ўзингиз биласиз, хоним ҳеч қачон илтимосимни ерда қолдирмайди: мен сизга айтсам, ўша дўстимнинг қирол қасрларидан биронтасида истиқомат қилгиси келиб қолипти, денг. Анча қийналиб бўлса ҳам мен буни эпладим; бироқ, маълум бўлишича, кутилмаганда дўстимни зарур бир иш юзасидан Испанияга чақириб қолишилти. Хуллас, қирол ёрлиғи менинг қўлимда қолди, бу ёрлиққа номиди ёзилган одам хоҳлаган қасрини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлади. Мен-ку, ундан фойдалана олмайман. Аммо сиз фойдаланишни истамайсизми? Менга кўрсатган чин дўстона илтифотингиз ва яхши хизматларингиз учун шу йўсинда ўз миннатдорлигимни изҳор эта олсам гоят бахтиёр ҳисоблаган бўлардим ўзимни.

— Азизим д'Этурвиль, сиз менга гоят бебаҳо яхшилик қилляисиз! Ҳақроғ, менинг истиқоматгоҳим жуда ёмон, бу ҳақда бир эмас, бир неча марта қиролга арз қилганман.

— Лекин бир шартим бор.

— Қандай шарт?

— Мана, эшитинг: баски қиролга тегишли қасрлардан хоҳлаганингни танлашингиз мумкин экан, унда сиз...

— Гашираверинг, кутяпман.

— ...Нель қасрини танланг.

— О, ахир бу қопқон-ку!

— Бе, қўйсангиз-чи! Мана сизга гапимнинг исботи — қирол аъло ҳазратларининг шахсан ўзлари имзо чеккан ёрлиқ. Бунга арзгўйнинг исми, фамилияси билан у сўраган қасрнинг номини ёзсак, шунинг ўзи кифоя. Мана, мен ёзяпман — Катта Нель қасри, энди

сиз хоҳлаган одамингизнинг исму фамилиясини ёзишингиз мумкин бу ёрликқа.

— Анави лаънати Бенвенуто нима деркин?

— У мутлақо шубҳаланмайди — ўртамизда тузилган шартномадан ҳозир у таскин топган. Хуллас, қасрга кирмоқчи бўлган одам учун унинг эшиги очик, бордию ўша одам якшанба куни келса қасрнинг барча заллари бўм-бўш бўлади. Дарвоқе, масала Бенвенутони қувиб чиқариш борасида эмас, балки Катта Нель қасрини у билан бўлашиб олиш ҳақида боряпти. Зеро, у ерда уч-тўрт оилага етарли жой мавжуд. Бенвенуто ақл-идрок билан иш кўрадиган одам... И-и-и, нима қиляпсиз?

— Ёрлик тагига ўз исмим ва мартабамни ёзаяман. Кўряпсизми?

— Лекин эҳтиёт бўлинг, чунки Бенвенуто сиз ўйлагандан даҳшатлироқ одам бўлиб чиқиши мумкин.

— Яхши! Унда мен ёлланган соқчиларимни бўшатиб юбормайман, бир амаллаб биз якшанба куни уни гафлатда қолдирармиз.

— Нима? Ҳали сиз шу арзимас нарса учун ўша хайвонсифат одам билан пачакилашмоқчимисиз?

— Ғолибда айб бўлмайди, бунинг устига, мен дўстимнинг қасдини олмоқчиман.

— Ундай бўлса, муваффақият тилайман! Лекин сизни огоҳлантирдим, Мармань.

— Ундай бўлса, икки карра миннатдорман сиздан: ҳам совғангиз учун, ҳам огоҳлантирганингиз учун.

Шундан сўнг Мармань севинчдан терисига сиғмай, ёрлиқни чўнтагига солди-да, ёлланма қотилларни қўлдан чиқармаслик учун шошилиб чиқиб кетди.

— Жуда соз! — деди қўлларини бир-бирига ишқаб, мессер д'Эстурвиль меҳмоннинг орқасидан кузатиб қолар экан. — Борақол, виконт. Ё Бенвенутони енгиб, мен учун ундан ўч оласан, ёки мени мазах қилганинг учун, Бенвенуто сендан қасдимни олади. Ҳар иккала ҳолда ҳам мен ютиб чиқаман. Мен ҳамиша ўз ганимларимни ўчакиштириб қўяман: майли, олишаверишсин, бир-бирларининг гўштини ейишаверсин, мен бўлсам, уларнинг ҳар бир зарбасини қарсак чалиб олқишлайман, зеро уларнинг бир-бирларига берган ҳар қайси зарбаси менга ҳузур бағишлайди.

Энди, биз Катта Нель қасрида яшовчилардан ўч олмоқчи бўлиб, тобора нафрати ортаётган превони ўз

қолига қолдирайлик-да, Сена дарёсидан ўтиб, шу хонадон аҳлининг турмуш тарзини кўздан кечирайлик. Юқорида айтганимиздек, Бенвенуто мессер д'Эстурвилнинг адоват сақлашидан асло хавотир олмай, энг иқтидорли одамга хос қатъий ишонч ва хотиржамлик билан ўз ишига киришган эди. Ҳайкалтарошнинг кун тартиби қуйидагича эди: у тонг палласида ўрнидан туриб, дегрезлик устахонаси тепасидаги, деразаси Кичик Нель қасрининг боғига очиладиган хилват хонага йўл оларди. Челлини у ерда Хеба Ҳайкалининг моделини ясар эди. Тушликдан сўнг, яъни кундузги соат бирдан кейин эса устахонага кириб, Юпитер Ҳайкали устида ишлар, кечқурунлари ҳордиқ олиш ниятида копток ўйнар ёки сайр қилар эди. Катеринанинг кун тартиби эса қуйидагича эди: у тинмай елиб-югурар, тикиш тикар, вақтичоғлик қилар, қўшиқ куйларди, зеро Катта Нель қасри унга кардинал Феррарийнинг қасридан кўра кўпроқ ёққан эди. Асканионинг яраси ҳали битмаган, шунинг учун у ишлай олмас эди, лекин барибир, зерикмасди, хаёл оғушида яшарди.

Энди, агар биз ўғрилارнинг ҳуқуқидан фойдаланиб, девордан ошсагу Кичик Нель қасрига тушсак, қуйидаги манзаранинг шоҳиди бўламиз: биринчи навбатда, ўз хонасида, худди Асканиога ўхшаб хаёл суриб ўтирган Коломбага кўзимиз тушадик, агар китобхон ижозат берса, бу икки ёшнинг не ҳақда хаёл сураётгани ҳақида то вақти-соати етгунча бошқа гап очмасак. Фақат шунини айтишимиз мумкинки, агар Асканионинг хаёллари ширин хаёллар бўлса, бечора Коломбанинг ўйлари зимистон, тун янглиғ қоп-қора эди. Ана, Перрина хоним буёқда экан: у озиқ-овқат харид қилгани отланибди, агар китобхон рози бўлса, биз ҳам хонимга эргашсак.

Биз бу шоиста мураббияни бутунлай йўқотиб қўйган эдик. Очиғи, мардлик бу хонимнинг муҳим фазилатларидан ҳисобланмас эди. У ўзини юқорида баён қилганимиз, хатарли воқеалардан атайлаб панага, четга олган бўлиб, тинчлик ўрнатилгач, юзларига яна қизиллик югурган ва Бенвенуто ўз илҳоми оғушига гарқ бўлган пайтда, унда ҳам аввалги қувноқ кайфият тикланиб, барча аёл зоти мойил бўлган сергаклик, синчковлик, қисқаси, рўзгор билан шуғулланувчи хизматкорларга хос ҳамма эзгу хислатлар яна уйгонган эди.

Перрина хоним озиқ-овқат харид қилгани бозорга

йўл олганида, иккала қаср ўртасидаги умумий ҳовлидан ўтиши керак эди, чунки Кичик Нель қасрига кириш учун янги дарвоза ҳали очилмаганди. Шундай бўлдики, Бенвенутонинг кекса ходимаси Руперта ҳам озиқ-овқат харид қилгани Перрина хоним билан бир вақтда эшикка чиқди. Бу ҳурматли ва шоиста хонимлар бир-бирлари ҳақида ниҳоятда яхши фикрда бўлганлари сабабли, ўз соҳиблари ўртасидаги зиддиятга шерик бўлишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмас эдилар.

Мана шунинг учун ҳам улар ўта иноқлик билан биргаликда йўлга тушдилар: биров билан чақчақлашиб босилган йўл икки карра қисқа бўлиб кўрингани сабабли, булар ҳам йўл-йўлакай гангир-гунгир гаплашиб кетдилар. Перрина хоним гап бошлаб, даставвал Рупертага бозордаги нарх-наво ҳақида хабар қилди, у ердаги боққолларнинг исмини бирма-бир айтиб ўтди, шундан кейин суҳбатга жон кириб, самимий, қизиқарли тус олди.

— Маълум бўлишича, хўжангиз жудаям баджаҳл одам экан-да, а? — деб сўради Перрина хоним.

— Вой, нега энди! Агар уни хафа қилишмаса, худди мусичадек беозор одам: лекин бордию айтганини бажармасангиз, ана унда эҳтиёт бўлинг! Ишқилиб, унинг гапини икки қилишмаса бўлгани. Феъли ўзи шунақа. Бордию кўнглига бирон нимани тугиб олгудек бўлса, унда жаҳаннамдаги жамики шайтонлар бир бўлиб ҳам уни кўзлаган ниятидан қайтара олмайди. Илло агар унга сўзсиз итоат этаётганингизни кўрса, қўйдайд ювош бўлади-қолади. Шунақанги сермулозамат бўлиб кетадики, асти қўяверасиз! Мен билан қандай муомала қилганини бир эшитсангиз: Руперти хоним, дейди у: ажнабий талаффуз билан мени у «Руперти» деб чақиради: аслида исмим Руперта — Руперти хоним, қўйнинг сонини дўндириб қовурибсиз, жуда тобида пишган, ловия ҳам жуда яхши дам епти: дарҳақиқат, Руперти хоним, азбаройи худо, сиз ошпаз хотинлар қироличасисиз! Бу гапларни у шундай назокат билан айтадики, эшитиб кўнглим эриб кетади.

— Шунақа денг! Лекин мишмишларга қараганда одам ўлдиришданам тоймасмиш.

— О, рост айтасиз, кимки у билан ўчакишгудек бўлса — шартта ўлдиради-қўяди! Уларнинг юртида расм ўзи шунақа экан. Агар унга ҳужум қилишса,

Ўзини ҳимоя қилиб, ғанимни албатта ўлдиради. Лекин умуман олганда, жуда хушчақчақ, ниҳоятда хуштакал-луф одам!

— Мен уни ҳеч кўрмаганман. Уни малла дейишадди, шу тўғрими?

— Вой, ҳечам-да! У қорасоч, худди сиз билан менга ўхшаш, айтмоқчиманки, менинг аввалги пайтимга ўхшаш, қорасоч... Вой, ҳали сиз уни ҳеч ҳам кўрмаганмисиз? Ундай бўлса, сиз бирон нимани баҳона қилиб, бир менинг олдимга киринг, уни сизга кўрсатай. У жуда дилбар йигит, қўшинга сафарбар қилишса, ажойиб навкар бўлиши мумкин эди.

— Ҳа, айтандай, дилбар йигит қақида... Анави хушмуомала йигитчамизнинг соғлиги қалай? Ўзини қилич зарбасига тутиб, жаноби превони бир ўлимдан асраб қолган анави хушчеҳра йигитни айтяпман.

— Асканиоми? Сиз уни танийсизми?

— Вой, бўлмасам-чи! У менинг соҳибам Коломбага, яна менга ҳам ўзи ясаган баъзи бир тақинчоқларни кўрсатмоқчи эди. Унга шу гапни эслатиб қўйсангиз, тасаддуқ. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Айтинг-чи, аҳволи қалай унинг? Коломба, агар отасининг халоскори хатардан холи эканлигини билса хурсанд бўлади.

— О, соҳибангизга айтишингиз мумкин. Асканио анча тузалиб қолди. Ҳозир у ўрнидан туриб юра бошладиям. Фақат синиқчи табиб унинг уйдан эшикка чиқишига ҳали ижозат бермаяпти. Қайтага, унинг учун тоза ҳавода юриш фойдалироқ эди. Аммо бунақа жазирамада очикда юришнинг ўзи ҳам бир азоб. Негаки, Катта Нель қасрининг боғи боғ эмас, нақ тақир дашт экан. Биронта ҳам соя-салқин гўша топилмайди: полиз ўрнида қичитқи ўту тиканаклар ўсиб ётипти, бор-йўғи тўрт-бешта дарахт бор, улар ҳам худди чўлтоқ супургига ўхшайди — барглари йўқ. Жой кўп-у, аммо кўнгил ёзиб сайр қилиб бўлмайди. Бизнинг хўжайин копток ўйнаб юрагининг чигилини ёзади: лекин бечора Асканионинг копток қайтаришга ҳам ҳоли келмайди, шунинг учун диққинафасликдан кўнгли ғаш бўлиб ўтирипти. Бўлмаса, жудаям тиниб-тинчимайдиган йигит бизнинг Асканио тушмагур! Мен уни яхши кўрганамдан эркалаб шундай дейман. У кексаларга жудаям меҳрибон-да! Анави қўрс Паголо билан энгил табиат Катеринага сираям ўхшамайди.

— Бундан чиқди, бечора йигит...

— Кун-уззукун ўз хонасидан чиқмай, қоққан қо-
зикдай ўтираверса, жинни бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап
эмас, айланай!

— Вой худойим-эй!— деб юборди раҳмдил ду-
энья.— Сиз у шўрлик йигитга айтинг, Кичик Нель
қасрига кирсин, бизда ажойиб, серсоя дарахтлар сероб.
Гарчи мессер прево қатъиян тақиклаб қўйган бўлса ҳам,
у йигитча учун бажонудил эшикни очаман. Бўлганича
бўлар! Баски превонинг халоскорига ёрдам қилар экан-
миз, унинг амрига итоат этмаслик хайрли иш ҳисоб-
ланади. Мана, сиз ҳозир йигитчани, зерикиб ўтирипти,
деб айтдингиз. Уёқда бизлар ҳам диққинафасликдан
ўзимизни қўярга жой тополмаймиз! Қайтага у жонон
йигит ўз юрти Италия ҳақида сўзлаб бериб бир оз
кўнглимизни ёзган, бизга ўзи ясаган маржону билак-
узукларини кўрсатган, Коломба билан мусоҳаба қурган
бўлар эди. Ешлар жамоа даврасида бўлишни, бир-бир-
лари билан чақчақлашишни яхши кўришади, ёлғиз
қолсалар юраклари сиқилиб кетади. Бўлмаса, келиш-
дик: сиз арзанда йигитингизга айтинг — ҳеч тортин-
май, бизнинг боғга кириб, кўнглига сиққанча сайр
қилсин, фақат айтингки, бир ўзи ё бўлмаса, албатта,
сиз билан келсин, Руперта хоним. Сиз унга ёрдам-
лашинг. Эшикни аввалига уч марта секин-секин, ке-
йин бир марта қаттиқ тақиллатсангиз, мен дарров
ким келганини биламану югуриб бориб очаман.

— Ташаккур сизга, Асканио номидан ҳам, ўз но-
мидан ҳам. Сизнинг бу илтифотингизни унга албатта
айтаман, у албатта жон-жон деб қабул қилади бу
таклифингизни.

— Ғоят хурсандман, Руперта хоним.

— Яхши боринг, Перрина хоним! Сиздек илтифотли
зот билан танишганимдан беҳад хурсандман.

— Мен ҳам, Руперта хоним.

Эгачилар бир-бирларига такаллуф билан тиз букиб
таъзим қилишди ва мамнун хайрлашишди.

Дарҳақиқат, Нель мулкидаги боғлар, Руперта
хоним айтганидек, бир томонда худди чўлтоқ супургига
ўхшаб қовжираб, қуриб қолган дарахтлардан иборат
бўлса, иккинчи томондаги дарахтлар худди ўрмон
янглиғ ям-яшил, серсоя эди. Катта Нель қасридаги
боғ превонинг қурумсоқлиги оқибатида қаровсиз қол-
ган: боғни парвариш қилиш анча қимматга тушар.
Ҳолбуки қасрга ҳамиша эгалик қилишга превонинг

унчалик кўзи етмас, шунга кўра, у ўзидан кейинги хўжайинга хайрли иш қилишни истамай, бу ерга кўчиб келгани ҳамоно, ҳамма дарахтларни кестириб ташлаган эди. Лекин Кичик Нель қасрида унинг қизи турарди, шунга кўра, қиз шўрликнинг бирдан-бир қувончи ва оромгоҳи бўлган соя-салқин хиёбонларни ва ғуж бўлиб ўсган дарахтларни асраб қолган эди. Рембо билан унинг икки ёрдамчиси Коломбанинг боғини парвариш қилишар, ҳатто унинг ҳуснига ҳусн ҳам қўшишар эди.

Бу боғ жуда кўркам ва гоят батартиб эди. Боғ этагида Перрина хонимнинг салтанати — ям-яшил полиз кўзга ташланарди. Катта Нель қасрининг девори ёқалаб гулзор ҳам барпо қилинган бўлиб, бу ердаги гулларни Коломбанинг ўзи парваришлар эди. Перрина хоним бу гулзорни Тонгги хиёбон деб атарди, чунки эндигина чиқиб келаётган қуёшнинг илк шуълалари шу ерга тушар, Коломба ҳам одатда дасторгулу атиргулларга шу субҳидамда сув қуяр эди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Катта Нель қасридаги дегрезлик устахонаси тепасига жойлашган хонанинг деразасидан ҳеч кимга сездирмаган ҳолда бу кўҳликкина боғбон қизнинг жамики хатти-ҳаракатини кузатиш мумкин эди. Перрина хоним кашф этган жуғрофий номларга амал қиладиган бўлсак, ғуж-ғуж ўсган дарахтларга бориб тақалган Тушки хиёбонни ҳам эслаб ўтишимизга тўғри келади — Коломба жазирама иссиқ кунларда шу ерда ўтириб иш тикишни ё китоб ўқишни яхши кўрарди. Боғнинг нариги бошида эса, Оқшомги хиёбон бўлиб, уч қатор жўка дарахти экилган бу ғўшада ҳамма вақт оромбахш салқин ҳаво ҳукм сураб ва Коломба ҳам доим кечлик овқатдан кейин худди шу оромгоҳда сайр қилар эди.

Оққўнгил Перрина хоним ярадор Асканиони тезроқ кучга киритиб, соғлигини тиклаш учун айнан шу хиёбонни кўзда тутган эди. Шунга қарамай, у савоб иш қилмоқчи бўлгани ҳақида Коломбага оғиз очишдан қўрқди. Отасининг чизган чизигидан чиқмайдиган бу қиз итотсиз дуэньянинг таклифини рад қилишим мумкин эди. Ана унда Руперта хоним ўз эгачиси ҳақида, унинг қасрдаги таъсири, тутган мавқеи ҳақида нима деб ўйлаши мумкин? Йўқ, гарчи у бемулоҳазалик қилиб бўлса ҳам, шундай таклиф киритган экан, албатта бу ишни охирига етказмай қўймайди. Бу олижаноб аёлнинг хушниятини оқлаш учун шуни эслатиб қўй-

моқчимизки, у эрта тонгдан то қоронғу кечгача мутасил фақат Коломба билан бирга эди, бунинг устига, чуқур ўйга толган шўрлик киз кўпинча мураббиянинг гапларини эътиборсиз қолдирарди.

Турган гапки, Асканио ўзи учун жаннат қопқаси очилганининг дарагини эшитиб, қувончдан терисига сиғмай кетди, айна пайтда Рупертага минг-минг ташаккур айтди! У шу оннинг ўзидаёқ мисли кўрилмаган бу қулай фурсатдан фойдаланишга киришмоқчи бўлди, бироқ Руперта хоним, ҳеч бўлмаса кечгача сабр қилиш керак, деб зўрга гапга кўндирди. Перрина хонимнинг бу таклифи Коломбанинг розилиги билан бўлганлиги яққол сезилиб турар, Асканио шу ҳақда ўйларкан, қувончдан телба бўлиб қолаётган эди. У ниҳоятда имиллаб ўтаётган вақтни қандайдир мавҳум қўрқув аралаш, сабрсизлик билан ҳисобларди! Мана, ниҳоят соат бешга жом чалди! Халфалар ишдан кетишди. Бенвенуто-ку, чошгоҳдан бўён устахонада йўқ эди: чамаси, у Луврга кетган бўлса керак.

Ниҳоят, Руперта йигитга юзланиб, тантанали оҳангда деди:

— Мана, вақт бўлди. Мен билан юринг, яхши йигит.

Улар ўрта ҳовлини кесиб ўтишди, шунда Руперта хоним Кичик Нель қасри эшигини тўрт марта тақиллатди.

— Фақат бу ҳақда устозга асло гапира кўрманг, о, саҳоватли бекам Руперта,— деди Асканио: йигит Челлинининг ҳазилкашлигини билар, шу сабабли, ўзининг пок муҳаббати устидан кулишларини хоҳламасди.

Руперта, нима учун сир сақлаш кераклиги ҳақида сўраш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди, шу пайт эшик очилиб, қаршиларида Перрина хоним пайдо бўлди.

— Кирақолинг, дилбар йигит!— деди у.— Яхши бўлиб қолдингизми?.. Қаранг, рангпарлик унга ярашар экан, жудаям хушрўй бўлиб кетипти... Сиз ҳам кираверинг, Руперта хоним... Сиз, яхши йигит, чап томонга юринг, хиёбондан тўғри бораверинг. Коломба ҳам ҳадемай боққа чиқиб қолади, у ҳаминша шунақа пайтда боғда сайр қилади. Илтимос, унга айтиб қўйинг, сизни бу ерга киритганим учун мени унча қаттиқ койимасин.

— Ие!— деб юборди Асканио.— Мадемуазель Коломбанинг хабари йўқми ҳали...

— Вой, нима деяпсиз, отасининг сўзидан чиқарми-

ди у! Мен тартиб-интизомга қаттиқ итоат қилишни ўргатганман унга. Мен иккаламиз учунгина итоатсизлик қилдим бугун. Иложимиз қанча — ахир токайгача узлатда яшаймиз! Рембо сезмайди, мабодо сезиб-нетиб қолгудек бўлса, ўзим уни лом-мим демасликка кўндирман. Бордию кўндирма олмасам, ундаям ҳеч гапмас: жаноби превонинг гапига илгариям кўп марта кирмаганман, мана шунақа!

Шундан кейин Перрина хоним ўз соҳиби тўғрисида гап сотишга тушиб кетди, аммо унинг гапларини фақат Руперта хоним тинглади, Асканио эса қимир этмай тураркан, фақат ўз юрагининг гурс-гурс уришинигина эшитарди. Лекин Перрина хонимнинг йўл-йўлакай айтган қуйидаги гапи дарҳол унинг қулоғига чалинди:

— Мана Коломба кечқурунлари сайр қиладиган ўша хиёбон. Бугун ҳам у бу ерга келади, албатта. Ана кўрдингизми, бу ерда сизга офтоб халал бермайди, о, азиз беморимиз.

Асканио миннатдорлик билдириш мақсадида хонимга таъзим қилди-да, хиёбон бўйлаб бир неча қадам юрди, сўнг яна орзулар ва аллақандай узук-юлуқ хаёллар оғушига гарқ бўлганича маҳбубасини сабрсизлик билан кута бошлади. Шундай бўлса ҳам, у Перрина хонимнинг гап орасида Руперта хонимга айтган сўзларини эшитиб қолди:

— Мана Коломба яхши кўрадиган скамейка.

Асканио ўзаро чақчақлашиб сайр қиладиган икки эгачидан орқада қолиб, ўзи учун энг муқаддас бўлган бу скамейкага жимгина келиб ўтирди.

У нима истарди? Нимадан умид қиладиган эди? Буни ўзи ҳам билмасди. У Коломбани кутарди, чунки у навниҳол ва соҳибжамол қиз, ўзи эса навқирон ва ўктам йигит эди. Асканионинг кўнглида шухратпарастлик нияти йўқ эди. У фақат Коломбанинги ёнида бўлишнигина ўйларди. Қолгани — худонинг марҳаматига ҳавола! Зотан, у келажакни ўйламамасди ҳам. Чунки муҳаббат учун эртанги кун бўлмайди.

Коломба ҳам ўзининг овлоқдаги ҳаётида тўсатдан пайдо бўлган бу ажнабий йигит тўғрисида беихтиёр бир неча марта ўйлаган эди. Асканио билан биринчи марта учрашганидан буён унинг бирдан-бир дил орзуси — у билан яна кўришиш эди, ваҳолонки бу қиз шу чоққача ҳали биронта ҳам кимса ҳақида ўйламаганди. Гарчи эҳтиётсиз ота қизини ўз ҳолига ташлаб қўйган

бўлса ҳам, Коломба ўз хатти-ҳаракатларини шундай қатъият билан назорат қилардики, одатда олижаноб кишилар фақат ўз эрки, озодлигидан маҳрум бўлган чоғларидагина бундай зиддиятни тарк этиши мумкин эди. У Асканио ҳақидаги ўйларини мардларча даф қилишга уринар, аммо миясига елимдек ёпишиб олган ўша хаёллар Коломба ўз қалби атрофига тиклаган қават-қават тўсиқларни Катта Нель қасрининг деворини забт этган Асканиодан ҳам осонроқ маҳв этарди. Коломбанинг кейинги уч-тўрт куни қаттиқ саросимада ўтди: дам у, энди Асканиони бошқа кўра олмаслигини ўйлаб ҳаяжонга тушар, дам йигит билан учрашишдан қўрқар эди. Қизнинг ягона юпанчиғи хаёл суриш бўлиб, шунга кўра у иш устида ҳам, сайр пайтида ҳам хаёл сургани-сурган эди. Кундуз кунлари у ўз хонасига кириб олиб, танҳоликда вақт ўтказар ва бу рафтори билан Перрина хонимни қаттиқ ранжитардики, оқибатда мураббия кун бўйи қаёқдаги тутуруқсиз гапларни ўзи жавраб ўзи тинглашга, ҳамда шу билан хумордан чиқишга мажбур бўлар эди. Кечга томон, ҳавонинг ҳарорати пасая бошлаганда Коломба Перрина хоним томонидан Оқшом хиёбони деб шоирона ном қўйилган соя-салқин хиёбонга чиқар ва ҳозир Асканио ўтирган скамейкага ўтириб, тун кириб, самода юлдузлар пайдо бўлишини кутаркан, то Перрина хоним уни уйга таклиф қилгани келгунича, ўз орзу-умидларига қулоқ солиб, уларга жавоб қайтариб ўтирарди.

Мана, йигит боя айтилган вақтда, бирдан хиёбоннинг муюлишида қўлига китоб ушлаган Коломбани кўриб қолди. Қиз аввалига Асканиони пайқамасди, лекин Перрина хонимнинг ёнидаги бегона аёлни кўриб, таажжубдан бир сесканиб тушди. Худди мана шу ҳал қилувчи дақиқада Перрина хоним жасур саркарда сингари дадил ҳужумга ўтди.

— Коломба, тасаддуқ, — деди у, — сизнинг беҳад оққўнгилик эканлигингизни билганим сабабли, руҳсат сўрашни лозим деб топмадим у отангизни қутқараётиб жароҳатланган бечора йигитчани дарахтлар соясида тоза ҳаводан нафас олиш учун таклиф қилдим. Ўзингиз биласиз-ку, Катта Нель қасрида тангадеккина ҳам салқин ер топилмайди. Айтишларича, агар йигитча ҳар куни жиллақурса бир соатгина очиқ ҳавода сайр қилмаса, табиб, унинг тирик қолишига кафолат бера олмайман, деганмиш.

Мураббия қўпол бўлса ҳам хайрли ёлғонни ишлатиб гапириб ётганида Коломба Асканиони узоқдан кузатиб турарди, шунда бирдан унинг икки юзи анордек қип-қизариб кетди. Асканионинг эса ўтирган ўрнидан туришга мажоли етмади.

— Тушунинг ахир, Перрина хоним, гап менинг ижозат беришимда эмас,— деди ниҳоят қиз.— Бунга отамнинг розилиги керак.

Коломба бу гапларни маънос оҳангда, аммо қатъият билан гапиргач, Асканио ўтирган тош скамейка олдига борди. Йигит худди илтижо қилаётгандек қўлларини қовуштириб қизни кутарди.

— Мени афв этинг, хоним афанди,— деб гап бошлади у,— мен ўйловдимки... мен... Перрина хоним сизнинг розилигингиз билан мени бу ерга лутфан таклиф қилган, деб ўйловдим. Аммо энди, баски мен хато ўйлаган эканман,— деб у мулойим оҳангда, лекин виқор билан гапини давом эттирди,— ўтинаман сиздан, менинг бу журъатим учун кечирингу бу ердан кетишимга ижозат беринг.

— Лекин сиз тўғри тушунинг, гап менда эмас!— деб дарҳол эътироз билдирди қаттиқ ҳаяжонланган Коломба,— Ахир мен эмасман-да бу ернинг соҳиби. Ҳеч бўлмаса, бугунчалик қолинг, гарчи отамнинг тақиқловчи буйруғи унинг халоскорига ҳам даҳлдор бўлишига қарамай: ахир мен сизга, тақсир, миннатдорчилик билдиришим лозим-ку, ҳеч бўлмаса шунинг учун қолинг.

— О, хоним афанди,— деди Асканио,— чин қалбимдан сизга миннатдорчилик изҳор этаман! Лекин айтинг-чи, сизга халал бермайманми, агар қолсам? Бунинг устига, номувофиқ жой танлаганга ўхшайман.

— Йўқ-йўқ, аксинча!— дея эътироз билдирди Коломба ва қаттиқ ҳаяжонланганидан нима қилаётганини унутиб қўйиб, шу тош скамейканинг нариги бошига омонатгина ўтирди.

Шунда Коломбанинг қаттиқ танбеҳидан бакрайиб қолган Перринага қоққан қозикдек туравериш жонга тегди: бунинг устига, ўртага чўккан сукунат шоиста мураббияни хижолатга солиб қўйган эди, шу боис у Руперта хонимни қўлтиқлаб олиб, бу ердан аста узоқлаша бошлади. Йигит билан қиз ёлғиз қолди.

Коломба бошини эгиб ўтиргани учун, олдинига дуэньянинг кетганини сезмади: лекин у китобга тикилган

ни билан уни ўқимас, кўз олди тамом хиралашган эди.

Қиз ҳали ҳам ҳаяжонда, ҳайратда эди, шу боис у беихтиёр ўз ҳаяжонини яширишга, юрагининг дук-дук уришини босишга уринарди. Асканио ҳам эсанкираб қолган эди. Аввалига, Коломба уни кеткизиб юбормоқчи бўлганида йигит ниҳоятда қаттиқ изтиробга тушган эди; кейин ўз маҳбубасининг қаттиқ саросимада эканлигини кўриб, телбаларча суюниб кетди. У ҳали шу қадар бедармон эдики, гарчи ҳозир ўзини худди жаннатга тушгандек хушбахт ҳис этаётган бўлса ҳам, кутилмаганда юз берган барча ҳаяжонлар бутунлай кучини қирқиб қўйганди. У ҳушидан кетай-кетай деб ўтирар, лекин шунга қарамай, кўнглига келган бир-бирга зид фикрлар миясига яшин тезлигини алмашишиб турарди.

«Коломба мени ёқтирмайди! Йўқ, у мени севади!..» — деб дам-бадам такрорларди йигит ичида. У сукут саклаб қимир этмай ўтирган Коломбага тикиларкан, икки юзидан дув-дув оқиб тушаётган кўзёшларини пайқамасди. Уларнинг боши узра дарахт шохига қўнган қушлар тинмай сайрарди. Шаббода яроқларни шитирларди. Августинлар черковининг қўнғироғи майин янграб, қавмларни кечки ибодатга чақира бошлади. Июлнинг бу оқшоми ҳайратомуз сокин ва осойишта эди. Бу шундай илоҳий лаҳза эдики, бундай вақтда одамзод қалби тамомила янгича қиёфа касб этиши, ҳар бир дақиқа йигирма йиллик умр мазмунини акс эттириши, алажусус, тоабад хотирада сақланиб қолиши мумкин эди. Бу дилбар йигит билан гўзал қиз бир-бирлари учун яратилгандек, фақат қўл чўзсалар кифоядек туюларди. Ваҳолонки, уларни тубсиз жар ажратиб турарди.

Орадан бир неча сония вақт ўтди, ниҳоят Коломба бошини кўтарди.

— Сиз йиғлаяпсиз-ку! — деди у ҳаддан зиёд меҳрибонлик изҳор этиб.

— Йиғлаяпканим йўқ, — деб жавоб қилди Асканио, лекин қўлини юзига олиб бориб, ёноқлари намланганини пайқади. — Ҳа, гапингиз тўғри, — деди у.

— Нега йиғладингиз? Сизга нима бўлди? Бирон кишини чақирайми? Дардингиз огирлашдими?

— Ҳа, фақат бир нарсани ўйлаганимда...

— Нимани ўйлаганингизда?

— Мен ўшанда ўлиб кетсам яхши бўларкан, деб ўйлаяпман.

— Улиб кетсангиз? Ешингиз нечада ўзи, нега ўлим ҳақида гапириб қолдингиз?

— Ун тўққиздаман. Лекин энг бахтиёр йилинг айни пайтда ўлимнинг йили ҳам бўлиши керак-ку.

— Ахир ота-онангиз сизга аза тутиб юм-юм йиғлаб ўтадилар-ку, — деб гапида давом этди беихтиёр Асканионинг ўтмиши ҳақида билишга уринган Коломба. У йиғитнинг келажаги ўзиники бўлишини элас-элас фараз қила бошлаган эди.

— Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ, устозим Бенвенутодан ўзга ҳеч ким менга аза тутмайди.

— Шўрлик етимча!

— Ҳа, ғирт етимман! Отам мени ҳеч қачон яхши кўрмаган, онамдан эса гўдаклик чоғимда жудо бўлганман, ҳатто унинг меҳрини ҳис қилишга ҳам, меҳрига меҳр билан жавоб қилишга ҳам улгурмаганман. Отам!.. Нега энди буларни айтяпман, сизга нима қизиги бор бу гапларнинг?

— Гапираверинг, Асканио, ўтиниб сўрайман!

— Е азиз авлиёлар! Ҳали сиз исмимни эслаб қолганмидингиз?

— Давом этинг, гапираверинг, — деб гўлдиради Коломба, анордек қизарган юзларини қўлларни билан беркитаркан.

— Отам заргар ўтган. Меҳрибон онажоним эса Рафаэль дель Моро исмли флоренциялик заршуноснинг қизи бўлиб, италиялик асилзода кишилар насабидан экан. Италияда, бизнинг республика-шаҳарларимизда меҳнат қилиш ор ҳисобланмайди — сиз дўконлар тепасидаги ёзувларда маълум ва машҳур қадимий исмларни ўқишингиз мумкин. Мана, масалан, устозим Челлинини олинг, у машҳурликда Франция қиролидан қолишмайди, ҳаттоки ундан ҳам машҳурроқ дейиш мумкин. Рафаэль дель Моро қашшоқ бўлган ва шу сабабли қизи Стефанани, қаршилиқ кўрсатишга қарамай, ўзи тенги келадиган, аммо бадавлат жўрасига турмушга берган. Ҳайҳот! Онам билан Бенвенуто Челлини бир-бирларини севишганлар, аммо менинг шўрлик устозим камбағал бўлган. Шунинг учун ҳам у доврўқ қозониш ва давлат орттириш мақсадида дунё кезиб юрган. У узоқ юртларда юрганлиги учун, мажбурий никоҳга халал бера олмаган. Жизмонда Гадди —

отамнинг исми шундай экан — онамнинг бошқа одамни севишини ҳеч қачон билмаган, лекин шунга қарамай, хотинининг меҳрини қозона олмагани учун уни ўлгудек ёмон кўрган. Отамни жоҳил ва ҳасадгўй одам эди, дейишади. Уни ёмонлаётганим учун худонинг ўзи кечирсин мени, лекин фарзандлар хотираси бешафқат бўлар экан. Онажоним печа бор, отамнинг газабидан қочиб, менинг бешигимдан паноҳ излаган экан! Отам эса бу паноҳни ҳам кўпинча писанд қилмас, ҳаттоки, онам мени кўтариб турган пайда ҳам дўппослаган пайтлари бўлган экан. Онам ҳар тушган муштга жавобан, оғриқдан тишини тишига қўйиш ўрнига нуқул мени ўпаркан.

Парвардигор отамни ўзининг адолатли газабига олиб, жазога мустаҳиқ қилди: у дунёда ўзи учун энг азиз бўлган нарсдан — бойлигидан жудо бўлди. Инқирозга учради. Қашшоқлашганига куйиб ўлиб кетди, онам ҳам ундан кейин бир неча кун ўтгач ёруғ дунёдан кўз юмди, чунки у, маҳбубим мендан юз ўгирган, деб ўйлаган эди.

Мен дунёда яккаю ёлғиз қолдим. Отамга қарз берган одамлар бор-будимизни олиб кетишди, уйимизда улар титкиламаган жой қолмади, беномуслар ҳеч нимани унуттирмади: фақат биғиллаб ётган чақалоқни, яъни мени пайқашмади, холос. Опламизга содиқ қолган оқ-соч кампир менга раҳм қилиб, икки кун боқипти, бироқ у бечора аёлнинг ўзи тиланчилик қилиб очинтўқин кун кечирар эди.

Кейин у нима қилишини билмай боши қотиб турганида тўсатдан, устидаги сафар либоси бошдан-оёқ чангга бурканган бир одам кириб келиб мени қўлига олибдию йиглаб-йиглаб ўпа бошлапти ва меҳрибон кампирга пул бериб, мени олиб кетипти. Уша одам Бенвенуто Челлини бўлиб, Флоренциядан Римга келган экан. У мени ўз фарзандидек севиб қолди, ўз ҳунарига ўргатди, шу-шу биз ҳеч қачон бир-биримиздан айрилмадик. Агар ўлсам фақат шу одамгина аза тутиб йиғлаши мумкин.

Коломба етим йигитнинг худди ўзиники сингари ғарибона ҳаёти ва унинг бахтиқаро онаси ҳақидаги ҳикоясини бошини ҳам қилганча, юрак-бағри эзилиб тинглади. Қизнинг ҳаёти ўша шўрпешона Стефананики сингари кечса керак — ахир Коломба ҳам ўзи ҳеч қачон севмайдиган одамга мажбуран турмушга чиқ-

моқда, оқибат бу эр ҳам худди Асканионинг отаси ўз хотинини таҳқирлагани каби, уни ўлгудек ёмон кўриб қолиши муқаррар.

— Худонинг қаҳрини келтирманг,— деди у Асканиога.— Ахир сизни яхши кўрадиган одам бор-ку... ана, масалан, ўша саховатли устозингиз, ундан кейин, сиз ўз оиангизни кўргансиз: менга бўлса она меҳри ҳам насиб этмаган. Онажоним менга ҳаёт бахш этгану дунёдан кўз юмган. Мени жанжалкаш, бемеҳр аммам катта қилди, барибир, бундан икки йил олдин у қазо қилганида аза тутиб йиғладим, негаки, дунёда яккаю ёлғиз бўлганим учун ўша аёл билан худди қоя тошни ўраган чирмовиқ каби опа-сингиллардек яшаган эдик. Мана, икки йилдирки, бу қасрда Перрина хоним билан яшаб турибман, лекин ёлғизликда яшаётган бўлишимга қарамай — чунки отам аҳён-аҳёнда бир келиб кетади, — шу охирги икки йил ҳаётимдаги энг саодатли вақт бўлди ва шундай бўлиб қолади.

— Тўғри, сиз жуда кўп изтироб чеккансиз,— деди Асканио.— Ўтмиш ҳаётингиз-ку, бебахт бўлган экан, лекин нега энди истиқболингиздан шубҳа қиласиз? Сизнинг келажагингиз, оҳ, жуда порлоқ. Сиз бадавлатсиз, гўзалсиз, бинобарин, келажагингиз, агар мунгли ёшлигингизга муқояса қилинса, бениҳоя мароқли бўлиб кўринади.

Коломба жажжи бошини ғамгин чайқаб кўйди.

— О, ойижоним, ойижоним!— деб пичирлади у.

Аянчли ҳаётингнинг ҳар кунги ташвишларини бошингдан фаромуш қилсангу хаёл сени узоқ-узоқларга олиб қочиб кетса, шунда умрингнинг бутун ўтмиши ҳам, келажаги ҳам худди чақмоқ қақилганда кўрингандек, кўз олдинда бирдан намоён бўлади, вужудингни хавfli ҳаяжон, қандайдир ғайритабиий паришонлик қамраб олади. Натижада, бошингга тушадиган сон-саноқсиз қайғу-надоматларни ҳалитдан ҳис қила бошлаган қалбингни қандайдир таҳликали лоҳаслик ларзага келтиради. Бошларидан шунча оғир мусибатларни кечирган, боз устига, дунёда биронта ҳам яқин кишиси бўлмаган йигит билан қиз, кошкийди, бир-бирларига фақат бир оғизгина сўз айта олишса, ана унда уларнинг ғамгин ўтмиши икковларининг ягона истиқболи билан туташган бўлур эди. Аммо қиз фариштадек беқусур, йигит эса, уни илоҳий бир хилқатдек эъзозлардики, натижада ўша ягона калом айтилмай қолди.

Ваҳолонки Асканио қизга ҳадеиз назокат билан боқар, Коломба эса унга мулоим ва ишонч билан қарарди, мана, ниҳоят йигит худди илтижо қилаётгандек қўлларини бир-бирига қовуштириб гап бошлади — у айнан шундай овоз билан ибодат қилса керак:

— Қулоқ солинг, Коломба, агар биронта истагингиз бўлсаю мабодо бирон-бир фалокат сизга таҳдид солаётса, мени ўз оғангиздек билиб айтаверинг, хоҳшингизни бажармоқ учун бир томчи қоним қолгунча олишишга тайёрман! Мен бошингиздан фалокатни аритиш учун жонимни фидо қиламан ва бундан фахрланаман, шодланаман.

— Миннатдорман, ташаккур,— деди Коломба.— Сиз шундоқ ҳам бир оғиз сўзимни ерда қолдирмай, жўмардлик кўрсатиб, ўзингизни хавфга рўпара қилдингиз, буни унутганим йўқ. Лекин энди мени фақат парвардигорнинг ўзигина фалокатдан халос этиши мумкин...

У бошқа бир сўз ҳам айта олмади, зеро худди шу дамда Перрина хоним билан Руперта хоним уларнинг олдига келиб қолишган эди.

Эгачилар вақтни бизнинг севишган ёшларимизга нисбатан анча самаралироқ ўтказдилар ва шу қисқа вақт ичида бир-бирларини ёқтириб қолишиб, дўстлашиб ҳам олишди. Перрина хоним Руперта хонимга совуқ олган баданга суриш учун қандай дори-дармондан фойдаланишни маслаҳат берди. Руперта хоним ҳам, ўз навбатида, дугонаси — Перрина хонимга яхшилик қилиб, олхўри мевасини сақлаш сирини айтиб берди. Уларнинг тоабад дўст тутинишгани яққол кўриниб турар эди, мана шунинг учун ҳам хонимлар ўртада шунча тақиқлар бўлишига қарамай, доимо кўришиб туришга сўз беришди.

— Хўш, Коломба,— деди Перрина хоним скамейкага яқинлашар экан,— ҳалиям мендан хафамсиз? Ахир бу йигитни қасрга киритмай, эшикни ёпиб олсак, уятга қолардик-ку! Негаки, агар у бўлмаганда биз соҳибимиздан айрилиб қолган бўлардик! Қолаверса, гап унинг отангизни ҳимоя қилиш пайтида олган жароҳатини даволаш ҳақида боряпти... Қаранг, Руперта хоним, йигитчамизнинг кўриниши яхши, шундай эмасми? Боягига қараганда анча ранг кириб қолипти.

— Ҳа, тўғри,— деб тасдиқлади Руперта хоним,— Асканио соғлом бўлган пайтда ҳам юзи бунчалик қирмизи эмас эди.

— Мана, кўрдингизми, Коломба,— деб гапида давом этди Перрина хоним,— йигитнинг бунчалик самарали соғайишига халал бериш гуноҳ бўларди! Хайрият, охири бахайр бўлди. Уйлайманки, сиз бу йигитни эртага кечки пайт ҳам боғимизга таклиф қилишимга розилик берасиз. Бу таклиф сиз учун, бўтам, кўнгилхушлик, яъни беозор кўнгилхушлик бўлади. Боз устига, худога шукрки, Руперта хоним билан шкковимиз, шу ерда, ёнгинангизда бўламиз. Орий рост, Коломба, гапимга ишонинг, сиз албатта, сал бўлса ҳам кўнгилнингизни ёзишингиз керак. Ундан кейин мессер превонинг қатъий тақиқига бир озгина амал қилмаганимизни ким ҳам чақар эди. Шуниси ҳам борки, сиз Асканионинг ўзи ясаган қимматбаҳо тақинчоқларини олиб келиб кўрсатишига ижозат этганингизда ҳали отангиз унинг ташрифини тақиқловчи буйруқ бермаган эди. Асканио бугун тақинчоқларни унутган экан, майли, эртага олиб кела қолсин.

Коломба Асканиога қаради: Асканионинг ранги докадай оқариб, маҳбубасининг жавобини юрак ҳовучлаб кутар эди.

Йигитнинг бунчалик камсуқумлигини кўриб, хўрликда, етимликда ўсган қизнинг кўнгли тоғдек кўтарилди: демак дунёда Коломбанинг измидан чиқмайдиган, бир оғиз сўзи билан ё бахтиёр, ё бадбахт бўладиган одам ҳам бор экан. Ким ёқтирмайди ҳукмронлик қилишни! Граф д'Орбекнинг ҳаёсизлиги Коломбага қаттиқ ботган эди. Шу боис узлатда умр кечирган шўрлик қиз Асканионинг кўзлари қувончдан қандай порлашини кўргиси келдию — бу нияти учун уни кечирайлик — ҳам жилва қилиб, ҳам чўгдек қизариб шундай деди:

— Перрина хоним, мени нималарга ундаяпсиз ўзи?

Асканио бир нима демоқчи бўлди, лекин фақат шафқат қилинг, дегандек кафтларини бир-бирига қовуштирди: унинг оёғи қалтирай бошлаган эди.

— Минг раҳмат сизга, дилбар қиз!— деди Руперта тавозе билан реверанс қиларкан.— Юринг, Асканио. Ҳали унча дармонингиз йўқ, уйга бора қолайлик. Қани, қўлингизни беринг.

Асканио зўр-базўр Коломба билан хайрлашиб, унга миннатдорлик изҳор этди, лекин айтмоқчи бўлган сўзлари ўрнига бутун жону дили билан нигоҳ ташлади, сўнг қалби қувончга тўлиб, оқсоч аёл ортидан итоткорлик билан эргашди.

Ўз хаёллари билан банд Коломба кўнглини тоғдек кўтарган бахтдан сармаст ҳолда яна скамейкага ўтирди, ҳолбуки у бундай ҳиссиётга кўникамаган бўлиб, шу боис ўзидан-ўзи хафа эди.

Перрина хоним меҳмонларни эшиккача кузатиб бораркан:

— Эртагача хайр!— деди ғолибона қиёфада.— Тортинманг, яхши йигит, хоҳлаган пайтингизда марҳамат қилиб келаверинг, истасангиз ҳар куни келинг. Уч ой мобайнида.

— Нега энди фақат уч ой мобайнида? — деб сўради Асканио. У гўё умрбод қатнаш ниятида эди.

— Бошқа илож йўқ-да!— деб жавоб қилди Перрина хоним.— Ахир уч ойдан кейин Коломба граф д'Орбекка турмушга чиқади-ку.

Асканио йиқилиб тушмаслик учун бутун кучини ишга солди.

— Коломба граф д'Орбекка турмушга чиқади!— деб пичирлади у.— Э, худо! Демак, мен алданибман! Коломба мени севмас экан...

Лекин бу пайт Перрина хоним эшикни беркитаётган, Руперта хоним эса анча олдинлаб кетгани учун, йигитнинг гапини на униси, на буниси эшитган эди.

Уч иккинчи боб

ҚИРОЛНИНГ ҲОКИМАСИ

Юқорида айтганимиздек, Бенвенуто эрталаб соат ўн бирларда қаёққа бораётганини айтмай устахонадан чиқиб кетган эди. У қирол Франциск I қабулига, Луврга йўл олган эди.

Қирол сўзининг устидан чиқипти. Бенвенуто Челлинининг олдида саройнинг ҳамма эшиклари ланг очила бошлади, бироқ энг охиригисидан уни ўтказмадилар: бу кенгаш бораётган хонанинг эшиги эди. Кенгашда Франциск I давлат арбоблари билан муҳим масалаларни ҳал қилаётганди, шунга кўра, Челлинининг йўли тўсилган эди,— бу ерга кириш учун қиролнинг махсус фармони керак эди.

Шуни таъкидлаш керакки, Франциянинг сиёсий

хаёти чинданам, жуда мушкул аҳволда эди. Шу чоқ-қача биз давлат ишлари ҳақида жуда кам гапирдик, зеро комил ишонч билан айтамызки, ўқувчи аҳли, айниқса китобхон хонимлар сиёсий масалалардан кўра ишқий воқеаларни афзал кўрадилар. Аммо ҳозир биз бу масалани четлаб ўта олмаймиз, шунга кўра, гап орасида бўлса ҳам, Франция ва Испаниядаги аҳволга, ёки аниқроқ қилиб айтсак, XVI асрда ҳар бир қиролнинг номи унинг давлатини ифодалагани сабабли — Франциск I билан Карл V ўртасидаги муносабатга тўхталмай иложимиз йўқ.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ўша йилларда сиёсат тарозусининг палласи (ҳолбуки паллаларнинг тебраниб туриши нималарга олиб келишини иккала қирол ҳам жуда яхши билар эди.) Франциск I томонига оғиб, унинг мавқеи яхшилана бошлаган, Карл V нинг аҳволи эса мушкуллаша борган эди. Дарҳақиқат, Камбретада машҳур сулҳ шартномаси¹ имзоланган пайтдан буён вазият жуда ўзгариб кетганди. (Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу музокара пайтида икки аёл — Карл V нинг холаси Маргарита Австрияий билан Франциск I нинг онаси ҳерцогиня Ангулемий ўртада туриб воситачилик қилган эдилар.) Мадрид шартномасига илова тарзда тузилган бу аҳдномада айтилишича, Испания қироли Франция қироли фойдасига Бургундиядан ажралиши, Франция қироли ҳам, ўз навбатида, Фландрияга ва Артуа вилоятига бўлган ҳуқуқидан тамомила воз кечиши керак эди. Бундан ташқари ўша ҳужжатда ўз отаси ўрнига гаров тариқасида ушлаб турилган иккала ёш шаҳзода икки миллион олтин экю товон эвазига Франциск I га қайтарилиши ҳақида ёзилганди. Ниҳоят, аввалига коннетаблга хоинлик фаолияти учун хотинликка ваъда этилган, кейин эса ўртада сулҳ тузилгани шарафига Франциск I га никоҳ қилинган Карл V нинг опаси, саховатли қиролича Элеонора¹ худди ўз фарзандларидек кўриб қараган ўша икки шаҳзода билан бирга Франция қироли саройига қайтиши керак эди; бу шартларнинг ҳаммасини иккала томон ҳам виждонан бажарди.

¹ *Элеонора Австрияий* (1498—1558)— император Карл Vнинг опаси, Португалия қиролининг беваси: аввалига Карл уни коннетабль Бурбонга хотинликка ваъда қилган, лекин 1530 йилда Камбрета тузилган шартномадан сўнг, Франциск I га эрга берган эди.

Лекин Франциск I, гарчи асирдалик пайтида Милан ҳерцоглигидан воз кечишга мажбур бўлган бўлса ҳам, турган гапки, вақтинчалик бу давлатнинг баҳридан ўтган эди. Дарҳақиқат, озодликка чиққани ҳамона ўз кучи, қудратини тиклаб олдию нигоҳини яна Италияга қаратди. Мана, у Рим қасрига бўлган ўз таъсири кучини янада мустақкамлаш ниятида, тўнгич ўғли Францискнинг ўлиmidан кейин валиахд бўлиб қолган иккинчи ўғли Ҳеирихни папа Климент VII нинг жияни Екатерина Медичига уйлантирди.

Лекин, бахтга қарши, қирол эндигина Италияга бостириб кириш режасини тузиб бўлганида, папа Климент VII ўладю унинг ўрнига Александр Фарнезе тайинланиб, Павел III номи билан муқаддас Пётр тахтга ўтиради.

Павел III ўз сиёсатида императорнинг ҳам, Франция қиролининг ҳам таъсирига берилмасликка, Карл V нинг ҳам, Франциск I нинг ҳам ишларига аралашмасликка қарор қилади.

Натижада, император пападан қўрқмай қўйди, Франциянинг урушга тайёргарлик кўраётганига ҳам парво қилмай, ўзи Тунисга ҳарбий сафар қилиш учун ҳозирлик кўра бошлади.

Сафар муваффақиятли чиқди: Карл V Сулаймон¹-нинг уч-тўрт кемасини чўктириб, Неаполь портига тантанавор кириб борди.

Бу ерда у бир хушхабар эшитиб яна ҳам руҳланиб кетди: маълум бўлишича, Франциск I нинг тоғаси бўлмиш Савойя ҳерцоги Карл III ўзининг янги хотини — Португалия қироли Эммануэлнинг қизи Бетатрисанинг маслаҳатига кўра, Франция қироли билан тузилган иттифокни бекор қилипти. Шунга кўра, Франциск I Карл III билан олдиндан тузиб қўйилган битимга асосланиб, француз қўшинини Савойяга олиб кириш учун унинг розилигини талаб қилганида, ҳерцог рад жавобини беришти. Натижада Франциск I Альп тоғлари оша энг машаққатли юриш қилишга мажбур бўлишти, ҳолбуки у илгари иттифокдоши ва қариндошининг шарофати билан Савойяга кирадиган йўлни ўзи учун ҳамиша очиқ деб ҳисоблар эди.

¹ Сулаймон I (1494-1566) — Туркия султони: жуда кўп мартаба уруш қилиб, катта қудратга эга бўлган. У 1535 йилда Франциск I билан сиёсий ва савдо шартномаси тузади. Бу шартнома бўйича, Францияга Шарқда савдо қилиш имтиёзи берилади.

Ўзининг бехатар эканлигига қатъий ишонган Карл V юз берган бу воқеалардан ҳангу манг бўлиб қолди. Қирол Франциск I нинг фармониغا кўра, қўшин Савойяга итсоли қуюндек бостириб кирди, шунда ҳерцог ўз вилоятининг ҳали мағлубиятга учраганини билмай туриб, душман томонидан забт этилганини кўрди. Лашкарбоши Брион Шамберини босиб олди ва Альп тоғининг чўққисига чиқиб, Пьемонтга таҳдид сола бошлади. Айни шу пайтда, душманнинг жадаллик билан олта силжиётганидан талвасага тушган Франциск Сфорца Милан ҳерцоглигини вориссиз қолдириб тўсатдан оламдан кўз юмдики, бу ҳол Франциск I нинг ишини наинки энгиллаштирди, балки унга яна янги ҳуқуқлар ҳам берди.

Брион Италияга тоғдан тушиб, Туринни қўлга киритди. У шаҳарни эгаллагач, лашкарини Сезия дарёсининг икки соҳилига лагерь қуриб жойлаштирди-да, бўлажак воқеаларни кута бошлади.

Бу томонда Карл V ҳам Неаполдан Римга кўчиб ўтди. У христиан динининг ашаддий душманлари устидан ғалаба қозонганидан сўнг католиклар дунёсининг пойтахтига музаффарият билан кириб келди. Бу улкан зафар императорни сармаст қилиб қўйди, натижада, у ўз одатига зид ўлароқ, ҳаддидан ошиб кетди: консисторияда¹ Франциск I ни шаққокликда айблаб, бунга қиролнинг протестантларга² ҳомийлик қилганини, турклар билан иттифоқ тузганини далил қилиб келтирди. Кейин у Франциск I билан ўрталарида бўлиб ўтган ҳамма эски можароларни эслаб (унинг фикрича, ўша можароларнинг ҳар бири Франциск I нинг айби билан бошланганмиш), ўз куёвига қарши шафқатсиз уруш олиб боришга қасамёд қилди.

Лекин Франциск I илгарилари қанчалик эҳтиётсиз одам бўлган бўлса, бошига тушган беҳисоб савдолардан сўнг шунчалик эҳтиёткор бўлиб қолган эди. Шунга кўра, ҳам Испания, ҳам Империя унга қарши уруш

¹ Консистория — бу ўринда католик черковида папа раислигида ўтадиган кардиналлар кенгаши назарда тутиляпти. (Тарж.)

² Протестант — протестантлик мазҳабидаги одам. Ғарбий Европада XVI асрдан бошлаб католицизмдан ажралиб чиққан турли христиан мазҳаблари (мас. лютеранлик, кальвинизм) шундай ном билан аталган. (Тарж.)

очмоқчи эканлигини сезиб, Аннебога Туринни қўриқлашни буюрди, Брионга эса давлат чегарасини муҳофаза қилишини топширди.

Франциск I нинг рицарона мард феълени билган одамлар, унинг нима сабабдан чекинганига тушунмадилар ва қирол жангга кирмаёқ ўзини мағлуб ҳисоблагану шу сабабли орқага чекинган бўлса керак, деб фараз қила бошладилар. Бу овозани эшитган Карл V яна ҳам кўпроқ кеккайиб кетди: у ўз қўшинига саркардалик қилиб, Францияга жануб томондан бостириб киришга қарор қилди.

Бу уринишнинг нима билан тугагани маълум: Марсель шаҳри ўша даврнинг энг буюк саркардалари коннетабль Бурбон билан Пескерга¹ қаршилиқ кўрсатиб, энг йирик сиёсий арбоб бўлишига қарамай, ёмон лашкарбоши ҳисобланган Карл V нинг ҳужумини осонгина қайтарди. Карл V терслик қилиб ўтирмади: у Марселни айланиб ўтди-да, Авиньон томон юрмоқчи бўлди. Лекин Монморанси² Дюранс дарёси билан Рона дарёси ўртасига истеҳком қуриб мустаҳкам жойлашиб олган эди, бинобарин, Карл V ўша истеҳкомни забт этишга қанча уринмасин, барча ҳаракатлари зое кетди. Бир ярим ой узлуксиз давом этган жангдан сўнг Карл V улоқтириб ташланди: уни иккала қанотдан сиқиб кела бошладилар, орқа томондан таҳдид солиб, ягона нажот йўлини тўсиб қўймоқчи бўлдилар, натижада у чекинишга буйруқ бердики, бу ҳол кўпроқ пароканда қочишга ўхшаб кетди. Оқибат, Карл V асир тушишдан зўрға қутулиб қолиб, кўп машаққатлар билан қўшинсиз, бир чақасиз Барселонага етиб олди.

Ана шунда воқеанинг нима билан тугагини кутиб турганларнинг ҳаммаси Карл V га қарши чиқа бошладилар. Ҳенрих VIII³ ўз хотини Екатерина Арагоний

¹ Пескер Альфонс д'Авалос (1504—1546)— Карл V нинг саркардаси, Франциск I билан урушларда барча энг муҳим жангларнинг иштирокчиси.

² Монморанси — Ани де Монморанси (1493-1567) — қирол Франциск I-га жуда яқин асилзодалардан бири: у қирол саройида беназир қудратга эга бўлган.

³ Ҳенрих VIII — Англия қироли: Рим папасининг эътирозига қарамай, ўз хотини — император Карл V нинг қариндоши Екатерина Арагоний билан қўйди-чиқди бўлиши унинг католик черкови билан алоқани узганидан ва Англиянинг сиёсий йўналиши ўзгарганидан далолат берад эди.

билан ажралишиб, маъшуқаси Анна де Болейнга уйланди. Сулаймон Неаполь давлатига ва Венгрияга ҳужум қилди. Германиядаги протестант князлар¹ императорга қарши махфий иттифоқ туздилар. Ниҳоят, Францияга қарши олиб борилаётган уруш ҳаражатларини қоплаш учун муттасил равишда солинаётган огир солиқлардан тинка-мадори қуриган Гент² аҳолиси кутилмаганда қўзғолон кўтаради ва Франциск I ҳузурига элчилар юбориб, ундан Гент қўшинларига саркардалик қилишни сўрайди.

Лекин Карл V нинг тақдирига таҳдид сола бошлаган мана шу воқеалар пайтида, у билан Франциск I ўрта-сида яна музокара тикланади. Иккала мустабид ҳоким Эт-Мортда учрашишди, шунда тинчлик тарафдори бўлган Франциск I (зеро у Франциянинг тинчликка кўпроқ муҳтож эканлигини сезаётган эди) бундан буёқ ўз мақсадига қурол билан эмас, балки дўстона музокаралар орқали эришишга қарор қилди.

Алқисса, қирол Гент аҳолисининг мурожаатидан Карл V ни воқиф этишларини буюрди ва айни пайтда, Фландарияга бормоқчи бўлган қайнисига Франция орқали ўтишни таклиф қилди.

Бенвенуто Луврга ташриф буюрганида қирол кенгаши мана шу масалани муҳокама қилаётган эди: буюк санъаткорнинг дарагини эшитган Франциск I берган ваъдасига вафо қилиб, устани дарҳол залга киритишларини буюрди. Шундай қилиб, Бенвенуто ҳам муҳокаманинг охирини эшитиб қолди.

— Ҳа, жаноблар,— дерди Франциск I,— тўғри, камина жаноби де Монморансининг фикрига қўшиламман: мен ҳам мумтоз император билан узоқ муддатли

¹ Урта асрларда Германия бир неча юз майда князликларга бўлиб ташланган эди. XVI асрнинг бошида шу князликларнинг айримларида католицизмга қарши бўлган протестантлик дини ривож топа бошлайди. Германиянинг протестант князлари Рим папасининг таъсиридан ва император Карл V нинг ҳукмронлигидан озод бўлишга уринардилар ва айни пайтда Германиянинг католик князлари Карл V ни қўллаб-қувватлардилар.

² Гент — Нидерландиядаги бой-бадавлат савдо шаҳри: Европада Испанияга қарашли энг муҳим ўлкалардан бири. XIII аср давомида Нидерландияда Испанияга қарши миллий-озодлик ҳаракатлари тобора кучая борди. 1540 йилда Гентда қўзғолон кўтарилди: бу қўзғолон у ерга шахсан етиб борган Карл V томонидан шафқатсизларча бостирилди.

иттифоқ тузишни, у билан бирга бутун христанлар оламига ҳукмрон бўлишни, бизнинг қироллик ҳуқуқимизни чекламоқчи бўлган ва фуқароларимизни гоҳ навкар, гоҳ ақча беришдан бош товлашга ундаётган барча корпорациялар, коммуналар ҳамда турли мишмишлар тарқатувчи оломоғнинг тамомила даф бўлишини орзу қиламан. Мен муқаддас она черковимиз бошига кўп кулфатлар солаётган аҳли куфрни ҳазрати бузрук папанинг сарбаланд ҳукмронлиги остида динимиз паноҳига жалб этмоқ ниятидаман. Ва ниҳоят, Исо Масиҳнинг ғанимларига қарши жамики кучларни бирлаштириб, Константинополдан турк султони қувиб чиқаришни (ана унда ҳар хил мишмишларга барҳам бериб, султоннинг менга муттафиқ эмаслигини исботлайман), у ерни иккинчи империянинг куч-қудратда ҳам, ҳашаматда ҳам, улканликда ҳам биринчи империя билан рақобат қилишга қодир бўлган пойтахтга айлантиришни орзу қиламан. Менинг орзуим мана шунақа, жаноблар! Мен буларни «орзу» деб атадим,— зотан умидларимнинг рўёбга чиқишига жудаям ишонмаслигим ва айна пайтда, агар келажак умидларимни пучга чиқарса, армонда қолиб, ихлосим қайтмаслиги учун ҳам «орзу» деб атадим. Лекин бордию шу орзуим рўёбга чиққудек бўлса... ҳа, агар у амалга ошса, конетабль, агар Францияю Туркия, Парижу Константинополь, Ғарбу Шарқ менинг қўл остимда бўлса, ишонингки, жаноблар, бу гоҳта ажойиб, улугвор ва айна пайтда олижаноб иш бўлади!

— Шундай қплиб, сир,— деди ҳерцог де Гиз,— сиз Гент аҳолиси таклиф қилган сюзеренлик¹ ҳуқуқидан, шунингдек, Бургундлар хонадонининг² азалий мулкидан воз кечишга қарор қилдингизми?

— Ҳа, аҳдим қатъий. Император менинг ҳам ҳалол дўст, ҳам ҳалол душман эканлигимга шоҳид бўлади. Лекин биринчи навбатда, сизлар тўғри тушунинглар, менга Милан ҳерцоглигини қайтариб беришларини истайман, талаб қиламан. Бу давлат, ҳам ворислик

¹ *Сюзерен* — Урта асрларда Ғарбий Европада ўз қўл остидаги вассалларга ҳукмронлик қилган йирик феодал (ҳерцог, князь, киро). (Тарж.)

² *Бургундлар* — герман қабиласи. Бу халқ V асрда Рона дарёси ҳавзасини босиб олиб, бу ерда илк феодал давлати барпо қилган. (Тарж.)

ҳуқуқи бўйича, ҳам француз қироллари ихтиёрига топширилганлиги сабабли менинг мулким ҳисобланади. Чин дворянлик сўзини бериб қасам ичаманки, мен уни албатта оламан, лекин иним Карл билан дўстона муносабатни бузмай туриб оламан, деган умиддаман!

— Кейин сиз исён кўтарган Гент аҳолисини жазолаши учун Карл Бешинчига Франция орқали ўтишни таклиф қилмоқчимисиз? — деб сўради Пуайе.

— Ҳа, жаноб канцлер,— жавоб қилди қирол.— Шу бугуноқ император ҳузурига жаноб Фрежюсини юборинг, бориб унга менинг таклифимни изҳор қилсин. Биз тинчлик йўлида ҳеч нимаимизни аямаслигимизни императорга кўрсатиб қўяйлик! Аммо бордию у урушмоқчи бўлса...

Франциск I бу гапларни қўлларини даҳшатли ва улуғвор ҳаракат қилдириб айтди ва эшик олдида фақирона жим турган ҳайкалтарошни кўриб қолиб бир зум жим қолди.

— Аммо унинг кўнгли,— деб гапида давом этди қирол,— менга Бенвенуто дарагини олиб келган урушни хоҳлайдиган бўлса, Юпитер ҳаққи, оит ичиб айтаманки, бу жанг ниҳоятда серқурбон, даҳшатли, бешафқат бўлади!.. Хўш, Бенвенуто, қани менинг Юпитерим?

— Сир,— деб жавоб қилди Бенвенуто,— мен сизга Юпитерингизнинг моделини олиб келдим. Лекин, биласизми, ҳозир сизни кўриб ва гапларингизни эшитиб нима ҳақда ўйладим? Мен Фонтенблодаги қасрингизга ҳашаматли фаввора ўрнатишни ўйладим. Бир тасаввур қилинг: фаввора узра олтмиш фут баландликдаги маҳобатли ҳайкал қад кўтарган, ҳайкалнинг ўнг қўлида синган найза, чап қўли шамширининг бандига тиралган. Ҳайкал Марсни¹, бошқача қилиб айтганда, сизни, аъло ҳазратлари, тасвирлайди, зеро сиз, сир, жасорат тажассумидирсизки, мазкур жасоратингиздан адолатли ишда — шону шавкатингизни пок сақлашда фойдаланурсиз... Сабр қилинг, сир, бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳайкал пойидаги супанинг тўрт бурчагида ўтирган тўртта қиёфани: назм, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик ва саховатни тасаввур қиляпман ҳозир сизни кўриб, гапларингизни эшитганимда, сир, мен мана шу нарсаларни орзу қилдим!

¹ *Марс* — Рим мифологиясида уруш худоси.

— Демак шу орзуингизни мәрмәр тош ёки биринжда акс эттирасиз! Мен шуни истайман,— деди қирол амирона оҳангда, айни пайтда очиқ юз ва самимият билан жилмайди.

Қиролнинг бу сўзларини барча кенгаш аъзолари қарсақ чалиб қарши олдилар, зеро улар қиролни ҳайкалга, ҳайкални қиролга муносиб деб эътироф этган эдилар.

— Ҳозир эса,— деди қирол,— биз Юпитеримизни томоша қилайлик.

Бенвенуто ҳайкал моделини плашчи остидан чиқариб, ҳозиргина тинчликнинг тақдири ҳал қилинган стол устига қўйди.

Франциск I ҳайкалга завқланиб тикиларди — унинг юз ифодасини кузатган одам камдан-кам янглишарди.

— Ниҳоят мен кўнглим тусаган устани топдим!— деб у Бенвенутонинг елкасига-қоқиб қўйди ва гапида давом этди:— Дўстим, ким ўзини кўпроқ бахтиёр ҳис қилиши мумкин: дилидаги ниятларини тушуна оладиган,— ҳуллас, сиздек санъаткорни топишга мушарраф бўлган қиролми ёки ижодини тушунишга қодир бўлган қиролни учратган санъаткорми? Очиғи, менинг қувончим кучлироқ бўлиши керак, назаримда...

— Э, йўқ, сир, афв этасиз!— деди Бенвенуто.— Менинг қувончим кучлироқ, бунга шак-шубҳа йўқ.

— Йўқ, менинг қувончим кучлироқ, Бенвенуто!

— Аъло ҳазратларига эътироз билдирмоққа журъат эта олмайман: аммо барибир...

— Ҳай, икковимизнинг ҳам қувончимиз баб-баробар, дея келишайлик, дўстим.

— Сир, сиз мени дўстим, деб атадингиз...— деди Бенвенуто.— Елғиз шу сўзнинг ўзи, сиз, аъло ҳазратлари учун қилган ва бундан кейин қиладиган барча ишларимга тўланадиган ҳақдан юз карра қимматроқдир.

— Бас, шундай экан, Бенвенуто, бу — тасодифан оғиздан чиқиб кетган қуруқ сўз эмаслигини исботлайман, бинобарин, сени ўз дўстим деб атаган эканман, демак, чиндан ҳам сен менинг дўстимдирсан. Мен Юпитерни кутаман. Уни имкони борича тезроқ битир, ана унда, асилзода сифатида онт ичиб айтаманки, сен кўнглингга сиққан нарсани сўрашинг мумкин, фақат қироллик қудратим истагингни бажаришга қодир бўлса бўлгани... Эшитяпсизми, жаноблар? Агар

шу берган ваъдамни унутсам, сизлар эсимга солинглар.

— Сир! — деди Бенвенуто. — Сиз буюк ва олижаноб қиролсиз, менга кўрсатган саховатларингизнинг учқунини ҳам яхшилик билан қайтаришга ожиз эканлигимдан хижолатдаман!

Шундай деб Челлини қиролнинг узатган қўлини ўпди-да, Юпитернинг моделини яна плашчи остига яшириб, гурур ва қувонч билан кенгаш залидан чиқди.

У Луврдан чиқаверишда қасрга кириб келаётган Приматиччони учратди.

— О, кадрдон дўстим Бенвенуто, қаёққа бунчалик шошиб кетяпсиз ва нимадан бунчалик хурсандсиз? — деб сўради Приматиччо.

Челлини дўстини аввалига пайқамаган ҳам эди.

— Э, сизмисиз, Франческо! — деди у. — Ҳа, сиз ҳақсиз, гоъл хурсандман, зеро мен ҳозир буюк ва мўътабар, саховатда беназир қиролимиз Франциск Биринчини кўришга мушарраф бўлдим.

— Д'Этамп хонимни ҳам кўрдингизми? — деб сўради Приматиччо.

— Гарчи мени камтарликнинг кўчасига кирмаган деб айтишса ҳам, унинг сўзларини сизга айтишга журъат эта олмайман, Приматиччо.

— Хўш, нима деди сизга д'Этамп хоним?

— У мени, дўстим, деб айтди. Тушуняпсизми, Приматиччо? У худди ўз маршаллари билан суҳбатлашгандек, мен билан «сен»лашиб гапиришди. Кейин у менга Юпитерни ясаб бўлганингдан кейин қандай саховат истасанг, ҳаммасини бекаму кўст бажаришга ҳозирданоқ сўз бераман, деб айтди.

— Хўш, д'Этамп хоним сизга нима ваъда қилди?

— Сиз қизиқ одам экансиз-ку, Франческо!

— Нега энди?

— Сиз мендан ҳадеб д'Этамп хоним ҳақида сўраб ётибсиз, мен бўлсам, нуқул қирол ҳақида гапиряпман.

— Негаки, сарой ҳаётини сиздан кўра мен яхшироқ биламан. Бенвенуто, сиз ўзингиз билан бу ерга гўзал Италиянинг бир қисмини олиб келгансизки, камина миннатдорчилик юзасидан сизни катта фалокатдан халос қилмоқчиман. Негаки, сиз менинг ҳамюртим ва дўстимсиз. Қулоқ солинг, Бенвенуто, мен сизни илгари ҳам огоҳлантирган эдим: ҳерцогиня д'Этамп — сизнинг ашаддий душманингиз. Лекин агар илгари унинг душманлигидан шунчаки хавфсираган бўлсам,

энди бунга қатъий ишонаман. Сиз ҳерцогиняни ҳақорат қилдингиз, энди у билан тезроқ битгим тузмасангиз, у сизни нобуд қилади. Гапларимни диққат билан эшитинг, Бенвенуто: д'Этамп хоним — қиролнинг ҳокимасидир!

— Ё тангрим, нима деяпсиз ўзи! — деб хахолаб кулиб юборди Челлини. — Тавба, мен д'Этамп хонимни таҳқирлаганмишман! Ахир қандай қилиб?

— Мен сизни жуда яхши биламан, Бенвенуто, шунга кўра, нима сабабдан ўртада бундай совуқ муносабат пайдо бўлгани мендан ҳам, хонимнинг ўзидан ҳам кўра сизнинг ўзингизга кўпроқ аён бўлиши керак, деб ўйлайман. Лекин илож қанча? Аёлларнинг табиати ўзи шунақа: улар ёмон кўришларининг ҳам, севишларининг ҳам сабабини билмайдилар. Бинобарин, билиб қўйинг: д'Этамп хоним сизни ёмон кўриб қолган.

— Мен нима ҳам қила оламан?

— Нима қилардингиз? Унга тилёғламалик қилиб бўлса ҳам, санъатни қутқаринг.

— Суяқоёқ хотинга тилёғламалик қиламанми?

— Сиз ноҳақсиз, Бенвенуто, — деди Приматиччо мийғида кулиб. — Ноҳақсиз. Д'Этамп хоним соҳибжамол аёл, буни мусаввир сифатида эътироф этмоғингиз лозим.

— Мен-ку, буни эътироф этаман, — деди Бенвенуто.

— Бас, шундай экан, мана шу гапингизни менга эмас, хонимнинг ўзига айтинг. Дўстлашиб олишингиз учун шунинг ўзи кифоя. Сиз ўжар феълингиз билан хонимни таҳқирлабсиз, энди ярашиш учун ҳам биринчи бўлиб қадам қўйинг-да.

— Агар мен ҳерцогиняни ҳақорат қилган эканман, — деди Челлини, — бу бехосдан бўлди, аниқроғи, кўнглимда ҳеч қандай ёмон ният йўқ эди. У менга ноҳақ пичинг отди: шунинг учун, қилмишига яраша адабини бериб қўйдим.

— Бўлди, бўлди! Сиз хонимнинг гапларини унутинг, Бенвенуто, уни ҳам сизнинг аччиқ жавобингизни унутишга мажбур қилинг. Яна айтаман, у ўлгудек кекчи, ичиқора аёл, бунинг устига, қирол қалбига ҳокималик қилади. Тўғри, қирол санъатни, лекин санъатдан ҳам кўпроқ хонимни яхши кўради. Ҳерцогиня густоҳона хулқингиз учун мажбуран тавба қилдиради сизни, Бенвенуто. Шу аёл туфайли сиз ўзингизга душман орттирасиз — ахир прево ҳам шу хонимнинг

сўзи билан сизга қаршилиқ кўрсатишга журъат этувди. Гап бундай, мен ҳерцогинянинг буйруғи билан Италияга, Римга кетяпман. Бу саёҳатим, Бенвенуто, сизга қарши қаратилган, қарангки, ўз дўстингиз мажбуран д'Этамп хонимнинг қасос қуроли бўлиб хизмат қилмоқда.

— Нима иш қилмоқчисиз Римда?

— Нима иш қилардим? Сиз қиролга маҳорат бобида қадимги ҳайкалтарошлар билан беллашишга ваъда берибсиз, биламан, ваъдангизнинг устидан чиқасиз. Лекин ҳерцогиня сизни мақтанчоқ деб ўйлапти, шунга кўра, у сизни муқояса йўли билан янчиб ташлаш мақсадида бўлса керак, камина мусаввирни Лаокоон¹, Венера ва бошқа кўпгина энг гўзал қадимий ҳайкаллардан қўйма олиш учун Римга жўнатяпти.

— О, мана бунга энг мудҳиш, энг ашаддий интиқом деса бўлади!— деди Бенвенуто: у ниҳоятда гурури баланд одам эди, лекин шунга қарамай, асарларини энг буюк ҳайкалтарошларнинг ижоди билан муқояса қилмоқчи бўлганларини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонлана бошлади.— Э, йўқ, мен аёл кишига паст келмайман!— деб илова қилди у муштларини тугаркан.— Ҳеч қачон, асло!

— Паст келиш керак эмас! Бунинг йўли бор, мана, эшитинг: д'Этамп хонимга Асканио ёқиб қолипти. Хоним унга буюртма бермоқчи, ҳатто у мендан, йигитчани ҳузурига юборишимни илтимос қилди. Мана сизга энг осон йўл: шогирдингизни д'Этамп қасрига бошлаб бориб, ўзингиз уни соҳибжамол ҳерцогиняга тавсия қилинг. Ана шу вазиятдан фойдаланиб, биронта чиройли тақинчоқ олиб олинг — ахир сиз дунёда энг зўр заргарсиз-ку, Бенвенуто! Сиз ўша қимматбаҳо матоҳни хонимга кўрсатинг, кейин кўзлари ўйнаб кетганини кўрган заҳотингиз ҳусну латофатига арзимайдиган ўша матоҳингизни унга туҳфа этинг. Ҳерцогиня қимматбаҳо совғангизни қабул қилиб, миннатдорчилик

¹ *Лаокоон* — юнон мифологиясида, Аполлоннинг Троядаги қотили. У Троя уруши пайтида, юнонлар қолдириб кетган баҳайбат ёғоч отни шаҳарга олиб кирмасликка даъват этади. Шу сабабли, юнонлар тарафида бўлган маъбуда Афина Лаокоонга қарши иккита илон юборади. Илонлар Лаокоон билан унинг ўғилларини бўғиб ўлдиради. Мана шу воқеани акс эттирувчи «Лаокоон» ҳайкали милоддан олдинги 50 нчи йилларда родослик ҳайкалтарошлар: Агесандр, Атенодор ва Полидорлар томонидан ишланган бўлиб, ҳозир у Ватикандаги Пию-Клементино музейида сақланади. (Тарж.)

изҳор этади ва ўрнига ўрин у ҳам сизга, рутбаънгиизга муносиб совга берадию шу билан сизга яна илтифот кўрсата бошлайди. Лекин агар бу аёл сизга душманлик қиладиган бўлса, унда ҳозирданоқ барча кўзлаган буюк режаларингиздан воз кечаверинг! Иммасини айтасиз! Мен ҳам бир оз вақт бош эгнишга мажбур бўлганман, лекин кейин яна қаддимни тиклаб, бошимни адл кўтариб олдим. Авваллари анави бўёқчи Россони мендан юқори қўйишарди: ҳамиша, ҳамма ерда уни мендан афзал кўришарди. Уни ҳатто қирол тожини асровчи этиб ҳам тайинлашган эди.

— Сиз Россони ноҳақ ерга уряпсиз, Франческо,— деди Челлини ўз табиатига хос самимийлик билан.— У буюк санъаткор.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Мен бунга аминман.

— Э, мен ҳам бунга аминман,— деди Приматиччо,— шунинг учун ҳам ундан нафратланаман. Зеро, ундан мени яқсон қилиш учун фойдаланишди. Лекин мен такаббур ҳерцогиняга бир оз хушомад қилдим, мана, оқибат камина буюк Приматиччома. Энди ўз навбатида сизни яқсон қилиш учун мендан фойдаланишмоқчи. Сиз ҳам мендан ўрнак олинг, Бенвенуто, маслаҳатимга кирилинг, кейин хурсанд бўласиз. Утинаман сиздан, ўзингиз учун, мен учун йўқ деманг, сизнинг шон-шуҳратингиз, истиқболингиз ҳаққи ёлбораман, сўзимга кирилинг! Чунки агар ўжарлик қиладиган бўлсангиз, келажакингизни барбод, шавкатингизни бадном қиласиз.

— Киши ўз феълини ўзгартириши қийин,— деди Челлини, ҳолбуки унинг ён боса бошлагани сезилиб турарди.

— Бенвенуто, агар ўзингизни ўйламасангиз, қирол ҳаққи шундай қилинг! Наҳотки унинг, суюкли маъшуқаси билан энг теран ҳурматига сазовор бўлган ҳайкалтарошидан қай бирини афзал кўришга қийналиб юрак-бағри хун бўлишини истасангиз?

— Начора, майли, сизнингча бўлсин! Қирол учун мен ҳеч нимадан қайтмайман!— деди Челлини, ўз гурурига зиён етмайдиган важ топилганидан хурсанд бўлиб.

— Омадингизни берсин!— деди Приматиччо.— Яна бир илтимос: ўзингиздан қолар гап йўқ, агарда бу суҳбатимизнинг ҳатто учқуни ҳерцогинянинг қулогига бориб етгудек бўлса, мени адойи тамом бўлди деяверинг.

— Азбаройи худо, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин,— деди Челлини.

— Бенвенуто сўз берар экан, бошқа ҳеч қандай далилнинг ҳожати йўқ.

— Сўз бераман.

— Алвидо, иним!

— Сизга оқ йўл тилайман!

— Яхши қолинг!

Шундан сўнг дўстлар маҳкам қўл сиқишиб хайрлашар эканлар, ўзаро тузилган битимни тасдиқлагандек бош иргашиб қўйдилар.

Ун учинчи боб

ГҲЗАЛ ХОНИМНИНГ ҚАЛБИ

Д'Этамп саройи Нель қасридан унча узоқ эмас эди. Шунинг учун, қасрдан саройга бунчалик тез етиб келганимиз китобхонни ажаблантирмасин.

Бу сарой Августинлар соҳилининг яқинига жойлашган бўлиб, Гўл-Гадо кўчаси (таъсирли чиқсин учун ҳозир кўчанинг отини Рухлар Маскани деб ўзгартиришган) ёқалаб чўзилган эди. Саройга кирадиган асосий дарвоза Қалдирғоч кўчасида эди. Франциск I бу саройни маъшуқасига ҳадя қиларкан, унга Жак Деброс граф де Пантьеврга турмушга чиқишни, Жак Деброс граф де Пантьеврга эса, мана шу маъшуқасини хотинликка олишни шарт қилиб қўйиб, унга Этамп ҳерцоглиги ҳамда Бретань ҳокимлигини инъом этган эди.

Қирол бу туҳфасини соҳибжамол ҳерцогиняга муносиб қилиб ясатмоқчи бўлди. У кўҳна қасрни ўта янгича дид билан безатиш ҳақида фармон берди. Бинонинг одмигина ва кўринмас беткай томонида гўё сеҳргарнинг бир қўл силташи билан вужудга келгандек, Уйғониш даврига хос гоят кўркем гуллар намоен бўлдики, фақат муҳаббат даъвати билан тузилган режалар амалга ошганидагина шундай бўлади. Ва ниҳоят, қиролнинг саройни безаш учун қандай жаҳду жадал билан киришганига эътибор бериладиган бўлса, унинг ўзи ҳам аксарият вақтини шу ерда — ҳерцогиня д'Этамп ҳузурда ўтказишга аҳд қилганини тушуниш мумкин эди. Хоналар чинакам шоҳона дабдаба билан

жиҳозланган, бутун сарой гўё ҳақиқий қиролича учун ҳозирлангандек, ҳатто Карл V нинг опаси, Франциск I нинг қонуний завжаси бўлмиш Элеонорадек пурлатофат ва хушхулқ аёлнинг (бу аёлни жамоатчилик қадрламас, ҳатто сарой аъёнлари ҳам унча хуш кўрмасдилар) қасридан ҳам юз чандон ҳашаматлироқ эди.

Ҳозир эрталабки пайт, агар биз ҳерцогинянинг оромгоҳига назар ташласак, унинг бежирим бошини бир кўлига қўйиб, иккинчи кўли билан тўқ зарринранг жингалак зулфини бепарво ўйнаб, кенг диванда ёнбошлаб ётганини кўрамиз. Аннанинг қора бахмалдан тикилган юзи очиқ жажжи туфлича кийган оёқчалари янаям кичкинароқ, янаям оқроқ туюлар, кўйлагининг этаги қатлам-қатлам бўлиб пала-партиш осилиб ётардики, бу манзара латифа аёлни яна ҳам фусункорроқ қилиб кўрсатарди.

Қирол ҳам шу ерда: у дераза олдида турипти, лекин ҳерцогиняга қарамайпти. У бармоқлари билан дераза ойнасини тақиллатаркан, чуқур ўйга толганлиги сезилиб турарди. Шубҳасиз, у Карл V нинг Францияга келишига дахлдор бўлган муҳим масала устида бош қотираётган бўлиши керак.

— Нима ҳақда бунчалик ўйланиб қолдингиз, аъло ҳазратлари, кейин нечун менга орқа ўгириб олдингиз? — ранжигандай бўлиб сўради ниҳоят ҳерцогиня.

— Сизга бағишланган шеър ҳақида ўйлаяпман, жонгинам. Назаримда у энди тобига келгандай бўляпти, — деб жавоб қилди Франциск I.

— Утинаман сиздан, шеърингизни тезроқ ўқиб беринг, о менинг соҳиби тож ажойиб шоирим!

— Бажону дил, — деди қирол тождор шоирга хос такаббурлик билан. — Эшитинг:

Тонг оламга кучоқ очарди,
Шуълалардан деразам алвон...
Аврорани кўрдим, учарди —
Йўл кўрсатиб Фебга мен томон
Малойиклар таважжуҳидан
Қамашмади ва лекин кўзим.
Мени масту масрур айлаган
Ўтли нигоҳ, лаъли табассум,
Дедимки мен: — Малойиклар, ҳой,
Гарчи кўҳли, ҳуснга бойсиз.

Ерим билан талашган чирой,
Ерим — қуёш, сиз — сўник ойсиз!¹

— О, нақадар ғаройиб шеър! — деди ҳерцогиня қарсак чаларкан. — Энди Аврора билан истаганингизча завқланаверинг, мен рашк қилмайман, зеро унинг шарофати туфайли шундай ажойиб шеърга мушарраф бўлдим. Яна бир марта ўқиб беринг, илтимосимни қайтарманг!

Франциск I маъшуқасига аталган шеърини яна бир қарра ўқиб берди — бу билан у ҳам ҳерцогиняга, ҳам ўзига ҳузур бахш этмоқчи эди, аммо Анна энди бир оғиз ҳам сўз айтмади.

— Сизга нима бўлди, жонгинам? — деб сўради Франциск I. У маъшуқасининг яна мақтов сўзлар айтишини кутган эди.

— Нима бўларди, сир, мен кечаги гапимни бугун яна ҳам қатъийроқ ишонч билан такрорламоқчиман: яъни, ўз хонимининг, нафақат маҳбубаси, балки илҳом париси ҳисобланган хонимини таҳқирлашларига сиздек рицарсифат қиролнинг чидаб туриши кечириб бўлмайдиган ҳол.

— Сиз яна эски гапни қўзгадингиз, мунча жиззакисиз? — деди қирол аччиғланиб ва кифтини учириб қўйди. — Ахир унинг нимаси таҳқир, ё товба! Шу оддийгина бир ранж ҳатто ўқиган шеъримни ҳам унутишга мажбур этибди сизни: шунчалик кекчимисиз, о, менинг шоҳона санамим?

— Сир, менинг муҳаббатим қанча қудратли бўлса, нафратим ҳам шунчалик иқтидорга эга.

— Шундай бўлса ҳам, мен сиздан жуда-жуда ўтиниб сўрайманки, жангга қандай бемулоҳазалик билан отилса, худди шундай гапириб юбораверадиган, нима деётганини ўзи ҳам фаҳмламайдиган, бинобарин, сизни ҳақорат қилишни хаёлига ҳам келтирмаган, — мен бунга кафилман, тентак Бенвенутодан аччиғланманг. Қолаверса, ўзингиз яхши биласиз, шафқат қилиш — худоларнинг фазилатидир, о, менинг эъзозли маъбудам. Менга бўлган муҳаббатингиз ҳаққи кечира қолинг ўша телбани!

— Қанақасига телба бўлсин? — деб паст овоз билан эътироз билдирди Анна.

— Ҳа, у буюк телба, чин ҳақиқат бу, — деб таъкид-

¹ Шеърларни Муҳаммад Раҳмон таржима қилган.

лади Франциск I.— Кеча уни кўрган эдим, у менга гоят нодир буюмлар ясаб бермоқчи бўлди. Маълумки, санъатнинг бу соҳасида унга тенг келадиган биронта ҳам уста йўқ! У худди Андреа дель Сарто, Тициан ва Леонардо да Винчи янглиғ менинг шуҳратимни келгуси асрларга таратади. Биласиз-ку, азизам ҳерцогиня, бу санъаткор мени ўзига маҳлиё қилиб қўйди! Сиз ҳам унга илтифот кўрсатинг, мурувват қилинг, ўтиниб сўрайман сиздан! Орий, апрель ойида дабдурустан ёмғир аралаш қор ёққани, аёл кишининг тантиқлиги санъаткорнинг куракда турмайдиган, қилиқлари менга хуш ёқади ва асло аччигимни келтирмайди. Яъни, мен севган хилқат мен учун азиз бўлган одамнинг гуноҳидан ўтса, девдим!

— Мен сизнинг чўрингизман, амрингизга итоат этгум, сир.

— Ташаккур. Бас, шундай экан, сиз аёллик саховатингиз билан менга кўрсатган бу мурувватингиз эвазига совға учун кўнглингиз хоҳлаган нарсани талаб қилишингиз мумкин — фақат қироллик иқтидорим етса бўлгани! Аммо тассуфки: биз энди хайрлашишимиз керак. Бугун кенгашимиз бор. Яна диққатвозлик!.. Ҳа, инимиз Карл Бешинчи қиролингизнинг фаолиятини жуда мураккаблаштириб юборди. У рицарона жасорат кўрсатиш ўрнига, айёрлик қилмоқчи: шамширни эмас, патқаламни ишга солмоқчи. Азбаройи худо, бу қадар усталик ва эпчиллик билан олиб бориладиган давлат ишлари учун янги ном кашф қилиш керак менимча!.. Яхши қолинг, севикли маҳбубам, мен муғамбир ва эпчил бўлишга ҳаракат қиламан. Сиз нақадар хушбахтсиз — сиз учун фақат бир наrsa: ҳамиша гўзал бўлишининг ўзи кифоя! Зотан само сизнинг бундай бўлишининг учун бутун кучини ишга солган. Алвидо, жоним! Йўқ, йўқ, сиз қўзғолманг, йўлакда маҳрамим кутиб турипти. Яхши қолинг, мени унутманг.

— Мудом сизни ўйлагум, сир.

Шундан сўнг, Франциск I д'Этамл хонимга ҳавойи бўса юборди-да, эшик пардасининг бир чеккасини кўтариб ташқари чиқди. Шунини эътироф этиш керакки, ҳозиргина ёлғиз қолган соҳибжамол ҳерцогиня шу қадар «вафодор» эдики, қиролнинг қораси ўчган ҳамонок, уни эмас, балки мутлақо бошқа одамларни ўйлай бошлади.

Д'Этамл хоним табиатан жуда серғайрат, пурэх-

тирос, иззатталаб аёл эди. У қиролнинг ишқига мушарраф бўлиш учун не-не ишваю муқомлар қилмади, охири ниятига мардонавор эришдиям, аммо сал вақт ўтар-ўтмас бу ишқ беқарор қалб соҳибасининг меъдасига тегиб, яна зерика бошлади. Бир пайтлар ёқтириб қолгани адмирал Брион билан граф де Лонгваль ҳамда тоабад жини суймаган Диана де Пуатьелар хонимнинг бутун фикру хаёлини қамраб ола олмасдилар. Бироқ мана, бир ҳафталардан бери ҳерцогинянинг руҳи яна кўтарилиб, яна завқ-шавқ билан яшай бошлади, зеро у яна нафратланиш, сева олиш қудратини топган эди. Хоним Челлинидан нафратланар, Асканиони севиб қолган эди, шу боис, ҳозир жориялар кийинтираётганда ўша Челлини билан Асканиони ўйлай бошлади. У тамоман кийиниб бўлиб, сочларини тартибга солишгина қолганида, Париж превоси билан виконт де Марманнинг ташриф буюришганини хабар қилишди.

Улар саройда шаҳзоданинг маъшуқаси Диана де Пуатье билан д'Этамп хоним атрофида вужудга келган икки қарама-қарши гуруҳ даврасида ҳерцогинянинг энг садоқатли мухлисларидан ҳисобланардилар. Киши одатда ўз душмани ҳақида ўйлаб турганида дўстини албатта хушчехра билан кутиб олади. Шу сабабли, д'Этамп хоним ҳам тумшайган прево билан тиржайган виконтга қўлини ғайри таъриф назокат билан ўпиш учун чўзди.

— Мессер прево,— деди у д'Эстурвилга; хонимнинг на қаҳрида бирон сохталик-у, на раҳмида бирон ҳақорат оҳанги сезиларди,— бизга маълум бўлишича, анави бетавфиқ италиялик сиздек гоят эъзозли дўстимизни анча безовта қилганмиш. Эшитиб қануз ғазабдамиз.

— Хоним афанди,— деб жавоб қилди д'Эстурвиль ҳаттоки ўз мағлубиятига ҳам хушомад либосини кийдириб гапираркан,— сизнинг на ҳусну жамолингни, на сертакаллуф муомалангни писанд қилган бетавфиқ оппоқ сочиму мартабам туфайли менга раҳм қилганида, қаттиқ хижолатда қолган бўлур эдим.

— О, ўзингизга аён, қирол ўша ҳаёсиз ажнабийларга ҳаддан зиёд муруват қилмоқда,— деди Анна,— шу боис, аъло ҳазрат заргарнинг таҳқир сўзларини унутишимни илтимос қилди. Мен ҳам унутдим.

— Ундай бўлса, хоним афанди, аминмизки, бизнинг илтимосимиз ерда қолади. Ижозат берсангиз уни сизга баён қилмай қайтиб кетсак.

— Бу қанақаси, мессер д'Эстурвиль, ахир ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам мен сизнинг дўстингиз эдим-ку! Гапиринг, қани, гапираверинг илтимосингизни, йўқса бунақа гумонсировчи дўстимдан аччиғла-наман!

— Ҳай, начора, хоним афанди, хуллас, гап бундай. Сизнинг саховатингиз шарофати ила каминага қирол қасрларидан хоҳлаганимни танлаш ҳуқуқи берилган эрди. Мен бу ҳуқуқимдан виконт де Марманнинг манфаатини кўзлаб фойдаланишга қарор қилдим, бинобарин, биз турган гапки, ярамас одамлар қўлига тушиб қолган Нель қасрини танладик.

— Хўш, хўш! Гапларингизни диққат билан эшит-япман,— деди ҳерцогиня.

— Аввалига виконт жуда суюниб кетди, хоним афанди, аммо мулоҳаза қилиб кўриб, энди иккиланыпти, анави қароқчи Бенвенутодан қўрқяпти...

— Мени афв этасиз, қадрли дўстим,— деб превонинг сўзини бўлди виконт де Мармань,— сиз фикримиз моҳиятини нотўғри тушунтиряпсиз. Мени Бенвенуто эмас, балки қиролнинг газаби чўчитяпти. Гапнинг сираси, агар ҳерцогиня таъбири билан айтадиган бўлсак, анави ҳаёсиз италияликнинг меъни ўлдириб қўйишидан қўрқмайман... Билъакс, ҳалиги, ўзим уни гумдон қилиб қўйишдан қўрқаман, яъни фалокат босиб, қирол ўзининг, билишимча, энг эъзозли қулидан, мен туфайли жудо бўлиб қолишидан чўчийман.

— Шу боис, хоним афанди, камина, зарурат ту-гилгудек бўлса, виконтни сиз ўз ҳимоятингизга оли-шингиз мумкин, деб унга далда беришга журъат этдим.

— Мен дўстларимга ҳамиша ҳомийлик қиламан,— давом этди ҳерцогиня.— Ундан ташқари, ихтиёрин-гизда мендан ҳам ишончлироқ дўст, яъни адолат бор-ку! Ахир сизлар қиролнинг хоҳиши билан иш кўр-моқчисизлар-ку! Шундай эмасми?

— Аъло ҳазратларининг хоҳиши бўйича, анави Бенвенутодан бошқа ҳеч бир кимса Нель қасрини эгаллашга журъат эта олмайди, шунга кўра, бизнинг ҳам айнан бу қасрни танлашимиз интиқомга ўхшаб кетяптики, бундан кўз юмиб бўлмайди. Ана, Челлинини ўлдирдим ҳам дейлик,— шундай бўлишига имоним комил, зеро менинг иккита жуда ишончли одамим бор, хўш, кейин нима бўлади?

— Вой, худойим-э! — деди ҳерцогиня ва оппоқ тиш-

ларини кўрсатиб жилмайиб қўйди.— Билмайсизларми, ахир қирол фақат тирикларга ҳомийлик қиладу-ку. У марҳумлар учун қасос олиш билан деярли шуғулланмайди, демак санъат нафосатидан завқлантирадиган манба қуригач, аминманки, унинг бутун ҳиссиёти ёлғиз менга қаратилади. Уша келгинди мени ҳамманинг олдида қаттиқ ҳақорат қилди! Эсингиздами, Мармань?

— Лекин хоним афанди,— деб эҳтиётлик билан жавоб берди виконт,— сиз ҳимоятингизга оладиган нарсани аниқ тасаввур қилишингиз лозим.

— О, ниятингиз менга кундай равшан, виконт.

— Йўқ, ижозатингиз билан ҳаммасини батафсил сўзлаб берсам, зеро сизни гофил қолдиришни истамайман. Эҳтимол, ўша заргарни куч билан енгиланиш иложи йўқдир, ахир у нақ иблиснинг ўзи-ку. Агар шундай бўлса, сизга очигини айтишим керак, айёрлик қилишимизга тўғри келади, яъни башарти Бенвенутони менинг одамларим кундуз кунни қўлдан қочириб юборсалар, барибир улар бир кунмас бир кун кечқурун қоронгуда биронта торкўчада тўқнаш келадилару кейин... Одамларим наинки найза-шамширлар билан, хоним афанди, шунингдек ханжарлар билан ҳам қуролланишган...

— Мен ҳаммасига тушундим,— деди ҳерцогиня, лекин қотиллик режаси ҳақидаги қисқа ахборотни эшитганидан кейин унинг тароватли хушрўй чеҳраси заррача ҳам оқармади.

— Жуда соз, хоним афанди!

— Хурсандман, виконт! Билсам, жуда эҳтиёткор одам экансиз, агар виждонан айтадиган бўлсам, сиз билан довлашиш яхшиликка олиб келмайди!

— Хўш, бизнинг бу режамизга қандай қарайсиз, хоним афанди?

— Дарҳақиқат, режангиз ҳазилакам эмас. Назаримда, уни пухтароқ ўйлаб кўриш керак, боя сизларга айтдим-ку; кейин, бундан ҳамма воқиф бўлди, ҳатто қирол ҳам тушуниб туриптики, ўша бетавфиқ иззатнафсимга тегиб, мени жуда қаттиқ ранжитди. Уни кўрарга кўзим йўқ... Менга ўз эрим ёки Диана хоним қанчалик манфур бўлса, ундан ҳам шунчалик нафратланаман! Азбаройи худо, мен сизга сўз бериб айтманки... Ҳа, нима гап, Изабо? Суҳбатимизга ҳалал бердинг.

Графиня бу сўзларни хонага мутлақо паришон ҳолда ўқдек отилиб кирган жорияга қаратган эди.

— Э, худойим! Хоним афанди,— деди Изабо,— мени афв этишингизни ўтиниб сўрайман, флоренциялик заргар Бенвенуто Челлини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ниҳоятда гаройиб бир олтин кўзача олиб келипти. Кейин у, кўзачани сиз, зоти мунавварларига туҳфа этажагини назокат билан айтди-да, марҳамат қилиб, бир дақиқагина вақтингизни аямаслигингизни сўради.

— Э, шунақа дегин! — деди ҳерцогиня: унинг гурури таскин топган ва жаҳлидан тушган эди.— Сен нима деб жавоб қилдинг, Изабо?

— Соҳибам ҳали кийинганларича йўқ, кириб илтимосингизни айтаман, дедим.

— Жуда соз!.. Ғанимимизнинг эси кира бошлапти шекилли,— деб илова қилди ҳерцогиня ҳайратда қолган превога,— назаримда у бизнинг мавқеимизни, қудратимизни тан ола бошлаганга ўхшайди. Барибир, арзонгина қутуламан, деб овора бўлмай қўя қолсин. Унинг узрини дарров эшита қолмайман: олдин роса куттираман. Кимни ҳақорат қилганини, ғазабимизнинг қанақалигини билиб қўйсин!.. Изабо, чиқиб айт: сен унинг илтимосини етказдинг, мен кутиб турсин, деб буюрдим.

Изабо чиқиб кетди.

— Шундай қилиб, виконт,— гапини давом эттирди бир қадар ғазабдан тушган ҳерцогиня,— мен сизга айтсам, режангиз ҳазилакам режа эмас, бинобарин, ёрдам қиламан, деб сўз бера олмайман, қолаверса, бу жинойй иш ёки зимдан қилинадиган қотилликдир.

— У сизни кўпчиликнинг олдида таҳқирлаган экан-ку,— юрак ютиб луқма ташлади прево.

— Уйлайманки, мессер, унинг узр сўраши ҳам кўпчиликнинг кўз олдида бўлади. Ҳаттоки энг буюк ҳукмдорларга бўйин эгмаган, барчани даҳшатга солган такаббур одам ғазабдан тушиб, остонамда раҳм қилишимни сўраб турипти, ҳа, майли, менимча, икки соат атрофида кутиб ўтирса, гуноҳи ювилади. Ахир жудаям бешафқат бўлиш яхши эмас! Сиз ҳам кечира қолинг. Мен ҳам икки соатдан кейин гуноҳидан ўтмоқчиман. Наҳотки менинг сизга таъсирим қиролнинг менга бўлган таъсиричалик кучли бўлмаса?

— Бизнинг бу ердан кетишимизга марҳамат қилиб ижозат берсангиз, хоним афанди,— деди прево таъзим

қилиб,— зеро мен ҳақиқий соҳибам бўлмиш сиз зоти мунавварларига қуруқ ваъда беришни истамайман.

— Кетишингизга ижозат берайми? Э, йўқ! — деди ҳерцогиня, чунки у ўз галабасига шаҳодат берувчиларни ушлаб туришни хоҳларди.— Мен, жаноби прево, душманингизнинг қандай хор бўлишини ўз кўзингиз билан кўришингизни истайман, айни пайтда, иккаламиз ҳам ундан интиқом оламиз. Шу икки соат вақтини сиз билан виконтга багишлайман. Миннатдорчиликнинг кераги йўқ... Айтишларича, қизингизни граф д' Орбекка турмушга бераётганмишсиз, шу ростми? Дарҳақиқат, гоят чиройли никоҳ бўлади. Мен «чиройли» дедим, аслида «манфаатли», дейишим керак эди. Марҳамат, ўтиринг, мессер. Биласизки, тўй қилиш учун менинг розилигим бўлиши керак, лекин сиз ҳали мендан ижозат сўрамадингиз. Аммо мен розилик бераман. Д' Орбек ҳам худди сиздек менга содиқ одам. Ҳали биз сизнинг латофатли қизингизни кўриб, у билан ҳузур қилиб суҳбатлашамиз, деган умиддаман. Турган гапки, куёвингиз ҳам оқилона иш тутиб, рафиқасини саройга олиб келади. Қизингизнинг исми нима?

— Коломба, хоним афанди.

— Чиройли, ёқимтой исм. Лекин исмнинг одам қисматига таъсири бор, дейишади; агар шу тўғри бўлса, шўрлик юмшоқ кўнгил қиз ҳали кўп қийинчиликларни бошидан кечиради... Ҳа, яна нима гап?

— Ҳеч нима, хоним афанди. Кутиб тураман, деди.

— Жудаям яхши бўпти! Эсимданам чиқиб кетган экан... Ҳа, такрор айтаман: Коломбани эҳтиёт қилинг, мессер д' Эстурвиль! Унинг бўлажак эри граф д'Орбек билан менинг эримнинг тупроғи бир ердан олинган, д' Орбекнинг шуҳратпарастлиги эрим ҳерцог д' Этампнинг очкўзлигидан қолишмайди, айтмоқчи-манки, унинг учун ўз хотинини бирон-бир вилоятга айрибошлаб юбориш ҳеч гап эмас. Қолаверса, мен ҳам эҳтиёт бўлишим керак! Алалхусус, агар қизингизнинг ҳусну жамоли ҳақидаги гаплар рост бўлса. Уни менга кўрсатасиз, шундай эмасми, мессер? Ахир мен ўзимни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўришим керак-ку.

Ҳерцогиня ҳали замон Бенвенуто устидан зафар қучажагини ҳузур қилиб кўз олдига келтираркан, чеҳраси гул-гул ёнарди; кейин у шундай астойдил завқу шавқ билан узоқ гапирди, гапираркан ҳар бир хатти-

ҳаракатида шодиёна бетоқатлик сезилиб турди.

— Яна ярим соатгина кутсин,— деди у ниҳоят,— шунда икки соат бўладию шўрлик Бенвенуто азобдан қутулади. Узимизни унинг ўрнига қўйиб кўрайлик — қаттиқ изтироб чекаётган бўлса керак! Бунақа муомала унинг учун бегона. Чунки Лувр дарвозаси унга доимо очиқ, қиролнинг хузурига ҳам истаган чоғида кириб бориши мумкин. Ростини айтсам, унга раҳмим келяпти, гарчи раҳм қилишга лойиқ одам бўлмаса ҳам. Ҳозир хуноби чиқаётган бўлса керак-а, шундай эмасми? Йўқ, унинг газабдан қандай тутақаётганини бир тасаввур қилинг-а! Ҳа, ҳа, мен бу воқеани ҳали узоқ вақт эслаб кулиб юраман... Вой, товба, нима тўполон? Шовқин, тарақлаган овоз?..

— Тагин анави касофат Челлини аърофда ўтира-вериб зерканидан тўполон кўтарган бўлмасин? — деди прево руҳи кўтарилиб.

— У ерда нима бўлаётганини кўрмоқчиман,— деди ранги докадек оқариб кетган ҳерцогиня.— Юринглар мен билан, жаноблар, юрақолинглар!

Бенвенуто, Приматиччо билан суҳбатлашган куннинг эртасигаёқ бизга аён сабабларга кўра, қиролнинг қудратли маъшуқаси билан ярашил ва хотиржам яшаш мақсадида, олтин суви юритилган мўъжазгина бир кўзачани тўлов сифатида олиб, ранги қув учиб кетган, бутун туни беҳаловат ўтказганидан дармони қуриган Асканиони қўлтиқлаб, д'Этамп қасрига йўл олган эди. Бенвенутони биринчи галда қаср хизматкорлари қарши олишди, аммо улар заргарнинг ташрифи ҳақида бекаларига бунчалик барвақт хабар қилишдан бош тортишди, оқибат улар билан музокара олиб боришнинг ўзига ярим соатдан кўпроқ вақт кетди. Шу ҳолнинг ўзи ҳам Челлинини гижинтира бошлаган эди. Ниҳоят Изабо чиқиб келди ва Бенвенутонинг келганини д'Этамп хонимга хабар қилишга рози бўлди. У бир зумда қайтиб чиқиб, ҳерцогиня кийиняптилар, бир оз сабр қилишингизга тўғри келади, деб айтди. Шунда Бенвенуто юракни кенг қилиб, анча йўл босиб келганидан, ҳавонинг тафтидан, қолаверса, ўз ўй-хаёлларидан сийласи қуриб, кўнгли беҳузур бўлаётган Асканионинг ёнига бориб ўтирди.

Шу зайл орадан бир соат ўтди. Челлини дақиқаларни санай бошлади. «Албатта,— деб мулоҳаза қиларди

у, — кийиниб, пардоз қилиш ҳерцогинянинг кун давомида қиладиган ишлари ичида энг муҳимидир. Чорак соат олдин нимаю чорак соат кейин нима — ахир шу арзимаган оворагарчилик деб, ҳерцогиняга аччиқ қилишим, шу билан ўз фойдамнинг баҳридан ўтишим яхшими?» Бироқ у шундай файласуфона мулоҳаза юриштишига қарамай, энди сонияларни санашга тушди.

Бу орада Асканионинг ранги кўпроқ оқара бошлади. Шўрлик йигит лоҳас бўлаётганини устозидан яширган ва бир оғиз ҳам гап қайтармай, дадиллик билан йўлга чиққан эди, эрталаб иштаҳаси бўлмади нонушта қилмаган, тинкаси қуриётганини сезса ҳам, буни тан олмасликка уринган эди. Аммо қўнимсиз Бенвенуто бир жойда ўтира олмас, катта-катта қадам ташлаб, даҳлизнинг у бошидан бу бошига тинмай танда қўярди.

Орадан яна чорак соат ўтди.

— Нима, мазанг қочяптими, ўғлим? — деб сўради у Асканиодан.

— Йўқ. Яхшиман, устоз. Билъакс, сиз ўзингизни ёмон ҳис қиляпсиз. Утинаман, унчалик бетоқат бўлаверманг, кўпи кетиб ози қолди энди.

Шу пайт даҳлизда яна Изабо пайдо бўлди.

— Бекангиз анча ҳаяллаб қолди, — деб тўнғиллади Бенвенуто.

Жория истеҳзо билан олдига бориб, ҳовлида осилиб турган соатга қаради. Кейин:

— Атиги энди бир ярим соат кутибсиз-у, — деди. — Намунча зорланмасангиз?

Челлини хўмрайди, жория хандон ташлаб кулиб, ичкарига ўқдек отилиб кириб кетди.

Бенвенуто бутун ирода кучини сарфлаб бу гал ҳам ўзини босди: қайта жойига ўтираркан, қўлларини кўксига чапиштириб мағрурона қиёфада қимир этмай сукутга толди. Сиртдан қараганда у мутлақо хотиржамдек туюлар, аммо дохилан ғазаби қайнай бошлаган эди. Эшик олдида шамдек қотиб турган икки хизматкор ҳайкалтарошга виқор билан тикилишар, аммо Бенвенутонинг назарида, улар истеҳзо билан қараётгандек туюларди.

Чорак соатга жом чалинди. Бенвенуто Асканиога қараб, унинг ранги жудаям оқариб, ҳушидан кетаётганини кўрди.

— О, энди фаҳмладим! — деб чинқириб юборди шунда тоқати тоқ бўлган Челлини. — Буларнинг ҳаммаси атайлаб қилинаётган экан-да! Мен бўлсам, унинг гапларига ишониб, ҳурматини қилиб кутиб ўтирибман! У мени таҳқирлаётган экану буни пайқамабман — негаки, мени ҳақорат қилишларига одатланмаганман! Овора бўласиз — мен бировларнинг, ҳаттоки аёл кишининг ҳақоратига ҳам чурқ этмай чидайдиган анойилардан эмасман, кетаман! Юр, Асканио.

Бенвенуто шу гапларни айтиб бўлиб, ўзи ўтирган меҳмонбозор курсини бақувват қўллари билан кўтариб туриб ерга отиб синдирди — ахир у бадният ҳерцогинянинг касофатига салкам икки соатдан бери шу курсида ўтирган, ҳолбуки шу йўл билан таҳқирланаётганини ўзи ҳам билмаган эди. Хизматкорлар унга ташланмоқчи бўлишган эди, Челлини ханжарини сугурди, буни кўриб улар ниятларидан қайтишди. Асканио устозидан хавотир олиб ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин жуда қаттиқ ҳаяжонланганидан, дармонсизланиб, ҳушини йўқотдию йиқилиб тушди. Бенвенуто аввалига буни пайқамади. Худди шу пайт остонада ранги қув ўчган, дарғазаб ҳерцогиня пайдо бўлди.

— Ҳа, мен кетаман! — бақириб гапида давом этди ҳерцогиняни яққол кўриб турган Бенвенуто. — Хонимга айтиб қўйинглар, ўз совғамни қайтариб олиб кетяпман, мен уни кўчада биринчи учраган энг оддий бир оми одамга бераман. Уша муносиброқ бундай совғага. Ҳерцогиняга яна шуни айтиб қўйингларки, агар у мени сизларга ўхшаган бир малай деб ҳисоблаётган бўлса, қаттиқ янглишади, биз санъат аҳлида камтарлик ҳам, иззат-эҳтиром ҳам собитдир, хонимнинг севгисига ўхшаб сотилмайди! Қочинглар йўлдан! Қани, кетдик, Асканио!

У шундай деб орқасига ўгирилди, ўгирилдию суюкли шогирдининг кўзлари юмилган ҳолда ранги докадек оқариб, девор тагида сулайиб ётганини кўрди.

— Асканио! — деб чинқириб юборди Бенвенуто. — Асканио, ўғлим, О, у ҳушидан кетипти, энди ўлиб қолади! О, жигаргўшам, Асканио! Буям ана шу хотиннинг касофати... — Бенвенуто ҳерцогиня д'Этампга даҳшатли равишда ўқрайиб қаради ва шу заҳотиёк, Асканиони кўтариб олиш учун унинг теппасига энгашди.

Ҳерцогиня бўлса, ҳам ғазаб, ҳам қўрқувдан ўзини

Йўқотиб қўяёзган, шу боис жойидан қимирлашга мажол қолмаган, тили калимага келмас эди. Лекин у ҳушидан кетиб ётган йигитнинг оппоқ оқарган юзини, эгилган бошини, ҳар томонга ёйилган сочларини, чиройли рангпар чехрасини ва қадди-қоматининг хушбичимлигини кўрдию нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, унга томон отилди. Кейин Бенвенутонинг ёнига чўккалагудек бўлиб, Асканионинг тепасига энгашаркан, беихтиёр заргарга ўхшаб йигитнинг иккинчи қўлидан ушлади.

— Ахир йигитчанинг аҳволи жуда оғир! Агар кўтариб кетмоқчи бўлсангиз, ўлдириб қўясиз уни, тақсир. Менимча, унга зудлик билан ёрдам кўрсатиш лозим... Жером, табиб Андрега югур!.. Сиз кетишингиз мумкин, хоҳласангиз, қолинг, аммо уни қўзгатманг.

Бенвенуто ҳерцогиняга ўткир кўзларини тикди, кейин Асканиога хавфсираб қаради. Шунда суюкли шогирдининг д'Этамп хонимникида бежавотир бўлишини, билъакс, эҳтиёт чорасини кўрмай, уни кўтариб олиб кетиш хатарлироқ эканини тушунди. Кейин дарҳол қатъий қарорга келди, зеро тезкорлик ва собитлик Челлинининг фазилатларидан, эҳтимолки, нуқсонларидан бири эди.

— Йигитнинг соғлиғи учун сиз жавоб берасиз, хоним афанди! — деди у.

— Ҳа, ҳа, жоним билан жавоб бераман! — деди ҳерцогиня.

Бенвенуто шогирдининг пешонасидан ўлиб, плашчига ўранди, ханжарининг сопидан ушладию ҳерцогиняга адоват ва нафрат билан қараб қўйиб, мағрур қиёфада чиқиб кетди. Прево билан виконтга қиё боқишни ҳам раво кўрмади.

Анна ўт чақнаётган дарғазаб кўзлари билан Бенвенутонинг орқасидан кузатиб қолди, сўнг нигоҳи ўзгача маъно касб этиб, ўз қалбининг ардоғи бўлмиш бемор йигитга ҳаяжон ва ҳасрат билан боқди: ғазаб ўрнини муҳаббат эгаллаган, урғочи йўлбарс охуга айланган эди.

— Доктор Андре, — деди у ҳаллослаб югуриб келган табибга юзланиб, — даволанг уни! Қутқаринг! У яраланган, ўлиб қолиши мумкин...

— Дарди энгил, — деди доктор беморни кўздан кечириб, — вақтинчалик ҳолсизланиш бу. — У шундай деб Асканионинг озгига доим ёнида олиб юрувчи шифобахш дорисидан бир неча томчи қуйди.

— Ўзига келяпти! — деб чинқириб юборди ҳерцогиня. — Ана, қимирлади! Доктор, энди у ором олиши керак, тўғрими?.. Уни мана буёққа, мана бу хонага олиб утиб, кенг диванга ётқизинглар! — буюрди хоним икки хизматкорига, кейин уларнинг қулогига пичирлаб шундай деди: — Огоҳлантириб қўяй: агар бу ерда кўрган ё эшитган нарсаларингиз ҳақида оғзингиздан гуллаб қўйгудек бўлсангиз, каллангиз кетади! Боринглар.

Хизматкорлар қўрқувдан дағ-дағ қалтираб таъзим қилишди-да, Асканиони авайлаб кўтариб ичкари хонага олиб кириб кетишди.

Прево билан виконт де Мармань д'Этамп хонимнинг яна таҳқирланганига шоҳид бўлган эдилар. Шунда хоним уларга, айниқса виконтга, нафрат билан тикилди, аммо дарҳол ўзини тийиб олди.

— Шундай қилиб, мен сизга, виконт, — ҳерцогиня ачитиб лекин хотиржам оҳангда сўзларди, — режангиз ҳазилакам режа эмас, девдим, лекин ўйламасдан гапирган эканман. Назаримда, бадкорни жазолашга, бу сирни овоза қилганларни агар ҳоҳласам, маҳв этишга кучим етади. Умид қиламанки, бу сафар қирол уни албатта жазога мустаҳиқ этгай; лекин мен ўша бетовфиқдан қасос олмоқчиман. Зеро, жазо таҳқирни ошкор қилади, қасос эса уни яширади. Сиз жаноблар, хийлагина совуққон экансизлар, шошқалоқлик қилмаяпсизлар, чунки биракай ўч олмоқчисизлар. Бунинг учун офарин сизларга, лекин маслаҳатим шуки: ақл-фаросат билан иш кўринг, фурсатни қўлдан бой берманг, мени ўзгалар хизматидан фойдаланишга мажбур этманг. Виконт де Мармань, сизга очигини айтишим керак: кафолат бериб айтаманки, жаллод гайрижазо бўлганидек, сиз ҳам жавобгарликка тортилмасиз. Ва лекин, агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, сизга ва каллакесарларингизга найза-шамширлардан воз кечиб, ханжарни ишга солишни маслаҳат берардим. Демак, масала равшан; гап сотишни тўхтатиб, дарҳол ишга киришинг — сизлар учун энг зарур жавоб шу. Яхши боринглар, жаноблар!

Анна кескин овоз билан, сўзларни узиб-узиб гапираркан, гўё бўшсизлар, дегандек киборларга қўлини чўзди. Улар шу қадар эсанкираб қолишган эдики, нўноқлик билан таъзим қилишиб, бир оғиз ҳам сўз

айта олмай, пароканда ҳолда уйдан чиқдилар.

— О, ҳамма бало менинг бор-йўғи аёл бўлганимда, боз устига, келиб-келиб анави қўрқоқлардан ёрдам сўраганимда! — деди Анна чиқиб кетганларнинг орқасидан афтини буриштириб қараб қоларкан. — О, бу қаланғи-қасанғи одамларнинг ҳаммасидан: тождор ўйнашимдан ҳам, сотқин эримдан ҳам, узун камзул кийган малайдан ҳам, зар ёқалли ливрея кийган хизматкордан ҳам, ўзим беихтиёр мафтун бўлган ва телбаларча севиб қолган мана бу йигитдан ўзга ҳамма-ҳаммадан астойдил нафратланаман!

Ҳерцогиня хушрўй бемор олдига, оромхонага кирди; у Асканионинг олдига яқин бориши билан йигит кўзини очди.

— Дарди енгил, — деб такрорлади табиб Андре д'Этамп хонимга юзланиб. — Йигитча елкасидан яранган экан. Мадорсизлик, толиқиш, руҳий изтироб, эҳтимолки, яна очлик оқибатида ҳушидан кетган. Кўриб турибсизки, шифобахш дорини ичганидан кейин тузалди-қолди. Ҳозир у бутунлай ҳушига келди, энди уни тахтиравонда уйига элтиб қўйиш мумкин.

— Бас! — деди ҳерцогиня Андрега ҳамён узатаркан, табиб ҳам шу заҳоти икки букилиб таъзим қилганича хонадан чиқиб кетди.

— Мен қаердаман? — деб сўради Асканио; у ҳушига келиб, фикрини бир ерга тўплашга ҳаракат қиларди.

— Сиз меникидасиз, Асканио, — деб жавоб қилди ҳерцогиня.

— Сизникидаман? Э-ҳа, танидим сизни, хоним афанди! Сиз д'Этамп хонимсиз. Эсимга тушдингиз... Бенвенуто қани? Устозим қаёқда қолди?

— Қимирламанг, Асканио. Устозингиз соғ-саломат. Ҳеч хавотир олманг; у ўз уйида бамайлихотир ўтириб, тушлик қиляпти.

— Ахир у қандай қилиб мени ташлаб кетди?

— Ҳушингиздан кетиб қолувдингиз, шунинг учун устозингиз сизга гамхўрлик қилишни менга топширди.

— Сиз рост айтяпсизми, у чинданам хатарда қолгани йўқми, бу ердан соғ-омон, бешикаст чиқиб кетдими?

— Такрор айтаман ва таъкидлайман, у мутлақо хатардан ҳоли, унга ҳеч нима таҳдид қилаётгани йўқ. Тушунинг ахир, Асканио! Ношукр банда! Мен,

кимсан ҳерцогиня д' Этамп теппасида парвона бўлиб, ўз эгачисидек ғамхўрлик қилсаму у эса нуқул устозини тилдан қўймаса!

— О, хоним афанди, мени афв этинг, самимий та-шаккуримни қабул этинг! — деб жавоб қилди шунда Асканио.

— Бу бошқа гап,— ҳерцогиня муғамбирона жил-майганча бошини сарак-сарак қилди.

Шундан кейин ҳерцогиня д' Этамп гапга тушиб кетди. Гапларидан самимийлик оҳанги сезилиб турар, энг оддий сўзларга ҳам дил розини қўшиб баён қилар, астойдил қизиқувчанлик билан саволлар берар ва айна пайтда Асканионинг жавобларини қандайдир зўр эҳти-ром билан тинглар эдики, гўё унинг бутун қисмати ана шу жавобга боғлиқдек туюларди. Ҳерцогиня худди мушук янглиғ ювош, мулойим ва юмшоқ, яна илтифот-ли, жонкуяр бўлиб қолди; саҳнадаги моҳир ижрочига ўхшаб, йигитни у гап очишдан бош товлаётган суҳбатга удар ва ичидан ўзи ўйлаб чиқиб баён қилган фикрлар-ни Асканионики қилиб кўрсатишга уринарди. Хо-ним ўзининг бутун ғуруридан воз кечгандай кўринар, йигитнинг гапларига худди пайғамбарнинг каломла-рини тинглаётгандек қулоқ соларкан, маърифатли ва латофатли ақлу заковатини бутунича намоён қилишга ҳаракат қилардики, ана шу туфайли ҳам уни, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, оқила аёллар ичида энг гўзал ва гўзаллар ичида энг оқиласи, деб атар эдилар. Хуллас, ҳерцогиня суҳбатни энг нозик хушомадга, энг моҳирона афсунга айлантирди: ва ниҳоят, йигит уч ё тўрт марта кетишга шайлангандан сўнг, хоним унинг кўлидан ушлаб туриб деди:

— Асканио, сиз ўзингизнинг ажойиб заргарлик ҳунарингиз тўғрисида шундай нафосат билан, шундай берилиб ҳикоя қиляпсизки, бу нарса мен учун ўзига хос қутилмаган янгиликдир. Бундан буёқ мен, шу пайт-гача оддий безак бўлиб кўринган тақинчоқларимда теран маъно касб этаман. Демак, сизнингча, Бенвенуто ўз касбининг устаси?

— Хоним афанди, бу борада у ҳатто плоҳий Микел-ланжелодан ҳам ўзиб кетган!

— Сиздан хафаман. Сизнинг касрингизга, усто-зингизнинг бетакаллуфлигидан газаблана олмайман энди.

— О, устозимнинг қўпол гапига ҳеч парво қилманг,

хоним афанди! Сиртдан шунақа тўпори бўлиб кўринса ҳам, аслида у қайноқ ва садоқатли қалб соҳибидир. Шуниси борки, Бенвенуто сабрсиз, тийиқсиз одам — унинг назарида, сиз гўё бизни мазах қилиш мақсадида шунча вақт кутдиргандек бўлиб туюлдингиз, ана шу таҳқир...

— Аниқроғи, ҳазил, — деди ҳерцогиня шўхлигидан хижолат бўлган тантиқ қизга ўхшаб. — Очиғи, устозингиз келганида ҳали ўрнимдан турмаган эдим, кейин ювиниб, кийиниб-таранишим ҳиёл чўзилиб кетди. Яхши бўлмади, албатта, ҳа, яхши бўлмади! Кўряп-сизми мен сизнинг олдингизда тавба қиляпман. Чунки сизнинг келганингиздан беҳабар эдим-да!

— Ҳамма гапингиз тўғри, хоним афанди, лекин, Челлини жудаям унчалик зийрак эмас, бунинг устига уни чалғитиб қўйишди, ҳарҳолда мен сизга очиғини айтишим мумкин-ку. Зеро, сиз гоётда латофатли ва саховатли аёлсиз, бироқ устозим сизни жудаям баджаҳл ҳамда бадқаҳр деб ҳисоблайди, шунинг учун гўдакларга хос шўхлигингиз унга ҳақорат бўлиб кўринди.

Ҳерцогиня:

— Наҳотки? — деб ажабланаркан, аччиқ истеҳзо-сини яшира олмади.

— О, унинг гуноҳидан ўтинг, хоним афанди! Агар устозим сизни яхши билганида, аминманки, пойингизга тиз чўкиб, қилган хатоси учун узр сўраган бўлар эди — зотан у гоёт олижаоиб, олиҳиммат одам!

— Бас, жим бўлинг! Қараб турсам мени устозингизни ҳурмат қилишга мажбур этмоқчисиз шекилли? Такрор айтаман, мен ундан нафратланаман, биринчи қиладиган ишим унга қарши рақиб топишдан иборат.

— Унга тенг келадиган рақиб топишингиз қийин бўлади, хоним афанди!

— Йўқ, Асканио, унчалик эмас, зеро ўша рақиб унинг шогирди, яъни сиз бўласиз. Ижозатингиз билан, мендан нафратланувчи ўша буюк даҳони фақат қисмангина эътироф этаман. Менга қаранг, Челлинининг ўзи сизнинг ишларингизни мақтаяпти-ку. Наҳотки сиз ижодингизнинг мен учун хизмат қилишини хоҳламайсиз? Устозингизнинг мен тўғримдаги фикрига қўшилмаслигингизни исботлангу каминани зебу зийнатлар билан безашга рози бўлинг. Хўш, нима дейсиз?

— Хоним афанди, мен бутун қобилиятим, бутун ғайратим билан хизматингизга тайёрман. Сиз менга

мурувват кўрсатдингиз, ўтмишим, орзу-умидларим ҳақида шундай хайрихоҳлик билан сўрадингизки, бугундан эътиборан жону таним билан сизга содиқ бўлиб қоламан.

— Вой, гўдак-э! Ҳали ҳеч қандай яхшилик қилганим йўқ-ку сизга, ҳозир фақат бир нарсани илтимос қиламан: истедодингиздан бир учқунини менга бағишласангиз. Дарвоқе, сиз биронта ғаройиб бебаҳо тақинчоқ яратишни орзу қилмаганмисиз? Менда энг олий нав дуру инжулар бор. Улардан мен учун сеҳрли ёмғир ясаб беришни истамайсизми, о, қимматли афсунгарим? Хўп десангиз, сизга ўз ниятимни сўзлаб бераман, майлими? Мана, ҳозир сиз бу хонада докадек оқариб, бошингизни орқага ташлаб беҳуш ётганингизда шамолдан боши эгилган чиройли бир нилуфарни тасаввур қилдим. Сиз ўша дуру кумушлардан ажойиб нилуфар ясаб беринг ва мен уни кўксимга тақиб юрай, токи кўрганларнинг кўзи куйсин, — ҳерцогиня шундай деб қўлини юраги устига қўйди.

— О, хоним афанди, сиз бағоят саховатлисиз...

— Асканио, ҳозир ўзингиз айтганингиздек, саховатим эвазига яхшилик қилишни хоҳлайсизми? Агар хоҳласангиз, мени ўзингизга сирдош, дўст деб билинг, хатти-ҳаракатингиз, истакларингиз, қайғу-аламларингизни мендан сир тутманг, зеро, ташвишда эканингизни кўриб турибман. Ёрдам ва маслаҳат керак бўлганда дарҳол ҳузуримга келишга сўз беринг!

— Аммо сиз менга яна бир мурувват кўрсатяпсизу эвазига миннатдорлигим исботини талаб қилмаяпсиз.

— Қисқаси, сўз берасизми келишга?

— Афсус! Бир кун олдин бўлгандаям жон-жон деб сўз берардим, хоним афанди; кечаям сизнинг бу олижаноб туҳфангизни қабул қилган бўлардим, ҳаттоки унга муҳтож эдим. Лекин бугун менга ёрдам беришга ҳеч кимнинг қурби етмайди.

— Ким билсин...

— Мен биламан, хоним афанди.

— Оҳ, назаримда, бошингизга қандайдир бир кулфат тушганга ўхшайди, Асканио!

Ингит маъюс бош иргатиб қўйди.

— Сиз дардингизни дўстингиздан сир тутаяпсиз,

Асканио. Яхши эмас, яхши эмас! — деб гапида давом этди ҳерцогиня унинг қўлидан ушлаб, оҳиста сиқаркан.

— Маэстром хавотир олаётгандир, хоним афанди, қолаверса, меъдангизга тегишга ҳаддим сиғмайди. Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Ижозат берсангиз, сиз билан хайрлашсам.

— Мунча мени ташлаб кетишга ошиқмасангиз! Ҳеч бўлмаса, тахтиравон олиб келишгунча кутиб туринг. Йўқ деманг — бу докторнинг топшириғи, шунингдек, менинг ҳам буйруғим.

Анна хизматкорини чақириб, унга зарурий топшириқлар берди; сўнг Изабога дуру инжуларни, ҳамда баъзи қимматбаҳо тошларни олиб келишни буюрди ва уларни Асканиога тутқазди.

— Сизни озодликка чиқаряпман, — деди хоним. — Лекин дардингиз ариганидан кейин дарҳол менинг нулуфарим билан шуғулланинг. Унгача ўша гул ҳақида ўйлаб юринг, илтимос, унинг тарҳини чизганингиз ҳамано опкелиб менга кўрсатиб кетинг.

— Агар сиз шуни ихтиёр қилсангиз, келаман.

— Ёки менинг сизга яхшилик қилишимни хоҳламайсизми? Ахир сиз менинг кўнглим тусаган ҳамма нарсани бажарасиз-ку! Нега энди мен ҳам сиз хоҳлаган нарсани бажармаслигим керак! Дарҳақиқат, азизим Асканио, кўнглингиз нима истайди? Бас, етар, сиз ёшсиз. Ешлар эса қанчалик кўзларини олиб қочиб қалб даъватини даф қилишга, қанчалик гунг бўлишга уринмасин, барибир ҳамиша дилларида бирон орзу билан яшайдилар. Бироқ назаримда сиз нуфузим ва қудратимга ишонмаётганга ўхшайсиз, ё сирдош надима бўлишга мени номуносиб, деб ўйлаяпсизми?

— Биламан, хоним афанди, — деб жавоб қилди Асканио, — сиз қудратли зотсиз ва шундай бўлишга лойиқсиз. Аммо мени ташвишдан фориг қилиш одам боласининг қўлидан келмайди.

— Шундай бўлса ҳам менга юрагингизни очинг, — деди ҳерцогиня д'Этамп. — Бу менинг хоҳишим! — Сўнг овозини ҳам, чеҳрасини ҳам буткул ўзгартириб юборган мафтункор табассум билан қўшиб қўйди: — Ўтиниб сўрайман!

— Ҳайҳот, хоним афанди, ҳайҳот! — деди қалби ҳасратга тўлган Асканио. — Эвоҳ! Сиз шунча яхши-

лик қилдингиз, бунинг устига, ҳозир сиз билан видо-лашаман, бинобарин, ҳадемай менинг иснодим ва кўз-ёшларимни кўрмайсиз. Мана шунинг учун ҳам, ўз дардимни сизга — аёл кишига очаман. Юқорида айтганимдай, бордию бир кун олдин сўраганингизда шундай деган бўлардим: мен Коломбани севаман ва ўз севгим билан ғоят бахтиёрман. Аммо бугун: Коломба мени севмайди, энди мен фақат ўлишим керак! Алвидо, хоним афанди, мендан шафқатингизни дариг тутманг дейман.

Асканио гунг бўлиб донг қотиб қолган д' Этамп хонимнинг қўлини шоша-пиша ўпди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди.

— Рақиб! Менинг рақибам! — деди Анна гўё энди уйқудан кўзини очаётгандек. — Аммо у Асканиони севмас экан, демак, бу дилбар йигит мени яхши кўриб қолади, мен шуни хоҳлайман!.. Ҳа-ҳа, онт ичиб айтаманки, у мени севиб қолади, ана унда мен Бенвенутони маҳв этаман!

Ун тўртинчи боб

**УШБУ БОБДА ИНСОН
ҲАЕТИНИНГ МОҲИЯТИ
АЗОБ-УҚУВАТДАН ИБОРАТ
ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА
ГАП БОРАДИ**

Сарлавҳамиздан ҳасрат ва умидсизлик руҳи балқиб тургани учун китобхон бизни кечирар, деган умиддамиз. Лекин эътироф этиш керакки, ушбу бобда, ҳақиқатан ҳам одамзод ҳаётида мавжуд бўлган руҳий изтироблар баён қилинади. Мазкур фикр, аллақайси водевилдаги қайсиям бир персонажнинг таъбири билан айтганда, янги фикр бўлмаса ҳам бизга таскин беради, зеро у Дантени қайғу-алам роҳидан бошлаб борган Вергилий¹ сингари, қиссамиз мазмуни сари етаклаётганимиз китобхон олдидаги узримиз бўлмай.

¹ Буюк италян шоири Дантенинг (1265—1321) «Илоҳий комедия» достониди асар қахрамонининг нариги дунёга саёҳати тасвирланган бўлиб, дўзах ва аърофда унга қадимги Рим шоири Вергилий (милоддан олдинги I аср) йўлбошчилик қилади.

Илло, бундай ўхшатиш учун китобхон ҳам, Вергилий ҳам биздан ранжимаслар, деган умиддамиз!

Ҳақиқатан ҳам, қиссамиз баёни келиб тўхтаган пайтда, Бенвенутодан тортиб Жак Обригача бўлган ҳамма дўстларимиз гамга ботган эдиларки, биз ҳадемай сув тошқинидек бостириб келган бу мусибат аста-секин уларни ўз домига тортганига шохид бўламиз.

Биз Челлинидан, эсингизда бўлса, д'Этамп қасрида ажрашган эдик; у Асканиодан хавотирланганича, Катта Нель қасрига қайтиб келдию дарғазаб ҳерцогиняни мутлақо хаёлидан чиқариб юборди. Бенвенутонинг бутун фикру хаёли ўзи учун энг азиз бўлган бетоб йигитга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам, дарвоза очилиб, тахтиравонда кириб келган Асканио ерга «дик» этиб сакраб тушганида ва устозининг олдига югуриб келиб, унинг қўлини сиққанича, лоҳаслигидан асар ҳам қолмагани ҳақида гапирганида Челлинининг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди.

Лекин шогирди гап бошлаши ҳамоно Бенвенуто хўмрайиб олиб, унинг ҳикоясини ғалати бир тарзда, маъюслик билан тинглаб ўтирди.

— Устоз! Мен ноҳақ айтилган бир мулоҳазани рад қилмоқчиман, аминманки, бунинг учун сиз мендан сира ҳам ранжимасиз, билъакс миннатдор бўласиз. Сиз д'Этамп хоним ҳақида нотўғри ўйлаган экансиз. Унинг сизга ҳеч қандай ғайрлигиям, адоватиям йўқ экан, аксинча, у сизни ҳурмат қилиб, истеъдодингизга таҳсинлар ўқияпти. Винобарин, сиз аёл киши билан, боз устига, ҳерцогиня билан қўпол муомала қилганингизни тан олишингиз керак. Устоз, д'Этамп хоним наинки маъбудадек соҳибжамол, фариштадек меҳрибон, шунингдек, камтар ва серзавқ, содда ва олиҳиммат, зийрак ва зукко аёл экан. Унинг бугун эрталабки қилиғи (сиз уни ўтакетган ҳақорат деб ҳисоблаган эдингиз), бор-йўғи гўдаклик шўхлиғи экан. Шунинг учун сиздан илтимос қиламан,— ахир ўзингиз ноҳақликни ёмон кўрасиз-ку,— келинг, жаҳлингиздан тушингу ундан ортиқ нафратланманг, зеро ҳерцогиня мени очиқ чеҳра билан қабул қилиб, бағоят меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатди. Имоним комил, сиз у билан осонгина ярашиб оласиз... Лекин сиз, қимматли устозим, индамаяпсиз! Бошингизни чайқаяпсиз. Гапимдан хафа бўлмадингизми, мабодо?

— Гапларимни диққат билан эшит, ўғлим,— деб жиддий тарзда гапира бошлади Бенвенуто.— Сенга илгари ҳам қайта-қайта гапирганман: фаҳмимча, ёлғиз илоҳий санъатгина боқий гўзалликка, мангу навқиронликка молик ва бунёдкор қудратга эгадир. Бироқ мен ишонаман, биламан, айрим нозик қалб соҳибаларида, инсонни бир умр бахтиёр қилишга қодир бўлган ҳақиқий, теран муҳаббат гунча очиши мумкин, лекин бундай ҳол камдан-кам учрайди. Хўш, оддий муҳаббат нима? Бу — юзаки хушторлик, йигит ҳам, қиз ҳам аксарият пайт астойдил алданадиган қувноқ қовушишдир. Узинг яхши биласан, Асканио, мен бундай муҳаббат устидан кулишни яхши кўраман, зеро бундай севгининг даъвати ҳам, талашиб-тортишиши ҳам шундан бошқа нарсага арзимагай!

Мен ундай муҳаббатни ёмонламоқчи эмасман, йўқ. Ростини айтсам, у ўзимга ҳам ёқади. Шодлик ҳам, назокат ҳам, рашк ҳам, хуллас, улкан, эҳтиросга молик бўлган жамики ҳислатлар худди томчида қуёш акс этганидек, унда муҳайёдир, лекин у қалбни қаттиқ жароҳатламайди. Бу муҳаббат комедия билан тугайдими, фожа билан тугайдими, барибир: вақт ўтиши билан уни худди бир театр томошасидек эслайсан. Бунинг устига, Асканио, мазкур мўрт муносабатларнинг ҳаммаси бир хил бўлиб, уларнинг негизи, яъни шаклга сажда қилишу пок гўзалликка ихлос қўйиш санъаткор аҳлини тўла-тўқис қаноатлантиради. Бу ўша оддий муҳаббатнинг яхши томони. Мана шунинг учун ҳам, мен бундай муҳаббат устидан куламан-у, аммо асло қораламайман. Лекин Асканио, шуни яхши билиб қўйки, дунёда бошқача муҳаббат ҳам мавжуд, у мени кулдирмайди, балки даҳшатга солади; зеро у ўта мудҳиш, бемулоҳаза ва пуч хаёл сингари рўёбга чиқмайдиган муҳаббатдир.

«Ё тангрим, — деди ичида Асканио, — тагин Коломбага ошиқ бўлиб қолганимдан хабар топган бўлса-я?»

— Бундай муҳаббат,— гапида давом этади Челлини,— на қувонч, на ҳузур-ҳаловат бахш этади, лекин шунга қарамай, сени тамомила ўз домига тортиб олади. Бу муҳаббат бутун қонингни томчима-томчи сўриб олувчи, қалбингни аста-секин кемирувчи вампир¹ бў-

¹ *Вампир* — айрим халқларнинг ривоятларида айтилишича, гўёки гўрдан чиқиб тирик одамларнинг қонини сўрувчи мурда эмиш.

либ, сени шундай куч билан чангалида ушлаб турадики, ундан қутулиб чиқиш амримаҳолдир. Асканио, Асканио, эҳтиёт бўл! Уз севгингнинг хомхаёл эканлигини, у билан ҳеч қачон бахтиёр бўлолмаслигини биласан-у, аммо барибир унга талпинасан, унинг учун жон-жон деб ҳаётингни қурбон қилишга тайёрсан.

«Ҳа, тўғри! Ҳаммасини билипти!» — деб ўйлади Асканио.

— Азиз ўғлим, — деб яна гапида давом этди Бенвенуто, — агар ҳали қеч бўлмаса, сени тоабат чамбарчас боғлаб олувчи у риштани дарҳол уз! Тўғри, изи қолади албатта, лекин ҳар қалай, ҳаётингни сақлаб қоласан-ку.

— Ахир ким айтди сизга мени унга ошиқ бўлиб қолган деб? — деди ниҳоят Асканио.

— О, худога шукр, агар севмаганинг рост бўлса! — деди Бенвенуто йигитнинг гапини инкор маъносида тушуниб, ваҳолонки у савол берган эди. — Шунга қарамай, эҳтиёт бўл, зеро бугун эрталаб, унинг сенга ошиқ эканлигини пайқаб қолдим.

— Бугун эрталаб? Сиз ўзи ким ҳақида гапиряпсиз? Гапингизга тушунмадим!

— Ким ҳақида бўларди? Д' Этамп хоним ҳақида-да.

— Д' Этамп хоним ҳақида? — деб такрор сўради ҳанг-манг бўлиб қолган шогирд. — Янглишяпсиз, устоз! Бу асло мумкин эмас. Сиз д' Этамп хонимнинг менга ошиқ бўлиб қолганини пайқадим, деяпсизми?

— Асканио! Мен қирққа кирдим, ҳаётда жуда кўп нарсаларни кўриб кўзим пишиб кетган. Уша аёлнинг бир нигоҳ ташлашидан, ўзини меҳрибон қилиб кўрсатишидан, онт ичиб айтаманки, мафтунинг бўлиб қолганини тушуниб олдим. Ҳозир сен уни завқу шавқ билан ҳимоя қилияпсан, шунинг учун сен ҳам унга ошиқ бўлиб қолмадингмикан, деб қўрқяпман. Гап шундаки, азизим Асканио, агар шу рост бўлса, сенинг ҳалок бўлганинг; зеро бу муҳаббат қалбингни кул-кул қилади. У ғойиб бўлгач эса, хомхаёлларингдан ҳам, эътиқонингдан ҳам, умидларингдан ҳам айриласану фақат бир нарса билан, яъни сени қандай севишган бўлса, сен ҳам бошқаларга шундай заҳарли, машъум севги изҳор этиш билан ўзингни овутмоқчи бўласан, сенинг қалбингни қандай вайрон этишган бўлса, сен ҳам ўзгалар қалбини шундай вайрон қиласан.

— Устоз,— деди Асканио.— Д' Этамп хонимнинг мени севиш-севмаслигини билмайман, лекин мен уни севмайман-ку, бу аниқ.

Гарчи Асканио самимий гапирган бўлса ҳам Бенвенуто унга ишонқирамади, чунки у, шогирдим янглишаётган бўлиши мумкин, деб ўйлаган эди, кейин бу ҳақда бошқа оғиз очмади, шунга қарамай, ўша кундан бошлаб шогирдига ғамгин нигоҳ ташлаб юрди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, у Асканиодан унчалик хавотир олаётганга ўхшамас, балки ўзи алланималарнинг ташвишини қилиб, қийналаётгандек, аввалгидек хушчақчақ кўринмас, ҳазил-мутойибани, шўх-шўх эрмакларини унутган эди. Эрталаблари у вақтни дегрезлик устахонасининг тепасидаги ўз хонасида ўтказар, ҳеч ким кириб менга халақит бермасди, деб буюриб, эшикни ичидан беркитиб оларди. Бошқа вақtlари эса Марснинг маҳобатли ҳайкали устида аввалгидек жаҳд билан ишласа-да, ҳайкал тўғрисида аввалги завқланиб гапиришларидан асар ҳам қолмаган эди.

Айниқса, у Асканионинг олдида гўё изза бўлган одамдай маъюс, дили сиёҳ кўринарди. У худди судхўрдан ёки судья таъқибидан қочган одамдай, энг яхши кўрган шогирдидан ўзини четга олишга уринаётганга ўхшарди. Улкан қалбини оғир қайғу ва қандайдир ғоратгар эҳтирос қамраб олиб, бешафқат ўртаётгани яққол кўзга ташланиб турар эди.

Асканио ҳам бахтсизликда устозидан қолишмасди, у, д' Этамп хонимга айтганидек, Коломбанинг севгисига сазовор бўлмаганига аниқ ишонарди. Рашк тўла тасавурида фақат исмигина маълум бўлган граф д' Орбек навқирон ва хушбичим асилзода тимсолида, мессер д' Эстурвилнинг номаълум санъаткор йигит ҳақида ўйлашни ҳам унутиб юборган қизи эса, ўша ўқтам зодагон йигитнинг бахтиёр қаллиғи қиёфасида гавдаланарди. Гарчи Асканио муҳаббат билан йўғрилган қалбида умид заррачасини ҳамон авайлаб асраб келаётган бўлса ҳам, лекин энди, ҳерцогиняга рақибасининг исмини айтиб қўйганидан кейин, агар д' Этамп хонимнинг севиб қолгани рост бўлса, унда ўз иқболи сари олиб борувчи йўлни бутунлай тўсиб қўйган эди. Д' Этамп хоним балки никоҳни бузган бўлармиди; энди у бутун ғайратини ишга солиб, тўйни тезлаштиришга уринади. Бечора Коломбани ёмон кў-

риб қолади. Ҳа, Бенвенуто тўғри айтган экан: бу аёлнинг муҳаббати қўрқинчли ва хавфли, илло Коломба-нинг севгиси, устоз дастлабки пайтда айтганидек, олижаноб, илоҳий севги бўлиши керак эди, шундай бўлган эди ҳам. Лекин, эвоҳ, бахт бошқача кулиб боққан экан...

Асканионинг руҳи тушиб кетганди. У д' Этамп хонимнинг дўстона ғамхўрлигига ишонган эди, аммо бу сохта дўстлик унинг учун хавфли муҳаббатга айланди: У Коломбанинг муҳаббатига ишонган эди, бироқ Асканио муҳаббат деб ўйлаган нарса совуққина дўстлик бўлиб чиқди. Энди у иккала аёлдан ҳам нафратланишга тайёр эди — ахир ширин орзуларини шулар пучга чиқардилар-да, о, қанийди бу икки аёл унинг тўғри-сида аксинча фикрда бўлишса!

Қаттиқ умидсизликка тушган Асканио д' Этамп хонимнинг буюртмаси — нилуфар устида ишлашни хаёлига ҳам келтирмай қўйди ва рашк даъватига учиб, Рупертанинг шунча қилган ўғити, таънасига қарамай, унинг нима бўлди ўзи, деб устма-уст берган саволларини жавобсиз қолдирди ва Кичик Нель қасрига бошқа ҳеч қачон кирмасликка қарор қилди. Шунга қарамай, у баъзи-баъзида аччиқ устида қасрга кирмасликка қарор қилганидан ўзи пушаймон бўлар, лекин охир-оқибат, турган гапки, бу пушаймонидан фақат ўзи қаттиқ изтироб чекар эди. Асканио Коломбани кўришни истар, ундан изоҳ талаб қилмоқчи бўлар, аммо қайси қилмишига изоҳ талаб қилади — ўзининг тутуруқсиз хом-хаёлларигами? Агар у Коломбани кўрса, — кўнгли юмшаган дамларда йигит шундай хаёлга борарди, — худди айбига иқроп бўлган одамдай, албатта унга муҳаббат изҳор этарди, ана унда оқкўнги қиз, бошига оғир кулфат тушган одамга таскин бергандек, унинг ҳам кўнглини кўтариб юпатган бўлармиди. Лекин нима учун шунча вақтдан бери қорасини кўрсатмаганини қандай изоҳласин, қизнинг олдида қандай ўзини оқласин?

Вақт ўтиб борар, Асканио эса ҳамон содда ва маҳзун ўйлари билан банд бўлиб, бирон қатъий қарорга кела олмасди.

Коломба бўлса, Перрина хоним эҳтиётсизлик қилиб сирни очиб, Асканионинг бутун ширин орзуларини пучга чиқарган ўша куннинг эртасига кечгача йигитни кутди; лекин қиз соатлару дақиқаларни беҳудага сана-

ди, дуэнья «тиқ» этса эшикка қулоқ солиб, бекорга ово-
ра бўлди. Асканио Коломбанинг лутфан розилик бер-
ганидан фойдаланиб, Руперта хоним кузатувида унинг
ҳузурига ташриф буюрмади, аввалги шарт бўйича, Ки-
чик Нель қасрининг эшигига келиб, уни тўрт марта
тақиллатмади. Буни қандай тушуниш керак?

Бунинг маъниси шуки, Асканионинг тоби қочиб қол-
ган бўлиши мумкин... эҳтимол, ўлим тўшагида ётган-
дир; нима бўлганда ҳам, унинг аҳволи жуда ёмон, йўқса
албатта келар эди. Коломба шундай хаёлга борарди.
У бутун оқшом тиззалаб туриб, кўзларидан дув-дув ёш
тўкиб, ибодат қилди, ибодат қилиб бўлганидан кейин
ҳам кўзёшлари ҳамон шашқатор оқиб тушаётган эди.
Бу ҳол унинг ўзини чўчитиб юборди. Қизнинг қалбини
исканжага олаётган андуҳ, уни ҳамма нарсадан воқиф
қилди. Дарҳақиқат, қизнинг хавотирланишига асос бор
эди: зеро орадан ҳали бир ой ҳам вақт ўтмасдан Аска-
нио Коломбанинг бутун фикру хаёлини эгаллаб олган
эдики, у парвардигорни ҳам, ўз падарини ҳам, бутун
ташвишларини ҳам унутиб қўйган эди. Лекин гап бунда
эмас, албатта! Ахир Асканио шу ерда, икки қадам на-
рида, у бетоб, ўлим тўшагида ётсаю қиз у билан дийдор
кўриша олмаса. Коломбанинг мулоҳаза юригишга ма-
жоли қолмаган эди, шу боис бутун аламини кўзёшла-
ридан олиб, тўхтовсиз юм-юм йиғларди. Асканио ту-
залиб кетсин, ўшанда у ҳаммасини ўйлаб кўради.

Лекин эртаси куни вазият яна ҳам ёмонлашди.
Перрина хоним пайт пойлаб туриб, Рупертанинг ўрта
ҳовлига чиққанини кўрган заҳоти дарвоза томон отил-
ди, зеро у Рупертанинг Катта Нель қасридан ғамлаб
чиққан янгиликларини — рўзгор учун ғамланадиган
озуқадан ҳам муҳимроқ янгиликларини эшитмоқчи
эди. Маълум бўлишича, Асканиога ҳеч нарса қилмаган
экан; у шунчаки, Кичик Нель қасрига ташриф бую-
ришни хоҳламапти, ҳаттоки Руперта хонимнинг: «Нима
бўлди ўзи?» — деб қайта-қайта сўроқлашига қарамай
жавоб бермай, гунг бўлиб ўтираверипти. Бу ҳолнинг
сабабини тушунолмаган эгачиларнинг бошлари қотган
эди.

Лекин Коломба бунинг тагига дарров етди. У шундай
фикрга келди: «Асканио ҳамма гапдан хабардор. У уч
ойдан кейин граф д' Орбекка эрга тегишимни қаердан-
дир эшитган, шунинг учун мен билан учрашишни
хоҳламаяпти».

Аваллига қиз ўз маҳбубининг бу аразидан миннатдор бўлиб жилмайиб қўйди. Бундай қувонч сабабини изоҳлашни биз китобхоннинг ўзига ҳавола этсак деймиз; илло бизнинг вазифамиз воқеани холисона баён қилиш, холос. Лекин Коломба чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриб: эрга тегиш мен учун ўлим билан баробар эканлигини Асканио наҳотки ўйлаб кўрмаган бўлса, деб қаттиқ хафа бўлди. «Бундан чиқди, у мендан нафратланяпти», — деб кўнглидан ўтказди Коломба. Қизнинг кайфиятидаги нафрат билан муҳаббат ҳиссининг дам-бадам алмашилиб туриши гоётада хатарли эди, зеро унинг бегубор қалби ўзини идрок қила бошлаган эди. Коломба, Асканиони кўрарга кўзим йўқ, деб гўё ўзига-ўзи уқдирмоқчи бўлар, аммо унинг дохийий овози, йўқ, сен ўзингни оқламоқ учун уни интизор бўлиб кутяпсан, деб айтарди.

Натижада, у ўзини гўё гуноҳга ботгандек билиб даҳшатга келар ва бу даҳшат ҳамда ўз маҳбубига бўлган муҳаббатидан Асканионинг гофил эканлиги қизни баттар қийноққа солар эди.

Лекин Асканио нафақат Коломбанинг севгисидан гофил эди. Уни иккинчи бир аёл ҳам севар, севганда ҳам зўр эҳтирос ва қатъият билан севар, йигитнинг муҳаббатини қозониб, хушбахт бўлишни орзу қилар эди. Одатда нафрат шу зайлда интиқом олишни кўзлайди.

Д'Этамп хоним Асканионинг Коломбага астойдил ошиқ бўлиб қолганига ишонмас, ишонишни хоҳламас эди. «У ҳали гўдак-ку, нима истадини ўзиям билмайди, — деб уқдирарди хоним ўзига-ўзи. — Биринчи дуч келган ёқимтойгина қизга шайдо бўлиб қолгану такаббур тентак қизнинг бепарволиги унинг иззат-нафсига қаттиқ тегиб кетган. О, ҳали у ҳақиқий севгининг — пур-эҳтирос, собит севгининг қандай бўлишини ҳис қилсин, уни кимсан, мен, яъни ҳар битта инжиқлиги бутун салтанат учун қонун ҳисобланувчи ҳерцогиня д'Этамп, севнишимни билсин, ана унда...»

Виконт де Мармань билан Париж превоси ҳам қаттиқ аламда эдилар. Агар Анна билан Коломба муҳаббат азобида ёнаётган бўлсалар, Мармань билан превони изтиробга солаётган нарса нафрат туйғуси эди. Уларнинг иккови ҳам, айниқса, Мармань, Бенвенутодан қаттиқ газабланганди. Зеро, у шу Бенвенуто туфайли аёл кишининг нафратига дуч келиб, хор

бўлаётган ва шунинг касрига, энди ўзини мард қилиб кўрсатишга мажбур эди. Зеро, д' Этамп қасридаги учрашувдан олдин Мармань ҳайкалтарошни кўча-кўйда гумдон қилишни ўзининг ёлланган каллакесарларига буюриши мумкин бўлса, энди у Челлини билан унинг уйида яккама-якка жанг қилишга мажбур; Мармань шуни ўйларкан, қўрқувдан дағ-дағ титрарди; лекин шуниси ҳам борки, агар сизни биров малъун, қўрқоқ, деб ҳақорат қилса, сиз у одамни асло кечири олмайсиз, албатта.

Шундай қилиб, ҳамма, ҳаттоки енгилтак Скоццоне ҳам азобда эди: хандабону Скоццоне энди кулмас, қўшиқ куйламас, ҳатто кўпинча кўзлари йиғидан қизарган бўларди. Бенвенутонинг кўнгли ундан совуған, унга рўйхуш бермас, ҳатто баъзида қўрс муомала қиларди.

Шўрлик Скоццоне миясига канадек ёпишиб олган бир фикрдан жинни бўлиб қолаётган эди. Қиз Бенвенутога турмушга чиқишни жудаям хоҳларди... У ҳайкалтарошникига кўчиб келганида, Бенвенуто уни енгилтак дўндиқча деб эмас, балки диёнатли аёл сифатида иззат-ҳурмат қилди, оқибат, қиз хаёлига ҳам келтирмаган мана шу эҳтиром туфайли ўзининг бирданига бисёр нуфузли шахс эканлигига шоҳид бўлди-ю, бунинг учун ўз валинеъматини бошига кўтариб эъзозлай бошлади, ўзини бунчалик қадрлашаётганидан соддадиллик билан фахрланди. Шу пайтдан эътиборан, қиз Челлинининг талаби бўйича эмас, балки унинг илтимосига кўра, натурачи вазифасини ўташга бажонидил рози бўлди, натижада Катерина қиёфасини неча-неча марта гоҳ биринж, гоҳ кумуш, гоҳ олтинда мужассамлаштирдилар, неча-неча марта унинг қадду қомастига таҳсинлар ўқилди, оқибатда соддадил Скоццоне уста эришаётган муваффақиятларнинг деярли ярмини ўзиники деб ҳисоблай бошлади. Бенвенуто яратган у ё бу ҳайкалдаги нафис чизиқларга қойил қолиб, ҳайкалтарошни кўкларга кўтариб мақташганларида, Скоццоне беихтиёр қизариб кетар, ич-ичидан мағрурланиб, мен Бенвенуто учун сув билан ҳаводек зарурман, менсиз у донг тарата олмайди, унинг қалби меники бўлганидек, шону шуҳратининг ҳам бир қисми менга тегишлидир, деб таъкидларди ўзига-ўзи.

Шўрлик қиз! У ҳайкалтарош учун, ҳар бир ижодкор сифинувчи ва ижодкорни ижодкор қилишга қодир бўл-

ган энг муқаддас санам даражасига кўтарилди олмага-
нини ҳеч қачон билад олмади. Ҳайкалтарош унинг
андомидан, таманно қилиб туришидан нусха кўтарар-
ди, лекин қиз, Бенвенуто ҳамма муваффақиятларга
мен туфайли эришяпти, деб ўйлаб бора-бора шу фикри-
да қатъий туриб олди-да, охири устанинг хотини бў-
лишга умид қила бошлади. У сир тутишни билмас
эди, шунинг учун ўз ниятини дангал айтиб қўяқолди.
Челлини қизнинг гапларини ниҳоятда жиддийлик
билан тинглаб, унга шундай жавоб қилди:

— Кейин кўрамиз.

Аслида эса, у Скоццонега уйлангандан кўра яна
қайтатдан Муқаддас Малак қалъасининг маҳбуси бў-
лишни афзал кўрар, ҳаттоки у ердан қоча туриб,
иккинчи марта оёғини синдириб олишга ҳам рози эди.
Бу билан биз, Бенвенуто ўзининг дилбар Скоццоне-
дан нафратланарди, демоқчи эмасмиз; йўқ, у қизни
чин қалбдан яхши кўрар, ҳаттоки, бир оз рашк ҳам
қилар эди, аммо ёлғиз санъатгагина сажда қиларди,
зеро унинг энг биринчи, энг чинакам ва энг қонуний
маҳбубаси ҳайкалтарошлик ҳисобланар эди. Қолаверса,
хотин жаҳонгашта санъаткорнинг хушчақчақ кайфия-
тини бузиб қўймасмикин? Оила ташвиши ҳайкалтарош-
нинг истеъдодини барбод қилмасмикин? Ундан кейин,
агар у ўзи тақлиф қилган ҳар бир натурачисига
уйланаверса, йўқ деганда, юз карра қўшхотинли бўлар
эди-ку.

«Скоццонега қайлиқ топишим керак,— деб кўнгли-
дан ўтказди Бенвенуто,— биронта азамат йигитга тур-
мушга чиқараман уни, яхшигина сеп бераман. Шу йўл
билан Скоццоненинг эҳтиросли истагини рўёбга чиқара-
ман, зеро у ҳам ҳар бир фуқаро аёл каби эрининг
фамилиясига ўтишни орзу қилади».

Бенвенуто, Скоццоненинг ягона нияти — эрга тегиш,
аммо эрининг ким бўлиши аҳамиятсиз, деб ўйлаган, шу
важдан иззатталаб бу қизни ушалмайдиган орзулар би-
лан овунтириб қўйган эди. Бироқ Катта Нель қасрига
кўчиб ўтилган кундан бошлаб, Скоццоне тузган барча
ширин орзулар барбод бўлди; у ўзининг Челлинига
ҳаётда ҳам, ижодда ҳам, ҳар доим зарур эмаслигини
тобора аниқ кўра бошлади, энди қиз ҳайкалтарошнинг
кўнглини очишга, пешонасини тириштирган қайғудан
фориг қилишга ожиз эди. Буёқда Челлини ҳам энди
Ҳеба ҳайкалини ясаркан, андозани Скоццонедан олмай

қўйди. Яна бир гап — бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат, шўрлик қиз Челлинининг кўзи олдида Асканиога ноз-карашма қилишга уриниб кўрди, лекин маэстро на га-забланди, на рашк қилди. Наҳотки Катерина ўзининг ажойиб орзулари билан видолашишга мажбур бўлса?

Энди икки оғиз Паголо ҳақида. Агар унинг зим-зиё қалбидаги аҳвол китобхонни қизиқтирса, шуни айтишимиз мумкинки, у яқин кунлардан бери аввалгидан ҳам бадқовоқроқ, одамовироқ бўлиб қолди.

Эҳтимол китобхон бизнинг эски танишимиз ҳазил-каш Жак Обри ҳаммани маҳв қилган қайғу-ҳасрат дардидан ўзини четга олиб қолган, деб ўйлаётгандир. Асло — унинг ҳам бошига оғир ташвишлар тушди. Жак Обрининг кийими тез йиртиларди, у либосдан кўра ҳамёнини кўпроқ авайлар, такаббур тикувчи эса унинг учун қарзга кийим тикиб беришдан бош товлар эди.

Хуллас, шўрпешона дўстимиз кундалик ҳаётда кўп кўнгилсизликларга дуч келди. Хайрият, у, ўзимиз шоҳиди бўлгандек, бўлар-бўлмасга руҳи тушиб кетадиган тентаклардан эмас эди. Орадан сал вақт ўтар-ўтмас, у дардига малҳам бўлувчи Жервеза исмли бир дилбар қизни учратди. Лекин қиз Жак Обрига қиё ҳам боқмади, натижада йигит унинг қалбини ром қиламан деб жудаям қийналиб кетди. У қизнинг ишқида бутунлай туз тотмай қўйди, бу ҳам етмагандек, аблаҳ қовоқхоначи аблаҳ тикувчининг амакиваччаси экан денг, Жакни қарзга боқишни хоҳламади.

Шундай қилиб, ушбу қиссамиз саҳифаларида номлари зикр қилинган ҳамма қаҳрамонлар — Карл V Франция орқали ўтармикин ё ўтмасмикин, деб ташвишга тушган қиролдан тортиб, энди чақчақлашиб кўнгил ёзишларига имкон қолмаганидан афсусланаётган Перрина хоним билан Руперта хонимгача бўлган барча қаҳрамонлар ўзларини бахтсиз ҳисоблардилар. Агар бордию китобхонларимиз антик давр худоси Юпитерга ўхшаб, марҳумлар ноласи ва шикоятини тинглашдек хийла кўнгилсиз ҳуқуққа сазовор бўлишганида эди, улар бараварига зорланиб айтилган қуйидаги маҳзун овозларни эшитардилар:

ЖАК ОБРИ. Кошкийди Жервеза устимдан кулишни бас қилса!

СКОЦЦОНЕ. Кошкийди Бенвенуто мени зиғирчагина рашк қила қолса!

ПАГОЛО. Кошкийди маэстро Бенвенуто Скоццоненинг кўнглига тегса!

МАРМАНЬ. Кошкийди, Челлинини гафлатда қолдириб гумдон қилсам!

Д' ЭТАМП ХОНИМ. Кошкийди, Асканио уни қандай севишимни тушунса!

КОЛОМБА. Қанийди, Асканио билан бир зумгина кўришсаму кўнглимни ёзсам!

АСКАНИО. Қанийди, Коломба менга кўнглини ёзса!

БЕНВЕНУТО. Қанийди, ўз юрак дардимни Асканиога баён қилиш учун менда куч-қувват етарли бўлса!

ҲАММА БАРАВАР. Эвоҳ! Эвоҳ! Эвоҳ!

Ўн бешинчи боб

ҚУВОНЧНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАЙҒУГА АЙЛАНГАНИ ҲАҚИДА

Зўр эҳтирос билан ният қилинган бу истакларнинг бари ҳафтанинг охиригача рўёбга чиқди. Бироқ шу истаклари рўёбга чиққан одамлар янада бахтсизроқ, янада ғамгинроқ бўлиб қолишди. Ҳаёт қонуни бу: ҳар қандай қувончнинг негизида қайғу куртаги ниш уради

Хуллас, энди Жервеза Жак Обри устидан кулмай қўйган эди. Агар китобхоннинг эсида бўлса, талаба айнан шундай ўзгариш бўлишига астойдил истак билдирганди. Дарҳақиқат, Жак Обри тилсим топиб, шу тилсим билан енгилтак қизни ўзига ром қилди. Бу тилсим шахсан Бенвенутонинг ўзи ясаган ғоятда чиройли олтин узук бўлиб, унда бир-бирига туташиб, кўришиб турган иккита қўл тасвирланган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Нель қасри учун бўлган жангдан кейин Жак Обри флоренциялик ҳайкалтарошнинг самимийлиги ва серғайратлигига қойил қолиб, унга астойдил меҳр қўя бошлаганди. Қарангки, маҳмадона Жак Обри Бенвенуто гапирганида унинг сўзини ҳеч бўлмасди. У ҳайкалтарошнинг юзига тикилганча, гапларини эҳтиром билан тингларди, ваҳолонки дорилфунунда, мударрисларнинг шунча уринишганига қарамай, Обри ҳеч қачон дарсларни бундай диққат-эътибор билан тингламас эди. Челлинининг ижодидан завқланар, гарчи ҳассос санъатшунос бўлмаса ҳам, у яратган буюмлар ҳақида самимият билан қиз-

гин гапирарди. Челлинига ҳам Жакнинг софдиллиги, мардлиги ва қувноқ феъли ёқиб қолганди. Бу талаба копток ўйини пайтида бир эмас, бир неча қадаҳ майни кўрдим демай сипқориши, майхўр улфатлари билан ҳазиллашиб куч синашиши мумкин эди. Қисқаси Бенвенуто у билан жонажон дўст бўлиб қолди, шунда бир кун битмас-туганмас бойлик соҳиби ҳайкалтарош Жакка мурувват кўрсатиб, узук совға қилди. Бу узук шу қадар зўр маҳорат билан ишлангандики, агар жаннатдаги олма ўрнида шу узук бўлганида, Момо-Ҳавони ҳам ўзига ром қилган, Фетида билан Пелейнинг никоҳ тўйида ўртага низо солган¹ бўлар эди.

Узук Жак Обрининг қўлидан Жерезанинг қўлчасига кўчди, натижада, қиз талабанинг устидан кулмайдиган бўлди ва ўз навбатида йигит ҳам қизни бундан бўён ўз маҳбубаси деб умид қила бошлади.

Скоццоненинг истаги ҳам юзага чиқди: у Бенвенутонинг қалбида рашк учқунини алангалата олди. Воқеа бундай бўлган эди.

Қиз қанча нозу карашма қилмасин, қанча суйкалмасин, барибир бепарво ва жиддий қиёфадаги Бенвенутонинг эътиборини ўзига қарата олмагач, бир кун кечқурун виқор билан шундай деди:

— Бенвенуто, менга берган ваъдангиз ҳақида негадир ҳеч ўйламай қўйдингиз!

— У қанақа ваъда экан, жонгинам?— деб сўради Бенвенуто кўзларини шифтга тикиб, гўё қизнинг матоматига жавоб ўша ерга ёзиб қўйилгандай.

— Вой, сенга уйланаман, деб неча-неча марта ваъда қилувдингиз-ку!

— Негадир эслолмаяпман, — деб жавоб қилди ҳайкалтарош.

— Эсингизда йўқми?

— Йўқ. Лекин сенга: «Кейин кўрамиз», деган эдим шекилли.

— Нима, ҳалигачаям ҳеч нима кўрмадингизми?

— Кўрдим.

¹ Юнон ривоятига кўра, шоҳ Пелей денгиз маъбудаси Фетидага уйланаётганида, никоҳ тўйига адоват маъбудаси Эридани таклиф қилмайди. Эридан ўч олиш ниятида, тўй зиёфати бўлаётган залга «Энг соҳибжамол маъбудага» деб ёзилган олтин олма ташлайди. Бу нарса маъбудалар ўртасида низо чиқишига ва охир-оқибат Троя урушининг бошланишига сабаб бўлади. Воқеа Ҳомернинг «Илиада» дестонида тараннум этилган.

— Нимани кўрдингиз?

— Кўрсам, мен ҳали жудаям ёш эканман, бинобарин, Скоццоне, уйланиш менга тўғри келмас экан. Бу гапга ҳали яна қайтармиз.

— Лекин мен, афандим, сиз ўйлаган тентак қизлардан эмасман, шунинг учун, дудмал ваъдаларга қаноат қилиб, умрбод ҳақ деб кутиб ўтира олмайман!

— Майли, билганингни қил, тасаддиқ. Агар шошилаётган бўлсанг, бахтингни ахтариб кўр.

— Энди тушундим!— деди бирдан Скоццоне ва кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. — Сиз донги оламга таралган одамсиз, шунинг учун, мендек нотавон бир қизнинг — бутун қалбини, жонини сизга фидо қилган қизнинг фамилиянгизга ўтишини хоҳламайсиз! Ҳолбуки, айнан шу қиз сиз учун ҳар қандай азобу уқубатларга бардош беришга тайёр, у ёлғиз сиз билан ҳамнафас, фақат сизни севади...

— Биламан, Скоццоне, ишонтириб айтаманки, мен беҳад миннатдорман сендан!

— Шу қиз сизга астойдил кўнгил қўйиб, сўққабош ҳаётингизга қувонч олиб кирди, шу билан бирга олиффа ва ўктам сувори ўқчилару удайчиларга ҳеч қачон қиё ҳам боқмади, йигитларнинг изҳори ишқларига қулоқ ҳам солмади, ваҳолонки, бунақа севги изҳор қилувчилар ҳаттоки шу ерда ҳам кўп эди...

— Ҳатто шу ердаям-а?— деб унинг сўзини бўлди Бенвенуто.

— Ҳа, шу ердаям! Эшитиб қўйинг, ҳаттоки шу ердаям!

— Скоццоне,— деб юборди Бенвенуто,— наҳотки менинг шогирдларимдан биронтаси сенга севги изҳор қилган бўлса?..

— Ҳа, агар рози бўлганимда ўша хуштор йигит менга уйланган бўларди,— деб гапида давом этди Скоццоне, чунки у, Челлинида ўзимга нисбатан севги ҳиссиётини уйғотдим, шунинг учун ҳам ғазаблана бошладим, деб ўйлаган эди.

— Скоццоне, қани айт, ким ўша нобакор?.. Ҳарҳолда, Асканнио эмасдир?

— О, у менга қайта-қайта нималардеб айтди денг: «Катерина, устоз сизни лақиллатяпти, гарчи сиз шундай меҳрибон, кўҳлик қиз бўлсангиз ҳам, у ҳеч маҳал сизга уйланмайди — Челлини жудаям кеккайиб кетган. О, кошкийди у сизни худди менчалик сева олса, ёки

қанийди, сиз мени худди уни севганчалик севсангиз!»

— Исми нима, исмини айт ўша хиёнаткорнинг! — деб қичқирди даргазаб Бенвенуто.

— Лекин унинг гапларига қулоқ солмадим,— дерди қалби қувона бошлаган Скоццоне.— Аксинча, унинг тилёглама гаплари бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетди. Боз устига, агар яна шунақа шилқимлик қилсангиз, ҳаммасини устозга айтиб бераман, деб унга ҳатто пўписа ҳам қилдим. Мен фақат сизни севар эдим, кўзимга бошқа ҳеч ким кўринмас эди, шунинг учун хуштор йигит ширинсуханлигию хушомадона нигоҳлари билан ҳам ҳеч нарсага эриша олмади. Майли, сиз ўзингизни ҳар доимгидек бепарво қилиб, гўё ҳеч бир гапимга ишонмаётгандек қилиб кўрсатаверинг! Лекин ҳамма гапларим чин ҳақиқат!

— Ишонмайман гапингга, Скоццоне,— деди Бенвенуто, чунки у қиз билан шу йўсинда гаплашса, ҳамма гапни билиб олиши мумкинлигини тушунган эди.

— Ие, ҳали сиз менинг гапимга ишонмаяпсизми?!— деди Скоццоне ҳайрон қолиб.

— Ишонмайман.

— Сиз мени ёлгончи деб ўйлаяпсиз шекилли?

— Менимча, сен янглишяпсан.

— Ие, ҳали сизнингча, мени ҳеч ким севиши мумкин эмас экан-да?

— Мен бундай деганим йўқ.

— Демаган бўлсангизам ўйладингиз.

Бенвенуто мийғида кулиб қўйди, зеро Катеринани қандай қилиб гапга солиш мумкинлигини тушунган эди.

— Аммо унинг мени севиши — ҳақиқат,— деб гапни давом эттирди Скоццоне.

Бенвенуто яна гумонсирагандай елкасини қисиб қўйди.

— Севгандаям, биракай севади! Сизга ўхшаган эмас — сиз ҳеч қачон ҳеч кимни сева олмайсиз, шуни бир билинг, тақсир!

Бенвенуто хахолаб кулиб юборди:

— Қизиқ, ким бўлди экан ўша ўктам Медор?¹..

— Унинг оти сираям Медор эмас,— деб жавоб қилди Катерина.

— Бўлмаса, нима, Амадисми?

¹ Медор — Италия шоири Ариостонинг (1474-1533) «Даргазаб Роланд» достонидаги ўктам йигит образи.

— Йўқ, Амадис¹ ҳам эмас. Унинг оти...

— Галаорми²?

— Паголо унинг оти, агар шунчалик билгингиз қис-
таётган бўлса!

— А-а... демак, жаноб Паголониинг шахсан ўзлари
экан-да! — деб тўнғиллади Челлини.

— Ҳа, жаноб Паголониинг ўзгинаси, — деб тасдиқла-
ди Катерина, Челлинининг пичинг унга қаттиқ ботган
эди. — Жонон йигит, яхши оиланинги фарзанди, тамиз-
ли, ювош, имонли, бунақа одам яхши эр бўлади.

— Сен шунга ишонасанми, Скоццоне?

— Ҳа, ишонаман.

— Шундай бўлса ҳам уни умидвор қилмадингми?

— Ҳатто гапларини эшитишни ҳам хоҳламадим. О,
ўшанда тентаклик қилган эканман! Лекин энди яна
огиз очгудек бўлса...

— Сен ҳақсан, Скоццоне, унинг гапларига қулоқ
солиш, саволларига жавоб қайтариш керак.

— Тушунмадим! Нима дедингиз?

— Сен Паголониинг ишқий изҳорларига қулоқ соли-
шинг, уни рад қилмаслигинг керак. Қолганини менга
қўйиб бер.

— Яхшику-я, лекин...

— Ҳеч хавотир олма, шунчаки кўнглимга бир қизиқ
фикр келди.

— Нима ҳам қилардим! Фақат, ўтинадан сиздан, бе-
чорани жудаям қаттиқ жазоламанг, у: «Мен сизни сева-
ман», деб гапирганида худди гуноҳларига тавба қилаёт-
гандек бўлади. Агар жудаям қасос олгингиз келаётган
бўлса, унга қизиқроқ бир ҳазил қилингу, лекин шам-
ширингизни ишга сола кўрманг. Ўтиниб сўрайман,
раҳм қилингу унга!

— Сен менинги қасосимдан мамнун бўласан, Скоццо-
не, зеро қасосим сенинги фойданг билан якунланади.

— Қанақасига?

— Ҳа, шу қасос шарофати билан сенинги зўр бир
орзунг амалга ошади.

— Нима демоқчисиз бу билан, Бенвенуто?

— Бу менинги сирим.

— О, у севги изҳор қилган пайтда афтининг бирам

¹ Амадис — Испания адабиётида «Амадис Ҳаллий» номли маш-
хур рицарлик романининг қаҳрамони.

² Галаор — XVI асрда Испанияда яратилган жуда кўп рицар-
лик романларининг қаҳрамони.

кулгили бўлиб кетишини кўрсангиз эди! — деб гапида давом этди шўх Скоццоне, зеро у атиги беш дақиқагина ҳам гам чека олмас эди.

— Ҳар қалай, хандабону маъшуқангизга бировларнинг хушомад қилганидан жириллаб кетар экансизку! Демак, сиз бечора Скоццонеингизни озгина бўлса ҳам севар экансиз-а?

— Ҳа. Лекин унутма, Паголо билан худди мен айтгандек муносабатда бўл, топшириқларимни бекаму кўст бажар.

— О, кўнглингиз тўқ бўлсин, мен ҳам муғамбирлик қилишда бошқалардан қолишмайман! У дийдиёсини бошлаб: «Хўш, Катерина, сиз ҳалиям ўша-ўша бешафқатмисиз?» — деб сайраши билан, мен унга жавоб қилиб: «Яна шу гапни бошладингизми, жаноб Паголо?» — дейман. Аммо, турган гапки, қаҳр билан эмас, ширинсўзлик билан гапираман. У аввалги жаҳлимдан тушганимни кўрадио мени гўё ўзига эритгандек кеккайиб кетади. Сиз уни нима қилмоқчисиз, Бенвенуто? Қачон қасос ола бошлайсиз? Бу кўпга чўзиладими? Албатта, жуда қизиқ бўлса керак-а? Куламиниз ҳамми?

— Куламиниз, — деди Бенвенуто.

— Ўзингиз мендан айнамайсизми?

Челлини жавоб бериш ўрнига қизнинг пешонасидан ўпди — бу энг маънодор жавоб эди, чунки бу жавобда ҳеч нима дейилмас ва айна пайтда ҳамма нарса ҳақида аниқ гапирилган эди. Челлинининг бу бўсаси у олмоқчи бўлган қасоснинг муқаддимаси эканлигига шўрлик Катерина шубҳа қилмас эди.

Виконт де Мармань, ўзи хоҳлаганидек, Бенвенутони ёлғиз учратди. Воқеа бундай бўлган эди.

Превонинг газабидан қаттиқ ранжиган, д'Этамп хонимнинг нафратидан кўнгли ўксиган, энг муҳими, ўзининг харисона очкўзлиги васвасасига учган виконт ёллаган икки каллакесари ёрдамида ғанимига унинг уясида ҳамла қилмоқчи бўлди ва ниятини амалга ошириш учун заргарлар жамияти байрами — муқаддас Элигия кунини танлади, зеро бу куни Нель қасри одамлардан холи бўлиши керак эди. Алқисса, у бошини адл кўтариб, юраги гурс-гурс урганча соҳил бўйлаб кетиб борар, ёллаган каллакесарлари эса, ундан ўн қадамча орқада келишарди.

Шу пайт яқингинадан кимнингдир овози эшитилди:

— Манави навқирон ўқтам сенъор ўз маҳбубаси билан дийдор кўришгани кетяпти, менимча унинг мардона важоҳати — хоними учун, икки соқчиси эса хонининг эрига мўлжалланган.

Мармань, битта-яримта ошнам ҳазиллашяпти шекилли, деб орқасига ўгирилди, лекин кўзи мутлақо нотаниш одамга тушди: у ҳам Мармань кетаётган томонга йўл олган эди. Виконт чуқур хаёлга чўмганлиги сабабли, шу пайтгача ҳамроҳини пайқамаганди.

— Гапимнинг тўғрилигига гаров ўйнашим мумкин, муҳтарам ошиқ, — монолодан диалогга ўтиб гапини давом эттирди нотаниш йигит. — Ҳамёнимни сизнинг ҳамёнингизга тикаман, гарчи қанча ақчангиз борлигини билмасам ҳам... очиги, мени асло қизиқтирмайди... бахтингизни излаб кетаётганингиз... О, гапирманг, ишқ масаласида камтарин бўлган яхши! Шундай бўлиш бизнинг бурчимиз. Қисқаси, камина Жак Обриман, унвоним дорилфунун талабаси. Мен ҳозир Жервеза Попино исмли бир дўндиқ қиз билан учрашгани кетяпман, гап орамизда қолсину ўзиям ўлгудек тегманозик-да, аммо барибир, узукни кўрганидан кейин чидаб тура олмайди. Рост, ўзиям узукмисан-узук-да, нақ мўъжиза дейсиз! Узукни шахсан Бенвенуто Челлинининг ўзи ясагандан кейин, ёмон бўлармиди!

Виконт де Мармань бу сурбет сафсатабознинг гап ларига ҳанузгача деярли қулоқ солмаётган ва унга жавоб қайтаришдан ўзини эҳтиёт қилиб келаётган эди. Лекин Бенвенуто Челлинининг номини эшитган ҳаманоқ сергаклашди:

— Бенвенуто Челлини ясаган, дедингизми? Ё алҳазар, оддий бир талаба учун гоят ҳашаматли совға-ку бу.

— Э, ўзингиз тушуниб турибсизки, муҳтарам барон... Дарвоқе, кимсиз ўзи: баронмисиз, графмисиз ё виконтмисиз?

— Виконт, — деб жавоб қилди Мармань аламдан лабини тишлаб: талаба йигитнинг беҳурматлик қилиб, бетакаллуф оҳангда суҳбатлашиши унинг қонини қайнатар, шунга қарамай, у кутилмаган ҳамроҳидан Челлини ҳақида бирон янги маълумот олишни хоҳларди.

— Ўзингиз тушуниб турибсиз, азизим виконт, узукни мен сотиб олмаганман, албатта. Йўқ, гарчи мен қалбан санъаткор бўлсам ҳам, бунақа арзимас нарсаларга пул сарфламайман. Ўтган якшанба куни Бенвенутога Катта

Нель қасрини преводан тортиб олишда кўмаклашганим учун миннатдорчилик рамзи сифатида совға қилувди.

— Бундан чиқди, сиз Челлинининг дўсти экансиз-да? — деб сўради Мармань.

— Энг жоножон дўстиман, виконт, шундай дўстим борлигидан фахрланаман! Мен сизга айтсам, биз тоабад ажралмас дўстлармиз. Сиз ҳам у билан таниш бўлсангиз керак, албатта?

— Ҳа.

— Бахтли одам экансиз! У буюк истеъдод эгаси, шундай эмасми, қадрли дўстим? Кечирасиз, сизни «қадрли дўстим», деб атадим — ўзи шундай мурожаат қилишга одатланиб қолганман: ҳа-я, қолаверса, мен ҳам асилзодалар наслиданман. Ўзим эшитганман: дадам ҳар гал ойимни дўппослаганида, ойим, ахир асилзодасан-ку, деб дадамнинг юзига соларди. Хуллас, боя сизга айтганимдек, мен буюк Бенвенуто Челлинининг мухлиси, ишонган тоғи, тутунган иниси бўламан, бинобарин, унинг дўстларига дўст, душманларига душманман, зеро бу буюк санъаткорнинг душманлари ҳам бор. Унинг энг ашаддий душмани д'Этамп хоним, кейин анави қари тўнка — Париж превоси, ундан кейин, яна қандайдир Мармань деган одам, ўлгудек бесўнақай, найнов дейишади, сиз уни танисангиз ҳам керак... Эшитишимча, у Катта Нель қасрини тортиб олмоқчимиз. Қани, тумшугини тикиб кўрсин-чи, лаънати!

— Демак, Бенвенуто унинг ниятидан хабардор экан-да? — деб сўради талабанинг гапларига қизиқиб қолган Мармань.

— Уни огоҳлантиришган, лекин... бу сир! Бу ҳақда, келинг, бошқа гаплашмайлик. Боя номи зикр этилган Мармань ўз қилмишига яраша жазосини олаверсин.

— Бундан чиқди, Бенвенуто ҳамиша сергак денг? — сўради виконт.

— Сергак, дейсизми? У доимо ҳушёр. Уни уёқда, ўз ватанида неча марталаб ўлдирмоқчи бўлишган экан, аммо, худога шукрки, ҳар гал фалокатдан эсон-омон қутулиб қолаверган.

— Уни сергак деб айтганингизни қандай тушуниш керак?

— Бу билан мен Бенвенутони, анави қари кўрқоқ превога ўхшаб, уйда бутун бошли гарнизон сақлаб турипти, демоқчимасман, албатта! Э, йўқ, йўқ, аксинча,

масалан, ҳозир у қасрда ёлғиз ўзи қолган — ҳамма халфалари вақтичоғлик қилгани Ванврга кетишган. Мен қадрдон дўстим Бенвенутонинг ҳузурига бориб у билан бир-икки қўл копток ўйнамоқчи бўлувдим. Лекин, таассуфки, Жервеза буюк устага рақиб чиқиб қолди, натижада, ўзингиздан қолар гап йўқ, Жервезани афзал кўрдим.

— Ундай бўлса, мен сизнинг ўрнингизни босаман, — деди Мармань.

— Жуда соз-да, борақолинг, бу рафторингиз таҳсинга лойиқ. Борақолинг, қадрли дўстим виконт, дўстим Бенвенутога айтиб кўйинг, мен шу бугун кечқурун унинг ҳузурида бўламан. Яна бир гап: дарвозани уч марта, қаттиқ-қаттиқ тақиллатинг — шунга келишиб олганмиз — буни Бенвенуто, унинг пайига тушиб найранг қилаётган анави найнов Мармандан эҳтиёт бўлиш учун ўйлаб топган. Сиз танийсизми ўша виконт де Марманни?

— Танаймайман.

— Эҳ, аттанг! Таниганингизда унинг қиёфасини тасвирлаб берган бўлардингиз.

— Нима қиласиз унинг қиёфасини?

— Агар уни учратиб қолсам — бошқача сайраган бўларди! Сабабини ўзим ҳам билмаймай-у, азизим виконт, гапимга ишонаверинг, ўша Марманингизни кўрмаганман, танаймайман ҳам, аммо уни ўлгудек ёмон кўраман! Қўлимга тушсин, шунақанги боплаб додини берайки!... О, мени афв этгайсиз, мана Августинлар черковига етиб келдик, шу ерда сиз билан хайрлашишга мажбурман... Ҳа, дарвоқе, исмингиз нима, азизим?

Виконт гўё саволни эшитмагандай йўлида кетаверди.

Жак Обри унинг орқасидан қараб қоларкан:

— Ҳа-а! — деди чўзиб.— Назаримда, азизим виконт, сиз исмингизни сир сақламоқчисиз шекилли! Мана буни чинакам ўғил бола деса бўлади, йўқса, мен ҳеч нимага тушунмадим! Ихтиёрингиз, азизим виконт, ихтиёрингиз...

Шундан кейин Жак Обри қўлларини чўнтагига тикиб, бир қўшиқ куйини ҳуштак қилиб чалганча, ҳар доимгидек лапанглаб юриб бориб, Жува кўчасига бурилди: Жервеза шу кўчанинг охирида турарди. Виконт де Мармань эса, Катта Нель қасри томон юришда давом этди.

Ҳақиқатан ҳам, Обри айтганидек, Бенвенуто уйда

ёлтиз ўзи эди: Асканио ўз хаёллари оғушида қаердадир тентираб юрар, Катерина Руперта хоним билан бирга бир дугонасиникига меҳмонга кетган, халфалар бўлса, муқаддас Элигия байрамини нишонлагани Ванврга жўнашган эди.

Шу куни эшик олдида соқчилик қилиб турган Жимит-Жан Марманнынг уч қарра тақиллатишига лаққа тушиб, виконтни дўст деб билиб, у билан бирга икки соқчисини боққа бошлаб кирганида, ҳайкалтарош маҳобатли Марс ҳайкалининг (ҳайкалнинг Катта Нель қасри тоmidан ҳам баландга кўтарилган боши Луврни мушоҳада қиларди) лой модели устида ишлаётган эди.

Бенвенуто гарчи Тицианга ўхшаб совут кийиб ишламаса ҳам, худди Сальватор Розага¹ ўхшаб, ёнига найза-қилич осиб олган ва қўл остида пилтамилтиғи бор эди. Мармань бу ҳолни кўриб, гарчи Челлинининг олдига қўққисдан бостириб кирган бўлса ҳам, ҳеч нимага эриша олмаслигига кўзи етди, зеро у қуролланган одамнинг ҳузурига кириб келган эди.

Виконт чўчиди, лекин шунга қарамай, қўрққанини сездирмасликка уринди ва Челлини ундан нима мақсадда бу ерга келганини эътироз билдиришга йўл қўймайдиган буйруқ оҳангида сўраганида, виконт сурбетларча бақрайиб туриб деди:

— Сиз билан ишим йўқ. Менинг исмим виконт де Мармань, қирол саркотиби бўламан. Манави аъло ҳазратларининг фармони, — деб илова қилди у ёрликни боши узра кўтараркан, — бу ёрликда Катта Нель қасрининг бир қисми қирол томонидан менга инъом этилгани ёзилган. Шунга кўра, камина ўзимга ажратилган ва бундан буён ўзим истиқомат қиладиган хоналарни дидимга мослаб жиҳозлаш борасида фармойиш бергани келдим.

Мармань шундай деганича, икки соқчиси кузатувида қасрга олиб кирувчи эшик томон юрди.

Бенвенуто, юқорида айтганимиздек, ҳаминша ёнида турадиган пилтамилтиқни олиб, икки сакрашда эшик остонасига етиб олди.

— Қимирламанг! — деб бақирди у гулдираган овоз билан ва ўнг қўлини Мармань томонга чўзди. — Яна бир қадам қўйсангиз — ўласиз!

¹ Сальватор Роза (1615—1673) — Италия рассоми; бир оз вақт Людовик XIV нинг саройида хизмат қилган. Унинг романда эсланиши тарихий нуқтаи назардан хатодир.

Виконт, ҳақиқатан ҳам, таққа тўхтаб қолди, ҳолбуки унинг олдинги важоҳатидан, китобхон бу ерда қонли тўқнашув бўлишини кутган бўлиши мумкин.

Ҳа, даҳшатга солиш қобилиятига эга бўлган шунақа одамлар ҳам бўлади. Ундай одамларнинг бутун қиёфаси, нигоҳи, ҳар бир ҳаракати худди шернинг важоҳати, кўзлари ва хатти-ҳаракати сингари кишини ғайри-таъриф даҳшатга солади. Уларнинг ғзаби дағ-дағ титратади, қудратини-ку, бир нигоҳ ташлашининг ўзидаёқ сезасан. Агар шундай одам ер депсинса, мушт дўлайтирса, бурун парракларини учуриб хўмрайса, хаттоки довьораклар ҳам эсанкираб қолади. Майда ваҳший ҳайвонлар галаси биронта йиртқичга ҳужум қилганида, агар ўша йиртқич ҳайвон тукларини ҳурпайтириб бир ўкириб берса, ҳужум қилган майда ҳайвонлар ҳаяжондан қалтирай бошлайдилар. Биз баён қилаётган одамлар шундай даҳшатли эди. Довьорак азаматлар ўзларини уларга ўхшатадилар ва дохилан ҳаяжонлансалар ҳам, улар билан куч синашишдан қайтмайдилар. Лекин заиф, юраксиз, қўрқоқ одамлар уларнинг важоҳатини кўриб, дағ-дағ титраганча орқаларига чекинадилар.

Мармань ҳам, китобхон фаҳмлаган бўлса керак, мардлар тоифасига кирмас, Бенвенуто эса, тамомила унинг акси эди.

Шунинг учун, виконт даҳшатли душмани Бенвенутонинг наърасини эшитиб, шамшир ушлаган қўлини улуғворлик билан чўзганини кўрдию пилтамилтиқлар, найза-шамширу ханжарлар унинг ўзини ҳам, икки соқчисини ҳам ўлимдан қутқара олмаслигига кўзи етди. Бу ҳам камдек, маэстронинг хавф остида эканлигини кўриб қолган Жимит-Жан қўлига узун найза ушлаб олган эди.

Мармань ўйинда ютқазганлигини сизди ва агар калтафаҳмлиги туфайли тушган бу хавfli тузоқдан эсон омон қутулиб чиқиб кета олса, ўзини бахтиёр ҳисоблашини ўйлади.

— Бўлди, бўлди, мессер заргар! — деди у. — Биз шунчаки, аъло ҳазратларининг амрига итоат этиш-этмаслигингизни билмоқчи эдик. Сиз фармони олийни менсимадингиз, уни эътироф этишни хоҳламайсиз! Ҳай, майли. Биз шундай одамга мурожаат қиламизки, у сизни қирол амрини бажаришга мажбур этади. Лекин хомтама бўлманг, биз ўзимизни пастга уриб, сиз билан жанг қилиб ўтирмаймиз! Саломат бўлсинлар!

— Оқ йўл! — деб жавоб қилди Бенвенуто хандон ташлаб куларкан.— Жан, кузатиб қўй манави жанобларни!

Виконт билан унинг икки соқчиси Катта Нель қасридан чиқинди, улар тамомила шарманда бўлган, уч киши бўла туриб бир кишидан қўрқинган эди, бунинг устига уларни бир гўдак кузатиб қўйди.

Шундай қилиб, виконтнинг Бенвенутони гафлатда қолдириш орзуси ҳам амалга ошдию бошига фалокат бўлиб ёғилди.

Шавкатли виконтимизнинг хуноби чиқиб кетди: ҳаёт унинг умидларини пучга чиқариб шундай қаттиқ панд берган эдики, тақдирнинг ҳавил қилаётганини аввалига сезмаган Жак Обри ҳам, Скоццоне ҳам ўз ниятларининг рўёбга чиққанида бунчалик панд емагандилар.

«Демак, д' Этамп хоним тўғри айтган экан,— деб ўйларди виконт,— энди мен унинг маслаҳатига амал қилишим керак, найза-шамширдан воз кечиб, ханжарни қайрашим лозим. Ҳа, у иблиснинг ўзи экан! Унинг ҳақида юрган миш-мишлар тўғрига ўхшайди. Бетоқат, муросага юрмайди. Унинг кўзлари қисқа ва аниқ қилиб, яна бир қадам қўйсанг — ўласан, деди менга. Лекин мағлубиятдан кейин албатта ғалаба бўлади — мен ҳам бу ўйинда албатта ютиб чиқаман. Эҳтиёт бўлинг, маэстро Бенвенуто, жуда эҳтиёт бўлинг»

Шунда у ваъда қилинган хизмат ҳақларини ҳалоллик билан олишга одатланган, одам ўлдиришга, ёки тўғри келса, ўзлари ўлишга шай бўлган, жангларда чиниққан икки ёлланган соқчини койишга тушди; қолбуки, улар ўз соҳибларининг амрига итоат этиб, чекинган эдилар. Ёлланган каллакесарлар, пистирмада фаолроқ ҳаракат қиламиз, деб ваъда беришди, лекин Мармань, ўз виждонини оқлаш ниятида:

— Сенларнинг касрингга ишим ўнгидан келмади, — деди.— Пистирмада сенларга шерик бўлмайман. Нима қилсаларинг ҳам ўзларинг эплаштирасанлар.

Каллакесарларнинг нияти ҳам айнан шундай эди.

Кейин, Мармань юз берган воқеа ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмасликни маслаҳат бериб, ўзи Париж превоси ҳузурига йўл олди. Мармань превога, ҳаммаси ишончлироқ бўлиши ҳамда ҳеч қандай шубҳа уйғонмаслиги учун, то Бенвенуто мўмай пул ёки дейлик ўзи ясаган қандайдир қимматбаҳо буюм билан биронта

пасқам кўчадан ўтгунча (у бундай хилват кўчалардан тез-тез ўтиб туради) уни гумдон қилиш режасини кечиктириб туришга қатъий қарор қилганини айтди. Шундай қилсам, деди у, Бенвенутони йўлтўсарлар ўлдириб кетганига ҳамма ишонади-қўяди.

Энди фақат бир нарсани, яъни д' Этамп хоним, Асканио ва Челлиниларнинг ўз орзулари ушалиши оқибатида қандай кулфатларга рўпара келишганини билишимиз қолди.

Ўн олтинчи боб

САРОИ ПАНОҲИДА

Бу орада Асканио нилуфар тасвирини чизиб бўлиб, шу заҳотиёк, синчковлиги қўзиганиданми, ёки кўнгил даъвати биланми, д' Этамп қасрига йўл олди (одатда бошига кулфат тушган одамда ўз валинесматига ситганиш майли уйғонади). Кундузги соат иккилар эди, бу маҳал ҳерцогиня бир олам аъёнлари даврасида ўтирар эди. Лувр дарвозаси Челлини учун мудом очиқ бўлганидек, д' Этамп қасрининг эшиги ҳам Асканио учун ҳаммиша очиқ эди. Йигитни дарҳол қабулхонага бошлаб киришиб, бу ҳақда ҳерцогиняга хабар қилгани кетишди. Ҳерцогиня ёш йигит олдида бугун гоят шукуҳли қиёфада кўринажagini ўйлаб, севинчдан бир сесканиб қўйди, сўнг Изабога пичирлаб қандайдир фармоёнлар берди. Мана, Изабо Асканионинг қўлидан ушлаб, даҳлизга чиқди ва эшик пардасини суриб, йигитчани оҳиста ичкарига йўллади. Асканио меҳмонлар қабул қилинадиган залга кириб қолган эди, у ўзини бу ошённинг маликаси ўтирадиган роҳаткурси орқасида кўрди.

Соҳибжамол ҳерцогиня, биз юқорида айтганимиздек, ўзининг чинакам аъёнлари даврасида ўтирарди. Унинг ўнг ёнида Карл V нинг элчиси ҳерцог де Медина-Сидониа, чап ёнида эса, қиролнинг иккинчи ўғли — Карл Орлеанийнинг мураббийси жаноб де Монбрион ўтиришарди. Қолган ақобирлар хонимнинг пойида ярим доира қуриб жойлашган эдилар.

Бу ерга нафақат салтанатда энг кўзга кўринган мансабдорлар, саркардалар, давлат арбоблари, амалдорлар, санъат намояндалари, шунингдек протестантлар гуруҳининг раҳбарлари ҳам йиғилган эдиким, д' Этамп

хоним мазкур гуруҳга хуфиёна ҳомийлик қилиб келади; қирол саройида эъзозланган бу ақибларнинг бари қирол маъшуқасининг аъёнларига айланган эдилар.

Бу ниҳоятда улугвор манзара бўлиб, дастлабки пайтда ҳатто кишининг кўзини қамаштирар эди. Суҳбатга валиаҳднинг маъшуқаси — Диана де Пуатье ҳақидаги ғийбатлар жон киритаётганди: д'Этамп хоним у аёл билан адоватда эди. Ҳар бир аъён ўз донолигини кўз-кўз қилишга уринаётган бу даҳанаки жангга Анна деярли қатнашмас, фақат аҳён-аҳёнда гўё беҳосдаг оғзидан чиқиб кетгандек, луқма ташлаб: «Бўлди, бас қилинглар, жаноблар, ҳадеб Диананинг ғийбатини қилаверманглар, ахир Эндимионнинг¹ аччиғи чиқиши мумкин», ё бўлмаса, «буни қарангки, шўрлик Диана хоним мен дунёга келган куним эрга теккан экан-а», деб қўярди.

Суҳбатга жон киритаётган бу пичингу таъналарни ҳисобга олмасак, д'Этамп хоним фақат ўз ёнида ўтирган икки меҳмони билан суҳбатлашарди. Унинг гаплари фақат шу икки киборга қаратилган бўлса ҳам, у гоёт кўтаринки руҳда ва айни пайтда анча баланд овоз билан гапирар, шунинг учун ҳам Асканио, гарчи ўзини мансабдор кишилар даврасида кўриб, чўчиб кетган, довдираб қолган бўлса ҳам, хонимнинг гапларини эшитар эди.

— Ҳа, жаноби Монбрион, — деб гапирарди соҳиб-жамол ҳерцогиня чап ёнида ўтирган ҳамсуҳбатига юзланиб, — сиз ўз тарбиянгиздаги зотни гоёт нодир ҳукмдор этиб тарбияламоғингиз лозим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, келажакда айнан шул зот қиролимиз бўлғай. Мен бу ёқимтой боланинг истиқболидан кўп умидворман, шунга кўра ҳозирдан унинг учун салтанатимиз ичида салтанат тайёрламоқдаман, мабодо тангри унинг отасини ўз қошига чорлаб қолгудек бўлса, албатта. Фараз қилайлик, Франция тахтига-гап орамизда қолсин-у, мутлақо ногавон Ҳенрих Иккинчи ўтирди ҳам дейлик. Майли, шундай бўлақолсин! Диана билан Парижни унга қолдирганимизда ҳам бизнинг қиролимиз француз қироли бўлади. Аммо биз ўз Карлимиз билан

¹ Эндимион (юнон мифологияси) — гоёт гўзал овчи йигит, маъбуда Селенанинг (Рим мифологиясида — Диананинг) маҳбуби. Ҳерцогиня д'Этамп бу номни Диана де Пуатьенинг исми билан ўхшашлигидан фойдаланмоқда.

бирга Париж руҳини ҳам олиб кетурмиз. Мен қаерда бўлсам, қирол саройи ўша ерда бўлади, жаноби Монбрион. Мен қуёшнинг йўлини ўзгартиргум, бизнинг атрофимизга Приматиччо каби буюк мусаввирлар, Клеман Маро сингари дилбар шоирлар тўпланишади... Ана, шоирнинг ўзи бурчакка суқулиб сукут сақламоқда, бу эса унинг бизга ўз ашъорини ўқиб бермоқчи бўлганидан далолат беради. Ижод аҳлининг ҳаммаси тамагир эмас, балки мутакаббирдирлар, улар бойлик орттиришдан кўра шон-шухратни афзал кўрадилар, ва ниҳоят, улар саҳоват билан бошларидан зар сочган кишиларга эмас, балки мутасил мақтаб кўкларга кўтарган одамларга содиқ бўладилар. Натижада уларнинг ана шу валинеъмати шону шухратга мушарраф бўлади, зеро бу одамлар ўзларининг мақтов сўзларини қабул қилган шаҳарни обод ва фаровон айлагайлар. Валиаҳдга фақат турнирлар бўлса бас... Дуруст, биз унга найзаю шамширларни қолдирамиз-да, ўзимиз патқаламу мўйқаламлар билан қуролланамиз. О, кўнглингиз тўқ бўлсин, жаноби Монбрион, Диананинг саройда биринчи аёл номини олишига асло йўл қўймайман, гарчи унинг келгусида қиролича бўлиш эҳтимоли бўлса ҳам! Майли, сабр-қаноат қилиб кутаверсин: балки вақти келиб, унга тасодифан ҳокима бўлиш nasib этиб қолар, а? Аммо мен, барибир қироллик иқтидорига икки ҳисса кўпроқ мушарраф бўламан... Дарвоқе, Милан ҳерцоглигига қандай қарайсиз? У ерда сиз женевалик дўстларингизга яқин бўлган бўлардингиз — зеро Германияда вужудга келган янги назария сиз учун бегона эмаслигини мен яхши биламан. Бўлди... биз ҳали бу мавзуга яна қайтамиз, ўшанда сизга баъзи нарсаларни сўзлаб бераман. Эшитиб ҳайрон қоласиз — ана шунақа! Нима учун Диана хоним католикларга ҳомийлик қила бошлади? У ҳомийлик қилади, мен қаршилик кўрсатаман, вассалом!

Д'Этамп хоним шундай деб шоҳона бир ишора қилди-да, ҳамсуҳбати Карл Орлеанийнинг мураббийига маънодор нигоҳ ташлаб, уни хайратга солган сирли эътирофини шу ерда ниҳоясига етказди. Мураббий жавоб қайтаришига шайланганди, аммо ҳерцогиня бу пайтда ҳерцог де Медина-Сидониа томонга ўгирилиб олди.

Бу гапларнинг ҳаммасини Асканио эшитиб тургани ҳақида биз юқорида айтиб ўтгандик.

— Хўш, жаноби элчи, — деб гап бошлади д'Этамп

хоним,— император ахири Франция орқали ўтишга аҳд қилдими? Гапнинг очиги, агар у шундай қилмаса, мушкул аҳволдан қутула олмайди — ахир ҳамма вақт кечувнинг саёзроқ ерени қидириш лозим. Императорнинг амакиваччаси — Ҳенрих Саккизинчи ҳеч андица келиб ўтирмай, уни асирга олади; шуниси ҳам борки, агар у инглизларга чап бериб қочиб қолса, туркларнинг қўлига тушади, куруқликда бўлса, протестант давлатлар тутиб олишади. Ўзга илож йўқ. Албатта Франция орқали ўтишга ёки ўз суюкли ҳамюртлари Гент аҳолисининг исёнини бостиришдан воз кечиб кўп имтиёзлардан маҳрум бўлишига тўғри келади. Ахир бузок император Карл — Гент фуқароси-ку¹, бу нарса унинг аъло хазратларини рутбасига монанд иззат-аҳтиром қилмаганида яққол кўзга ташланган эди. Император бугунги кунда ана шу воқеаларни ўйлаб, журъатсизлик қилапти, аҳтиёткорлик билан иш кўрапти, жаноби де Медина. О, биз унинг аҳволига яхши тушунамиз! У Франция қиролини Испанияда асир олган эди. Шунинг учун, энди у ўзининг Парижда Франциск I га асирга тушиб қолишидан, бунинг оқибатида Эскуриал² маҳбуси учун тўланган товоннинг бир қисмини қайтариб беришга мажбур бўлишидан қўрқаётган бўлса керак. Е тавба, айтинг унга, асло хавотирланмасин! Ҳаттоки, агар Карл Бешинчи бизнинг рицарона ҳалоллигимизни ҳали синаб кўрмаган бўлса ҳам ўйлайманки, бу ҳақда, ҳар қалай эшитган бўлиши керак.

— Шак-шубҳасиз, хоним афанди,— деб жавоб қилди элчи. — Биламиз, Франциск Биринчи, ихтиёри ўзида пайтлари ғоятда ҳалол, виждонли бўлади. Бироқ бизни хавотирга солаётган нарса...

Ҳерцог жим бўлиб қолди.

— Сиз қиролнинг маслаҳатчиларидан хавотирдасиз, шундай эмасми? — деб гапни илиб кетди ҳерцогиня. — Гап буёқда денг! Ҳа-ҳа, биламанки, дилбар аёл-

¹ Карл V Нидерландияда тарбия олган эди. У қирол бўлгач, Испанияга Нидерландия ақобирларидан ташкил топган аъёнлари билан борган эди.

² Эскуриал — Мадрид яқинидаги испан қиролларининг хоки қўйилган қаср ва монастырь. Уни 1563 йилда Карл V ўгли қирол Филипп II даврида қура бошлаганлар: шунга кўра, Франциск I «Эскуриал маҳбуси» бўлиши мумкин эмас, романнын бу ерида тарихий ноаниқлик мавжуд.

нинг маслаҳати, боз устига, оқилалик ва хушчақчақлиги билан берилган маслаҳат қиролнинг фикрига таъсир этмай қолмайди. Сизнинг вазифангиз, жаноби элчи, бу ҳақда ўйлаб кўриб, эҳтиёт чорасини кўришдан иборатдир. Бундан ташқари, назаримда, сизга чекланмаган ваколат берилган, бордию ўша нарса, яъни чекланмаган ваколатингиз бўлмаса, унда ўзига жуда-жуда кўп нарсани сиғдирувчи оқ қоғоз мавжуд. Биз яхши билемиз бунинг қандай бўлишини. Биз ҳам дипломатияни ўрганганмиз, ҳаттоки, мени элчи этиб тайинлашларини қиролдан илтимос ҳам қилганман. Аниқ биламанки, менда дипломатияга мойиллик бор. Жуда яхши тушуниб турибман, Карл Бешинчи учун ўз шахсини қутқариш ёнги ўз мустақиллиги эвазига империянинг бир қисмидан воз кечиш ниҳоятда оғир. Лекин иккинчи томондан агар у буюк ҳерцоглик ҳисобланган мулкнинг мўъжазгина монархияга айланиб қолиши мумкинлигини билса, императорнинг бувиси Мария Бургундийдан мерос бўлиб ўтган Фландрия унинг тожидаги энг ноёб безак ҳисобланадими, бир имзо чекиш билан аждодларнинг бундай туҳфасидан воз кечмоқ ниҳоятда оғирдир. Э, худойим, буларни нега гапирялман ўзи! Ахир сиёсатни ўлгудек ёқтирмайман-ку! Сиёсатдан одам хунук бўлиб қолармиш. Аёллар, албатта. Тўғри, аҳён-аҳёнда давлат ишлари ҳақида ҳеч қандай мақсадсиз икки-уч оғиз гап айтиб қўлман, аммо агар аъло ҳазратлари менинг фикримни яхшироқ билишни ихтиёр этсалар, мени бундай диққинафас суҳбатдан холи қўйинг, деб илтимос қиламан, баъзида эса уни хаёллар оғушида қолдириб, ўзим қочиб чиқиб кетаман. Сиз шу қадар моҳир дипломатсиз, одамларни шу қадар яхши биласиз, шунга кўра, айтилган сўз — отинган ўқ эмас, балки қиролга ўхшаган одамларнинг миясига жо бўлиб, куртак отувчи нарсадир, бундай сўзлар, мақолда айтилганидек, ўқ бўлиб учиб кетмайди, балки ҳаминша меъдага тегувчи, ҳеч ким эшитмайдиган узундан-узун ваъзлардан кўра кўпроқ таассурот қолдиради одамда, деб мулоҳаза қилсангиз керак. Эҳтимол шундайдир, жаноби де Медина, бу фақат менинг тахминим, ахир мен бор-йўғи бир ожиз аёлман, жон-дилим кийим-кечагу тақинчоқлар, бинобарин, бундай муҳим масалаларни мендан кўра сиз минг карра яхшироқ тушунасиз: аммо баъзида шер ҳам чумолининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолади, шунингдек оддий бир қайиқ

тўкаётган улкан кемадаги одамларни қутқариб қолиши мумкин. Ахир сиз билан биз бир-биримизнинг ниятларимизни тушуниш учун яратилганмиз-ку, ҳердоғ, бинобарин, ҳозир ҳам гап шу ҳақда боришти.

— Агар сиз шуни ихтиёр қилсангиз, хоним афанди, — деди элчи, — бу нарса жуда тез содир бўлиши мумкин.

— Сахий одамнинг қўли дард кўрмайди, — деб давом этди ҳерцогиня дангал жавоб беришга ҳуши келмай. — Камина ўз қалбим даъватига итоат этиб, Франциск Виринчига доим олиҳиммат, олижаноб бўлишни маслаҳат бераман, лекин баъзида қалбим ақлимга зид мулоҳаза қилади. Қолаверса, фойда ҳақида ҳам, турган гапки, Франция кўрадиган фойда ҳақида ҳам ўйламай бўлмайди. Аммо мен сизга ишонаман, жаноб Медина, албатта сиз билан маслаҳатлашиб тураман... Шу билан бирга, ўйлайманки, агар император қиролнинг чин сўзига ишонса, кўп оқилона иш қилган бўлур эди.

— О, хоним афанди, агар сиз бизни қўллаб-қувватлаганингизда, император асло иккиланмаган бўлар эди...

— Маэстро Клеман Маро! — деб ҳерцогиня, гўё элчининг гапини эшитмагандек, бирдан унинг сўзини бўлиб, сарой шоирига юзланди. — Маэстро Клеман Маро, мабодо илҳомингиз жўш уриб биронта нафис мадригал¹ ёки янгроқ сонетми ижод қилмадингизми? Бизга бирон нима ўқиб бермайсизми?

— Хоним афанди, — деб жавоб қилди шоир, — ҳамма сонетлару мадригаллар фақат сизнинг гўзал нигоҳингиз офтобда очилувчи гуллардир. Камина сизнинг ана шу офтобваш кўзларингизга боқиб туриб, бир ашъор ижод этдим.

— Ростданми, тақсир? Ундай бўлса, қани, эшитайлик... А-а, мессер прево, сизни кўрганамдан хурсандман. Узр, сизни пайқамабман. Бўлгуси куёвингиз, дўстимиз граф д' Орбекдан хат-хабар борми?

— Ҳа, хоним афанди, — деб жавоб қилди мессер д' Эстурвиль. — Унинг хабар қилишича, шошилинч равишда қайтишга шайланаётганмиш, демак, тезда дийдор кўришамиз, деган умиддамиз.

Кимдир оғир хўрсиниб қўйди, буни эшитган д' Этамп хоним бир сесканиб тушди, аммо ўгрилиб ҳам қарамай гапида давом этди:

¹ *Мадригал* — қисқа ҳажмдаги ишқий шеър.

— О, унинг қайтиши ҳаммамизни хушнуд этади!..
Ие, виконт Мармань, сиз ҳам келган экансиз. Хўш, қалай, ханжарингиз учун иш топдингизми?

— Йўқ, хоним афаиди. Лекин мен қидирган нарсамнинг изига тушдим, энди уни қаердан топишни биламан.

— Омад тилайман сизга, жаноби виконт, омад тилайман!.. Хўш, тайёрмисиз, маэстро Клеман? Шеърингизни диққат билан тинглашга тайёрмиз.

— Ушбу сатрлар д' Этампага бағишланган! — деб эълон қилди шоир.

Пичир-пичир таҳсинлар эшитилди, ийиб кетган шоир шеърини нозланиб ёддан ўқий бошлади:

Гўзал Тампе, форигбол маъво,
Эй сен, эрка муза днёри.
Элладанинг қирлари аро
Таралмагай бугун ифоринг,—
Фарангистон мулкида боринг.
Соҳир шиква, ўйламак ила,
Ҳарф ўйини ўйнамак ила
Этамп қилди Тампени ҳоким,
Нисор бўлғай у шўх, оқила
Офатижон санамга токим.

Д' Этамп хоним шоирга мурувватли жилва қилиб чапак чалди, қолганлар қам хонимга тақлид қилдилар.

— Во ажаб,— деди ҳерцогиня,— билишимча, Юпитер Тампега қўшиб Пиндарни¹ ҳам Францияга олиб ўтган экан-да.

Шундай деб ҳерцогиня ўрнидан турди, қолганлар ҳам оёққа қалқдилар. Бу аёлнинг ўзини ҳақиқий қиролича деб ҳисоблашига сабаб бор эди, шу боис у бу ерда ҳозир бўлганларга қабул вақти тугаганини улуғвор бир ишора билан билдирдики, аёнлар шу заҳоти унга худди қироличага таъзим қилгандек икки букилиб таъзим қилганча хонадан чиқа бошладилар.

— Сиз қолинг, Асканио,— деб пичирлади хоним. Асканио итоат этди.

¹ Пиндар (милоддан олдинги VI асрнинг охири — V асрнинг бошлари) қадимги Юнон шоири, халқ байрамларида хор бўлиб ижро этиладиган тантанавор қасидаларнинг муаллифи.

Лекин ҳамма чиқиб кетгач, йигитнинг қаршиенда халондимоғ, такаббур малика эмас, балки муте ва меҳрибон аёл турарди.

Оддий бир оилада туғилиб, киборлар даврасидан элида, монастырь ҳужраси сингари хилват устахонада тарбия олган, қирол қасрларига аҳён-аҳёнда, ўшанда ҳам ўз устози билан бирга борган Асканио бу шукуҳу дабдабаларни, одамлардаги кўтаринки кайфиятни кўриб кўзлари қамашган, уларнинг барча гапларини эшитиб ҳайратга тушган ва кўп ноқулай аҳволда қолган эди. У д' Этамп хонимнинг келажакнинг энг муҳим режалари ҳақида худди ҳазил қилаётгандек, бемалол гапиришини эшитиб, қироллар тақдири ва салтанатлар саодатини хоҳлаган кўйига солиб ўйнаётганини кўриб, боши айланиб, кўзи тина бошлади. Бу аёл ҳозиргина йигитнинг кўзи олдида, мисоли илоҳий қувва сингари бировларни теран андуҳ ботқоғига ботириб, бировларга шодлик ато этди, ўз қўллари билан ҳам кишанларни шарақлатди, ҳам қиролларнинг тожларини тортиб олди. Қарангки, мансабдор лаганбардорларни оёгининг учи билан кўрсатувчи, рўйи заминдаги энг юксак рутба соҳибаси бўлмиш ана шу аёл йигитга наинки ошиқ аёлдек мулойим нигоҳ ташлар, балки вафодор чўри сингари илтижо билан боқарди! Ана шунда, Асканио оддий томошабиндан бирданига бош қаҳрамонга айланиб қолди.

Лекин таннозликда қиёси йўқ ҳерцогиня ўзи ҳақида яхши таассурот уйғотиш учун ҳамма тадбирни кўриб қўйган ва бу учрашувга пухта тайёрланган эди. Бу аёл Асканионинг хоҳишсиз, ўзича унинг қалбига ҳукмронлик қилолмаётган бўлса ҳам, унинг ақл-ҳушини ром қила бошлаганини йигит дарҳол сизди: лекин у ҳали гўдак эди, шунинг учун руҳий саросимага тушганини яшириш ниятида, ўзини бепарво ва жиддий қилиб кўрсатишга интилди. Эҳтимол, бу пайт унга, ўзи билан ҳерцогиня ўртасидан тароватли Коломбасининг кўланкаси «лип» этиб ўтгандек туюлгандир ва у қизнинг қордек оппоқ кўйлагини, латиф чехрасини кўргандек бўлгандир...

СЕВГИ — ЭҲТИРОС

— Хоним афанди,— деди Асканио ҳерцогиня д' Этампга,— ёдингизда бўлса, сиз менга нилуфар ясашни буюриб, унинг суратини чизганим ҳаманоқ олиб келиб кўрсатишни тайинлаган эдингиз. Бугун эрталаб уни чизиб битирдим — мана у.

— Бу ҳақда гаплашишга ҳали вақтимиз бўлади, Асканио,— деди ялтоқланиб ҳерцогиня мафтункор табассум билан.— Ўтиринг ахир! Хўш, менинг азиз беморим, жароҳатингиз битай деб қолдими?

— Ярам битган, хоним афанди,— гўлдиради Асканио.

— Елкангиз-ку, тузалипти... Аммо бу ерингиз-чи? — деб сўради ҳерцогиня қўлини назокат ва мулойимлик билан йигитнинг юраги устига қўяр экан.

— Утинаман сиздан, хоним афанди, менинг ўша кундаги телба-тескари гапларимни унутиш! Сиздек мўътабар зотнинг оромини бузганимдан қаттиқ хижолатдаман.

— Вой, худойим-э! Нечун бундай ясама қиёфа! Нечун пешонангиз тиришган? Нега овозингиз бу қадар жаҳлдор? Бояги қаланги-қасанги одамлар жонингизга теккан бўлса керак, тўғрими, Асканио? Менга осон деб ўйлайсизми? Мен улардан нафратланаман, жирканаман, аммо айти пайтда, қўрқаман ҳам. О, тезроқ сиз билан ёлғиз қолишни қанчалик хоҳлаганимни билсангиз эди! Улардан қандай усталик билан қутулганимга эътибор бердингизми?

— Сиз ҳақ гапирдингиз, хоним афанди. Мен фақир бир заргарман, киборлар даврасида ўзимни жуда ўнгайсиз ҳис этдим. Зеро мен шунчаки сизга нилуфар тасвирини кўрсатгани келган эдим.

— Э, худойим-э! Кейинроқ кўрсатарсиз уни, Асканио,— деб гапида давом этди ҳерцогиня бежирим бошини чайқаб қўяркан.— Вой, мунча беилтифотсиз, намуноча қовонингиздан қор ёгмаса, ахир мен сизнинг дўстингизман-ку! Ўтган гал сиз бирам шодмон, бирам ёқимтой эдингизки! Кайфиятингизнинг бунчалик ўзга-риб кетишига нима сабаб бўлди, Асканио? Аминманки, устозингиз мен ҳақимда бир нима деган, зеро у мени ўлгудек ёмон кўради. Унинг мен ҳақимда айтган мало-

матларини индамай эшитиб ўтиравердингизми, Асканио? Ахир бундай ёрилсангиз-чи: сиз устозингиз билан мен тўғримда суҳбатлашгансиз, шундай эмасми? Шунда у сизга, ҳерцогинянинг гапларига ишониш хавфли, у ўзини дўст қилиб кўрсатиб, сени тузоғига илтириб олади, деган. Эҳтимол, у ҳатто мени сиздан нафратланади, деб ҳам айтгандир? Гапирсангиз-чи!

— Унинг гапига қараганда, сиз мени севиб қолганмишсиз, хоним афанди,— деб жавоб қилди Асканио ҳерцогиняга тикилиб қараганча.

Д'Этамп хоним ўт билан сувдек бир-бирига зид ҳаёллар оғушига тушиб лол бўлиб қолди. Тўғри, у ўз севгисидан Асканионинг воқиф бўлишини истар, лекин буни изҳор қилиш учун аста-секин замин тайёрлаб бориб, шундан сўнг йигитнинг қалбидан Коломбанинг муҳаббатини лоқайдлик билан юлиб ташламоқчи эди. Баски, ҳерцогиня қўйган тузоқни пайқаб қолишган экан, энди у очиқ жангга, фақат бор гапни дангал айтиш билан зафарга эришиши мумкин. Д'Этамп хоним бу ниятини дарҳол рўёбга чиқаришга киришди.

— Ҳа, тўғри,— деди у.— Мен сени севаман. Наҳотки бу жиноят бўлса? Ё хато қилибманми? Ахир севиш ё нафратланиш бизнинг измимизда эмас-ку! Сен ҳеч қачон менинг севишимни билмаган бўлардинг. Бошқани севишингни била туриб, нима қилардим сенга юрагимни очиб? Лекин устозинг сиримни фош қилиб, қалбимдаги муҳаббатни сенга айтиб қўйипти, ажаб қилипти, Асканио. Агар сен юрагимга нигоҳ ташласанг, шундай садоқатли муҳаббатнинг шоҳиди бўласану қалбинг ийиб кетади! Билиб қўй, Асканио, сен ҳам мени севишинг лозим.

Одамларни яхши биладиган, ўз атрофидаги асилзодаларнинг барига нафрат билан қарайдиган, эрмакка мулозамат талаб қилувчи, иродаси кучли, ғайритавсиф табиатли аёл — Анна д'Этамп ҳали шу пайтгача ҳеч кимни севамаган эди. У қиролни ўзига шайдо қилган, адмирал Брионга ҳаёли қочган, граф Лонгвални ёқтириб қолган бўлса ҳам, ақли қалбидан ҳамиша устун келар эди. Мана, ниҳоят у муҳаббатни, муҳаббат бўлганда ҳам неча-неча марта армон қилган, аммо ҳали нашидасини бирон марта ҳам татиб кўрмаган, иқтидорли, чинакам, теран ва латиф муҳаббатни бутун вужуди билан ҳис қила бошлади. Лекин билса, рақибаси бор экан! Шўрлик рақибаси эса ҳерцогиня д'Этампнинг эҳти-

рос бобида шафқатсиз эканлигини билмайди ҳам. Анна ўз севгиси йўлида бутун иродасини, бутун қалб қўрини ишга солади. Бечора қиз ҳерцогиня билан, кимсан ҳерцогиня д'Этампнинг шахсан ўзи билан рақобат қилиш ҳалокатга олиб бориши мумкинлигини билмайди, зеро д'Этамп ўз Асканиосини ҳеч кимга бермоқчи эмас. Сирасини айтганда, ҳерцогинянинг биргина нигоҳи, бир огиз сўзи, битта имоси ўзи билан маҳбуби ўртасида пайдо бўлган ҳар қандайин ғовни барбод қилишга қодир. Хуллас, қуръа ташланган, бугундан бошлаб қирол маъшуқасининг иззат-нафси, ҳусну жамоли Асканиони севиш ва Коломбага рашк қилиш учун хизмат қилади.

Бечора Коломба эса бу пайт эҳтимол чарх йигираётгандир... балки бошини эгиб иш тикиб ўтиргандир ё тиз чўкиб ибодат қилаётгандир.

Бундай самимий ва айна пайтда хатарли севги Асканиони ҳам шайдо қилар, ҳам чўчитарди. Бенвенуто уни тўғри огоҳлантирган экан, ҳерцогинянинг ҳиссиёти оддий бир тантиқлик эмаслигини Асканио мана энди тушунди: лекин бунга қарши қурашиш учун йигитга куч эмас, ғанимани алдаб ўзига итоат эттира оладиган тажриба етишмаётган эди. У эндигина йигирмага қадам қўйган, ниҳоятда тўғри сўз ва муғамбирликни билмайдиган йигит эди. Бечора йигит, Коломбадек беқусур қизнинг исми ҳужум пайтида шамшир, мудофаага ўтганида қалқон вазифасини ўтайди, деб ўйлаган эди, лекин акси бўлиб чиқди, у муҳаббат камонидан отилган ўқни д'Этамп хонимнинг юрагига яна ҳам чуқурроқ ботирди, зеро рақобатсиз, курашсиз севги бир зумда хонимнинг меъдасига тегиши мумкин эди.

— Ҳай, нечора, Асканио,— деди ҳерцогиня бир қадар хоғиржам оҳангда, чунки у йигитчанинг сукутга толганини кўриб, гапимдан чўчиб кетди шекилли, деб ўйлаган эди.— Менинг севгимни унутайлик. Бу ҳақда гап очилганига таассуф қиламан! Бунга беҳосдан оғзингиздан чиқиб кетган битта жумла сабаб бўлган эди. Келинг, яхшиси сиз тўғрингизда ўйлайлик. О, онт ичиб айтаманки, мен сизни фидойилик билан севаман. Сиз менинг ҳаётимни мунаввар этдингиз, энди мен ҳам сизни хушбахт қиламан. Сиз етимсиз, шу боис, агар рози бўлсангиз, онангиз ўрнига она бўламан. Сиз менинг Монбрион билан Мединага айтган гапларимни эшитиб, бу аёлнинг бутун фикру зикри шуҳратпараст-

ликдан иборат экан, деб ўйлагандирсиз. Тўғри, мен шухратпарастман, аммо фақат сизни деб шундай қиляпман. Италиянинг қоқ ўртасида мустақил ҳерцоглик барпо қилиш ҳақида қачондан бери ўйлайман, биласизми? Сизни яхши кўриб қолган кунимдан бери. Агар мен у ерда ҳам қиролича бўлсам, унда ҳақиқий қирол ким бўлади? Сиз. Сиз учун мен империяни қироллик салтанатига айлантираман. Оҳ, ҳали сиз мени билмайсиз, Асканио, менинг феълимни билмайсиз! Ўзингиз кўриб турибсиз, сизга чин ҳақиқатни гапиряпман, ўз ниятларимни сизга дангал очиб ташляпман. Энди сиз ҳам, ўз навбатида, менга дилингиздаги гапларни очиқ сўзлаб беринг, Асканио. Менга ўз орзу-ниятларингизни изҳор этинг, ҳаммасини бажо келтираман. Менга ҳамма тантиқликларингизни баён қилинг, чўри бўлиб уларни амалга ошираман!

— Хоним афанди! Мен ҳам худди сиздек очикдил ва самимият билан гапирмоқчиман, худди сизга ўхшаб, юрагимни ёзиб бор ҳақиқатни баён қилимоқчиман. Мен Колумбанинг севгисидан бошқа ҳеч нима истамаймай, ҳеч нима хоҳламайман!

— Ахир у сени севмайди-ку, бу ҳақда менга ўзинг гапирган эдинг-ку!

— Ўша куни, рост, мен умидимни узган эдим. Лекин бугун — ким билсин, балки!..— Асканио кўзини ерга тикди ва пичирлаб илова қилди: — Мана, сиз мени севасиз-ку.

Мавжуд ҳақиқатни беихтиёр идрок қилган ошиқ йигит бу гапни шундай бир маънода айтдики, ҳерцогиня эшитиб ҳангуманг бўлиб қолди. Ўртага қисқа муддатли жимлик чўкди, ҳерцогиня ана шу фурсатдан фойдаланиб, ўзини тутиб олишга улгурди. У шундай деди:

— Асканио, сиздан илтимос қилган эдим, яна ўти-ниб сўрайман: келинг, бугун ишқ-муҳаббат ҳақида гаплашмайлик. Биласизми, муҳаббат туйғуси сиз эркакларнинг ҳаётини буткул қамраб олмайди. Мана, сиз, наҳотки иззат-эҳтиром, мол-дунё, шон-шухратни орзу қилмагансиз?

— О, орзу қилганман албатта! Мана, бир ойдирки, мен шу айганларингизнинг ҳаммасига эришишни жуда-жуда хоҳлайман,— деб жавоб қилди Асканио: у миясига қаттиқ ўрнашиб олган хаёлларига мудом беихтиёр қайтарди.

Улар яна жим қолишди.

— Сиз Италияни яхши кўрасизми? — деб сўради Анна зўр-базўр.

— Ҳа, хоним афанди, — деб жавоб қилди Асканио. — У ерда гуркираб гуллаб турган апельсин дарахтлари остида суҳбат қуриш жоннинг роҳати! Италиянинг ажиб манзаралари зангори осмон остида яна ҳам малоҳатли ва латофатли бўлиб кўринади...

— О, қанийди сени ўша ёқларга олиб кетсам-у, кейин сен меники, ёлғиз меники бўлсанг! Дунёдаги бутун борлигим сен бўлганингдек, сенинг ҳам дунёдаги бутун орзу-ниятларинг фақат мен бўлсам! Э худо, э худо! — деб юборди ҳерцогиня: у ҳам ўз ишқий ҳиссиётларини босишга ожиз эди. Лекин у Асканиони чўчитиб юборишдан қўрқиб, яна ўзини қўлга олди ва гапини шундай давом эттирди:

— Мен бўлсам, сизни, ҳаммадан ҳам кўпроқ санъатни яхши кўрасиз, деб ўйлардим!

— Мен ҳаммадан ҳам уни, Коломбани яхши кўраман! Ҳа севаман уни! — деди Асканио. — Санъат масаласига келсак, бутун вужуди билан ижодга берилган мен эмас, балки устозим Челлинидир. У буюк, таҳсинга лойиқ, тенги йўқ санъаткор! Мен бўлсам бор-йўғи оддий бир халфаман. Қолаверса, Францияга ҳам бойлик, шон-шуҳрат орттириш ниятида эмас, балки устозимни яхши кўрганим учун, ундан ажралмаслик учун келганман, зеро ўша пайтларда мен учун энг яқин инсон шу киши эди. Менинг иродам сушт бўлиб, мустақил фикр юрита олмасдим. Челлинининг кўнглига қараб, заргар бўлдим, чунки бу унинг хоҳиши эди. Шу устозим деб олтин, кумушга нақш зарб қилувчи бўлдим, негаки у ана шундай заргарларнинг нозик ва нафис санъатини кўрганида кўзлари қувониб кетарди.

— Ундай бўлса гапимни эшит! — деди ҳерцогиня. — Италияда яшаш — худди қироллардек иқтидорли бўлиш, санъат аҳлига, алал хусус, Челлинига ҳомийлик қилиш, унинг зарб қилиши, қуйма буюмлар, ҳайкаллар ясаши учун унга бринж, кумуш, олтинлар инъом этиш, ниҳоят, энг муҳими севиш ва севикли ёр бўлиши, ўзинг айт, Асканио, ахир бу энг мароқли, ширин орзу эмасми?

— Ахир бу жаннатнинг ўзи бўларди, хоним афанди, агар ёнимда мени жондан ортиқ севувчи, суюкли маҳбубам Коломба бўлганида!

— Яна Коломба, тагин Коломба! — деди ҳерцогиня.— Баски, суҳбатимиз ҳадеб шу қизга бориб тақалаётган экан, баски, қалбинг унга томон талпинар экан, баски, Коломба суҳбатимизда учинчи ҳамсуҳбат экан, баски, у мудом кўз олдингда намоён бўлиб, сени муҳаббатга руҳлантириб турган экан, майли, сен айтганча бўлсин! Майли, ўша қиз ҳақида ҳам, мен тўғримада ҳам яширмай, очиқчасига гаплашамиз. У сени севмайди, буни ўзинг ҳам яхши биласан.

— Йўқ-йўқ, энди билмайман, хоним афанди...

— Ахир у бошқа одамга эрга тегяпти-ку! — деб чинқириб юборди ҳерцогиня.

— Ишонмайман, уни отаси зўрлаб эрга беряпти, — эътироз билдирди Асканио.

— «Отаси зўрлаётганмиш»! Агарда сен мени худди ўша қизни севганчалик севсангу мен унинг ўрнида бўлсам, наҳотки дунёда бизни бир-биримиздан жудо қилишга қодир куч, қудрат, шоҳона фармон топиларди? Мен бутун бойлигимни тарк этиб, ҳамма нарсадан воз кечиб, сенинг паноҳингга ўқдек учиб борардим, сенга ўз муҳаббатим, иффатим, жонимни бахшида қилган бўлардим! Йўқ, йўқ, гапимга ишонавер, у сени севмайди! Қолаверса, ўзинг ҳам уни севмайсан!

— Ие, мен-а, мен севмайманми? Коломбани севмайманми? Менимча, сиз янглишдингиз, хоним афанди.

— Йўқ, сен уни севмайсан. Сен ўзингни ўзинг алдаб юрибсан. Сенинг ёшингда, йигитлар ишқий чанқоқликни севги деб ўйлашади. Агар мени олдин кўрганингда эди, уни эмас, мени севиб қолган бўлур эдинг. О, ўшанда сен мени яхши кўриб қолардинг, деб ўйлашнинг ўзи қанчалар ҳузурбахш! Аммо йўқ, йўқ! Мен сенинг маҳбубанг бўлишни афзал кўраман! Мен Коломбани кўрмаганман. У латофатли, бокира қиз, у ширин хаёлларинг тимсоли, лекин ўша Коломбанг сен бугун юз ўгираётган аёл, яъни мен айтган гапларни айтмаган бўларди. У қиз ўта такаббур, ўта сипо... эҳтимолки, ўта даражада уятчан бўлса керак... Аммо менинг севгим оддийгина, уни тушуниш ҳам осон. Сен мендан нафратланыпсан, аёллик шарму ҳаёсини унутиб қўйяпти, деб ўйлаяпсан, буларнинг барига сабаб шуки, мен сиримни сендан яширмайман. Ҳали сен дунё танисанг, ҳаётни чуқурроқ ўрганиб, унинг бутун аччиқ-чучугини бошингдан кечирсанг, ана ўшанда ўзингнинг қанчалик ноҳақ эканлигингни англайсану менга таҳ-



синлар ўқийсан. Аммо мендан мароқланишларини истамайман, мени севишларини истамайман! Такрор айтаман Асканио, сени бунчалик каттиқ севмаганимда, ўзимни минг муқомга солиб, ноз-карашма қилиб, сени лақиллатишим мумкин эди; лекин мен сени аврай олмайман, зеро астойдил яхши кўраман. Мен сенинг қалбингни ўғирламоқчи эмасман, балки уни менга армуғон этишининг истамайман! Хўш, анави қизчага бўлган муҳаббатинг сенга нима олиб келади? Жавоб бер! Фақат азоб-уқубат, жонгинам, Аммо мен кўп ишда сенга ёрдам қилишим мумкин. Авваламбор, мен икки киши учун изтироб чекдим, агар парвардигор шафқатини мендан дариг тутмай, чеккан изтиробларимни инобатга олса, умид қиламанки, мен чеккан ишқ изтиробининг ярмини сенинг қалбинга солгай ва сен ҳам ўшанда мени астойдил сеиб қолурсан: оқибат мен ўз бойлигим, ҳақ-ҳуқуқим, ақлу заковатимни оёғинг остига ташлайман. Менинг ҳаётим сенинг ҳаётинг билан туташади, мен сени хато қилишдан, зарарли фикрлар таъсиридан асрайман. Санъат аҳли бойлик орттириш, доврўқ қозониш учун кўпинча ўзини ерга уриб, хушомад қилиши — лаганбардор бўлиши шарт. Лекин мен билан бўлсанг, бундай хўрликлардан холи яшайсан. Мен мунтазам равишда обрўйингни ошириб бораман, сени муваффақиятлар сари олиб чиқувчи пиллапоя бўламан. Мен билан бўлсанг, Асканио, ўз ғурурингдан, пок виждонингдан айрилмайсан!

— Коломба нима бўлади? Ахир Коломба — энг бегубор покиза дурдона-ку!

— Ҳой бола, гапларимга ишон,— дея ҳерцогиня энди ғамгин оҳангда гапира бошлади: бояги завқу шавқдан асар ҳам колмаган эди,— ўша покиза, маъсума Коломба билан турмуш қурсанг бутун умринг диққинафаслик билан, мудом бир зайлда ўтади. Сиз икковингиз табиятан самовий хилқатларга ўхшайсиз: худо фаришталарни бир-бирлари билан қовушиш учун эмас, балки ёмон бандаларининг ҳаётини яхшилаш учун яратган.

Вожаб, ҳерцогиня бу гапларни шундай ифодали ва ишонарли оҳангда, шундай самимият билан гапирдики, Асканио ўз қалбида беихтиёр бу аёлга меҳри товланиб, унга раҳми кела бошлаганини ҳис этди.

— Эвоҳ, хоним афанди,— деди у,— билсам, сиз мени астойдил севар экансиз, бунинг учун сиздан беҳад

миннатдорман: аммо менинг севгим ана ҳам гўзал-роқдир!

— О, жуда тўғри! Бу гапларинг жуда-жуда тўғри! Сен менинг севгимни писанд қилмаяпсан, аммо мен ана шу беписандлигингни қиролнинг энг мулойим каломларидан афзал кўраман. О, мен энди сева бошладим, сенга оит ичиб айтаманки, умримда биринчи марта сева бошладим!

— Қирол нима бўлади? Бундан чиқди, қиролни севмас экансиз-да, хоним афанди?

— Йўқ!

— Лекин у сизни ҳали севади-ку?

— Е тангрим! — деди Анна Аскасионинг қўлларини маҳкам сиққанча унинг кўзларига тикилиб қараркан.— Е тангрим, сен мени рашк қилсанг, Асканио, ўзимни ниҳоятда хушбахт ҳисоблаган бўлардим! Сен қирол ҳақида ўйласанг кўнглинг ғаш бўлади, шундай эмасми? Мана, эшит, шу пайтгача сен учун мен бадавлат, басавлат ҳерцогиня, сени деб ҳатто тожу тахтни вайрон қилишга ҳам қурби етадиган иқтидорли ҳерцогиня эдим. Балки сенга оламлардан йироқда, хилват бир гўшада яшовчи, одмигина оқ чит кўйлак кийиб, сочларига ёввойи гуллар таққан оддий камбағал аёл кўпроқ ёқар? Гапир, Асканио, сен чинданам шунақаларни кўпроқ ёқтирарсан? Агар шундай бўлса, майли, биз Парижни, акобирлар даврасини, саройни тарк этайлик. Бу ердан сенинг Италиянгга жўнаб кетиб, бирон хилват жойда, масалан, ўша хушманзара Неаполинг жойлашган денгиз соҳилидаги хушқад азим қарагайлар соясида паноҳ тонайлик. Мен сеникиман, биобарин, сенга эргашиб дунёнинг энг чеккасига кетишга ҳам тайёрман! О, Асканио, Асканио, сени деб ҳатто маҳбубимдан воз кечаётганим наҳотки мағрур қалбингга хуш ёқмаётган бўлса?

— Хоним афанди! — деб жавоб қилди Асканио ўз қалбиниңг Аннаниңг алангалли буюк муҳаббати тафтида беихтиёр эрий бошлаганини ҳис этиб.— Хоним афанди, менинг қалбим чинданам жуда мағрур ва ўта талабчан: ахир сиз менга ўз ўтмишингизни ҳадя эта олмайсиз-ку.

— «Ўтмишим!» О, нақадар тошбағир бўлишмаса бу эркаклар! «Ўтмиш!» Наҳотки барча воқеаю ҳодисалар, вазиятлар олдида деярли ҳамиша ожиз бўлган бахтиқаро аёл ўз ўтмиши учун айбдор деб ҳисобланса. Фараз

қилки, замоннинг зайли билан сен Италияга кетиб қолдинг дейлик: орадан бир йил, икки йил ё уч йил ўтгач, қайтиб келганингда, ўша суюкли маҳбубанг Коломба отасининг сўзларига итоат этиб, граф д'Орбекка турмушга чиққанини эшитсанг, наҳотки ундан нафратланмайсан? Наҳотки унинг бундай рафтори сени газаблантирмайди? Парвардигорнинг амрларидан бирига амал қилгани учун наҳотки уни жазоламайсан? Энди бир тасаввур қилиб кўр: дейлик шаклу шамойилнинг унинг хотирасидан аста ўчадию сени ҳеч қачон кўрмагандай, билмагандай бўлиб кетади; шунда у парвардигорнинг назаридан қолиб, юраги зиқ бўлиб, теран ғамга ботиб, шодмонликни, шу чоққача ўзи учун қопқаси берк бўлган жаннатни, муҳаббат деб аталмиш жаннатни қўмсаб қоладию ўз эрини эмас (йўқ, уни асло сева олмайди), балки бошқа бир одамни севиб қолади, оқибат бир зумлик эҳтиросдан эс-ҳушини йўқотиб қўйиб, ўз қалбини ўшал маҳбубига армуғон қилади.

Наҳотки шундай аёл сенинг кўз олдингда ўз қадрини йўқотса, наҳотки қалбинг уни маломатга қўйса? Бундан чиқди, шўринг қургур ўша аёл сенинг қалбинг эвазига ўз ўтмишини ҳадя эта олмагани учунгина, бахту саодатдан буткул умидини узиши лозим экан-да? О, такрор айтаманки, бу ўта адолатсизлик, ўта шафқатсизликдир!..

— Хоним афанди...

— Сен қаёқдан ҳам билардинг — балки бу айнан менинг ҳаётим тарихидир? Гапларимга ишонч билан кулоқ сол. Такрор айтаман, мен чеккан изтироблар икки кишига ҳам етиб ортади. Айтмоқчиманки, худо жафокаш бандасининг гуноҳини кечиради, аммо сен кечирмаясан. Тушунмайсанки, саодат боғичини кўзга боғлаб, тубсиз жар ёқасидан уни пайқамай ўтишдан кўра, ўша жарга йиқилиб, сўнг ундан чиқа олиш гўзалроқ ва дабдабалироқдир. О, Асканио, Асканио! Мен сени ўзгалардан яхшироқсан деб ўйлардим, зеро сен бошқалардан навқиронроқ, чиройлироқсан...

— О, хоним афанди...

— Қўлингни бер менга, Асканио, шунда мен теран жар қаъридан чиқиб сенинг қалбингга жо бўламан. Агар хоҳласанг, эртагаёқ қирол билан, сарою бутун асилзодалар билан алоқамни узаман! О, муҳаббат мени албатта

довюрак қилади! Бундан ташқари, мен ўзимни аслимдан яхшироқ қилиб кўрсатмоқчи ҳам эмасман: гапимга нишон, мен сенга фақат озгинагина фидойилик қилман. Анави одамларнинг ҳаммаси сенинг тирногинга ҳам арзимамайди. Лекин агар сен, о азиз ўғлон, гапларимга қулоқ солсанг, ҳукмронлик мавқеимни сақлаб қолишимга имкон берасан, зеро бу мавқеим ёлғиз сен учун, сенинг истқболинг учун хизмат қилгай. Мен сени кўкларга кўтараман — ахир сиз, эркакларнинг ҳаммангиз ҳам шону шуҳратга ишқ-муҳаббат орқали мушарраф бўласизлар ва бора-бора, эртами-кечми, албатта шуҳратпарастга айланасизлар. Қиролнинг севгиси масаласига келсак, бундан кўнглинг тўқ бўлсин. Мен шундай қиламанки, у бутун эътиборини бошқа аёлга қаратади ва ўз қалбини ўша аёлга беради, мен бўлсам унинг миясига ҳукмронлик қиламан. Танла, Асканио: ё сен менинг хоҳишим туфайли ва мен билан бирга улкан қудратга мушарраф бўласан, ё бўлмаса мен сенинг раъйингга қараб, сен билан бирга хилватда беному нишон яшайман. Қулоқ сол! Мен ҳозир мана шу курсида ўтирган эдим, ўзинг кўрдинг, энг иқтидорли киборлар ҳам менинг пойимда туришди. Энди сен ўтир менинг ўрнимга, ўтир; менинг истагим шу!.. Мана, энди мен сенинг пойингдаман. О, ўзимни қандай яхши ҳис этишман, Асканио! О, сени кўриш, сендан нигоҳимни узмаслик қандай ҳузур бағишлайди менга!.. Вой, рангинг ўчиб кетдию. Асканио! Гапир, жоним, сен бир кун эмас, бир кун... ҳозир эмас, яқин орада ҳам эмас, анча вақтдан кейин бўлса ҳам, мени севиб қоласан!

— Хоним афанди, о, хоним афанди! — деди Асканио қўллари билан юзи ва кўзини, бармоқлари билан қулоқларини беркитиб, чунки у ҳерцогинянинг жамоли ва овозидан ўзининг сеҳрланиб қолаётганини сеза бошлаган эди.

— Мени хоним афанди дема, мени Анна деб ҳам чақирма! — деди ҳерцогиня йигитнинг қўлларини юзидан оларкан. — Луиза деб чақир мени. Бу ҳам менинг исмим, лекин ҳали ҳеч ким мени бундай деб атамаган, ёлғиз сен биласан бу исмимни. Луиза, Луиза!.. Чиройли исм, шундай эмаси, Асканио?

— Яна ҳам ёқимлироқ бир исм бор, — деб жавоб қилди Асканио.

— О, эҳтиёт бўл, Асканио! — деди ҳерцогиня, шун-

да у нимаси биландир яраланган урғочи шерга ўхшаб кетди.— Агар мен сен туфайли жуда қаттиқ изтироб чеккудек бўлсам, унда ҳозир сени қандай яхши кўрсам, шундай ёмон кўриб қоламан!

— Ё тангрим, хоним афанди! — деди йигит, гўё бу гўзал аёлнинг сеҳридан фориг бўлмоқчидек бошни силкитиб.— Э, худо! Миям гангиб қолди, қалбим пароканда... Босинқирамаянманми ўзи?.. Ё безгак хуруж қиялптими? Ё туш кўряпманми? Агар биронта ноўрин гап огзимдан чиқиб кетган бўлса, маъзур кўринг, мен фақат сизнинг тилсимингиз таъсиридан қутулмоқчи бўлувдим. Мана, сиз менинг пойимдасиз, сиздек соҳиб-жамол, маъбудамонанд қиролича менинг оёғимда! Парвардигор руҳларимизни маҳв этиш учун бизни шундай васвасага солмоқда. Ҳа, ҳа, теран жар қаърига қуладим, деб ўзингиз айтдингиз. Энди мени ҳам ўша жар қаърига тортяпсиз. Сиз у ердан чиқмоқчи эмассиз, балки менинг ҳам сизга эргашиб ўша жарликка қулашимни хоҳлаяпсиз. Мен ожизман, ўтинаман, мени бундай мудҳиш синовга мубтало қилманг!

— Йўқ,сени ҳеч ким синовдан ўтказмоқчи ҳам, васвасага солмоқчи ҳам эмас, туш ҳам кўраётганинг йўқ. Биз ғоят мўъжизали ҳақиқат қаршида турибмиз. Мен сени севаман, Асканио, сени севаман!

— Сиз мени севапсиз-у, лекин бундай севгига йўл қўйганингиз учун, ўзингиз таассуф қиласиз. Бир кун келиб менга кўрсатган мурувватингизни писанда қилиб ёки ҳаётингизни барбод қилганимни юзимга солиб, мени маломатга қўя бошлайсиз.

— Оҳ, сен ҳали мени билмайсан! — деди ҳерцогиня.— Мен таассуф қиладиган ожиза аёллардан эмасман. Хоҳлайсанми, тилхат бераман?

Анна шундай деб, чаққонлик билан стол ёнига ўтиб ўтирди-да, сиёҳдонни ўзига яқин суриб, қўлига патқалам олди ва шоша-пиша бир неча сўз ёзди.

— Мана ол,— деди у,— шундан кейин ҳам мендан шубҳаланиб кўр-чи!

Асканио варақни олиб ўқиди:

«Асканио, мен сени севаман! Менинг йўлимдан менга эргашиб юр ё бўлмаса, сенга эргашиб, сенинг йўлингдан боришимга ижозат бер.

Анна д' Эйли».

— О, бу мумкин эмас, хоним афанди! Менинг муҳаббатим сизни бадном қилиб қўйиши мумкин.

— «Бадном!» — деди ҳерцогиня. — Мени асло бадном қилиш мумкин эмас! Зеро мен гурури баланд аёлман. Мағрурлик — менинг қалбимга хос хусусиятидир.

— Оҳ, мен янада латифроқ, янада покроқ бир қалбни биламан! — деб юборди Асканио.

Бу зарба ҳерцогинянинг қоқ юрагига бориб ништардек санчилди, у ғазабдан қалт-қалт титраб, ўрнидан туриб кетди.

— Сиз ўлгудек қайсар ва тошбағир гўдаксиз, Асканио! — деб энтика-энтика гапира бошлади. — Мен сизни оғир мусибаглардан ҳимоя қилмоқчи эдим, лекин билсам, бошингизга тушган оғир савдогина кўзингизни очиши мумкин экан. Ҳали сиз менинг қошимга қайтиб келасиз, Асканио! Келганингизда ҳам қонга беланиб, мажруҳ бўлиб, хароб бўлиб келасиз, ана ўшанда сиз Коломбангизнинг нимага арзишини биласизу менинг қадримга етасиз. Шунга қарамай, мен сизни кечираман, чунки сизни севаман. Лекин билиб қўйинг: унғача ниҳоятда мудҳиш воқеалар рўй беради. Хайр!

Шундан сўнг, қалбини ҳам нафрат, ҳам муҳаббат қамраб олган д'Этамп хоним муҳаббат оғушида эс-ҳушини йўқотган дақиқада ёзган мактубчасининг Асканио қўлида қолганини ҳам унутиб залдан чиқиб кетди.

Ўн саккизинчи боб

СЕВГИ — ҒАФЛАТ

Д'Этамп хоним чиқиб кетган заҳоти унинг мафтункорлик қуввати ҳам йўқолди-ю, Асканио ўз қалбида ва атрофида нималар бўлаётганини жиддий мулоҳаза қила бошлади. Шунда, д'Этамп хонимга айтган гапи эсига тушди: менга кимсан ҳерцогинянинг ишки тушган экан, эҳтимол Коломба ҳам севса ажаб эмас. Қисқаси, шу кундан эътиборан унинг ҳаёти ўз ихтиёридан чиқди, зеро қалби унга мана шу фикрни шипшитиб хайрли иш қилди, аммо йигит бу фикрни ҳерцогиняга айтиб, хатога йўл қўйди. Агарда бу ҳамиятли, софдил йигит қувлик қилишни билганида эди, ҳаммаси тобида бўлган бўларди, бироқ у ичиқора,

дахшатли ҳерцогинянинг қалбида шубҳа уйғотиб қўйди. Уруш эълон қилинган эди, аммо бу урушнинг энг дахшатли томони шунда эдики, у фақат Коломбага таҳдид соларди.

Шунга қарамай, Асканио билан Анна ўртасида юз берган шиддатли ва хатарли мубоҳасанинг йигитчага озгина бўлса ҳам нафи тегди. У қалбида қандайдир руҳланиш, ишонч туйғуси вужудга келганини сезди. Асканионинг янги таассуротлару руҳий кўтаринкиликдан жунбушга келган идроки жаҳд билан ишлай бошлаган эди. Асканио ишга киришишга бел боғлаган, жасуруна бел боғлаганди. У ўзини анча дадил ҳис қила бошлади ва энди Коломбадан умид қилиши мумкинлигини билдиш ниятида унинг кўнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлди, бордию унинг қалбида бепарволикдан ўзга ҳеч нима топилмаса ҳам майли. Агар Коломбанинг граф д' Орбекни севиниш рост бўлса, унда д' Этамп хонимга қарши олишиб нима қилади? Унда Асканио ўзини ҳерцогинянинг ихтиёрига топширади, майли, д' Этамп хоним йигитнинг саросимали, мункир, бетаскин ноумид қалбини истаган кўйига солаверсин. Асканио шухратпарастликка муккасидан кетади, ғамгинтабиат, тажаниг бўлиб олади... Ҳа-да, барибир эмасми? Лекин биринчи навбатда у ҳар қандай шубҳани бартараф қилиши, ўз қисмати сари дадил бориши керак. Шундай бўлган тақдирда, д' Этамп хонимнинг ваъдаси — Асканио истиқболи учун кафил бўла олади.

Асканио соҳил ёқалаб уйга бораркан, шу нарсалар тўғрисида пухта ўйлаб олди. У ўй ўйлаб бораркан, ботаётган қуёшнинг уфқдаги шафағи шуъласида қорайиб кўринаётган Нель минорасидан кўзини узмас эди. У уйга кела солиб, ҳеч иккиланиб ўтирмай, баъзи бир зийнат буюмларини олди-да, Кичик Нель қасри томон юриб, эшикни дадиллик билан тўрт марта тақиллатди.

Хайриятки, Перрина хоним шу яқин ўртада экан. У аввалига ҳайрон бўлди, аммо синчковлиги қўзиб, дарров эшикни очди. Бироқ кўзи Асканиога тушиб, уни совуққина қарши олди.

— Ҳа, сизмидингиз, жаноби Асканио? — деди у. — Хўш, нима истайдилар?

— Муҳтарама Перрина хоним, камина зудлик билан мана бу зебу зийнатларни мадемуазель Коломбага кўрсатсам девдим. У боғдами?

— Ҳа, у ўз севган хиёбонида сайр қилиб юрипти...
Ҳой, яхши йигит, қаёққа?

Асканио йўлни яхши билар эди, шунинг учун мураббиянинг гапига парво ҳам қилмай, боғ томон ўқдай отилди.

«Ана холос! — деди мураббия ва мулоҳазага бориб жойида тўхтаб қолди. — Уларнинг олдига бормаганим маъқул-ов. Майли, Коломба зебу зийнатларни ўзи учун ҳам, совға учун ҳам танлаб сотиб олаверсин. Менинг боришим одобдан эмас — шундоқ ҳам у менга бирон-бир совға танласа ажаб эмас. Яхшиси, харид тамом бўлгандан кейин борай. Турган гапки, совгадан бош товлаш пича ноқулай бўлади. Дилбар қизалоғимизга халал бермаслик учун биз шу ерда қолатурамиз — зотан у бениҳоя саховатли хилқатдир».

Кўриб турибсизки, китобхон, мураббия бағоят нозиктаб аёл эди.

Шу ўтган ўн кун давомида Коломбанинг бутун фикру хаёли Асканиода бўлди. Бу маъсума, бокира қиз ҳали севги нималигидан беҳабар, аммо унинг қалби айнан шу севги туйғуси билан тўлиб тошган эди. У ўзига-ўзи, бундай хаёлларга берилиш одобсизлик, деб таъкидлардию, лекин ўзини оқлашга баҳона қидириб шундай дерди: «Барибир, Асканио билан энди ҳеч учрашмайман, демак, унинг олдида ўзимнинг беғуноҳлигимни исботлаб, кўнглимга таскин бера олмайман».

Хуллас, Коломба шундай хаёлларга ғарқ бўлиб, ҳар кун кечқурун вақтини ўз севган хиёбонида, ҳа, ҳа, бундан бир неча кун олдин Асканио билан ўтириб, у билан суҳбатлашган, унинг ҳикояларини тинглаган узун курсида ўтказаркан, ўша хотираларга бутун вужуди билан берилиб кетарди. Кейин, қош қорайиб, алламаҳал бўлиб қолганида Перрина хоним уни уйга чақирар, шунда хаёл оғушига ғарқ бўлган бу дилбар қиз аста-секин одимлаб уй томон юраркан, хаёлотдан ҳушига келиб, отасининг амрини, граф д'Орбекни эслар, вақтнинг тез ўтиши ҳақида ўйлар эди. У кечаларни изтиробли ғуссада, бедор ўтказар, лекин шунга қарамай, ҳар оқшоми тотли, хаёллари ҳамон мунаввар эди.

Уша кун кечқурун ҳам Коломбанинг кўз олдида ўша манзара — Асканио билан бир соат ёнма-ён ўтиргани намоён бўлган эди.

Лекин шу пайт у беҳосдан бошини кўтардию бирдан чинқириб юборди.

Рўпарасида йигит сукут сақлаб унга тикилиб турарди.

У қизнинг анча ўзгарганини, аммо яна ҳам гўзалроқ бўлганини эътироф этди. Сўлгинлик ва гусса Коломба-нинг ўта беғубор, кўҳлик чеҳрасига жуда ҳам ярашиб тушган эди! Унинг ҳусни жамоли янада сершавқ бўлгандек кўринарди. Асканио унинг ҳеч қачон бу қадар пурлатофат бўлмаганига шаҳодат берди, натижада д'Этамп хонимнинг севгиси таъсири остида ғойиб бўла бошлаган дилидаги шубҳалар яна уйғонди. Наҳотки мана шу самовий фаришта уни севиши мумкин бўлса?

Алқисса, бир-бирларини кўпдан бери сукут ила севишган ва ҳалитдан бир-бирларини беҳисоб азобларга мубтало қилишган бу дилбар, беқусур хилқатлар ниҳоят юзма-юз учрашишди. Албатта, улар учрашишгани ҳаманоқ, икковларини ажратиб турган масофани унутишлари лозим эди, зеро улар кўпдин бери бу масофани хаёлан қадам-бақадам забт эта бошлагандилар. Ниҳоят, энди бир-бирларига юракларини очишлари, дастлабки каломларданоқ бир-бирларини тушунишлари ва севинчларидан териларига сигмай, шу пайтгача не-не руҳий азобда ичларига ютиб келган ҳиссиётларини ошқора изҳор қилишлари мумкин эди.

Лекин икковлари ҳам ҳаддан ташқари тортинчоқ эдилар, гарчи бу ошиқ-маъшуқаларнинг ҳиссиётлари ҳаяжонланишларидан сезилиб турган бўлса ҳам, беғубор қалблари бир-бирларига дарров муяссар бўла қолмади.

Коломба чўгдек қизариб, ўрнидан туриб кетди. Асканио ҳаяжондан докадек оқариб кетди ва дағ-даг титраётган қўлини кўксига қўйиб, безовта юрагини босмоқчи бўлди.

Улар баравар гап бошлашди. Асканио: «Мени афв этинг, мадемуазель, сиз мендан, ясаган зеб-зийнатларингизни кўрсатинг, деб илтимос қилган эдингиз», деди. Коломба эса: «Сизнинг буткул соғайиб кетганингизни кўриб, беҳад хурсанд бўлдим, жаноби Асканио», деди.

Севишганлар яна баравар жимиб қолишди, гарчи улар бир пайтда гапиршиб бир-бирларининг сўзини бўлишган, гарчи нафис овозлари омихта бўлиб кетган бўлса ҳам, бир-бирларининг гапини аниқ эшитишганга ўхшайдилар, зеро қизнинг бу аломат ҳодисадан кулгиси қистаб табассум қилганини кўриб анча ўзини тутиб олган Асканио бир оз дадилроқ жавоб берди:

— Наҳот шафқатингиз шунчалик беҳудудки, ярадор бўганимни ҳанузгача унутмабсиз?

— Перрина хоним билан икковимиз сиздан жуда ҳавотир олдик, нега шунча кундан бери дарагингиз бўлмагани бизни таажжубга солди.

— Мен бошқа келмасликка қарор қилдим.

— Нима учун?

Мана шу ғоят муҳим дақиқада Асканио, ноилож, дарахтга суяниб қолди, кейин у бутун куч-ғайратини, бутун жасоратини йиғиб, ҳар сўздан кейин тўхтаб-тўхтаб деди:

— Ҳа, яхши, очиғини айтишим мумкин: мен сизни севардим.

— Энди-чи? -

Коломбанинг юрагидан отилиб чиққан бу нидонинг ўзи Асканиодан тажрибалироқ одамнинг шубҳасини дарҳол бартараф қилган бўларди, аммо бу нидо йигитнинг қалбида сезилар-сезилмас умид уйғотди.

— Аммо энди — эвоҳ! — деб давом этди йигит. — Мен иккаламизни ажратиб турган масофани чамалаб кўрдим, ҳа, биламан, сиз машҳур графнинг бахтиёр қаллиғисиз...

— «Бахтиёр!» — деб Коломба аччиқ истеҳзо билан йигитнинг сўзини бўлди.

— Нима, сиз ҳали графни севмайсизми? Ё танграм! О, тезроқ айтинг, у сизга муносиб эмасми?

— У бадавлат, иқтидорли асилзода, мартаба жиҳатидан ҳам мендан анча юксакда туради... Дарвоқе, нима, сиз уни кўрмаганмисиз?

— Йўқ. Мен унинг ҳақида сўрашга журъат эта олмаган эдим, лекин, очиғи, сабабини айта олмайману уни навқирон, келишган йигит деб, сиз уни ёқтирасиз деб ўйлаган эдим.

— У отамдан ҳам катта, мен ундан қўрқаман! — деди қаттиқ нафрат билан Коломба, қўллари билан юзини беркитаркан.

Севинчдан ўзини йўқотиб қўяёзган Асканио «гурс» этиб чўккалаб олди ва худди ибодат қилаётгандек, икки қўлининг бармоқларини чалиштирди-ю, ранги яна ҳам кўпроқ оқариб кетиб, кўзларини хиёл юмди, лекин унинг мулоим нигоҳи киприклари орасидан порлаб турар, гезарган лабларида латофатли табассум гул очган эди.

— Сизга нима бўлди, Асканио? — деб сўради қўрқиб кетган Коломба.

— Нима бўларди? — деди йигитча, зеро бу шодликдан унинг юраги дадиллашиб, аввалги кайгуларини кўнглидан фаромуш қилган эди.

— Нима бўларди? Мен сени севаман ахир, Коломба!

— Асканио, Асканио! — деб пичирлади Коломба, шунда унинг овозида ҳам маломат, ҳам қувонч, ҳам назокат намоён бўлди. Гуё у ҳозир муҳаббат сўзларини айтаётгандек эди.

Ҳа, улар бир-бирларини тушунган эдилар: уларнинг қалблари туташди, шунда лаблари қандай учрашганини ўзлари ҳам пайқамай қолишди.

— Азизим! — деди Коломба Асканиони мулойимлик билан ўзидан четлатар экан.

Улар бир-бирларига маҳлиё бўлиб тикилиб қолган эдилар: бу икки фариштанing учрашуви эди. Бундай дақиқалар бошқа такрорланмайди.

— Демак, — деди Асканио, — сиз граф д'Орбекни севмайсиз. Бундан чиқди, сиз мени севиб қолишингиз ҳам мумкин!

— Азизим! — деб такрорлади Коломба ҳам жидий, ҳам мулойим оҳангда. — Шу пайтгача мени фақат отам пошонамдан ўнарди, афсуски у ҳам аҳён-аҳёнда бўларди! Мен ҳаёт ташвишларидан гофил бир гўдак сингари гўлман, лекин ҳозир сиз мени ўпганингизда вужудим қувончдан жимирлаб кетди. Шунда мен бугундан эътиборан сизнинг ёки парвардигорнинг хасми бўлишим кераклигини тўшундим. Ори рост, агарда шу ҳиссиёт бўлмаганида, гуноҳга ботдим деб ўйлаган бўлар эдим. Сизнинг лабларингиз муҳр бўлиб иккаламизни қовуштирди. Ҳа, энди мен сизнинг қаллигингиз ва хотинингизман, ҳаттоки ўз отам «йўқ», деб розилик бермаган тақдирда ҳам шу сўзимдан қайтмайман! Мен фақат парвардигорнинг овозига, унинг қалбимда янграётган «ҳа» деган овозига ишонаман. Мана менинг қўлим, энди мен сизникиман.

— О, жаннат парилари, бу малакнинг сўзларини эшитингу менга ҳавас қилинг!.. — деб наъра тортди Асканио.

Севишганларнинг бу шоду хуррамлигини тасвирлашга қалам, баён қилишга тил ожиз. Буни фақат севги дардига чинакам мубтало бўлганларгина тушуниши мумкин. Бу икки маъсум, гўзал ва навқирон хил-

қатнинг гапларини, нигоҳларини, қўл сиқишганини тасвирлаш кўп маҳолдир. Уларнинг беғубор қалблари гўё иккита зилол чашманинг ирмоғи каби бир-бирига туташган, туташганда ҳам на хусусиятини, на рангини ўзгартирган эди. Асканио биронта ҳам ноҳўя фикр билан ўз маҳбубасининг ойдек жамолини ранжитмади; Коломба ўз қайлиғининг елкасига бамайлихотир бош қўйди. Башарти шу топда Биби Марьям самодан туриб бу ошиқ-маъшуқаларга нигоҳ ташлаганида борми, улардан асло юзини ўгирмаган бўлур эди.

Агар севиб қолсанг, суйган ёринг билан чақчақлашиб, унга ўз ҳаётинг ҳақида, ўтмишинг, бугунги кунинг, истиқболинг тўғрисида сўзлаб беришга ошиқасан. Мана, ҳозир ҳам, Асканио билан Коломба ўзларига келиб, гапира оладиган бўлишгач, бир-бирларига кейинги кунларда бошларидан кечирган жамики қайғу-аламлар ҳақида, барча ширин орзулари ҳақида гапира бошладилар. Бу ғоят жозибали манзара эди. Уларнинг ҳиссиётлари шу қадар ўхшаш эдики, гўё ўзлари ҳақида эмас, бир-бирлари ҳақида гапираётгандек туюларди. Ошиқ-маъшуқлар кўп изтироб чекишди, лекин ҳозир бу изтиробларни улар жилмайиб эслашарди.

Мана, ниҳоят улар келажак ҳаёт ҳақида гап очдилару бирдан кайфиятлари жиддий ва маъюс бўлиб қолди. Қувваи илоҳий уларнинг эртанги куни учун нима ҳозирлаб қўйган экан? Гарчи икковлари бир-бирлари учун яратилган бўлсалар ҳам, расм-таомилга амал қилувчи одамлар уларнинг қовушишини тенгсиз никоҳ, қолаверса, мудҳиш никоҳ деб ҳисоблайдилар. Нима қилиш керак? Қандай қилиб граф д'Орбекни ўз қаллиғидан воз кечишга, Париж превосини эса ўз қизини оддий бир ҳунарманд йигитга эрга беришга кўндириб бўларкин?

— Эвоҳ, азизим,— деди Коломба,— мен фақат сизнинг ёинки парвардигорнинг хасми бўламан деб сўз бердим, аниқ сезяпман, тангрим мени ўз ёнига чақириб оладиганга ўхшайди.

— Йўқ,йўқ,— деб жавоб қилди Асканио,— сиз меникисиз!— Бизда ҳеч қандай тажриба йўқ, шу боис иккаламиз ҳам бу дунёни ўзгартира олмаймиз, лекин мен қимматли устозим Бенвенуто Челлини билан гаплашиб кўраман. Ана у, Коломба, жуда матонатли одам, ҳеч нарсадан тап тортмайди! Самода парвардигор қан-

дай дадил одим отиб юрса, у рўйи заминда худди шундай юради, ундан кейин, истаган нарчасига эришмай қўймайди. У шундай қиладики, охир-оқибат сен меники бўласан. Устозим бу ишни қай тарзда бажаришини айта олмайман-у, лекин шундай бўлиши муқаррар. У говларни босиб-янчиб ўтишни яхши кўради. Устозим Франциск Биринчи билан гаплашади, отангни гапга унатади. У ҳар қандай тўсиқларни ҳам барбод қилиши мумкин! Фақат бир нарса унинг қўлидан келмаган бўларди, лекин бу ишни устозимнинг аралашувисиз ўзинг бажардинг — мени севиб қолдинг. Қолган ҳамма нарса арзимас ишлар. Биласанми, дилбарим, мен мўъжизага ишона бошладим!

— Асканио, азизим, сизки шундай бўлишига ишонар экансиз, энди мен ҳам ишонаман. Нима дейсиз, балки мен ҳам бирон ишга уриниб кўрсаммикин-а? Бир одам бор, отам унга батамом итоат этади. Агар д'Этамп хонимга мактуб ёзсам, нима дейсиз?

— Д'Этамп хонимга?! — деб чинқириб юборди Асканио.— Э худо, уни бутунлай унутган эканману!

Шунда у, шу бугун, бундан атиги бир соат бурун ўзининг ҳерцогиня билан учрашгани, унинг изҳори ишқини эшитгани, Коломба ҳақида нафратли сўзлар эшитгани ҳақида маҳбубасига ҳеч керилмасдан содагина қилиб сўзлаб берди:

— Лекин сен парво қилма — ҳаммаси икир-чикир гаплар! Фақат, Бенвенуто учун сал қийинроқ бўлади — вассалом. Битта душман ортиғу битта кам — нима бўпти шунга, бунақа душман билан уни кўрқитиб бўлсан.

— Азизим,— деди Коломба,— сиз устозингизга ишонасиз, мен бўлсам, сизга ишонаман. Иложи бори-ча, тезроқ Челлини билан гаплашинг, ўз тақдиримизни унинг кўлига топширайлик!

— Мен эртагаёқ унга юрак дардимни изҳор қиламан. У мени жонидан ортиқ яхши кўради, гапимни айтиб улгурмасимдан ҳамма ниятимга тушуниб олади... Лекин сенга нима бўлди, Коломба, жонгинам, нега яна руҳинг тушиб кетди?

Коломба Асканионинг ҳар битта сўзини бутун вужуди билан тингларкан, ўз севгисининг нақадар тералигини мушоҳада қиларди, зеро айни пайтда унинг юрагига рашк деган бало ўткир тирноғини ботираётган эдики, бу аламга чидай олмаган қиз Асканионинг қўлларини ўқтин-ўқтин жон аччиғида сиқиб-сиқиб кўярди.

киролнинг маъшуқаси. Ё танграм, тагин у сизнинг юрагингизни ром қилиб олган бўлса-я?

— Мен сени севаман,— деб жавоб қилди Асканио.

— Мени кутиб туриг.

У шундай деб бир зумда оқ нилуфар кўтариб қайтиб келди, гул эндигина узилганидан ғоят тароватли эди.

— Гапимга қулоқ сол,— деди қиз. — Сен ҳерцоги-нянинг олтин нилуфари устида ишлаётганингда, уни қимматли тошлар билан безатаётганингда, Коломбанг-нинг боғида узилган мана бу оддийгина нилуфарга ҳам қараб-қараб қўй.

Сўнг у жозибали жилва билан — фақат д' Этамп хоним шундай жилмайиши мумкин эди — гулни ўпиб, уни Асканиога узатди.

Худди шу маҳал хиёбоннинг нариги бошида Перрина хоним кўринди.

— Алвидо, кўришгунча хайр!— деди шоша-пиша Коломба ва пинҳона, назокат тўла ҳаракат қилиб, бармоқчасини маҳбубининг лабига босди.

Мураббия уларнинг олдига келиб, Коломбага деди: — Хўш, эрка қизим, қочоқ йигитни яхшилаб койиб қўйдингизми, кейин, ўзингизга зебу зийнатлар ҳам танлагандирсиз?

— Мана, олинг, Перрина хоним! — деди Асканио қимматбаҳо зийнатлар солинган қутичани мураббияга узатаркан — уни Коломбага кўрсатиш эсига ҳам келмаган эди. — Биз бу ерда мадемуазель Коломба билан келишиб, ўз дидингизга ёқадиغان нарсани ўзингиз танлаб олганингиз маъқул, деган қарорга келдик. Ортиқчасини олиб кетгани эртага кирарман.

Шундан сўнг, у Коломбага чуқур маъноли нигоҳ ташлаб хайрлашди-да, қувончдан терисига сиғмай тез юриб чиқиб кетди.

Коломба қалбини лиммо-лим тўлдирган бахтни гўё муҳофаза қилмоқчи бўлгандай, қўлларини кўксига чалиштирди ва шу алфозда қилт этмай туриб қолди. Перрина хоним эса бу пайт Асканио олиб келган ғаройиб зийнат буюмларини кўздан кечириш билан овора эди.

Ҳайҳот! Бечора қизнинг ширин хаёллар тўла ғафлатдан уйғониши ниҳоятда даҳшатли бўлди.

Шу пайт бирдан қизнинг қаршисида нотаниш бир аёл пайдо бўлди, уни превонинг хизматкорларидан бири кузатиб келган эди.

— Зоти мунавварлари граф д' Орбек эртадан кейин

етиб келишни ихтиер қилдилар, — у киши, бугундан эътиборан сизнинг хизматингизда бўлишимни амр этдилар, ойимқиз. Сарой хонимларининг ҳозир қандай кийинишларидан мен хабардорман, шунга кўра, энг чиройли янги либослар фасонини сизга намойиш қилгум. Жаноб граф билан мессер прево сиз учун кимхобдан энг ажойиб либос тикишимни буюрдилар, ойимқиз. Зеро қиролича ҳазрати олиялари Сен-Жерменга жўнаб кетишлари олдидан, яъни яна тўрт кундан кейин зоти олиялари ҳерцогиня д'Этамп сизни, ойимқиз, ул муборак зотга кўрсатмоқчилар.

Биз ҳозир тасвирлаганимиз воқеадан кейин бу қўш хабарнинг Коломбага қанчалик ёмон таъсир этганини китобхон тушунган бўлса керак, албатта.

Ун тўққизинчи боб

СЕВГИ — ОРЗУ

Ўз тақдирини устозининг измига топширишга аҳд қилган Асканио эртаси куни тонг отиши биланоқ дегрезлик устахонаси томон йўл олди, Челлини эрталаблари шу ерда ишлар эди. Бенвенуто, ўз ҳужрам, деб атаган бу хонанинг эшигини Асканио энди тақиллатмоқчи бўлган эди, ичкаридан Скоццоненинг жарангдор овози эшитилди. Асканио: Катерина устозга натурачилик қилаётган бўлса керак, деб ўйлаб, кейинроқ келмоқчи бўлиб, оҳистагина бу ердан узоқлашди. Йигит устознинг бўшагини пойлаб, Катта Нель қасрининг боғида айланаб юраркан, Челлинига нима деб гапиришини ва унинг тахминан қандай жавоб қайтаришини ўйларди.

Ва лекин бу маҳал Скоццоне натурачилик қилаётгани йўқ эди. У Бенвенутонинг ҳужрасига шу пайтгача бирон марта ҳам кирмаган эди. Чунки ҳайкалтарош бу ерга киришни ҳаммага тақиқлаб қўйган бўлиб, бу ҳол Катеринанинг синчковлигини баттар оширганди, албатта; мабодо биронта одам Челлинининг оромини бузгудек бўлса, у ҳатто қаттиқ газабланиб кетарди. Мана шунинг учун маэстро Бенвенуто орқасига ўгирилиб, шаҳло кўзларини катта очиб турган Катеринани кўрдию фиғони чиқиб кетди. Лекин чақирилмаган меҳмон — Катеринанинг синчковлиги зое кетди. Деворга осилган бир неча сурат, деразага тутилган яшил парда, Ҳебанинг энди ясала бошлаган ҳайкалию ҳайкалтарошлик ускуналари — хонадаги бор анжом мана шулардан иборат эди.

— Сенга нима керак, жодугар? Нега келдинг бу

ерга? Ё раҳмон! Сен ҳали мени дўзахдаям таъқиб қиладиганга ўхшайсан! — деди хуноби чиқиб кетган Бенвенуто Катеринани кўриши билан.

— Қўйсангиз-чи, устоз, — деди Скоццоне тилёглама овоз билан, — ҳеч ҳам жодугар эмасман-да. Рост, мен сизнинг орқангиздан жон-жон деб дўзахга ҳам борардим, фақат бир-биримиздан жудо бўлмасак бўлгани. Энди бу ерга келганим сабабини айтсам, сиз билан шу ердагина ими-жимиди гаплашиш мумкин.

— Ҳа, яхши, қани, тезроқ гапир бўлмаса! Нима демоқчисан?

— Вой, тавба! — деди Скоццоне ишланаётган ҳайкални кўриб қолиб. — Чехраси мунча чиройли, Бенвенуто! Шуми ўша Ҳебангиз... Шунча иш қилиб қўйибсиз-у, қаранг-а. Жудаям чиройли!

— Ростданми? — деб сўради Бенвенуто.

— Ҳа, ҳа, жудаям кўхли! Нимага мендан нусха олишни хоҳламаганингизни энди тушундим. Ким бўлди бу натурачи қиз, а? — юрагига гулгула тушиб сўради Скоццоне. — Ахир олдингизга биронта аёлнинг кирганини ё бу ердан чиққанини кўрмовдим-ку.

— Бас қил! Менга қара, дўндиқ қиз, нима, бу ерга ҳайкални муҳокама қилгани келувдингми?

— Йўқ, устоз, мен бу ерга Паголомиз ҳақида гаплашгани келувдим. Хуллас, мен айтганларингизни қилдим, Бенвенуто: кеча кечқурун, сиз чиқиб кетганингиздан кейин, у менга муҳаббат изҳор эта бошлади, мен ҳам сизнинг буйруғингизга амал қилиб, унинг гапларни эшитиб ўтирдим,

— Шунақами ҳали? Вой, хоин-э! Хўш, нималар деди у сенга?

— Вой, шунақанги аломат гапларни напирди, агар эшитсангиз кулавериб ичакларингиз узиларди! Мугамбирлигини қарангки, ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслик учун, сиз топширган тилла тўқани пардозлаб ўтириб гапирди ҳамма гапларини. У шундай деди: «Қимматли Катерина, ишқингизда жинни бўлиб қолаёздим. Қачон шафқат қиласизу мени бу озоблардан қутқарасиз? Илтимос қиламан, бир оғизгина сўзингизни мендан аяманг. Тушунинг ахир, сиз туфайли ўзимни қандай хатарга қўйяпман! Агар мана бу тўқани ҳозир пардозлаб бўлмасам, устоз мендан шубҳаниши мумкин, агар шубҳаланса, аяб-нетиб ўтирмай ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас: лекин мен мана шу шахло кўзларингизнинг қурбони бўлишга ҳам тайёрман. Ё Исо

Масих! Лаънати ишим ҳеч ривож топмаяпти. Менга қаранг, Катерина, сиз Бенвенутонинг нимасини яхши кўрасиз ўзи? Ахир у миннатдор бўлиш ўрнига, парвоям қилмайди-ку сизга. Мен эса сизни астойдил севардим, лекин жуда эҳтиёткор бўлардим. Рост, ҳеч ким ҳеч нимани сезмасди, обрўйингизга ҳам путур етмасди. Сиз менга тўла-тўқис ишонингиз мумкин, мен қамсуқум одамман, панд бериб қўймайман. — Кейин, унга гап қайтармаётганимдан кўнгли кўтарилиб дадилроқ гапир бошлади. — Қулоқ солинг, мен битта ишончли хилват жой топиб қўйдим, ўша ерда иккаламиз бежавотир суҳбатлашиб ўтирсак бўлади». Ҳа-ҳа-ҳа! О, мулоим йигитимиз қидириб топган хилват жой, икки дунёда ҳам сизнинг ҳаёлингизга келмайди, Бенвенуто! Бас боғлаб айтаманки, бундай хуфия жойни фақат мана шунақа мўмин-қобил, тортинчоқ йигитларгина қидириб топиши мумкин. Мен билан қаерда учрашмоқчи бўлганини айтайми сизга? Сиз ясаётган маҳобатли Марс ҳайкалининг боши ичида учрашмоқчи бўлди. У ерда нарвон қўйиб чиқса бўлади, деб айтди. Гапига қараганда, бошнинг ичида шинамгина хужрача бормиш, у ерда бизни ҳеч ким кўрмасмиш-у, аммо ўзимиз ўша ердан гоят ажиб қишлоқ манзарасини кузатишимиз мумкин эмиш.

— О, чинданам ажойиб фикр бу,— кулиб юборди Бенвенуто.— Хўш, сен унга нима жавоб қилдинг, Скоццоне?

— Мен хандон ташлаб кулиб юбордим — ҳеч ўзимни тия олмадим, оқибат, жаноб Паголонинг нияти пучга чиқди. Кейин у мандан ўпқаланиб, сиз бераҳмсиз, менинг ўлишимни хоҳлайсиз, деб, шунга ўхшаш яна бир олам таъналарни тўкиб солди: қўли болғача билан эговни ишлатиб ётиптию тили гапдан тўхтамайди, денг, гапираверди, гапираверди, ярим соат гапирган бўлса керагов: ўзи шунақа, бир гапга тушиб кетса — жаврайверади, жаврайверади.

— Ҳар қалай, бирон нима деб жавоб қилгандирсан унга, Скоццоне?

— Нима деб жавоб қилардим? Худди шу маҳал сиз эшикни тақиллатиб қолдингиз, Паголо тўқани стол устига қўйди — пардозлаб улгурди ахири, мен бўлсам унинг қўлидан ушлаб жуда жиддий қиёфада: «Паголо, гапларингиз бирам бурро, бирам силлиқки!» — дедим. Шунинг учун ҳам сиз кирганингизда у анқовга ўхшаб турган эди.

— Сен, Скоццоне, ростимни айтсам, яхши қилмабсан: уни чўчитмаслигинг керак эди.

— Сиз унинг гапларига қулоқ солишни буюрган эдингиз, қулоқ солдим-ку.

— Нафақат қулоқ солиш, жонгинам, шунингдек жавоб ҳам қайтариш лозим эди! Мен тузган режамни бажариш учун керак бу; у билан аввалига ғижинмасдан, кейин мулойим оҳангда ва бора-бора илтифот кўрсатиб гаплашишинг керак. Шу айтганларимни бажарсанг, кейин нима қилишингни айтаман. Сен фақат менга ишону ўғитларимга бекаму кўст амал қил. Энди борақол, дўндиқ қиз, ишлашимга халақит қилма.

Катерина Челлинининг Паголо устидан қандай қалти ҳазил қилишини кўз олдига келтира олмаган бўлса ҳам, барибир, йигитнинг ҳадемай майна бўлишини ўйлаб, ҳозирданоқ хахолаб кулганча, қушдек энгил сакраб, хонадан учиб чиқиб кетди.

Қиз-ку, чиқиб кетди, аммо Бенвенуто ишга қиришни хаёлига ҳам келтирмади: у Кичик Нель қасрининг боғига очиладиган дераза олдига тез юриб бориб, гўё бир нимага маҳлиё бўлгандек қимир этмай туриб қолди. Шу пайт эшик тақиллаб, унинг хаёли бузилди.

— Оббо! — деди у жаҳл билан. — Ким келди яна? Мени ўз ҳолимга қўясанларми, йўқми, лаънатлар бўлсин!

— Мени афв этинг, устоз, — Асканионинг овози эшитилди. — Халал берган бўлсам, кетишим мумкин.

— О, сенмидинг, ўғлим! Йўқ, йўқ, сен менга ҳеч қачон халал бермайсан! Тинчликми? Нечун керак бўлиб қолдим сенга?

Бенвенуто шундай гаплар билан шоша-пиша эшикни очиб, суюкли шогирдини қарши олди.

— Узр, тинчингизни бузиб, сизни ишдан қўйдим, — деди Асканио.

— Йўқ, Асканио, мен ҳамиша сени кўрсам хурсанд бўламан.

— Гап шундаки, устоз, мен сизга ўз сиримни очиб, сиздан ёрдам сўрамоқчи эдим.

— Гапир, сендан ҳеч нимамни — ақчамни ҳам, куч-қувватимни ҳам, ақл-заковатимни ҳам аямайман.

— Шу айтганларингизнинг ҳаммаси менга керак бўлиб қолса ҳам ажаб эмас, о, қимматли устоз.

— Жуда соз! Мен ҳам жисман, ҳам қалбан сен-

га содиқман, Асканио. Қолаверса, ўзим ҳам сенга баъзи сирларимни айтиб, гуноҳимдан фориғ бўлмоқчиман. Ҳа, токи сен менинг ғайрихитиёрий гуноҳимдан ўтмагунингча, ўзимни айбдор ҳисоблаб виждон азобида қийналиб юраман. Ҳай, майли, олдин сен гапир.

— Ҳўп бўлади, устоз... Ё тангрим, кимнинг ҳайкалини ясаяпсиз? — деб юборди Асканио бирдан айтаётган гапини бўлиб.

Ҳали тайёр бўлмаган Ҳебанинг ҳайкалини у энди кўриб қолган ва бу ҳайкалнинг жамолига қараб, уни Коломбага ўхшатган эди.

Бенвенуто:

— Ҳебанинг ҳайкалини, — деб жавоб қиларкан, кўзлари порлаб кетди. — Бу навқиронлик маъбудаси. У бағоят гўзал — шундай эмаси, Асканио?

— О рост, ниҳоятда дилбар! Лекин бу чеҳра менга таниш, у хаёлот маҳсули эмас.

— Сен адабсизсан! Баски, учини чиқарган экансан, майли, ошкор қилиб қўя қоламан. Начора, энди биринчи бўлиб мен сиримни очадиган бўлдим. Ҳа, яхши, қани мана бу ерга ўтириб, гапларимни тингла, Асканио — ҳозир менинг қалбим сен учун мисоли бир очиқ китоб бўлади. Ҳозиргина менинг ёрдамимга муҳтож эканлигингни айтдинг, аммо менинг ҳам ўз дардим бор, уни сен эшитишингни хоҳлайман. Ҳамма гапдан воқиф бўлганингдан сўнг, мен худди елкамдан тоғ ағдарилгандек енгил ҳис қилгайман ўзимни...

Асканио курсига ўтираркан, ранги, ҳозир ўзи устидан чиқариладиган ўлим ҳукмини эшитадиган маҳбусникидан ҳам баттар оқариб кетди.

— Сен флоренцияликсан. Асканио, бинобарин, Данте Алигъерининг кечмишидан хабардормисан, деб сўраб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ. Шоир кунларнинг бирида кўчада Беатриче исмли навниҳол бир қизни учратади-ю уни севиб қолади. Қиз ўлади, аммо Данте уни севишда давом этади, зеро у қизнинг руҳини севар эди, руҳ эса ўлмайди: у Беатриченинг бошини юлдузлар гулчамбари билан безайди ва уни жаннатга киритади. Шундан кейин Данте инсоний эҳтиросларни, шеърият ва фалсафани тадқиқ қила бошлайди ва ниҳоят руҳий изтироблар ва хаёлотлар оғушида юриб поклангач, жаннат қопқаси олдига бориб Вергилий билан, яъни фозиллик тимсоли билан видолашганида,

йўл кўрсатувчисиз қолгани сабабли юришдан тўхтамайди. Зеро Данте жаннат бўсағасида яна Беатричени яъни муҳаббат тажассумини кўради — у Дантени ку-таётган бўлади...

Асканио, менинг ҳам ўз Беатричем бор, у худди Дантенинг Беатричеси сингари ўлган ва у ҳам ўша Беатричегга ўхшаб илоҳий хилқатдир. Шу пайтгача бу нарса у, худо ва мен — учаламиз ўртамазда сир бўлиб келган эди. Мен табиатан ҳар нарсага осонгина шайдо бўламан, разилона эҳтирослар мени васвасага солади, аммо шунга қарамай, бу нуқсонларим менинг баркамол маҳбубамга доғ туширмади. Мен муҳаббат шамчирогини шу қадар баланд кўтариб, унинг йўлини ёритдимки, пойларига гард ҳам ўтирмади. Одам-зод мулоҳаза қилиб ўтирмай ўзини кўнгилхушлик гирдобига отганида, санъаткор ўзининг мавҳум қаллиғига содиқ бўлади. Агар мен, Асканио, биронта гоёт гўзал асар яратган бўлсам, агар жонсиз кумуш ёки лой, бармоқларим орасида жонланса, агар баъзи-баъзида мрамарга нафосат, биринжга ҳаёт на-фасини уфуришга муяссар бўлган бўлсам, булар-нинг ҳаммасига менинг нурафшон маъбудам сабабчи: мана, йигирма йилдирки, у менга раҳнамолик қилади, қўллаб-қувватлаб келади, қалбимни мунаввар этади. Аниқ бир нима деяолмайману Асканио, шоир билан заргар ўртасида, мутафаккир билан олтин зарб қилувчи уста ўртасида фарқ бўлса керак. Данте хаёлан мушоҳа-да қилади; мен кўришим керак. Унга Биби Марьям-нинг номи бўлса кифоя. Мен бўлсам, ул мўътабар хил-қатнинг қиёфасини кўришим шарт. Образларни у ақлий-нигоҳи билан кўради, аммо мен яратишим лозим бўлган образларни жисмоний кўз билан кўрмасам бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам менинг Беатричем мен учун, яъни ҳайкалтарош учун айни пайтда ҳам жуда кич-кина, ҳам гоёт катта илҳом манбаи бўлган бўларди. Унинг образи мен учун гарчи руҳан жуда етарли бўлса ҳам, аммо унинг жонли қиёфасини қидиришимга тўғри келди. Ҳаётим машъали бўлган ўша малакваш аёл ниҳоятда гўзал эди, албатта, айниқса бу борада унинг қалби ҳаммадан ҳам бетимсол эди. Лекин мен, тасав-вуримда намоён бўлган ўшал боқий гўзаллик тажас-сумини топа олмадим. Натижада, уни ҳамма ердан қидиришга, унинг образини хаёлан кашф этишга маж-бур бўлдим.

Сен қандай ўйлайсан, Асканио, агарда мен ўзим орзу қилган образни, яъни ҳайкалтарош орзуси бўлган баркамол сиймони шу ерда, заминда топишга муяссар бўлсаму уни астойдил севиб, унга сажда қилсам, бу қилмишим ўз самовий фариштамга — шоир тасвирлаган ўша беқусур илоҳий сиймога нисбатан шаккоклик, хиёнат бўлмасмикин? Айт-чи, ўша самовий шарпа истиқболимга келмай қўймасмикин, у фаришта мени замин аёлига рашк қилмасмикин? Сен нима дейсан? Мен бу саволни сенга бердиман, Асканио, зеро нима учун бундай савол билан бошқа одамга эмас, айнан сенга мурожаат қилаётганимни, нима сабабдан, жавобингни кутарканман, гўё Беатриченинг ўзи менга жавоб қилиши керакдек дағдағ титраётганимни бир кун эмас бир кун билиб олсан...

— Устоз,— деди Асканио жиддий ва маъюс оҳангда,— мен ҳали жуда ёшман, бундай олимақом нарсалар тўғрисида мулоҳаза юритишга ожизман, аммо қалбан ишонаманки, сиз парвардигорнинг ўз паноҳига олган энг арзанда бандаларидан бирисиз, демакки, йўлингизда учраган ҳар бир нарса тасодиф эмас, балки худонинг продасидир.

— Сен чиндан ҳам ишонасанми шунга, Асканио? Демак, сен ўша замин малагини, ўша орзуимнинг энг гўзал тажассумини менга парвардигорнинг ўзи ато этгану ул самовий фаришта, агар уни хотирамдан фаромуш қилсам, мандан асло ғазабланмайди, деб ҳисоблайсанми? Ундай бўлса, сенга юрагимни ёзиб айтман: мен ўз орзуимга эришдим, у мавжуд, мен уни кўриб тураман, ҳатто у билан юзма-юз тўқнашдим ҳам. Гапларимни эшит, Асканио, гўзаллик ва тароват рамъа бўлган мана шу андоза,— биз санъаткорлар ҳар дафъа интилувчи бу ўта мукамаллик тимсоли, шу ерда жуда яқинда, ҳозир унинг айнаи қулф уриб яшнаган пайти, мен уни ҳар кун кузатиб баҳра олишим мумкин. Оҳ, қисқаси, шу пайтгача яратган барча асарларим, энди яратмоқчи бўлган ижодим олдида ҳеч гап эмас! Мана, сен менинг Ҳебамни гоят гўзал деб айтдинг, аслида ҳам у менинг энг яхши асарим бўлмай. Лекин мен ҳануз қаноатлана олмаяпман: ўз тасвирига жуда яқин ерда турган менинг жонли малагим, назаримда бу тасвирдан юз карра гўзалроқдек туюляпти; аммо мен барибир, уни бекаму кўст гавдалантирмай қўймайман! Асканио, ҳозир тасаввуримда шу хилқатга ўхшаб кетувчи минглаб қордек оппоқ ҳайкаллар гужғон

Ўйнапти, улар менинг хаёлимни олиб қочяпти! Мен уларни кўряпман, бир кун эмас, бир кун орзуим рўёбга чиқишини ҳозирдан ҳис қиляпман. Энди, Асканио, сенга ўзимнинг илҳом паримни — соҳибжамол малагимни кўрсатайми? У ҳозир шу яқин ўртада бўлиши керак. Ҳар куни эрталаб уфқдан қуёш бош кўтарган пайтда, фариштам шу ерда, заминда туриб менинг қалбимни мунаввар қилади. Мана, кўр!

Бенвенуто дераза пардасини четга суриб, шогирди-га Кичик Нель қасрининг боғини кўрсатди.

Дарахтлар соя солиб турган хиёбондан Коломба аста-секин юриб борарди.

— Нақадар фусункор! Шундай эмасми? — деди Бенвенуто завққа тўлиб. — Фидий ҳам, қария Микелланжело ҳам бундан гўзалроқ ҳеч нима ярата олган эмаслар, фақат антик давр усталари ижод этган ҳайкалларнинг каллаларинигина манави навнихол, латифа қизнинг жажжи бошига қиёс қилса бўлади! Нақадар дилбар-а!

— О, ниҳоят дилбар қиз! — деб гулдиради Асканио, лекин шу заҳоти тиззалари қалтираб, яна курсига ўтириб олди — унда на қувват, на бирон мулоҳаза қолган эди.

Орага бир дақиқача жимлик чўкди; Бенвенуто шодлик лаззатидан сармаст эди, унинг шогирди эса ўзининг қанчалик бахтиқаролигини тўла идрок қилишга уринарди.

— Лекин, устоз, бу эҳтиросингиз — санъаткорлик эҳтиросингизни айтяпман — сизни қаёқларга бошлайди охир-оқибат? — деб ниҳоят савол беришга журъат этди бу мудҳиш янгиликдан бутун вужуди қалт-қалт титраётган шогирд. — Қандай тадбир кўрмоқчисиз?

— Асканио, — деб жавоб қилди Челлини, — у аёл, ўлган аёлни айтяпман, меники бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Фақат тангрим менга уни рўпара этиб, дунёвий ишқ билан севишим кераклигини қалбимга жо қилган. Таажжуб! Тангрим ҳатто у аёлнинг мен учун ким эканлигини ҳис этишимга ҳам имкон бермай, ўз даргоҳига чорлаб олди. У менинг хотирамда ҳудди кўз олдидан лип этиб кетган бир сиймодек сақланиб қолган. Бироқ агар сен гапларимга яхши тушунган бўлсанг, Коломба ҳаётим мазмунига айланди, у менинг қалбимдан жой олди. Мен уни севишга жазм қилдим, у

албатта меники бўлади, деб ўйлашга журъат этдим!

— Ахир у Париж превосининг қизи,— деди Асканио зўр-базўр, ҳаяжонланганидан унинг бутун вужуди дағ-дағ қақшарди.

— Менга деса, қиролнинг қизи бўлмайдими Асканио, ўзинг яхши биласа-ку хоҳишим қудратини! Мен ҳаётимда ниманки хоҳлаган бўлсам, ҳаммасига эришганман, аммо ҳали ҳеч қачон ҳеч нимани бунчалик эҳтирос билан хоҳламаганман. Мақсадимга қандай эришишимни билмайману, лекин у албатта менинг хотиним бўлади, тушуняпсанми?

— Сизнинг хотинингиз! Коломба сизнинг хотинингиз бўладими?!

— Мен энг қудратли пушти-паноҳимга мурожаат қиламан,— деб гапида давом этди Бенвенуто.— Агар у ихтиёр билдирса, мен Луврни ва Шамбор қасрини ҳайкаллар билан безайман. Қиролнинг столини бежирим идишлар, шамдонлар билан тўлдириб ташлайман, кейин шу хизматим эвазига Коломбани менга турмушга беришини сўрайман, бордию у илтимосимни рад этса, демак у Франциск Биринчи эмас. О мен умидворман, Асканио, жуда умидворман! Мен қиролнинг ҳузурига, у бутун сарой аъёнлари даврасида турган пайтда кириб бораман. Қулоқ сол, яна уч кундан кейин қирол Сен-Жерменга жўнайди, у жўнаб кетиши олдидан иккаламиз унинг ҳузурига ташриф буюрамиз. Виз унга кумуш туздон олиб борамиз — мен уни ишлаб бўлдим — бундан ташқари Фонтенбло саройининг эшигини безаш учун расмлар ҳам олиб борамиз. Ҳамма кўриб таҳсинлар ўқийди, зеро улар гоят ажиб расмлардир, турган гапки, қиролнинг ўзи ҳам, ҳаммадан кўпроқ таҳсин айтиб, кўпроқ ҳайратга келади. Қисқаси, мен ҳар ҳафта уни янги-янги ижодларим билан ҳайратга солиб тураман. Ҳали ҳеч қачон ўзимда бу қадар кучли ижодкорлик ва бунёдкорлик гайратини сезмаган эдим! Миям кечаю кундуз тинимсиз ишлаб ётипти, муҳаббат кучимга куч қўшиб, мени ёшартириб юборди, Асканио. Оқибат, ҳар бир кўзлаган нияти дарҳол амалга ошаётганини кўрган Франциск Биринчидан энди илтимос қилиб ўтирмайман — талаб қиламан! У мени кўкларга кўтариб мақтайди, мен бойиб кетаман, ана унда Париж превоси, гарчи асилзода бўлса ҳам, мен билан қариндош тутинганидан фахрланади. Оҳ, Асканио, бунақада жинни бўлиб қолсам керак! Мен шуларнинг ҳаммаси ҳақи-

да ўйлаганимда ўзимни идора қила олмай қоляпман. Коломба — меники! О, жаннатий орзулар! Гапларимга тушуняпсанми ўзи, Асканио? У меники! Мени кучоқла, ўғлим, зеро сенга юрагимни очган дақиқадан бошлаб, умидим яна ҳам қатъийлашди. Мен кўнглим таскин топганини ҳис қиляпман, зотан сен бахтимни қўлимга тутқазгандек бўлдинг. Вақти келиб, шу айтган гапларимнинг ҳаммасини тушуниб оласан; ҳозир эса, ўз сиримни очган дақиқадан бошлаб, назаримда, сени яна ҳам кўпроқ севиб қолганга ўхшайман; сен шу қадар оқкўнчилсанки, юрак дардимни охиригача тингладинг. Қани, мени кучоқла, азизим Асканио!

— Бордию у сизни севмаса-чи, устоз? Сиз бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми?

— О, жим бўл, Асканио! Мен бу ҳақда ўйлаганман, яна сенинг чиройинг, ёшлигингга ҳавас ҳам қилганман. Лекин сенинг илоҳий қисмат ҳақида айтган гапларинг менга тасалли беради. У мени кутмоқда. Тўғри-да, бошқа кимни ҳам севиши мумкин? Ундан кейин, Коломбанинг қайлиғи ким бўлса бўлсин, ахир мен ҳам асилзодалар тонфасиданман, буниг устига, буюк ҳайкалтарошман.

— Айтишларича, унинг қайлиғи граф д' Орбекмиш.


— Граф д' Орбек? Жуда соз-да! Мен уни танийман. У қиролнинг хазинадори, ўз ишим учун зарур бўлган олтин, кумушни ҳам, қирол саховат билан менга инъом этган ақчаларни ҳам шу одамдан олиб тураман. Граф д' Орбек қурумсоқ, бадқовоқ бир чол; у ҳисобга кирмайди: тентак рақиб устидан ғалаба қозониш — ҳатто мақтанишгаям арзимайди. Йўқ, Коломба мени севиб қолади, Асканио, севганда ҳам мени ўйлаб эмас, ўзини ўйлаб севади — ахир мен унинг гўзаллигига далил сифатида керакман! Оқибат у ўз кўнглини тушунадиган қайлиқ топилганига, уни маъбуда даражасига кўтаришаётганига шоҳид бўлади, доврўгининг оламга таралишига ишонч ҳосил қилади! Қисқаси, мен шуни хоҳлайман! Такрор айтаман: агар шу сўзни айтсам, кифоя, албатта мақсадимга эришаман. Мен одатим бўйича, ўз мақсадим сари, худди собит тақдир сингари огишмай, тикка бораман. Сенга шуни айтиб қўяй, у меник бўлади, буниг учун ҳатто бутун салтанатни остин-устин қилишим лозим бўлса ҳам. Бордию рақибим йўлимга тўғаноқ бўлмоқчи бўлса — сен-ку, мени яхши биласан, Асканио — ўзидан

кўрсин! Онт ичиб айтаманки, ҳозир сенинг қўлингни сиқиб турган мана шу қўлларим билан уни ўлдираман!.. Э, худойим, Асканио, кечир мени! Ўлгудек худбинман-да! Ахир сен ҳам менга ўз сирингни баён қилмоқчи, қандайдир ёрдам сўрамоқчи эдинг-ку. Кечир, унутибман. Мен ҳамиша хизматингга тайёрман, азиз ўғлоним. Қани, бўлақол, бемалол гапиравер! Хоҳласам бўлди, сенинг ҳам ҳамма истакларингни бажо келтирмай қўймайман.

— Янглишасиз, устоз. Шундай нарсалар борки, уларни ёлғиз худонинг хоҳиши билангина рўёбга чиқариш мумкин, ҳозир мен ёлғиз халлоқ эгамнинг мададига суянишим лозимлигичи тушундим. Майли, менинг сирим фақир бир банда бўлмиш камина билан қодир худо ўртамиздаги сир бўлиб қолақолсин.

Шундай деб Асканио хонадан чиқди.

Йигитнинг орқасидан эшик ёпилиши ҳамоноқ, қувончдан кўнгли тоғдек кўтарилган ва таскин топган Челлини пардани очиб қўйиб, дастгоҳни дераза олдига суриб келди-да, Ҳебанинг ҳайкалини ясашга киришди.



Иккинчи қисм
Биринчи боб

ВИЖДОНФУРУШ

Коломбани қироличага таништирадиган кун келди. Биз ўзимизни хаёлан Лувр саройининг залларидан биридамиз, деб фараз қилайлик; бутун сарой аъёнлари шу ерда; улар эрталабки ибодатдан сўнг Сен-Жерменга жўнашлари керак: ҳозир қирол билан қироличанинг чиқишини кутишмоқда. Хонимлардан фақат бир нечтасигина ўтиришти; акарият аъёнлар тик туришар, ё бир-бирлари билан шивир-шивир гаплашиб, уёқдан буёққа юришарди; кимхоб ва шойи либослар елпинар; тикилинчда бир-бирига урилар; бу ерда гул-гул очилган назокатли чехралар, нафратдан ўт бўлиб ёнган нигоҳлар учрар; ошиқ-маъшуқлар пичирлашиб висол онларини тайинлашар, рақиблар бир-бирларини дуёлга чақиршар; пурвиқор асилзодалар оқими ўз шукуҳи билан кўзни қамаштирарди. Сўнгги пайтда расм бўлган либослар ғоят ҳашаматли; хонимларнинг жамоли дилрабо эди. Ушбу дабдабали ва ғоятда турфаранг либос-

лар орасида италянча ёки испанча кийинган ўсмир маҳрамлар ажралиб туришади; камарларига қилич осиб олган бу йигитчалар, қўлларини ёнларига тушириб, хулди хайкалдек қотиб туришади. Зотан, қирол сарой аъёнларининг жонли бўёқларда ифода этилган сержило; сердабдаба қиёфасини тўла тасвирлаб беришга уриниш бефойда бўлур эди; буни амалга ошириш учун биз қанчалик уринмайлик, у манзаранинг фақат жонсиз, жозибасиз нусхасинигина чиза оламиз. Сиз «Ҳептамерон»¹ даги ва Брантом² асарларидаги серноз ва серистеҳзо йигитларга ҳаёт нафасини нурқаб, нозик адо ва зукко хонимларга жон киритиб, уларни XVI асрнинг чинакам французча тили, яъни таъсирчан, ширали, одми тил билан гапиртиринг, эна шунда сиз Франциск I нинг ғоятда сержозоба саройи ҳақида тасаввурга эга бўласиз, алалхусус, сиз бу мустабид қиролнинг: «Хонимларсиз сарой — бу баҳорсиз йил ёхуд гулсиз баҳор» деган гапини эсласангиз, тасаввурингиз янада ойдинлашади. Дарҳақиқат, Франциск I нинг саройи энг гўзал, энг олий нав гуллар билан тароватли бўлган баҳорни ўзида тажассум қилар эди.

Мана шу говур-гувур овозлар, беҳаловат югуриб-елишлар идрок қилинсаю аъёнлар оломони синчиклаб кузатилса, уларнинг икки қарама-қарши гуруҳга бўлинганини осонгина фаҳмлаб олиш мумкин. Ҳерцогиня д'Этамп гуруҳининг тафовут белгиси бинафша ранг; зангори ранг эса Диана де Пуатье гуруҳига мансубликни билдиради. Ҳерцогинянинг тарафдорлари ислоҳот учун хуфиёна курашувчилар, уларнинг рақиблари — ашаддий католиклар эди. Диана де Пуатьенинг мухлислари орасида валиаҳднинг ранглар япалоқ башарасини кўриш мумкин эди; ҳерцогиня д'Этами гуруҳи орасида эса Францискнинг иккинчи ўгли Карл Орлеанийнинг доно, тийрак чеҳраси ва олтин рангли жингалак сочлари тез-тез кўзга ташланарди. Агар мазкур сиёсий ва диний низолар манзарасини сиз яна хонимлар рашки, мусаввирлар ва шоирларнинг рақобати билан тўлдирсангиз, Франциск I саройида ҳукм сурган адоват ҳақида шундай мукамал тасаввурга эга бўласизки, бу ҳол

¹ «Ҳептамерон» (1558)— Наварра қиролининг хотини қиролича Маргаританинг қаламига мансуб новеллалар тўплами.

² Брантом Пьер де Бурдей (1535—1614)— француз тарихчиси, «Машҳур дарғалар ҳаёти» ва «Назокатли хонимлар» деган китобларнинг муаллифи.

даргазаб нигоҳлару таҳдидона ишоралар сабабини англаб олишингизга ёрдам беради, зеро гарчи риёкорликда сарой аҳлига ҳеч ким тенг кела олмаса ҳам, уларнинг бу хатти-ҳаракатларини синчков одам нигоҳидан пинҳон сақлаш маҳол эди.

Икки асосий душман — Диана де Пуатье билан Анна д'Этамп — улкан залнинг икки қарама-қарши чеккасида ўтиришарди: шунга қарамай, саройдаги вазифаси ғийбатчилик бўлган беҳисоб бекорчи аёнларнинг куйиб-пишиб ҳаракат қилиши натижасида, рақибалардан бирининг оғзидан чиққан заҳарханда сўз бир зумда иккинчи рақиб қулогига етиб борар ва шундай жадаллик билан янада заҳарлироқ жавоб қайтарди.

Шоҳи ва кимхоб либосли ақиблар орасида этаги узун докторлик ридоси кийган Анри Этьенн — ислоҳчилар партиясининг фидойиси ҳар қадамда эшитилаётган қочириму пичингларга ҳам, рўпара келган одамларга ҳам парво қилмай, хўмрайганча уёқдан буёққа юриб турарди; ундан икки қадам нарида эса флоренциялик муҳожир ғамгин ва ранглар Пьетро Строчици¹ устунга суяниб турарди; у ҳам атрофдаги воқеаларга мутлақо бепарво кўринарди; эҳтимол у ўзининг тарк этган ватани ҳақида хаёл сураётгандир — ҳолбуки ватанига асир бўлиб бориш ва қабрга кирганидагина ҳаловат топиш ёзилган эди бу одамнинг пешонасига. Екатерина Медичига қисман қариндош бўлган бу олижаноб муҳожирнинг католиклар партиясига астойдил тарафдор эканлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Мана, икки олий мансаб зот муҳим давлат ишлари ҳақида суҳбатлашиб, уёқдан буёққа юриб турибдилар: улар ўз гапларига кўпроқ эътибор бериш мақсадида дам-бадам бир-бирларининг қаршисида тўхтаб суҳбатлашардилар: уларнинг бири бундан бор-йўғи икки йилча бурун коннетабль лавозимига кўтарилган (бу лавозим Бурбонлар қирол эътиборидан қолган вақтдан бери бўш

¹ *Строчици Пьетро (1558 йилда ўлган)* — Флоренциядаги банкир Строчицилар хонадонининг намояндаси бўлган; бу хонадон ҳерцог Медичилар (булар ҳам банкирлар эди) билан адоватда бўлган; Строчици бутун умр Медичиларга қарши курашган, кейинчалик Франциск I хизматига кириб, унинг тарафида Италиядаги урушларда қатнашган (Медичилар Карл V нинг иттифокдошлари эди). 1556 йилда Франция маршали этиб тайинланган.

эди) қария Монморанси бўлиб, иккинчи ҳамсухбат яқинда лотереяга солиқ солишни ўйлаб топганидан ҳамда Виллер-Котерда чиқарилган фармонга¹ шахсан ўзи имзо чекканидан мағрур канцлер Пуайе эди.

Бу ерда, Франсуа Рабле² ўзини холис тутиб, ҳеч ким билан суҳбатга аралашмай, тишининг оқини кўрсатиб жилмайганча айланиб юраркан, ҳаммаёққа бурнини тикар, кўз югуртирар, одамларнинг гапларига қулоқ солар ва уларнинг устидан истехзоли куларди. Аъло ҳазратларининг суюкли масхарабози букри Трибуле³ бўлса битмас-туганмас ҳазиллари билан ҳамманинг оёғи остида ўралашар, ўзининг эрка масхарабозлиги ва паканалик мавқеидан фойдаланиб, гоҳ у, гоҳ бу одам устидан кулар — рост, унинг ҳазиллари беғидир бўлар, аммо ҳаммавақт ҳам беозор бўлавермасди.

Энди, қирол камердинерининг чақмоқдек яп-янги, гоҳт серҳашам мундирини кийган шоир Клеман Марога келсак, у д'Этамп хонимнинг қабулидагидан ҳам ёмонроқ аҳволда эди. Шоирнинг чўнтагида ҳозир ҳам биронта янги ёзилган шеър ёки қандайдир сонет ётганлигини, демакки ўша шеърини у бадиҳа сифатида тақдим этиш учун пайт пойлаётганини афти айтиб турарди. Ҳайҳот! Ҳаммага аёнки, илҳом само тухфасидир, бинобарин, у бизнинг измимизда эмас. Қарангки, шоирнинг миясида Диана хоним ҳақида ҳам гоҳт ажиб бир шеър пайдо бўлган эди. У бу шеърни даф қилишга қаттиқ уриниб

¹ Сена департаментига қарашли мўъжазгина Виллер-Котер шахридаги Франциск I нинг қасрида, ҳукуматнинг энг юқори босқичларида чиқарилган қарорлар бундан буён лотин тилида эмас, балки француз тилида ёзилмоғи шарт, дейилган машҳур фармонга имзо чекилган эди. Қаср ҳозир ҳам бор, аммо унинг аввалги савлати қолмаган. Унинг архитектураси дастлабки шаклидан ҳозир тамомила фарқ қилади. Франциск I қура бошлаган ва самандарларнинг ҳайкаллари билан безатилган бу қасрни Ҳенрих II қуриб битирган бўлиб, унинг буйруғига кўра, қаср деворларига ўзининг ва Екатерина Медичининг монограммалари (исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари бир-бирига чирмаштириб тузилган безаклар) ўйиб ёзилган эди.

² Франсуа Рабле (1494—1553)— буюк француз гуманист ёзувчиси. Унинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи Франция Уйғониш даври маданиятининг энг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. (Тарж.)

³ Трибуле — Франция қироллари Людовик XII ва Франциск I даврига мансуб маълумотларда эсланишича, мазкур қиролларнинг сарой масхарабози бўлган. Виктор Ҳугонинг «Қиролнинг дилхуши» драмасида Трибуле образи бош қаҳрамондир. Шу драма асосида яратилган Вердининг операсида у Риголетто номи билан юритилади.

кўрди, лекин афсуски, муза маҳбуба эмас, балки ҳокимадир: шеър ўз-ўзидан қуйилиб келаверди, қофиялар ҳам худди муъжизадек, маржонсифат бир-бирига тизилиб чиқаверди, мана энди ўша байталмон мадригал шоирни қаттиқ изтиробга сола бошлади. Агарда Маронинг ихтиёри ўзида бўлганда-ку, у турган гапки, шеърни ҳерцогиня д'Этампга ёки Маргарита Наваррийга бағишлаган бўларди, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, — негаки шоир бутун қалби билан протестантлар партиясига мойиллик билдирарди. Балки у Диана хонимга эпиграмма ёзиш учун бош қотириб ўтирган пайтида, шу мадригал миясига тасодифан жо бўлиб қолгандир; нима бўлганда ҳам католик хонимга бағишланган ғоятда дилбар шеър дунёга келган эди. Айтингчи, уни ўқишдан ўзни тийиш, ўзининг протестантлар партиясига ихлосманд бўлишига қарамай, уни адабиётнинг қадрига етувчи дўстларидан биронтасига, ҳеч бўлмаса, пичирлаб ўқиб беришдан ўзини тийиб туриши мумкинмиди?

Ҳа, шўрлик Маро ҳам ўзини тўхтата олмади. Шоир ўзининг эҳтиросли қалбини кардинал де Турнонга очиб, шеърини ўқиб берган эди, шеър кардиналга жуда манзур бўлди ва уни ғоят гўзал ва баркамол деб топиб, ўз навбатида, андишасизлик қилиб уни ҳерцог Лоранийга сўзлаб беришдан ўзини тия олмади, ҳерцог ҳам дарҳол бу хабарни Диана хонимга етказди. Шу заҳотиёқ «зангорилар» гуруҳида шивир-шивир бошланди; шоирни чақириб олиб, ундан шеърини ўқиб беришни сўрашди, кейин мажбур қилишди. «Бинафшаранглилар» Маронинг оломон орасидан ўтиб Диана истиқболига бораётганини кўришди, улар ҳам яқин келишиб, ҳам қўрқиб кетган, ҳам хурсанд бўлган шоирни ўраб олишди. Ниҳоят, ҳерцогиня д'Этампнинг ўзи ҳам ўрнидан туриб, «зангорилар» томонига қизиқсиниб қаради. «Қани кўрайлик-чи, — деди у, — гапга чечан бу фирибгар Маро Диана хонимни рутбасига яраша мадҳ эта олармикин».

Шўринг қургур шоир уни жилмайиб қарши олган Диана де Пуатьегга таъзим қилди ва эндигина шеърини ўқишга шайланганида бехосдан орқасига ўгирилдию кўзи д'Этамп хонимга тушди — ҳерцогиня ҳам шоирга қараб жилмайиб турарди; бироқ агар Диананинг табасумида самимий хайрихоҳлик акс этиб турган бўлса, д'Этамп хонимнинг жилвасида таҳдид бор эди. Хуллас, бечора Маро Диананинг меҳри тафтидан исиниб, иккин-

чи томондан эса д'Этампнинг совуқ нигоҳидан вужуди муз сингари тўнгиб, титроқ овоз билан шеърини бир амаллаб ўқиб берди:

Юпанч, таскин кор қилмас, ёху,
Кўксимдаги шарора сўнмас,
Тангри ўзи раво кўрган бу
Ғамларимни ювмоқ учунмас.
Камони ҳам керакмас асло,
Юракларни қилмоқ садпора —
Муносибдир қиролга, илло,
Қирол — қирол, мен — бир бечора.
Сеза олса севгимнинг кучин,
Яширмаса ҳам исматини...
Фақат гўзал Дианам учун
Орзу қилдим Феб қисматини.

Бу ишқий шеърнинг охирги сатрлари ўқиб бўлиниши билан «зангорилар» гулдўрос қарсак чалиб юборишди; «бинафшаранглар» теран сукутга толишди. Мақтовлардан руҳи кўтарилиб кетган ва, айти пайтда, «бинафшаранглар»нинг адоват билан тикилишларидан юраги қаттиқ ларзага келган шоир Диана де Пуатьеннинг истиқболига дадил юриб бориб, ўз ижодини унга армуғон қилди.

Соҳибжамол Дианага, — пичирлаб деди у гўзал хонимга бош эгиб таъзим қилар экан. — Гапимга тушундингизми, хоним афанди? Гўзалликда монанди йўқ гўзаллар гўзалига!

Диана Марога маъноли нигоҳ билан миннатдорчилик билдирди, шоир нари кетди.

У д'Этамп хонимнинг ёнидан ўтиб борар экан, худди узр сўраётгандек деди:

— Шу дилбар хонимга ҳам биттагина мадригал бағишласак нима бўпти? Ахир шу вақтгача мен ўз шеърларимни дунёдаги энг соҳибжамол хонимга бағишлаб келдим-ку. Ёдингиздами, хоним афанди, «Барча қалбларнинг мағрур соҳибасига»?

Анна жавоб бериш ўрнига Марога худди еб юборгудек бўлиб ўқрайиб қаради.

Бу воқеа давомида иккита кичик-кичик тўпга бўлинган бир неча одам ўзини сарой аъёнлари даврасидан четга олиб турарди. Бу одамларнинг биринчи тўпида ўз танишларимиз Асканио билан Бенвенуто Челлини бўлиб, улар ҳар қандай мадригалдан ҳам «Илоҳий ко-

медия»ни афзал кўрардилар. Иккинчи тўпдаги одамлар ҳам бизга жуда яхши таниш бўлиб, улар: граф д'Орбек, виконт де Мармань, мессер д'Эстурвиль ва Коломбадан иборат эдилар. Сарой аъёнларидан четроқда туришни Коломба отасидан илтимос қилган эди; бундай одамлар даврасига қиз биринчи марта кирган ва бу давра уни фақат ваҳимага соларди. Граф д'Орбек ўзини гоёт назокатли қилиб кўрсатиш учун, ўз қаллигини,— бугун эрталабки ибодатдан кейин қироличага таништиришгани отаси саройга бошлаб келган қаллигини — ташлаб кетишни ўзига эн кўрмади.

Асканио ҳам, Коломба ҳам сарой муҳотида қаттиқ ҳаяжонланаётган эдилар, лекин шунга қарамай, тезда бир-бирларини пайқаб қолишди ва энди дам-бадам ўғринча бир-бирларига қараб-қараб қўйишарди. Инсон қалбини ардоқловчи ёлғизликда камолга етган бу беқусур, тортинчоқ икки ёш ҳозир бир-бирини учратмаганда ва нигоҳлари билан бир-бирларига далда бермаганида, бу ердаги серқашам ва бадахлоқ асилзодалар орасида ўзларини кимсасиз ғариблар деб ҳисоблаган бўлардилар.

Асканио устозининг изҳори ишқини эшитган кундан буён Коломба билан кўришолмаган эди. Асканио Кичик Нель қасрига киришга ўн марта уриниб кўрди, аммо барча уриниши зое кетди. У қасрга қай пайт келмасин, ҳамиша уни Перрина хоним эмас, балки граф д'Орбек томонидан тайинланган янги дуэнья кутиб олар ва ҳар гал уни илтифотсизлик билан чиқариб юборар эди. Ҳолбуки, бу аёлнинг эътиборини қозониш учун шўрлик Асканиода на етарли бойлик, на уддабуронлик бор эди. Кейин, агар у учрашганида ҳам, маҳбубасига фақат кўнгилсиз хабар айтиши мумкин эди, бинобарин, кўнгилсиз хабарни айтишга шошилмаса ҳам бўлар эди. Ахир Бенвенутонинг ўзи, Коломбани севаман, деб ўз оғзи билан айтди-ку. Демак, энди шўрпецона севишганлар ҳайкалтарошнинг ёрдамидан умид қилишга ҳам ботина олмас эдилар — аксинча, энди улар Бенвенутодан қўрқишлари керак эди.

Бундан буён Асканио, юқорида Челлинига айтганидек, ёлғиз худонинг мададидан умид қилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бу соддадил йигит д'Этамп хонининг шафқатини уйғотишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Чўкаётган одам чўпга ёпишар... Бенвенутонинг дунёни остин-устин қилишга қодир бўлган ғайрати энди

Асканио учун наинки бeфoйдa, балки истаган пайтда йигитга қарши қаратилиши ҳам мумкин эди. Лекин Асканио ҳали жуда ёш эди, шу боис ҳерцогиня д'Этампинг қалбида мурувват ва одамийлик туйғусини уйғотишига, ўзи севган хилқатга нисбатан унинг раҳмини келтиришига ишонган эди. Бордию мана шу кўз тиккани ягона чўп ҳам қўлидан чиқиб кетгудек бўлса, унда ноилож ўзини оқим ихтиёрига топширишга мажбур бўлади. У мана шу ниятда Бенвенуто Челлини билан қирол Франциск саройига келган эди.

Д'Этамп хоним ўз жойига қайтди. Шунда Асканио ҳерцогинянинг мулозимлари орасига араллашиб, шундоққина унинг роҳат курсиси яқинига бориб қолди. Хоним ўгирилиб, йигитга кўзи тушди.

— Ҳа-а, сизмисиз, Асканио! — деди кибор хоним совуққина қилиб.

— Ҳа, ҳерцогиня. Мен бу ерга устозим Бенвенуто Челлини билан келган эдим, узр, сизни безовта қилишга журъат этдим. Буюртмангиз нилуфар мени ташвишга солмоқда. Яқинда унинг тасвирини саройингизда қолдириб эдим. Балки у сизга маъқул бўлмагандир?

— Йўқ, йўқ, аксинча, тасвир айнан менинг кўнглимдагидек, — бир қадар мулойим оҳангда жавоб қилди д'Этамп хоним. — Мен уни жаноб де Гиз сингари омилкор заршуносларга кўрсатган эдим, улар ҳам фикримга тўла-тўқис қўшилишди. Лекин олтин гулни ҳам шу расмингиз сингари чиройли қилиб яшаш қўлингиздан келармикин? Агарда моҳир уста эканлигингизга ишончингиз комил бўлса, гулни ясашингиз учун сизда қимматбаҳо буюмлар етарлими?

— Ҳа, хоним афанди, етса керак деб ўйлайман. Лекин гулнинг косасини шабнам томчиси тимсолидаги йирик бир бриллиант донасп билан безасак яхши бўларди. Аммо мендек бир фақир уста учун бриллиант ниҳоятда қиммат буюм ҳисобланмасмикин?

— Бунақа арзимаган харажатни биз ўзимизга эп кўришимиз мумкин!

— Лекин хоним афанди, бундай ҳажмдаги бриллиант, йўқ деганда, икки юз миң экю туради.

— Яхши, яхши, мен розиман, — деди ҳерцогиня, сўнг паст овоз билан илова қилди: — Асканио, арзимас бир иш буюрсам йўқ демайсизми?

— Мен ҳамisha хизматингизга тайёрман, хоним афанди.

— Ҳозир мен анави Маронинг жаврашини эшитиб туриб, залнинг этагида турган жаноб Д'Орбекка кўзим тушиб қолди. Илтимосим шуки, сиз бориб, у билан гаплашмоқчи бўлганимни айтсангиз.

— Графнинг олдига-я?..— деди Асканио ранги қув ўчиб.

— Ҳа. Ҳозир ўзингиз, хизматингизга тайёрман, деб айтмадингизми? — виқор билан сўради ҳерцогиня. — Истардимки, сиз суҳбатимизда иштироқ этсангиз ва баъзи нарсаларни мулоҳаза қилиб кўрсангиз... агар ошиқлар умуман, мулоҳаза қилиш қобилиятига эга бўлсалар, албатта; мана шунинг учун ҳам бу вазифани айнан сизга топширяпман.

— Амрингизга итоат этаман, хоним афанди,— деб жавоб қилди Асканио; у ҳерцогиняни ранжитиб қўйишдан қўрқар, чунки энди тақдири шу аёлнинг қўлида эди.

— Бу бошқа гап. Сиз графга фақат итальянча гапиринг, бунинг сабаби бор, кейин ўзингиз ҳам у билан бирга қайтиб келинг.

Даҳшатли ҳимоячисини яна ғазаблантириб қўйишдан қўрққан Асканио, итоаткорлик билан топшириқни бажаргани жўнади; у либоси бинафшаранг ленталар билан безатилган бир ёш асилзодага мурожаат қилиб, ундан граф д'Орбекни кўрсатиб беришни илтимос қилди.

— Ие, мана-ку! Мана шу қари маймун-да! Кўряпсизми, анави латофатли қизнинг ёнида туриб, Париж превоси билан гаплашяпти.

Латофатли қиз Коломба эди, сарой олифталари унга қизиқсиниб қараб-қараб қўяётган эдилар. Энди қари маймун, яъни граф масаласига келсак, у Асканиога шундай бадбуруш бўлиб кўриндики, ҳар қандай киши ҳам ўзининг энг ашаддий душманини айнан шунақа бўлишини истайди. Асканио графни узоқдан яхшилаб кўриб олиб, Коломбани ҳайрон қолдирганча, тўғри графнинг олдига борди-да, итальянчалаб унга д'Этамп хонимнинг таклифини айтди. Граф д'Орбек қаллиги ва дўстларидан узр сўраб ҳерцогиня ҳузурига шошилди; Асканио унинг орқасидан эргашаркан, бундай аломат топшириқдан, энг муҳими, бу ишга маҳбубининг элчи қилиб тайинланганидан ҳаяжонга тушган бечора Коломбага далда берадиган нигоҳ ташлади.

— Ҳа, яхшимисиз, граф? Сизни кўрганимдан хур-

сандман! — деди д' Этамп хоним. — Мен сизга жуда муҳим бир гапни айтишим лозим... Жаноблар, — деб юзланди у мулозимларига, — аъло ҳазратлари яна ўн беш дақиқалардан кейин чиқса керак; ижозатингиз билан, мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, эски қадрдоним граф д'Орбек билан суҳбатлашмоқчи эдим.

Ҳерцогинянинг атрофида уймалашаётган асилзодалар бетакаллуфлик билан айтилган шу сўзлардан кейин шоша-пиша бу ердан узоқлашишаркан, ҳерцогиня билан қирол хазиначисини саҳнининг катталиги ҳозирги меҳмонхоналаримиздан қолишмайдиган дераза олдидаги холи жойда қолдиришди. Асканио ҳам бошқаларга эргашиб кетмоқчи бўлган эди, аммо ҳерцогиня қўл ишораси билан уни олиб қолди.

— Бу йигитча ким? — деб сўради граф.

— Менинг махрамим, италиялик; худди бу ерда икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқдек, бемалол гапираверинг; у биронта ҳам французча сўзни тушунмайди.

— Жуда соз! — деди граф. — Мен шу пайтгача, хоним афанди, буйруқларингизнинг моҳиятини тушунишга уринмай, сизга кўр-кўрона итоат этиб келган эдим. Мана, бугун ҳам бўлгуси қаллиғимни қироличага таништирмоқни ихтиёр этган экансиз, Коломба отаси билан шу ерга келди. Аммо мен энди хоҳишингизни бажарганимдан кейин, нима учун шундай қилганим сабабини билмоқчи эдим. Ҳеч бўлмаса энди, хоним афанди, бунинг сабабини менга изоҳлаб берарсиз дейман?

— Сиз менинг дўстларим орасида энг садоқатлисиз, д'Орбек; билмадим, менга қилган шунча яхшиликларингизга яраша ахир бир кун яхшилик қайтара олармикинман; шукрки, ҳали кўп ишлар қилишим мумкин сиз учун. Шундай бўлади, деб умид қилайлик, зеро сизга инъом этилган хазинадорлик рутбаси ҳали хамир учидан патир, у шундай пойдеворки, мен унга сизнинг саодатли истиқболингиз биносини тикламоқчиман, граф.

— О, хоним афанди! — деди граф икки букилиб таъзим қиларкан.

— Шунинг учун ҳам, сиз билан рўйирост гаплашмоқчиман, граф. Лекин ижозат этсангиз, аввал сизнинг дидингизга тасанно айтсам. Мен Коломбани ҳозир кўрдим. Ғоятда дилбар; тўғри, бир оз тортинчоқ кўринади, лекин бу нарса қизларга алоҳида латофат бахш

этади. Шунга қарамай, гарчи сизни жуда яхши билсам ҳам, граф, минг бошимни қотирганим билан сизни — шундай басавлат, сермулоҳаза, қолаверса, аёллик таровати ва латофатига унча қизиқмайдиған сиздек зотни бу қизга уйланишга нима мажбур қилганини ҳеч тушуна олмаяпман. Бунинг тагида бирон сир бўлиши керак албатта — ахир сиз узоқни ўйлаб иш кўрадиган тадбиркор одамсиз, граф!

— Сизга қандай тушунтирсам экан, хоним афанди... Ахир бир кун эмас, бир кун кимгадир уйланишим керак-ку. Қолаверса, анави қари қаллоб қизига анча-мунча давлат мерос қолдиради.

— Ёши нечада экан унинг?

— Е эллик бешда, ё эллик олтида.

— Сиз-чи, неча ёшдасиз, граф?

— Ҳм... мен ҳам шу атрофдаман, лекин чол жудаям мункиллаб қолган.

— Мана, энди ўзингизга келдингиз, граф! Тўғри, жирканч ҳиссиётларнинг сизга бегона эканлигига ишончим комил эди, бинобарин, бу қизнинг жозибалари сизни асло ўзига ром эта олмас эди, албатта.

— Бе, қаяқда, хоним афанди! Бунақа бетутуруқ нарсаларни мен хаёлимга ҳам келтирмасдим! Қиз бадбашара бўлганида ҳам менга барибир; чиройлиси тўғри келиб қолган экан, янаям яхши.

— Саломат бўлинг, граф! Сиздан ихлосим қайтмаганидан гоят хурсандман.

— Энди менга айта олмайсизми, хоним афанди...

— Мен сизнинг истиқболингизни хушбахт қилиш ниятидаман,— деб унинг сўзини бўлди ҳерцогиня. — Сизни Пуайе ўрнида кўриш менинг бирдан-бир орзуим. Мен уни ўлгудек ёмон кўраман! — шундай деб ҳерцогиня ҳамон коннетабль билан залда айланиб юрган канцлер томонга нафрат ила қараб қўйди.

— Нима? Сиз давлатимиздаги энг юксак мартабалардан бирини менга мўлжаллаяпсизми?

— Ҳа, нима қипти, граф! Бундай лавозимга сиз лойиқсиз, зеро етарли даражада доврўқ таратгансиз. Лекин афсуски, менинг қирол устидан бўлган иқтидорим ниҳоятда заифлашган — қил устида турипти деса ҳам бўлади. Мана, ҳозир ҳам қаттиқ хавотирдаман. Гап шундаки, қирол ўзига янги маъшуқа топган: у— Ферон исмли ўта жайдари бир суд ходимининг хотини. Бордию бу хоним ҳали яна мақтанчоқ ҳам бўлиб чиқса, унда сиз билан биз адоий тамом бўламиз. Тўғри, ҳамма

айб ўзимда: ўзим бунинг олдини олишим керак эди. Лекин бир пайтлар қиролга топиб берганим ҳерцогиня де Бриссакка ўхшаганини қаерданам топардим! Ундан айрилиб қолганимизга ҳануз қайғураман. У нозиккина, нимжонгина жувон эди, ҳақиқий гўдак дердингиз, бунинг устига, мутлақо беозор ҳам эди; у шўрлик қиролнинг қулоғига нуқул менинг фазилатларим ҳақида гап қуйгани-қуйган эди. Бечора Мари! У менинг мавқеидаги барча қийинчиликларни ўзига олиб, барча имтиёзларни менга қолдирган эди. Аммо қандай қилиб бўлмасин, қиролнинг эътиборини анави Фероньершадан (сарой аҳли унга шундай лақаб қўйипти) четга тортиш лозим! Лекин мен ўз сеҳру жодуларим қуввасини ишлатиб бўлдим, энди биттаю битта кузирим — тажрибам қолди.

— Наҳот шундай бўлса, хоним афанди?

— Афсуски, шундай! Фақат қиролнинг ақлигина менинг тасарруфимда, унинг қалбига бошқа хоним эгалик қилмоқда. Биласизми, граф, менга жуда ҳам ишончли, вафодор, садоқатли бир ёрдамчи аёл керак. Мен унга мурувват қилган, бошидан зар сочган бўлардим! Лекин бундай дурдонани қаердан ҳам топардик, д'Орбек? Сиз менга ёрдам қилинг! Сиз билмайсиз, Франциск Биринчининг қалбида ҳукмдор билан инсон ўртасида мудом жанг боради, баъзида, инсон ҳукмдордан устун чиқиб қолади. Агар биз иккита оддий маъшуқагина бўлиб қолмасдан, қалин дугона ҳам бўлиб олсагу қирол устидан рақибалар сифатида эмас, икки ҳамдўст сифатида ҳукмронлик қилсак, агарда қирол Франциск Биринчининг ихтиёри биримизнинг қўлимизда, оддий инсон Францискнинг изми иккинчимизнинг ихтиёрида бўлса борми, — о!.. — ана унда бутун Францияни ўз қўлимизда маҳкам ушлаган бўлардик! Яна қандай пайтда денг, граф! Карл Бешинчи ўз ихтиёри билан тузоғимизга илинмоқчи бўлган пайтда. Унинг ана шу бемулоҳаза рафторидан фойдаланиб, сиз билан биз ўз келажагимизни яхшилаб таъминлаб олган бўлар эдик. Сизга режамни очиқ айтишим мумкин, д'Орбек: сиз жудаям ёқтирадиган анави Диана кунларнинг бирида бизнинг тақдиримизни ҳал қилиш ҳуқуқидан буткул маҳрум бўлар эдию бир мўътабар графнинг смади юриб... Ана, қирол ҳам чиқиб қолди!

Д'Этамп хонимнинг музокара олиб бориш усули шунақа эди: у ўз ниятини деярли ҳеч ошкора баён қил-

мас, қилмоқчи бўлган иши ҳақида фақат бир луқма ташлаб қўйишнигина лозим кўрарди; у ҳамсуҳбатига ўз фикри, ўз ҳиссиётини сингдириб, унда шуҳратпарастлик, тамағирлик ва шу сингари иллатларни уйғотардию суҳбат айна тобига келган пайтда бирдан жим бўлиб қоларди. Бу шундай буюк санъатки, кўпчилик ошиқлару шоирлар уни ўзлаштирасалар ёмон бўлмас эди!

Бадахлоқ, пулга ўч ва иззатталаб граф д'Орбек ҳерцогинянинг ниятини жуда яхши тушунди, тушунибгина қолмай, суҳбат давомида Коломба томонга бир неча марта қараб ҳам қўйди. Лекин табиатан тўғриси ўз, диёнатли бўлган Асканио бу суҳбат замирида не-не макру, не-не разолат ётганини хаёлига ҳам келтира олмади, шунга қарамай, у ҳерцогинянинг машъум ва жуда ғалати гаплари ўз маҳбубаси Коломбага мудҳиш таҳдид солаётганини сал-пал ҳис қила бошладию д'Этамп хонимга даҳшат билан тикилиб қолди.

Эшикоғаси қирол билан қироличанинг кириб келаётганини эълон қилди. Сарой аъёнлари дарҳол ўринларидан туриб, бош яланг ҳолда қиролни қимир этмай кута бошладилар.

— Худо сизларни ўз паноҳида асрасин, жаноблар! — деди залга кириб келган Франциск I. — Сизларга муҳим бир янгилик айтмоқчиман: бизнинг эъозли инимиз император Карл Бешинчи Франция томон сафарга чиқипти, ҳозир у чегарадан ўтган бўлса ҳам ажаб эмас. Энди биз император Карлни иззат-эҳтиром билан кутиб олишга ҳозирлик кўрайлик! Уйлайманки, меҳмондўстлик қонунин содиқ киборларим зиммасига нималарни юклашини эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Биз қиролларни кутиб ола билишимизни илгари Зарбоф лагердаёқ¹ исботлаганмиз. Карл Бешинчи бир ойга қолмай Луврда бўлади.

— Мен эсам, жаноблар, император инимга кўрсатажақ меҳмондўстлигингиз учун сизларга олдиндан

¹ *Зарбоф лагерь* — Франция қироли Франциск I нинг Англия қироли Ҳенрих VIII билан 1520 йилда учрашган ери шундай, ном олган эди; бу учрашув пайтида улар ўртасида сиёсий ва ҳарбий иттифоқ тузилган (кейинроқ бу иттифоқ бузилган) эди. Музокара пайтида иккала ҳукмдор бу ерда асъасаю дабдабада бир-биридан ўзишга ҳаракат қилган эди; Франциск I нинг чодирин зарбофдан тикилган бўлиб, олтин ҳайкал унга устун бўлган.

миннатдорлик изҳор этаман,— деб мулойим овоз билан илова қилди қиролича Элеонора.

Баралла айтилган ҳайқириқлар эшитилди:

— Яшасин қирол!

— Яшасин қиролича!

— Яшасин император!

Бу пайт масхарабоз Трибуле аъёнлар оломони орасидан ёриб ўтиб қирол олдига югуриб борди.

— Аъло ҳазратлари! — деб қичқирди у.— Ижозатингиз билан, чоп қилишга тайёрлаган ўз китобимни сизга совға қилсам.

— Бажону дил, масхарабоз; лекин олдин менга айт-чи: китобингга нима деб ном қўясан ва унда нима ҳақда гап боради?

— Мен уни «Тентаклар мажмуаси» деб атайман, сир, зеро унда ер юзида ўтган энг буюк тентакларнинг рўйхати берилади. Китобимнинг биринчи саҳифасига мен барча собиқ ва бўлгуси аҳмоқлар қиролининг номини ёзиб қўйдим.

— Таажжуб, ҳўш, ким экан ўша сен тахтга қўйган менинг шоён қасбдошим? — жилмайиб сўради қирол.

— Карл Бешинчи,— деб жавоб қилди Трибуле.

— Карл Бешинчи?! — деди ажабланган қирол.— Нега энди айнан у?

— Негаки, сиз аъло ҳазратларини бир вақтлар асирга олиб, Мадридда қамоқда ушлаб турган одамнинг энди сизнинг мамлакатингизга қадам ранжида қилиши фақат тентакнинггина миясига келиши мумкин,— деб жавоб қилди масхарабоз.

— Бордию у менинг бутун салтанатим орқали бешикаст ўтиб кетса-чи? — деб сўради Франциск.

— О! Унда тантанали сўз бериб айтаманки, унинг номини ўчириб, ўрнига бошқа исмни ёзиб қўяман.

— Кимнинг исмини экан, қизик?

— Сизнинг исмингизни, сир. Чунки агар сиз Карлнинг бемалол ўтиб кетишига йўл қўйсангиз ундан ҳам тентакроқ бўласиз.

Қирол хандон ташлаб кулди, сарой аҳли унга жўр бўлди. Бу ҳазилдан шўрлик Элеоноранинггина ранги ўчиб кетди.

— Начора! — деди Франциск.— Ҳозироқ Карлнинг номини ўрнига менинг номимни ёзишнинг мумкин: мен императорга чин қиборлик сўзини бердим, албатта сўзимнинг устидан чиқаман ҳам.Совгангни эса қабул

қиламан, мана, мажмуангнинг биринчи нусхаси ҳақи.

Қирол шундай деб чўнтагидан ақча тўла ҳамён чиқарди ва уни масхарабозга ташлади. Трибуле совғани тишлаб илиб олди ва худди суяк топган итдек ириллаб, эмаклаганча югуриб чиқиб кетди.

Шу пайт Париж превоси Коломбани етаклаб қиролича қошига яқин келди.

— Маликам,— деди у,— ижозат берсангиз, шундай шодиёна кунда сизга ўз қизим Коломбани таништирсам, сиз, ҳазрати олиялари, уни сарой хонимлари даврасига олишни ихтиёр қилган эдингиз.

Оққўнгил қиролича уятчан қизни эъзозлаб, унинг кўнглини кўтарди, бу аснода қирол мафтун кўзларини Коломбадан узмай тикилиб турарди.

— Чин киборлик сўзим, мессер прево! — жилмайганча чинқириб юборди Франциск I.— Ахир сиз давлат жиноятчиси экансиз-у,— шу вақтгача бизнинг нигоҳимиздан шундай бир дурдонани яшириб келибсиз-а! Ахир қизингиз ҳазрати олиялари атрофидаги соҳибжамол хонимлар гултожини безаши мумкин-ку! Агарки мен сизнинг бу хиёнатингизни кечираётган эканман, тақсир, ерга қараган мана бу латиф кўзларнинг сизни сассиз ҳимоя қилиши туфайлидир.

Қирол гоятда назокатли ҳаракат билан дилбар қизни қутлади ва бутун сарой аъёнлари кузатувида ибодатхона сари йўл олди.

— Хоним афанди,— деди ҳерцог де Медина-Сидонна ҳерцогиня д'Этампага қўлини тутар экан,— ҳамма аъёнларни олдинга ўтказиб юборайлик. Сизга ниҳоятда муҳим ва махфий бир гапни айтмоғим лозим, ўйлайманки, бунинг учун энг қулай жой шу ер.

— Қулогим сизда, жаноби элчи,— деб жавоб қилди ҳерцогиня.— Йўқ, йўқ, д'Орбек, сиз қолинг!.. Жаноби де Медина, сиз менинг бу эски қадрдоним олдида бемалол гапираверишингиз мумкин, мен унга ўзимга ишонгандек ишонаман. Манави италиялик йигит эса французча биронта ҳам сўзни тушунмайди.

— Яхши, хоним афанди, лекин унутманг: бу суҳбатимизни сир сақлаш мендан ҳам кўра сиз учун аҳамиятлироқдир. Хуллас, баски ёлғиз эканмиз, гапнинг даромадини ташлаб ўтиб, лўнда қилиб айтиб қўя қоламан. Ўзингизга аён, муқаддас аъло ҳазратлари император Карл Бешинчи Франция орқали ўтишга қарор қилган, эҳтимол, у ҳозир шу ўлка тупроғига

киргандир ҳам. Император ғанимининг қароргоҳига кириб келаётганини билади, аммо сизнинг маслаҳатингизга кўра, қиролнинг рицарона мурувват қилишдан умидвор. Очирғини айтадиган бўлсак, хоним афанди, Франциск Биринчига ҳамма министрлардан ҳам кўра кўпроқ сизнинг сўзингиз ўтади. Шунга кўра, берган маслаҳатингизнинг зиён ёки ҳаён бўлиши ҳам, императорга тузоқ бўлиши ё кўзлаган ишининг ривожи учун хизмат қилиши ҳам фақат сизга боғлиқ. Мана, ўзингиз айтинг, ҳерцогиня, бизга қарши бўлишдан сизга нима наф? Ахир бундай рафторингиз на ўзингизга, на Франция давлатига бирон нима беради.

— Давом этинг, монсенъер, давом этинг! Фикрингизни охиригача очиқ айтаверинг.

— Яхши, хоним афанди. Карл Бешинчи Буюк Карлнинг шоён матлуб ворисидир, бинобарин, хиёнаткор иттифоқчи товон сифатида талаб қиладиган нарсани у Францияга инъом тариқасида берса ҳам ажаб эмас. Қолаверса, меҳмоннавозлик ва эзгу маслаҳат учун сахийлик билан тақдирлаш ҳам келади императорнинг қўлидан.

— Жуда соз! Агар шундай қилса, бу унинг олиҳим-матлиги ва тадбиркорлигидан далолат беради.

— Қирол Франциск Биринчи кўпдан бери Милан ҳерцоглигини орзу қилади, шундай эмасми? Хуллас, Карл Бешинчи, қадим-қадимдан Испания билан Франция ўртасида низо чиқишига сабаб бўлиб келаётган шу вилоятни қиролга топширишга рози, албатта йил сайин тўланадиган маълум миқдордаги ҳақ эвазига.

— Тушунаман, тушунаман! — деб элчининг сўзини бўлди ҳерцогиня. — Маълумки, императорнинг молиявий аҳволи ғоят ачинарли аҳволда, Милан ҳерцоглиги эса, тўхтовсиз давом этаётган урушлар оқибатида мутлақо хароб бўлган. Мана шунинг учун муқаддас аъло ҳазратлари ўз қарзларининг бир қисмини давлатманд қарздорнинг бўйнига қўймоқчи. Йўқ, жаноби де Медина, бундай таклифни мен рад этаман! Бунинг номақбул таклиф эканлигини ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз.

— Лекин хоним афанди, музокаралар бошланиб кетди, эшитишимга қараганда, қирол бу таклифдан бағоят мамнун эмиш.

— Шундай бўлса ҳам мен уни рад этаман! Бордию сиз бу ишни менсиз амалга ошира олсангиз — нур ало нур.

— Гапимга ишонинг, хоним афанди, император

сизнинг ёрдамингизни беҳад қадрлайди! Демак, сиз ниманики ихтиёр этсангиз...

— О хоним афанди! Ҳеч бир кимса бу ҳақда ҳатто ўйлашга ҳам журъат эта олмайди.

— Қулоқ солинг, сизнинг таъкидлашингизча, гўё ҳукмдорингиз менинг қўллаб юборишим ҳақидаги ваъдамли ҳозироқ эшитмоқчи, гап шу ерда қолсину, у ҳақ. Майли, мен уни қўллаб-қувватлайман, бу хизматим эвазига у таклиф қилаётган армуғонни эмас, кичкинагина бир совға сўрайман. Лекин бунинг учун у мана бундай қилиши керак, диққат билан эшитинг: император Франциска Милан ҳерцоглигини инъом этиш ҳақида ҳадянома ваъда қиляпти, лекин у Франция тупрогидан чиқиб кетиши билан Мадрид шартномасининг бузилганини эслайди-да, берган ваъдасини унутиб юборади.

— Ахир бу нарса уруш бошланишига сабаб бўлади-ку, хоним афанди.

— Сабр қилинг, жаноби де Медина. Тўғри, аъло ҳазратлари бу ҳолдан ғазабланадилар, уруш очаман, деб императорга пўписа қиладилар. Ана шунда Карл Бешинчи Милан ҳерцоглигини мустақил давлат қилишга рози бўлади-да, уни қарз тўлаш мажбуриятидан озод этиб, Франциск Биринчининг иккинчи ўғли Карл Орлеанийга беради. Шу йўсинда иш кўрган император ҳам берган ваъдасининг устидан чиқади, ҳам рақибининг қудратини оширмасликка муваффақ бўлади. Бу маслаҳатим бирон нимага арзиса керак дейман, умид қиламанки, жаноби элчи, ушбу фикримга ҳеч бир эътирозингиз бўлмаса керак. Энди, ҳозиргина сиз тилга олиб ўтган менинг хусусий хоҳишим масаласига келсак, башарти мен тузган бу режа муқаддас аъло ҳазратларига мақбул тушса, дастлабки учрашувимиз пайтида биронта ялтироқ тош тушириб қолдирсинлар. Мабодо ўшал тош менинг эътиборимга арзиса, уни ердан оламану Румо цезарларининг¹ вориси бўлмиш, Испания ва Ҳиндистоннинг² буюк қироли билан тузган шавкатли шартномамдан хотира сифатида асраб қўяман.

¹ Қадимги Римда императорларни цезарь деб аташган. (Тарж.)

² Денгиз сайёҳи Христофор Колумб (1451—1506) Ҳиндистонга борувчи энг яқин денгиз йўлини қидириш учун уюштирилган Испания экспедициясига бошчилик қилади ва Атлантик океандан сузиб ўтиб, Америка қитъасининг шарқидаги Сан-Сальвадор оролига етади. Лекин у янги бир қитъани — Американи кашф қилганини билмайди, Ҳиндистонга йўл очдим деб ўйлайди. Д'Оттамп хоним ҳам бу ерда шуни назарда тутаяпти. (Тарж.)

Херцогиня д'Этамп шундай деб туриб Асканионинг қулогига энгашди; бу махфий ва машъум режалар ҳерцог де Мединани қанчалик ташвишга солган, граф д' Орбекни нечоғли хайратлантирган бўлса, Асканиони шунчалик қўрқитиб юборган эди.

— Буларнинг барини сен учун қилишман, Асканио! — деб пичирлади хоним. — Сеннинг муҳаббатингга мушарраф бўлиш учун мен бутун Францияни барбод қилишдан ҳам қайтмайман! — Сўнг баралла овоз билан илова қилди: — Хўш, нима дейсиз, жаноби элчи?

— Бундай муҳим масалаларни ёлғиз императорнинг ўзи ҳал қилиши мумкин; лекин таклифингиз қабул бўлишига деярли имоним комил; унинг биз учун нафи шу қадар ойдинки, бу нарса мени ҳатто чўчита бошлади.

— Шунини билишги, жаноби элчи, мен қиролга таъсиримни ўтказишга киришар эканман, биринчи навбатда ўз фойдамни кўзлаб қиламан бу ишни. Ахир биз аёлларнинг ҳам ўз дипломатиямиз бор, бўлганда ҳам, сиёсатдонларнинг дипломатиясидан баъзан анча ўткирроқ! Лекин ойт ичиб айтаманки, мен тузган режанинг сиз учун ҳеч қандай хавfli томони йўқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, қанақа ҳам хавф бўлиши мумкин? Аммо шунини ҳам айтиб қўяйки, то Карл Бешинчидан жавоб келгунча, мен ҳар қандай йўл билан аъло ҳазратларини ўз меҳмонини асирга олишга ундай бошлайман.

— Во ажаб, хоним афанди, наҳотки, сиз иттифоқимиз муқаддимасини шундай бошлашни маъқул кўрсангиз?

— Бе, нима деярсиз, жаноби элчи, шундай беназир давлат арбобисизу наҳот тушунмасангиз? Мен учун ҳозир энг муҳим нарса мenden шубҳаланишларига имкон бермасликдир! Агар сизлар томонга ошкора ўтсам — бутун режамиз барбод бўлди деган гап. Лекин мени битта-яримта сотиб қўяди, деб ўйламайман асло. Шу боис, ҳерцог, ижозатингиз билан, вақтинча сизнинг душманингиз бўламан! Очиги, сизга барибир эмасми? Ё тангрим! Наҳотки, сиз, ҳерцог, сўз ўйинининг қувватини билмасангиз! Чунончи, агар Карл Бешинчи менинг таклифимни рад қилса, мен қиролга: «Сир, менинг аёллик ҳиссиётимга ишонинг, адолат ҳақки, ҳеч тарадудланмай жиноятчини маҳв этмогингиз лозим!» — дейман. Бордию муқаддас аъло ҳазратлари шартимга рози бўлсалар, унда мен Франциска бундай дейман:

«Сир, менинг аёллик макримга ишонаверинг — биз, аёллар, худди мушук сингари айёр ва уддабуронмиз. Сиз битта кичкинагина битимга рози бўлишингиз керак».

— О, хоним афанди, таассуфки, сиз бутун салтанатга ҳақималик қиласиз! Сиздан ниҳоятда зўр дипломат чиққан бўларди! — деди ҳерцог де Медина д' Этамн хонимга бош эгиб таъзим қиларкан.

Шундан кейин у ҳерцогиня билан олиб борган музокараси кутилмаганда бундай тус олганидан терисига сигмай суюниб кетиб, бу ердан узоқлашди.

— Ана энди, азиз дўстим, сизга гапнинг очигини рўй-рост гапириб қўяқоламан,— деди ҳерцогиня ёнида граф д' Орбек билан Асканиодан бошқа ҳеч ким қолмагач.

— Сиз, граф, ҳозирги музокарамиздан учта нарсани билиб олдингиз: биринчидан, ўзим учун ҳам, дўстларим учун ҳам, менинг қирол устидан ўтказадиган ҳукмим ниҳоятда устивор бўлиши зарур, иккинчидан, ҳозирги тузган режамиз муваффақиятли яқунланганидан сўнг, биз эртанги кундан хавфсирамасак ҳам бўлади — ахир бир кун келиб қиролнинг ўрнига унинг ўғли ўтиради-ку — зотан мени улуғлаб шу даражага кўтарган Франциск Биринчидан кўра, менинг шарофатим билан Милан ҳерцоглигига ҳоким бўлган шаҳзода мендан кўпроқ миннатдор бўлиши керак; ва ниҳоят, учинчидан, аъло ҳазратлари сизнинг соҳибжамол Коломбангизга мафтун бўлиб қолди. Мана шунинг учун ҳам сизни, граф, ҳар қандай бемаъни бидъатларга парво қилмайдиган одам сифатида билиб мурожаат қиляпман. Сиз ҳозир тақдирингизни ўз қўлингизда ушлаб турибсиз. Менга айтинг-чи, қирол ғазинадори д' Орбек қирол канцлери Пуайенинг ўрнини эгаллашни ёки фикримизни аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, Коломба д' Орбек Мария де Бриссакнинг ўрнини эгаллашни хоҳлайсизми?

Бу даҳшатдан Асканио ларзага келди. Яхшиямки, д' Орбек буни пайқамади: графнинг айёр кўзлари унга теран маъно билан тикилиб турган ҳерцогиняга қаратилган эди.

— Мен канцлер бўлишни хоҳлайман,— деб жавоб қилди д' Орбек қисқагина қилиб.

— Жуда соз! Биз ташвишдан қутулдик! Лекин прево нима бўлади?

— Унга ҳам биронта ёғлироқ жой толиб берарсиз,

фақат сердаромад бўлсин. Унга иззат-эҳтиромли мансабдан нима наф? Туридан гўри яқин қолган бу чол нариги дунёга равона бўлганида, барибир, бутун бойлиги менинг ихтиёримга ўтади.

Асканио ортиқ бардош бера олмади. Ғазабдан овози бўғилгудек бўлиб:

— Хоним афанди!.. — деб бақирди.

Лекин у айтмоқчи бўлган гапни айтишга, граф эса, унинг бу беадаблигидан таажжуб қилишга улгурмади: эшик ланг очилиб, қирол бутун аъёнлари билан чиқиб келди.

Д'Этамп хоним Асканионинг қўлидан маҳкам сиқди ва бир чеккага чиқиб, ўз ҳаяжонини базўр босганча паст овоз билан деди:

— Ҳаёт биз аёлларни қандай хор қилиб топташини энди тушунгандирсан, йигитча? Қиз ҳатто хоҳламаса ҳам қиролнинг ўйнашига айланиши мумкин!

Қирол билан унинг аъёнлари ўртасида бошланган аския ва ҳазил-мутоибалар ҳерцогинянинг овозини босиб кетди.

Қувончдан Франциск I нинг оғзи қулоғида эди. Бўлмасам-чи, ахир Карл V келяпти, тантанали қабул маросимлари, зиёфатлар, хушкайф сайру саёҳатлар бошланади, турган гапки, энг олижаноб вазифа — меҳмондорлик унинг зиммасида бўлади. Шунда бутун дунё ўз нигоҳини Парижга, Франция қиролига қаратади. Франциск I бу мароқли томошаларнинг жилови ўз қўлида бўлишини ўйларкан, худди гўдак боладек қувонарди. У сиртқи дабдабани ҳамма нарсадан устун қўяр ва ҳеч бир нарса устида жиддий мулоҳаза юритмас эди. Унинг учун уруш найзабозлик мусобақасидек гап бўлиб, давлатни бошқариш эса — моҳирона бир ўйин эди, холос. Баркамол заковат соҳиби бўлган бу ҳукмдор ниҳоятда ғаройиб, қалтис ва эҳтиросли ғояларга берилган, ўз ҳукмдорлигини эса бутун дунё қарсақлар билан қарши олиши керак бўлган театр томошасига айлан-тирган эди.

Мана энди у ўзи рақибини ва бутун Европани ҳайратга келтириши лозим. Демак бугун унинг бениҳоя саховатли ва хушмуомала бўлишига сабаб бор. Трибуле қиролнинг кайфиятидан ўзини анча дадиллашгандек кўрсатиб, Франциск останага қадам қўйиши билан унинг олдига югуриб борди.

— О сир! — деб чинқирди у аянчли овоз билан.—

Сиз билан энди бир умрга видолашмоқчиман! Аъло ҳазратлари яқинда ўз содиқ қулидан жудо бўладилар, лекин ўзимдан ҳам кўра кўпроқ сизнинг ташвишингизни қиляпман, аъло ҳазратлари! Энди фақир масхарабозингиз Трибулесиз нима қиларкинсиз — ахир сиз уни жудаям яхши кўрасиз-ку!

— Нима? Келиб-келиб, шу пайтда иккита қиролга битта масхарабоз қолганида мени ташлаб кетмоқчимисан?

— Ҳа, сир, айнан ҳозир — битта масхарабозга бутун бошли иккита қирол тўғри келган пайтда.

— Вас қил бемаъни гапни! Мен сенга шу ерда қолишни буюрам.

— Бош устига, аъло ҳазратлари. Лекин агар қоладиган бўлсам, сиз шоҳона фармон чиқарингки, у фармон жаноб де Вейвилнинг мени таъқиб қилишини тақиқлаб қўйсин. Мен унга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ, фақат унинг хотини ҳақида одамлар оғзида юрган миш-миш гапларни такрорладим, холос: шу арзимаган гап учун у менинг қулогимни узиб, миямнинг қатигини ўйнатмоқчи. «Агар ўзи сенда мия бўлса», деб қўшиб қўйди яна бу бегавфиқ. Аъло ҳазратлари, бунақа шаккоклик қилгани учун унинг тилини суғуриб олиш керак ахир!

— Қўй, ўзингни бос, о бечора масхарабозим. Сени жонингдан жудо қилган одам роппа-роса чорак соатдан кейин ўзи ҳам дорга осилади.

— О аъло ҳазратлари, шу ишнинг тескарисини қилса бўлмасмикин?

— Тушунмадим, қанақа бўлар экан тескариси?

— Оппа-осон: ўша одамни, мени ўлдиришидан чорак соат олдин дорга осангиз. Менга шуниси маъқул.

Ҳамма хохолаб кулиб юборди, Франциск I хандон ташлаб кулди. Қирол олға юрди, шу пайт кўзи тасодифан италиялик муҳожир Пьетро Строццига тушди.

— Э-ҳа, сеньор Строцци! — деди қирол. — Янглишмасам, кўпдан бери сиз Франция фуқароси бўлиш ниятидасиз ва бу борада илтимос ҳам қилган эдингиз. Пьемонтеда биз томонда туриб фидокорона жанг қилган ва бу қилмиши учун ўз ватани томонидан суриб чиқарилган инсонинг шу пайтгача унинг иккинчи ватани — Франция фуқароси этиб қабул этилмаганлиги/зеро жасорат бобида сиз чинакам французсиз/ биз учун уят. Шу бугун кечқуруноқ, сеньор Строцци, менинг котибим

Ле Масон бизнинг фуқаромиз бўлганингиз ҳақидаги ёрликни юборади сизга... Менга миннатдорчилик билдирманг: буни мен наинки сизнинг, шунингдек ўзимнинг ҳам манфаатимни кўзлаб қилмоқчиман — Карл Бешинчи сизни француз бўлганингизни кўриши керак... А-а, сизмисиз, Челлини! — деб гапини давом эттирди қирол, энди ҳайкалтарошга мурожаат қилиб. — Ҳар галгидек, бу сафар ҳам қуруқ келмаганга ўхшайсиз. Қўлтигингиздаги нима? Онг ичиб айтаманки, дўстим, бу хизматларингиз учун сизни қандай тақдирлашни яхши биламан! Зеро мен, сахийликда фалон одам Франциск Биринчидан ўзиб кетипти, деб гап тарқатишларига йўл қўймайман... Мессер Антуан Ле Масон, сиз Пьетро Строцци учун ёрлиқ тайёрлаганингизда, менинг дўстим Бенвенуто Челлини учун ҳам иккинчи ёрликни тайёрланг, аммо пул эвазига бўлмасин зеро бунча ақчани топиш асилзода Строцци учун осон бўлса ҳам, камбағал зарбчи учун анча маҳол.

— Чин қалбимдан ташаккур айтаман сизга, сир! — деди Бенвенуто. — Лекин нодонлигим учун кечиринг: фуқаролик ёрлиғи нима ўзи?

— Ие, шунилм билмайсизми? — деди Антуан Ле Масон таъна қилгандек, қирол эса саволнинг бу қадар жайдарилigidан худди телба одамдек қотиб-қотиб қулди. — Фуқаролик ёрлиғи — бу аъло ҳазратларининг муҳожир одам учун қиладиган энг юксак марҳамати. Мана шу ёрлиқ туфайли сиз француз бўлиб оласиз.

— О! Мана энди тушундим, сир, беҳад миннатдорман сиздан. Лекин менга бу ёрликнинг нима кераги бор? Мен шундоқ ҳам бутун вужудим, қалбим билан сиз, аъло ҳазратларига содиқман.

— Нима кераги бор? — деб такрорлади Франциск ҳамон ўша-ўша яхши кайфиятда. — Ҳеч бўлмаганда, Бенвенуто, мана масалан, энди сиз француз фуқароси бўлганингиздан кейин, мен сизга Катта Нель қасрини инъом этишим мумкин, аммо ажнабий одам учун бундай қила олмасдим... Мессер Ле Масон, ўша фуқаролик ёрлиғига ушбу қасрни инъом этганимизни ҳам илова қилинг... Хўш, Бенвенуто, фуқаролик ёрлиғи кишига қанчалик наф келтириши мумкинлигини энди тушунгандирсиз?

— Ҳа, сир, бунинг учун сизга бир эмас, минг бор ташаккур айтаман! Сиз билан бизнинг қалбимиз бир-бирини сўзсиз тушунади; ҳозирги эҳсонингиз, менга ҳали

бундан ҳам улкан мурувват кўрсатишингиздан умидвор қиладики, кези келганда, мен бу ҳақда сиз, аъло ҳазратларидан илтимос қилишга эҳтимол журъат этарман.

— Мен ваъдамни унутганим йўқ, Бенвенуто. Сен тезроқ Юпитерни ясаб битир, сўнг хоҳлаган нарсангни сўрайвер.

— Аъло ҳазратларининг хотиралари таҳсинга лойиқ, бинобарин сиз сўзингизнинг устидан чиқасиз, деган умиддаман. Ҳа, мен, вақти келиб, сиз аъло ҳазратларидан бир нарсани илтимос қиламан, илтижо қиламан, зеро бутун қаётимнинг бахтли ўтиши шу илтижомнинг рўёбга чиқишига боғлиқдир! Қолаверса, ҳозир сиз қандайдир ақл бовар қилмайдиган мўъжиза туфайли қалбимдаги эзгу армонимни кўз олдингизга келтириб менга шундай мурувват қилдингизки, бу ҳол ўшал армонимнинг ҳадемай ушалишига мени умидвор қилди.

— Жуда соз, о менинг буюк устам! Хўш, энди бизнинг синчковлик ҳавасимизни қондириб, ниҳоят қўлтигингиздаги нарсани кўрсатарсиз, дейман?

— Бу кумуш туздон, сир, аввал олиб келганим қадаҳ билан жомга илова.

— Қани, тезроқ кўрсатинг уни бизга!

Қирол, ҳар сафаргидек, сукут сақлаганча Челлини яратган бу мўъжизани зўр диққат билан кўздан кечирди ва ниҳоят деди:

— Қандай бемаънилик! Бу нима қилиқ!

— Нима бўлди, сир,— деди руҳи тушиб кетган Бенвенуто,— ишим сизга мақбул бўлмадими?

— Ҳа, тақсир, ишингиз менга мақбул бўлмади, мен сиздан хафаман! Ахир шундай ажойиб ғояни кумушда ифодалаш гуноҳ-ку! Бу нарсани олтиндан ясамоқ лозим эди, Челлини, олтиндан, ҳалиям бўлса шундай қилинг!

— Таассуфки, сир,— деди Бенвенуто маъюс оҳангда,— менинг камтарона ижодим бу қадар сарбаланд мақтовга муносиб эмас. Ундай бебаҳо буюм менинг бой фантазияларимни барбод қилмаса эди, деб кўрқаман. Ҳаёт бешафқат, сир, одамлар очкўз ва аҳмоқ: ким билсин, сиз, аъло ҳазратлари бажонидил ўн минг дукат тўлаб сотиб олган биронта қадаҳни эҳтимол кимдир эритиб, ўн эюга пуллаб юборар. Йўқ! Олтиннинг эмас, сополнинг шуҳрати боқийроқдир,— мана шунинг учун ҳам, заршуносларнинг номлари ўлганларидан сўнг унут бўлиб кетади.

— Менга қаранг! Сиз ҳали, Франция қироли ўз столидаги туздонни гаровга қўяди, деб ўйлаясиз шекилли?

— Аъло ҳазратлари, ахир Константинополь императори Исо Масихнинг бошидаги тиканли чамбарни венецияликларга бериб юборган эди-ку!

— Ҳа, лекин француз қироли уни пул тўлаб қайтариб олган эди, тақсирим!

— Тўғри айтасиз, аъло ҳазратлари, лекин, ўзингиз ўйлаб кўринг, қироллар бошига не-не фалокатлар тушмайди: инқилоблар, сургунлар... Масалан, менинг ватанимда Медичилар уч марта сургун қилинишган ва уч марта ватанга қайтиб келишган эди. Тўғри, шону шуҳрати ва сармоясини сиз, аъло ҳазратлариникича барқарор бўлган бирон ҳам қирол топилмайди дунёда.

— Яхши, яхши, Бенвенуто! Лекин, шунга қарамай, мен олтин туздон ясаб беришингизни истайман. Менинг хазинадорим шу бугуноқ бу ишингиз учун зарур бўлган қадимда зарб қилинган тўла вазли минг олтин эю санаб беради... Эшитдингиз-а, д' Орбек, шу бугуноқ! Мен Челлинининг бир дақиқа ҳам вақти бекор ўтишини истамайман... Яхши қолинг, Бенвенуто, сизга муваффақият тилайман! Эдингизда бўлсин, Франция қироли Юпитерни кутади сиздан...

Алвидо, жаноблар! Карл Бешинчини унутманглар! Франциск I қаретага чиқиб ўтирган қироличани от миниб кузатиш учун зинадан тушиб бораётганида залда қизиқарли гаплар бўлди. Келинлар, биз ҳам қулоқ солайлик.

Бенвенуто граф д' Орбекнинг олдига келиб бундай деди:

— Камина аъло ҳазратларининг амрига итоат этмоғим лозим, жаноби хазинадор. Илтимос, олтинларни тайёрлаб қўйсангиз, унғача мен қоп олиб келаман, ярим соатда ҳузурингизда бўламан.

Граф, маъқул, дегандек сўзсиз бош эгди, шундан сўнг Челлини ҳар томонга кўз югуртириб, Асканиони тополмагач, Луврдан ёлғиз ўзи чиқиб кетди.

Шу пайт Мармань ҳамон Коломбанинг қўлидан ушлаб турган превога юзланиб оҳиста деди:

— Айни пайти: мен ғириллаб бориб одамларимни огоҳлантирай, сиз д' Орбекка айтинг, иложи борича Бенвенутони узоқроқ ушлаб турсин.

Уғойиб бўлди; мессер д' Эстурвиль эса граф д' Орбек-

нинг ёнига яқин бориб, унинг қулогига бир нима деб пичирлади, сўнг баралла илова қилди:

— Унгача мен, граф, Коломбани Нель қасрига элтиб қўяман.

— Яхши,— деб жавоб қилди д' Орбек.— Натижасини шу бугун кечқуруноқ менга хабар қилинг.

Улар хайрлашишди, прево қизи билан шошмасдан Кичик Нель қасри томон йўл олди, Асканио сездирмай, Коломбанинг жиромон қадам ташлашини олисдан кузатганча уларнинг орқасидан бораверди. Қирол эса Ҳенрих VIII совға қилган ўзининг севикли зотдор тўриқ аргумогига минаркан, сёғини узангига қўйиб тურიб деди:

— Бугун, ошна, сен билан биз узоқ сафарга чиқамиз.

Ушоққина бўлсанг ҳам эрка саманим,
Ҳеч бир аргумоққа алишмам сани...

Мана, тўртликнинг бир байги тайёр! — деди у.— Қани, Маро, буёғини сиз тугатинг! Ё бўлмаса сиз, Мелен де Сен-Желэ.

Маро энсасини қашлаб ўйланиб қолди; Сен-Желэ ундан олдин отни қамчилаб, тўртликнинг иккинчи байтини ниҳоятда эпчиллик билан ўрнига қўйди.

Буцефал¹ эмассан, жонвор, ема гам,
Эганг Искандардан эмас асло кам.

Шеър гулдурос қарсақлар билан қарши олинди, шунда эгарда ўтирган қирол назокат билан бош эгиб, ҳам тез, ҳам муваффақиятли чиққан бадиҳа учун миннатдорлик изҳор этди.

Марога келсак, у гоят нохуш кайфиятда уйига қайтди.

— Бугун сарой аёнларига нима бўлди ўзи, ҳайронман,— деб тўнғиллади у,— ҳаммалари гирт аҳмоққа ўхшашади-я!

Иккинчи боб

ТҮРТ ЮЗТА КАРОҚЧИ

Бенвенуто Сенанинг нариги соҳилига ўтиб олиб, уйига шошилди, гарчи у граф д' Орбекка, қоп олиб келаман, деган бўлса ҳам, аслида қасрдан саватча

¹ Буцефал — Александр Македонскийнинг машҳур оти.

олиб келишни кўзлаган эди — бу саватчани Флоренцияда яшаб юрган пайтида унга холаваччаси — роҳиба аёл совга қилган эди. Соат икки бўлса ҳам, Бенвенуто бу ишни шу бугуноқ битиришга қарор қилди, шунга кўра, у Асканионинг ҳам, тушлик қилаётган бошқа шогирдларининг ҳам уйга қайтишини кутиб ўтирмай, граф д' Орбек истиқомат қилиб турган Фруа-Мато кўчасига бир ўзи йўл олди; йўл-йўлакай у атрофни диққат билан кузатиб борди, бироқ кўзига ҳеч қандай шубҳали нарса учрамади.

Мана, Челлини граф ҳузурига етиб борди ҳам, лекин граф олтинни дарҳол бера олмаслигини айтди: аввал баъзи бир ишларни расмийлаштириш, чунончи, нотариусни таклиф қилиб, шартнома тузиш шарт эмиш. Челлинининг саркаштабнат одамлигини билган граф ундан қайта-қайга узр сўрай бошлади, графнинг узрлари шу қадар ишонарли эдики, Бенвенуто у айтган сохта баҳоналарга ишонди ва сабр-тоқат билан кутишга рози бўлди.

Лекин у, барибир, фурсатдан фойдаланиб, ўз халфаларига одам юборишга қарор қилди: улар Бенвенуто оладиган олтинларни кўтариб кетишда унга ёрдамлашишлари керак эди. Д' Орбек шу заҳоти хизматкорини Нель қасрига юборди, ўзи эса меҳмоннинг кўнглини овлаш учун лозим бўлган хар хил нарсалар ҳақида, чунончи қиролнинг Челлинига бўлган муруввати тўғрисида суҳбатлашиб ўтирди. Бенвенутонинг графдан шубҳаланиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди: зеро унинг Коломбага муҳаббати ҳақидаги гапни фақат ўзи билан Асканио биларди, холос. Шунинг учун ҳам у хазинадорнинг хушомадларига хушмуомалалик билан жавоб қила бошлади.

Кейин, қирол тайинлаб айтган тангаларни саралаш учун ҳам анча вақт кетди. Нотариусдан бўлса ҳамон дарак йўқ эди. Ниҳоят у етиб келди, аммо у ҳам шартномани жуда имиллаб тузиб, анча вақтни олди. Қисқаси, Бенвенуто уй соҳиби билан хайр-хўшлашиб, кетишга шайланганида қош қорая бошлаган эди. Бенвенуто Челлини боя Нель қасрига бориб келган хизматкорни чақирди, лекин у халфалардан биронтаси ҳам келолмаганини айтиб, агар хўп десангиз, сеньор, ўзим сизга бажону дил ёрдам қилиб, олтинларингизни элтиб беришим мумкин, деди. Шундагина Бенвенутонинг кўнглида шубҳа уйғонди ва у илтифотли хизматкорнинг ёрдами-

ни рад этди. У олтинларни саватга солди ва чап қўлини саватнинг бандига кийдириб, уни қўлтиғи остига олди, натижада саватнинг қопқоғи унинг қўли билан зич ёпилиб қолди. Қолаверса, олтинни қопда орқалаб кўтаргандан кўра, шу тарзда олиб кетиш қулайроқ ҳам эди.

Бенвенуто кийимининг ичидан пишиқ совут кийган, қўлларига дастбанд¹ боғлаган эди, ёнбошига калта найза-шамшир осган, камарига эса ўткир канжар қиетириб олган эди. У шахдам-шахдам қадам ташлаб жадал юриб кетди. Бенвенуто д' Орбекникидан чиқаётганида, графнинг хизматкорлари ўзаро нималарнидир пичирлашиб гаплашаётгандек туюлишди, кейин улар биринкетин уйдан чиқишиб, гўё Бенвенуто кетаётган томоннинг тескарисига йўл остига кўрсатишди ўзларини.

Эндиги пайтда, Сена устига қурилган Санъат кўприги шарофати билан, Луврдан Академиягача борадиган йўл икки қадам бўлиб қолган, лекин Бенвенуто яшаган замонда бу жуда узоқ масофа эди. Ҳақиқатдан ҳам, у замонда Фруа-Манто кўчасидан соҳил ёқалаб Шатле қалъасигача чиқиб бориш, кейин Тегирмон кўпригидан ўтиб, Ситени кесиб ўтиш лозим эди; сўнг Авлиё Варфоломей кўчасидан юриб бориб, Авлиё Михаил кўприги орқали дарёнинг чап қирғоғига ўтиш, у ердан яна соҳил ёқалаб то Катта Нель қаеригача тушиб бориш керак эди. Ушанда ҳатто даворак Бенвенуто ҳам ўғри ва қароқчилардан бир оз юрагини ҳовучлаб кўчага чиққан эдики, бу ҳолдан китобхон асло ажабланмаслиги керак, зеро заргар қўлтиғи остидаги жуда катта миқдордаги олтиндан хавотирда эди. Агарда китобхон қарши бўлмаса, биз билан бирга Бенвенутодан бир неча юз қадам олдинлаб кетсин, шунда Челлипининг хавотирланиши бежиз эмаслигига ўзи шохид бўлади.

Бундан бир соатча олдин, эндигина қош қорая бошлаган пайтда Августинлар черкови яқинидаги соҳилда ридоларига бошдан-оёқ ўраниб олган ёвуз қиёфали тўртта барзанги пайдо бўлди. Соҳилни дарёдан фақат пастаккина тош гов ажратиб турган бу ер кечқурунлари ҳувиллаб қолар эди. Орадан ўтган шунча вақт ичида бу ердан фақат прево қизи Коломбани кузатиб Кичик Нель қасри томон ўтди ва яқиндагина яна орқасига қайтиб кетди. Бояги тўрт одам пошполикнинг мўътабар вакилига эҳтиром билан салом берди.

¹ Билакдан то тирсақкача бўлган ерни ихота қилувчи зирх (Тарж.)

Улар қалпоқларини қошларигача тушириб олиб, черков девори тагида ғўнғир-ғўнғир гаплашиб туришарди. Уларнинг иккитаси бизга таниш: булар бундан бир неча кун бурун Катта Нель қасрини забт этиш учун виконт де Мармань томонидан ёлланган одамлар бўлиб, исмлари: Ферранте ва Фракассо. Қолган иккитаси ҳам буларга ҳамкасаба — уларнинг исмлари Прокоп ва Маледан эди. Келгуси авлодларимиз бу азаматларнинг қай юртдан эканлиги ҳақида баҳслашиб юришмасин учун (зотан Ҳомернинг ватани қайси шаҳар, деган баҳс мана, қарийб уч минг йилдан бери давом этиб келмоқда¹), шуни илова қилмоқчимизки, Маледан пикардиялик², Прокоп — лўли, Ферранте билан Фракассо бўлса, саодатли Италия заминида дунёга келган эдилар. Энди уларнинг бир-бирларидан тафовут қилувчи хусусиятларига келсак, Прокоп — ҳуқуқшунос, Ферранте — васвас, Фракассо — хаёлпараст, Маледан эса ғирт овсар эди. Китобхон кўриб турибдики, гарчи биз француз миллатига мансуб бўлсамиз ҳам, ўз ватандошларимизнинг «фазилатлари» ҳақида мутлақо беҳато мулоҳаза юритяпмиз. Аммо бу одамлар жангда ёки, аниқроғи, ишда иблисона шижоат соҳибби эдилар.

Баски, биз бу тўрт улфат билан танишиб олган эканмиз, энди уларнинг дўстона ва гоят ибратли суҳбатларига қулоқ солиб кўрайлик. Бу суҳбатдан уларнинг қандай одам эканлиги ва дўстимиз Бенвенуто Челлинини қандай хавф-хатар кутаётгани маълум бўлади.

— Хайрият, бугун анави малла галварс виконт бизга тўғаноқ бўлмайдиган бўлди! — деди Ферранте Фракассога. — Ниҳоят бугун найза-шамширларимизни яланғочлашимизга имкон туғиладиган бўлди, бугун у лаънати қўрқоқ бизга халақит ҳам қилмайди, бизни чекинишга ҳам мажбур эта олмайди!

— Гапинг тўғри, — деди Фракассо. — Лекин бугунги хатарли иш бутунича бизнинг зиммасизга юкланган экан (бунинг учун мен ундан гоят хурсандман), қўлга туширадиган ўлжамиз ҳам тўла-тўқис ўзимизга қолиши керак-да. Сирасини айтганда, ўлжанинг қоқ ярмини, яъни беш юз олтин экюни ўзига чегириб қолишга бу малла иблиснинг нима ҳаққи бор? Тўғри, бизнинг те-

¹ Юнонистонда ҳанузгача етти шаҳар Ҳомернинг ватани бўлишга даъвогар. (Тарж.)

² Пикардия — Франциянинг шимолидаги қадимги вилоят. (Тарж.)

гишимиз — беш юз эюю ҳам чакана пул эмас. Ҳар биттамитга юз йигирма беш эюдан тўғри келади — анча салмоқли сармой! Мен мушкул аҳволга тушган пайтларимда, икки эюю деб ҳам одам ўлдирганман.

— «Икки эюю деб!» Е муқаддас Биби Марьям! Ахир бу шармандалик-ку! — деди Маледан.— Сен, ошна, бунақа гапларингни менинг олдимда гапирма, одам ҳодис, битта-яримта эшитиб қолса, мени ҳам сенга ўхшаган такасалтанг деб ўйлаши мумкин.

— Илож қанча, Маледан. Ҳаётда не-не савдолар тушмайди бошингга,— деди Фракассо маъюс оҳангда. — Баъзида ҳатто бир бурда суви қочган нон учун ҳам одам ўлдиришдан қайтмасам керак, деб ўйлайман! Мақсадга ўтайлик. Менимча, дўстларим, юз йигирма беш эюдан кўра икки юз эллик эюю икки карра яхшироқ. Бордию анави азаматни гум қилганимиздан кейин пулнинг барини ўзимиз киссага урсагу мутаҳам Марманга бир чақа ҳам бермасак, нима дейсизлар?

— Биродари азиз,— деди Прокоп насиҳатомуз оҳангда,— бу миждозни товлашдир, ҳолбуки, ҳар қандай ишда ҳам биринчи навбатда ҳалол бўлиш керак. Менинг фикримча, қандай шартлашган бўлсак, шундай иш кўришимиз ва виконтга беш юз эюнинг ҳаммасини беришимиз керак. Лекин *distinduamus!*¹ Олдин виконт ўз улушини олиб, бизнинг ҳалоллигимизга ишонсин, ундай кейин, ҳамла қилиб, унинг ақчаларини тортиб олишимиз учун бизга ҳеч нима тўсқинлик қила олмайди.

— Ақлингга қойилман! — деди маъқуллаб Ферранте.— Бизнинг Прокоп ҳалоллик фазилатини ҳаммаша ажабтовур топқирлик замирига қуради.

— Бунинг сабаби шуки, бир вақтлар мен ҳуқуқшуносликдан сабоқ олганман,— деди Прокоп камтарлик билан.

— Асосий ишдан чалғимайлик, дўстлар,— деди Ферранте одатий насиҳатгўйлик оҳангида.— *Recte ad terminum eamus*². Майли, виконт ўзининг пар тўшагида мазза қилиб ухлаб ётаверсин! Ҳали унга навбат келгани йўқ. Ҳозир биз флоренциялик заргар билан машгул бўлишимиз керак. Хўжайиннинг хоҳиши шуки, кўзланган режа муваффақиятли яқунланиши учун, заргарни тўрттовимиз гумдон қиларканмиз. Очигини айтганда, бир одамнинг ҳамёнини тортиб олиб ўзини

¹ Келишиб олайлик (*Лог.*)

² Мақсад сари тикка берамиз. (*Лог.*)

асфаласофилинга равона қилишни биттамит ҳам эплардиг-у, лекин бойлик — энг даҳшатли ижтимоий ёвузлик дейишади, шунинг учун ўлжани бир нечта саховатли дўст ўзаро бўлашиб олгани маъқул. Лекин битта шарт бор — у одамни тезроқ нариги дунёга жўнатиш керак бўлади — негаки биз гумдон қилмоқчи бўлган одам осонгина жон берадиганлардан эмас. Буни Фракассо билан мен бир марта ўз бошимиздан кечирганмиз. Панд еб қолмаслик учун, ҳаммамиз заргарга баравар хужум қилишимиз керак. Хуллас, яхшилаб қулоқ солинглар! Иложи борица ўзингизни вазмин тутинг, қулоғингиз динг, кўзингиз ҳушёр бўлсин, айниқса унинг найзашамширидан ўзингизни эҳтиёт қилинг! Ҳамма италияликлар сингари у ҳам жуда уста қиличбоз — ўз ҳунарини кўрсатиши турган гап.

— Э, бундан кўнглинг тўқ бўлсин! — деди Маледан ижирғаниб. — Мен ҳар қандай қуролнинг ҳам зарбасига кўникиб қолганман. Уларнинг зарбини ўз танамда кўп синаб кўрганман. Бир куни кечаси шахсий иш юзасидан Бурбонлар қасрида бўлишимга тўғри келган эди. Лекин қиладиган ишимни тонг отгунча бажаришга улгуролмадим, шунинг учун қасрда қолиб келгуси тунни бирон-бир хилват гўшада кутишга қарор қилдим. Бунинг учун менга энг қулай жой қуролхона бўлиб туюлди; у ерда ҳар турли рицарлик аслаҳаларию ҳарбий ўлжалар: дубулгалар, совутлар, дастбандлар, қалқонлар, рўйпўшлар¹ беҳисоб эди. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига пайванд қилиниб, супачалар устига турғизиб қўйилган эди. Кўрган одам, бошдан-оёқ қуролланган ҳақиқий рицарлар саф тортиб турипти, деб ўйлаши мумкин эди! Мен ҳам совут кийиб, дубулғанинг рўйпўши билан юзимни беркитдим-да, бир супачага чиқиб гўдайиб туравердим...

— Қизиқ ҳангома! Хўш, кейин нима бўлди? — деб дўстининг сўзини бўлди бесабр Ферранте. — Қаҳрамонна жасоратга бел боғлаган одам учун энг яхши сабоқ — ўзгалар жасорати ҳақида кўпроқ эшитишдир. Қани, давом эт, кейин нима бўлди?

— Мен шу зайлда ўзимни панага олдим, лекин минг афеуски, бу лаънати рицарлик совутлари қиролзодаларнинг найзабозлик, қиличбозликдан машқ қилишлари учун қўйилган эканки, мен бундан беҳабар эдим.

¹ *Pjūnūš* — рицарлар киядиган дубулғанинг юзга тутиладиган темир тўр қисми (*Тарж.*)

Хуллас, орадан сал вақт ўтар-ўтмас қуролхонага йигирма ёшлар чамасидаги иккита навқирон йигит кириб келди-ю, қўлларига найза билан шамшир олиб, мен ичига яшириниб олган рицарлик совутига ҳамла қила кетишди! Ҳо ишонинг, ҳо ишонманг, бу зарбаларга тишимни тишимга қўйиб охиригача бардош бердим! Мен худди супачага михлаб қўйилган ёғоч ҳайкалдек қимир этмай қаққайиб туравердим. Яхшиямки, бахтимга йигитчалар ҳали унча кучга тўлмаган экан. Аммо бир оздан кейин бу ерга йигитларнинг дадаси кириб келиб, ўғилларини мазах қилиб, жангга тезлай бошлади. Шукрки, пуштипаноҳимиз авлиё Маледанга ҳаммаша ичимда сиғиниб келардим, шунинг учун, шу топгача у мени энг хавфли зарбалардан сақлаб келаётган эди, лекин шу пайт бирдан иблис ста ўғилларидан бирининг қўлидаги найзани юлқиб олиб, қандай қилиб бир зарба билан рўйпўшни учуриб юбориш йўлини намоён қилмоқчи бўлди: чиндан ҳам бир зарбанинг ўзидаёқ рўйпўшим учиб кетдию қирол билан қиролзодаларнинг кўзи менинг қўрқувдан гезариб, мурданикига ўхшаб қолган башарамга тушди. «Энди ўлдим!» — деб ўйладим мен.

— Шўрлик дўстим! — деди маъюс оҳангда Фракасо.— Сал бўлмаса, бекорга ўлиб кетар экансан-а.

— Бе, нима деяпсан! У овсарлар менинг кўкариб кетган башарамни, жонҳолатда бақрайиб қолган кўзларимни кўришиб, мени бобокалонларининг арвоҳи деб ўйлашди шекилли, оёқларини қўлларига олганча шаталоқ отиб қочиб қолишди! Хўш, мен-чи?.. Агар тўққиз пулдек қилиб тушунтирадиган бўлсам... мен ҳам орқамга ўгирилдиму жуфтакни ростлаб қолдим. Лекин муҳими бу эмас! Муҳими — менинг нечоғлик сабр-бардашли эканлигимда. Бунга ишонч ҳосил қилган бўлсангиз керак деб ўйлайман.

— Бу гапинг-ку тўғри-я, аммо бизнинг ишимизда муҳими — зарбаларга бардош бериш эмас, балки ғанимга зарба бера билишдир, дўстим Маледан! — деди Прокоп.— Сен шундай зўр зарба бергинки, ғаниминг тил тортмай ўлсин. Мана, эшитинглар: Фландрияга қилган саёҳатим пайтида бир миждозимни тўрт оғайни сайёҳлардан қутқаришимга тўғри келган эди. Ёрдам бериш учун менга уч кишини тавсия қилишди, лекин мен, бу ишни ё ёлғиз ўзим бажараман, ё бўлмаса унга мутлақо қўл урмайман, деб айтдим. Шартимни қабул

қилишди, агар кўзланган мақсадга эришсам, менга тўрт кишининг хизмат ҳақини тўлайдиган бўлишди. Мен у тўрт оғайнининг қайси йўлдан ўтишини билардим, шунинг учун уларни бир қовоқхонада кутиб турдим — сайёҳлар албатта шу ерга қўниб ўтишлари керак эди. Қовоқхона хўжайини ҳам бир вақтлар йўлтўсарлик билан шуғулланган бўлиб, эндиликда, ўз касбини ўзгартиргандан кейин, сайёҳларни талаш унинг учун ҳам осонроқ, ҳам бежавотирроқ бўлиб қолган эди; қолаверса, қовоқхона соҳибининг қалбида бир вақтлардаги эзгу ҳиссиётлар, ҳали тамоман сўнганича йўқ эди, шунинг учун ҳам унга ўз улушимнинг ўндан бир ҳиссасини ваъда қилиб, осонгина ўзимга шерик қилиб олдим. Икковимиз гапни бир ерга қўйиб, келишиб олдик-да, азамат сайёҳларни кута бошладик, улар ҳам салдан кейин катта йўл муюлишида пайдо бўлишди. Отлиқлар қовоқхонага етиб келиб, тамадди қилиб олиш ва отларга дам бериш мақсадида, шоша-пиша отлардан тушишди. Лекин қовоқхона хўжайини, отхонам жуда тор, отларни баравар олиб кирсанглар айланолмай қоласизлар. Шунинг учун навбат билан киринглар, деб таъкидлади. Мана, биринчи сайёҳ отхонага кирди, кирдию дом-дараксиз кетди, шундан кейин иккинчи отлиқ дўстидан хабар олгани ичкари кирди. Турган гапки, у ҳам қайтиб чиқмади. Ошналари ҳадеганда чиқавермагандан кейин учинчи отлиқ ҳам сабри чидамай, ичкарига кирди, кирдию у ҳам ғойиб бўлди. Шунда охириги отлиқнинг шерикларидан хавотир олаётганини кўрган қовоқхона хўжайини, бундай деди: «Ҳа-а, тушундим! Улар орқа эшикдан чиқишган». Бу сўзлардан тўртинчи йигитнинг кўнгли таскин топдию у ҳам тезроқ шериклари даврасига қўшилмоқчи бўлиб ичкари кирди ва, турган гапки, менга рўпара келди, зеро, ўзингиз ҳам фаҳмлаган бўлсангиз керак, отхонада туриб олиб уларни гумдон қилаётган мен эдим. Қисқаси, бунисининг жон бериш олдидан бир чинқириб қолишига имкон бердим, — чунки унинг фарёди энди ҳеч кимни чўчитмас эди... Сен нима деб ўйлайсан, Ферранте, бу ишни Рим қонуншунослигига мувофиқ *trucidatio per divisionem necis*¹... деб атаса бўлармикин?.. Қаранг, бизнинг италияликдан ҳамон дарак йўқ, — деб гапида давом этди Прокоп. — Унга бирон кориҳол бўлмадимникин ишқилиб! Ҳадемай зим-зиё тун бошланади...

¹ Бирин-кетин қатл этиш. (Лог.)

— *Suadentque cadentia sidera somnos*¹, — деди Фракассо. — Менга қаранглар, оғайнилар, тагин бу Бенвенуто си тушмагур қоронғу тундан фойдаланиб, бирон найранг кўрсатмаса эди ҳали. Бундай дейишимга сабаб, ўзим ҳам бир вақтлар зулматдан фойдаланиб бир ҳунар кўрсатган эдим. Бу воқеа Рейн дарёси ёқалаб сайр қилиб юрган пайтимда бўлган эди. Бу ўлканинг кўркани ва мунгли табиати менга ҳамиша ҳуш ёқарди. Рейн — хаёлпарастлар дарёси. Мен ҳам хаёл сурар эдим. Чунки кўнглим Шрекенштейн исмли бир мансабдорни нариги дунёга равона қилишни жудаям тусаб қолган эди. Бу осон иш эмасди, негаки ўша жаноб ҳеч қачон уйдан кўчага ишончли соқчиларсиз чиқмас эди. Лекин барибир иложини топдим. Қоп- қоронғи кечаларнинг бирида худди ўша ганимимга ўхшаб кийиниб олиб, уни кўчада пойлаб турдим. Бирдан қоронғуда кўзимга *obscuri sub nocte*², Шрекенштейн ва ундан сал орқароқда келатган соқчиларининг қора шарпаси кўринди, шунда мен мансабдорнинг олдига ўқдек отилиб бориб, унинг бошидаги пат қадалган шляпасини юлқиб ўз бошимга кийдим-у, чаққонлик билан унинг ўрнига туриб олдим, шунда биз бир-биримизга юзма-юз бўлдик. Кейин мен унинг ҳушини йиғиб олишига имкон бермай, шамширнинг сопи билан бошига кучимнинг борича уриб гаранг қилиб кўйдим-у тўс-тўполон, дод-фарёд, шамширларнинг шақир-шуқурини босиб: «Ёрдам беринглар! Тўнашяпти! Войдод! Ўлдиришяпти!» — деб овозимнинг борича бақира бошладим. Бу найрангим жуда қўл келди: Шрекенштейннинг соқчилари югура келиб унга ташланишди ва ҳаш-паш дегунча ўз соқибларини гумдон қилишди-қўйишди, мен бўлсам фурсатдан фойдаланиб, шу яқин ўртадаги ўрмонзорга жуфтакни ростлаб қолдим. Ҳар қалай, муҳтарам сеньор жон бера туриб, ўз дўстлари қўли билан ўлдирилганини билган ва кўнгли таскин топган бўлса керагов.

— Шак-шубҳасиз, бу ишинг — катта жасорат, албатта, — деди Ферранте. — Лекин агар менинг узоқ ёшлик йилларимни эслаб кўрадиган бўлсак, бундан ҳам қийметроқ воқеаларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Худди сенга ўхшаб, Фракассо, бир куни мен ҳам бир

¹ Ботаётган юлдузлар ҳам гафлатга ундар/Вергилий. «Энеида», II қўшиқ 9 нчи мисра/. (Лот.)

² Тун пардаси оғушида (Вергилий. «Энеида», VI-қўшиқ 26 мисра). (Лот.)

акобирни асфаласофилинга жўнатишим шарт бўлиб қолди, лекин, бу одам ҳам қуролланган соқчиларсиз бир қадам йўл босмас эди. Воқеа Абрўцца ўрмонида бўлган эди. Мен бир азим туп эман дарахтини топиб, унинг йўл устига қараб чўзилган шохига чиқиб ўтириб олдим, мен пойлаган шахс худди мана шу шох остидаги йўлдан ўтиши керак эди. Тонг ёриша бошлади; сарин шаббода эди, уфқдан бош кўтариб чиқаётган қуёшнинг қийғоч шуъласи дарахтларнинг пўпанак босган таналарини ёритди; ҳавода қушларнинг хониши янгради. Мен шохга мўниб ўтириб хаёлга чўмдим, шу маҳал бирдан...

— Жим! — деб унинг сўзини бўлди Прокоп. — Оёқ товуши эшитиляпти. Бу ўша!

— Яхши бўлди, — деб гўлдиради Маледан, атрофга олазарак бўлиб қараркан. — Яқин ўртада ҳеч зог кўринмайди — бу ҳам бизнинг бахтимиз.

Қотиллар турган ерларида шамдек қотиб жим бўлиб қолишди. Қоронғуда уларнинг унниқиб кетган, қўрқинчли башаралари аниқ кўринмасди, фақат ўт бўлиб чақнаётган кўзлари, шамширларининг сопини жонқолатда чангаллаб олган қўлларини кимир этмай қотиб турган гавдалари элас-элас кўзга ташланар эди. Ўзини қоронғуга олиб антиқа бир манзара касб этган бу тўда бизга Сальватор Роза мўйқаламига хос бўлган расмни эслатар эди. Қароқчилар тўғри айтишган экан: келаётган чиндан ҳам Бенвенуто эди, у шахдам-шахдам одим отиб жадал юриб келар эди. Биз юқорида айтганимиздек, унинг кўнглида қандайдир шубҳа уйғонган эди, шунинг учун атрофни чуллаган зулматга қаттиқ тикилиб қарарди. Унинг кўзлари аллақачон қоронғуга кўникиб қолган, шунинг учун ҳам у пистирмадан чиқиб келаётган тўртта йўлтўсарнинг шарпасини йигирма қадам нариданоқ кўрди.

Лекин қароқчилар ҳамла қилишга улгурмасларидан, Бенвенуто ўз табиатига хос совуққонлик билан саватдаги олтин устига ридосини ёпди, шамширини яланғочлаб, орқаси билан черков деворига суяниб туриб олди. Оқибат, у орқа томонидан ихота қилинган эди.

Тўрттала йўлтўсар унга барабар хужум қилди. Нажотдан умид йўқдай кўринарди: ҳеч қаёққа қочиб бўлмас, бақриш бефойда — қасрга ҳали камида беш юз қадам бор эди. Аммо Бенвенуто қурол ишлатиш санъатини жуда пухта эгаллаган бўлганидан ҳамма ҳамлаларни эпчиллик билан даф қиларди. У ҳам ўннга, ҳам

чапга зарба бераркан, аини пайтда жиддий мулоҳаза қилиш қобилиятини ҳам йўқотмаган эди. Шу пайт бирдан лоп этиб унинг миясига: «Кўриниб турипти: бу тузоқ, ҳа, менга қўйилган тузоқ», — деган фикр келди. Бордию у қароқчиларни, адашяпсизлар, сизлар ўйлаган одам мен эмасман, деб ишонтирса-чи? Унда фалокатдан қутулган бўларди-я. Мана, Челлини дўлдай ёғилаётган зарбаларни қайтаришга уринаркан, босқинчиларни сохта хатолари устидан кулиб уларни мазах қила бошлади:

— Ие, эсингизни еганмисизлар, йигитлар? Нима жин урди сизларни? Қашшоқ бир аскар бўлсам — нима ҳам ундирадинлар мендан? Ё менинг ридоим ёқиб қолдимми, балки шамширимни кўз остингизга олгандирсиз? Ҳей, ҳей, йигит! Қулогингни эҳтиёт қил! Агарда шамширимни олмоқчи бўлсангиз, уни олдин қўлимдан уриб тушириб кўринг. Ростимни айтсам, гарчи кўпни кўрган қароқчилар бўлсангиз ҳам, дид-фаросатингиз йўқ экан.

Бенвенуто шундай деб гапираркан қочишни хаёлига ҳам келтирмас, аксинча, ўзи ғанимларга ҳамла қилар эди. У девордан фақат бир ё, нари борса, икки қадамгина олдинга босиб, кейин дарҳол тисарилиб, яна деворга суюниб олар экан, зарба беришни тўхтатмасди, у менда ҳеч қандай олтин йўқ, демоқчи бўлгандек, ридосининг барини бир неча марта жўрттага кўтариб ҳам қўйди. Бенвенутонинг бундай қилишидан мақсад, эҳтимол граф д' Орбекнинг хизматкори бу қароқчиларни огоҳлантириб қўйгандир, деб ўйлаган эди; зеро Бенвенуто графникидан чиқаётганида у касофат ҳам аллақайқага ғойиб бўлган эди. Ҳийла яхши натижа берди. Бенвенутонинг хотиржам кайфиятда эканлигини, бунинг устига, эпчиллик билан қилич ўйнатишидан ёнида минг тилла экию пули бор одамга сира ўхшамаслигини кўрган ёлланган йўлтўсарлар ўйланиб қолишди.

— Нима дейсан, Ферранте, балки биз чиндан ҳам адашгандирмиз? — деб оҳиста сўради Фракассо.

— Шунақага ўхшайдиёв. У сал паканароқ эди. Агар бу ўша бўлса, ёнида ҳеч қанақа олтини йўқ; бундан чиқди, лаънати виконт бизни лақиллатган!

— Олтин, дейсизми? Менда-я? — деб чинқирди Бенвенуто шамшири билан моҳирона ҳамла қиларкан. — Киссамда бор-йўғи бир жуфт сийқа чақа ётипти! Лекин азаматлар, шу пулимни тортиб олиш ниятида

бўлсанглар, у чақалар сизга соф олтиндан ҳам қимматга тушади, билиб қўйинглар!

— Оббо лаънати-е! — деди Прокоп. — Бунинг ростдан ҳам ҳарбийга ўхшайди. Заргар одамнинг шамширни бунчалик зўр ишлатишини қаерда кўргансан! Майли, сизлар у билан хоҳлаганингизча чўқилашаверинг, лекин мен қуруқ мақтовга жанг қиладиган анойи эмасман.

Шундан кейин Прокоп тўнғиллаганча жанг майдонидан чиқиб кетди. Қолган босқинчиларнинг ҳужуми ҳам сусайди, чунки улар гангиб қолишган, бунинг устига, шерикларининг мададидан жудо бўлишган эди. Бенвенуто мана шу фурсатдан фойдаланиб, черков деворидан нари кетдию қаср ёққа йўл олди; лекин у босқинчилар томонга ўгирилганча, орқасига тисарилиб борар ва худди този итлар ўраб олган ёввойи қобон каби йўл-йўлакай уларнинг ҳамласини даф қилиб борарди.

— Қани, юринглар, юринглар мен билан, азаматлар! — дерди у. — Мени Пре-о-Клергача кузатиб қўйинглар. Уша ерда Мэзон-Ружда менинг дўндиқчам туради: виофурушнинг қизи; ҳозир у мени кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирипти. Мишмишларга қараганда, бу йўл анча хатарли эмиш, шунинг учун агар мени қўриқлаб борсанглар хурсанд бўлар эдим.

Бу ҳазил гапдан кейин Фракассо ҳам Бенвенутони таъкиб қилишдан воз кечиб, Прокопга бориб қўшилди.

— Икковимиз ҳам гирт аҳмоқ эканмиз, Ферранте! — деди Маледан. — Бу одам Бенвенуто эмас!

— Аксинча, худди ўзгинаси! — деди Ферранте, чунки у Бенвенутонинг қўлтиғидаги олтинга лиқ тўла саватчани кўриб қолганида бехосдан очилиб кетган эди.

Бироқ энди кеч бўлиб, қасрга, узоғи билан, эллик қадамча қолган эди, шунда Бенвенуто овозининг бори-ча бақира бошлади, унинг гулдирос овози сокин тунда яна ҳам қаттиқроқ янгради:

— Ермам беринглар! Ҳой, Нель қасридагилар, тезроқ ёрдамга келинглари! Ҳой, ким бор? Ермам беринглар!

Фракассо билан Прокоп шериклари олдига ёрдамга етиб келишган, Ферранте билан Маледан эса, яна ҳужумга ўтишган пайтда қаср дарвозаси ланг очилдию ичкаридан устозининг ҳаяллаб қолганидан хавотирланиб ўтирган Ҳерман, Жимит-Жан, Симон Чапақай ва Жак Обриллар қўлларида найзалар билан отилиб чиқишди.

Иўлтўсарлар уларни кўрган заҳоти ҳар томонга тирақайлаб қочишди.

— Қаёққа, ҳей, оғайнилар? Яна бир озгина кузатиб қўйсанглар бўларди. Вой сўтаклар-е! Тўрт кишилашиб битта ўткинчининг қўлидаги минг олтин экюни тортиб ололмадинглар-а, бунинг устига, саватнинг зилдай оғирлигидан қўлим ҳам толиб кетган эди!

Ҳақиқатан ҳам, қароқчилар Бенвенуто Челлинига, агар қўлини шамширнинг тиғи ялаб ўтганини ҳисобга олмасак, зиғирча ҳам шикаст етказишмади; энди улар шармандаи шармсор бўлишиб, жуфтакни ростлаб қолишган эди, Фракассо бўлса тирақайлаб қочаркан, кўчани бошига кўтариб дод соларди. Гап шундаки, жангнинг охирида у ўнг кўзидан жудо бўлган эди, энди унинг пешонасига то ўла-ўлгунича бир кўзли сўқир бўлиб яшаш битилган эдики, бояқишнинг шундоқ ҳам ҳасратли башараси бундан буён баттар бадбуруш бўлиб қолаётган эди.

Қотилларнинг оёқ товушлари узоқлашиб, эшитилмай қолгач Бенвенуто:

— Ана энди, дўстларим,— деб ўз халфаларига юзланди,— шундай ажабтовур ишдан кейин, яхшилаб кечлик қилиб олсак ёмон бўлмас эди. Юринглар, менинг бир ўлимдан қолганимни нишонлаб майхўрлик қиламиз!.. Ие, Асканио қани? Нега у кўринмаяпти?

Китобхоннинг эсида бўлса керак, Асканио устозини йўқотиб қўйганидан кейин Луврдан чиқиб кетган эди.

— Мен биламан унинг қаердалигини! — деди Жимит-Жан.

— Қаерда у, бўтам? — сўради Бенвенуто.

— У боядан бери Нель қасрининг боғида тентираб юрипти. Мирза билан икковимиз у билан чақчақлашгани олдига борган эдик, мени ўз ҳолимга қўйинглар, деб ёнига йўлатмади.

«Таажжуб! — деб ўйлади Бенвенуто.— Бўлмаса, нега менинг бақирганимни эшитиб, бошқалар билан бирга ёрдамга югуриб келмадийкин? Наҳотки овозимни эшитмаган бўлса?» Сўнг халфаларга эшиттириб деди:

— Менсиз кечлик қилаверинглар, дўстларим... А-а, сенмисан, Скоццоне!

— Вой, худойим-е! Сизни ўлдирмоқчи бўлишиптими, тақсир? Наҳотки шу рост бўлса?

— Ҳа-ҳа, шунга ўхшашроқ...

— Ё Исо Масих!

— Тинчлан, ҳеч нима бўлгани йўқ, тасаддиқ,— деди Бенвенуто мурдадек бўзариб кетган Катеринага таскин бериб.— Энди менинг шавкатли халоскорларим учун май топиш керак, май бўлганда ҳам майи ноб¹ бўлсин. Бу иш билан ўзинг шуғуллан, Скоццоне. Руперта хонимдан омборхонанинг калитини олгин-да, ўзинг халфаларни меҳмон қил.

— Сиз-чи? Сиз кетмайсизми энди? — деб сўради Скоццоне.

— Йўқ, йўқ! Хотиржам бўл. Мен фақат боғга кириб Асканиони топмоқчиман, унга айтадиган гапим бор.

Халфалар Катерина билан устахонага кириб кетишди. Бенвенуто боғ томон йўл олди.

Худди шу пайт тўлин ой чиқиб, Бенвенуто Асканиони кўриб қолди.Лекин йигитча асло тентираб юргани йўқ эди, у Кичик Нель қасрининг деворига нарвон қўйиб шу нарвондан девор бошига чиқаётган эди. Мана, у деворга чиқиб, нарвонни ҳам тортиб олди, уни деворнинг нариги томонига туширди, сўнг ўзи ҳам ўша томонга тушиб кўздан ғойиб бўлди.

Бенвенуто худди кўрган нарсасига ишонмаган одамдай кўзларини ишқалади, кейин шу оннинг ўзида бир қарорга келди шекилли, устахона томон югуриб кетди, у ердан ўзининг хос хонасига чиқди-да, хонанинг деразасидан томга ўтди, томдан эпчиллик билан Кичик Нель қасрининг деворига сакради. Кейин ток зангларига тирмашиб тушиб, Коломбанинг боғига товуш чиқармай сакраб тушди.Эрталаб ёмғир ёғиб ер нам бўлгани сабабли унинг оёқ товушлари эшитилмади.

Бенвенуто ётиб қулоғини ерга тутди. Аввалига ҳеч нима эшитилмади; кейин олисдан, пичирлаган овозлар элас-элас қулоққа чалинди. Бенвенуто дик ётиб турди, боғ ичидан жуда эҳтиётлик билан юриб кетди. Овозлар борган сари аниқроқ эшитила бошлади, ниҳоят Бенвенуто шу овоз келаётган ёққа дадил йўл олди.

Қиз оқ кўйлак кийган ва бизга яхши таниш бўлган ўша узун курсида Асканионинг ёнида ўтирарди. Севишганлар жуда паст овоз билан, аммо қаттиқ хаяжонланиб гапиришар, шунга қарамай, уларнинг ҳар бир сўзи тунги сукунатда аниқ эшитиларди.

Бенвенуто шу курсининг яқингинасида қад кўтарган дарахтлар панасида туриб, уларнинг гапларини тинглай бошлади.

¹ Майи ноб — тиниқ, асл май.

Учинчи боб

КУЗ ОҚШОМИ РУЪЕСИ

Куз оқшоми сокин ва бегубор эди. Чарогон юлдузлар чамани билан бурканган оқиш-мовий осмон гумбазида сузиб юрган сийрак булут парчалари орасидан ой ёғду сочар эди. Нель қасри боғида пинҳона пайдо бўлган бу уч одам гарчи ўзини ҳаловатли, осуда сукунат қўйнида ҳисобласа-да, учовининг ҳам қалби безовта ва беҳаловат эди.

— Азизам Коломба!— дерди Асканио. Бу пайт Бенвенуто шундоққина унинг орқасида ранги қув ўчиб, тили гунг бўлиб турар, шогирдининг сўзларини гўё қулоғи билан эмас, балки садпора бўлган қалби билан тинглаётгандек бўларди.— О менинг севикли маҳбубам! Сизни кўп оғир ташвишга қўйдим! Негаям сизнинг осуда ҳаётингизга раҳна солдим-а! Надоматлар бўлсинким, бугун энг даҳшатли шум хабар олиб келдим, ҳозир уни эшитсангиз менга лаънатлар ўқийсиз.

— Йўқ, янглишасиз, азизим,— деб жавоб қиларди Коломба.— Нимани гапирсангиз ҳам, мудом сизни дуо қилавераман, зеро биламанки, сизни менга худонинг ўзи юборган. Мен онамнинг овозини ҳеч қачон эшитмаганман, лекин мен билан сиз гаплашганингизда доим онамнинг сасини эшитаётгандек ҳис қиламан ўзимни. Гапиринг, гапираверинг, Асканио! Айтадиган гапингиз қанчалик даҳшатли бўлмасин, илож қанча, тинглайвераман! Чунки у гапни сизнинг 'оғзингиздан эшитаётганимнинг ўзи менга тасалли беради.

— Бутун ирода кучингизни жамланг, бардам бўлинг, Коломба!

Шундан кейин, Асканио саройда эшитган гапларининг барини: д' Этамп хоним билан граф д' Орбек тузган мудҳиш фитна тўғрисида, уларнинг Франция давлати манфаатига хиёнат қилмоқчи ва Коломбанинг номусига доғ туширмоқчи бўлганлари ҳақида бирма-бир сўзлаб берди. Валекин, одамларнинг қабиҳлигидан мутлақо беҳабар бўлган бу гулдек бегубор қизга ҳазинадорнинг мурдорона хиёнати ҳақида, қирол маъшуқасининг разилона шафқатсизлиги ҳақида, унинг рашк заминида вужудга келган макру ҳийласи ҳақида баён қилиб бериш Асканио учун энг машаққатли азоб бўлди.

Шунга қарамай, йигит бу азобга мардларча бардош

берди, Коломба бўлса, ҳатто қизармади ҳам — қизнинг нафрати, қалбининг поклиги шу қадар беназир эди. Қиз бу гаплардан фақат бир нарсани: севикли маҳбубининг кўнгли гаш ва хавотирда эканлигинигина тушунди. Коломба шу ҳақда ўйларкан, Асканиога ўхшаб дағ-дағ титрай бошлади — ёш ниҳол танасини чирмаб олган нозик новда шамол турганида худди шундай биргаликда титрайди, силкинади.

— Азизим! Менинг нѳмусимга қарши қаратилган бу разилона фитна ҳақида албатта отамга айтишимиз керак, — деди қиз. — Отам бир-биримизни севишимизни мутлақо билмайди ҳали. Сиз уни ўлимдан сақлаб қолдингиз, шунинг учун у гапингизга албатта қулоқ осади! Тинчланинг, жоним! Отам мени графнинг чангалидан тортиб олади.

— Ҳайҳот! — деб хўрсиниб қўйди Асканио.

Маҳбубининг бу нидосида шубҳа оҳангини фаҳмлаган Коломба:

— Ие, ҳали сиз менинг отамни ҳам ўша разолат бандаларига шерик деб гумонсираяпсизми? — деди. — Агар шу рост бўлса, бу даҳшат-ку, Асканио! Йўқ, йўқ! Мен аниқ ишонаман — отамнинг ҳеч нимадан хабари йўқ, бундай пасткашликлар унинг хаёлига ҳам келмаган, гарчи у менга ҳеч қачон дурустроқ меҳр қўйган бўлмаса ҳам, ўз фарзандини ўз қўли билан шармандалик ва тушкунликнинг тубсиз жарига итариб юборишга ҳадди сиғмайди.

— Кечирасиз-у, Коломба, — деб гапида давом этди Асканио, — лекин отангиз бахт деган нарсани мутлақо бошқача тушунади; унинг учун юксак мартаба виждондан ҳам афзалдир; у ҳам барча сарой аъёнлари сингари шуҳратпараст, унинг фикрича, жайдари бир рассом билан турмуш қуришдан кўра қиролга ўйнаш бўлиш, сиз учун улкан бахт. Коломба, мен сиздан ҳеч нимани яширмақчи эмасман: граф д' Орбек ҳерцогиня д' Этампага, отангизнинг рози бўлишига имони комил эканлигини айтди.

— Е тангрим! Наҳотки шу рост бўлса? — деди ҳайрат билан Коломба. — Ҳеч замонда ота ўз фарзандини ҳам пулга сотадими, Асканио?

— Бундай ҳоллар ҳамиша ва ҳамма мамлакатда юз бериб келган, о менинг муштипар малагим, бундай воқеалар айниқса бизнинг замонамизда, бизнинг мамлакатимизда кўпроқ содир бўлиб туради. Сиз бу дунёни

Ўз қалбингиз сингари покиза деб, жамиятни ўзингиз каби хушфазилат деб ўйламанг. Ҳа, Коломба, Франциянинг юксак мартабали асилзодалари шарму ҳаёни, виждонни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, қиролнинг кўнглини овлаш учун, ўз қизлари, хотинларининг ниҳолдек ёш умрини ҳазон қилишдан, гулдек ҳуснларини сўлдиришдан ҳам қайтмайдилар. Бу нарса саройда одат тусига кирган оддий бир ҳолдирки, отангиз ҳам ўзини оқлаш мақсадида, шов-шув бўлган сон-саноқсиз мисолларни пеш қилиши мумкин. О севикли маҳбубам, сизнинг гулдек пок ва нозик қалбингизни ушбу дағал, жирканч воқеликка рўпара қилганим учун мени афв этинг! Лекин мен сизни қандай тубсиз жарга итариб юбормоқчи бўлишганини кўзингизга кўрсатмоқчи эдим, холос.

— Асканио! О Асканио! — деб фарёд қилди Коломба, бошини йигитнинг кўксига қўяр экан.— Наҳотки отам ҳам менга қарши бўлса? Унинг бу рафторидан қаттиқ хижолатдаман! Унда ўзимизга қаердан паноҳ излаймиз? Энди менинг суянган тоғим фақат сизсиз! Мени қутқаринг бу фалокатдан, Асканио! Сиз устозингиз билан маслаҳатлашдингизми? Гапингизга қараганда, у муруватли, саховатли, қудратли одам экан, сиз уни яхши кўрасиз, шу боис мен ҳам унга меҳр қўйдим.

— Меҳр қўйманг унга, Коломба! Энди уни яхши кўрманг!

— Вой, нега ахир? — деди қиз гўлдираб.

— Негаки, у сизни севади! Бошимизга оғир мусибат тушганида бизга мададкор бўладиган дўст эмас энди у, балки энг ёвуз душманимиздир. Тушуняпсизми, Коломба, ашаддий душманимиз у! Мана, эшитинг, нима бўлганини сўзлаб берай. Уша куни мен устозимнинг қошига бориб эндигина унга юрагимни ёзмоқчи бўлган эдим, қутилмаганда, унинг ўзи сизни астойдил севиб қолганини менга изҳор қилди ва қиролнинг лутф-карамига умид боглаб, сизга уйланиш учун унинг розилигини олмоқчи бўлганини айтди. Бенвенуто қиролнинг марҳаматига дадил ишонса бўлади, зеро қирол, Юпитер ҳайкали тайёр бўлгандан кейин устознинг ҳар қандай тилагини ҳам бажаришга ваъда берган. Ҳамма билади: Франциск I ҳеч қачон берган ваъдасининг устидан чиқмай қолган эмас.

— Ё танграм, ўзинг раҳм қил! — деб нидо қилди Коломба дилбар кўзларини ҳам, қордек оппоқ нафис

қўллари ни ҳам кўкка кўтариб. — Энди сенсан бизнинг яккаю ягона ҳимоячимиз! Барча дўстларимиз биздан юз ўгиришди. Биз сокин бандаргоҳни кўзлаган эдик, эвоҳ, жўшқин денгизга рўпара келдик. О Асканио, бизнинг мутлақо ёлғиз қолганимизга аниқ ишонасизми?

— Афсуски, бунга ишончим комил. Отангиз биз учун қанчалик хавfli бўлса, устозим ҳам шунчалик хавfli энди. Ё тавба! Бу қандай кўргиллик! Мен ўзимнинг энг қадрдон дўстим, севикли устозим, пушти па ноҳим, падарим, ҳатто худойим бўлмиш Бенвенутодан кўрқишим, ундан нафратланишим керак-а! — деди Асканио алам билан. — Хўш, унинг гуноҳи нима? Гуноҳи фақат шуки, сизни бир кўришдаёқ чин юракдан севиб қолган, зеро сиздек олижаноб қалб соҳибасини севмай бўлмайди! Демак, сизни севгани учун устозимни ёмон кўриб қолибман-да. Аммо мен ҳам сизни севаман-ку ахир! Бундан чиқди, икковимиз ҳам бир-биримиз олдимизда баббаравар айбдоримиз. Тўғри, лекин сиз, Коломба, мени севасиз, шунинг ўзи айбимни оқлашга важ бўла олади. Э, худо! Нима қилиш керак? Мана, икки кундирки, бир-бирига мутлақо зид ҳиссиётлар менга қаттиқ азоб бермоқда — гоҳ, назаримда, устозимдан нафратланаётгандай бўламан, гоҳида уни аввалгидай яхши кўраётгандай ҳис қиламан ўзимни. У сизни севади, бу ҳақ гап, аммо у мени ҳам севар эди-ку, ахир! Мен эсимни йўқотиб қўяяпман, руҳим бўронда қолган қамиш новдасидек беҳаловат. Бенвенуто ҳали бу гапларнинг дарагини эшитса, нима қилар экан? Биринчи галда ўзим унга граф д' Орбекнинг шум ниятини сўзлаб бермоқчиман, шояд устоз бизни ундан халос этса. Аммо халос этганидан кейин, у билан икковимиз бир-биримизга рақиб, бир-биримизга душман бўлиб қоламиз-ку... ана унда Челлини фалакнинг гардиши янглиг бешафқат ва беандиша бўлиб олади, деб кўрқаман. Кейин у суюкли Коломбасига бутун вужуди билан меҳр қўядию энг садоқатли шогирдини ҳам унутиб юборади. Унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам, куртак отиб чиқаётган шу муҳаббат туфайли кўзимни чирт юмиб, энг қадрдон дўстимдан воз кечиб юборган бўлардим — бошқача қилиб айтганда, рўйи заминни юксак самога алмаштирган бўлардим. Нега энди устозим ҳам шундай қилмаслиги керак? Ҳар на бўлганда ҳам, ахир у инсон, зотан, инсон боласи муҳаббатдан юз ўгиришга ожизлик қилади. Демак биз бир-биримиз билан кураш

бошлашимиз керак, аммо мендек сўққабош, заиф бир банда Бенвенуто Челлинидек иқтидорли зотга бас кела олармикан? Шунга қарамай, мен отамдан (мени асраб-авайлаб катта қилган отамдан) қанчалик нафратланмай барибир, уни жуда азалдан ва чин қалбдан яхши кўраман, бинобарин, у менга ўз муҳаббати ҳақида ҳикоя қилганида бошимдан кечирган азобу уқубатларнинг заррасини ҳам унга раво кўрмайман!

Шу пайтгача дарахт орқасида ҳайкалдек қотиб турган Бенвенуто пешонасида муздек тер томчилари пайдо бўлганини сизди ва аzza-баzza юрагини чангаллаб олди.

— Бечора Асканио! — деди маъюс оҳангда Коломба. — Шунчалик қаттиқ изтироб чекибсиз, ҳали яна не-не машаққатларга дуч келаркинсиз! Шунга қарамай, ноумид бўлмайлик, азизим! Бошимизга тушган бу савдонинг чеки бордир, кўп ҳам куюнаверманг. Бу бахтсизликка, бу аччиқ қисматимизга қарши курашда биз ёлғиз эмасмиз, ҳамиша худо ёр бизга. Сиз менинг граф д' Орбекдан кўра Бенвенутога турмушга чиқишимни афзал кўрсангиз керак ёки бутун умримни худо йўлига бағишлаганим яна ҳам маъқулроқ тушар сизга. Шундай эмасми, Асканио? Ундай бўлса, эшитинг, сўз бериб айтаманки, агар мен учун бу дунёда сизга хотин бўлиш насиб этмаса, унда тоабод сизнинг қаллигингиз бўлиб қоламан. Эшитяпсизми, Асканио? Тинчланинг, жоним!

— Ташаккур, маҳбубам! — деб жавоб қилди Асканио. — Баски, биз ҳозир шу муъжазгина богчада ўзимизни хушбахт ҳис этаётган эканмиз, келинг, бу фоний дунёнинг ташвишларини унутайлик! Валекин Коломба, шунча огзингизни пойладим, бирон марта ҳам сизни севаман, деб айтмадингиз-а менга. Ҳайҳот, мен кўпинча, сизни муҳаббатдан ҳам кўра фарзандлик бурчига кўпроқ содиқ бўлсангиз керак, деб ўйлайман.

— Гапирманг! Жим бўлинг, Асканио! — деди Коломба. — Наҳотки тушунмасангиз, ахир сизнинг хотинингиз бўлиш мен учун энг юксак бахт-ку! О, мен сизни севаман, севаман, Асканио!

Бенвенуто ортиқ оёқда тура олмади. Унинг тиззалари қалтираб чўккалаб қолди, бошини дарахт танасига қўйдию кўзлари хиралашиб ҳеч нима кўрмай қолди, айна пайтда, ошиқ-маъшуқлар айтган ҳар бир сўз унинг бутун вужудини ларзага келтирар эди.

— Коломба, мен сизни севаман! — деб такрорлади Асканио.— Қалбим сезиб турипти, биз бахтиёр бўламиз. Парвардигор ўзининг энг дилбар фариштасидан марҳаматини дариг тутмагай! Сиз билан бирга бўлиш, Коломба, шу қадар оромбахш, қувончбахши, ҳали сиз билан видолашганимдан сўнг яна ҳасрат оғушига фарқ бўлишимни ҳам унутиб юбордим.

— Ҳозир биз эртанги кунимиз ҳақида ўйлашимиз керак,— деб эътироз билдирди Коломба.— Биз қўл қовуштириб ўтирмай, ҳаракат қилишимиз керак, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган парвардигор. Авваламбор, фаҳмимча, биз ўз муҳаббатимизни устозимиз Бенвенутодан сир тутмаслигимизни лозим. Чунки у ҳерцогиня д' Этамп билан граф д' Орбекка қарши кураша бошлаганида, энг мудҳиш хатарга рўпара келиши мумкин. Шунинг учун биз унга бор гапнинг ҳаммасини сўзлаб беришимиз керак. Акс ҳолда ноинсофлик қилган бўламиз.

— Хўп бўлади, азизам Коломба. Сизнинг ҳар бир сўзингиз мен учун қонун. Ундан кейин, сизнинг ҳақ эканлигингизни юрагим ҳам айтиб турипти. Зеро сиз ҳамиша ҳақсиз, Коломба! Бироқ, билмайсиз-да, агар устозимга дил розимни изҳор этсам, бу билан унга жуда оғир зарба берган бўламан! Эвоҳ, бундай зарбани мен ўз бошимдан кечирдим! Ким билсин, у ўртамиздаги муҳаббатдан воқиф бўлса, балки мендан нафратланар, ҳаттоки қувиб юборса ҳам ажаб эмас... Унда мен мусофир юртда ёлғиз ўзим, паногоҳсиз, ёру дўстларсиз ҳерцогиня д' Этамп ва қирол хазинадори каби қудратли ва даҳшатли душманларимга қарши нима ҳам қила оламан? Ким уларнинг иблисона режаларини барбод қилишда менга мадад беради? Бу тенгсиз курашда ким менинг ёнимни олади? Ким менга ёрдам қўлини чўзади?

— Мен! — деган жарангдор йўғон овоз эшитилди Асканионинг орқасидан.

— Бенвенуто?! — деб юборди шогирд, зеро устозини таниш учун унинг орқага ўгирилиши шарт эмас эди.

Коломба чинқириб юборди ва сапчиб ўрнидан туриб кетди. Саросимага тушган Асканио қаршисида турган Челлинининг энди дўстлигини ҳам, душманлигини ҳам билолмай бақрайиб қолган эди.

— Ҳа, менман, Бенвенуто Челлиниман! — деб гапини давом эттирди заршунос уста.— Сиз мени севмайсиз, хоним афанди, сенинг бўлса, Асканио, мендан

кўнглинг совипти, шунга қарамай, мен бошингиздан фалокатни аритиш ниятида келдим бу ерга.

— Фикрингизни тушунтириброқ айтсангиз! — деди Асканио.

— Айтмоқчиманки, хуллас, қани, ёнимга ўтиринглар-чи, бир-биримизнинг фикримизга тушуниб олиш учун, яхшилаб гаплашиб олайлик. Менга ҳеч нима гапирманглар: суҳбатингизни бошидан оҳиригача эшитдим. Гапларингизни бехосдан эшитиб қолганим учун маъзур тутинглар мени, лекин ҳамма гапдан воқиф бўлганим қайтага яхши-ку, буни ўзингиз ҳам тушуна-сиз. Мен бу ерда ўзим учун ғоятда аламли, даҳшатли, аммо айни пайтда, кўп фойдали гапларни эшитдим. Асканионинг баъзи гаплари тўғри, лекин ноҳақ айтган гаплари ҳам бўлди. Мен ҳақиқатанам, сизни деб у билан курашган бўлардим, хоним афанди; валекин, баски, сиз уни севар экансиз — шунинг ўзи ҳамма нарсани ҳал қилди-қўйди. Бахтли бўлинг. Асканио мени севишингизни ман қилди сизга, лекин ҳали мени албатта севиб қоласиз, зеро никоҳ тўйингизни мен ўзим уюштираман.

— Устоз! — деб юборди бирдан Асканио.

— О афандим, сиз қаттиқ изтироб чекяпсиз! — деди Коломба худди тавалло қилаётгандек қўлларини қовуштириб.

— Миннатдорман, хоним афанди! — жавоб қилди Бенвенуто; унинг кўзи гилт-гилт ёшга тўлган эди, лекин шу заҳотиёқ у ўзини қўлга олди.— Пайқаб-сиз-да, хоним афанди! Лекин анави кўрнамак ҳеч нимани кўрмаяпти. О, аёллар нечоғлик сезгир бўлишади! Ёлгон гапиришдан нима фойда? Дарҳақиқат, мен қаттиқ изтиробдаман. Бунинг сабаби шундоқ ҳам тушунарли: ахир мен сиздан жудо бўлдим. Шунга қарамай, сиз учун хизмат қила олишим мумкинлигидан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман; сиз мен туфайли ўз бахтингизга мушарраф бўласиз — шунинг ўзи менга бир оз таскин беради. Сен янглишдинг, Асканио: Беатричченнинг рашки ёмон, у кундоши бўлишини хоҳламайди. Энди Ҳебанинг ҳайкалини ясаб битириш сенга қолди. Алвидо, о менинг ширин орзуим! Энг охирги умидим...

Бенвенуто ҳирқироқ овоз билан қийналиб, тўхтаб-тўхтаб гапирарди. Коломба энгашиб, унинг қўлини қўлига олди ва оҳиста деди:

— Йигланг, азизим, йигласангиз энгил тортасиз.

— Ҳа, ҳа, тўғри гапирдингиз! — деб жавоб қилди Челлини ва юм-юм йиглай бошлади.

У бир сўз ҳам айта олмай, энтикиб-энтикиб товушсиз йигларкай, бутун вужуди ларзага келган эди. Мана, кўпдан бери тийиб келган кўзёшлари дув-дув оқдию руҳи энгил тортди.

Коломба билан Асканио чуқур ғамга ботган устозни меҳр билан кузатардилар.

— Йигирма йилдан бери энди йиглашим, — деди у анча кўнгли — ёришиб, агарда сени бехосдан жароҳатлаб қўйганимдаги йиглаганимни ҳисобга олмасак — эсингдадир, Асканио. Лекин ҳозир мен олган зарба ниҳоятда шафқатсиз зарба бўлди. Мен мана шу ерда, дарахт орқасида туриб шундай аччиқ изтироб чекдимки, кўксимга ханжар санчиб ўзимни ўлдиришимга сал қолди. Лекин, ахир мен бу икки ёшга ҳали керак бўламан-ку, деган фикр жонимга қасд қилишдан қўлимни қайтарди. Демак, мени сизлар ўлимдан асраб қолдинглар. Умуман, ҳаммаси жойида. Сиз Асканио билан йигирма йил кўпроқ бахтиёр бўласиз — у мендан йигирма ёш кичик. Қолаверса, у менинг ўғлимдек бўлиб қолган, бинобарин, сизларнинг бахтли турмушингиз ҳамма оталар каби мени ҳам хушнуд этади. Шу билан бирга, Бенвенуто Челлини ҳам ўз орзуларини, ҳам ғанимларингизни маҳв этади. Барча ижод этувчи санъаткорнинг пешонасига азоб чекиш ёзилгандир. Ким билсин, буюк Дантенинг кўзёшларидан илоҳий сатрлар вужудга келганидек, эҳтимол менинг ҳам ҳар бир томчи кўзёшимдан ғоят ажиб ҳайкал бунёд бўлар. Кўряписизми, Коломба, мана мен яна ўзимнинг аввалги маҳбубам ҳузурига — ўзимнинг ҳайкалтарошлигимга қайтдим, ишончим комилки, у ҳеч қачон менга бевафолик қилмайди. Кўзёшларим дилимда йиғилиб қолган аччиқ аламларни ювиб кетди. Руҳим маъюс, аммо қалбим юмшади, энди сизларга ёрдам бериб, ўз ҳасратимни унутаман.

Асканио устозининг қўлини икки қўли билан сиқди. Коломба унинг иккинчи қўлини лабига олиб борди. Бенвенуто чуқур бир тин олди-да, жилмайганча деди:

— Етар энди, болаларим, бас қилайлик назокатни, бўлмаса жудаям ийиб кетиб кучим қирқилиши мумкин. Яхшиси, ҳозирги гапларни ҳеч қачон эсламайлик. Бу-

гундан эътиборан, Коломба, мен сизнинг фақат дўстингиз, падарингизман, холос. Бўлиб ўтган воқеаларнинг бари эса — шунчаки хунук бир руъё. Энди сизларга таҳдид солаётган хавф ҳақида ва уни қандай бартараф қилиш тўғрисида гаплашайлик. Ҳозиргина мен сизларнинг ният ва режаларингизни эшитдим. О, мунча гўрсизлар? Ҳали сизлар ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотимагансизлар, шунинг учун эзгу хислатларингиз, табассумингиз билан тамагирлигу жаҳолатни, одамзоднинг қолган барча разил иллатларини енгмоқчи бўлиб, ўзингизни тақдирнинг даҳшатли зарбасига рўпара қиляпсиз. О менинг ардоқли жиннивойларим! Агар сизларнинг ўрнингизда мен бўлганимда айёр, бешафқат, бадқаҳр бўлардим. Аммо мен — бошқа одамман, ҳаёт мени кўп нарсага ўргатди. Сизлар бўлсангиз, азияларим, ҳаловатли, саодатли ҳаёт кечирिश учун яратилгансиз, шунга кўра, ҳаётда панд еб қолмаслигингиз учун сизларга ўзим ғамхўрлик қилишим керак... Шундай қилайки, сенинг порлоқ нигоҳингга жаҳолат соя солмасин, Асканио, сенинг ойдек тароватли жамолингни ғам-андуҳ сўндирмасин, Коломба. Мен икковингизни ўз бағримга олиб ҳаётнинг барча иллатлари, мусибатлари оша авайлаб олиб ўтаман. Бахт-иқболга тўла-тўқис мушарраф бўлганингизга ишонч ҳосил қилганимдан кейингина сизларни заминга тушираман, шунда ўзим ҳам сизлар билан бирга қувонаман. Лекин огоҳлантириб қўяй: менинг амримга сўзсиз итоат этасиз. Менинг хатти-ҳаракатларим сизларга ғайритабиий, дағал бўлиб кўриниши... эҳтимолки, сизни, Коломба, чўчитиб юбориши ҳам мумкинudir. Мен ҳарбийларга хос кескинлик билан ҳаракат қиламан, уёқ-буёққа алангламасдан, кўзлаган мақсадим сари тикка бостириб бораман. Ҳа, мен бу борада қўллайдиган чора-тадбиримнинг поклигидан ҳам кўра кўпроқ кўзлаган ниятимнинг покизалиги ҳақида қайғураман. Зотан, мен гўзал ҳайкал яратарканман қўлларимнинг лойга булгангани ҳақида ўйламайман. Зеро ҳайкал тайёр бўлганидан кейин қўлимнинг лойини ювиб ташлайман, вассалом. Сиз, хоним афанди, шафқатли, назокатли қалб соҳибасисиз; шундай бўлса ҳам менинг худо олдида қилаётган гуноҳларимдан асло чўчиманг; халлоқ эгам билан биз бир-биримизни тушунамиз. Мен кучли ғанимлар билан жанг қилишим керак, лекин уларнинг заиф томонлари менга аён: граф шуҳрат-

параст, прево хасис, ҳерцогиня маккор. Учовлари ҳам иқтидорли одамлар. Сиз уларнинг қўл остидасиз, икки-талари ҳатто сизга соҳиблик қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Шунинг учун ҳийла ишлатишга, кези келганда, зўравонлик қилишга тўғри келади, аммо бу ишларнинг сизларга, бўталарим, ҳеч бир дахли бўлмайди, сизлар бу ношоён курашдан номингизга гард юқтирмай чиқасиз. Хўш, нима дейсиз, Коломба, кўзингизни чирт юмганча менга эргашишга розимисиз? Мен: «Фалон ишни қилинг» ёки «Фалон ерга боринг», десам гап қайтармай, сўзимга итоат этишга розимисиз?

— Асканио нима деса шу,— деди қимтинибгина Коломба.

— Бенвенуто мурувватли, саховатли зот,— деб жавоб қилди Асканио,— у бизни яхши кўради, шунинг учун айбимизни кечиряпти. Утинаман сиздан, Коломба, устознинг ҳамма айтганларига итоат этайлик!

— Букраверинг, афандим, амрингизга итоат этаман, зеро сизга худонинг расулига ишонгандек ишонаман.

— Жуда соз, бўтам. Мен сиздан фақат бир нарсани талаб қиламан, гарчи бу нарсага журъат этиш сиз учун жуда қийин бўлса ҳам, тишни тишга қўйиб чидашингизга тўғри келади. Кейин ҳамма ишни ёлғиз ўзимга ҳавола қиласизу четда туриб воқеанинг нима билан яқунланишини кутасиз. Энди, турмуш тарзида, эҳтимол, нуқсонлари бўлган бўлса ҳам, аммо виждони пок бўлган каминага икковингиз батамом ишонишингиз учун, мен сизларга ўз ёшлигим тарихини сўзлаб бермоқчиман. Эвоҳ, бу тарихлар бир-бирларига жуда-жуда ўхшаб кетади, ҳар бир тарихнинг ўз ташвиши бор. Мен сизларга ўз Беатричемни, яъни ўз фариштамни қандай учратганим ҳақида ҳикоя қилиб бераман, буни сенга илгари сўзлаб берган эдим, Асканио. У малаканинг мен учун қанчалик қадрли бўлганини тушунганингдан кейин, нима сабабдан Коломбани ҳеч бир эътирозсиз сенга топшираётганимга ажабланмай қўясан. Зеро мен бу рафторим билан раҳматли онанг тўккан кўзёшлар олдидаги гуноҳимни ювишга уринмоқчиман, Асканио! У гоят табаррук аёл эди! Беатриче — масъуда аёл дегани, Стефана — тождор малика дегани.

— Бу воқеани менга кўпдан бери сўзлаб бермоқчи эдингиз, устоз.

— Тўғри,— деди Челлини,— мана, энди мавриди келди. Эшитинг, Коломба! Кейин Асканиомизни нимага бунчалик яхши кўришимни тушуниб оласизу менга бутунлай ишонадиган бўласиз.

Бенвенуто Челлини шу муаттар, сокин тунда осмон гумбазида чамандай очилган юлдузлар шуъласи остида ошиқ-маъшуқларнинг қўлларидан оҳиста ушлаганча ўзининг мулойим ва жарангдор овози билан шундай ҳикоя қила бошлади.

Тўртинчи боб

СТЕФАНА

Бу воқеага йигирма йил бўлди. Мен ўшанда худди сенга ўхшаган йигирма ёшли йигит эдим, Асканио. Рафаэль дель Моро деган бир заршунос устанинг қўлида халфалик қилардим. У ўткир дидли яхши уста эдию, лекин вақтичоғлик қилишни хуш кўрар, маишатнинг дарагини эшитса, ўзини томдан ташлар, то ҳамёнини қоқламагунича, бор пулини гарра-шарра сарфлайверарди, бу ҳам етмагандек, шогирдларини ҳам ўзи билан маишатбозлик қилишга ундарди. Мен кўпинча устахонада ёлғиз қолиб, қўшиқ хиргойи қилганча чала ташлаб кетилган ишни битириб қўйиш билан овора бўлардим. Уша пайтларда мен ўзимизнинг Скоццонега ўхшаб, доим қўшиқ айтиб юрардим. Маэстро Рафаэль кўнгли бўш одам эди. У ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдира олмасди, шунинг учун ҳам Флоренциядаги барча ишёқмаслар унинг олдига иш сўраб, аниқроғи, вақтихушлик қилиш учун турнакатор тизилиб келаверишарди. Турган гапки, бу зайлда ҳаёт кечирган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди. Аслида ҳам, ҳеч қачон унинг ёнида пул бўлмасди, натижада, сал вақтдан кейин у бутун шаҳарда субутсиз уста деган ном олди.

Йўқ, унчалик эмас! Флоренцияда устозимнинг бир ҳамкасби бўлиб, унинг насл-насаби гарчи олижаноб санъаткорлардан бўлса ҳам, ўзи эл ичида устозимчалик ҳам обрўга эга эмас эди. Мен Жизмондо Гаддини назарда тутяпман. Аммо у Рафаэль дель Морога ўхшаб қарзларини тўлай олмагани учун эмас, балки ишга уқуви йўқлиги, энг муҳими, ниҳоят даражада қурумсоқлиги туфайли Флоренция аҳли олдида обрўсини

йўқотган эди. Охир-оқибат, у ҳамма мижозларидан айрилиб қолди, энди устахонасига, агар битта-яримта гофил хорижликни истисно қилсак, ҳеч ким қадам қўймай қўйди. Шунда Жизмондо судхўрликни касб қилиб олиб, бўлғуси меросларини ҳалитдан совуришга қиришган бойвачча йигитларга катта фойда эвазига пул қарз бериш билан кун кечира бошлади. Бу ишда унинг омади келди, чунки Гадди гаровга фақат йирик-йирик нарсаларни қабул қилар ва ҳеч қачон қалтис туюлган ишга қўл урмас эди. Бундан ташқари, Жизмондонинг ўзи ҳақида айтган гапига қараганда, у жуда эҳтиёткор ва сабр-қаноатли одам эди; у ҳар қанақа одамга — ватандошларига ҳам, ажнабийларга ҳам, христианларга ҳам, яҳудийларга ҳам пул қарз бера-верарди; агар иложини топса, авлиё Пётрга ҳам унинг калитлари эвазига,¹ шайтонга ҳам жаҳаннам хазина-лари эвазига жон-жон деб пул қарз берган бўларди.

Турган гапки, у шўрпешона соҳибим Рафаэль дель Морога ҳам қарз бериб турар эди; гарчи дель Моро бояги-боягидек виждонли одам бўлса ҳам, кун сайин қарз ботқоғига кўпроқ бота бошлади. Бу икки ҳам-касбнинг иш юзасидан доим мулоқот қилиб туриши, боз устига, яқин қўшни бўлиши ва, ниҳоят, шаҳар ақлининг икковларига бирдай совуқ муносабатда бўлиши уларни бир-бирига яқинлаштирди. Дель Моро, сўзини ҳеч иккита қилмай, доим истаганича пул қарз бериб турувчи Жизмондо Гаддидан беҳад миннатдор эди. Гадди ҳам, ўз навбатида, ундан қарз олиб турувчи бу ҳалол ва камсуқум одамни беҳад ҳурмат қилар эди. Қисқаси, тез орада улар жонажон дўст бўлиб олишди, энди Жизмондо, бошидан сочилган зардан воз кечса кечарди, аммо Рафаэль дель Моро таклиф этган зиёфатларнинг биронтасига ҳам бормай қўймасди.

Дель Моро бева бўлиб, унинг Стефана исмли ўн олти ёшли бир қизи бор эди.

Стефана том маънодаги гўзал қизлардан бўлмаса ҳам, жамолига нигоҳи тушган ҳар битта одамни ўзига маҳлиё қилиб қўярди. Унинг аёлларга хос бўлмаган кенг пешонаси донолигидан далолат берар, ўтдек чақнаб турган тимқора шахло кўзларининг

¹ Инжил ривоятларига кўра, жаннат дарвозасининг калити авлиё Пётрнинг қўлида бўлган.

нигоҳи қалбингизнинг энг теран еригача зиё бахш этгандек бўлар, шунда сиз вужудингизни беихтиёр меҳр ва лутф туйғуси қамраб олганини ҳис этардингиз. Қизнинг хиёл қорачадан келган рангпар чеҳрасини худди куз офтоби янглиғ майин ва маҳзун жилва ёритиб турарди. Дарвоқе, унутай дебман, қизнинг қўллари бағоят чиройли, тўсдек қора сочи бошига чамбар қилиб боғланган эди.

Стефана бошини, бўрон синдирган нилуфарга ўхшаб хиёл бир томонга эгиб туришга одатланган эди. Руҳий тушқунликнинг жонли тимсоли! Лекин у қўлини амиронан кўтариб бирон иш буюргудек бўлса, қадди-қоматини сарвдек мағрур тутар, ғаройиб кўзлари порлар, бурун катаклари кериларди, шунда сиз ўзингизни Жаброил қаршисида тургандек ҳис этиб, унинг пойига тиз чўкишдан ҳам қайтмасдингиз. Сен унга жудаям ўхшаб кетасан, Асканио, лекин ундаги касалманд заифлик ва чеҳрасидаги уқубат аломатлари сенда йўқ. Ҳали шу пайтгача ҳеч бир зотнинг боқий руҳи мана шу ғоят нафис ва нозик хилқатнинг руҳидек кўз олдидан аниқ намоён бўлмаган! Ўз қизини жондан ортиқ севувчи, шу билан бирга, ундан ҳайиқиброқ турувчи дель Моро бир эмас, бир неча марта: хотиним ўлган, қабрда ётган бўлса ҳам, унинг руҳи Стефана жисмида яшамоқда, деб айтган эди.

У пайтларда мен енгилтак, тийиқсиз, довюрак йигит эдим, мен учун дунёда энг қадрли нарса эрк эди. Вужудимда ёшлик ғайрати жўш ураб ва мен у ғайратни бебош муштлашишлару оташ муҳаббатга сарфлардим. Мен йигитлик ғайратим жўшиб қандай вақтичоғлик қилсам, худди шундай ғайрат-шижоат билан ишлардим. Қарангки жиннисанғи қилиқларимга қарамай, Рафаэлнинг энг яхши халфаси ҳисобланардим. Очиги, асосан мен ишлаб топган пулга бир амаллаб рўзғор тебратиб турардик. Аммо мен ясаган яхши нарсаларнинг ҳаммаси тасодифан, ўз-ўзидан шундай бўлиб чиқар эди. Мен антик дунё санъатини қунт билан ўргана-ар эдим, соатлаб ўтириб, Юнонистон ва Румо усталарининг ҳайкаллари, барельефларидан нусха олардим; мен қадим замоннинг буюк ҳайкалтарошлари ижоди билан шу зайлда танишиб, улардан чизиқлар аниқлиги ва шакллар софлигини ўргандим. Лекин у пайтда мен ҳали ижодкор эмас, бор-йўғи яхшигина тақлидчи эдим. Лекин шунга қарамай, такрор айтаман, мен дель Моро-

нинг энг моҳир, энг заҳматкаш шогирди ҳисобланардим. Мана шунинг учук, кейинчалик эшитишимга қараганда, устозим мени куёв қилишни кўнглига солиб юрган экан.

Лекин мен, орий рост, уйланишни хаёлимга ҳам келтирмасдим! Менинг фикру зикрим ўйинқароқлик, эркинлик, бебошлик эди. Эрталаб уйдан чиқиб кетганимча кечгача қорамни кўрсатмас эдим, кечқурунлари ҳориб силлам қуриб келардим, лекин шунга қарамай, бир неча соат ишлаб кун бўйи ишлаган халфалардан ўзиб кетардим. Мен бир оғиз ўринсиз айтилган сўзни баҳона қилиб муштлашардим, бир қиё ташланган нигоҳ туфайли ошиқ бўлиб қолардим. Э, нимасини айтасиз, бинойидай эр чиқиши мумкин эди мендан!

Менинг Стефанага бўлган ҳиссиётим Порт-дель-Пра-тодаги ёки Борго-Пинтидаги дўндиқчаларга бўлган шайдолигимга мутлақо ўхшамас эди. Стефананинг қаршисида мен анча ҳадиксираб турардим. Агар ўшанда бирон киши менга: сен Стефанани ўз синглингдек эмас, бошқача севасан, деб айтса борми, мен ўша одамни мазах қилиб хахолаб кулган бўлардим. Одатда, мен ишқий саргузаштларимдан қайтганимда бош кўтариб қизнинг кўзига қарашга журъат эта олмасдим. Бундай пайтларда Стефана аччиғланмас, лекин ғамгин кўри-нарди. Бордию мен маишагбозликдан чарчабми ёки баракали меҳнат қилишга ғайратим жўшибми уйда қолсам, Стефананинг менга очик юз билан тикилаётганини кўрардим, шунда унинг нафис овозини эшитардим у кўнглим тоғдек кўтарилиб кетарди. Стефанани мен теран муҳаббат билан севардим, унга астойдил ихлос қўйган эдим, десам ҳам бўлади, аслида бу ҳиссиётимнинг маъносига ўзим ҳам тушунмасдим-у, лекин уни ўйласам қалбимда ҳузурли бир жимирлаш пайдо бўларди... Кўпинча, айти тараллабеод қилиб юрган пайтларимда, хаёлимга Стефана келардию бирдан ювош ва маъюс бўлиб қолардим. Мабодо мен унинг номини худди ўз муқаддас пуштипаноҳимни ёдлаган-дек тилга олиб қилич ё ханжар суғурсам, албатта жангда ғолиб чиқар эдим, бунинг устига ҳеч қандай шикаст ҳам емасдим. Аммо мен латофатли, назокатли, маъсума қизга бўлган бу ҳиссиётимни муқаддас билиб, қалбимнинг энг теран ерида асрардим.

Ҳамкасб ўртоқларимга нисбатан бепарво ва такаб-буруна муносабатда бўлган Стефана мен билан жуда

кушмуомала эди, хурмача қилиқларимга чидарди. Баъзида у устахонага кириб, отасининг ёнига бориб ўтирарди; мен бошимни эгиб ишлаб ўтирсам ҳам, унинг нигоҳи мудом менга қаратилганини дилдан ҳис қилар эдим. Мени бошқалардан афзал кўрганидан гурурланиб, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим, аммо нега бундай қилаётгани ҳақида ҳеч бош қотирмасдим. Агар халқалардан биронтаси, хўжайиннинг қизи сенга ошиқ бўлиб қолипти, деб менга қўпол ҳазил қилгудек бўлса, шунақанги додини берардимки, то ўла-ўлгунича ҳазил қилишга бошқа журъат эта олмайдиган бўларди. Аммо мен Стефананинг қалбимдан мустақкам жой олганлигини у оғир бахтсизликка учраганидан кейингина фаҳмладим.

Бир куни у устахонада паришонхотирлик билан қўлини вақтида тортиб ололмай қолдию ношуд халфа (назаримда, у маст эди) қизнинг ўнг қўлидаги икки бармогини ўткир кескич билан қаттиқ жароҳатлади. Бечора қиз жон аччиғида чинқириб юборди, лекин шу заҳоти ўзини тутиб олиб, қўли қора қонга беланган бўлишига қарамай, кўнглимизни тинчитиш учун, жилмайиб қўйди. Шу топда мен ўша ношуд йигитни ўлдириб қўйишга ҳам тайёр эдим. Жизмондо Гадди ҳам ўша пайт устахонада эди; у жарроҳ қўшниси борлигини айтиб, уни бошлаб келгани ғизиллаб кетди. Жарроҳ хашаки бир тайиб экан; тўғри, у ҳар куни келиб Стефанани кўриб турди, аммо унинг ўта фаросатсизлиги оқибатида беморнинг қони бузила бошлаган эди. Натижада, бу ҳайвон жарроҳ: баҳоли қудрат ҳамма ишни қилдим, лекин бўлмади, беморнинг қўлини кесишга тўғри келади, деса бўладими. Бу маҳал Рафаэль дель Моро хонавайрон бўлиш даражасига бориб қолган эди, шу боис бошқа дурустроқ доктор чақиришга қўриб етмасди. Мен бўлсам, бу машъум хабарни эшитганим заҳоти, ҳужрамга отилдим ва ҳамёнимни қоқиштириб, жамғариб қўйган пулларимни олдим-у, бир вақтлар папани ҳам даволаган италиялик энг тажрибали жарроҳ Жакомо Растелли де Перузенинг олдига югурдим. У менинг арз-додимни эшитиб, энг муҳими, олиб келган пулимнинг чўгини кўриб: «Оббо муҳаббат шайдолари-е!» деб тўнғиллаганича дарҳол беморни кўргани йўлга тушди. Шифокор жароҳатни кўздан кечириб, Стефанани даволай олишини ва икки ҳафтада унинг дард кўрмагандек бўлиб кетишини айтди. Мен хурсанд

Бўлганимдан бу мухтарам зотни қучоқлаб ўпиб олай дедим. У беморнинг яраланган бармоқларини боғлаб қўйди, шундан кейин, Стефана анча енгил тортди. Лекин бир неча кундан кейин унинг суягида оқма пайдо бўлдию операция қилишга тўғри келди.

Стефана, операция пайтида тепасида туришимни илтимос қилди, анча далда бўласиз, деб айтди. Лекин қўрқувдан ўзимнинг юрагим эзилиб кетаётган эди. Жакомонинг жарроҳлик асбоблари бесўнақай, шу боис, шўрлик қизни қаттиқ қийнаётган эди. Стефана азобга дош бера олмай инграй бошлади, бу инграшлар юрагимни пора-пора қилиб юборди, пешонамда совуқ тер томчилари пайдо бўлди.

Ахири чидай олмадим: мудҳиш асбоблар қизнинг нафис ва нозик бармоқларига азоб беришига қараб тура олмадим; назаримда, жарроҳнинг пичоқлари Стефанани эмас, мени қийноққа солаётгандек бўлди. Мен жаноб Жакомодан бир неча дақиқага операцияни тўхтатишни илтимос қилиб, дик этиб ўрнимдан туриб кетдим.

Мушфиқ бир руҳ дилимга эзгу фикр уфургандек бўлди: мен устахонага ғизиллаб бориб, шошилич равишда пўлатдан дами худди устарадек ўткир пичоқ ясадим ва уни жарроҳга олиб келиб бердим. Буёғига операция жуда енгил кўчиб, Стефана бошқа қийналмади. Беш дақиқада операция тугади, икки ҳафтадан кейин эса Стефана қўлини менга ўпишга узатар экан, буни сиз сақлаб қолдингиз, деб айтди.

Мен шўрлик «ювош» қизнинг (баъзида Стефанани шундай деб атардим) чеккан азобларини кўриб ўзимнинг қанчалик қийналганимни бу ерда гапириб ўтирмоқчимасман.

Дарҳақиқат, ювошлик Стефананинг тугма хислати ҳисобланарди. У бебахт қиз эди: отасининг бемулоҳаза, бебош турмуш тарзини кўриб, руҳан қаттиқ эзиларди: унинг биттаю битта юпанчиги тоат-ибодат эди. Зеро у барча бахтсиз одамлар сингари художўй эди.

Мен ҳам доим худога сиғиниб турардим, ибодат қилгани черковга борганимда кўпинча, чеккароқ жойда чўккалаб туриб олиб, дув-дув кўзёш тўкканча жидду-жаҳд билан ибодат қилаётган Стефанага кўзим тушарди.

У отасининг беғамлиги оқибатида мушкул аҳволга тушган дамларда ёрдам сўраб фақат менга мурожаат қиларди: унинг самимий ишонч ва хушсуханлик билан илтимос қилишини кўриб мен ҳайратга келардим.

«Бенвенуто, — дерди у фақат самовий хилқатларгагина хос бўлган назокатли соддадиллик билан, — ўтинаман сиздан — бугун ишдан кейин кўпроқ қолиб манави буюмни ясаб битирсангиз. Рўзгор тебратиш учун уйда бир чақа ҳам қолмаган».

Шу-шу бўлдию ҳар битта қилган ишим тўғрисида Стефананинг фикрини эшитиш менда одат тусига кириб қолди; у ишимдаги нуқсонларни жуда зийраклик билан кўрар ва менга доно маслаҳатлар берарди. Елғизлик ва гам-ҳасрат унинг ақлини пешлаган, руҳини кўтарган эди. Стефананинг одмигина, аммо айни пайтда, гоят теран мулоҳазалари ижодиётнинг кўп сирларини идрок қилишимга ёрдам берди ва аксар пайт санъатнинг янгидан-янги қирраларини очиб берди.

Эсимда, бир куни мен Стефанага кардинал буюрган бир медалнинг хомаки нусхасини кўрсатган эдим: медалнинг бир томонида кардиналнинг ўзи, иккинчи томонида — тўлқинлар узра ҳаворий Пётр томонга қўл чўзиб келаётган Исо Масихнинг тасвири акс эттирилган эди. Тасвир остида: «Quare dubitasti?» — «Нечун шубҳага бординг?» — деган ёзув бор эди.

Кардиналнинг тасвирини Стефана мақтади — у анча яхши чиққан эди, чунки аслига жуда ўхшаб кетарди.

Кейин қиз сукут сақлаганича халоскоримизнинг¹ тасвирига узоқ вақт тикилиб турди-да, ниҳоят бундай деди:

«Чехраси чиройли, агар бу Аполлоннинг ёки Юпитернинг чехраси бўлганида, эътироз билдирмаган бўлардим. Аммо халоскоримиз наинки кўркам — у илоҳий хилқатдир. Унинг юз тузилиши мутлақо беқурсур, аммо мен унинг қалбини кўрмайман! Мен маҳлиё бўлиб одамзод чехрасини кўряпман, аммо худони кўрмайман. Шунинг учун, Бенвенуто, сиз нафақат санъаткорсиз, шунингдек христиан бандаси ҳамдирсиз. Билинги, менинг ҳам руҳим тушиб, иштибоҳ қилган пайтларим бўлган, шундай пайтларда кўз олдимда Исо Алайхиссалом намоён бўлар ва илкани мен томонга чўзиб: «Нечун шубҳага бординг?» — дерди. О, Бенвенуто, унинг илоҳий сиймоси сиз чизган тасвирдагидан гўзалроқдир! Тангрининг чехрасида оталик ҳасрати ҳам, барча гуноҳлардан ўтувчи илоҳий қарам ҳам мавжуд. Унинг чехраси очик, лабларида жилва. У наинки бузург, шунингдек, саховатли ҳам эди».

¹ Халоскор — Исо пайғамбар демоқчи.

«Шошманг, шошманг, Стефана!»

Мен шундай деб хомаки тасвирни шоша-пиша ўчирдим у бор-йўғи чорак соат ичида, унинг кўзи олдида Исонинг янги сиймосини чизиб бўлдим.

«Фикрингизни тўғри тушунибманми, Стефана?»

«О, ҳа, ҳа! — деди у кўзлари жиққа ёшга тўлиб. — Мен умидсизликка тушган дамларимда халоскоримиз кўз олдимда айнан мана шундай қиёфада намоён бўлур эди. Сизга маслаҳатим шуки, Бенвенуто, ҳар доим бирон ишга киришишдан олдин, яратмоқчи бўлган нарсангиз тўғрисида яхшилаб ўйлаб олинг. Сиз омилкор, маҳорат соҳибисиз — энди ўз асарингизда маънони ифодалашни ўрганинг. Сизда мавзу моддаси бор — унга жон киритга билинг. Қисқаси, қўлларингиз идрокингиз амрини бажарсин».

Қарангки, ўн олти ёшли қиз менга мана шундай маслаҳатлар берарди, зеро унга бу санъаткорона нозик дидни худонинг ўзи ато этган эди.

Мен ёлғиз қолган пайтларимда, кўпинча Стефананинг гапларини ўйларканман, ҳар гал унинг ҳақ эканлигини эътироф этардим. Стефана шу йўсинда менга сабоқ берар, йўл-йўриқ кўрсатарди. Мен шакл ясашни ўрганиб олганимдан сўнг, энди уни тафаккур билан бойитишга урина бошладим, зероки мен, Юпитернинг бошидан Минерва мукамал ҳолда чиққанидек¹ ўзим бунёд этаётган нарсада руҳ билан жисмнинг мужассам бўлишини истардим.

Е танграм! Ёшлик хотиралари мунча ҳам безавол, мунча ҳам латофатли бўларкан!.. Коломба, Асканио! Бугунги ажиб оқшом Стефана билан унинг уйи олдидаги ўриндиқда ўтказганим оқшомларга жуда ҳам ўхшаб кетяпти. Ушанда Стефана юлдузларга тикилар, мен бўлсам унинг жамолидан кўзимни узмасдим. Шундан буён орадан йигирма йил ўтди, аммо бу манзара куни кеча бўлгандек туюляпти менга. Мана ҳозир ҳам гўё Стефананинг қўлларини сиқаётгандекман, лекин аслида бу сизларнинг қўлларингиз, бўталарим! Ҳа, парвардигорнинг ҳар бир иши фақат эзгуликдир.

Мен унинг ранглар чехрасини, оппоқ кўйлагини кўрган заҳотим вужудимни ажиб бир ҳаловат туйғуси

¹ *Минерва* — Румо мифологиясида, энг олий худо Юпитернинг қизи, ҳунар ва санъатга ҳомийлик қилувчи маъбуда. Шунингдек, у уруш маъбудаси сифатида ҳам эъзозланади. Ривоятларга кўра, Минерва совут кийиб, бошдан-оёқ қуроланган ҳолда ўз падари Юпитернинг бошидан туғилган. (Тарж.)

қамраб оларди. Баъзида биз бутун оқшом ёнма-ён ўтириб бир оғиз ҳам сўз айтмас эдик; аммо мана шу сўзсиз суҳбатимиз қалбимда олижаноб тафаккур, юксак ҳиссиётларни уйғотар, мени беқусур ва беҳбуд инсонга айлантирарди.

Афсуски, ҳамма нарсанинг ҳам ниҳояси бўларкан; бизнинг саодатли кунларимиз ҳам тугади.

Рафаэль дель Моро бутунлай хонавайрон бўлди. У ўзининг муруватли қўшнисидан икки минг дукат¹ қарз бўлиб қолган ва уни қандай узишни билолмай боши қотган эди. Бечоранинг ҳоли жуда хароб эди. У, ҳеч бўлмаса қизимни фалокатдан қутқарай, деб уни менга турмушга бермоқчи бўлибдию бу ҳақда бир халфа билан маслаҳатлашипти, чамаси, ундан ўртада туриб менинг кўнглимни билиб беришни хоҳлаган бўлса керак. Аммо бу халфа бир марта қўпол ҳазил қилгани учун мендан яхшилаб шувағасини олган аблаҳ эди.

У устозининг гапини охиригача ҳам эшитмай: «Бу фикрингиздан қайтинг, маэстро дель Моро,— деб сўзини бўлипти.— Онт ичиб айтаманки, бу ҳаракатингиз зое кетади».

Рафаэль дель Моро нафсониятли одам эди, шунинг учун, Бенвенуто менинг қашшоқлигимдан ҳазар қилар экан-да, деб кўнглидан ўтказибдию менга ҳеч нима демабди.

Сал вақтдан кейин Жизмондо Гадди берган қарзини талаб қила бошлади. Рафаэль, яна бир оз кут, деб ундан илтимос қилди. Шунда Гадди бундай деди:

«Қулоқ солинг, қизингизни менга турмушга беринг-қўйинг! У фаросатли, тежамкор қиз. Шу билан орамиз очиқ бўлади».

Гарчи Гадди эл орасида ўлгудек дағал табнат, қизганчиқ одам сифатида танилган бўлса ҳам, дель Моронинг севинчдан боши осмонга етди, чунки Гадди бой эди, камбағаллар одамини айнан шу бой бўлгани учун қадрлашади, ҳурмат қилишади.

Рафаэль Жизмондонинг бу таклифи тўғрисида қизига оғиз очганида у «чурқ» ҳам этмабди; фақат кечқурун учрашувимиз охирида, Стефана уйга кириб кетатуриб менга оддийгина қилиб бундай деди:

«Бенвенуто, Жизмондо Гадди менга уйланмоқчи бўлипти, отам розилик билдирипти».

Қиз бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмай ичкарига кириб кетди. Мен худди илон чақиб олган одамдек сапчиб

¹ Дукат — Венеция тилла тангаси.

Ўрнимдан туриб кетдим ва қаттиқ ҳаяжонда шаҳарни тарк этиб, дала-даштда сандироқлаб юрдим.

Мен бутун тун худди савдойи одамдек гоҳ ўзимни ҳар томонга урдим, гоҳ ҳўнг-ҳўнг йиғлаганча шудрингдан нам бўлган ўт устида ағанадим, шунда яллиғланган миямдан минг-минглаб энг шаддод, энг эҳтиросли, ғаройиб фикрлар лип-лип ўта бошлади. «Стефана Жизмондога хотин бўладими ҳали! — дердим ўзимни қўлга олишга уриниб. — Менки буни ўйлаганимда бутун вужудим ларзага келаётган экан, қиз шўрликнинг ҳоли не кечяптийкин! Турган гапки, Стефана мени ундан афзал кўрган бўларди. Стефана ҳеч нима демаяпти, лекин у ўртамиздаги дўстлик риштасини узмасликни сўзсиз илтижо қиляпти, қалбимда рашк туйғусини уйғотмоқчи бўляпти! О, ҳа! Мен рашк қиламан! Жон-жаҳдим билан рашк қилишга ҳаққим борми ўзи? Тўғри, Гадди бадқовоқ, қўрс одам, аммо келинлар, масалага холис ёндашайлик: менинг қўлимдан келармикин аёл кишини бихтиёр қилиш? Ахир мен тошбағир, қайсар, тажанг, дуэль бўлса томдан ташлайдиган, рўпара келган аёлнинг орқасидан илакишиб кетаверадиган одамман! Феълимни ўзгартиришга қурбим етармикин? Йўқ, ҳеч қачон! Томиримда қон жўш ураб экан, қўлим шамшир бандини қўйиб юбормайди, оёқларим беихтиёр йўрға чиқариб, уйни тарк этиб кетавераман.

Бечора Стефана! Агар менга турмушга чиққанида борми, кўп изтироб чеккан, бутун умр юм-юм йиглаб ўтган бўларди! Кўз олдимда гулдек сўлардию оқибат мен ундан ҳам, ўзимдан ҳам нафратланган бўлардим. Кейин боши ғамдан чиқмай дунёдан кўз юмарди — мен ўзимни унинг қотили деб ҳисоблаган бўлардим. Эвоҳ, онлавий ҳаётнинг ҳаловати ва беғубор қувончи мен учун бегона. Мен эркин, беҳаловат, жўшқин ҳаёт учун яратилганман, бинобарин агар ўзимни мудом бир зайлда ўтадиган оромбахш онлавий ҳаёт оғушига олсам, бу нафис ва нозик гулни дағал қўлларим билан синдириб, сўлдириб қўйишим мумкин. У ҳолда, мен учун бениҳоя қадрли бўлган у хилқатни, бу ҳассос ва меҳрибон қалб соҳибини ўз фосиқлигим билан қаттиқ изтиробга солган, айна пайтда ўзим ҳам тоабад вилждон азобида қийналиб яшаган бўлардим. Ҳа, аммо Стефана Жизмондо Гадди билан бахтли бўлармикин? Нега энди унга эрга тегяпти? Ахир иккаламиз жуда тотувлик билан вақт ўтказар эдик-ку! Стефана, санъаткор руҳи-



ни, тақдирини ҳеч қандай куч билан кишанбанд қилиб бўлмаслигини, оилавий ҳаётнинг пастназар эҳтиёжларига унинг бўйин эгмаслигини жуда яхши тушунади. Демак, агар унга уйлансам, шуҳрат қозониш ҳақидаги орзуларим билан буткул видолашишимга, порлоқ истиқболимни дафн этишимга, озодликни, мустақилликни талаб этувчи санъатдан воз кечишимга тўғри келади. Ахир буюк ижодкорни, даҳони ўчоқ ёнидаги бурчакка тикилиб ўтирганини ким кўрган? О, боқий Данте Алигьери! Сиз ҳам, о менинг устозим Микеланжело! Ўз издошингизнинг гўдакларини аллалаб ўтирганини, хотинининг қаршисида зир титраб турганини кўриб роса кулган бўлардингиз, албатта! Йўқ, менга тўғри келмайди бу тарзда яшаш! Бардам бўл, Бенвенуто, Стефанага раҳминг келсин. Ўз орзу-умидларингга содиқ қолиб уйланма».

Кўриб турибсизки, болаларим, бемулоҳаза қилмишларимни асло силлиқламоқчи эмасман. Қарорим анча худбинона қарор эди; лекин мен Стефанага бўлган энг самимий ва теран муҳаббатим даъвати билан шундай қарорга келган эдим. Шунинг учун ҳам бу қарор менга тўғри қарор бўлиб туюлган эди.

Эртаси куни мен устахонага анча хотиржам кайфиятда кириб келдим. Стефана ҳам бамайлихотир кўринарди, фақат ранги одатдагидан сўниқроқ эди.

Орадан бир ой ўтди. Кунларнинг бирида кечқурун Стефана мен билан хайрлашар экан шундай деди:

«Бенвенуто, бир ҳафтадан кейин мен Жизмондо Гаддига эрга тегаман».

Аммо бу сафар у уйга киришга унча шошилмади, шу боис мен унинг қиёфасини мангу дилимга жо қилиб олдим: у менинг қаршимда қўлини юрагига босиб, бошига тушган қайғунинг залваридан қаддини эгиб маҳзун ва лол турарди. Унинг мулоим ва меҳрибон табассуми шу қадар қайғули эдики, одамнинг хўрлигини келтирарди. Унинг нигоҳи маъюс, аммо бемаломат эди. Назаримда, менинг бу ювош малагим, гўё ер юзини тарк этиш олдидан мен билан мангу видолашаётгандек бўлиб туюлди. У бир дақиқача сукут сақлаб тургач, уйга кириб кетди, шу-шу бўлдию унинг васлига мушарраф бўлиш менга бошқа насиб этмади.

Шунда мен яна бошяланг ҳолда шаҳарни тарк этиб чиқиб кетдим, аммо ўша куни ҳам, эртасига ҳам орқамга қайтмадим, балки чарчаш нималигини билмай, йўл

юриб кетавердим, кетавердим ва охири ўзимни Римда кўрдим.

У ерда мен беш йил қолиб кетдим. Ҳаммага машхур бўлдим, папанинг илтифотига муяссар бўлдим, дуэлларда олишдим, қизларга ошиқ бўлдим, ўз касбим бобида катта муваффақиятларга эришдим, лекин бахт нималигини билмадим, менга ҳамиша нимадир етишмаётгандек туюлаверди, мен ҳаёт гирдобида тинмай чарх урар эканман, Флоренцияни эсламаган куним бўлмади. Шунингдек, ҳар куни кечаси Стефана тушимга кириб чиқар эди; у отасининг уйи остонасида ранги бўздек оқариб тураркан, доим менга мунгли боқарди.

Беш йилдан кейин мен Флоренциядан мотам муҳри босилган мактуб олдим. Бу мактубни жуда кўп марта қайта-қайта ўқийверганимдан у менга ёд бўлиб кетган. Мана ўша мактуб:

«Бенвенуто, мен ҳадемай ўламан. Бенвенуто, мен сизни севар эдим. Менинг орзуларим бундай эди: мен сизни ўзимни билгандек яхши билардим, қалбингизда улкан истеъдод жо бўлганини сезган эдим, сизнинг буюк инсон бўлишингизга имоним комил эди. Сизнинг кенг манглайингиз, оташ нигоҳингиз, асов шижоатингиз — буларнинг ҳаммаси буюк даҳога молик хислатлар эдики, улар сизга хотин бўлажак аёлни жуда оғир мусибатларга рўбарў қилиши мумкин эди. Мен ҳар қандай уқубатга ҳам рози эдим. Менинг бахтим зиммамга тушадиган масъулиятнинг буюклигида эди. Мен сизга, Бенвенуто, нафақат хотин, шунингдек ҳам она, ҳам дўст, ҳам ҳамшира, бўлган бўлардим. Сизнинг муборак ҳаётингиз бутун жаҳонга тегишли эканини тушунардим, шунга кўра, қайғули дамларингизда кўнглингни кўтариш, бахтсизликка учраган чоғларингизда таскин беришнинг ўзи мен учун кифоя бўларди. Сиз ҳамшира, ҳар бир фаолиятингизда ўз эркингиз билан иш кўрган бўлардингиз. Ҳайҳот, мен машаққатли ёлғизликка, жўшқин феълингизнинг беқарорлигига, саркаш инжиқликларингизга жуда кўпдан кўникиб қолган эдим. Ғайриоддий одамларнинг мақсадлари ҳам ғайриоддий бўлади. Қудратли бургут самода қанча баландга парвоз қилса, ерга қўнганида шунча кўп дам олиши лозим бўлади. Зотан, сиз ҳам ўзингизнинг серталваса, самовий орзуларингиз гафлатидан уйгонган чоғларингизда яна ёлғиз меники бўлган бўлардингиз, о менинг буюк Бенвенутом, менинг ўктам маҳбубим! Ме-

ни узоқ муҳлат унутиб қўйганингиз учун ҳеч қачон сизга таъна қилмаган бўлар эдим — зеро бу рафторингизда мени таҳқирловчи ҳеч қандай аломат бўлмас эди. Менинг ўзимга келсак, сизнинг барча олижаноб қалб соҳиблари сингари, шоирлар худосининг ўзи каби рашкчи эканлигингизни билганимдан, йўқлигингизда, одамлар кўзидан ўзимни панага олиб, сизни ўз паноҳида асрашини худодан илтижо қилганча узлатда яшаган бўлардим.

Мен ўз ҳаётимни мана шундай тасаввур қилган эдим.

Аммо сиз мени тарк этдингиз, шунда мен тақдиримга тан бердим, сизнинг хоҳишингизга итоат этдим-у, ўз иқболимдан юз ўгириб, фарзандлик бурчимни адо этишга рози бўлдим. Отам, уни қарз қилган одамга турмушга чиқишимни ва шу йўл билан уни шармандаликдан кутқаришимни хоҳлади; мен унинг хоҳишига итоат этдим.

Эрим қўрс, бераҳм ва золим одам бўлиб чиқди. У менинг итоатгўйлигимга қаноат қилмай, яна мендан уни севишимни талаб қилди; лекин бу менинг қўлимдан келмас эди. У менинг гайриихтиёрий ҳасратда эканлигимни кўриб, қўрс муомала қила бошлади. Мен чидадим. Ўйлайманки, мен унга вафодор ва шоиста, лекин ҳамиша маъюс хотин бўлдим, Бенвенуто! Чеккан азоб-уқубатларим эвазига худо менга ўғил ато этди. Тўрт йил давомида, боламнинг маҳрибон эркаланишлари туфайли эримнинг таҳқирларию калтакларига парво қилмадим; охир-оқибат у қашшоқлашиб қолди. Зеро у текин даромад кетидан қувиб, бутунлай хонавайрон бўлди ва бундан бир ой бурун очликдан ва қайғу-ҳасратдан қаза қилди. Мен уни кечирдим, худо ҳам унинг гуноҳларидан ўтсин!

Энди менинг ҳам куним битган. Мен шу бугуноқ дунёдан кўз юмаман. Нуридийдам — ўғлимни сизнинг ихтиёрингизга қолдираман, Бенвенуто.

Эҳтимол шундай бўлгани маъқулдир. Ким билсин, мен, заифа бир аёл орзу қилганим машаққатли вазифамни охиригача бажара олармидим, йўқми... Ўғлим Асканио (у менга ўхшайди) ҳаёт йўлингизда сизга ғоятда муносиб ва итоаткор ҳамроҳ бўлади, у сизни мендан кучлироқ бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, яхшироқ сева олади. Боз устига, мен уни сизга рашк қилмайман.

Бенвенуто, мен сизга дўст бўлишни орзу қилган эдим. Энди, ўтинаман, сиз ўғлимга дўст бўлинг!

Алвидо, Бенвенуто! Ҳа, мен сизни севар эдим, ҳозир ҳам севаман, мен боқий дунё қопқаси олдида турарканман, севгимни эътироф этишдан асло уялмайман. Бу муқаддас севги. Алвидо! Сиз буюк санъаткор бўлинг, мен эса, ниҳоят, мангу ором олиб, саодатга мушарраф бўламан. Сиз аҳён-аҳёнда бўлса ҳам самога назар ташлаб туринг, токи мен у ердан сизни кузатиб турай.

Сизнинг Стефанангиз».

Хўш, Коломба, Асканио, энди гапларимга ишонгандирсиз? Айтинглар-чи, маслаҳатларимга қулоқ солишга розимисизлар?

— Ҳа! — деб бир овоздан жавоб қилишди севишганлар.

Бешинчи боб

ҚИДИРУВ

Бу воқеа Кичик Нель қасрининг боғида, юлдузларнинг заифгина шуъласи остида сўзлаб берилган куннинг эртасига эрталаб, Бенвенутонинг устахонаси одатдаги ҳолатда эди: уста тилла туздон устида ишлар (ёдингизда бўлса, куни кеча у шу туздон учун берилган олтинларни, айни пайтда, ўз жонини ҳам, ёлланган тўртта қароқчидан мардона ҳимоя қилган эди); Асканио д'Этамп хонимнинг буюртмаси — нилуфарга зарб берарди; Жак Обри роҳат курсисига чўзилиб ётиб олиб, Челлинига устма-уст савол берар ва шу оннинг ўзида берган саволларига ўзи жавоб қайтарар эди, чунки Бенвенуто «чурқ» этиб ҳам оғиз очмаётган эди; Паголо иш тикиб ўтирган Катеринага ер остидан ўгринча қараб-қараб қўярди; Ҳерман ва бошқа халфалар сайқаллаш, кавшарлаш, эговлаш, зарб бериш билан банд эдилар, — бу тинч меҳнатга Скоццоненинг шўх қўшиғи жон киритарди.

Лекин бу пайт Кичик Нель қасри мутлақо нотинч эди; Коломба ғойиб бўлган эди. Тўс-тўполон кўтарилди. Қизни қидиришар, отини айтиб чақиришар эди. Перрина хонимнинг оҳу фарёди юракни эзар, прево бўлса (шўрпешона отага юз берган фалокат ҳақида дарҳол хабар қилишган эди), ўғирланган, эҳтимолки, қочиб кетган қизининг зига тушиш учун мураббияни минг сўроққа тутмасин, ундан биронта ҳам маънилироқ сўз эшита олмади.

— Гапингизга қараганда, Перрина хоним, — деб сў-

рарди у, — сиз Коломбани охирги марта кеча кечқурун, мен бу ердан кетганимдан кейин кўргансиз, шундайми?

— Надоматлар бўлсинки, афандим, шундай бўлган эди!.. Ё Исо Масих! Бу не кўргулик!.. Бечора қиз бир оз ғамгин кўрингандай бўлди. У саройга кийиб борган серҳашам кийим-бошини, қимматбаҳо тақинчоқларини ечиб кўйиб, ўзининг одмигина оқ кўйлагини кийиб олди... Ё самовий қувватлар, биздан шафқатингизни дариг тутманг!.. Кейин у менга: «Перрина хоним, бугун оқшом илиққина, чиқиб ўзимнинг суюкли хиёбонимда бир оз сайр қилмоқчиман», — деди. Соат етти бўлиб қолган эди, афандим, ўшанда манави хоним... — деб Перрина хоним Пульчерига ишора қилди (бу хонимни яқинда мураббияга ёрдамчи қилиб, аниқроғи, бошлиқ қилиб беришган эди), — бу хоним ўз хонасига кириб кетган эди ва ҳар кунги одати бўйича, моҳир чеварлик санъатини ишга солиб, никоҳ либосларини тикишга киришган бўлса ҳам ажаб эмас, афандим! Мен бўлсам, пастки қаватдаги меҳмонхонада ўтириб иш тика бошладим. Қанча вақт иш билан банд бўлганимни билмайман... эҳтимол, кўзим толиб, ўз-ўзидан юмилгандиру бир дақиқагина ғафлатга кетгандирман.

— Бўлмасам-чи, ухлаш одатингиз-ку, — деб пичинг қилди Пульчери.

— Соат ўнларда, Коломба тагин хаёл суриб ўтириб қолмадимикин, деб уни қидириб боққа чиқдим, — деб Перрина хоним ғийбатчи аёлнинг гапига парво ҳам қилмай гапида давом этди. — Мен баралла овоз билан Коломбани чақирдим, лекин у товуш бермади. Шунда мен, балки Коломба уйга кириб уйқога ётгандиру мени уйғотишга кўзи қиймагандир, деб ўйладим. Кўпинча шундай қиларди менинг оппоқ қизим!... Ё оллоҳи карим! Қим ўйлабди дейсиз бундай бўлишини... Оҳ, мессер прево, онг ичиб айтаманки, шўрлик қизимизни ўғирлаб кетишган.

— Хўш, бугун эрталаб-чи? — деб хонимнинг сўзини бўлди бетоқат прево. — Эрталаб, эрталаб нима бўлди?

— Бугун эрталаб, ҳадеганда унинг уйдан чиқмаётганини кўрдиму... Ё пуштипаноҳимиз Биби Марьям, ўзинг раҳм қил бизга!

— Бу аҳмоқона «дийдиё» ингизни қачон бас қиласизахир?! — деб бақирди мессер д' Эстурвиль. — Ҳамма кўрган-билганларингизни бир бошдан сўзлаб беринг! Шундай қилиб, бугун эрталаб нима бўлди?

— Вой, тақсирим! То нурийдидамиз топилмагунча

мен йиғлашдан тўхтамайман, сиз ҳам мени аччиқ-аччиқ кўзёш тўкишимга монелик қила олмайсиз. Бугун эрталаб Коломбанинг ҳадеганда уйдан чиқмаётганини кўриб юрагим така-пука бўла бошлади-ю,— ахир у сахархезда,— уни уйғотгани ичкари кирдим. Эшикни тақиллатдим — лекин Коломба овоз бермади; хонасига кирдим. Ҳеч зог йўқ! Ҳатто ўрни ҳам ёзилмаган. Шундан кейин бутун қасрни бошимга кўтариб дод сола бошладим! Эсанкираб ақлу ҳушимни йўқотиб қўйдим! Сиз бўлсангиз, афандим, менга йиғини ман қилмоқчи бўласиз.

— Мен йўғимда қасрга биронта одамни киритган-мидингиз, Перрина хоним?— деб қатъий оҳангда сўради прево.

— Менми? Сиз йўқлигингиздами? Хўш, масалан, кимни киритишим мумкин буёққа, афандим? — деди шоиста мураббия ошкора аччиғлаиб, лекин бундай жавоб қайтариш учун виждони унчалик пок эмас эди унинг. — Ахир қасрга бегона одамни киритмаслик ҳақида ўзингиз буйруқ берган эмасмидингиз? Қани, айтинг-чи, бирон марта бўлсин, гапингизга кирмай қолганманми, афандим? Қасрга бегона одамни киритиш? Вой, кимни киритардим?

— Масалан, қизимни соҳибжамол деб айтишга журъат этган анави Бенвенутони. У сизни пора билан ўзига оғдирмоқчи бўлмадими?

— Бенвенутоми? Қани, «чурқ» этиб оғиз очиб кўрсин эди! Мени пора олишга унатгандан кўра ойга учиб чиқиши осонроқ бўларди! Оғиз очса, шунақа адабини берардимки, азбаройи худо!

— Демак, бу ерда ҳеч қандай эркак зоти бўлмаган, масалан, навқирон йигитлар?

— Навқирон йигитлар? Ундан кўра, сиз, афандим, қасрга шайтон киргани йўқми, деб сўрайқолинг!

— Шунақами ҳали? Мен бу ерга ишга тайинланганимдан бери эшигимизни камида ўн мартача келиб тақиллатган анави ёқимтой йигитча ким бўлди унда? — деб сўради Пульчери. — Ҳар гал мен уни тумшуғи остида эшикни ёпиб олардим.

— Ёқимтой йигитча, дедингизми? Янглишяпсиз, гиргиттон, у одам граф д' Орбек бўлиши керак. Э, ҳа, энди тушундим, сиз, афтидан, Асканиони гапиряпган бўлсангиз керак. Асканио эсингиздами, зоти шарифлари? У бола сизни ўлимдан асраб қолган эди. Дарҳақи-

қат! Мен унга бошмоғимнинг кумуш тўқаларини тузатгани берувдим. Ҳали сиз шу шогирд болани навқирон йигит деб айтяпсизми? Ҳушингизни йиғиб олинг, ўргилай! Унинг бу ерга ҳеч қачон қадам қўймаганлигига ҳатто бу уйнинг деворлари ҳам, йўлкаларга ётқизилган тоштахталар ҳам гувоҳлик бериши мумкин!

— Бас қилинг! — деб қатъий равишда унинг сўзини бўлди прево.— Аммо билиб қўйинг, Перрина хоним, агар мени алдаган бўлсангиз, албатта балога гирифтор бўласиз. Энди мен Бенвенутонинг олдига чиқаман. Мени одамлардек қарши олармикин ҳали бу кўрс, лекин барибир боришим керак.

Бенвенуто Челлини, ҳеч кутилмаганда, д' Эстурвилни қучоқ очиб кутиб олди. Ҳайкалтарошнинг ўта бамайлихотир ва самимият билан муомала қилишини кўрган қария, ўз гумонини унга айтишга журъат эта олмади. У фақат, Коломба кеча бир нимадан қаттиқ чўчиб, худди телбалардек уйдан қочиб кетибди, деб қўя қолди.

— Шу боис,— деб гапида давом этди прево,— Коломба Катта Нель қасрига яшириниб олмаганмикин (сиз бундан гофил бўлишингиз мумкин, албатта), ё бўлмаса, бирон ерда беҳуш ётмаганмикин деган хаёл келди миямга.

Хуллас, д' Эстурвиль ёлғонни сувдай ича бошлади.

Лекин Челлини. ўзини чолнинг бу уйдирмаларига ишонгандай қилиб кўрсатди. Ҳаттоки, у меҳмонга илтифот кўрсатиб, ўз фарзандини гард юқтирмай ардоқлаб, меҳрибонлик билан парвариш қилган сиздек отага қизингизни топиб берсам ўзимни бахтиёр ҳисоблаган бўлардим, деди. У яна гапига илова қилиб, қизингиз уйдан қочиб кетиб жуда катта хатога йўл қўйипти, лекин у тезда бу хатосини англаб, отасининг паноҳига — ўзининг ягона ва энг ишончли масканига қайтиб келади, деб айтди. Пировардида, у ўзининг мессер д' Эстурвилга самимий хайрихоҳ эканлигини исботлаш учун, у қизини ахтараётган пайтда наинки Катта Нель қасрида, шунингдек бошқа ҳамма ерда ҳам унга ҳамроҳ бўлишни ихтиёр этди.

Бенвенутонинг гапларига деярли ишонган, қолаверса, унинг мақтовларидан терисига сиғмай кетган прево, гарчи бу мақтовларга ўзининг лойиқ эмаслигини ич-ичидан сезаётган бўлса ҳам, собиқ мулкининг ўзига аён бўлган энг хуфия ерлари, пасқам бурчакларигача ниҳоятда синчковлик билан текшириб чиқа бошлади. У ҳар бир учраган эшикка кирар, ҳар қайси шкафни очар,

гўё бехосдан ҳар бир сандиқнинг қопқоғини очиб кўтариб ичига мўраларди. У қасрни кўздан кечириб бўлгач, боғни ҳам айланиб чиқди, қуролхонада, дегрезлик устахонасида, отхонада, ертўлада бўлиб, ҳаммаёқни ниҳоятда синчковлик билан кўздан кечирди. Бенвенуто ҳам берган ваъдасига вафо қилиб, унга астойдил ёрдам кўрсатди: йўлда учраган у ё бу эшикнинг калитини превонинг қўлига тутқазди, мессер фалон йўлакни ёки қазноқни кўздан кечиришни унутиб қўйдилар, деб эслатиб турди. Боз устига, у превога, ҳамма ерга соқчи қўйинг, деб таклиф қилди, токи Коломба, башарти шу ерда бўлса, бир ердан иккинчи ерга сездирмасдан ўта олмасин.

Икки соат давом этган самарасиз қидирувдан сўнг, мессер д' Эстурвиль қизининг ҳеч ерда йўқлигига ишонч ҳосил қилди ва мезбоннинг хушмуомалалигидан хижолат тортиб, унга дам миннатдорчилик изҳор этиб, дам безовта қилгани учун узр сўраб, Катта Нель қасридан чиқиб кетди.

— Қидирувни қачон яна такрорламоқчи бўлсангиз уйим ҳамиша сизнинг ихтиёрингизда, — деди ҳайкалтарош. — Хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ қундузи, истаган пайтингизда худди ўз уйингизга келгандек кириб келаверинг. Зотан бунга сизнинг ҳаққингиз бор, тақсир! Ахир сиз билан биз, яхши кўшнилардек яшашга сўз бериб шартномага имзо чекканмиз-ку.

Прево яна бир марта унга миннатдорчилик билдирди ва навозишга навозиш билан жавоб қилиш мақсадида, ҳайкалтарош иш олиб бораётган маҳобатли Марс ҳайкалини мақтай бошлади. Бенвенуто ҳайкалнинг гайри таъриф даражада улканлигини мамнуният билан қайд қилганча, меҳмонни унинг атрофидан айлантирди. Ҳақиқатан ҳам, ҳайкалнинг баландлиги олтмиш футдан ошар, пойдеворининг тевараги йиғирма қадам келарди.

Мессер д' Эстурвиль қасрдан бутунлай руҳи тушиб чиқиб кетди. У қизини Катта Нель қасрида топа олмач, қизим шаҳарнинг бирон ерига яширинган бўлса ажаб эмас, деган қарорга келди. Лекин Париж ўша пайтлардаёқ хийлагина катта шаҳар бўлган эдики, гоёйиб бўлган қизни қидириб топиш ҳатто полиция бошлиғи учун ҳам анча машаққатли бўлган бўлар эди. Яна ким билсин: Коломбани ўғирлашганмикин ёки ўзи қочиб кетганмикин? Уни зўравонлик қилиб олиб қочиб кетишганмикин ё у ўз хоҳиши билан шундай иш кўрганмикин? Масала мутлақо мавҳум, бунинг устига,

превога биронта ёрдам берадиган киши ҳам йўқ эди! Шунда у, агар қизимни ўғирлашган бўлса, у ўғрилар назоратидан бир амаллаб қочиб қутулади, бордию ўзи кетган бўлса, барибир, яна отасининг паноҳига қайтиб келади, деб умид қила бошлади. Хуллас, у қизини сабр-бардош билан кута бошлади, шунга қарамай, у кунига йигирма марталаб Перрина хонимни сўроққа тутарди, лекин у худони ўртага қўйиб, барча авлиёю анбиёларни шоҳид қилиб, Асканиодан бошқа ҳеч кимни қасрга киритмаганман, деб қасам ичарди; Асканиодан эса Перрина хоним мутлақо шубҳаланмас, шунингдек, мессер д' Эстурвиль ҳам.

Орадан икки кун ўтди. Коломбадан дарак бўлмади. Ана шунда прево ўз айғоқчиларини ишга солишга қарор қилди. Шу чоққача бундай қилмаганига сабаб, сирининг ошкор бўлишидан, оқибатда, пок номига доғ тушишидан қўрққан эди. Ҳозир ҳам у айғоқчиларга ахтарилаётган қизнинг исмини айтмай, фақат унинг аломатларинигина айтди ва қидирувни ҳақиқатдан йироқ бўлган тамомила бошқача сабаблар замирида олиб боришни буюрди. Лекин унинг бу уринишлари ҳам зое кетди.

Тўғри, жаноб д' Эстурвиль ҳеч қачон меҳрибон, ғамхур ота бўлган эмас эди, қизининг йўқолгани уни унчалик ташвишга солаётгани ҳам йўқ эди, лекин бу ҳол унинг иззат-нафсига теккан ва у обрўсига путур етаётганидан қаттиқ изтиробда эди. У ғазабланиб, тентак қиз шундай бадавлат қайлиқни қўлдан чиқариб юборяпти-я, деб ўйлар ва бошига тушган бу бахтсизлик дарагини саройда қандай мутойиба ва истехзо билан қарши олишларини ўйлаганида хуноби чиқиб кетар эди.

Лекин шунга қарамай, қайлиққа ҳақиқатни айтишга тўғри келди. Бу хабар граф д' Орбекни ранжитди, албатта, аммо унинг ранжи сотиладиган молининг сасиб қолганини эшитган савдогарнинг ранжидан ортиқ эмас эди. Бизнинг мухтарам граф файласуф эди, шу боис, қадрдон дўстига, агар бу сир унчалик овоза бўлиб кетмаса, албатта никоҳ бўлади, деб ваъда қилди; шу оннинг ўзида у имкониятни бой бермайдиган одамга ўхшаб, д' Этамп хонимнинг Коломба ҳақида тузган режасига шама қилди...

Граф д' Орбекнинг шамасидан кейин икки кекса сарой аъёни ўртасида давом этган мусоҳаба билан ки-

тобхонинг вақтини олиб ўтирмайлик. Фақат шуни эътироф этишимиз мумкинки, бу икки қариянинг дилида қайғу билан умид ғоят таъсирли бир тарзда намоён бўлди. Одатда, бахтсизлик одамларни бир-бирига яқинлаштиради, шунга кўра, бўлғуси қайнота-куёв ўз тасавурида «лип» этиб кўринган порлоқ истиқболга маҳлиё бўлиб, бир-бирлари билан энг қадрдон дўстлардек хайрлашишди.

Юз берган воқеа ҳақида ҳерцогиня д'Этампдан бошқа ҳеч кимга лом-мим демасликка аҳд қилдилар; ҳерцогиня буларнинг дўсти, шериги эди, шунинг учун бу сирдан уни воқиф қилиш лозим эди.

Тўғри қилишган экан. Юз берган воқеа қочоқ қизнинг отаси билан қайлиғидан кўра д'Этамп хонимни кўпроқ ташвишга солди, шу боис қизни қидириш ишига у бутун полиция аҳлидан ҳам кўпроқ ҳаракат қила бошлади.

Зотан, Асканионинг Коломбани севишидан хоним хабардор эди ва йигит айнан шу хонимнинг қистови билан хуфия фитнанинг шоҳиди бўлган эди. «Балки Асканио маҳбубасининг номуси хавф остида эканлигини тушуниб, уни яширишга қасд қилгандир? — деб кўнглидан ўтказди ҳерцогиня. — Аммо унинг ўзи, Коломба мени севмайди, деб айтувди-ку. Агар шу гап тўғри бўлса, қизнинг Асканио билан қочганлигига ишониб бўлмайди». Ҳерцогиня д'Этамп Асканионинг феълени жуда яхши биларди, шунга кўра, унинг аёл кишини зўрлб ўғирлаб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бироқ, гарчи далиллар Асканионинг бегуноҳлигини аниқ исботлаб турган бўлса ҳам, ҳерцогинядаги аёллик рашки, Коломбани Нель қасридан ахтариш ва энг аввало Асканиони ҳибсга олиш кераклигини уқдирди.

Лекин, турган галки, д'Этамп хоним дилида уйғонган бу шубҳанинг сабабини дўстларига изоҳлаб бера бўлмасди — агар шундай қилса, ўзининг Асканиони севишини тан олишига ва шаҳвоний ҳирсдан эси оғиб қолиб, Коломба тўғрисида тузган режасини йигитга сездириб қўйганини айтишига тўғри келарди. Ҳерцогиня шуларни ўйлаб икки аёнга бундай деди:

— Менинг фикримча, бу ўғрилиқда асосий гуноҳкор — Бенвенуто, Асканио — унга шерик, қизингизнинг яширинган жойи эса Катта Нель қасридир.

Лекин прево қасрнинг энг пасқам ерларигача синчковлик билан текшириб чиққанини айтиб, д'Этамп

хоним билан қанча мубоҳаса қилмасин, хоним барибир ўз фикрида туриб олди: унинг бундай қилишига сабаб бор эди. Ахирини, у д' Эстурвилнинг кўнглида шубҳа уйғотишга муяссар бўлди.

— Ҳа, майли,— деди ҳерцогиня,— мен Асканиони чақиртириб, ўзим уни яхшилаб сўроқ қиламан, буёғидан хотиржам бўлинг!

— О хоним афанди, саховатингиз беназир! — деди прево.

— Сизнинг аҳмоқлигингиз ҳам,— тўнғиллади гижиниб ҳерцогиня.

У икки аъённи жўнатиб юбориб, Асканиони чақиртириш учун ваз ўйлай бошлади. Ҳали ҳерцогиня ҳеч бир қарорга келиб улгургани ҳам йўқ эдики, Асканионинг ташриф буюрганини хабар қилишди. Буни қарангки, хонимнинг истаги ўз-ўзидан рўёбга чиққан эди.

Д' Этамп хоним Асканиога қаттиқ тикилиб қаради: у гўё йигит қалбининг энг теран ерига яширинган сирларни билиб олмоқчи бўларди. Лекин Асканио, афтидан, ҳеч нимани пайқамади — у мутлақо хотиржам ва бепарво эди.

— Хоним афанди,— деди у таъзим қилиб,— мен буюртмангиз— нилуфарни олиб келдим; у деярли тайёр бўлди, фақат шабнам томчиси учун икки юз минг экю турадиган олмос керак — сиз уни ваъда қилган эдингиз.

Д' Этамп хоним жавоб бериш ўрнига:

— Хўш, Коломбанг қалай? — деб сўради.

— Агар ойимқиз д' Эстурвилни назарда тутаётган бўлсангиз, хоним афанди, тиз чўкиб илтижо қиламан сиздан: бу номни менинг олдимда ҳеч қачон тилга олманг! — маъюс оҳангда деди Асканио.— Барча авлиё анбиёлар ҳаққи илтижо қиламан, хоним афанди, унинг тўғрисида бошқа ҳеч гаплашмайлик!

— Бу қанақаси? Назаримда, ундан ранжиган кўри-насизми? — деди ҳерцогиня ўткир нигоҳини Асканиога қадаганича.

— Камина қандай ҳиссиётлар қуршовида бўлмай, хоним афанди, бу борада сиз билан суҳбатлашишдан бош товлайман, ҳаттоки бу рафторим билан сизнинг газабингизга мубтало бўлган тақдиримда ҳам. Мен, бу қиз ҳақидаги барча хотираларим тоабад қалбимнинг энг теран гўшасига дафн этилади, деб ўзимга ўзим онт ичганман.

«Наҳотки мен янглишган бўлсам, наҳотки бу воқеага Асканионинг дахли бўлмаса? — деб ўйлади ҳерцогиня. — Наҳотки қиз тушмагур бошқа биронтаси билан қочиб кетган бўлсаю (ўз ихтиёри билан шундай қилганми ё шундай қилишга мажбур бўлганми — бунинг аҳамияти йўқ) менинг улуғвор режаларимни барбод қилиб, беихтиёр меҳримни қозонган бўлса?»

Шундан сўнг ҳерцогиня овоз чиқариб илова қилди:

— Яхши, Асканио, сиз мендан Коломба тўғрисида гап очмасликни илтимос қиляпсиз, лекин, ҳеч бўлмаса, ўзим ҳақимда гапиришим мумкинми? Кўриб турибсизки, мен илтимосингизни ерда қолдирмаяпман, аммо мен тўғрисида суҳбатлашиш сиз учун, эҳтимол, янада кўнгилсизроқ туюлар. Эҳтимол...

— Сўзингизни бўлаётганим учун мени афв этинг, хоним афанди, — деди Асканио, — лекин менинг биринчи илтимосимни инобатга олиб кўрсатган мушфиқлингиз, сизга иккинчи илтимос билан мурожаат этишимда юрагимга далда бўлади. Биласизми, гарчи ота-онам олижаноб кишилар бўлган бўлса ҳам, менинг сўққабош ва мунгли болалигим заршунос устанинг одмигина устахонасида ўтди. Ана шу хилватгоҳдан мен кутилмаганда сарой аъёнларининг пурвиқор даврасига кириб қолдим, ҳаттоки қироллар тақдирини ҳал этувчи одамларнинг фитнасига аралашдим, казо-казо одамлардан ўзимга душман орттирдим ва ишқ бобида кимсан қиролнинг, қирол бўлганда ҳам, бутун христиан оламида энг қудратли қирол Франциск Биринчининг рақиби бўлдим! Мен дабдурустдан Франциянинг энг номвар кишилари даврасида кўрдим ўзимни. Мен севгимни эътиборсиз қолдирган қизни севиб қолдим, ва қолаверса, энг кибор хонимнинг қалбида менга нисбатан муҳаббат уйғотдим, ваҳоланки мен у муҳаббатга муҳаббат билан жавоб бера олмайман. Тагин қандай хилқат севиб қолди денг мени? Асло ақл бовар қилмайди! Дунёда энг соҳибжамол, энг олиҳиммат аёл! Шуларнинг ҳаммаси мени эсанкиратиб қўйди, ҳаёт тўғрисидаги тасаввуримни айқаш-уйқаш қилиб, ўзимни ҳайратга солди ва топтаб ер билан яксон қилди... Мен уйғониб ўзини афсонавий титанлар¹ салтанатида кўрган мажруҳ одамдек беса-

¹ *Титанлар* — юнон мифологиясида худолар билан жанг қилган баҳайбат гавдали паҳлавонлар. (Тарж.)

мар олишмоқдаман. Фикр ва туйғуларим бир-бирига қоришиб кетмоқда, мен ҳеч нимага тушунолмаяман, шуниинг учун, мени чор ёқдан қуршаб олган даҳшатли адоватдан, шафқатсиз муҳаббатдан, такаббуруна калондимоғликдан қўрқиб, эси оққан одамдай тентираб юрибман. Хоним афанди, ёлбораман, шафқат қилинг менга! Ҳушимни йиғиб олишимга имкон беринг, чўкаётган одамнинг нафас ростлаб олишига, қаттиқ руҳий изтиробга тушган беморнинг ўзига келиб олишига йўл қўйинг. Умид қиламанки, вақт руҳимни даволаб, ҳаётимга халоват бахш этгай. Вақт, фақат вақт шифо бергай менга, хоним афанди! Ўтинаман сиздан, сабр қилингу мени буюртмангизни бажариб олиб келган оддий бир санъаткор деб билинг.

Ҳерцогиня Асканиога таажжуб билан тикиларкан, ўз кўзларига ишонмасди. У ҳали гўдак деб ўйлаган бу йигитчанинг ўз фикрларини бу қадар тумтароқ гаплар билан, айни пайтда, бу қадар жиддий ва аниқ ифода-лай олишини асло тасаввур қила олмаган эди. Хоним итоат этишга мажбур бўлди: у нилуфар ҳақида гапириб, Асканиони мақтади, унга бу борада баъзи бир маслаҳатлар берди ва тез орада йирик олмос юборишга ваъда қилди. Йигит ҳерцогиняга миннатдорчилик изҳор этиб, унинг саховати ва илтифотидан боши кўкка етганини айтди-да, назокатли эҳтиром билан хайрлашиб чиқиб кетди.

«Наҳотки шу Асканио бўлса? — деб ўйлади д'Этамп хоним йигитнинг орқасидан қараб қолар экан. — У гўё тўсатдан ўн ёшга катта бўлиб қолгандек кўринади. Бу салобатли жиддийлик қаёқдан пайдо бўлди унда? Бунга сабаб руҳий изтиробми ё шодликми? Гапирган гаплари самимиймикин ё уни анави лаънати Бенвенуто ўз йўлига солдимикин? Артистлик қилмадимикин ё қалб даъвати билан иш кўрдимикин?»

Ниҳоят, Анна д'Этампнинг тоқати тоқ бўлди. Ҳерцогиня нечоғлиқ доно аёл бўлмасин, унинг ҳам юраги, Бенвенуто Челлини билан олишган ҳар бир одамнинг юраги сингари така-пука бўла бошлади. У Асканионинг орқасидан унинг ҳар бир босган қадамини кузатиш учун айғоқчилар қўйди, лекин бу ҳеч қандай самара бермади. Шундан кейин у граф д'Орбек билан превога Нель қасрига бостириб кириб яна бир марта тинтув ўтказишни маслаҳат берди.

Дўстлар итоат этишди. Бироқ Бенвенуто, гарчи

унинг ишлашига халал беришган бўлса ҳам, меҳмонларни, биринчи гал жаноб д' Эстурвилни кутиб олганидан ҳам самимийроқ қарши олди. Унинг ўзини мутлақо бамайлихотир тутishi ва назокат билан муомала қилишидан, ушбу тинтув уни асло ранжитмади, деб ўйлаш мумкин эди. У граф д' Орбекка, бундан бир неча кун бурун уйдан олтин билан қайтаётганида пистирмага рўпара келганини дўстона тарзда сўзлаб берди; сўнг у, ойинқиз д' Эстурвиль айнан ўша қуни гоийиб бўлган эди, деб таъкидлади. Бу гал ҳам у келганларга қасрни кўздан кечиришда йўлбошчилик қилишга, шу йўсинда д' Эстурвилнинг оталик ҳуқуқини тиклашига (Бенвенуто бу ҳуқуқни муқаддас деб билар эди) кўмаклашишга рози бўлди.

— Ўзим уйдалигимда келганингиз кўп яхши бўлди-да,— деб қарши олди меҳмонларни хушчеҳра мезбон.— Сизларни иззат-ҳурмат билан кутиб олиш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад хурсандман. Агар икки соат кечиқиб келганингизда, мен қирол аъло ҳазратларининг лутфкор таклифи билан Роморантенга жўнаб кетган бўлардим; биз, бир тўда санъат аҳллари Карл V ни қарши олгани кетяпмиз уёққа.

Зотан, бу пайтда сиёсий воқеалар ҳам биз баён қилаётган шу оддий воқеа сингари жуда тез авж олаётган эди.

Ўз рақибининг расмий равишда берган ваъдасидан ҳамда д' Этамп хонимнинг хуфиёна маслаҳатларидан кўнгли таскин топган Карл V ҳозир Париждан бир неча кунлик йўл нарида эди. Пешвоз чиқиб уни қарши олиш учун бир гуруҳ вакиллар тайинланган эди, прево билан д' Орбек Нель қасрига келишганида, Бенвенуто, дарҳақиқат, сафар либосида эди.

— Агар у Карл V ни қарши олувчилар билан жўнаб кетаётган бўлса, унда Коломбани ўғирламаган бўлиши керак, демак, бизнинг бу ерда қиладиган ишимиз йўқ,— деди пичирлаб д' Орбек.

— Буни мен сизга боя бу ерга кела туриб йўлда айтган эдим,— деб жавоб қилди прево.

Шундай бўлса ҳам, улар бу ишга узил-кесил барҳам бериш ниятида, қасрни гоятда синчковлик билан кўздан кечиришга киришдилар. Аввалига Бенвенуто уларни кузатиб юрди, лекин қидирув иши узоққа чўзилишини кўргач, ижозат сўраб меҳмонларни холи қолдирди: чунки у яна ярим соатдан кейин сафарга жўна-

ши лозим эди, сафар олдидан эса халфаларга то у қайтиб келгунича Юпитер ҳайкалини қуйиб бўлишлари ҳақида топшириқ бериши керак эди.

Ҳақиқатан ҳам, Бенвенуто тўғри устахона томон йўл олди, у ерда халфаларга иш тақсимлаб берди ва ҳар ишда Асканиога итоат этишларини сўради, сўнг у Асканионинг қулогига итальянчалаб бир нималарни пичирлади-да, ҳамма билан хайр-хўшлашиб, ҳовли томон йўл олди,— у ерда Жимит-Жан эгарлоглик отни жиловидан ушлаб устозни кутиб турар эди.

Лекин шу пайт ҳайкалтарошнинг қошига Скоццоне югуриб келиб, уни бир чеккага тортди-да, жиддий оҳангда деди:

— Сизга айтсам, афандим, бу кетишингиз мени мушкул аҳволга солиб қўяди!

— Нега энди, бўтам?

— Паголо кун сайин кўпроқ севиб қоляпти мени...

— Ростдан-а?

— Нуқул менга севги изҳор қилгани-қилган.

— Хўш, сен-чи?

— Нима буюрган бўлсангиз шуни қиляпман: сабр қилиш керак, шояд охири бахайр бўлса, деб жавоб қиляпман унга.

— Жуда соз-да!

— Вой, нега ундай дейсиз? Наҳотки тушунмасангиз, ахир у менинг гапларимни ростакам деб ўйлаши мумкин, натижада, бу нарса мени беихтиёр у билан боғлайди! Мана, икки ҳафта бўлди, менга у билан қандай муносабатда бўлишни ўргатганингизга, шундай эмасми?

— Ҳа... шунақайди шекилли... аниқ ёдимда йўқ.

— Лекин мен ёд қилиб олганман айтган гапларингизни! Дастлабки беш кун мулоимлик билан Паголонинг севгисини рад қилишга уриндим; ундан кейинги беш кун мобайнида унинг муҳаббат изҳор қилишига сукут сақлаб қулоқ солдим. Аммо сирасини олганда, шу сукут сақлашимнинг ўзи ризо аломати эди; ахир ўзингиз менга шундай иш тутишни буюрган эдингиз-да, мен буйруғингизга итоат этдим, холос, ниҳоят, охирги беш кун мобайнида мен унга сизнинг олдингиздаги вазифаларим ҳақида гапиришга мажбур бўлдим; кеча бўлса, афандим, мен ожиз бир бандаман, менга раҳмингиз келсин, деб ёлборган эдим, шу заҳоти Паголо, менга хотин бўлинг, деб илтимос қила бошлади.

— Аҳ-ҳа, шунақами ҳали? Бу бошқа гап?

— Хайрият-е! — деб юборди Скоццоне...

— Ҳа. Энди, жоним, гапларимни диққат билан эшит. Мен жўнаб кетганимдан кейин дастлабки уч кун мобайнида Паголога кўнгил қўйгандек қилиб кўрсат ўзингни, ундан кейинги уч кун ичида муттасил муҳаббат изҳор эт.

— Нима?! Ҳали келиб-келиб шу гапни сиздан эшит-япманми, Бенвенуто! — деди Скоццоне: валинеъматининг қизга бу қадар катта ишонч билдираётгани унинг нафсониятига теккан эди.

— Тинчлан, Скоццоне. Сенинг виждонинг поклиги-ча қолаверади — зеро ўзим буюряпман сенга шундай қилишни.

— Бўлмасам-чи, албатта виждоним пок бўлади, — деди Скоццоне.— Буни тушуниб турибман. Шунга қарамай, менга бунақа бепарво бўлаверсангиз, сиздан хафа бўлиб, Паголонинг муҳаббатини мен ҳам рад этолмай қолишим мумкин, қолаверса, уни чинакамига севиб ҳам қолишим мумкин.

— Шу олти кун ичида-я? Атиги олти кунгина ўзингни тийиб тура олмайсанми ҳали?

— Ҳа, майли. Олти кун чидашга сўз бераман, лекин сиз ҳам еттинчи кунга қолиб кетманг-да!

— Кўнглинг тўқ бўлсин, бўтам, айтган пайтимда қайтиб келаман. Яхши қол, Скоццоне!

— Яхши боринг, устоз,— айни пайтда ҳам аччиғланиб, ҳам жилмайиб, ҳам йиғлаб жавоб қилди Катерина.

Худди шу пайт ичкаридан прево билан граф д' Орбек чиқиб келишди.

Челлини устахонага кириб кетганидан кейин улар ҳеч тортиниб ўтирмасдан жидду-жаҳд билан қидирувга киришган эдилар: улар битта ҳам чордоқ, битта ҳам ертўлани қолдиришмади, ҳамма деворларни тўқиллатиб кўришди, ҳаммаёқни кавлаштириб остин-устун қилишди, ҳамма ерга ўзларининг кредиторлар¹ сингари бераҳм, овчилардек бетоқат одамларини соқчи қилиб қўйиб чиқишди. Икки дўст худди жиноятчини ҳибсга олиш учун келган суд ижрочисига ўхшаб, ҳар битта ерни юз марталаб текширди, ҳар хонани юз марталаб кўздан кечирди. Мана, ниҳоят, улар қидирув

¹ Одамларга қарз бериб, қарз фойдасига кун кўрувчи одам.

ишини тамомлаб, аммо ҳеч нима топа олмай қаср ҳовлисига чиқишди: асаблари бузилганидан уларнинг юзлари чўғдек қизариб кетган эди.

— Хўш, жаноблар,— деди отига минаётган Челлини уларни кўриб,— барибир ҳеч нима топа олмадингларми? Афсус! Минг афсус! Тушунаман, сизлар учун бу жуда оғир мусибат,— зеро икковингиз ҳам ниҳоятда раҳмдил, нозиктабиат одамсиз. Бироқ сизларга қанчалик ҳамдардлик билдирмай, сизга ёрдам бериш истагим қанчалик зўр бўлмасин. ҳозир жўнаб кетишга мажбурман. Ижозат этсангиз, сизлар билан хайрлашсам, жаноблар. Лекин башарти мен йўқлигимда, қасрни яна бир бор кўздан кечиришни ихтиёр қилгудек бўлсангиз, асло тортинмай, қасрни ўз уйингиздек билиб, бемалол кириб келаверинг. Мен фармойиш бериб қўйдим: қасримизнинг эшиги сизлар учун ҳамиша очиқ бўлади. Азбаройи худо, сизларнинг бу бесамар ишингизда бир нарса, шояд сафардан қайтгунимча сиз, жаноби прево, суюкли қизингизни, сиз эса, жаноби д' Орбек, латофатли қаллигингизни топган бўлсангиз, деган умид кўнглимга таскин беради. Хўш, саломат қолинглар, жаноблар.— Шундан кейин Бенвенуто остонада тўпланиб турган халфалари томонга ўгирилиб (бу ерга Асканиодан бошқа ҳамма тўпланган эди: чамаси йигит ўз рақиб билан кўришишни хоҳламаган бўлса керак), шундай деди: — Хайр, бўталарим! Агарда жансби прево яна учинчи марта қасрни кўздан кечиришни ихтиёр қилгудек бўлса, уни ушбу хонадоннинг собиқ соҳибидек билиб иззат билан кутиб олишни унутманглар.

Шундай деб у отини ниқтаганча дарвозадан чиқиб кетди.

— Хўш, азизим, ғирт овсар эканлигимизга энди ишонч ҳосил қилгандирсиз?— деб сўради граф д' Орбек превога юзланиб.— Агар у қизингизни ўғирлаган бўлганида, қирол аъёнлари билан бирга Роморантенга кетмаган бўларди!

Олтинчи боб

КАРЛ V ФОНТЕНЬЛОДА

Карл V Франция тупрогига тараддуд ва шубҳа билан кириб келди. Бу ўлканинг замини ҳам, ҳавоси ҳам унга адоватли бўлиб туюлганди. Ҳа, бунинг ажабланадиган ери йўқ: ахир у Франция қиролини асирга

олганида, Мадридда унга нисбатан ноҳўя муносабатда бўлган, бундан ташқари, мишмишларга қараганда, валиаҳдни ҳам заҳарлаган экан. Ҳозир бутун Европа, Франциск I ўз ғанимидан даҳшатли интиқом олади, деб кутаётган эди, лекин яхшиямки, Карл V ўзини қирол ихтиёрига топширишга рози бўлиб келган эди. Лекин у, бутун бошли империяларни шартта қиморга тикиб юборадиган бу буюк қиморбоз Карл ўз ниятидан қайтишни истамасди ва Франция орқали беҳавотир ўтиши учун олдиндан замин ҳозирлаб, дангал Пиреней тоғидан ошиб ўтди.

Тўғри, Франциск I нинг саройида унинг садоқатли муттафиқлари бор эди: император, д'Этамп хонимнинг шуҳратпарастлигига, коннетабль де Монморансининг мутакаббирлигига ва қиролнинг рицарона мурувватпешалигига бемалол суянса бўлади, деб ҳисобларди.

Ҳерцогиня д'Этампнинг Карлга қай йўсинда ёрдам бермоқчи бўлганидан биз хабардормиз; энди, коннетабль масаласига келсак, бу ўринда аҳвол мутлақо бошқача эди. Давлат арбоблари учун иттифоқ тузиш масаласи ҳамма замон ва ҳамма мамлакатларда ҳам энг мушкул масала бўлиб келган. Мана шу ва яна кўпгина жиҳатлардан сиёсат тиббияга ўхшаб кетади: у гумон ва тахминлардан вужудга келади, лекин таассуфки, халқлар ўртасидаги ўхшашликни тадқиқ қилиши пайтида у миллий низога қарши дори ёзиб бераркан, аксарият пайт хатога йўл қўяди. Чунончи, коннетабль Монморансининг миясига фақат Испания билан иттифоқ тузиш фикри маҳкам ўтириб қолган. У Францияни фалокатдан қутқаришнинг бирдан-бир йўли шу иттифоқда деб ҳисобларди, аммо фақат бир нарсадан — Карл V нинг ғазабини қўзғашдан қўрқарди, зеро император йигирма беш йилдан бери ҳукмронлик қилаётган бўлса, шундан йигирма йилини Франциск I билан уришиб ўтказган. Лекин бошқа иттифоқчилар — турклар ва протестантлар билан — коннетабль де Монморансининг мутлақо иши йўқ эди, шунингдек, Фландрияни Франция давлатига қўшиб олиш каби гоят ажойиб сиёсий имкониятга ҳам бепарво қаради.

Франциск I коннетаблга кўр-кўрона ишонарди. Ҳақиқатан ҳам, охириги уруш пайтида коннетабль бемисл журъат кўрсатиб, душман ҳамласини тўхтатган. Лекин эътироф этиш керакки, бу ғалаба жуда қимматга тушган эди: бутун бир вилоят харобага айланган,

душман қўшинлари куйиб кул бўлган заминни босиб ўтган, қолаверса, Франциянинг ўндан бир қисми талон-тарож қилинган эди.

Франциск I коннетабль феълидаги такабурлик, кескинлик ва метин матонатни кўпроқ қадрларди, ваҳоланки, енгилтак одам унинг бу феълини гердайиш, ҳалоллик ва бирсўзлилиқ деб ўйлаши мумкин эди. Шунинг учун, Франциск I ҳам, Брантомнинг таъбири билан айтганда, оққўнгил одамларни йўлдан оздирувчи бу буюк найрангбоз — коннетаблга ҳурмат-эҳтиром билан қарарди, валекин унинг бу эҳтироми таҳдид оқибатида, ўлганнинг кунидан эъзозлашга ўхшаб кетар эдики, ибодат орасида қатл билан шуғулланувчи бу ёвуз рижкор мана шундай таҳдид билан барча ожиз кишиларга зугум қилар эди.

Шундай қилиб, Карл V коннетабль де Монморансининг садоқатига бемалол ишониши мумкин эди.

Аммо у ўз ганими Францискнинг тантилигига яна ҳам кўпроқ ишонарди. Зеро, қирол мурувват қилиш бобида жуда қуюшқондан чиқиб кетарди. «Менинг салтанатим кўприк эмас, бу ердан ўтиш учун ҳақ талаб қилинмайди¹, — деган эди у бир куни: — Мен ўз меҳмондўстлигимни бозорга солмайман». Маккор Карл V эса, рицарь сифат қиролнинг лафзига батамом ишониш мумкинлигини яхши биларди.

Шунга қарамай, император Франция тупроғига қадам қўйганида дилида уйғонган шубҳа ва қўрқувни босишга ожизлик қилди. Сафҳад яқинида уни Франциск I нинг икки ўғли кутиб олди, кейин французлар бутун йўл давомида Карл V га турфа хил илтифотлар кўрсатишиб, мулозимат қилиб боришди. Лекин айёр ҳукмдор бу иззату икром, шоду хуррамликларнинг ҳаммаси хўжақўрсинга қилиняпти, аслида уларнинг мақсади мени қопқонга тушириш бўлса керак, деб кўнглидан ўтказар экан, бутун вужудини титроқ босар эди. «Ҳа, бегона юртда уйқунгда ҳаловат бўлмас экан», — деди у бир куни. Ўз шарафига уюштирилган тантанали маросимларга у сергашвиш ва маҳзун бўлиб келарди; қисқаси, у мамлакат ичкарасига кириб борган сари, кўзлари кўпроқ олазарак, чехраси нохуш бўла бошлади.

¹ Урта асрларда мавжуд бўлган солиқлардан бири — кўприк божи, қирол шунга шама қиляпти.

У ҳар бир шаҳарга кириб борганида, ўз шаънига айтилган хушомадларни эшитаркан ёки зафар дарвозаларидан ўтаркан, албатта, ўзига-ўзи, менинг қамоқ-хонам шу шаҳар эмасмикин, мабодо, деб савол берад ва шу заҳоти саволига ўзи жавоб қайтарар эди: «Бу шаҳар ҳам, бошқаси ҳам эмас. Бутун Франция — мен учун ҳибсхона, манави, ялтоқ аъёнлар эса ҳибсхонадаги нозирларим». Ўзини қафасга тушгандек ҳис қилаётган, атрофидаги одамларни ганим деб билаётган бу йўлбарсининг қўрқуви дақиқа сайин ортиб борар эди.

Бир куни, улар от миниб сайрга чиқишганида, шаҳзода Карл Орлеаний — Франциянинг ҳақиқий фарзандлари каби довжорак ва назокатли йигит бўлишга интилувчи бу ёқимтой шумтака, император отининг сағрисига чаққонлик билан сакраб миниб олди-да, Карлнинг елкасидан маҳкам ушлаб, болаларга хос шўх оҳангда: «Мен сизни асир олдим!» — деб чинқирди. Карл V мурдадек оқариб кетди, сал бўлмаса ҳушидан кетаёзди.

Ўзини асир деб фараз қилган императорни Шательрода Франциск I оғаларча қучоқ очиб қарши олди ва эртаси куни Роморантеда уни ўзининг бутун аъёнлари билан: ватан фахри бўлмиш шавкатли ва пурназокат олий табақа ўғлонлари ва қирол фахри ҳисобланган алломалар-у, аҳли санъат билан таништирди. Яна даб-дабали маросимлару кўнгилочар сайру саёҳатлар бошланиб кетди; император мудом назокатли табассум қилар, аммо ич-ичидан дағ-даг титраб, бу бемулоҳаза рафтори учун тинмай ўзини койирди. Баъзи пайтлар Карл V ўзининг ҳақиқатан ҳам банди эмаслигига ишонч ҳосил қилиш ниятида, қасрдан тонг палласида чиқиб кетар, шунда, агар расмий такаллуфларни истисно қилинса, ўзининг мутлақо эркин эканлигига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли тоғдек кўтарилар эди-ю, барибир, ким билсин, эҳтимол олисдан кузатишаётгандир, деб яна кўнгли гаш бўла бошларди. Баъзан у Франциск I ни қаттиқ ранжитиб, олдиндан режаланган сайр йўлини кутилмаганда ўзгартирар ва бу қилиги билан махсус тараддуд кўриб қўйилган қутлов маросимини барбод қилар эди.

Карл V Парижга етиб келишига икки кун қолганида, бирдан Мадриднинг Франция қироли учун қандай қопқон вазифасини ўтаганини эслаб даҳшатга келди. Зотан, пойтахт — император учун энг фахрий ва энг

мустаҳкам ҳибсхона. Карл V нинг миясига шу фикр келиши билан у отини тўхтатди ва дарҳол Фонтенблога олиб боришларини илтимос қилди: «Ул қасрнинг довуғини эшитганман, энди ўз кўзим билан кўрсам», — деди. Франциск бениҳоя меҳмондўст одам эди. Шунинг учун, меҳмондан ранжимади, унинг раъйини қайтармади, гарчи бу илтимос у тузган режаларни барбод қилаётган бўлса ҳам, қиролича билан сарой хонимларини шошилишч равишда Фонтенблога жўнатди.

Карл V га далда берувчи бирдан-бир нарса, опаси Элеоноранинг ёнида бўлиши ва бу аёлнинг оққўнғил эрига астойдил ишониши эди; императорнинг кўнгли вақтинча хотиржам бўлди, лекин Франциск I нинг қасрига етиб бориши билан яна ҳаловатини йўқотди. Гап шундаки, қирол Франциск I мозийнинг кўзгуси, Карл V эса, келажакнинг тимсоли эди. Замонавий ҳукмдор — Карл V ўрта аср қаҳрамонлари вакили — Франциск I нинг ҳиссиётини тушунмаётган эди; бинобарин, рицарликнинг сўнги намояндаси билан энди куртак отиб келаётган дипломатиянинг илк вакили ўртасида бир-бирига мойиллик бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Тўғри, Людовик XI¹ ҳам дипломат деган номга сал-лаш лойиқ эди, лекин биз, «бу қирол айёр дипломат бўлишдан кўра кўпроқ ашаддий жамғарувчидир», деган фикрга қўшилишамиз.

Император Фонтенблога етиб келган куни, ўрмонда, Франциск I нинг энг яхши кўрган эрмаги — шикор уюштирилди. Карл V шикорда тез толиқиб қоларди, лекин шундай бўлса ҳам, ўзининг назорат остида эмаслигини яна бир бор текшириб кўриш учун овга чиқишга дарров рози бўла қолди. Шикор авжи қизиган чоғда у ўрмон ичкарисига от чоптириб кириб кетди; у энг қуюқ чакалакзорга бориб қолиб, ўзини яккаю ёлғиз ҳамда қушдек эркин эканлигини ҳис қилгандагина отини тўхтатди. У ўзини деярли хотиржам ҳис этди, руҳи кўтарилди. Лекин барибир, император Карлнинг яна бир марта тинчи бузилди: у орқага қайтиб, овчиларнинг тўпланиш жойига яқинлашаркан, кўзи овга астойдил берилиб кетган Франциск I га тушди; у қўлида қонга беланган найза билан император томонга шошиб

¹ Людовик XI (1423-1483) — Франция қироли. Феодаллар исёнини бостириб, давлатни марказлаштириш сиёсатини олиб борган. Салтанатга Анжу, Пикадия ва бошқа вилоятларни қўшиб олган. (Тарж.)

келарди. Унинг Мариньяно ва Павия яқинида зафар қозонганидаги мағрурона важоҳати қироллар эрмаги бўлмиш шу шикорда ҳам яққол кўриниб турарди.

Икки ҳукмдор қаср олдиға етиб отдан тушишди.

— Келинг энди, азиз иним, вақтичоғлик қилайлик, — деди шунда қирол. Сўнг Диананинг Росо ҳамда Приматиччо томонидан безатилган муҳташам суратхонасини Карлга кўрсатиш учун уни қўлтиқлаб олди. — Е тангрим! Кайфиятингиз менинг Мадриддаги мушкул аҳволимдан қолишмайди-ку. Аммо қимматли иним, менинг у ерда ёмон кайфиятда бўлишимга асос бор эди, шундай эмасми — зеро мен сизнинг асирингиз эдим! Лекин сиз — менинг меҳмонимсиз: сиз эркин қушсиз, сизни иззатлаб бошларига кўтаришяпти, сиз музаффарият арафасида турибсиз. Шунга кўра, биз билан бирга вақтичоғлик қилинг, айтмоқчиманки, сиздек буюк сиёсатдон учун асло муносиб бўлмаган ҳозирги эрмакларимизга парво қилмасангиз ҳам, ўз коммуналарини вужудга келтирмоқчи бўлган анави фландриялик қорни катта пивопазларнинг адабини бериб қўйишингизга янги имконият туғилаётганидан қувониб, биз билан кўнгилхушлик қилсангиз ёмон бўлмасди... Мабодо, ўша ғаламисларни ҳозирча унутиб, ҳамма қатори кўнгил ёзиб ўйнасангиз яна ҳам яхши! Балки менинг аёнларим маъқул бўлмагандир сизга?

— Сизнинг аёнларингиз бағоят матлуб одамлар, — деб жавоб қилди Карл V, — сизга ҳавасим келади, ога! Сиз менинг аёнларим ҳузурида бўлгансиз ва уларнинг, чунончи, Ланнуа¹, Пескер, Антонио де Лейра каби давлат арбоблари ва генералларнинг ўта бадқаҳр, ўта бадқовоқ қиёфаларини кўргансиз. Аммо сизда аҳли ҳарбу аҳли тижоратдан ташқари, Монморанси ва Дюбелледан² ташқари, Бюде³, Дюшатель⁴, Ласкари⁵ каби алломаларингиздан ташқари, шунингдек Маро, Жан

¹ *Ланнуа Шарль (1487-1527)* — Испания қўшинида хизмат қилган лашкарбоши, Неаполда қирол муовини бўлган; Павия яқинида Франциск I қўшинини тор-мор келтириб қиролни асир олган саркарда айнан шу эди.

² *Дюбелли Гильом (1491-1553)* — Франциск I нинг энг яхши ҳарбий кўмондонларидан бири, айни пайтда у моҳир дипломат ҳам бўлган.

³ *Бюде Гильом (1468-1540)* — инсонпарвар олим, юнон тилининг мутахассиси, Франциск I саройида бир қатор лавозимларда ишлаган: қирол кутубхонасига мудирлик қилган, черковга қарши курашиб, Франция коллежини очишга муяссар бўлган. (Изоҳнинг давоми кейинги саҳифада.)

Гужон⁶, Приматиччо, Бенвенуто Челлини каби буюк шоирлар ва санъаткорлар бор, ниҳоят, энг муҳими, Диана де Пуатъе, Маргарита Наваррий, Екатерина Медичи ва яна кўпгина латофатли хонимлар саройингизнинг кўркига кўрк қўшиб турипти. Азбаройи худо, ога, мен ўзимнинг олтин конларимни жон-жон деб сизнинг шу чамандек очилган гулзорингизга айирбошлаган бўлар эдим, деб ўйлай бошладим ҳозир.

— О! Сиз ҳали энг дилрабо гулимизни кўрганингиз йўқ! — деди соддадил Франциск — у ўз қайниси билан суҳбатлашаётганини унутиб қўйган эди.

— Ростданми? Уша дурдонагизнинг ҳусну жамолидан лаззатланиш иштиёқида ёнмоқдаман, — деди император Франциск I нинг д' Этамп хонимни назарда тутаётганини фаҳмлаб. — Аммо мен ҳозирданоқ айтишим мумкин: ҳа, одамлар ҳақ: дунёда энг яхши қироллик сизники.

— Аммо дунёда энг яхши графлик бўлмиш Фландрия билан энг яхши ҳерцоглик — Милан сизнинг мулкингиз.

— Бу бебаҳо дурдоналарнинг биринчисидан ўзингиз бундан бир ой бурун воз кечдингиз, — жилмайганча эътироз билдирди император, — камина бул рафторингиз учун сиздан беҳад миннатдордурмен, иккинчи дурдонани эса тезроқ қўлга киритиш иштиёқидасиз. Шундай эмасми? — деб сўради у бир хўрсиниб қўйиб.

— Келинг, бугун жиддий масалалар юзасидан гаплашмайлик, эъозли иним! — илтимос қилди Франциск I. — Азбаройи худо, зиёфатлар-у, ҳарбий машқлардаги хушчақчақ кайфиятни бузиш ниятим йўқ.

— Очигини айтганда... — деб гапини давом эттирди Карл V, олган қарзини тўлашга мажбур бўлган зикна одамдек афтини буриштириб, — очигини айтганда, Ми-

⁴ *Дюшатель Пьер (1480-1552)* — Франциск I нинг сарой кироатчиси, у билимдонлиги билан доврुक қозонган. Ун олти ёшидаёқ лотин ва юнон тилларини мукамал билган. Француз коллежи ташкилотчиларидан бири.

⁵ *Ласкари Жан (1535-йилда ўлган)* — келиб чиқиши юнон, юнон тили ва адабиёти буйича мутахассис олим; Флоренцияда ҳерцог Медичилар саройида, 1494 йилдан эса — Францияда яшаган. У Бюде билан биргаликда Франциск I кутубхонасини тартибга келтирган.

⁶ *Гужон Жан (1510-1566)* — француз Уйғонш даврининг энг таниқли ҳайкалтароши.

лан ҳерцоглиги мен учун бениҳоя азиз, уни сизга беришим кераклигини ўйласам, юрагим ачий бошлайди.

— Сиз, яхшиси, «беришим» эмас, «қайтаришим» деб айтинг, иним; шундай десангиз тўғрироқ бўладики, бу одилона рафторингиз шояд андуҳингизни бир оз бўлса ҳам энгиллаштира. Қолаверса, ҳозир Милан тўғрисида ўйлашнинг мавриди эмас. Келинг, яхшиси, вақтичоглик қилайлик, иш тўғрисида бафуржа гап-лашаверамиз.

— Туҳфа этаманми, қайтараманми — барибир эмасми, — деб эътироз билдирди император. — Энг муҳими, ога, сиз дунёда энг яхши ҳерцогликнинг эгаси бўласиз! Тўғри, бу ҳақда энди бошқача гап бўлиши мумкин эмас, гапимга ишонинг, мен ҳам ўз ваъдамга астойдил вафо қилишда сиздан қолишмайман.

— Ё тангрим! — деди бу мижгов гаплардан тоқати-тоқ бўла бошлаган Франциск. — Ахир сиз, азиз иним, кимсан, Испания қироли, ҳерманлар императори, Фландрия графи бўлсангиз, боз устига, Альп тоғидан то Калабриягача¹ бўлган бутун Италияни зўрлаб ёки таъсир кучингиз билан ўзингизга итоат эттирган бўлсангизу нега бунча ўша ҳерцогликка ачинмасангиз?

— Аммо бутун Франция сизда-ку! — деб хўрсинди Карл.

— Сиз бўлсангиз бутун Ҳиндистонга, унинг жамики хазиналарига эгасиз! Олтин конлари сероб Перу ҳам сизнинг қўл остингизда!

— Лекин Франция сизда-да!

— Сизнинг империянгиз шу қадар бепоёнки, унда ҳеч қачон қуёш ботмайди.

— Барибир, Франция сизники-да... Айтинг-чи, аъло ҳазратлари, сиз Милан ҳерцоглигини орзу қилганингиздек, мен ҳам салтанатлар дурдонаси — Франциянинг соҳиби бўлишни армон қилсам, нима деган бўлар эдингиз?

— Менга қаранг, иним, — деди Франциск I жаҳл билан, — барча муҳим ишларда мен ақл-заковатдан кўра кўпроқ ҳиссиётга амал қиламан; аммо сизнинг Испаниянгизда: «Қироличанинг шахси дахлсиз», деб айтишганидек, мен ҳам: «Франция замини бедахл!» — дейман.

¹ Калабрия — Италиянинг жанубидаги вилоят.

— Е рабий! Ахир биз ога-инилар, муттафиқлар эмасмизми? — деди Карл V.

— Бўлмасам-чи! — деб илиб кетди Франциск I. — Винобарин, ҳеч бир нарса бизнинг қон-қариндошлигимизга, иттифоқимизга завол етказа олмагай.

— Мен ҳам шундай бўлишга умидворман, — деди император. — Лекин келажак ҳақида ҳеч ким кафолат бера олмайди! — деб гапида давом этди у ўз табиатига хос такаббуруна жилва ва носамимий кўз қараш билан. — Чунончи, камина ўз ўғлим Филипп билан сизнинг ўғлингиз ўртасида бўладиган мунозарани қандай бар-тараф қила олишим мумкин?

— Башарти Августнинг вориси Тиберий¹ бўладиган бўлса, биз учун бу ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

— Ҳукмдорнинг бунга нима дахли бор?! — деб гапида давом этди Карл V қизишиб. — Империя ҳам-ша империялигича қолади, буюк қайсар²лар Румоси ҳам-ша, ҳаттоки ўша қайсарларнинг ёлғиз номларигина улуғвор бўлган пайтларда ҳам, Румолигича қолган.

— Тўғри! Бироқ Карл Бешинчининг империясини Октавиан империяси билан асло тенглаштириб бўлмайди, муҳтарам иним! — деб эътироз билдирди Франциск I — императорнинг гапи унга қаттиқ ботган эди, — энди, гарчи Павия жанги мақтовга сазовор жанг бўлган бўлса ҳам, уни Акциум яқинидаги жанг³ билан асло қийс қилиб бўлмайди. Қолаверса, Октавиан гоят бадавлат бўлган, лекин эшитишимга қараганда, гарчи Ҳиндистоннинг жамики хазинаси, Перунинг олтин конлари сизнинг ихтиёрингизда бўлса ҳам, ҳозир ақчаларингизнинг чўғи қочганмиш, ҳамма банклар сизга ҳаттоки ўн уч-ўн тўрт фоиз фойда ҳисобига ҳам қарз

¹ Милоддан олдинги 30-йилда Қадимги Румода республикачи оқсуяқлар ташкилотини батамом тор-мор келтирган Октавиан давлат раҳбари бўлди ва Август (аъни «Илоҳий») номи билан Румонинг энг биринчи императори этиб тайинланди. Август йирик давлат арбоби бўлган бўлса, унинг вориси ва ўғай ўғли Тиберий (милоддан олдинги 37 йилдан 14 йилгача ҳукмронлик қилган) ўз мансабидан фақат шахсий манфаати йўлида фойдаланган, ниҳоят даражада бадгумонлиги ва бадқаҳрлиги билан танилган эдики, натижада халқ нафратини уйғотган. Франциск I Тиберий ҳақида гапираркан, Карл V нинг вориси,

² Қайсар (лотинча цезарь) — подшо.

³ Акциум яқинидаги жанг (милоддан олдинги 31 йил) — бу муқим жангда Октавиан Миср маликаси Клеопатранинг мададига суянган душман Антонийни тор-мор келтирган эди.

беришни истамаяпкан эмиш. Қўшинингиз маошсиз қолган, аскарларингиз, бир амаллаб кун кўриш мақсадида Румони талон-тарож қилишди; эндиликда шаҳарда талайдиган ҳеч вақо қолмагач, исён кўтариб ётишипти.

— Ўзингиз-чи, эъозли оға,— деди Карл V,— қироллик ерларини сотганмишсиз, яна ҳерман князларидан ақча ундириш мақсадида Лютерга¹ мулозамат қилиб ётганмишсиз!

— Ундан ташқари,— деб гапини давом эттирди Франциск I,— сизнинг кортесингиз² ҳеч гапга унамасмиш. Лекин мен қироллар сулоласини тоабад мустақил қилдим, деб мақтанишим мумкин.

— Эҳтиёт бўлинг, тагин бир кун келиб ўша мақтаётган парламентингиз устингиздан васийлик таъсис қилмасин! — деб гап қайтарди Карл V.

Икки ҳукмдор тобора кўпроқ қизишар, баҳс дам сайин кескинлашиб борар, хуллас, эски адоват яна уйғона бошлаган эди. Франциск I меҳмоннавозликни, Карл V эса андишани унутиб кўяёзишди. Биринчи бўлиб француз қироли ҳушини йигиб олди.

— Азбаройи худо, азиз иним,— деди у кулиб,— шу кетишда жанжаллашиб қолишимиз ҳеч гап эмас! Муҳим ишлар тўғрисида гап очмаганимиз маъқул, деб сизни огоҳлантирган эдим-ку. Келинг, бу ишларни министрларимизга ҳавола қилайлик-да, биз дўст бўлиб қолайлик. Ҳозирдан абадий келишиб олайлик, сиз бутун дунёни ўзингизники деб ҳисоблашингиз мумкин, фақат Францияни истисно қиласиз. Шу билан бу мавзуга бошқа қайтмасак девдим.

— Яна Милан ҳерцоглигини ҳам истисно қилиш керак, оға,— деб илова қилди Карл; у хатога йўл қўйганини фаҳмлаган, энди шу хатосини тузатишга ошиқарди.— Зеро Милан ҳерцоглиги сизники: мен уни сизга ваъда қилганман ва шу ваъданинг устидан чиқаман.

Бу ширинсуханлик кутилмаганда узилиб қолди; эшик очилиб, ҳукмдорлар ўтирган ровонга д'Этамп хоним кириб келди. Қирол унга пешвоз бориб, қўлидан ушлади ва тождор иниси қошига етаклаб келди.

¹ Лютер Мартин (1438—1546)—немец монахи ва илоҳият мутахассиси, католик черковига зид бўлган диний протестантизм ҳаракатига асос солган.

² Кортес — Испанияда турли табақа вакилларининг кенгаши, яъни парламент.

Император қирол маъшуқасини биринчи марта куриши эди, лекин ҳерцогинянинг жаноб де Медина билан қилган суҳбатидан хабардор бўлгани учун унга синчиклаб разм солди.

— Бу соҳибжамол хонимни кўряпсизми, иним? — сўради Францск.

— Наинки кўряпман, балки маҳлиё бўлиб қолдим!

— Жуда соз! У сиздан нима сўрамоқчи эканлигини биласизми?

— Балки менинг испан вилоятларимдан биронтасинидир? Бажону дил бераман.

— Йўқ-йўқ, топа олмадингиз, иним!

— Хўш, бўлмаса, нима истайдилар?

— Бу хоним, то Мадрид шартномасини йиртиб ташлаб, боягина берган ваъдангизни ҳужжат билан тасдиқламагунингизча, сизни Парижда ушлаб туришимни хоҳлайди.

— Ҳай, начора, яхши маслаҳатларга қулоқ осмоқ фарздор,— деб жавоб қилди Карл V ҳерцогиняга эгилиб таъзим қилар экан; аммо у илтифот кўрсатиш учун эмас, балки қиролнинг гапини эшитган ҳамоноқ бўздек оқариб кетган юзини яшириш ниятида икки букилиб таъзим қилган эди.

У бошқа бир оғиз ҳам сўз айтишга улгурмади: яна эшик очилиб, ровонга бир тўда сарой аъёнлари ёпирилиб киришди. Натижада, Франциск I ўз ҳазилининг императорга қандай таъсир этганини сеза олмади, ҳолбуки Карл, ўз табиатига кўра, оғасининг таклифини жиддий талаб деб ҳисоблаган эди.

Зиёфат олдидан зални гавжум қилган назокатли, заковатли ва шаҳватпараст сарой аъёнлари жамоаси юқорида тасвирлаганимиз Лувр қасридаги жамоани эслатарди. Яна ўша олифта йигитлару хонимлар, ўша киборлару маҳрамлар. Ошиқ-маъшуқларнинг ўша-ўша мулойим нигоҳлари, довлашганларнинг бир-бирига нафрат билан боқишлари; ўша-ўша хушомадлару истехзолар.

Карл V ҳақли суратда ўз маслакдоши деб ҳисоблаган коннетабль де Монморансининг кириб келаётганини кўриб, унинг олдига пешвоз борди ва уни ҳамда ўз элчиси ҳерцог де Мединани бир четга олиб ўтиб, улар билан қизгин суҳбатлаша бошлади.

— Сиз ихтиёр қилган ҳар қандай ҳужжатга ҳам имзо чекишга тайёрман, коннетабль,— деди кекса Мон-

морансининг дийнатли одам эканлигини билган император.— Милан ҳерцоглигини Францияга топшириш ҳақида акт ҳозирланг, муқаддас Иаков (Еқуб пайғамбар) ҳаққи онг ичиб айтаманки, гарчи Милан менинг императорлик тожимни безатган дурдоналар ичида энг асили бўлса ҳам, уни сизга буткул топшираман.

— Акт! — деди коннетабль аччиғлангандай бўлиб ва императорнинг шубҳага ўхшаб кетувчи бу эҳтиёт-корона таклифини ўзидан четлатмоқчи бўлгандек ишора қилди.— Ахир актга имзо чекиш сиздек улуг зотга муносибми, сир. Бу нима деганингиз ўзи, аъло ҳазратлари? Ҳеч қандай актнинг, ҳеч қанақа ҳужжатнинг ҳожати йўқ, сир. Бир оғиз каломингизнинг ўзи кифоя. Наҳотки сиз, аъло ҳазратлари, Францияга келиш олди-дан, биронта актга имзо чекишга аҳд қилган бўлсангиз? Ё айтган каломингизга унчалик ишонмайди деб ўйлай-сизми бизни?

— Сиз ҳақсиз, жаноб де Монморанси,— деб жавоб қилди император, коннетаблга қўлини узатаркан,— мутлақо ҳақ гапирдингиз.

Коннетабль нари кетди.

— Бадбахт овсар! — деди Карл V жаҳл аралаш.— Биласизми, Медина, у сиёсат билан худди кўрсичқонга ўхшаб, кўркўрона шуғулланади.

— Қирол-чи, сир? — деб сўради Медина.

— О! У ўзининг олиҳимматлигини кўз-кўз қилишга астойдил уриниб ётипти, бу билан бизнинг олижаноб-лигимиздан иштибоҳ қилмоқчи бўлади. Мана, кўрасиз, у бемулоҳазалик қилиб бизни қўйиб юборади, биз эса мулоҳаза билан иш юритиб, уни кутишга мажбур қиламиз. Куттириш — ҳали берилган сўзнинг устидан чиқмаслик эмас, тақсир,— деб давом этди Карл V.— Бу берилган ваъдани вақтида бажармаслик, холос.

— Д'Этамп хоним ҳақида нима дейсиз? — яна савол берди Медина.

— У билан тил топишиб оламиз,— деди император чап қўлининг бош бармоғидаги бебаҳо брильянт кўзли ажойиб узугини гоҳ ечиб, гоҳ яна тақаркан.— Ҳа, мен у хоним билан ўзаро гаплашиб олишим лозим.

Император билан унинг элчиси шу мавзуда пичир-лашиб суҳбатлашаётган пайтда ҳерцогиня д'Этамп мес-сер д'Эстурвилнинг кўзи олдида жаноб де Марманнинг муваффақиятсиз чиққан тунги режаси устидан шаф-қатсиз равишда кулар эди.

— Бенвенуто дуч келган ҳамма одамга аломат бир воқеани гапириб юрипти: мабодо, сизнинг одамларингиз тўғрисида эмасми у воқеа, жаноби де Мармань? Айгишича, унга тўртта қароқчи хужум қилганмиш, у бўлса ўзини бир қўл билан ҳимоя қилипти, оқибат, қароқчилар уни уйигача кузатиб қўйишга мажбур бўлишипти. Ўша назокатли қароқчилар орасида ўзингиз ҳам бормидингиз, виконт?

— Хоним афанди,— деди қаттиқ хижолат тортган бахти қаро Мармань,— у воқеа бирмунча бошқачароқ содир бўлган эди, лаънати Бенвенуто мақтан-чоқлик қиялпти.

— Ҳа-ҳа, унинг баъзи нарсаларни ичидан тўқиганига, муболага қилганига шубҳам йўқ, албатта, бироқ ҳақиқатни олганда, шундай бўлгани тўғри-ку ахир, виконт! Бундай ишда энг муҳими — ҳақиқат.

— Хоним афанди,— эътироз билдирди Мармань,— мен буни шундай ташлаб қўймайман. Ундан интиқом оламан! Бу сафар энди менга бахт кулиб боқади, деб умид қиламан.

— Тўхтанг, тўхтанг, виконт! Яна қанақа интиқом? Менимча, жангни бошқатдан бошлашингизга тўғри келади, холос. Ахир, билишимча, дастлабки иккала жангда ҳам ўша Челлини ғолиб чиқди шекилли.

— О, хоним афанди, ўша ерда менинг йўқлигим сабабли шундай бўлган,— деб ғўлдирадди тобора кўпроқ хижолат тортаётган Мармань.— Еллаган одамларим менинг йўқлигимдан фойдаланиб қочиб қолишипти, лаънатилар!

— Сизга маслаҳатим шуки, Мармань, ўз мағлубиятингизни эстироф этинг-у, Челлини билан бошқа ўчакишманг,— деб гапга аралашди прево.— Зеро у билан тўқнашган чоғингизда мутлақо омад ёр бўлма-япти сизга.

— Омадсизлик масаласига келганда, муҳтарам прево, сиз ҳам мендан қолишмайсиз,— деб узиб олди Мармань.— Зеро агар миш-мишларга ишонадиган бўлсак (сирасини олганда, Катта Нель қасрини сиздан тортиб олиниши ва у ерда истиқомат қилувчи бир хонимнинг ғойиб бўлиши каби аниқ далиллар ўша миш-мишларнинг тўғрилигини тасдиқлаб турипти), сизнинг Челлини билан тўқнашувингиз ҳам, қимматли мессер д'Эстурвиль, унча омадли бўлмаган! Шунга қарамай, у сизнинг тинчингизни мутлақо ўйламаган

ҳолда, оила аъзоларингизга тиришқоқлик билан ғам-хўрлик қилиб ётганмиш.

— Жаноби де Мармань,— деб чинқириб юборди ўз оиласида юз берган кўнгилсиз воқеа ҳақида фикс-фасод гаплар тарқала бошлаганидан хуноби чиққан прево,— бу гапларингизнинг маъносини менга кейин изоҳлаб берасиз!

— Жаноблар, жаноблар, қўйинглар! — деди ҳерцогиня.— Ўтинаман, ҳузурингизда мен ўтирганимни унутманг. Икковингиз ҳам ноҳақсиз. Қидиришни билмаган одам, жаноби прево, бошқа одамни ҳам топа олмаганликда айбламаслиги керак... Умумий душманга қарши кучларни бирлаштириш ва мағлубиятга учраган иттифоқдошларнинг бир-бирларини ғажишиб, душман кўзини қувонтиришлариға зинҳор йўл қўймаслик керак, жаноби де Мармань. Ана, ҳамма зиёфат зали томон йўл олди. Қўлингизни тутинг, виконт. Ҳа, яхши! Агар кучли эркаклар Челлини билан олишувда ожизлик қилган экан, балки бу ишда, ҳийлакор ожиза аёлларнинг қўли баланд келар. Мен ҳамиша шерикларни ортиқча юк деб ҳисоблаб келаман, шунинг учун, ёлғиз ҳолда курашишни ёқтираман. Бу усул хавфлироқ албатта, лекин зафар нашидасини ҳам ҳеч ким билан бўлашмайман...

— Оббо суллоҳ-е! — деб ҳерцогинянинг сўзини бўлди виконт де Мармань.— Бенвенутонинг буюк қиролимиз олдида ўзини бетакаллуф тутишини қаранглар! Важоҳатини кўрган одам, асилзода деб ўйлаши мумкин, аслида эса хашаки бир наққош, холос.

— Қўйсангиз-чи, нега ундай дейсиз, виконт! Челлини ҳақиқий зодагон! — жилва қилганча деди ҳерцогиня.— Бизнинг энг қадимги зодагонларимиз орасида насаби Юлий Цезарнинг нойибидан бошланган одамларни учратиш осонми? Сиз ҳали, жаноблар, қиролни наққош билан мусоҳаба қуриб, уни эъзозлаяпти, деб ўйлаяпсизми? Янглишасиз. Аксинча, наққош Франдиск Биринчининг саволларига жавоб қайтариб, уни иззат-ҳурмат қияпти.

Дарҳақиқат, Бенвенуто қирол билан шундай бемалол суҳбатлашиб турардики, худолар арзандаси бўлган бу ҳайкалтарошга ўзини шундай эркин тутишни оғзи катта зодагонларнинг ўзи ўргатган эди.

— Хўш, Юпитер устида олиб бораётган ишингиз қандай кетяпти, Бенвенуто? — деб сўради қирол.

— Ҳайкални қуйишга ҳозирлик кўряпмиз, сир.

— Бу улкан ҳодисани қачон яқунламоқчисиз?

— Парижга қайтиб борган заҳотим, аъло ҳазратлари.

— Бизнинг энг моҳир қуювчиларимизни олинг, Челлини; қуйма яхши чиқиши учун ҳеч нимани аяманг. Агар ақча зарур бўлса, ўзингиз биласиз — мен қизганчиқлик қилмайман.

— Биладан, аъло ҳазратлари, сиз дунёда энг саҳий, энг буюк ва олиҳиммат қиролсиз!— деб жавоб қилди Бенвенуто.— Илло сиз тайинлаган маошим туфайли, ҳозир бадавлатман. Энди сиз хавотир олаётган қуйиш ишига келсак, сир, ижозатингиз билан, бу вазифани ўзим бажарсам девдим. Гапнинг очиги, мен француз қуювчиларга унчалик ишонмайман. Тўғри, улар гоъда истеъдодли одамлар, лекин уларнинг ватанпарварликлари қўзиб, тагин хорижий ҳайкалтарошнинг ишини бузиб қўймасмикинлар, деб қўрқаман. Ундан кейин, сизга очигини айтишим мумкин, сир, Юпитер ҳайкалини муваффақиятли чиқиши мен учун жуда катта аҳамиятга эга, шу боис, ҳайкал қуйишни бегоналарга ишониб топшира олмайман.

— Офарин, Челлини!— деб юборди қирол.— Сиз ҳақиқий санъаткорнинг гапини гапирдингиз!

— Қолаверса, аъло ҳазратлари, сиз ваъда қилган мукофотга мушарраф бўлиш иштиёқидаман.

— Тўғри қиласиз, о менинг садоқатли Бенвенутом! Биз ваъдамизни унутганимиз йўқ, агарда ишингиздан мамнун бўлсак, сизни шоҳона саховат билан тақдирлагумиздир. Бул ваъдамизни яна бир бор шоҳидлар: коннетабль ва канцлер олдида такрорлаймиз. Башарти берган сўзимиз хотирамиздан фаромуш бўлиб қолса, шулар бизга уни эслатурлар. Шундай эмасми, Монморанси?.. Сиз нима дейсиз, Пуайе?

— О, аъло ҳазратлари, бу ваъдангизнинг айнан ҳозирги пайтда мен учун қанчалик муҳим эканлигини сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

— Жуда соз-да! Биз уни албатта бажаргумиздир, тақсир... Ана, зиёфат залининг эшиги очилди. Дастурхонга марҳамат, жаноблар, дастурхонга!

Шундан кейин, Франциск I император қошига бориб, уни қўлтиқлаб олди ва икковлари меҳмонхона томон йўналган беҳисоб фахрий меҳмонларнинг олдига тушдилар. Икки ҳукмдор иккала тавақаси ланг очил-

ган эшикдан залга баравар кириб, бир-бирларининг рўпараларига ўтирдилар. Карл I Элеонора билан д'Этамп хонимнинг ўртасидан, Франциск I — Екатерина Медичи билан Маргарита Наваррийнинг ўртасидан жой олди.

Дастурхонда энг асл ноз-неъматлар, энг олий нав майлар мухайё эди, зиёфат тотувлик, хушчақчақлик билан ўтди. Франциск I зиёфатлар, тантаналар, сайл-томошалар пайтида эркин қушдек яйраб кетар эди: у шоҳона вақтичоғлик қилар, Маргарита Наваррийнинг латифа ва мутойибаларидан худди авом банда каби хохолаб кулар эди. Бу томонда эса Карл V ўз ёнида ўтирган д'Этамп хонимга навозишли хушомад қиларди. Меҳмонлар санъат ва сиёсат тўғрисида мусоҳаба юритардилар. Зиёфат охирлаб қолган эди.

Ширинликлар тортилган пайтда маҳрамлар, одат бўйича, меҳмонларга, қўлларини чайиш учун сув солинган жомлар тута бошладилар. Д'Этамп хоним маҳрамнинг қўлидан Карл V учун белгиланган олтин кўза билан жомни олди-да, жомга сув қуйиб, испан саройи аъёнларининг удумига кўра, бир тиззаси билан чўккалаганча, жомни императорга тутди; қирол Франциск I га нисбатан Маргарита Наваррий ҳам айнан шундай ҳаракат қилди. Карл V сувга бармоқлари учини ботирди ва кўзини сув тутган бу машҳура ва дилбар жувондан узмаганча, жилмайиб туриб, биз юқорида таърифлаб ўтганимиз қимматбаҳо узугини жомга тушириб юборди.

— Аъло ҳазратлари, узугингиз тушиб кетди, — деди ҳерцогиня ва жозибали бармоқлари билан узукни олиб, императорга узатди.

— Хоним афанди, ўзингизда қолақолсин, — деди Карл оҳиста овоз билан. — Ҳозир бу узук ниҳоятда олижаноб ва гўзал қўлда туриптики, мен уни қайтариб олишга асло журъат эта олмайман! — Шу гапдан сўнг император овозини яна ҳам пастлаб илова қилди: — Бу Милан ҳерцоглиги учун хамир учидан патир.

Ҳерцогиня табассум қилди: унинг оёғи остига бир миллион турадиган бриллиант тушган эди.

Зиёфатдан сўнг меҳмонлар меҳмонхонага, у ердан бал залига йўл олишди, шунда д'Этамп хоним тасо-дифан рўпара келган Челлинини тўхтатди.

— Мессер Челлини, — деди ҳерцогиня ҳайкал-тарошга бояги узукни узатар экан, — илтимос, мана шу

бриллиантни шогирдингиз Асканиога бериб қўйсангиз: менинг олтин нилуфарим учун у шу бриллиантдан шабнам томчисини ясайди.

— Бу шабнам томчиси, хоним афанди, дарҳақиқат Авроранинг¹ ўз илқидан тушган кўринади! — деб жавоб қилди ҳайкалтарош истеҳзоли жилва ва сохта назокат билан.

Лекин кўзи узукка тушиши билан шодиёна ҳаяжондан бир сесканиб кетди: у бир вақтлар папа Климент VII нинг буюртмаси бўйича ўзи ясаган бу узук билан унинг бриллиант кўзини таниб қолган эди. Бу узукни ҳазрати бузрук буюк императорга тухфа этган ва Бенвенуто ўшанда уни шахсан ўзи Карл V га элтиб берган эди.

Орий, агарки император шундай бебаҳо буюмдан воз кечишга рози бўлган, яна келиб-келиб, уни аёл кишига тухфа қилган экан, демак бунинг ниҳоятда муҳим сабаби, масалан, ўзи билан д'Этамп хоним ўрта-сида қандайдир махфий битим, сирли шартнома тузилган бўлиши керак.

Император Карл Фонтенблода кунларини, энг муҳими, тунларини ҳаяжон ва иштибоҳда ўтказиб, юқорида айтганимиздек, қалби умид ва даҳшатдан ларзага келганча, гоҳ мугамбирлик, гоҳ ғаламислик қилиб, гоҳида кимларнингдир тагига сув қуйиш, ҳийла ишлатиш, ваъдабозлик қилиш, ваъдасидан тониш ва яна янгидан сўз бериш билан машғул бўлган бир пайтда биз Катта Нель қасридан бир хабар олайлик-чи, у ерда бирон кор-ҳол юз бермадимикин.

Еттинчи боб

ГАМГИН РОҲИБ АФСОНАСИ

Бутун Нель қасри алгов-далғов эди: бу ерда уч-тўрт кундан бери гамгин роҳибнинг шарпаси пайдо бўлиб қолди; бир вақтлар у мана шу ерда қад кўтарган монастырда кўриниб тураркан, аммо монастырь харобага айланиб, ўрнига Амори, яъни Нель қасри қурилгач, шарпа кўринмай қолган экан. Перрина хоним мана шу арвсҳни Катта Нель қасри хиёбонида кечаси

¹ *Аврора (юнон мифологияси)* — тонг шафағи маъбудаси.

бошдан-оёқ оқ либос кийиб тентираб юрганини ўз кўзи билан кўрипти; арвоқ қум тўкилган йўлкаларда из қолдирмай, товуш чиқармай юрганмиш.

Лекин Кичик Нель қасрида яшаши бизга аён бўлган Перрина хоним Катта қаср боғида, боз устига, тунги соат учда сайр қилиб юрган ғамгин роҳибни қандай кўра олдийкин? Бу саволга жавоб бериш учун ўзгалар сирини фош қилишимизга тўғри келади. Бироқ қиссанавис учун ҳақиқатни баён қилиш ҳамма нарсадан муҳим, шу билан бирга, ўқувчи ҳам биз ушбу китоб саҳифаларига олиб чиққан қаҳрамонлар ҳаётида юз берган энг майда икир-чикирларгача мукамал билиш ҳуқуқига эгадир, башарти, мазкур тафсилотлар юз бераётган ҳодисаларни ойдинлаштиришга хизмат қилса — нур устига нур.

Коломба гойиб бўлгач, ишсиз қолган Пульчери ишдан бўшади, айти пайтда, прево ҳам жўнаб кетди, оқибат, Перрина хоним Кичик Нель қасрининг тўла ҳуқуқли соҳибаси бўлиб қолди, зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, боғбон Рембо билан унинг ёрдамчилари превонинг қурумсоқлиги туфайли, ишга кунбай ёлланган эдилар. Шундай қилиб, Перрина хоним Кичик қасрнинг наинки тўла ҳуқуқли, боз устига, ягона соҳибасига айланди, у кунларни диққинафасликдан юраги сиқилиб, тунларни қўрқувдан дағ-дағ титраб ўтказар эди.

Лекин орадан сал вақт ўтар-ўтмас Перрина хоним диққинафасликнинг жуда ажойиб давосини топди: у Руперта хоним билан ораларидан қил ҳам ўтмайдиган дўст бўлиб олди, бу дўстлик туфайли Катта Нель қасрининг эшиги хонимга ланг очилди. Шундан кейин у қўшни аёллар ҳузурига бемалол кириб-чиқиб турди.

Бунинг оқибатида, турган гапки, Перрина хоним Катта қасрда истиқомат қилувчи эркаклар билан ҳам танишиб олди. У ёш бўлмаса ҳам, хийлагина кўзга яқин, бадани тоза, хушбичим, дўмбоққина, боз устига, хушмуомала аёл эди, қолаверса, ёруғ жаҳонда ўттиз олти йилдан бери яшаётган бўлишига қарамай, ҳаммага, бор-йўғи энди йигирма тўққизга кирдим, деб айтарди. Табиийки, устахонадаги босқон ураётган, олтин безакларни силлиқлаётган, эговлаётган, пардозлаётган, зарб қилаётган, якшанба кунлари ҳамда байрамларда мириқиб еб-ичишни, вақтичоғлик қилишни, кези келганда, аёллар кетидан илакишишни яхши

кўрувчи ўн икки халфа бу ерга ташриф буюрган Перрина хонимни пайқамай қолмади. Мана, орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, муҳаббат маъбудаси — амури бизнинг эски танишларимиздан учтасининг юрагини жароҳатлади-қўйди. Булар:

*Жимит-Жан,
Симон-Чапақай
ва немис Ҳерман эди.*

Асканио, Жак Обри ва Пагололар, ўз маъшуқалари бўлганлиги сабабли бу латофатли хонимнинг сеҳру жодусидан ўзларини сақлаб қолдилар. Қолган шогирдлар ҳам ишқ ўтида ёнган бўлишлари керагу, лекин хонимнинг кўнглига ёқмасликларига кўзлари етиб, ўз севгиларини аланга олмасидан олдин сўндирган бўлсалар ажаб эмас.

Жимит-Жаннинг севгиси ҳурматдан нарига ўтмасди. Турган гапки, Перрина хоним ўта бамаъни аёл эди, шунга кўра, бундай тутуруқсиз муҳаббатга шайдо бўлишни ўзига муносиб кўрмади.

Симон-Чапақай хийла дуруст кўринарди, бинобарин, унинг севгисидан умид қилса бўларди. Аммо Перрина хоним ўтакетган иримчи эди. Бир куни у Симоннинг чап қўли билан чўқинаётганини кўриб қолиб, ҳали бу йигит менга уйланаётган чоғида никоҳ аҳдига ҳам чап қўл билан имзо чекса-я, деб ўйлаб, ундан айниди-қолди. Дуэнья, чап қўл билан бажарилган чўқиниш, наинки инсон руҳини халос этади, балки аксинча, шайтонга рўпара қилади, чап қўл билан имзо чекилган никоҳ аҳди эр-хотинни бахтсиз қилади, деб астойдил ишонар ва бу фикр хонимнинг миясига жуда қаттиқ ўрнашиб олган эди. Шунинг учун, Симон Перрина хонимга муҳаббат изҳор этиш учун оғиз жуфтлаши биланоқ, хоним йигитга шундай совуқ муомала қилдики, шўрликнинг бутун орзу-умидлари пучга чиқди-қўйди.

Энди Ҳерман қолган эди. О, Ҳерман — бу бошқа гап! У Жимит-Жан сингари она сути оғзидан кетмаган гўдак ҳам, Симон-Чапақайга ўхшаб қусурли ҳам эмас эди. Ҳерманнинг бутун қиёфаси унинг диёнатли одам эканлигидан далолат берар эдики, айнан шу хислати Перрина хонимнинг кўнглига ёқиб қолган эди. Энг муҳими, у Симонга ўхшаб чапақай эмас эди: у иккала

қўлини ҳам бир хилда худди ўнг қўлдек моҳирлик билан ишлата олар эди. Бунинг устига, ҳамма Ҳерманни хушбичим йигит деб ҳисобларди. Перрина хоним бутун диққат-этиборини шу йигитга қаратди.

Лекин, маълумингизки, Ҳерман гўдак боладек жуда гўл эди. Шунинг учун, Перринанинг нозу қарашма, лаб чўччайтиришу эҳтиросли нигоҳ ташлашлардан иборат илк ҳамласи ориятли немиснинг туғма камтарлигига дуч келиб, ҳеч қандай самара бермади. Ҳерман унга ҳайратланиб тикилар, лекин инжилда айтилган сўқирларга ўхшаб, *oculos habebat et non videbat*¹, шоиста дуэньянинг жамолини кўрса ҳам, унинг сеҳру жодусини сезмас эди. Шундан кейин, Перрина хоним ҳар гал Августинлар соҳилига ёки Нель қасрининг боғида сайр қилгани чиққанида Ҳермандан унга ҳамроҳ бўлишни илтимос қила бошлади — бундан ошиқ йигит бениҳоя хурсанд бўлиб кетарди, албатта. Сайр чоғида латофатли жувон немиснинг қўлига суяниб оларди, шунда йигитнинг хийла дағал юраги одатдагидан тезроқ тепа бошлар эди; аммо у французча гапиришга қийналганиданми ё ўзининг дил армони бўлмиш маъшуқасининг булбулигўё бўлиб гапиришларини ёқтирганиданми, ишқилиб, Перрина хоним унинг оғзидан асосан: «Яхшимисиз, матемуасель»² ва «Кўришқунша хайр, матемуасель», деган сўзларнигина эшитарди, холос. Ҳерман юқоридаги биринчи гапни дуэнья билан учрашиб, уни қўлтиқлаб олганида, иккинчисини эса икки соатлардан кейин хоним билан хайрлаша туриб дерди. Гарчи «матемуасель» деб мурожаат қилишларидан Перрина хонимнинг кўнгли тоғдек кўтарилаётган бўлса ҳам, бунинг устига, икки соатлик сайр пайтида бир ўзининг ҳеч қандай тўсқинликсиз гапира олиши беҳад хуш ёқса ҳам, шунга қарамай, шоиста хоним гунг ошиғининг оғзидан унинг қалб розини ифодаловчи бирон сўз ё ҳеч бўлмаганда, ундов эшитишни истарди.

Бу орада Ҳерманнинг севгиси аланга ола бошлади, лекин у ўз гуйгусини на бир оғиз сўз, на бирон рафтори билан изҳор этди. Диёнатли немиснинг қалбида муҳаббат гулхани гуриллаб ёнар ва Перрина хонимга яқинлашган чоғларида ўт сочувчи вулқонга айланиш

¹ Кўзи бот эдию, аммо кўрмасди (Лот.).

² Мадемуазель (ойим қиз) сўзининг бузилгани.

хавфи туғиларди. Ниҳоят, Ҳерман бу дилбар аёлнинг ўзига кўнгли борлигини фаҳмлади, энди унга муҳаббат изҳор этиш учун қулай фурсатни кута бошлади. Перрина хоним Ҳерманнинг журъатсизлик қилаётганини тушунди ва бир кун оқшомда Кичик Нель қасри дарвозаси олдида у билан хайрлаша туриб, бу дилбар йигит жуда тортинчоқлик қиляпти, агар унинг қўлини сиқиб хайрлашсам шояд бу ҳаракатим унга бир оз далда бўлса, деб ўйлаб, унинг қўлини сиқди. Шунда Ҳерман ҳам севинчдан терисига сиғмай кетиб, хонимнинг қўлини сиқди, аммо Перринанинг жонҳолатда чинқириб юборганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Гап шундаки, ҳиссиётга берилиб кетган Ҳерман ўзининг паҳлавондек кучли эканини унутиб қўйиб, бечора дуэньянинг қўлини сал бўлмаса анжир қилиб эзиб юборай дегди.

Бу аламли фарёдни эшитган Ҳерман эсанкираб қолди, лекин Перрина хоним ўз рицарини — севги изҳор этишга биринчи марта қимтинибгина журъат қилган рицарини хижолатда қолдиришни истамди. Мана шунинг учун ҳам у табассум қилди ва Ҳерманнинг метин қўлида қапишиб кетган бармоқларини бир-биридан ажратар экан, шундай деди:

— О, парво қилманг, ҳеч нима бўлгани йўқ, қимматли жаноби Ҳерман! Ҳеч ҳам оғригани йўқ, худо ҳаққи...

— Кеширинг мени, матемуасель Перрин! — деди немис. — Лекин мен сизни чуда, чуда, яхши кўради! Яхши кўрганим ушун сизники қўл маҳкам сиқдим! Мени кеширинг, матемуасель!

— Асло ёзият чекманг, жаноби Ҳерман, парво қилманг! Ўйлайманки, бу севгингиз билан сиз аёл кишини тақҳирламоқчи эмассиз, мени уялтириб қўй-массиз, албатта.

— Е танграм! — деб чинқириб юборди Ҳерман. — Мен пиламан, матемуасель Перрин, меники муҳаббатим, ҳалол муҳаббат, фақат шуни сизга айтишка чуръат қилолмакан эдим. Паски, кап ўзи ошилип кеткан экан, сиска капнинг ошиғини айтаман қўяман: меники сизни сефаман, сефаман, сефаман, сефаман, чуда-чуда кўп сефаман, матемуасель Перрин!

— Жаноби Ҳерман, сиз диёнатли йигитсиз, заифа бир аёлни алдаш қўлингиздан келмайди; шунинг учун, мен ҳам сизга шуни айтмоқчиманки... Э худо, қандай тилим боради бу сўзни айтишга! — деди нозланиб Перрина.

— О, капиринг, капираверинг!— деб юборди Ҳерман.

— Хуллас, бундай: мен... Вой, айтолмайман!

— Nein, nein! Сиз капирасиз, капира оласиз! Илтимос қиламан!

— Ҳа, яхши! Очиғини айтсам, сиз ҳам мепинг кўнглимга ўтиринқирагансиа.

— Е танграм! — деб чинқириб юборди ўзини саодат чўққисида ҳис қила бошлаган немис.

Шундай қилиб, бир куни оқшом пайтида янги пайдо бўлган Жульеттамитиз ўз Ромеосини Катта Нель қасрининг дарвозасигача кузатиб қўйиб, уйига қайтаётганида, боғ эшиги ёнидан ўтаётиб, биз юқорида айтганимиз оққа ўранган шарпани кўриб қолди. Шоиста дуэньянинг фикрича, у ғамгин роҳибнинг ўзгинаси эди. Перрина хонимнинг ҳаяжондан мурдадек оқариб уйга боргани ва ўз хонасига кириб, эшикни шоша-пиша ичидан беркитиб олгани ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Эртаси куни эрталаб арвоҳ ҳақидаги гапни бутун устахона эшитди. Лекин Перрина хоним бу муҳим воқеа тўғрисида тафсилотларга тўхтамай, қисқагина қилиб: ғамгин роҳибни кўрдим, деб қўяқолди. Дуэньядан қанча илтимос қилишмасин, у бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади.

Шу куни эрталабдан кечгача Катта Нель қасрида нима ҳақда гап очилмасин, нуқул ўша ғамгин роҳибга бориб тақалаверди; баъзилар Перрина хонимнинг гапига ишонишар, бошқа бировлар бу хабарни кулгига оларди. Асканио даврасидаги Жимит-Жан, Симон-Чапақай ва Жак Обриллар ишонмовчилар гуруҳини ташкил қилишди. Арвоҳнинг борлигига ишонувчилар гуруҳига Руперта хоним, Скоццоне, Паголо ва Ҳерманлар кирди.

Кечқурун ҳамма Кичик Нель қасрининг орқа ҳовлисига тўпланди. Бугун эрталабоқ Перрина хонимдан ғамгин роҳиб ҳақидаги афсонани сўзлаб беришни илтимос қилишган эди, лекин у замонавий режиссёрлар каби, ўз ҳикоясининг таъсирли чиқишини истаб, бу мудҳиш воқеани фақат кечга бориб эслашим мумкин деб айтди. Чунки арвоҳлар ҳақида кундузи гапирилса, ҳикоя унчалик таъсирчан бўлмаслигини, аммо қош қорайган пайтда айтилса, қизиқарлироқ туюлиши мумкинлигини Перрина хоним яхши тушунарди.

Хонимнинг ҳикоясини тинглагани йиғилганлар: Перрина хонимнинг ўнг ёнида ўтирган Ҳерман, дугонанинг чап ёнидан жой олган Руперта хоним, ёнма-ён ўтиришган Паголо билан Скоццоне, ўт устига ёнбошлаб ётиб олган Жак Обри ҳамда унинг икки ёнидан жой олган дўстлари Жимит-Жан билан Симон-Чапақайлардан иборат эди. Асканио эса хотинларнинг гийбатини, умуман ҳар қанақа тутуруқсиз ёлгон-яшиқ гапларни эшитишга тоқатим йўқ, деб бу ерга келмаган эди.

— Қани, матемуасель Перрин, биска роҳип фоқиаси сўслап перинг, — деди Ҳерман ҳамма жойлашиб ўтираётган пайтдаги бир дақиқалик сукутдан фойдаланиб.

— Яхши, — деб жавоб қилди Перрина хоним, — сўзлаб бераман, лекин огоҳлантириб қўяй: бу ниҳоятда қўрқинчли воқеа, уни бунақа бемаҳалда эсламаганимиз маъқулмиди балки. Илло биламан, гарчи баъзи бировларингиз арвоҳга ишонмасангиз ҳам, барибир ҳаммангиз художўй одамларсиз, қолаверса, агар бу ерга ҳатто шайтон қадам қўйганда ҳам, жаноби Ҳерман уни тирқиратиб қувиб юборолади, шунинг учун, майли, эшитинглар.

— Кеширасис, матемуасель Перрин, сисни окоҳлантириф айтмоқшиман, акар шайтон келатиган пўлса, мендан умит қилманг, мен отамлар билан хоҳлақанингисша уришишим мумкин, аммо шайтон пилан олишмайман.

— Ҳа, майли, шайтон билан мен олишаман, — деб гапга аралашди Жак Обри. — Қўрқманг, Перрина хоним, гапираверинг.

— Матемуасель Перрин, ўша сис ҳикоя қилатикан фоқиада кўмирши порми? — деб сўради немис.

— Кўмирчи? Йўқ, жаноб Ҳерман, кўмирчи йўқ.

— Яхши, яхши, пуни аҳамияти йўқ.

— Бўлмаса, нега сўрадингиз?

— Нимакаки, немис афсоналарита тоим кўмирши иштирок этади. Лекин пунинг сира-сира аҳамияти йўқ. Парипир, сис айтатикан фоқиа қисқарли пўлиши керак, қапираферинг, матемуасель Перрин.

— Мана, эшитинглар, — деб ҳикоясини бошлади Перрина хоним. — Бир замонлар мана шу ерда, Нель қасрининг ўрнида монастырь бўлган экан. Унда истиқомат қилувчи роҳибларнинг ҳаммаси худди битталаб саралангандай бақувват, норғил одамлар экан: мисоли бизнинг жаноб Ҳерманга ўхшашаркан.

— Шуям монастирь бўлипти-ю!— деди тилини тия олмаган Жак Обри.

— Жим бўлинг, эма-чурук!— деб силтаб ташлади уни Скоццоне.

— Ҳа, чим бўлинг, файсақи!— деб қўшилишди Ҳерман ҳам.

— Яхши, яхши, жим бўлдим. Давом этинг, Перрина хоним.

— Бу жамоа роҳибларининг соқоллари ипакдек майин, қоп-қора, кўзлари ўтдек чақнаб турар экан, аммо монастирь пири дон Энҳерранд улар ичида энг ўктами ҳисобланаркан: унинг соқоли ҳамманикидан ҳам қорароқ, кўзлари мисоли чақмоқдек порлар экан. Бундан ташқари, муҳтарам оғаи роҳиблар бениҳоя художўй ва ғоятда боахлоқ бўлиб, овозлари шу қадар ёқимли эканки, кечки ибодат пайтида муножот қилишганида, уларнинг овозини эшитиш учун теварак-атрофдаги қавмлар бир неча чақирим наридан ҳам гурра-гурра келаверар экан. Ҳар қалай, эшитганимни айтяпман.

— Оҳ, бечора роҳиблар!— хўрсиниб қўйди Руперта хоним.

— О, жуда қизиқарли воқеа!— деди Жак Обри.

— Оҳ, чуда аломат фоқиа!— деди Ҳерман.

— Мана, кунларнинг бирида,— деб ҳикоясини давом эттирди мақтовлардан кўнгли кўтарилган Перрина хоним,— пирнинг қошига монастирда шогирдлик қилишни хоҳлаган гулдек гўзал бир йигитчани бошлаб келишипти. Унинг соқоли ҳали ниш урмаган, лекин кўзлари худди ақиқдек тимқора эмиш, ипакдек мулоғим узун-узун кокиллари қарга қанотидан ҳам қорароқмиш. Уни дарҳол шогирдликка қабул қилишипти. Йигитчанинг исми Антонио бўлиб, у пирга шогирд тушишни ихтиёр қилипти, дон Энҳерранд ҳам бунга бажону дил рози бўлипти. Монастирь роҳибларининг хушовозлиги ҳақида боя айтган эдим. Антонионинг ҳам овози қўнғироқдек жарангдор, тароватли экан, у навбатдаги якшанба куни черковда муножот қилган экан, барча қавмлар унинг овозига маҳлиё бўлиб қолишипти. Аммо лекин унинг мафтункор овози ғалати бир тарзда янграб, ибодатга келганларнинг дилида наинки илоҳий, балки гуноҳга ундовчи фикрларни уйғота бошлапти. Тўғри, бу навқирон йигит ўта бегуноҳ роҳибларнинг дилига қутқу сола олмабди, фақат қавмларгина ҳис этишибди ўша куфрона туйғуни,

Антонионинг овози пири бузургни шу қадар ром қилиб қўйиптики, натижада у барча антифонларни¹ орган жўрлигида ижро этишни шу йигитчага топширипти.

Ёш шогирднинг хулқи мутлақо беқусур бўлиб, у пирга астойдил садоқат билан хизмат қила бошлапти. Унинг биттаю битта камчилиги — доим паришонхотир бўлаверар экан. У ўтдек ёнган нигоҳини муттасил пирга қадаркан.

«Кимга бунчалик тикиляпсиз, Антонио?» — деб сўрапти ундан бир неча бор дон Энҳерранд.

«Сизга, пирим», — хўрсиниб жавоб қилипти ёш роҳиб.

«Яхшиси, сиз китобга қарасангиз бўларди, бўтам!.. Хўш, энди қаёққа қараяпсиз?»

«Сизга, пирим».

«Ундан кўра, сиз Биби Марьямнинг қиёфасига кўз ташласангиз мақбул бўлур эди, Антонио!.. Энди-чи? Нимага қараяпсиз?»

«Сизга, пирим».

«Антонио, сиз яхшиси, нигоҳингизни чормих қилинган Исонинг жамолига қаратинг!»

Хуллас, дон Энҳерранд бир нарсани ҳис эта бошлабди: Антонио роҳиблар жамоасига келиб қўшилган кундан бошлаб, у, яъни пирнинг ўзи ҳам гуноҳга ундовчи хаёлотлар огушига тушиб қола бошлапти. Авваллари у кунига жуда нари борса, етти марта гуноҳ қилар экан (ҳолбуки бунчалик кам гуноҳ фақат авлиёларгагина мансубдир), баъзида эса, ҳатто ишонгинг ҳам келмайди! — у эртадан кечгача қилган ишларини қайта-қайта минг эсласин, гуноҳкорона хаёллари беш ё олтитадан ошмас экан! Энди бўлса, пирнинг ҳар кунги гуноҳи ўн, ўн икки, ҳаттоки ўн бештага чиқиб кетибди. Дон Энҳерранд гуноҳларини ювиш учун кўпроқ худога сиғина бошлабди. Рўза тутибди, ибодат қилибди, ўз жисмини азоблабди — лекин ҳеч бири кор қилмабди. У ўзини кўпроқ қийноққа солган сари гуноҳи ҳам ортиб бораверибди. Шўрпешона пирнинг буткул эси оғиб қолипти. У ўзининг нобуд бўлаётганини аниқ ҳис этармишу, аммо бу балони даф қилиш йўлини ҳеч билма олмасмиш. Бундан ташқари, у ўз қўл остидаги

¹ *Антифонлар* — иккита хор ёки яккахон муножотчи ва хор томонидан навбатма-навбат ижро этиладиган черков қасидалари.

тақводор роҳибларнинг ҳам шундай мушкул аҳволга тушаётганини кўрипти, кўриптию қўрқиб кетипти (ваҳолонки, унинг ўрнида бошқа одам бўлса, хайрият, гуноҳга ботаётган ёлғиз мен эмас эканман, деб ўзига ўзи таскин берган бўларди): бутун монастырь ахли қандайдир сирли, ноаниқ, мавҳум, ғаройиб ва даф қилиб бўлмайдиган куч таъсири остида қолипти. Шу чоққача уларнинг кундалик тавба-тазаррулари, узогн билан, йигирма дақиқа-ярим соатга чўзилган бўлса, энди улар соатлаб тавба-тазарру қила бошлашипти. Ҳаттоки тановул пайтини ҳам кейинга суришларига тўғри келипти.

Бу аснода, бир ойдан бери атроф қишлоқлардаги аҳолини гул гулага солиб қўйган ваҳимали овозлар монастырга ҳам етиб келипти: қўшни қаср эгасининг Антония исмли қизи йўқолиб қолипти, у ҳам худди бизнинг Коломбага ўхшаб бир кун кечқурун тўсатдан ғойиб бўлибди. Бизнинг Колобамиз фаришта-ку, аммо мишмишларга қараганда, у қизнинг шайтони бор экан. Жаноби прево Колобамизни роса қидирган эди; шўрпешона отанинг ҳам ўз қизини қидириб бормаган ери қолмабди. Фақат монастырни тинтиб чиқиш қолипти. Шўрлик ота, шайтоннинг айёр бўлишини, шунинг учун, унинг баъзан ҳатто муқаддасгоҳ ерга ҳам яшириниши мумкинлигини билганидан, ўз руҳоний отасини ўртага қўйиб, дон Энҳеррандга мурожаат қилипти, пир ҳам унинг монастырни кўздан кечиришига бажону дил розилик берипти. Эҳтимол, у, шояд шу қидирув оқибатида бир ойдан бери ўзи билан барча роҳибларнинг бошига бало бўлган ўша махфий қувва ошкор бўлса, деб умидвор бўлгандир. Бе, қасқда дейсиз! Нечоғли синчковлик билан қидиришмасин, барча уринишлари зое кетибди. Шунда қизининг топилишидан буткул умидини узган ота монастырни тарк этиш мақсадида ҳовлига чиқипти. Бу ерда у пири бузург билан хайрлашар экан, ёнларидан турнақатор тизилиб кечки ибодатга ўтиб бораётган роҳибларни паришопхотирлик билан кузата бошлапти.

Ёнидан охири роҳиб ўтаётганида у бирдан баралла хайқириб юборипти:

«Е қудратингдан! Ахир бу Антония-ку! Қизим-ку!»

Антония — зеро бу роҳиб йигит чинданам унинг қизи эди — докадск оқариб кетипти.

«Бу ерда нима қилиб юрибсан, қизим, яна роҳиблик либосини кийиб олибсан?» — деб сўрапти қария.

«Нима қилардим, дадажон? — депти Антония.— Мен дон Эңхеррандни чин юракдан севиб қолганман — шунинг учун келдим бу ерга».

«Ҳозирнинг ўзида даф бўл монастирдан, бадбахт қиз!» — деб бақирипти дарғазаб ота.

«Тирик эканман, дадажон, бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман», — дея хотиржамлик билан жавоб қилипти Антония.

Шундай дептию отасининг «ҳай-ҳай» лаганига ҳам парво қилмай, роҳиблар орқасидан ғизиллаганча ибодатхонага кирибди ва ўзининг одатдаги жойига бориб турипти. Ҳангу манг бўлган пир худди қоққан қозиқдек қотиб қолипти. Дарғазаб ота қизининг орқасидан қувиб киришга хезланган экан, дон Эңхерранд ундан ўз ғазаби билан муқаддасгоҳни таҳқирламасликни ва то ибодат тугагунча сабр қилиб кутишни илтимос қилипти. Ота ҳам бу гапга кўниб, пирнинг орқасидан ибодатхонага кирипти. Айни шу пайт антифонлар ижро этила бошлаган ва бу муножотга жўр бўлаётган органнинг тантанавор садоси гўё илоҳий сасдек янграётган экан. Мунсжот айтаётган шогирд боланинг, яъни Антониянинг овози ажиб бир тарзда янгрармиш, лекин унинг овозида олам-олам ҳасрату, кинояю ғазаб мавжудмишки, буни эшитаётган барча номозхонларнинг қалби ларзага келипти. У муножот қилишдан тўхташи билан органнинг қудратли, вазмин ва улугвор овози янграй бошлабди, энди ҳамманинг назарида, бу мусиқа ўзининг самовий салобати билан аянчли замин куйчисининг мунгли нидосини босиб юбормоқчи бўлгандек туюлипти. Шунда Антониянинг овози гўё орган садосидан устун чиқмоқчи бўлгандай яна ҳам шиддатлироқ, янада ғамгинроқ янграй бошлабди.

Номозхонлар бу мудҳиш олишув, яъни шаккоклик билан тоат-ибодатнинг, раҳмон билан шайтоннинг яккама-якка жанги нима билан тугашини саросимага тушиб кутибдилар. Мана, ниҳоят, суралардан бири тугаши билан вужудга келган ҳаяжонли сукунатда бирдан илоҳий мусиқа момақалдиरोқ янглиғ гумбирлаб, самовий ғазаб номозхонларнинг тавозе билан эгилган бошларига дўлдай ёғила бошлапти. Орган худди махшар кунда Исрофил чаладиган сур карнайидек гумбирлапти. Фақатгина Антония бошини эгмабди, у ҳамон беллашмоқчи бўлармиш-у, вале унинг оғзидан энди муножот ўрнига оғир мусибат оқибатида жинни



бўлиб қолган одамнинг хохолаб кулишига ўхшовчи дағал, юракни эзадиган аламли фарёд отилиб чиқармиш, кейин у тош плиталар терилган ерга йиқилибдию ранги қув ўчиб, қимир этмай қолипти. Одамлар унинг тепасига югуриб келиб, кўтариб олмоқчи бўлишипти, қарашса, қиз ўлиб қолган экан...

— Ё Исо алайҳиссалом!— деб юборди бирдан Руперта хоним.

— Пешора Антония!— деди соддадил Ҳерман.

— Мугамбир қиз!— деб тўнғиллади Жак Обри.

Қолганлар жим ўтиришарди. Ҳаттоки энг бадгумон халфаларнинг ҳам кўнгли Перрина хонимнинг бу қўрқинчли ҳикоясидан кейин беҳузур бўла бошлаганди. Скоццоне кўзёшини артди, Паголо самимий чўқиниб олди.

— Илло дон Энхерранд,— деб ҳикоясини давом эттирди Перрина хоним,— худонинг ғазабига учраган ғаним хок-туроб бўлди, хайрият, шайтоннинг васвасасидан энди буткул озодман, деб ўйлабди. Аммо шўрлик янглишган экан, зеро шайтони бор қизга муқаддас монастирдан бошпана берганини унутган экан. Шундай қилиб, эртаси куни тунда у эндигина мудрай бошлаганида, занжирларнинг шарақлашидан уйғониб кетипти. У кўзини очиб, беихтиёр эшик томонга қарабди, қараса, эшик ўз-ўзидан очилиб, хужрага бошдан-оёқ роҳибаларнинг оппоқ ридосига ўранган бир аёл кириб келаётганмиш. Кейин бу шарпа дон Энхерранд ётган чорпоёга яқин келибди-да, унинг қўлидан ушлаб: «Бу мен — Антонияман! Ўша сени севувчи Антония! Худо ихтиёрингни менга топширди, зеро сенинг амалда бўлмаса ҳам, хаёлан қилган гуноҳларинг беададдир»,— депти.

Шундан сўнг, ўз муҳаббатига содиқ бу шарпа ҳар куни ярим кечада мунтазам равишда пирнинг қошига келаверипти, охир-оқибат, дон Энхерранднинг тоқати тоқ бўлиб, Исо алайҳиссаломнинг қабрини зиёрат қилиб, унга сиғиниш учун Қуддусга равона бўлипти, худонинг марҳаматини қарангки, ўша муқаддасгоҳда тиз чўкиб ибодат қилиб турган чоғида жони узилипти.

Аммо Антония шундан кейин ҳам тинчимапти. Очигини айтганда, роҳибларнинг аксарияти гуноҳ бобида ўзларининг бахтиқаро пирларидан қолишмас эканлар. Шу боис шарпа тунда навбатма-навбат ҳар битта роҳибнинг қошига келиб, мудҳиш овоз билан:

«Бу мен — Антонияман! Уша сени севувчи Антония!»
— деб қўрқитаверишти.

Шунинг учун бу шарпани ғамгин роҳиб деб атай бошлашган экан.

Айтмоқчиманки, агар кечқурунлари, қоронги тушган пайтда кўчада кулранг ё оқ ридо кийиб, қайтарма қалпогини кўзигача тушириб олган одамнинг орқангиздан изма-из келаётганини кўрсангиз, тезроқ уйингизга кочиб кириб олинг, нега десаңгиз, у ўзи учун янги қурбонлар ахтариб юрган ғамгин роҳиб бўлиши мумкин!

Хуллас, ўша монастирни бузиб ташлаб, ўрнига мана шу қасрни қуришганда, ҳамма, энди ғамгин роҳибнинг таъқибидан қутулдик, деб енгил тин олган экан. Лекин янглишишти: шарпага бу жой жуда ёқиб қолган бўлса керак, хануз аҳён-аҳёнда кўриниб қолади. Ҳозир ҳам ўша бахтиқаро, беором руҳ яна қасрда тентираб юрипти... Э, худо, биздан шафқатингни дариг тутма, ўшал арвоҳнинг иблисона қаҳридан ҳифз эт!

— Омин! — деди Руперта хоним чўқиниб.

— Омин! — пичирлади Ҳерман бир сесканиб.

— Омин! — мийиғида кулиб қўйиб деди Жак Обри. Қолганлар ҳам, ҳар ким бу афсонадан олган таассуроти даражасига қараб, турли оҳангда «омин» деб айтишди.

Саққизинчи боб

ТЕРАК БОШИГА ЧИҚҚАН ОДАМ ТУНДА НИМАЛАРНИ КЎРИШИ МУМКИН

Эртаси кун эрталаб, яъни қирол бутун аъёнлари билан Фонтенбодан қайтиши лозим бўлган кун, Руперта хоним, кечаги ғамгин роҳиб афсонасини эшитганларга юзланиб, мен ҳам жуда аломат бир воқеани сўзлаб бермоқчиман, деб айтди.

Турган гапки, ғаройиб воқеа дарагини эшитган кечаги Перрина хонимнинг тингловчилари бугун кечқурун ҳам ўша пайт, ўша жойда йиғилишди.

Ҳамманинг кайфияти чоғ. Бугун эрталаб Асканио Бенвенутодан мактуб олган эди. Мактубда у, Юпитер ҳайкали учун мўлжалланган зални безаш учун яна икки-уч кунга ушланиб қолажаги ва Парижга қайтиб бориши билан ҳайкални қолипга қуйишга киришиши ҳақида ёзган эди.

Прево масаласига келсак, у Нель қасрига фақат бир мартагина келиб, Коломба ҳақида сўради, аммо Перрина хонимнинг, қизимиздан ҳеч қандай дарак йўқ, деган жавобини эшитиб, шу заҳоти яна Шатле қалъасига қайтиб кетди.

Қисқаси, ҳам Катта, ҳам Кичик Нель қасрида истиқомат қилувчилар уйда соҳибларининг йўқлиги туфайли ўзларини қушдек эркин ҳис этардилар.

Бу оқшом Жак Обри Жервеза билан учрашиши керак эди, лекин бугун айтиладиган ҳикоя уни ҳам ром қилиб қўйди. Қолаверса, у Рунертанинг ҳикояси Перрина айтган кечаги ҳикоядан қисқароқ бўлиши керак, деб тахмин қилган, шунга кўра, бу оқшом ҳам ҳикоя эшитиб, ҳам Жервеза билан учрашишга улгурмоқчи эди.

Алқисса, Руперта хоним тўпланганларга қуйидагиларни баён қилди.

У ғамгин роҳиб ҳақидаги ҳикояни эшитибдию тинчини йўқотибди. Ўз хонасига кириб ёлғиз қолгач эса баттар қўрқиб кетибди — негаки, Антониянинг арвоҳи ҳар қандай ерга, ҳатто Исо Масихнинг табаррук жисмини акс эттирувчи ҳайкалча ўрнатилган Руперта хонимнинг хонасига ҳам бемалол кириб бориши мумкин эди.

Руперта биринчи навбатда эшикни ичидан маҳкам беркитибди, лекин бу билан кекса ходима қўрқувдан фориг бўлмабди, чунки арвоҳлар учун ҳар қандай ғов ҳам чикора эканлигини у жуда яхши тушунарди. Агар иложини топса, Катта Нель қасрининг боғига очиладиган деразасини жон-жон деб тақатақ беркитиб ташлаган бўларди-я, лекин, афсуски, қасрнинг аввалги соҳиби деразаларга қопқоқ ўрнатиш ҳақида бош қотирмаган, ҳозирги соҳиб эса бунақа арзимаган нарсаларга пул сарфлашни исрофгарчилик деб ҳисобларди.

Одатда, дераза парда билан тўсилган бўларди; лекин бугун аксига юриб, пардани ювгани олишган экан. Қисқаси, Руперта хонимнинг хонасини ташқи дунёдан деразанинг ҳаводек тиниқ кўзларигина ажратиб турар экан.

Шунда Руперта чорпоя остига мўралабди, шкафни очиб қарабди, хонанинг барча бурчак-сурчакларини синчиклаб кўздан кечирипти. Инс-жинслар кўп жой эгалламаслигини айниқса, агар думини тагига қайириб, шохи ва туёқларини ичига тортса, тангадек жойга ҳам

сиғиб кетишини хоним биларди. Ахир Асмадей¹ ҳам шиша тубида неча-неча йиллар кулча бўлиб ётган эди-ку! Хонада зог ҳам йўқ эди; Руперта арвоҳ уёқда турсин, соясини ҳам кўрмабди.

Шундай қилиб, кўнгли анча таскин топган рўзгор соқибаси ухлагани ётипти, лекин шамни ўчирмапти. У кўрпа остига кириб, деразага қараган экан, ташқарида юлдузли осмонни гавдаси билан тўсиб турган баҳайбат бир одамга кўзи тушипти. Осмондаги ой-ку деярли кўринмасмиш — охирлаб ўроқ бўлиб қолган экан-да.

Бечора Рупертанинг эти жимирлаб кетибди, қўрққанидан кўзларини чирт юмиб олипти; кейин у дод солмоқчи ё бирон нимани уриб тақиллатмоқчи бўлипти-ю, лекин, хайрият, шу пайт деразаси қаршисида турган одам Марснинг маҳобатли ҳайкали эканлиги эсига тушиб қолипти. Шунда у, юрак ютиб, кўзини очибди ва арвоҳ деб ўйлагани бояги шарпага кўз ташлаб, ҳовлида турган жанг худоси — Марснинг ҳайкалинини танибди. Танибдию зумда кўнгли жойига тушибди, энди у тезроқ ухлаб кетишга ҳаракат қилипти.

Бироқ, аксар пайт боёнларнинг ҳавасини келтирувчи бу қашшоқлар бойлиги — уйқу инсон хоҳишига итоат этмайди. Парвардигор кечқурунлари фазо қопқасини очиб, уйқуни рўйи заминга йўллаганида, бу тантиқ бола² — интизор бўлиб кутганлар қошига эмас, балки боши оққан томонга, кўпинча йўлига кўз тикмаганлар уйига кириб боради. Руперта ҳам шу кеча қанча илтижо қилиб уйқуни чақирмасин, у ҳадеганда хонимнинг кипригига илинмабди!

Ниҳоят, вақт ярим кечага борганда, Рупертанинг кўзлари толиқибди, шундоқ ҳам мубҳам бўлган ўйлари худди иди узилган тасбеҳ доналари сингари сочилиб кетишти. Шоиста рўзгор соқибасининг ҳуши хиралаша бошлабдию, лекин безовта юраги ҳануз қаттиқ-қаттиқ тепармиш; бора-бора юраги ҳам жойига тушибди.

¹ *Асмадей* — француз ёзувчиси Рене Лесажнинг «Чўлоқ шайтон» (1707) романидаги образ. Бу романда тасвирланишича, юлдузларга қараб фол очувчи олим томонидан шишага қамаб қўйилган шайтон Асмадейни Клеофас исмли бир талаба озод қилади, бунинг эвазига шайтон, миннатдорчилик юзасидан йигитга, одамлар ҳаётининг кўздан яширинган томонларини кўрсатади.

² Юнон мифологиясида уйқу худоси Хипнос деб юритилган. (Тарж.)

Ниҳоят ҳамма нарса пинакка кетибди, ёлғиз шамчи-роқнинг пилиги лип-лип ёниб тураверипти.

Илло, маълумки, ер юзида ҳар бир нарсанинг инти-ҳоси бўлади, шамчи-роқнинг ҳам мойи тугабди; бу ҳол Руперта ҳаловатли уйқуга кетганидан кейин икки соатча вақт ўтгач юз берибди. Ёнилгиси тугаган шам-чи-роқ милт-милт қилиб аста сўна бошлабди, кейин лоп этиб бир ўт олибдию ўчиб қолибди.

Бу пайт Руперта қўрқинчли туш кўраётган экан. Тушида у кечқурун алламаҳалда Перрина хонимни-кидан уйига қайтаётганмиш, қараса ғамгин роҳиб орқаси-дан қувиб келаётганмиш. Лекин Руперта хонимнинг бахтига, унинг оёқлари ўн беш ёшли қизникидек чаққон югурармиш (одатда тушда бунинг акси бўлади: киши минг урингани билан жойидан жиллолмайди), шунинг учун, гарчи ғамгин роҳиб одимлаб юрмай, худди сирпанаётгандек учиб келаётган бўлса ҳам, хоним қаср дарвозасига етиб ичкари киргандагина унга етиб олипти, бироқ бу пайт арвоҳнинг тумшуғи олдида дарвоза ёпилипти. Руперта роҳибнинг аянчли ноласини, қоққани тақиллатганини эшитипти, лекин турган гапни, унга эшикни очмабди, албатта: у қўлига чироқ олиб, зинадан ҳар икки пиллапоя оша сакраб, юқори қаватга ғизиллаб чиқибдию хобхонасига отилиб кириб, дарров ўрнига ётиб олипти ва чироқни ўчирипти.

Лекин чироқ ўчиши билан, Руперта дераза ортида ғамгин роҳибнинг бошини кўрипти. У худди калтаке-сакка ўхшаб девордан ўрмалаб чиқиб, хонага кир-моқчи бўлармиш. Руперта унинг тирноқлари билан дераза ойнасини қитирлатаётганини эшитипти.

Қани, айтинг-чи, шундай қўрқинчли туш кўрган одам бамайлихотир ухлайвериши мумкинми? Йўқ, албатта, Руперта ҳам уйғониб кетибди; унинг аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетган, сочлари тиккайган-миш; у даҳшат тўла олазарак кўзларини беихтиёр деразага қаратибди, қаратибдию жонҳолатда чинқириб юборибди, чунки у ташқарида мудҳиш бир манзарани кўрибди: Марснинг баҳайбат калласи ич томонидан ёритилган, унинг оғзи, бурни, кўзи ва қулоқларидан олов отилиб чиқаётганмиш.

Аввалига Руперта, тагин туш кўраётган бўлмай, деб ўйлаб қўлини аямай чимчилаб моматалоқ қилибди, сўнг чўқиниб олиб, уч марта «О падаримиз, парварди-гор», икки марта «Е Биби Марьям» дуоларини ўқибди,

аммо, барибир, даҳшатли манзара кўзидан ғойиб бўлмабди. Шунда Руперта хийла дадиллашиб, қўлига супурги олибди-да, унинг узун дастаси билан шифтни тўқиллатиб ура бошлади: бу билан у ўз теппасида турувчи паҳлавон немисни уйғотмоқчи бўлибди; аммо қанча тўқиллатмасин, Ҳермандан садо чиқмабди.

Шундан кейин Руперта ўзидан бир қават пастда яшовчи Паголони уйғотиш учун полни дўқиллата бошлабди. Лекин афсуски, Паголони қулоғи ҳам Ҳерман-никига ўхшаб том битган экан: кампир минг дўқиллатсин, барибир, «тиқ» этган товуш эшитилмади.

Шунда хоним ён қўшниси — Асканиони эслаб, деворни гурсиллатиб ура бошлабди. Лекин бу ерда ҳам унинг омади юрмабди. Чамаси, учала халфа ҳам қаёққади кетганга ўхшайди. Рўзғор соҳибасининг кўнглига, тагин бу халфаларни ғамгин роҳиб олиб қочган бўлса-я, деган фикр келибди-ю, юраги баттар ғулғулага тушибди. Энди Руперта ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам келмаслигига ишонибди-да, бошини кўрпага буркаб ётиб олиб кута бошлабди.

Шу алфозда у бир ярим, эҳтимолки, икки соат ётибди, аммо қулоғига «тиқ» этган товуш эшитилмабди, шунда у сал тетиклашиб, кўрпанинг бир чеккасини кўтарибди-да, кўз қири билан дераза томонга қарабди: Марснинг калласидан энди олов чиқмаётган, ҳаммаёқни зулмат пардаси ўраган эмиш.

Бироқ бу зулмат ва сукунат нечоғли оромбахш бўлмасин бечора аёл, барибир, мижжа қоқмабди. Қулоқларини динг қилиб, кўзларини катта очиб қоронгуликка тикилганча қимир этмай ётаверибди, арвоқларнинг дайидиган пайти тугаганидан дарак берувчи тонг отиб, кун ёришгандан кейингина кўнгли жойинга тушибди.

Рупертанинг ҳикояси шундан иборат эди. Виждонан айтадиган бўлсак, бу кечаги ҳикоядан ҳам қизиқарлироқ эди. Айниқса, у Ҳерманга, Перрина хонимга, Паголога ва Скоццонега қаттиқ таъсир қилди. Эркаклар, тунда биз ҳеч нима эшитмадик, деб онт ичишди, лекин шундай қимтиниб, бўшашиб гапиришдики, бу ҳолни кўрган Жак Обри баралла хохолаб кулиб юборди. Перрина хоним билан Скоццонега келсак, улар гоҳ қизариб, гоҳ бўзаришарди, агар қоронғи бўлмаса, уларнинг юзида акс этаётган руҳий кечинмани четдан кузатиб турган одам, бу икки аёл ё сакта

касалидан (миясига қон қуйилиши оқибатида), ё кам-қонлик дардидан ўлишади, деб ўйлаган бўларди.

Шунда ҳаммадан олдин ҳушини йнғиб олган Скоццоне:

— Айтинг-чи, Перрина хоним, Катта Нель қасрининг боғида гамгин роҳибни кўрганнгизга аниқ ишонасизми? — деб сўради.

— Ҳозир сизни қандай кўриб турган бўлсам, уни ҳам шундай аниқ кўрганман, ўргилай.

— Сиз-чи, Руперта хоним, Марснинг боши ичидан ёритилганини ростдан кўрдингизми?

— Вой, у лаънати калла ҳанузгача кўз олдимдан кетмаяпти! — деди Руперта.

— Кўнглимга келган эди-я, — деди Перрина хоним. — Арвоҳ ўша уруш худосининг калласига уя қурган. Лекин арвоҳнинг ҳам одамларга ўхшаб сайр қилгиси келади. Шунинг учун кечалари пастга тушиб ҳаммаёқни кезиб юради, чарчаса яна ўша калланинг ичига кириб олади. Санамлар билан арвоҳларнинг ҳаммиша тили бир бўлади ўзи. Нега десанглар, унисиям, бунисиям жаҳаннамдан чиқади. Шунинг учун анави сохта худо Марс гамгин роҳибга ўз бошидан жой берган бўлса ажаб эмас.

— Сис шунтай ўйлайди, Перрин хоним? — деб сўради соддадил немис.

— Мен бунга ишонаман, жаноби Ҳерман, ҳа, имоним комил!

— Фуй, патаним чимирлап кетти, аспаройи хуто! — гўлдиради Ҳерман бир сесканиб қўяркан.

— Бундан чиқди, сиз ҳам арвоҳларга ишонар экансиз-да? — деб сўради Жак Обри.

— О ҳа, алпатта ишонаман!

Жак Обри кифтини учириб қўйди, лекин ўзинча, бу сирнинг тагига етмай қўймайман, деб аҳд қилди. Қолаверса, бунинг қийин томони ҳам йўқ эди: у қаср аҳлининг яқин одами бўлиб қолган, бу ерга кўнгли тусаган пайтда келиб кетаверади. Шунга кўра, у Жервеза билан учрашишни эртанги кунга қолдириб, бугун тунни Катта Нель қасрида ўтказмоқчи бўлди. Ҳали у ҳамма билан хайрлашиб, ўзини қасрдан чиқиб кетаётгандек қилиб кўрсатади, аслида эса боғда қолиб, терак учига чиқади-да унинг шоҳлари орасига яширилади, шу йўсинда арвоҳ билан танишиб олиши мумкин.

У ўйлаганидек иш тутди: ҳар сафаргидек устахо-

надан ҳеч кимнинг кузатувисиз чиқди, ва ҳамма уни қасрдан кетган деб ўйлаши учун дарё бўйига очиладиган эшикни очиб, «қарс» этиб ёпди, сўнг, ҳайкал яқинида ўсган азим терак тагига югуриб бориб, бир сакраб унинг пастки шохига осилди ва бир зумда тирмашиб дарахтнинг қир учига, яъни Марснинг боши рўпарасига чиқиб олди. Бу ердан иккала қасрнинг ҳовли ва боғлари яққол кўриниб турарди.

Жак Обри ўз қўноғига жойлашиб ўтираётган пайтда Лувр қасри чароғон ёритилган эди: у ерда энг ҳашаматли тантана бошланган бўлиши керак. Карл V ниҳоят Фонтенблони тарк этишга рози бўлган ва биз ҳикоя қилаётган куни оқшомда иккала ҳукмдор биргаликда Парижга кириб келган эди.

Бу ерда императорни кутиб олиш учун ҳамма нарасага: зиёфатлар, ўйин-кулгилару базмларга ҳозирлик кўриб қўйилган эди. Созандалар тушган ва турфаранг фонуслар билан безатилган қайиқлар Сена дарёсидан сузиб келиб, қасрнинг кейинчалик машҳур бўлган балкони рўпарасида оҳиста тўхтарди (бу воқеадан кейин ўттиз йил ўтгач, қирол Карл IX ўз халқини шу балкондан туриб ўққа туттирган эди); маржон-маржон гуллар билан безалган қайиқлар эса икки соҳил ўртасида тинмай қатнаб, тантанага таклиф этилган меҳмонларни Сен-Жермень мавзеидан Луврга олиб ўтар эди.

Турган гапки, меҳмонлар орасида виконт де Мармань ҳам бор эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, виконт баланд бўйли, ранги заҳил, сариқ соч одам бўлиб, ўзини аёллар армони деб ҳисобларди. Мана бугун ҳам, назарида навниҳол, дўндиққина графиня унга бошқача нигоҳ билан қарагандек туюлди (бу аёлнинг эри ҳозир Савойя қўшинида хизмат қилаётган эди); Мармань у билан кўп марта рақсга тушди, кейин у хонимнинг қўлини маънодор сиқиб қўйган эди, ёш жувон бу мулоқотга бепарво қарамагандек кўринди. Ва ниҳоят, графиня уйига жўнаб кетаётганида, Марманга шундай нигоҳ ташладики, бу хайрлашув нигоҳи билан у виконтга гўё, Галатеяга¹ ўхшаб, мени қувиб етиб олишингиз учун қочиб кетяпман, деяётгандек бўлди. Мармань шундай фараз билан

¹ Галатея — юнон мифологиясида денгиз худоси Нерейнинг кизи. Унга сицилиялик баҳайбат циклоп (биш кўзли чўпон) Полифем ошиқ бўлиб қолади.

графинянинг изига тушди. У ошиқ бўлиб қолган хоним Отфей кўчасининг нариги бошида турар эди, шунинг учун виконт Луврдан чиққач, соҳил бўйлаб бориб, Нель қасри ёнидан ўтди ва Августинлар кўчасига бурилди-да, ундан Авлиё Андре кўчасига чиқди. Шу ерда у бирдан орқасида оёқ товушларини эшитди.

Тун қоронғи эди: ой, юқорида айтганимиздек, охири-лаб ўроқ бўлиб қолган, вақт эса ярим кечадан олган эди. Бунинг устига, агар китобхон унутмаган бўлса, Марманга довураклик фазилати мутлақо бегона эди. Шундай қилиб, ўз оёқ товушининг акс садосидек бўлиб эшитилган кимнингдир оёқ товуши виконтни баттар ҳаяжонга сола бошлади. У плашчига пухтароқ ўраниб олди, беихтиёр қўлини шамширининг бандига қўйиб, қадамини яна ҳам тезлатди.

Лекин бу ҳаракатидан ҳеч қандай наф бўлмади: орқасидан келаётган одам ҳам илдамроқ юра бошлаган эди, Мармань Августинлар черкови бўсағасини айланиб ўтаётганида, агар ҳозир оёкни қўлга олиб чопишга ўтмасам, орқамдан келаётган одам албатта қувиб етиб олади, деб ўйлаб эндигина бу охириги чорани қўлламоқчи бўлган эди ҳамки, бояги бегона оёқ товушига одам овози жўр бўлди.

— Азбаройи шифо, тақсир! — деди нотаниш одам. — Назаримда, жадал юриб тўғри қиялсиз: бу ерлар жуда хатарли, инчунун, мана шунақа бемаҳалда; зеро ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, айнан мана шу ерда қароқчилар менинг қадрдон дўстим машҳур уста Бенвенуто Челлинига ҳужум қилишган эди — ҳозир у Фонтенблода, лекин уйда нималар бўлаётганидан беҳабар. Билишимча, тақсир, икковимиз ҳам бир томонга кетаётганга ўхшаймиз, агар биргаликда юрсак, йўлтўсар қароқчилар бизга ҳужум қилишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўришади. Шунга кўра, тақсир, агар мени ҳамроҳингиз бўлишдек бахтга мушарраф этсангиз, қамина ҳам сизни бажону дил муҳофаза қилиб борардим.

Нотаниш одамнинг дастлабки гапларини эшитган Мармань уни танигандек бўлди, Бенвенуто Челлинининг номини эшитгач эса, бу эзма-чуруқ талабани таниди, зеро у биринчи марта учрашган пайтидаёқ Марманга Катта Нель қасрининг аҳолиси тўғрисида гоят бебаҳо маълумотлар берган эди. Виконт юришдан тўхтади, чунки Жак Обрига ҳамроҳ бўлиш икки карра

наф келтиришини биларди: биринчидан, бу талаба унинг ишончли соқчиси бўлиши, иккинчидан эси, манфур Бенвенуто тўғрисида яна бирон янгилик айтиши мумкин эди. Хотирингиз жам бўлсин, китобхон, виконт бундай маълумотлардан ўз манфаати йўлида фойдаланмай қўймайди. Мана шунинг учун ҳам, Мармань бу гал талабага мулозамат билан муомала қилди.

— Э, ҳа, хайрли оқшом, хайрли оқшом, о навқирон дўстим!— деди у Жак Обрининг дўстона айтган тумтароқ гапларига жавобан.— Ҳозир бир нима дедингизми бизнинг шавкатли Бенвенутомиз тўғрисида? Мен уни Луврда учратарман деб ўйласам, у муғомбир Фонтенблода қолипти!

— Алҳазар! Наҳотки бу сиз бўлсангиз, азизим виконт... Омадни қаранг-а!— деб чинқириб юборди Жак Обри.— Виконт де... Исмингиз ёдимдан кўтарилипти, тақсир! Е сиз ўзингизни таништиришни унутгансиз, ё бўлмаса, исмингиз хотирамдан фаромуш бўлган. Ҳай, бунинг аҳамияти йўқ! Демак, сиз Луврдан келяпсиз! У ерда албатта, зиёфат ҳам, ўйин-кулгию базмлар ҳам гоят серҳашам бўлгандир, ундан кейин, дилбар хонимлар ҳам жуда сероб бўлса керак! Қолаверса, ҳозир биз жонон васлига етишмоқ ниятида шошмоқдамиз, шундай эмасми? Вой хотинбоз тушмагур-е!

— Сиз ҳақиқий фолбин экансиз, азизим!— деди Мармань эшилиб.— Қандай топдингиз? Тўғри: мен ҳозиргина Луврдан чиқдим, буғун қирол менга бисёр мурувват кўрсатди... Очиғи, агар бир латофатли графиня мени холироқ ерда кўриш ниятида эканлигини шама қилмаганида, ҳозир ҳам ўша ерда қолган бўлардим. Хўш, ўзингиз қаёқдан келяпсиз?

— Менми? — деди Жак ва хохолаб кулиб юборди.— Қаранг-а, унутаёзибман! Ақл бовар қилмайди! Бечора Бенвенуто! Азбаройи худо, унга яхши бўлмади.

— Хўш, нима бўлибди ўзи қимматли дўстимизга?

— Хуллас, агар сиз ҳозиргина Луврдан чиққан бўлсангиз, мен Катта Нель қасридан чиқдим — у ерда мен икки соат сурункасига азим туп дарахтнинг шохида мисоли тўтиқушдек қўниб ўтирдим.

— Жин урсин, анча нохуш аҳволга тушиб қолибсиз!

— Парво қилманг, дарахтга чиққанамга асло афсусланмайман. Тепада ўтирволиб шунақа томошани кўрдимки, эсласам, кулавериб ичагим узилади!

Кейин Жак Обри бутун кўчани бошига кўтариб шун-

дай самимий ва шўх хандон ташладики, бу кулгининг сабабини билмаган Мармань ҳам унга жўр бўлишдан ўзини тийиб тура олмади. Лекин виконт нимадан кулаётганини билмагани учун дарров кулишдан тўхтади.

— Сиз, навқирон дўстим,— деди Мармань,— ҳали ҳеч нима сўзламасдан мени кулдиришга муяссар бўлдингиз; кайфиятингизни бунчалик чоғ қилган ажабтовур воқеани, ҳарҳолда, энди гапириб берарсиз? Ўзингиз яхши биласиз, мен Бенвенутонинг энг яқин дўстларидан бириман, агар унинг ҳузурда сиз билан бирон марта ҳам учрашмаган эканмиз, бунга менинг муттасил бандлигим сабабдир. Лекин, гапимга ишонинг, икковимизнинг дўстимиз Бенвенутога тааллуқчи бўлган ҳеч бир гап мени лоқайд қолдиროлмайди. О, азизим Бенвенуто! Қани, гапирақолинг, дўстимиз йўқлигида Катта Нель қасрида нималар бўлаётгани ҳақида тезроқ гапириб беринг менга! Азбаройи худо, мен ҳаммасини билишга қизиқаман!

— Нималар бўляпти, денг? Э, йўқ! Бу менинг сирим,— деб жавоб қилди Обри.

— Сирингиз? Мендан-а? Бенвенуто Челлинининг энг жонажон дўстидан-а? — чинқириб юборди Мармань.— Ахир мен ҳозиргина Луврда қирол аъло ҳазратларининг ҳайкалтарош дўстим ҳақида айтган мақтов сўзларидан мамнун бўлиб, ўзим ҳам унинг фикрига қўшилишдим. Сиздан бундай номаъқулчиликни кутмаган эдим, тақсир!— ранжиган оҳангда деди Мармань.

— Агар ҳеч кимга айтиб қўймаслигингизни аниқ билганимда, азизим... дарвоқе, исмингиз нима ўзи асти?.. Сиримни сиз билан ўртоқлашган бўлардим; очиги, бу аломат воқеани сўзлаб беришга ўзимнинг ҳам тилим, худди подшо Мидаснинг қамишига¹ ўхшаб қичиб турипти.

— Қани, гапиринг бўлмаса, гапирақолинг тезроқ! — деди Мармань.

— Ҳеч кимга айтмайсизми?

¹ Антик давр афсонасига кўра, Фригия шоҳи Мидаснинг қулоқлари эшакникига ўхшаркан-у, шоҳ буни ҳаммадан яшириб юраркан. Лекин унинг эзма сартароши бу сирни ортиқ яшириб юришга ҳоли қолмай, аини пайтда, уни одамларга фош қилишга ҳам журъат эта олмай, дарё бўйида бир чуқурча қазибди-да, унга энгашиб: «Шоҳ Мидас — эшак қулоқ», деб пичирлабди ва чуқурчани кўмиб ташлабди. Кейинчалик бу ердан қамиш ўсиб чиқибди ва ҳар гал шамол эганида, сартарошнинг гапини такрорлайдиган бўлибди.

- Ҳеч кимга.
— Онт ичинг!
— Виждоним ҳаққи онт ичаман!
— Бўлмаса эшитинг, мен сизга айтсам... Олдин менга шуни айтинг-чи, муҳтарам... муҳтарам дўстим, айтинг-чи, сиз ғамгин роҳиб афсонасини эшитганмисиз?
— Ҳа, эшитгандайман: мишмишларга қараганда, Катта Нель қасрида арвоҳ пайдо бўлганмишми?
— Биларкансиз! Жуда соз! Кўп гапдан хабарингиз бор экан, мен фақат баъзи нарсаларнигина илова қиламан. Хуллас, Перрина хоним...
— Коломбанинг мураббиясимми?
— Ҳа, балли! Дарров сезилди бу хонадоннинг дўсти эканлигингиз. Шундай қилиб, Перрина хоним бир кун тунда сайр қилиб юрган чоғида — бу хоним, мен сизга айтсам, ўз соғлиғини кўзлаб, кечалари сайр қилиб юради, — шу хонимнинг кўзига Катта Нель қасрининг хиёбонида ғамгин роҳиб тентираб юргандек бўлиб кўринипти, Руперта хоним бўлса... Сиз уни биласизми?
— Челлинининг кекса жорияси-да!
— Ҳа, балли! Қисқаси бир кун тунда Руперта хоним уйқусизликдан қийналиб ётганида, маҳобатли Марс ҳайкалининг оғзи, бурни ва қулоқларидан аланга отилиб чиқаётганини кўрипти. Биларсиз, ўша Марс ҳайкали боғда турипти...
— Ҳа-ҳа! У чинакам дурдона асар! — деди Мармань.
— Чиройли гап! У ҳам Челлинининг барча асарлари сингари ҳақиқий дурдона. Шундай қилиб, муҳтарам аёллар — яъни Перрина хоним билан Руперта хонимнинг таъкидлашларига қараганда, кечаси кўзларига кўринган шарпанинг арвоҳ эканлигига ишонишган, бошдан-оёқ оқ кийган ғамгин роҳиб кечаси билан боғда сайр қилиб юрармиш-да, хўроз қичқирishi билан дарров Марснинг калласига кириб олармиш. Узиям худонинг қаҳрига учраган инсу жинслар учун жуда мос макон-да, шундай эмасми? Яна ўша хонимларнинг айтишича, у ерга чиқиб олган арвоҳ жаҳаннам ўтида ёна бошлармиш. Ҳайкалнинг бурни, кўзи ва қулоқларидан отилиб чиққан олов бунга далил бўлармиш.
— Нималарни валдираяпсиз ўзи, азизим? — деди талабанинг жиддий гапираётганини ҳам, ҳазиллашаётганини ҳам тушуна олмаган Мармань.
— Ие, ахир бу арвоҳлар тўғрисидаги оддий воқеа-ку, қадрдон дўстим!

— Наҳотки сиздек фаросатли йигит шу бемаъни гапга ишонган бўлсангиз?

— Мен ишонмайман, албатта,— деб жавоб қилди Жак Обри.— Шунинг учун ҳам кечаси билан дарахт шоҳида ўтириб чиқдим, чунки мен Катта Нель қасрида бошланган алғов-далғовнинг сабабини аниқлаб, ҳамма сирни очиб ташламоқчи эдим. Шу боис, ўзимни қасрдан чиқиб кетаётгандек қилиб кўрсатдим-у, аслида боғ эшигини орқамдан ёпиш ўрнига ўз олдимда очиб ёпдим-да, қоронғуда ҳеч кимга сездирмай, илгаридан кўз остимга олиб қўйган дарахт тагига бордим. Бир неча дақиқадан сўнг мен шундоққина Марс бошининг рўпарасида дарахтнинг қуюқ шоҳлари орасига яшириниб ўтириб олдим. Хўш, у ерда ўтириб нималарни кўрганимни биласизми?

— Мен қаёқдан билай? — деб жавоб қилди Мармань.

— Ҳақ гап! Буни фақат афсунгаргина фол очиб топса ажаб эмас. Биринчи навбатда мен қаср эшигининг очилганини кўрдим... асосий эшикни айтяпман, уни биласиз-а?

— Ҳа-ҳа, бўлмасам-чи, биламан! Гапираверинг.

— Эшик қия очилиб, бир одам бошини чиқариб мўралади: ҳовлида ҳеч зог йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандир балки. Бу одам барзанги немис — Ҳерман эди.

— Хўш, хўш, Ҳерман, барзанги немис,— дея такрорлади Мармань.

— У ҳовлининг бўм-бўш эканлигини кўриб, ҳаммаёққа аланглай бошлади, фақат мен чиқиб олган дарахтга қарамади, негаки, ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз, шу бемаҳалда дарахт бошида одам ўтириши унинг хаёлига ҳам келмаган эди, албатта, кейин у уйдан чиқиб, эшикни оҳиста юзига ёпди-да, ҳовлига тушди ва тўппа-тўғри Кичик Нель қасрининг ҳовлиси томон йўл олди. Эшик тагига бориб, уни уч марта тақиллатди — шарти шунақа бўлса керак. Кичик Нель қасрининг эшиги ҳам дарров очила қолди, у ердан бир аёл чиқиб, немисни киритди. Билсам, бу аёл бизнинг Голиаф билан кечалари сайр қилишни ёқтирувчи муҳтарама Перрина хоним экан.

— Ана холос! Превонинг шўри қурипти!

— Сабр қилинг, сабр қилинг! Ҳали бу ҳаммаси эмас. Мен уларнинг орқасидан то Кичик қасрга кириб

қетишгунча кузатиб ўтирдим, шу маҳал бирдан чап томонимда дераза қисирлаб очилди. Мен шу томонга ялт этиб қараб, анави касофат Паголони кўрдим. Ахир ким ўйлабди дейсиз, қачон қарасанг «худо-олло» деб юрувчи писмиқ Паголони кечалари деразадан ошиб юришини? У ҳам худди Ҳерманга ўхшаб, эҳтиётлик билан ҳаммаёққа аланглаб бўлгач, ташқарига чиқди, тарновга осилиб пастга сирпаниб тушди, сўнг бир балкондан иккинчи балконга ўтиб, бошқа бир хонанинг деразаси олдига борди... Қани, топинг-чи, виконт: у кимнинг деразаси эди?

— Ие, мен қаёқдан билай! Эҳтимол Руперта хонимникидир-а?

— Қўйсангиз-чи! Бошига урадими ўша кампирни? У Скоццоненинг деразаси эди, афандим! Ҳа-ҳа, Бенвенутонинг ўша суюкли натурачиси, ўша қорамағиздан келган дилбар қиз Скоццеоненинг деразаси! Кўрдингизми бу содда-муғамбирни? Хўш, бунга нима дейсиз?

— Чинданам жуда антиқа воқеа бу, — деб эътироф этди Мармань. — Шуми ҳамма кўрган-билганларингиз?

— Сабр қилинг, қимматли виконт! Ҳали буюқда энг қиёмат воқеа турипти — мен уни газак учун асраб қўйибман. Биз ҳали ҳамма гапнинг тагига етганимиз йўқ, лекин албатта етамиз — хотиржам бўлинг.

— Ҳа, яхши, яхши, давом этинг. Дарҳақиқат, азизим, жуда ғаройиб воқеа!

— Шошманг, ҳали бундан ҳам ғаройиброгини эшитасиз! Шундай қилиб, мен, жонини хатарга қўйиб бир балкондан иккинчисига ўтаётган Паголони кузатаётган эдим, қулогимга яна аллақандай шитирлаган овоз эшитилди — бу овоз энди шундоққина мен чиққан дарахт остидан келаётган эди. Пастга қараб, қуйиш устахонасидан ўгринча чиқиб келаётган Асканиога кўзим тушди.

— Бенвенутонинг севимли шогирдига-я?

— Ҳа, тақсир, ўша ўзини қиз боладек тортинчоқ қилиб кўрсатувчи сўфисифат болани кўрдим. Одам оласи ичида, деб бекор айтишмас экан!

— Во ажаб! Демак, Асканио ҳовлига чиқди, денг. Хўш, нега чиқибди экан?

— Ҳа, балли — нега? Мен ҳам ўзимга шу саволни бердим. Лекин масала зумда ойдинлашди — қўйди. У ҳам худди Ҳерман билан Паголога ўхшаб, атрофга олазарак бўлиб қаради, яқин ўртада ҳеч ким йўқлигига

ишонч ҳосил қилгач, устахонадан нарвон олиб чиқиб, уни Марснинг елкасига тиради-да, шу нарвоннинг бошига чиқа бошлади. Нарвон ҳайкалнинг орқа томонига қўйилган эди, шунинг учун Асканиони йўқотиб қўйдим, «қаёққа ғойиб бўлдийкин», деб бошим қотиб турган эди, шу пайт бирдан Марснинг кўзлари ёна бошлади.

— Қўйинг-е, биродар, обқочиш ҳам эви билан-да! — деди Мармань.

— Ишонинг, виконт, гапим чин! Агар вазиятга тушунмаган бўлганимда, қўрқиб ҳушимдан кетиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Лекин мен Асканионинг ҳайкал бошига чиққанини ўз кўзим билан кўрган эдим, шунинг учун ҳам чироқни ўша ёққанига ишондим.

— Лекин Асканио Марснинг бошига зим-зиё тунда нега чиқдийкин?

— Ҳа-я, яшанг, мен ҳам ўзимга ўзим айнан шундай савол бердим! Аммо ёнимда жавоб берадиган одам бўлмагани сабабли, ҳаммасини ўзим аниқлаб билмоқчи бўлдим. Мен кўзларимни катта-катта очиб, қаттиқ тикилиб туравердим, ахири Марснинг кўз тешигидан аллақандай шарпа кўрингандек бўлди. Азбаройи худо, рост айтяпман! Ҳайкалнинг калласи ичида бошдан-оёқ оқ кийинган аёл ўтирарди, Асканио бўлса, шу аёл қаршисида худди муқаддас Биби Марьямга сигинаётгандек тиз чўккан эди. Таассуфки, ул муқаддас хилқат менга орқа ўгирган эди, шунга кўра унинг юзини кўролмадим, фақат нафис бўйнини кўрдим. О! Арвоқларнинг бўйни шунчалик ҳам латофатли бўларканки, виконт, нақ оққушнинг бўйни дейсиз! Оппоқ! Аммо Асканио бу арвоқга зўр эҳтирос билан тикиларди, денг! Вой муртад-е! Шунда мен бу шарпанинг арвоқ эмас, оддий бир аёл эканлигига дарров тушундим. Қалай, зўрми фаросати? Машуқасини Марснинг калласига яширса-я! Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азизим?

— Ҳм, ҳм... дарҳақиқат, ажабтовур иш,— деб ғўлдиради Мармань; у тишининг оқини кўрсатиб тиржаяр экан, айни пайтда ниманидир кўнглига тугиб қўйди. — Ғоят ажабтовур иш. Уша аёл ким бўлдийкин — фаҳмамадингизми?

— Ҳеч тасаввур қила олмаяпман. Сиз-чи?

— Мен ҳам... Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлди?

— Кейинми? Ўзимни тута олмай бирдан хохолаб юборган эдим, чайқалиб кетиб, пастга қулай бошладим,— агар шу кетишда пастроқдаги бошқа бир шохни

ушлаб қолмаганимдами, ерга йиқилиб тил тортмай ўлишим турган гап эди. Шунда мен ўзимга ўзим: мана, томошаниям кўриб бўлдим, боз устига, йўлнинг ярмини ҳам босиб қўйдим, демек энди тўғри уйга кетаверсам ҳам бўлаверади, дедим-у, шу сўзимга амал қилдим: оҳиста дарвозани очиб кўчага чиқдим-да, ҳаммон ўзимни кулгидан тия олмай уйимга йўл олдим, йўлда бўлса сизни учратиб қолдим, сиз кўрганларимни сўзлаб беришга мажбур қилдингиз мени. Модомики, чинданам Бенвенутонинг дўсти экансиз, унда маслаҳат беринг: нима қилишим керак? Энди Перрина хоним масаласига келсак, бу унинг шахсий иши: бу дилбар хоним балоғат ёшида, демек, кўнгли тусаган ишни қилиши мумкин. Лекин Скоццонени нима қиламиз? Уруш худоси Марснинг бошидан паноҳ топган дилрабо Венера нима бўлади?

— Мен маслаҳат берайми?

— Ҳа, зеро сиз диёнатли одамсиз! Кўриб туриб-сизки, жуда мушкул аҳволга тушиб қолдим, азизим... азизим... Э-э-э... Нуқул исмингизни унутиб қўяман-а!

— Маслаҳатим — ҳеч кимга оғиз очманг. Ҳар қандай қуруқ сафсатага лаққа ишонаверадиган анқовлар бу тўғрида эшитмасалар осмон узилиб ерга тушмайди. Энди муҳтарам Жак Обри, ижозатингиз билан, менга яхши ҳамроҳ бўлганингиз ҳамда гоят қизиқарли ҳикоянгиз учун сизга миннатдорчилик изҳор этмоқчиман, зеро шу ерда сиз билан видолашишга мажбурман. Менга ишонч билдирганингиз эвазига мен ҳам сизга ўз сиримни очақолай: ҳозир биз Отфей кўчасидамиз, бу ерда маъшуқам туради.

— Яхши боринг, о шавкатли, эъозли ва мўтабар дўстим! — деди баралла овоз билан Жак Обри, виконтнинг қўлини сиқиб хайрлашар экан. — Менга доно маслаҳат бердингиз, унга албатта амал қиламан. Сизга омад тилайман, хайр, Купидон¹нинг паноҳига топширдим!

Ҳамроҳлар ажралишди. Мармань шу Отфей кўчасидан юриб кетди, Жак Обри бўлса, Қўғирчоқ кўчасига бурилиб, ундан Арфа кўчасига чиқди — у яшайдиган ҳужра шу кўчанинг этагида эди.

Мармань: «Асканио тиз чўкиб сажда қилаётган

¹ *Купидон* — Рим мифологиясида ишқий эҳтиросни тажассум этувчи муҳаббат тангриси. (Тарж.)

Биби Марьям қиёфасидаги иблис ким бўлиши мумкин — ҳеч ақлим бовар қилмаяпти», деб бахтиқаро талабага ёлгон гапирган эди. Марснинг боши ичига маскан қурган кимса Коломба эканлигини у ўша заҳотиёқ фаҳмлаганди. Бу ҳақда у қанча кўп ўйлаган сари, ўз гумонининг тўғрилигига шунча кўп ишона бошлади. Шўрпешона Мармань оғир аҳволга тушиб қолган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у учала ғаними: прево, граф д'Орбек ва Челлинини бир йўла боплаб тузламоқчи эдию, лекин ҳеч уддасидан чиқаолмаётганди. Дарҳақиқат, агар у ҳозир эшитгани — сирни очмаса, граф билан превонинг ҳасратлари аримай, яна ўша-ўша гофил қолаверадилар, аммо Челлинининг кўнгли тоғдек кўтарилади, бордию аксинча иш тутса, яъни ўғирланган Коломбанинг дарагини айтса, бу билан Бенвенутога қаттиқ зарба беради, валекин шу рафтори билан превога қизини, графга қаллигини топиб беради. Шунинг учун у ниҳоятда пухта ўйлаб кўриб, ўзи учун кўпроқ наф келтирадиган йўлни топишга қарор қилди.

Мармань узоқ тараддудланиб ўтирмади. Унинг пайқашича, д'Этамп хоним нима учундир д'Орбекнинг Коломбага уйланишидан манфаатдор эди, шунга кўра, у эртаси куни эрталаб ҳамма гапни қиролнинг маъшуқасига сўзлаб бермоқчи бўлди. Оқибат, у ҳерцогиня олдида ўз мардлигини намойиш қила олмаганига яраша, ҳеч бўлмаса, сезгирлиги билан ўзини унга яхши кўрсатиши мумкин-ку. Мармань шундай қарорга келди ва уни бекаму кўст амалга оширди.

Бахтли тасодиф баъзан бадният кишиларга ҳам ёрдам қўлини чўзади, қарангки, Марманнинг омади келиб, бугун эрталаб барча сарой аъёнлари Франциск I билан Карл V га ўз садоқатларини изҳор этиш учун Луврга йиғилган эдилар. Шунинг учун ҳам д'Этамп хонимга виконт де Марманнинг ташриф буюрганини хабар қилишганида хонимнинг ҳузурида, фақат унинг содиқ дўстлари: прево билан д'Орбеккина бор эди, Мармань ҳерцогиняга камоли эҳтиром билан таъзим қилди, хоним эса унга такаббуруна мурувват ва сезилар-сезилмас истеҳзо билан жилва қилди. Аммо бундай муомаладан Мармань додирамади, зеро ҳерцогиня наинки уни, балки сарой аъёнларининг жуда-жуда кўпини ҳам шундай жилва билан қарши олишга одатланганди. Аммо виконт шўни ҳам яхши билар эдики,

агар ҳозир у бир оғиз сўз айтса, ҳерцогиня нафратомуз тиржайишини тарк этиб, шу заҳоти унга илтифот билан табассум қилиши турган гап эди.

— Хўш, мессер д'Эстурвиль,— деди виконт превога юзланиб,— дайди қизингиз ҳали ҳам уйга қайтиб келмадингми?

— Сиз яна ярамга туз сепяпсиз, виконт!— дағдага қилди газабдан қизариб кетган прево.

— Қўйинг, ранжиманг, нима кераги бор қизишининг, муҳтарам дўстим? — деб гапида давом этди Мармань.— Бу гапни айтишимдан мақсад, башарти ҳали Коломбани топмаган бўлсангиз, у ҳолда мен ўша арзандангиз паноҳ топган ерни кўрсатиб беришим мумкин.

— Сиз-а? — гоят дўстона оҳангда сўради ҳерцогиня.— Хўш, қаерда экан у, қаерда? Гапиринг, гапиринг тезроқ, о муҳтарам жаноби де Мармань!

— Катта Нель қасрининг богида турган Марс ҳайкалининг боши ичида...

Тўққизинчи боб

МАРС ВА ВЕНЕРА

Турган гапки, бу ғайритабиий ҳақиқатни наинки Мармань, шунингдек китобхон ҳам тўғри фаҳмлаган бўлиши керак. Шундай қилиб, Коломба улкан ҳайкалнинг бошига яширинган эди. Жак Обрининг таъбири билан айтадиган бўлсак, Марс Венерани ўз паноҳига олибди. Демак, Бенвенуто иккинчи марта санъатни тақдирга, санъаткорни инсонга ёрдамлашишга даъват этган эди. У ўзи ясаган ҳайкалларга нафақат теран маъно ва ҳайкалтарошлик истеъдодини сарфлар, шунингдек ўз тақдирини ҳам ишониб топширар эди. Маълумингизки, биринчи сафар у ўз ижодини қамоқдан қочиш режаси билан боғлаган эди. Энди бу маҳобатли ҳайкалга Коломбанинг эрки ва Асканионинг бахтини ишониб топширибди. Лекин биз ўз қиссамизни шу ерда тўхтаиб, бўлиб ўтган воқеани яхшироқ англаш мақсадида орқага қайтайлик.

Челлини Стефана ҳақида сўзлаб бўлгач, учовлари бир неча дақиқа сукутга толдилар. Ҳайкалтарошнинг ақлий нигоҳи олдида ўзининг жўшқин ёшлигидаги дағал қилиқлари яққол намоён бўлди ҳамда унинг кўзи

олдидан йигирма ёшида хазон бўлган Стефананинг маъзун ва беғубор қиёфаси ҳам лип этиб ўтди. Асканио бошини ҳам қилиб ўтирар экан, гўдаклигида беланчаги узра энгашган аёлнинг рангпар чеҳрасини эшлашга зўр бериб уринарди: ахир онаизорининг кўзёшлари унинг жажжигина анор юзига томиб, уни тез-тез уйғотиб турарди-ку. Коломба эса бир вақтлар ўзи сингари маъсума ва навниҳол қизнинг севгилиси бўлган Бенвенутога ҳайрат билан тикиларди. Энди Челлинининг овози ҳам қизга ўз маҳбубининг овози янглиғ мулойим эшитила бошлаганди; Коломбани бир хилда чин юракдан севувчи бу икки эркак ёнида қиз ўзини худди онасининг тиззасида ўтирган гўдакдек мутлақо бежавотир ҳис этарди.

— Хўш, нима дейсизлар, Стефана ўзининг ёлғиз фарзанди — Асканиони ишониб топширган одамга Коломба ўз тақдирини ишонармикин? — деб сўради Бенвенуто сукунатдан сўнг.

— Менга ота бўлинг, сиз, Асканио, оғам бўлинг, — ҳам камтарлик, ҳам виқор билан жавоб қилди Коломба икки эркакка иккала қўлини узатаркан. — Мен ҳеч иккиланмай ўзимни сизнинг ҳимоятингизга топшираман. Мени бўлғуси умр йўлдошим учун асранг!

— Миннатдорман, дилбарим! Устозимга ишонганинг учун минг ташаккур сенга! — деди Асканио.

— Демак, Коломба, менга бутунлай итоат этишга сўз берасизми? — деб сўради Бенвенуто.

— Ҳа, бутунлай! — деб жавоб қилди Коломба.

— Яхши. Ундай бўлса, гапимни тингланглар, бўталарим. Мен ҳамиша, астойдил тиришқоқлик билан ҳаракат қилган одам, албатта кўзлаган мақсадига эришади, деб ишониб келаман. Сизни, Коломба, граф д'Орбекдан қутқариш, бадном бўлишингизга йўл қўймаслик ва Асканиога турмушга чиқариш учун вақт керак, ҳолбуки графнинг хотини бўлишингизга атиги бир неча кун қолди. Демак, энг муҳими, ҳозир мана шу манфур никоҳ муддатини кейинга суришдир. Шундай эмасми, о бўтам, ҳамширам, азиза қизим Коломба? Машъум жиноятни даф қилиш учун қатъий бел болаган инсоннинг ҳаётида жуда оғир дақиқалар бўлиши мумкин. Сиз шу қийинчиликларга мардона бардош бера оласизми, Коломба? Асканиога бўлган мусаффо ва садоқатли муҳаббатингиз туфайли, бир озгина жасорат кўрсатишга қодирмисиз? Жавоб беринг, Коломба!

— Асканио айтақолсин, — деди Коломба йигитга табассум билан боқаркан. — Мен унинг хасмиман, унинг ҳамма истагини бажараман.

— Ишонаверинг, устоз. Коломба панд бермайди, — деб жавоб қилди Асканио.

— Бас, шундай экан, бизнинг виждонимизга ишонч билдириңг-у, бу уйни тарк этиб, орқамиздан дадил юриңг!

Устозининг бу гапини эшитган Асканио таажжубини яшира олмади. Коломба эса бир дақиқача сукунат сақлаб, иккала эркакка тикилиб ўтирди-да, сўнг ўрнидан туриб оддийгина деди:

— Қаяққа боришим керак?

— О Коломба, Коломба! — деб чинқириб юборди Бенвенуто: у қизнинг бу қадар самимий эътимодидан қаттиқ таъсирланиб кетган эди. — Сиз энг нажиба, энг покиза хилқатсиз! Стефана ўлганидан кейин шунақа талабчан бўлиб қолганман. Ҳаммаси сизнинг қандай жавоб беришингизга боғлиқ эди. Мана, энди биз халос бўлдик. Пайт келди: парвардигорнинг ўзи бизга мадаккор бўлмай. Келинлар, ғанимат дамларни бекор ўтказмайлик; қани, қўлингизни беринг-у, мен билан юриңг.

Коломба гўё хижолатдан қизарган юзини яширмақчи бўлиб, рўйпўш тўрни туширди ва Бенвенуто билан Асканионинг орқасидан эргашди. Катта ва Кичик Нель қасрларини туташтирувчи эшик берк эди, ammo калит қулф оғзида турарди. Бенвенуто эшикни товушсиз очди. Шунда Коломба бирдан тўхтади.

— Бир оз сабр қилинлар, — деди у ҳаяжонланиб.

Кейин у бундан буён ишончли бошпана бўла олмайдиган ота уйининг остонасига тиз чўкиб ибодат қила бошлади. Унинг нима деб ибодат қилгани ёлғиз худога аён. Эҳтимол у ҳам отаси, ҳам ўзи учун худодан кечирим сўрагандир. Шундан кейин қалби хотиржамлик ва мустақкам прода билан йўғрилган Коломба ўрнидан турди-да, Челлинининг орқасидан эргашди. Асканио бўлса, меҳубасининг кетидан кўнгли ғаш бўлиб бораркан, кўзи олдида зулмат қўйнида елпиниб бораётган унинг оппоқ кўйлагига меҳр билан тикиларди. Улар Катта Нель қасрининг боғини ҳаяжондан дағ-дағ титраб кесиб ўтишди: одатда ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган одамни шундай ҳиссиёт қамраб олади. Уларнинг қулоғига вақтичоглик қилаётган хал-

фаларнинг қўшиқлари, кулгилари эшитилди: маълумки, бугун қасрда байрам эди.

Кейин Челлини Асканио билан Коломбани Марс ҳайкали пойида қолдириб, ўзи қуйиш устахонасидан нарвон олиб чиқди-да, уни ҳайкалга тираб қўйди. Уларнинг бу хатти-ҳаракатини нури сўна бошлаган ўроқ ой ғира-шира ёритиб турар эди. Бенвенуто Коломба қаршисида бир тиззасига чўккалади, шунда устознинг ҳамиша жиддий боқувчи кўзларида камоли эҳтиром учқунлари намоён бўлди.

— Бўтам,— деди у,— иккала қўлчанг билан бўйнимдан маҳкам қучоқлаб ол.

Коломба бу илтимосни сўзсиз бажарди, шунда Бенвенуто уни худди қуш патини кўтаргандек осонгина кўтариб олди.

— Уйлайманки,— деди у Асканиога юзланиб,— меҳрибон ога ўз синглисини бежавотир ерга элтиб қўйишимга қаршилик қилмас.

Шундан сўнг бақувват ва чайир Челлини бўйнига осилган бебаҳо юк билан нарвондан худди бир қушчани кўтаргандек пилдираб чиқа бошлади. Коломба эса бошини Бенвенутонинг елкасига қўйганча, юзига туширилган тўр орқали ўз халоскорининг мардонавор ва саховатли чеҳрасига тикиларкан, қалбида, шу чоққача унга бегона бўлган фарзандлик меҳри уйғонганини ва Бенвенутога батамом ишонаётганини ҳис этди. Челлини чиндан ҳам метин иродали одам эди: у атиги икки соат бурун бу қизнинг севгиси йўлида жон-жон деб ўзини қурбон қилишга тайёр эди, энди бўлса уни бағрига босиб нарвондан чиқар экан, юраги лоқайдлик билан бир меъёгда тепар, чеҳрасида биронта ҳам ўзгариш юз бермаганди. Бенвенуто ўз юрагига тинчланишни амр этган эди, юраги унга итоат этди.

Бенвенуто Марснинг бўйнига чиқиб бориб, у ердаги кичкинагина эшикчани очди ва жанг худосининг бошига кириб, Коломбани ерга қўйди; бу кенглиги саккиз, баландлиги ўн футча келадиган думалоқ хона эди. Хонага ёруғлик ва ҳаво баландлиги олтмиш фут бўлган бу улкан ҳайкалнинг кўзи, бурни ва қулоқларидан кирарди. Челлини Марснинг бошини ясаётган пайтда кунига неча марталаб пастга тушиб чиқмаслик мақсадида бу ерни асбоб-ускуна қўядиган хонага айлантирган эди; кўпинча у тушлигини ҳам шу ерга олиб чиқиб қўйиб, хонанинг ўртасидаги столда овқатла-

нар эди. Хуллас, овқат ейиш учун ҳам атайлаб пастга тушиб юриши шарт эмас эди. Бу хужра Бенвенутонинг кўнглига шунчалик ёқиб қолдики, кейинчалик бу ерга торгина чорпоя ҳам қўйиб олди, оқибат, Марснинг боши ичида у наинки овқатланадиган, ҳатто ётиб дам ҳам оладиган бўлди. Коломбани айнан шу ерга яширишни ўйлагани табиий ҳол, албатта, бундан ишончлироқ пана жой топиш амримаҳол эди.

— Бир оз вақт шу хонада яшаб туришингизга тўғри келади, Коломба, — деди у қизга. — Пастга фақат кечалари тушасиз. Бу ерда сиз худонинг паноҳида ва энг қадрдон дўстларингиз, яъни бизларнинг ҳимоятимизда бўласиз ҳамда мен бошлаган хайрли ишнинг ниҳоясини бардош билан кутасиз. Умид қиламизки, Марс бошлаган бу савоб ишга Юпитер яқун ясагай, — жилмайиб туриб илова қилди у қиролнинг ваъдасини эсларкан. — Бу гапимнинг маъносига кейин тушуниб оласиз. Зотан бизга бутун Олимп¹ жон куйдирыпти, аммо сизни, бўтам, барча фаришталар дуо қилишяпти. Бас, шундай экан, музаффариятни қўлга киритмай бўладими! Азизам Коломба, ҳеч бўлмаса, истиқболингизни ўйлаб табассум қилинг! Гапимга ишонинг, умид бор! Ишончингиз комил бўлсин, қизим, менга ишонмансангиз ҳам, худодан умид қилинг. Мен ҳам бир вақтлар қамоқда ётганман: у сизнинг ҳужрангиздан ёмонроқ жой эди, фақат келажакка бўлган умидим банди эканлигимни унутишга мажбур қилган эди. Хўп, яхши қолинг. Энди то озодликка чиққунингизча сиз билан кўришмаймиз. Унгача сиздан оғангиз — Асканио хабар олиб туради. Чунки ундан ҳеч ким шубҳаланмайди, мени таъқиб қилишганчалик эътибор беришмайди унга. Мен унга бу устахонани роҳибанинг хужрасига айлантиришни буюраман. Хайрлашув олдидан сизга айтадиган гапларим бор — яхшилаб ёдингизда сақлаб қолинг: сиз қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз, о довьюрак, соддадил қизим; қолган ишни энди менга қўйиб берингу худои таолодан умид қилаверинг. Нима бўлганда ҳам, қанчалик мушкул аҳволга тушиб қолсангиз ҳам, ҳаттоки, меҳроб қаршисида туриб, сизни граф д'Орбек билан мангу боғловчи «ха» деган сўзни

¹ Қадимги юнон мифологиясида Олимп тоғи Зевс бошчилигидаги барча худолар маскани. Бу ўринда Бенвенуто шу худоларни назарда тутяпти. (Тарж.)

айтишга огиз жуфтлаган пайтингизда ҳам, Коломба, падарингиз ва дўстингиз Бенвенутодан асло умидингизни узманг. Кафолат бериб айтаманки, сизни албатта қутқариб қоламан! Айтинг-чи, гапларимга сўзсиз итоат этасизми, кези келганда ўз аҳдингизда маҳкам тура оласизми? Жавоб беринг!

— Ҳа! — деди қатъий оҳангда Коломба.

— Жуда соз! Энди яхши қолинг. Сизни бу гарибона кулбага узоқ вақт ташлаб қўймайман; Асканио сизга зарур бўлган ҳамма нарсани олиб чиқиб беради. Алвидо, Коломба!

У қиз билан хайрлашгани дўстона қўл узатди, аммо Коломба унга ўпиш учун пешонасини тутди: ҳар гал отаси билан хайрлашганда шундай қилишга одатланиб қолган эди. Бенвенуто сесканиб кетди, лекин шу заҳотиёқ ўзини тутиб олди, эс-ҳушини васвасага сола бошлаган ҳаяжонни даф қилди. У гўё хаёлотида намоён бўлган шарпани қувмоқчи бўлгандек кафтини кўзига сурди, сўнг Коломбанинг пок манглайдан оталик меҳри билан нозик бўса олди.

— Алвидо, севикли ёрим Стефананинг қизи! — дея пичирлади у.

Сўнг у нарвондан жадал юриб пастда турган Асканионинг олдига тушди. Икковлари, гўё ҳеч нима кўрмагандек, маишат қилиб ўтирган халфалар даврасига бориб қўшилдилар; шогирдлар энди овқатланиб бўлишган, аммо майхўрлик давом этаётган эди.

Коломба учун ғайритабиий, ақл бовар қилмайдиган янги ҳаёт бошланган эди ва бу ҳаёт унинг кўзига қироличаларгагина муносибдек бўлиб туюлганди.

Бу ҳужрада чорпоя билан стол борлиги бизга маълум; энди Асканио буларнинг ёнига яна устига духоба қопланган пастаккина курси билан венеция кўзгусини, Коломбанинг ўзи тайинлаб айтган диний мазмундаги китоблар, ғоят бежирим хоч ва Челлини ясаган кумуш гулдонларни олиб чиқиб қўйди; гулдонда ҳар кеча янги узилган гуллар пайдо бўлиб қолар эди.

Беназир руҳий нафосат ва маъсумаликка паноҳгоҳ бўлган бу беғубор ҳужра юқоридаги нарсаларнинг ба-рини ўзига сизгидиган эди.

Коломба кундузлари одатда ухларди: Асканио шундай маслаҳат берган эди, чунки у қизнинг эҳтиётсизлик қилиб ўзини сездириб қўйишидан қўрқарди. Лекин қош қорайиб, осмонда юлдузлар чарақлай бошлаганида Коломба уйғонар, тўшагида тиззалаб тур-

ганча, бош томонига осилган хоч қаршисида узоқ вақт ибодат қиларди; кейин кийиниб, чиройли ва узун сочини тарар, булбул хонишини тинглаб хаёлга чўмарди. Асканио нарвон қўйиб чиқиб, эшикчани тақиллатарди. Агар Коломба кийиниб-тараниб олган бўлса, дўстини ичкари киритарди. Асканио то ярим кечагача маҳбубаси билан суҳбатлашиб ўтириб, сўнг уйига тушиб кетарди. Коломба, агар ҳаво очик бўлса, паства тушиб, боғда сайр қилиб юраркан, бир вақтлар ўзи яхши кўрган хиёбонда миясида туғилган, эндиликда ушалишига оз қолган орзуларини эсларди. Икки соатлардан кейин бу мунаввар хилқат яна ўша шинамгина оромгоҳига қайтиб чиқар, туннинг қолган қисмини сайр пайтида терилган гулларнинг атридан, булбулларнинг навосидан завқланиб. Пре-о-Клер томондан келаётган хўрозларнинг қичқиригига қулоқ солиб ўтказарди.

Тонг олдидан Асканио яна чиқар, энди у қаллиги учун бир кунга етарли овқат олиб келарди; бу овқат Челлинининг кўмагида Руперта хонимнинг кўзини шамғалат қилиб ўғирланарди. Ошиқ-маъшуқлар дилрабо суҳбатлар қуришар, бўлғуси саодатли турмушлари ҳақида хаёл суришар, илк бор учрашганларидаги тотли дамларни эслашар эди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, Асканио ўз маъбудасига сўзсиз тикилиб ўтирар, Коломба ҳам бундай пайтда сукут сақлаб, маҳбубининг саждасини табассум билан қабул қилар эди. Кўпинча улар шу қисқа муддатли учрашув пайтида бир-бирларига бир оғиз ҳам сўз айтмай хайрлашишар, лекин айнан шундай висол онлари ҳар қандай мусоҳабадан ҳам кўпроқ ишқий озуқа берарди уларга. Зеро уларнинг қалблари бир-бирларини нафақат сўзсиз тушунар, шунингдек, бир-бирларининг дил розларини ҳам шундай махфий сақлардиларки, уларни ёлғиз худонинг ўзи мушоҳада қилиши мумкин эди.

Ешликда бошга тушган ёлғизлик ва азобу уқубатлар инсон қалбини улуғлайди, уни эзгу фазилатлар билан бойитади, умрбод қалбни тетик, навқирон сақлайди. Мағрур ва бокира Коломба айни пайтда шўх ва қувноқ қиз эди; шунинг учун, агар улар суҳбат қуриб, хаёл суриб ўтказган кунларни, аниқроғи тунларни (зеро, бу севишганлар вақтнинг табиий тартибни бузган эдилар) истисно қиладиган бўлсак, бошқа пайтларда худди гўдак болалардек шўхлик қилишар, хохолаб кули-

шарди, аммо қизиги шундаки, айнан шундай хуш-чақчақ тунлар улар учун шамолдек «ғув» этиб тез ўтиб кетмас эди. Муҳаббат ҳам ҳар қандай ёруғлик манбаига ўхшаб қоронғуда яхшироқ порлайди.

Асканио бу беғубор, уятчан қизнинг оромини бирон марта бўлсин бир оғиз сўз билан ҳам бузмади. Коломба уни оға деб чақирарди. Улар узоқ вақт ёлғиз қолишар, бир-бирларини чин қалбдан севишарди, аммо айнан мана шу ёлғизлик уларни худога яқинлаштирар, унинг ҳамиша ҳозир нозирлигини кучлироқ ҳис этишга ва ўз муҳаббатларини муқаддас билиб, унга доғ туширмасликка ундарди.

Тонг шафағи дарахт учларини заррин рангга бўйай бошлаган чоғда, Коломба таассуф ила хўрсиниб дўстини ҳайдай бошларди, лекин бу Жульеттанинг ўз Ромеосини ҳайдашига ўхшарди: қиз кетишга шайланган ошиқ йигитни бир неча бор йўлдан қайтаради. Чунки гоҳ йигит, гоҳ қиз албатта биронта энг муҳим гапни айтишни унутган бўлардилар. Лекин барибир ахири хайрлашишга тўғри келар эди. Ёлғиз қолган Коломба кўҳна боғдаги жука дарахтининг шохига қўнган қушларнинг сайрашига ва қалбига жо бўлган муҳаббатнинг нафис сасига қулоқ солганча хаёлга чўмарди. Туш пайтида эса ибодат қилиб олиб, тинчгина ухлаб кетарди. Турган гапки, Асканио кета туриб нарвонни ҳам олиб кетарди.

Коломба ҳар куни эрталаб маҳобатли ҳайкалнинг пастки лабига сайроқи қушлар учун нон ушоқларини тўкиб қўярди. Дастлабки кунлари бу ўғри қушчалар ўлжани чўқилаб дарров қочиб қолишарди, лекин бора-бора ёш бекага ўргана бошлашди: чунки қушлар оқкўнгил, меҳрибон қизларнинг қалбига тез кўникишади. Қанотли дўстлар Коломба ҳузурда борган сари кўпроқ вақт меҳмон бўлиб қоладиган ва бу меҳмоннавозлик учун мезбон қизга жарангдор овоз билан сайраб берадиган бўлишди. Ҳатто битта саъва эрталаб ва кечқурунлари хонага дангал учиб кириб, Коломбанинг қўлидан бемалол овқат чўқийдиган бўлди. Кечалари анча салқин бўла бошлаганда эса бир куни шу жажжи саъва асира қизнинг қўлига келиб инди, қиз уни елкасига қўндириб қўйди. Шунда қушча бутун тун, ҳатто Коломба Асканио билан учрашиб, бирга сайр қилган чоғида ҳам қизнинг елкасида ухлаб ўтираверади. Шу-шу бўлдию саъва ҳар куни кечқурун учиб кириб Коломбанинг

елкасида ухлайдиган, тонг ёриша бошлаши билан эса чириллаб сайрайдиган бўлди. Шунда Коломба қушчани қўлига олиб, уни Асканиога ўпгани берарди-да, сўнг учириб юборарди.

Коломбанинг Марс бошидаги ҳаёти шундай ҳаловатда ўта бошлади. Унинг осойишта ҳаёти фақат икки марта бузилди: бу нарса, биз юқорида баён қилганимиз қидирув пайтида юз берган эди. Биринчи гал Коломба отасининг овозини эшитиб уйғонган, туш кўряпман, деб ўйлаб қўрққанидан сакраб ўрнидан туриб кетган эди. Лекин бу туш эмас эди; ҳайкал тагида чиндан ҳам жаноб д'Этурвиль турар, Бенвенуто унга гапираётган эди:

— Сизни бу маҳобатли ҳайкалим қизиқтириб қолдими дейман, тақсир? Бу Марснинг ҳайкали — аъло ҳазратлари Франциск Биринчининг буюртмаси: қирол уни Фонтенблога ўрнатмоқчи. Арзимаган иш — баландлиги бор-йўғи олтмиш футча келади.

— Ҳа-ҳа, ҳайкалингиз чакки эмас, ундан кейин, анча салобатли ҳам,— деб жавоб қиларди мессер д'Этурвиль. — Лекин биз қидирувни давом эттирайлик — ахир мен бу ерга Марсни қидиргани келмаганман-ку.

— Тўғри, уни қидиришга ҳожат қолмаган бўларди!

Улар шундай суҳбатлашиб ўтиб кетишган эди.

Ўшанда Коломбанинг тиз чўкиб, қўлларини отаси томон чўзганча: «Дадажон, мен буёқдаман!» — деб юборишига сал қолган эди. Ахир шўрлик чол қизини қидиравериб роса сарсон бўлгандир... эҳтимол аччиқ-аччиқ кўзёш ҳам тўкаётгандир. Аммо граф д'Орбекнинг жирканч башараси, д'Этамп хонимнинг қабиҳ ниятлари эсига тушиб, дарҳол ўзини босганди. Иккинчи қидирув пайтида эса Коломба отасининг овозидан ташқари ман-фур графнинг ҳам овозини эшитганди — бу гал қиз ўзини фош қилишни хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Вой бў-ў, зўр-у! — деган эди ўшанда Марс тагига келиб тўхтаган д'Орбек. — Бу ҳайкал эмас, бутун бошли уй-ку! Агар у қиш бўйи шу ерда турса, баҳор келганда ичига қалдирғочлар ин қуриб ташлашса керак.

Коломба қайлиғининг овозини эшитиб чўчиб кетган ўша куни Асканио унга Челлинидан мактуб олиб чиқди.

«Қизалоғим, мен бир неча кунга жўнаб кетяпман, лекин сиз асло хавотирланманг: сизнинг эркингиз ва бахтингиз тараддудини қилиб қўйганман. Қирол менинг ҳар қандай истагимни бажаришга сўз берган,

Ўзингиз биласиз — у ҳеч қачон лафзидан қайтмайди. Отангиз ҳам бугун жўнаб кетяпти. Асло руҳингизни туширманг, Коломба, мен ҳамма зарурий чораларни кўриб қўйганман. Яна қайтариб айтаман: ҳаттоки, ўзингизни тоабат граф билан боғловчи сўзни айтишга мажбур бўлиб меҳроб қаршисида турганингизда ҳам, ишонинг: худо ўз вақтида ёрдамга келади. Бунга мен кафилман! Яхши қолинг.

Отангиз Бенвенуто Челлини».

Коломбанинг қалбини қувонтириб, уни умидвор қилган бу мактуб ошиқ-маъшуқларга ниҳоятда катта зиён етказди, зеро улар ўзларининг хавф остида эканликларини унутиб қўйган эдилар. Тез ўзгарувчанлик ёшларга хос хусусиятдир; зеро улар бир зумда умидсизликка тушиб, яна дам ўтмай руҳан тетиклашиб кетадилар. Уларнинг кўзига осмон ё рутубатли қора булутга бурканган ҳолда, ё беғубор, кўм-кўк бўлиб кўринади. Ҳам Челлинининг мактубидан, ҳам превонинг шаҳарда йўқлигидан кўнгиллари икки қарра кўтарилиб кетган Коломба билан Асканио эҳтиёткорликни унутиб қўйишиб, бутунлай муҳаббатга берилиб кетдилар. Коломба кечалари шунчалик бемалол сайр қила бошладики, оқибатда, уни Перрина хоним кўриб қолди — шукрки, уни арвоҳ деб ўйлади; Асканио бир гал пардани тушириб қўйишни унутган эди, Руперта хоним Марснинг боши ичида чироқ ёнганини сизди. Натижада, икки қўшни хотиннинг ҳикоялари Жак Обрини қизиқтириб қолди, кейин бу оғзи бўш талаба худди Мольернинг «Хотинлар мактаби»даги Орас¹га ўхшаб, ўз сирини виконтга айтиб қўйдик, бу хабарни айнан шу одам асло билмаслиги лозим эди. Бу лақмаликнинг нохуш оқибати китобхонга аён.

Энди яна д'Этамп қасрига қайтайлик.

Бундай қимматли маълумотни қандай топгани ҳақида виконтдан сўрашганда, у гўё сирини айтишни хоҳламаган одамдек гапиришдан воз кечди. Зеро бу ўта жайдари иш эди ва Марманни сезгир деб мақташга мутлақо асос бўла олмасди. Шу боис, бундай ҳайрат-

¹ Мольернинг «Хотинлар мактаби» (1661) комедиясида Агнесага ошиқ бўлиб қолган Орас ўз муҳаббати сирини келиб-келиб қизнинг тарбиячиси Арнульфга айтади. Ҳолбуки Орас Арнульфнинг кимлигини ҳам, унинг Агнесага уйланиш ниятида эканлигини ҳам, шу боис қизни қамаб қўйганлигини ҳам билмайди.

омуз, ажойиб ишни амалга ошириш учун жуда кўп тер тўкишга, энг мураккаб фитналар уюштиришга тўғри келганини шама қилди. Ҳерцогиня ўзида йўқ хурсанд эди: у қаттиқ тўлқинланиб уёқдан буёққа юраркан, виконтга пайдарпай савол ёғдира бошлади. Шундай қилиб, ҳаммани кўп ташвишга солган исёнкор қизча ахири қўлга тушганди! Д'Этамп хоним қидирувнинг самарали яқунланганини ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш учун ҳозироқ Нель қасрига боришни ихтиёр қилди. Қолаверса юз берган бу можародан кейин, яъни Коломбанинг уйдан қочиб кетгани ёки, аниқроғи ўғирланганидан кейин, уни Нель қасрида қолдириб бўлмас эди. Ҳерцогиня энди буёғига ҳамма иш билан ўзи шуғулланади: Коломбани ўз қасрига олдириб келади, у дуэнъядан ҳам, ишқи йўқ қайлиқдан ҳам яхшироқ назорат қилади бу қизни. У Коломбага худди кундошдек кўз-қулоқ бўлиб туради. Қисқаси, қиз энди жуда пухталиқ билан қўриқланади.

Ҳерцогиня фойтунни қўшиш ҳақида буйруқ берди.

— Бу воқеа деярли мутлақо сир бўлиб қолди, — деди у превога юзланиб, сўнг: — Лекин сиз, д'Орбек, умид қиламанки қизчанинг уйдан қочиб кетишидек арзимас воқеага эътибор берадиган одамлардан эмассиз, тўғрими? Шунга кўра, никоҳ тўйини бекор қилиш ва кўзлаган режамиздан воз кечиш учун ҳеч бир асос йўқ.

— О, албатта, хоним афанди! — деди мессер д'Эс-турвиль икки букилиб таъзим қиларкан.

— Тўйимиз ўша келишилган шарт асосида бўлади, шундай эмасми, ҳерцогиня? — деб сўради д'Орбек.

— Албатта, азизим граф! Энди Бенвенутонинг бу разилона ўғриликка қай даражада дахлдорлиги масаласига келсак, кўнглингиз тўқ бўлсин, барибир, мен ундан қасд олмай қўймайман, — деб давом этди д'Этамп хоним. — Ундан сизнинг ўчингизни олиш билан, айни пайтда, ўзим учун ҳам интиқом оламан.

— Лекин ҳерцогиня, — деб этироз билдирди Мармань, — мишмишларга қараганда, санъат шайдоси бўлган қиролимиз, агар Юпитер ҳайкали муваффақиятли чиқса, Челлинининг ҳар қандай истагини бажаришга ваъда берганмиш.

— Парво қилманг, виконт, буёғини менга қўйиб беринг: ўша кунга мен шундай кутилмаган бир тухфа ҳозирлаб қўяйки, у Челлинининг тушига ҳам кирмаган бўлсин. Сиз тамоман менинг ҳимоятимдасиз.

Ҳа, шундан ўзга йўл қолмаган эди. Кўпдан бери херцогиняни бундай шодмон кайфиятда, бундай латофатли қиёфада кўришмаган эди. У қувончдан гул-гул яшнардди. Д' Этамп хоним шу оннинг ўзида мессер д' Эстурвильга ўз соқчиларини бошлаб келишни буюрди, кейин, орадан хиёл вақт ўтар-ўтмас, виконт де Мармань, граф д' Орбек ва преволар қуроли соқчилар орқасидан Нель қасрига етиб бордилар. Д' Этамп хоним фойтунни сал нарироқда, соҳил бўйида тўхтатди ва сабри чидамаганидан дам-бадам қаср томонга мўра-лаб турди.

Халфалар бу пайт тушлик қилгани кетишган эди: қасрда Жимит- Жан, Паголо, Асканио ва икки аёлдан ўзга ҳеч ким йўқ эди. Бенвенуто яна бир ё икки кундан кейин эрталаб кириб келиши керак эди. Асканио меҳмонларни кўриб, прево учинчи марта тинтув ўтказмоқчи шекилли, деб ўйлади ва устозининг топширигига қатъий амал қилиб, келганларни зўр илтифот билан қарши олди. Прево билан унинг ҳамроҳлари тўғри қуюв хонаси томон йўл олишди.

— Манави эшикни очинг,— деб мурожаат қилди д' Эстурвиль Асканиога.

Иигитнинг юраги фалокат юз беришини сезиб шув этиб кетди. Лекин янглишган бўлишиям мумкин эди, шунга кўра, хиёлгина тараддуд ҳам шубҳа туғдириши мумкинлигини ўйлаб, хотиржамлик билан калитни узатди.

— Манави узун нарвонни олиб чиқинглар,— деб буюрди д' Эстурвиль ўз одамларига.

Улар буйруқни бажардилар, шунда прево одамларини тўғри Марс ҳайкали тагига бошлаб борди. Жаноб д' Эстурвиль нарвонни ўзи тўғрилаб қўйиб, энди унга чиқмоқчи бўлган эди, Асканио ортиқ чидаб туролмади — ғазаб ва даҳшатдан бўздек оқариб кетиб, нарвон пиллапоясига шартта оёғини қўйиб деди:

— Нима қиляпсиз, мессер! Бу ҳайкал — устозим ижодидаги энг буюк дурдона, буни кўз қорачуғидек асрашни у менга топширган. Огоҳлантириб айтай: биринчи бўлиб Марсга қўл теккизганни ўлдираман!

Шундай деб у камарига қистирилган ингичка, ўткир ханжарини суғурди; шамширнинг пўлати шу қадар яхши тобланган эдики, бир зарб билан олтин тангани икки паллага бўлиб ташлай олар эди.

Превонинг ишораси билан саккизта соқчи (улардан

ташқари д'Эстурвильнинг ўзи, Мармань ва граф д'Орбек ҳам) Асканиога ташланишди. Йигитча жон-жаҳди билан ўзини ҳимоя қила бошлади, ҳатто икки кишини жароҳатлади ҳам, аммо охир-оқибатда, сон жиҳатидан кўп бўлган душманга бўйин эгишга мажбур бўлди. Уни ушлаб ерга йикитишди, қўлини боғлаб, оғзига латта тиқишди, шундан сўнг прево икки нафар қуролланган соқчи кузатувида (булар энди орқадан бўладиган тасодифий ҳужумни даф қилиш учун керак эди) нарвондан чиқа бошлади.

Пастда бўлаётган жангни кузатиб турган Коломба Асканиони ўлдиришди деб ўйлаган, шунинг учун прево Марс бошидаги ҳужрага кирганида у ўзидан кетиб ётарди.

Бироқ беҳуш ётган қиз превони ҳаяжонга солишдан кўра, кўпроқ аччиғини чиқарди; у қизини қўполлик билан даст кўтариб елкасига кўтарди-да, пастга олиб тушди. Шундан кейин чақирилмаган меҳмонлар орқага қайтдилар. Соқчилар д'Орбек назоратидаги Асканиони кузатиб борардилар. Паголо ўз ўртоғини қай аҳволга солиб олиб кетишаётганини кузатаркан, бир ерда қоққан қозиқдек қимир этмай турарди. Жимит-Жан қаёққадир ғойиб бўлганди. Фақат нималар бўлаётганига тушунмаган Скоццоне дарвозани тўсишга уриниб кўрди.

— Бу қанақаси? Нима гап ўзи, жаноблар!— деб кичқирди у.— Нега Асканиони тутиб олиб кетяпсизлар? Бу аёл ким ўзи?

Бирдан эсиб келган шамол Коломбанинг юзига туширилган тўрни кўтарди, шунда Скоццоне Ҳеба ҳайкалига андаза вазифасини ўтаган қизни таниди.

Рашқдан бўзариб кетган Скоццоне дарров ўзини четга олиб превога, асирга ва унинг соқчиларига индамасдан йўл бўшатди.

Д'Этамп хоним қўли боғланган, ранги қув ўчган, қонга беланган Асканиони кўриб:

— Бу нима қилганингиз? Нега йигитчани бунчалик қийнадингиз?— деб сўради.— Дарҳол унинг қўлларини ечинг! Ҳозирнинг ўзида! Эшитяпсизми?

— Хоним афанди, бу йигитча бизга қаттиқ қаршилик кўрсатди, яна икки соқчимни яралади ҳам,— деди прево.— Имоним комил, бу Бенвенутонинг шериги, бинобарин, уни тезроқ ишончли ерга ҳибс этмоқ лозим. Ундан ташқари,— пичирлаб илова қилди у,— бу йигит-

ча махфий суҳбатимиз пайтида ёнимизда турган италиялик маҳрамга худди қуйиб қўйгандек ўхшаркан. Агар ҳозир унинг эғнида бошқа либос бўлсаю бизнинг тилда гапирмаганида, ҳерцогиня, бу йигитча ўша маҳрамнинг ўзи деб онт ичишдан ҳам қайтмаган бўлардим — ахир сиз ўша италияликни французча бир оғиз ҳам сўз билмайди, деб ишонтиргандингиз-ку бизни!

— Сиз ҳақсиз, жаноби прево,— деб дарров эътироф этақолди ҳерцогиня,— сиз мутлақо ҳақсиз: у биз учун катта хавф туғдириши мумкин. Ҳибсага олинг уни.

— Маҳбусни Шатле қалъасига олиб боринглар! — фармон берди прево.

— Биз эсак, жаноблар, д' Этамп қасрига йўл оламиз! — деди ҳерцогиня; ҳануз ҳушига келмаган Коломбани унинг ёнига ўтқозишган эди.

Яна бир зумдан кейин соҳил ёқалаб кетган тошкўчада елиб бораётган отнинг туёқ товуши эшитилди: бу Нель қасрида содир бўлган фожа ҳақида Челлинига хабар бериш учун ўқдек учиб бораётган Жимит-Жан эди.

Худди шу пайт Асканио Шатле дарвозасидан кириб бораётган эди. Шундай қилиб, у ҳерцогиняни кўрмади ва унинг орзу-умидларини барбод қилган бу машъум воқеада хонимнинг хизмати қай даражада эканлигидан гофил қолди.

Ўнинчи боб

РАҚИБАЛАР

Д' Этамп хоним Коломбанинг дарагини эшитган кундан бери муттасил равишда уни яқиндан синчиклаб кузатиш истагида юрар эди. Мана, шу истаги амалга ошди. Шўрлик қиз ҳамон ҳерцогиня қаршисида, фойтунда беҳуш ётар эди.

Коломбанинг ҳуснини кўрган д' Этамп хонимнинг кўзларида адоват ўти порлади ва у бутун йўл давомида рақибасининг жамолидан ҳасадли нигоҳини узмай борди; ҳерцогиня бу қизнинг тамомилá баркамол хилқат эканлигини таъ олди, унинг оқариб кетган нафис жамолидаги ҳар битта латофатли белги гўзал ва хушбичим қиёфасидаги ҳар бир жозибали хусусият хонимнинг нигоҳини ўзига тортган эди. Мана, ахири Коломба унинг измида! Улар, яъни битта эркакни севиб қолган,

бир қалбни талашаётган бу икки аёл ниҳоят бир-бирлари билан юзма-юз учрашдилар. Уларнинг бири бадқаҳр ва қудратли, иккинчиси ожиза, аммо суюкли; бири беадад бойлиги билан, иккинчиси — ўз назокати ва муаттар навниҳоллиги билан; бири шахвоний ҳирс билан, иккинчиси маъсумалиги билан кишини ўзига мафтун қиларди. Мана, ниҳоят улар, ўрталаридаги гов бениҳоя юксак бўлишига қарамай, бир-бирлари билан учрашдилар, натижада ҳерцогинянинг залвар духоба кўйлагининг этаги Коломбанинг одмигина оқ кўйлагига тегиб турипти.

Коломба ҳамон беҳуш, лекин шунга қарамай, бу икки аёлдан қай бирининг ранги кўпроқ оқарганлигини айтиш маҳол эди. Чамаси, сўзсиз мушоҳада ҳерцогинянинг умидларини пучга чиқариб, унинг мағрур дилига қаттиқ ботди.

— Орий! — беихтиёр пичирлади у. — У чиндан ҳам чиройли, ниҳоятда чиройли! — д' Этамп хоним шундай деб туриб, қизнинг қўлини аzza-баzza сиқди.

Коломба шахло кўзларини очиб деди:

— Вой, хоним афанди, қўлимни оғритдингиз!

Ҳерцогиня шу заҳоти қизнинг қўлини қўйиб юборди.

Коломба дарров ҳушига келавермади. У оғриқдан чинқариб юбориб, яна бир неча сония фикрини бир ерга тўплай олмай, д' Этамп хонимга таажжуб билан тикилиб ётди. Кейин:

— Кимсиз, хоним афанди, мени қаёққа олиб кетишяпти? — деб сўради ва шу заҳоти ўзини ундан четга олиб чинқариб юборди: — Ҳа-а! Эсимга тушди! Сиз ҳерцогиня д' Этампсиз!

— Жим бўлинг! — амирона пичирлади Анна. — Бир оздан сўнг икковимиз ёлғиз қоламиз, ана ўшанда кўнглингизга сиққанча бақиринингиз, ажабланишингиз мумкин.

Ҳерцогиня шундай деркан, қизга кибр-ҳаво билан қаттиқ тикилди; лекин Коломба хонимнинг бундай таҳдидона боқишидан эмас, балки ўз қадрини билганлиги туфайли ўзини босди-ю, то манзилга етгунга қадар бошқа чурқ этиб оғиз очмади.

Фойтун д' Этамп саройи олдида тўхтаганидан кейин қиз ҳерцогинянинг ишораси билан унинг орқасидан хонадон ибодатхонаси сари йўл олди.

Ёлғиз қолган рақибалар бир ё икки дақиқача бир-бирларига қаттиқ тикилиб, жим туриб қолдилар,

аммо уларнинг нигоҳларида кескин тафовут мавжуд эди: Коломба хотиржам кўринарди; у парвардигорга ишонар, Бенвенутонинг ёрдамидан умид қиларди; Анна бўлса, қизнинг мана шу хотиржамлигини кўриб хуноб бўларди, кайфиятининг бузилгани афтидан сезилиб турган бўлса ҳам, ҳозир ғазабини босишга ҳаракат қилар эди, зеро у ўзининг беҳудуд иқтидори ва букилмас ирода кучи билан эгиб олмоқчи эди бу бечора қизни.

Д' Этамп хоним биринчи бўлиб гап очди:

— Мана, навниҳол дугонам, яна падарингиз паноҳига қайтдингиз,— деб мулойим оҳангда гап бошлади у, лекин қизни мазах қилаётгани сезилиб турар эди.— Вале биринчи навбатда, ижозатингиз билан, сизнинг довураклигингизга тасанно айтмоқчиман. Сиз... ҳали жуда ёш бўлсангиз ҳам бениҳоя жасур қиз экансиз, бўтам!

— Чунки менга ҳамиша худо мадад бериб туради, хоним афанди,— соддагина қилиб жавоб қайтарди Коломба.

— Қайси худони назарда тутяпсиз, мадемуазель?.. Ҳа-а! Чамаси, гап Марс ҳақида боряпти шекилли! — деди ҳерцогиня кўзларини кинояомуз сузиб — у саройда ўзини шундай тутишга одатланган эди.

— Мен, хоним афанди, фақат битта худони биламан. Бадавлат одамларга сахийлик, улуғларга камтарлик қилишни амр этган соҳиби карам, раҳмону раҳим худони назарда тутяпман. Ундан юз ўгирганларнинг шўри қурийди, зеро шундай кун келадики, парвардигор ҳам алардан юз ўгиргай!

— Тасанно, офарин, мадемуазель! — деди ҳерцогиня.— Ҳозир айни амри маъруф қиладиган пайт. Сизни бу ваъзхонлик қобилиятингиз билан қутлаган ҳам бўлар эдим-у, лекин шу каломларингиз билан беҳаё рафторингизни сурбетларча безаб кўрсатиш ниятида эканлигингизни сезиб турибман-да.

— Мен ўзимни оқламоқчи эмасман, хоним афанди. Ундан кейин, мени айблашга нима ҳаққингиз бор ўзи? — деб эътироз билдирди Коломба кифтини сал учуриб, аммо мутлақо лоқайдлик билан.— Агар отам мени сўроқ қилса, унинг ҳурматини келтириб, ҳамма айтганларига бўйин эгаман. Бордию отам мени койигудек бўлса, ўзимни оқлашга ҳаракат қиламан. Унгача, хоним афанди, сукут сақлашимга ижозат беринг.

— Тушунаман, тасаддиқ! Менинг овозим сизга ёқмаяпти. Сиз ёлғиз қолсангизу ўз маҳбубингиз ҳақида хаёл сурсангиз. Шундай эмасми?

— О, хоним афанди, уни ўйлашим учун менга ҳеч қандай шовқин, ҳаттоки нохуш овозлар ҳам халал бера олмайди, маҳбубим бошига кулфат тушган ҳозирги пайтда-ку, инчунун.

— Ҳалигдан ўз севгингиз ҳақида ошкора гапиришга қандай тилингиз борди?

— Сиз ҳам, ҳерцогиня, уни севадиз, аммо буни эътироф этишдан қўрқасиз, Ўртамиздаги бор-йўқ тафовут фақат шу, хоним афанди.

— Беадаб қиз! — ҳерцогинянинг оғзидан чиқиб кетди. — Ҳали у мендан баланд келмоқчими дейман!

— Э, йўқ! Ундай эмас, хоним афанди! Мен, шунчаки, саволингизга жавоб бердим, холос; ахир ўзингиз мажбур этиясиз-ку мени гап қайтаришга. Сиз мени ўз орзуларим билан ёлғиз қолдиринг, шунда мен ҳам сизнинг режа тузишларингизга халақит қилмайман.

— Ҳай, начора, ўзингдан кўр, тасаддиқ! Баски ўзингни мен билан беллашишга қодир деб ҳисоблаётган экансан, баски севишингни тан олган экансан, мен ҳам сенга нафақат севишим, шунингдек нафратимни ҳам ошкора айтаман. Ҳа, сен ҳақсан: мен Асканиони севаман; лекин сендан нафратланаман! Рост-да, нима қиламан сирни яшириб? Мен бутун сиримни ёлғиз сенга очиқ айтишим мумкин, зеро агар сен мен тўғримда гийбат қилсанг, барибир ҳеч ким ҳеч қачон гапингга ишонмайди. Тўғри, мен Асканиони севаман!

— Унда шўрингиз қурипти, хоним афанди, чунки Асканио мени севади.

— Ҳа, Асканио сени севади. Хўш нима бўпти? Мен уни сендан юз ўгиришга мажбур қилман. Мен уни ўзимга ром қилиб оламан, бордию сеҳру жодуларим ожизлик қилса, ёлғон гапларни ишлатаман, ҳаттоки жинойтга ҳам қўл ураман. Эшитяпсанми? Мени, кимсан, Анна д' Эйли, ҳерцогиня д' Этамп дейдилар!

— Асканиони чин юракдан севгангина унинг қалбига мушарраф бўлади.

— Вой, манавини гапини эшитинглар! — Коломба-нинг бунчалик гурур билан гапиришидан қони қайнаб кетган ҳерцогиня чийиллаб юборди. — Бу билан, тасаддиқ, муҳаббатим дунёда ягона, биронта ҳам аёлнинг

муҳаббатини унга қиёс қилиб бўлмайди, деб айтмоқчи эмасмисиз мабодо?

— Мен ундай деяётганим йўқ, хоним афанди. Албатта, бошқа аёллар ҳам худди мендек астойдил севишлари мумкин, лекин фақат сиз эмас.

— Хўш, мен учун бегона деб ҳисоблаганинг ўша мақталган севги йўлида ўзинг нимангни фидо қилмоқчисан? Елғизлигингу бенасаблигингни?

— Йўқ, хоним афанди, мен ҳаловатимни қурбон қилдим.

— Нимадан воз кечиб ўтирибсан шу муҳаббат деб? Граф д' Орбекка турмушга чиқишданми?

— Йўқ, хоним афанди, мен отамнинг измида бўлишдан воз кечдим.

— Хўш, сен ўша маҳбубингга нима бера оласан? Шону шавкатми, бойликми, давлатми?

— Йўқ, мен уни фақат бахтиёр қилмоқчиман.

— Фақат-а? — деди ҳерцогиня. — Унинг учун менда анча дурустроқ тухфалар топилади. Мен унинг йўлида ҳатто қиролнинг ишқидан воз кечаман; мен унинг довруғини ошираман, бойлик, иззат-икромга сазовор қиламан; у бутун бошли давлатни бошқаради — мен унга шуларнинг барини армуғон этаман!

— Начора, — деб эътироз билдирди Коломба табасум билан, — демак сизнинг муҳаббатингиз уни ҳамма нарса билан таъминлар экан, ёлғиз муҳаббатдан ташқари...

— Бўлди! Бемаъни муқоисани бас қилинг! — Коломбанинг ўзидан устун келаётганини сеза бошлаган ҳерцогиня унинг сўзини шартта бўлди.

Иккала аёл ҳам бир оз вақт жим қолди. Коломба ўзини хотиржам, эркин тутар, ҳерцогинянинг эса аччиғлана бошлагани сезилиб турарди. Лекин бора-бора унинг кўнгли юмшаб, юзи ёришди, чехрасида Коломбага мойиллик аломати ялт этиб кўринди, аммо бу аломат самимиймиди, ясамамиди — айтиш қийин эди. Ҳерцогиня узилиб қолган даҳанаки жангни биринчи бўлиб тиклади, чунки у бу тортишувдан албатта ғалаба билан чиқишга интиларди.

— Бордию агар сизга: «Маҳбубинг учун жонингни бер!» — дейишса, нима қилган бўлардингиз, Коломба? — деб сўради ҳерцогиня қарийб самимият билан.

— О! Жон-жон деб рози бўлардим!

— Мен ҳам! — деди ҳерцогиня, ниятининг сами-

мийлигини билдирмаса ҳам, ҳарқолда эҳтиросининг қудратини ифодаловчи оҳангда.— Айтинг-чи,— деб у яна гапида давом этди,— унинг йўлида номусингизни қурбон қила олармидингиз?

— Агар сиз, хоним афанди, «номус» деганда менинг пок номимни назарда тутаятган бўлсангиз, бундай номусдан воз кечишга тайёрман; лекин бордию номус деганда диёнатни тушунсангиз — унда қаршиман.

— Ие, ахир Асканио сизнинг маҳбубингиз эмасми?

— У бор-йўғи менинг қайлигим, хоним афанди.

— Тушунарли, демак бу қиз уни севмас экан! — деди ҳерцогиня.— Мутлақо севмас экан! Номус деган дабдабали қуруқ сўз унинг учун муҳаббатдан афзал экан.

Коломба нечоғли ювош табиат бўлмасин, унинг ҳам тоқати тоқ бўлди.

— Хоним афанди,— деди у,— бордию биронта одам келиб сизга: «Севикли йигитинг йўлида барча рутбаларингдан, амалингдан воз кеч, қиролнинг таважжуҳидан ҳуфиёна эмас (бу жуда осон), балки ҳаммага ошкора қилиб юз ўғир!»— деса, агар сизга мурожаат қилишиб: «Анна д'Эйли, ҳерцогиня д'Этамп, ўз қасрингни тарк эт, бойликларингдан, сарой аъёнлари жамоасидан воз кеч-у, буларнинг ҳаммасини заргар йигитнинг ярим қоронғи ҳужрасига алмаштир!» дейишса, нима қилган бўлардингиз, хоним афанди?

— Мен унинг фойдасини кўзлаб бундай қилишдан бош товлар эдим,— ҳерцогиня қаттиқ тикилиб турган рақибасининг синовчан нигоҳи остида ёлғон сўзлашга журъат этаолмай, очигини айтишга мажбур бўлди.

— Бош товлармидингиз?

— Ҳа.

— Демак, сиз уни мутлақо севмайсиз, хоним афанди! — тантанали оҳангда деди Коломба.— Сиз саодатнинг аянчли тимсоли — иззат-икромни унинг муҳаббатидан афзал кўрасиз!

— Ахир айтдим-ку, унинг фойдасини кўзлаб мавқеимни сақлаб қолмоқчиман, деб! — эътироз билдирди бу гал ҳам рақибасининг қўли баланд келганидан хуноби чиққан ҳерцогиня.— Ўз фахрим, давлатимни у билан баҳам кўриш ниятидаман деб боя айтдим. Зеро, барча эркаклар эртами, кечми, албатта шон-шухрат шайдоси бўлишади.

— Тўғри, хоним афанди,— жилмайганча деди Коломба,— аммо Асканио ўша эркакларга асло ўхшамайди.

— Ҳчиринг овозингизни! — ер тепиниб чийиллади даргазаб ҳерцогиня.

Оқибат, бу айёр, амри фармо аёл ҳимоясиз қиздан кетма-кет икки марта мағлубиятга учради, қолбуки у ўзининг амирона овози билан бир оғизгина сўз айтиб унинг юзини ерга қаратиб қўймоқчи эди. Аммо Коломба д'Этамп хонимнинг зарда ёки киноя билан айтган барча танбеҳларига мулзам қилувчи оддий ва камтарона гаплар ила жавоб қилди. Натижада, ҳерцогиня газаб отига миниб, нотўғри йўлдан кетганини фаҳмлади; зотан, сирасини айтганда, у Коломбанинг нафақат гўзал, шунингдек оқила ҳам бўлиб чиқишини асло кутмаган эди. Алқисса, Анна д'Этамп муомала усулини ўзгартирди: рақибасини куч билан енга олмаслигига кўзи етган ҳерцогиня найранг ишлатишга қарор қилди.

Коломбага келсак, ўзимиз шоҳид бўлдик, д'Этамп хонимнинг даргазаб дағдағаларидан хиёл ҳам чўчимади: у ўз қадр-қимматини сақлаганча сукутга толди. Лекин ҳерцогиня энди янги режа тузган эди: у мафтункор табассум билан Коломбага яқинлашди ва меҳрибонлик билан унинг қўлидан ушлаб шундай гап бошлади:

— Афв этинг, эрка қизим, сал қизишиб кетдим; мендан хафа бўлманг. Зеро сизнинг имтиёзларингиз шу қадар ададсизки, рашк қилишим ўринли, албатта. О! Биламан, биламан, сиз ҳам бошқаларга ўхшаб, мени ярамас, шум аёл деб ҳисоблайсиз. Лекин мен сизга айтсам, ўзим эмас, тақдирим шум, пешонам шўрдир. Сиз мени кечиринг! Гуноҳимиз нима? Икковимиз битта Асканиога ошиқ бўлиб қолганимизми? Нима кераги бор бир-биримиздан нафратланишимизнинг? Айниқса, сизнинг мендан нафратланишингиз ўринсиз: Асканио ёлғиз сизни севади! О, менга илтифот қилмогингиз керак! Келинг, опа-сингиллардек очиқчасига гаплашайлик. Нима дейсиз, Коломба? Бир-биримизга юрагимизни ёзайлик, ана шунда бемулоҳаза аччиғланиб, дилингизни ноҳақ оғритиб қўйганим учун шояд мени афв этсангиз.

— Гапираверинг, хоним афанди,— деди Коломба сиполик билан ва ошкора нафрат ила қўлини тортиб олди.— Гапираверинг, қулогим сизда,— деб такрорлади у.

— О, хотирингиз жам бўлсин, одамови қиз! — деди қувноқ оҳангда д'Этамп хоним, чунки у Коломбанинг

Ўзини сипо тутиши сабабини яхши биларди.— Мен айтмоқчи бўлган гапнинг холислигига асосли кафолат бермагунимча, менга ишонч билдиришингизни талаб қилмайман. Сизга ўз ҳаётимни мухтасар сўзлаб бермоқчиман, токи сиз ҳам мени ўзим билганчалик билинг. Ҳали ўзингиз кўрасиз, сиз ўйлаганчалик ёмон аёл эмасман. Зеро биз, кибор хонимлар аксар пайт туҳмат қурбони бўламиз. Бизга ҳасад қилганларидан фисқ-фасод гапларни тарқатишади, ваҳолонки, аҳволимизга ачинсалар бўларди. Мана, чунончи, сиз, бўтам, мени қандай одам деб ҳисоблайсиз? Иўлдан озган аёл деб, тўғрими? Очиқ айтаверинг.

Қолмба бош чайқади — бундай саволга жавоб бериш унинг учун жуда оғир эди.

— Иўлдан оздиришган экан, менда нима гуноҳ? — деб гапини давом эттирди д' Этамп хоним.— Сиз, Қоломба, ҳаминша бахтдан лаззатланиб яшагансиз, энди биз бахти қароларга ҳам шафқат қилинг! Сиз ёлғизликда покиза ҳаёт кечирдингиз, худога шукр қилинг, шуҳратпараст этиб тарбиялашмабди! Бундай тарбияга, аниқроғи, азобга маҳкум этилган шўрпешона қизларга, худди қурбонликка аталган молни гулчамбарлар билан безашганидек¹, ҳаётнинг фақат ялтироқ томонини намойиш қиладилар. Улар севмасликлари, аммо албатта хуш ёқишлари керак. Ёшлик чоғимдан, дунёда қиролни мафтун қилишдек улкан бахт йўқ, деб қулоғимга қуйишди. Худо, севган йигитингга унинг чин муҳаббати эвазига туҳфа эт, деб аёлларга гўзалликни ато этади, аммо ана шу гўзалликни юксак мартаба учун қурбон қилишга ундашди мени, аёллик латофатимдан тузоқ сифатида фойдаланишди. Мана энди ўзингиз айтинг, Қоломба: ёшлик чоғидан миясига эзгуликни ёвузлик деб, ёвузликни эса эзгулик деб қуйиб тарбия қилинган қиз ҳаётда тўғри йўл тутиши мумкинми? Майли, мени бутунлай одамгарчиликдан чиққан деб ҳисоблашаверсин, ўкинмайман. Эҳтимол, парвардигор менинг бу ноилож қилган гумроҳлигимни кечирар: ахир кези келганда худони ёдимга солиб турадиган ҳеч ким бўлмаган эди-да ёнимда. Мен, нотавон, ожиза аёл бир ўзим нима ҳам қила олар эдим? Менинг бирдан-бир қуролим бўҳтон ва макр бўлди.

¹ Қадимда Европада қурбонликка аталган молни бўғизлаш олдидан унинг бошига гулчамбар таққанлар.

Лекин гапимга ишонинг: мен бундай ҳаёт учун яратилмаганман! Асканиога бўлган муҳаббатим, уни севиб қолганимдан буён ўзимни беҳад бахтиёр ҳис қила бошлаганим ва айни пайтда бу рафторимдан қаттиқ хижолат бўлганим юқорида айтган гапимга далил бўлади... Айтинг-чи, қизим, энди менинг аҳволимга тушундингизми?

— Ҳа, хоним афанди,— жавоб қилди соддадил Коломба; зўр маҳорат билан ўзини опшоқ қилиб кўрсатган ҳерцогинянинг гаплари уни чалғитиб қўйган эди.

— Демак менга юрагингиз ачиркан! — деб чинқириб юборди д' Этамп хоним.— Шунинг учун, Асканиони, ҳеч бўлмаса, четдан туриб, унинг севгисига мутлақо умид қилмаган ҳолда севишимга ижозат беринг; мен ҳеч қачон сизга кундошлик қилмайман — зеро у мени севмайди-ку. Мен барвақт оламдан ўтган онангиз ўрнига оналик қиламан сизга. Олий табақанинг ёлғончилиги, макру ҳийлалари, разилликлари менга жуда яхши таниш; мен сизни шу иллатлардан сақлайман, муҳофаза қиламан. Сиз менга мутлақо ишонч билдиришингиз мумкин — зеро бутун ҳаётим энди сизга аён бўлди. Менинг ўтмишим — қалбида аёллик ҳирси зўрлаб уйғотилган гўдак қиз; бугунги ҳаётим — сиз уни ўзингиз кўриб турибсиз: қиролнинг донгдор маъшуқаси бўлишдек шармандалик. Келажагим эса, Асканиога муҳаббатимдан иборат бўлади. Ҳа, ҳа, у мени эмас, фақат мен уни севаман, зеро ҳозир ўзингиз айтганингиздек, Асканио ҳеч қачон мени яхши кўрмайди — буни ўзим ҳам қалбим билан ҳис қиляпман. Асканио ҳеч қачон мени севмайди: айнан мана шунинг учун ҳам менинг муҳаббатим пок муҳаббат бўлади ва у қалбимни иллатлардан поклайди. Энди сизнинг навбатингиз, қизим; ўзингиз ҳақингизда менга ошкора сўзлаб беринг.

— Ахир нима ҳам айтишим мумкин ўзим ҳақимда, жоним афанди? — деди Коломба.— Менинг ҳаётим — севгидан иборат: мен парвардигорни, падаримни ва Асканиони севганман, севаман, бундан кейин ҳам севажакман. Авваллари, ҳали Асканиони билмаган пайтимда, унга бўлган муҳаббатим — орзу эди; ҳозир ҳижрон пайтида — изтироб, келажақда эса ширин умид бўлади.

— Жуда яхши,— деди ҳерцогиня рашкини ичига ютиб ва йиғламоқдан бери бўлиб.— Лекин сиз, Ко-

ломба, кўнглингиздаги бутун ниятингизни менга очиқ айтинг: хўш, айтинг-чи, бундан кейин нима қилмоқчисиз? Елғиз ўзингиз, заифа бир қиз, граф д' Орбек ва падарингиздек қудратли одамларга қарши қандай кураша оласиз? Буёқда яна қирол бир кўришдаёқ сизга ошиқ бўлиб қолган бўлса.

— Ё тангрим! — деди Коломба тили гўлдираб.

— Қиролнинг эътиборини сизга қаратган одам рақибангиз ҳерцогиня д' Этамп эди, энди дугонангиз Анна д' Эйли сизни бу жазманингиздан қутқаради. Шундай қилиб, қиролни четга чиқариб қўяйлик. Лекин отангиз билан граф д' Орбекни нима қилсак бўларкин? Уларнинг шуҳратга интилишларини бартараф қилиш Франциск Биринчининг юзаки хушторлигини енгишдек осон эмас.

— Ундай бўлса, бу хайрли ишингизни чала қолдирманг, хоним афанди! — деди Коломба. — Мени улардан халос этинг.

— Мен сизга ёрдам бераоладиган фақат битта воситани биламан... — деди ҳерцогиня ўзини чуқур ўйга толгандек кўрсатиб.

— Қандай восита, хоним афанди?

— Лекин сиз чўчиб кетиб маслаҳатимга кирмаслигингиз мумкин.

— Агар гап фақат қўрқмаслик ҳақида бўлса, гапираверинг!

— Бўлмаса, ўтириб қулоқ солинг, — деди д' Этамп хоним Коломбани илтифот билан ўз роҳат курсиси ёнида турган йиғма курсига ўтқазиб, унинг белидан кучар экан. — Тагин, гап бошлашим билан бирдан кўрқиб кетманг.

— Бундан чиқди, сиз менга жуда даҳшатли таклиф айтмоқчисиз, шундайми? — деб сўради Коломба.

— Биласизми, қимматли қизим, сиз ўта даражада хушфазилат, покиза хилқатсиз, аммо сиздек латофатли маъсумалар учун бизнинг замонамиз, бизнинг жамиятимизда яшаш хавфли, зеро бу фазилатингиз душманларингиз олдида сизни кучсизлантириб қўяди, ҳолбуки душманни унинг ўз қуроли — ёвуз иллатлари билан енгиш мумкин. Хуллас, сиз бир ҳаракат қилиб хаёлот осмонидан пастга тушинг-у, ҳақиқатга тик қаранг. Боя сиз гард юқмаган номингизни Асканио учун жон-жон деб қурбон қилишга тайёр эканингизни айтувдингиз. Аммо мен сиздан бундай улкан фидойиликни талаб қилмайман. Маҳбубингизга хўжакўрсин учун

бевафолик қилсангиз, шунинг ўзи кифоя. Ахир на суянадиган тоғингиз, на ҳимоячингиз бор, қандай қилиб тақдирга қарши кураша оласиз? Қаёқдаги бир заргарнинг шогирдига турмушга чиқиш сиздек асилзода қизга муносибми?.. Ахир бу ғирт бемаънилик-ку! Яхшиси, менинг дўстона маслаҳатимга кулоқ солингу граф д' Орбек билан никоҳ ўқитишга рози бўлинг; майли, қўлингизни қайлигингизга берингу қалбан ифбатли қаллиқ бўлиб қолаверинг. Сиз графга хотин сифатида эмас, балки унинг мартаба-парастлик ниятини амалга ошириш учунгина кераксиз. Лекин сиз графиня д' Орбек бўлиб олганингиздан кейин, унинг беҳаё режаларини осонгина барбод қилишингиз мумкин. Бунинг учун ҳамманинг олдида ўша машғум ниятни баралла овоза қиласиз, вассалом. Лекин ҳозирги аҳволингизда... Қани, ўзингиз айтинг: ким сизни қўллаб-қувватлайди? Ҳатто мен ҳам отангизнинг қонуний ҳуқуқига қарши курашда сизга ёрдам қила олмайман. Агар гап фақат эрингизнинг режасини барбод қилиш ҳақида борганида эди, унда мен сизга энг фаол ёрдамчи бўлардим. Ҳамма гапларимни яхшилаб ўйлаб кўринг. Ўз тақдирингизни ўзингиз бошқаришингиз учун ҳам рози бўлинг, қизим; мустақил ҳаёт кечиранман, десангиз, ўзингизни гўё эркингиздан воз кечаётгандек қилиб кўрсатинг. Ана унда менинг бирдан-бир қонуний эрим — Асканио, бошқа ҳар қандай эркак билан мулоқотда бўлиш — куфр, деган фикр доимий таянчингиз бўлади, шундан кейин сиз бемалол қалбингиз буюрган ишни қилаверасиз. Виждонингиз ҳеч қачон сизга таъна қилмайди, одоб-ахлоқ доирасидан чиқмаганингизга шоҳид бўлган зодагонлар жамоаси сизни ҳақ деб топади.

— Хоним афанди, о, хоним афанди! — деб пичирлади Коломба, ҳерцогинянинг зўрлаб ушлаб қолмоқчи бўлганига қарамай, «дик» этиб ўрнидан туриб кетаркан. — Фикрингизга тўғри тушундимми — билмайман, аммо назаримда, сиз мени қабиҳлик қилишга ундаяпсиз.

— Нима, нима? — деди ҳерцогиня.

— Айтмоқчиманки, хоним афанди, эзгулик макру ҳийлага муҳтож эмас, сиз учун хижолатдаман. Биламан, сиз мени кўра олмайсиз, шунинг учун мени тузоғингизга осонгина илинтириш мақсадида ўзингизни меҳрибон дўст қилиб кўрсатаяпсиз. Сиз мени

Асканионинг кўзи олдида бадном қилмоқчисиз. Чунки Асканио ўзи учун манфур бўлган аёлни сева олмаслигини сиз жуда яхши биласиз! Шундай эмасми, ҳерцогиня?

— Хўш, шундай бўлганда-чи? — деб чийиллади д'Этамп хоним ўзини ортиқ боса олмай.— Очиги, бу майнавозчиликлардан чарчадим. Сен тузоққа илинишни хоҳламайман, деб айтдингми? Жуда соз! Унда мен сени тубсиз жарга итариб юбораман? Хоҳлайсанми, йўқми, барибир графга хотин бўласан!

— Демак мен зўравонлик қурбони бўламану бу ҳол мени оқлаш учун хизмат қилади. Натижада, зўравонликка бўйин эгиб, ўз муҳаббатимга доғ туширмас эканман-да. Лекин мен ҳали бўйин эгармикинман?

— Нима, ҳали курашмоқчимисан?

— Мен заифа қизда бор бўлган барча воситаларни ишга солиб жанг қиламан! Шуни билингки, ўша сиз айтган никоҳга мен ҳеч қачон розилик бермайман! Сиз қўлимни ўша одамнинг қўлига зўрлаб тутқазиб қўйган тақдирингизда ҳам, мен «йўқ» деб жавоб қиламан. Сиз мени меҳроб олдига олиб боринг — шунда ҳам жавобим «йўқ» деган сўз бўлади! Агар мени тиз чўкишга мажбур қилсангиз, пири муқаддас қаршисида тиз чўкиб туриб ҳам «йўқ» деб жавоб қиламан!

— Ҳай, нима бўпти шунга! Барибир, маросим бўлади, ана унда Асканио сенинг д'Орбек билан турмуш қуришга рози бўлганингга ишонади.

— Умид қиламанки, хоним афанди, никоҳ маросими бўлмайди.

— Қизик, хўш, ким сени халос этади бу нарсадан?

— Самода парвардигору заминда бир инсон.

— Ўша инсон қамоқда!

— Йўқ, хоним афанди, у эркинликда.

— Ким экан у?

— Бенвенуто Челлини!

Ҳерцогиня ўзининг энг ашаддий душмани ҳисобланмиш ҳайкалтарошнинг номини эшитиб, ғазабдан тишларини ғижирлатди ва уни роса бўралаб лаънатлаш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди, шу пайт эшик пардаси кўтарилиб, маҳрам бола қирол келганини хабар қилди.

Ҳерцогиня лабида табассум билан Франциск I истиқболига пешвоз юрди ва уни қўшни хонага бошлаб кираркан, хизматкорларга имо қилиб, Коломбага кўз-қулоқ бўлиб туришни буюрди.

БЕНВЕНУТО ТАШВИШДА

Асканио ҳисбга олиниб, Коломба ўғирлаб кетилганидан бир соат кейин от минган Бенвенуто Августинлар соҳили бўйлаб шошмасдан келаётган эди. У бутун сафар давомида қирол ва сарой аъёнларига аломат воқеаларни сўзлаб, кези келганда, бу воқеага ўз саргузаштларини ҳам усталик билан омихта қилиб, ҳаммани кулдирган, кайфларини чоғ қилган ва ҳозиргина улар билан хайрлашган эди. Лекин энди у чуқур ўйга толган, қувноқ баёнчи хаёлпарастга айланган эди. Жилов унинг толиққан қўлидан тушиб кетган, кўксига эгилган чеҳрасидан чуқур хаёл оғушида эканлиги кўриниб турар эди. Челлини Юпитер ҳайкалини ўйларди: энди наинки унинг буюк ҳайкалтарош деб доврўқ қозониши, шунингдек ўзи учун энг азиз бўлган Асканионинг тақдири ҳам ана шу ҳайкалнинг муваффақиятли чиқишига боғлиқ эди. Назарида, ҳайкал учун эритилган бринж ҳозир унинг яллиғланган миясида биқирлаб қайнаётгандек туюларди. Шунга қарамай, у зоҳиран хотиржам кўринарди.

Ўз дарвозаси олдига келиб тўхтаган Бенвенуто ичкаридан келадиغان болғачаларнинг одатдаги тақир-туқирини эшитмай ҳайрон бўлди. Қаср баҳайбат бир қоя каби сукут сақлаб тумшайиб турар, унда биронта ҳам тирик жон йўқдек туюларди. Ҳайкалтарош дарвозани кетма-кет икки марта тақиллатди — ҳеч қандай жавоб бўлмади; учинчи марта тақиллатгандан кейингина эшикни Скоццоне очди.

— Вой, хайрият-е, афандим! — деди у. — Икки соатгина олдинроқ келақолсангиз нима бўларди-я!

— Ҳа, тинчликми ўзи? — деб сўради Бенвенуто.

— Граф д' Орбек, ҳерцогиня д' Этамп, яна преволар келишди.

— Келишса нима бўпти?

— Тинтув қилишди.

— Хўш?

— Марснинг бошидан Коломбани топиб олишди.

— Йўғ-е!

— Ҳерцогиня Коломбани ўз уйига олиб кетди, прево бўлса, Асканиони Шатле қалъасига жўнатди.

— Бизни сотишипти! — бақириб юборди Бенвенуто ва даргазаб ер тепинди.

Шу заҳотиёқ унда ўч олиш истаги уйғонди. У отнинг жиловини қўйиб юбориб, отхонага жўнатди, ўзи устахона томон отилди.

— Ҳамма менинг олдимга келсин,— деб бақирди у ичкарига кира солиб.

Халфалар бир зумда унинг атрофига тўпланишди.

Челлини ҳаммани бирма-бир қаттиқ сўроқ қилди; лекин наинки Коломба яширилган жойни, ҳаттоки душманнинг у ерни қандай топганини ҳам ҳеч ким билмас эди. Ҳамма, ҳатто Челлини кўпроқ шубҳаланган Паголо ҳам ўзининг бегуноҳлигини исботлади. Диёнатли немисдан заррача ҳам шубҳа қилинмагани, Симон-Чапақайдан эса, номига бир оғиз сўз сўраш билан кифояланилгани ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Ортиқча сўроқ қилиб ўтиришдан наф йўқлигини, айбдорнинг бу ерда эмаслигини билган Бенвенуто ўз табиатига хос чаққонлик билан бир қарорга келди.

Биринчи навбатда у найза-шамширини кўздан кечирди, ханжарининг ўткирлигини текшириб кўрди, сўнг халфаларига, керак бўлиб қолганларида уларни топиш осон бўлсин учун, жойларидан ҳеч қаёққа жилмасликларини буюрди. Кейин устахонани тез тарк этиб ҳовлига тушди-да, кўчага чиқиб кетди.

Бенвенутонинг юз-кўзи, юриш-туриши, хатти-ҳаракатидан қаттиқ ҳаяжонланаётгани яққол кўришиб турарди. Унинг миясидан минг хил режа, минг хил шубҳа лип-лип ўта бошлади. Келиб-келиб шу тобда, Юпитер ҳайкалини қуйиш учун барча халфалар, алалхусус, энг қобилиятли шогирди Асканио сув билан ҳаводек зарур бўлишган пайтда, йигитчани ҳибсга олишган. Бунинг устига, яна Коломба ҳам ўғирланган, ким билсин, шўрлик қиз душман қароргоҳига тушиб қолиб қўрқоқлик қилмасмикин ишқилиб... Коломба ни шу чоққача ёмон фикрлардан ва барча иллатлардан муҳофаза қилиб келган унинг аниқ ва вазмин имони беҳисоб хавф-хатару ҳиёла-найранглар қаршисида уни тарк этмасмикин...

Шу пайт тўрсатдан Бенвенуто Асканио билан бўлган бир суҳбатни эслаб қолди. Бир куни у, маккор ҳерцогиния сендан қаттиқ ўч олиши мумкин, деб шогирдини огоҳлантирмоқчи бўлганида, Асканио жил-

майиб туриб: «Д' Этамп хоним менга ёмонлик қила олмайди, чунки мен бир оғиз сўз билан уни хароб қилишим мумкин»,— деб эътироз билдирган эди. Челлини ундан бу гапининг маънисини изоҳлаб беришини илтимос қилганида, йигит бундай жавоб қилган эди: «Бу сирни сизга ҳозир очсам, устоз, хоинлик қилган бўламан. Бу сир менинг бирдан-бир ҳимоячим бўлиши мумкин, ўша кунгача сабр қилайлик».

Шогирдининг олижаноблик қилаётганини тушунган Бенвенуто ундан ўша сирни ортиқ суриштирмаган эди. Демак, ҳозир у биринчи навбатда Асканио билан учрашиши керак.

Бенвенуто Челлини кўзлаган ниятини амалга оширмагунча тинчимас эди. Шунинг учун, у шогирди билан учрашишни хаёлига келтирган ҳамоноқ бориб Шатле қалъасининг эшигини тақиллата бошлади. Шунда эшикдаги кичкинагина туйнукча очилиб, қамоқхона ходими ундан, кимсиз, деб сўради. Ходимнинг орқасида, нимқоронғи йўлакда яна бир одам турарди.

— Мен Бенвенуто Челлини бўламан.

— Нима истайсиз?

— Шу қалъага қамалган бир маҳбусни кўрмоқчиман.

— Исми нима ўша маҳбуснинг?

— Асканио.

— Асканио бир кишилик қамоқда ётипти, у одамлар билан учрашиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

— Нега энди уни бир кишилик қамоққа ташлашди?

— У оғир жиноятда айбланади, бу қилмиши учун уни ўлимга ҳукм этадилар.

— Ундай бўлса, мен уни албатта кўришим керак! — деб чинқирди Бенвенуто.

— Хўп аломат гапларни гапирасиз-да, сеньор Челлини,— истехзо билан деди ичкарида ўзини панага олиб турган одам.— Шатледа бундай мулоҳаза юритиш мумкин эмас.

— Ким у менинг гапларимни мазах қилаётган? Илтимосимдан кулишга кимнинг ҳадди сигди? — жаҳолат билан деди Бенвенуто.

— Мен,— деб жавоб қилди бояги овоз.— Мен, Париж превоси Робер д' Эстурвиль. Ҳамма нарса ҳам навбати билан, сеньор Челлини. Ҳар бир ўйинда ютқиқ ҳам, ютуқ ҳам бўлади. Биринчи гал сиз ютган эдингиз, энди мен голиб чиқдим. Сиз гайриқонуний йўл



билан мендан қасрни тортиб олган эдингиз, мен сизнинг шогирдингизни қонуний равишда ҳибсга олдим. Сиз менга қасрни қайтариб беришни хоҳламаган эдингиз, шунинг учун, бекорга овора бўлманг, мен ҳам сизга Асканиони бермайман. Аммо сиз, жаноби Челлини, гоятда уддабурон, довюрак одамсиз, қўл остингизда садоқатли дўстларингиздан ташкил топган бутун бошли қўшинингиз бор! Қани, қалъаларни забт этувчи паҳлавон, олға! Бўш келманг, о эпчил деворошувчи! Қани, дадил ҳужумга ўтинг, эшикбузар азамат! Шатлега ҳужум қилинг! Омад ёр бўлсин!

Шу сўзлардан кейин туйнукча ёпилди.

Шунда ғазаби қайнаган Бенвенуто наъра тортиб, гумбир дарвоза томон отилди: лекин у муштлири, оёқларини ишлатиб дарвозага қанча ҳамла қилмасин, у қилт этмади.

— Дадилроқ, яна ҳам дадилроқ бўлинг, биродар! Бўш келмайсиз! Бопланг! — деб чинқирарди прево дарвоза ортида туриб олиб.— Лекин огоҳлантириб қўяй: қўлингиздан ҳеч иш келмайди, фақат шовқин кўтарганингиз қолади. Бордию агар ҳаммаёқни бошингизга кўтарадиган бўлсангиз, сизни соқчилар ҳибсга олиши ҳам мумкин. Бу сизга Нель қасри эмас. Шатле — Франциск Биринчининг мулки. Кўрамиз ҳали, бу ерда ким зўр чиқаркин — сизми ё қирол аъло ҳазратларими!

Бенвенуто атрофига кўз югуртириб, соҳилда ётган бир тош ғўлани кўриб қолди; уни икки киши ердан зўрға кўтара оларди. Ҳайкалтарош ўйлаб ўтирмай югуриб бориб ғўлани худди оддий бир тошдек азод кўтариб елкасига қўйди. Лекин у дарвоза томон бир неча қадам юрдию бирдан тўхтаб ўйланиб қолди; гарчи у ҳозир дарвозани бузган тақдирда ҳам қалъа соқчиларига рўпара келиши муқаррар, улар Челлинини ҳибсга олишади. Унда Асканиони ким қутқаради? Бенвенуто шуларни ўйлаб, тош ғўлани ерга ташлади, у жуда оғир бўлганидан ерга бир неча дюйм боғиб кетди.

Чамаси, прево бу воқеани эшикдаги тешикдан кузатиб турган бўлса керак, Бенвенутонинг қулоғига унинг хандон ташлаб кулгани эшитилди. Челлини бу лаънати дарвозага калла қўйиш ниятидан ўзини зўрға тутиб, шошганча қалъа олдидан узоқлашди.

У тўғри д'Этамп саройи томон йўл олди.

Агар Коломба билан учраша олса, ҳалиям кеч эмас. Зеро Асканио қаллиғига севги изҳор қилган дамларда

ийиб кетиб, устозига айтмаган сирни унга очган бўлиши ҳам мумкин.

Аввалига ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди: сарой дарвозаси очиқ экан. Бенвенуто ҳовлини тик кесиб ўтиб даҳлизга кирди; бу ерда зар ҳошияли мундир кийган елкалари тўрт фут, бўйи олти фут келадиган девқомат бир барзанги хизматкор турар эди.

— Ким бўласиз? — деб сўради у Челлинига бошдан-оёқ разм солиб чиқиб.

Бошқа вазият бўлганда-ку Бенвенуто унинг бу таҳқирона муомаласига жавобан бошлаб адабини бериб қўйган бўларди-я, аммо ҳозир гап Коломба билан учрашиш ҳақида, Асканиони қутқариш ҳақида бораётгани сабабли у ўзини босди.

— Камина флоренциялик уста Бенвенуто Челлини бўламан,— деди у.

— Нима истайдилар?

— Мадемуазель Коломбани кўрмоқчиман.

— Мадемуазель Коломбани кўриш мумкин эмас.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, қизнинг отаси Париж превоси мессер д'Эстурвиль уни д'Этамп хонимнинг ихтиёрига топширди ва ундан қизини қатъий назорат қилиб туришни сўради.

— Ахир мен Коломбанинг дўстиман.

— Унда янаям мумкин эмас; бу ҳолда сиз янада шубҳалироқ одамсиз.

— Мен уни албатта кўришим лозим, деб айтяпман сизга! — деди қони қайнай бошлаган Бенвенуто.

— Мен бўлсам, уни кўрмайсиз, деб айтяпман сизга.

— Ҳеч бўлмаса, ҳерцогиняни кўришим мумкиндир?

— Мумкин эмас.

— Ахир у менинг муштарийим-ку!

— Хоним ҳеч кимни қабул қилмайди.

— Демак, лўнда қилиб айтганда мени киритмаслик буюрилган!

— Ҳа, балли, топдингиз.

— Сен менинг қанақа одамлигимни биласанми ўзи, овсар? — Челлини шундай деб бақариб, даҳшатли қаҳқаҳ урди: у доимо ғазабга кираётганида шундай куларди.— Биласанми, мен айнан шунақа тақиқланган ерларга албатта кирмай қўймайман.

— Қанақасига? Марҳамат қилиб сўзлаб беринг менга.

— Масалан, эшик олдида сенга ўхшаган галварс турипти, дейлик...

— Хўш, хўш! — деб Челлинини баттар гижинтира бошлади хизматкор.

— ...Мен у галварсни уриб чалпак қиламан-да, эшикни тегиб очаман, — деб гапини якунлади Бенвенуто ва шу оннинг ўзида ишга киришди: бадбахт малайни бир мушт уриб тўрт қадам нарига учириб юборди, оёғи билан эшикни тегиб очди.

— Вой дод! — деб чинқирди хизматкор. У дод солмаса ҳам бўларкан: Бенвенуто даҳлиздан чиқинчи билан беш-олтита малайга рўпара келди — улар ҳайкалтарошни атайлаб кутиб туришганга ўхшашарди.

Заргар вазиятга дарҳол тушунди: демак, ҳерцогиня унинг Фонтенблдан қайтганини билгану эҳтиёт чораларини кўриб қўйган.

Бошқа пайт бўлганда-ку, шамшир ва ханжар билан қуролланган Бенвенуто бу хизматкорларга ташланиб, ҳаммасининг таъзирини бериб қўйган бўларди-я, аммо қирол маъшуқасининг саройида бундай иш тутиш хатарли эди, оқибати ҳам ёмон бўлиши мумкин эди. Натижада, Бенвенуто бугун иккинчи марта, ўз одатига зид ўлароқ, газабини босиб, яланғочлаган шамширини қинига солди ва мисоли жангдан сўнг чекина бошлаган шер янглиғ ҳар қадамда тўхтаб-тўхтаб орқага қайтди. У аста юриб даҳлиздан ҳовлига, ҳовлидан кўчага чиқди ва тўғри Луврга йўл олди, зеро қирол уни ҳар қандай пайтда ҳам қабул қилишига заргар астойдил ишонар эди.

Бенвенуто бир маромда юриб борар экан, мутлақо хотиржамдек кўринар, лекин аслида кўринишигина хотиржам эди; унинг пешонасида йирик-йирик тер томчилари пайдо бўлган, қалбини мудҳиш адоват ўт бўлиб ёндирарди. Бенвенуто бу туйғуни босишга уринган сари, у шунча кўпроқ аланга оларди. Табиатан серғайрат бўлган бу одам ҳаммадан ҳам сусткашликни ва самарасиз кутишни ёмон кўрар эди; одатда бундай кишиларни улар кирмоқчи бўлган эшикнинг ёпиқлиги ёки безбет хизматкорнинг суллоқлигига ўхшаш арзиманган тўсқинликлар кўпроқ хуноб қилади. Ҳатто иродаси бақувват матонатли кишилар ҳам дафъ этиб бўлмайдиган биронта ғовга рўпара келиб қолгудек бўлишса, руҳлари тушиб кетади. Ҳозир Бенвенуто биронта одамга газабини сочиб, бир аламдан чиқиб учун ўн йиллик

умридан воз кечишга ҳам тайёр эди. У ўқтин-ўқтин бошини кўтариб: «Қани, кимнинг жонига теккан яшаш? Мен ўша одамни бажону дил нариги дунёга равона қилишим мумкин», демоқчи бўлгандек, одамларнинг юзига тикилиб қарар эди.

Бенвенуто чорак соатда саройга етиб бориб маҳрамлар хонасига кирди ва ўз ташрифи ҳақида зудлик билан қиролга хабар қилишларини сўради. У Франциск I га бўлган воқеанинг барини сўзлаб бермоқчи ва ундан Асканиони озод қилишни, агар бунинг иложи бўлмаса, жиллақурса, у билан учрашишига ижозат сўрамоқчи эди. У илтимосини қиролга қандай жумлалар билан ифода қилишни йўл-йўлакай ўйлаб бораркан, бўлгуси нутқининг гўзаллиги уни ҳалитдан завқлантирди, зеро Бенвенуто ўзининг сўзамоллиги ҳақида жуда юксак фикрда эди. Аммо бу аснода, юз берган барча тасодифий воқеалар, таҳқирлар, ғовлар, югуриб-елишлар, ташвишлар жўшқинтабиат ҳайкалтарошнинг қонини қайнатиб юборган эди. Унинг чакка томирлари гурс-гурс урар, қўллари қалтирар, юраги қаттиқ-қаттиқ тепарди. Нима сабабдандир, унинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний қувваси икки ҳисса зўрайиб кетган эди. Шундай вазиятлар бўладики баъзида кишининг бир кунга етарли қудрати бир дақиқалик ҳаётида жам бўлади.

Бенвенуто ўзининг ташрифи ҳақида Франциск I га хабар қилишни қирол маҳраמידан илтимос қилган чоғида айнан шундай кайфиятда эди.

— Қирол қабул қилмайди, — деб жавоб қилди маҳрам.

— Нима, мени танимадингизми, дейман? — ажабланди Бенвенуто.

— Аксинча, бир кўришдаёқ танидим.

— Мен Бенвенуто Челлиниман, аъло ҳазратларининг хузурига истаган чоғимда кириш ҳуқуқига эгаман!

— Айнан Бенвенуто Челлини бўлганингиз учун ҳам сизни ичкарига киритмаслик буюрилган, — деб жавоб қилди маҳрам.

Бенвенуто данг қотиб қолди.

— Ў! Келдингизми, жаноб де Терм! — деб гапида давом этди маҳрам, бу ерга Челлини билан олдинмакеини кириб келган аъёнга юзланиб. — Марҳамат, кира-

веринг... Сиз ҳам, граф де ла Фай, кирақолинг... Сиз ҳам марҳамат қилинг, маркиз де Пре.

— Мен-чи? Мен кира олмайманми? — чинқириб юборди Бенвенуто ғазабдан ранги қув ўчиб.

— Сизми? Йўқ, кира олмайсиз! Қирол бундан ўн дақиқача бурун қайтиб келди ва менга шундай деб тайинлади: «Анави беҳаё флоренциялик келса, айтингки, мен уни кўришни истамайман. Агар унда Шатле қамоқхонасини Муқаддас Малак қалъаси билан муқояса қилиш нияти бўлмаса, ўзини сал камтарроқ олиб юрсин».

— Е тангрим, мадад бер! Ўзинг сабр-қаноат ато эт! — дея гўлдиради Бенвенуто. — Худо шоҳид, ҳукмдорларнинг қабулини кутишга одатланмаганман. Ватикан асло Луврдан қолишмайди, папа Лев Ўнинчи ҳам Франциск Биринчидан кам эмас, шунга қарамай, мен Ватикан эшиги тагида ҳам, Лев Ўнинчининг қабулхонасида ҳам ҳеч қачон кутмаганман. Лекин ҳозир ҳаммасига тушуниб турибман. Қирол ҳозиргина д'Этамп хоним ҳузуридан қайтди, демак ўша хоним уни менга қарши қайраган. Ҳа-ҳа, айнан шундай бўлган! Майли, Асканиони деб, Коломбани деб сабр-бардош қиламиз!

Валекин Бенвенуто шундай хайрли ният билан ўзига таскин бераётган бўлса ҳам, тинкаси қуриб, устунга ночор суянди; унинг тиззалари қалтирар, юраги торс ёрилиб кетгудек тепарди. Бу охириги таҳқир нафақат унинг иззат-нафсига қаттиқ ботди, шунингдек, энг нозик ҳиссиётларини ҳам поймол қилган эди. Челлинининг қалби ўкинч ва алам билан лиммо-лим тўлган, унинг жипс юмилган лаблари, аzza-баzza сиқилган муштлари қайғусининг беинтиҳо эканлигидан далолат берар эди.

Шундай бўлишига қарамай, орадан бир дақиқа вақт ўтар-ўтмас, у ўзини қўлга олди; бошини бир силқиб, пешонасига тушган соч толаларини қайтарди ва шахдам-шахдам қадам ташлаб саройдан чиқиб кетди. Бу можарога шоҳид бўлганларнинг барчаси, унинг орқасидан беихтиёр ҳурмат билан кузатиб қолишди.

Бенвенуто ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзини қўлга ола биларди, шу боис у ҳозир хотиржам кўринарди, аммо аслида ўзини бўрилар таъқибидан қочган буғудек беҳол ҳис қилаётган эди. Ҳайкалтарош аввалига қаёққа ва нима учун кетаётганини билмай боши оққан томонга йўл олди. У ўз атрофида фақат чапла-

шиб кетган бўзранг туманни кўрди, фақат томирининг тешишини эшитди ва худди сармаст одамдек ўзига-ўзи, тушимми бу ё ўнгимми, деб савол бера бошлади. Наҳотки уни,— папа ва қиролларнинг арзандаси бўлган, ҳар қандай эшик ҳам қаршисида ланг очиладиган маълум ва машҳур уста Бенвенуто Челлинини бир соат мобайнида кетма-кет уч марта таҳқирлашса! Лекин шўрпешона ҳайкалтарош мана шу беаёв ҳақоратларга қарамай, ғазабини босишга, хижолатдан қизарган юзини яширишга мажбур бўлди. Зеро у то Асканио билан Коломбани қутқармагунча ўз ҳиссиётларига эрк бера олмайди! Бенвенутонинг назарида, кўчадаги одамларнинг ҳаммаси, хоҳ беғам ўйинқароқлар бўлсин, хоҳ ўз ишига шошилаётган одамлар бўлсин, унинг чеҳрасидан шарманда бўлганини, руҳи тушиб кетганини фаҳмлашаётгандек туюлардилар. Шунинг учун бугун аёвсиз таҳқирланган бу ғайриоддий инсон оқтимол умрида биринчи марта бўлса керак, ўз қудратидан шубҳа қила бошлади. Ниҳоят, чорак соат давом этган пароканда, бемақсад, ваҳимали ҳолатдан сўнг Бенвенуто ўзига келиб бошини кўтарди; руҳий тушкунлик ўтиб кетиб, яна қалби талвасага туша бошлади.

— Кўрамиз! — деди баралла бутун вужуди билан ягона фикр, ягона истакка берилган Челлини.— Улар мени инсон сифатида таҳқирлашди, кўрамиз, энди ҳайкалтарош сифатида ҳам хор қила олишармикин! Кўрамиз, Челлини, ҳали ўз ижодинг билан уларни яна ҳайратга солганингда нима дейишаркин! Қани, Юпитер, ўзингнинг нафақат Олимпда, шунингдек барча фоний бандалар устидан ҳам ҳануз ҳукмрон эканлигингни исботла!

Чинакам ғайритабийй қувва таъсирида бўлган Бенвенуто шу гаплардан кейин қиролларнинг собиқ қароргоҳи бўлган Турнель қасри томон жадал юриб кетди: коннетабль Анн де Монморанси ҳозир ҳам шу ерда истиқомат қилар эди.

Қирол бошқўмондонининг қабулхонаси ҳар доимгидек бугун ҳам сарой аъёнлари ва аргўйлар билан гавжум эди. Бенвенуто ўта даражада бетоқат одам бўлишига қарамай, бир соат кутиб ўтирди ва охири коннетабль ҳузурига киришга муяссар бўлди.

Анн де Монморанси — ёш ўтиши оқибатида норғул, бўйи хиёл эгилган, калондимоғ, бадқовоқ, тўрс, кўзи қатик, салмоқланиб гапирувчи чол — ҳамиша

ёмон кайфиятда бўлиб, булар-бўлмасга минғирлагани минғирлаган эди. Чамаси, у жилмайишни гуноҳи азим деб ҳисобласа керак. Бу бадқовоқ кекса одам гоят дилбар ва илтифотли қирол Францискининг кўнглига қандай қилиб манзур бўлдийкин? Бизнингча, жумбоқнинг ечимини зиддиятларнинг ўхшашлиги ҳақидаги қонундан қидириш лозим бўлса керак. Франциск I ҳатто илтимоси рад этилган арзгўйни ҳам хурсанд қилиб чиқариб юборадиган хуфия қобилиятга эга эди; коннетабль эса бунинг акси ўлароқ, аризаси қондирилган одамларнинг ҳам кўнглини хира қилиб жўнатарди. Гарчи у истейдод бобида ўртамиёна одам бўлса ҳам, ўзининг кекса саркардага хос матонати ва асл ҳукмдорга молик салобати билан қиролнинг ишончини қозонишга муваффақ бўлган эди.

Бенвенуто коннетаблининг ҳузурига кирганида, у ўз одати бўйича хона ичида уёқдан буюққа юриб турар эди. У Челлинининг саломига фақат бош ирғаб жавоб қилди; кейин бирдан тўхтаб, арзгўйга кўзларини қаттиқ қадаганча сўради:

— Кимсиз?

— Бенвенуто Челлини.

— Касбингиз?

— Қирол заргари,— деб жавоб қилди Бенвенуто; номини эшитиб туриб касбинини сўрашгани уни ҳайрон қолдирган эди.

— А-а! Ҳа-ҳа, тўғри. Танидим,— деб тўнғиллади коннетабль.— Хўш, мендан нима истайсиз, азизим? Буюртма олмоқчимисиз? Огоҳлантйриб қўяй: бунинг хаёлингизга ҳам келтирмамиз — бекорга овора бўласиз. Азбаройи худо, одамларнинг ҳозирги пайтда ёппасига санъатга ишқибоз бўлаётгани мени ҳайрон қолдирапти! Худди юқумли касалдек тез тарқалапти бу нарса, шукрки, мен у касални ўзимга юқтирмадим. Йўқ, ҳайкалтарошлик санъати мени заррача ҳам қизиқтирмайди, жаноби Бенвенуто! Ўз хизматингизни бошқаларга тавсия қилинг. Яхши боринг.

Бенвенуто кетишга отланди.

— Худо ҳаққи,— деб гапини давом эттирди коннетабль,— менинг рад жавобим сизни асло ранжитмасин. Қиролга тақлидан ўзини санъат шайдоси қилиб кўрсатувчи, аммо аслида санъатнинг кўчасидан ҳам ўтмаган маймунлар саройда сон мингта. Энди менга келсак, қулогингизга яхшилаб қуйиб олинг: дунёда

фақат битта ҳунарни — ҳарб ишини тан оламан. Сизга очигини айтишим мумкин: ҳеч кимга ҳеч қандай нафи тегмайдиган, билъақс замбаракларнинг нархини оширишга сабабчи бўлган бринж ҳайкаллар қуйиб, ўз вақтини бесамар ўтказаётган аянчли ҳайкалтарошлардан кўра ҳар йили бола туғадиган, яъни ватанни аскар билан таъминлайдиган деҳқон аёл мен учун минг карра афзалдир.

— Лекин, зоти мунавварлари, — деб эътироз билдирди, коннетаблнинг тумтароқ нутқини қандай қилиб сабр-бардош билан тинглаганига ўзи ҳам ҳайрон қолган Бенвенуто, — ҳузурингизга мен санъат ҳақида эмас, виждоний иш юзасидан суҳбатлашгани келган эдим.

— Бу бошқа гап. Хўш, нима демоқчи эдингиз? Гапиринг, фақат тезроқ бўлинг.

— Эсингиздами, зоти мунавварлари, кунларнинг бирида қирол сизнинг олдингизда, мен Юпитернинг бринж ҳайкалини қуйганимдан сўнг хоҳлаган илтимосимни бажаришга сўз берган эди. Аъло ҳазратлари ўшанда яна сиз билан канцлер Пуайедан бу ваъдасини кези келганда эсига солишни илтимос қилган эди.

— Эсимда. Ҳа, нима бўпти?

— Зоти мунавварлари, яқин кунларда, қиролнинг берган ваъдасини эсига солиб қўйишни сиздан илтимос қилишимга тўғри келади. Шунда сиз илтимосимни инобатга оласизми?

— Шу арзимаган гап деб вақтимни оляпсизми, тақсир? Ҳали сиз менинг бурчимни эсимга солиб қўйиш учун келдингизми ҳузуримга?

— Зоти мунавварлари...

— Сиз беҳаё одам экансиз, жаноби заргар! Шунинг биланки, тақсир, коннетабль де Монморансига виждонан иш тутинг, деб маслаҳат беришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Қирол берган ваъдасини унга эслатиб қўйишни илтимос қилган эди... Аъло ҳазратни ёмонламоқчи эмасману агар бот-бот шундай эҳтиёткорлик қилиб турса ёмон бўлмасди. Ҳа, мен қиролга ваъдасини эслатаман, гарчи бу қилмишим аъло ҳазратга хуш ёқмаса ҳам. Яхши боринг, жаноб Челлини, менинг бошқа ишларим ҳам кўп.

Коннетабль шундай деб Бенвенутога ваъдасини ўғирди ва навбатдаги арзғўйни чақириб ҳақида инора қилди. Бенвенуто коннетаблга таъзим қилиб, унинг бир-

мунча қўпол, аммо самимий гаплари ҳайкалтарошга маъқул тушган эди. Шундан кейин у ҳамон ўша вас-васага солувчи ҳаяжон, ҳамон ўша миясига қаттиқ михланиб қолган режаси даъвати билан шу яқин ўртада, Муқаддас Антоний қопқаси ёнида яшовчи канцлер Пуайеникига йўл олди.

Канцлер Пуайе ҳам доҳилан, ҳам зоҳиран худди хода ютгандек ғўдайган бадқовоқ коннетабль де Монморансининг мутлақо тескариси эди. Пуайе назокатли, гапга уста маккор одам бўлиб, бошдан-оёқ оқ сувсар мўйнасига бурканган эди; мўйна орасидан унинг фақат сочлари оқара бошлаган тепакал боши, тийрак ва доно кўзлари, юпқа лаби ва ориқ, рангпар қўлларигина кўринарди. Ундаги самимий олижаноблик коннетаблникидан қолишмас эдию, аммо ҳақгўйликда ундан анча орқада эди.

Бу ерда ҳам Бенвенуто ярим соатча кутишга мажбур бўлди. Лекин у энди кутишга одатланиб қолган эди: бир кунда у шу қадар ўзгариб қолди.

— Зоти мунавварлари,— деди Челлини уни ичкарига таклиф қилишганда,— ҳузурингизга қирол берган бир ваъдани эсингизга солиш учун келувдим. Аъло ҳазратлари у ваъдани менга сизнинг олдингизда берган ва сиздан бу каломига наинки шоҳид бўлишни, шунингдек кафиллик қилишни ҳам сўраган эди...

— Гапингизга тушундим, мессер Бенвенуто,— деб унинг сўзини бўлди Пуайе,— агар сиз ихтиёр қилсангиз, аъло ҳазратлари билан учрашганим ҳаманоқ унга бу ваъдасини эслатиб қўйишим мумкин. Шунга қарамай, сизни огоҳлантириб қўйишим ҳам керакки, қонун юзасидан бирон нима талаб қилиш учун сизда ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ. Қирол сизнинг камтарлигингизга ишониб ваъдани оғзаки берган, бинобарин бу ваъда ҳакамлар ва қонун олдида ҳеч қандай кучга эга эмас. Демак, агар Франциск Биринчи илтимосингизни бажаргудек бўлса, фақат ўз олижаноблиги ва саховати туфайли уни амалга оширади.

— Мен ҳам айнан шундай фикрдаман, зоти мунавварлари,— деб жавоб қилди Бенвенуто.— Лекин сиздан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим: кези келганда қиролнинг зиммангизга юклаган вазифасини бажарсангиз-у, қолган ишни аъло ҳазратларининг муруввати ва саховатида ҳавола қилсангиз.

— Жуда соз! — деди Пуайе.— Ундай бўлса, менга

бемалол ишонаверишингиз мумкин, қимматли жаноб Челлини.

Бенвенуто Пуайе ҳузуридан бир қадар кўнгли таскин топиб чиқди, лекин узоқ вақт ичига ютган бетоқатлик, ғазаб, алам туйғулари ҳамон вужудини безгакдек қақшатар эди, лекин хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб, пайдар-пай олга интиларди. Энди унинг учун масофа ҳам, вақт ҳам йўқ эди; Бенвенуто худди иситмаси баланд ҳолда туш кўраётгандек, кўча бўйлаб катта-катта қадам ташлаб бораркан, кўз олдида Стефананинг порлоқ қиёфаси, дель Моронинг уйи, Муқаддас Малак қалъаси ва Кичик Нель қасрининг боғида сайр қилиб юрган Коломба намоён бўлар эди. Шу билан бирга у мушакларининг қандайдир ғайритабиий куч билан таранглашаётганини сезар, ўзини замин узра юксакда парвоз қилаётгандек ҳис этарди.

У мана шундай кайфиятда Катта Нель қасрига кириб борди. Ҳамма халфалар итоаткорлик билан унинг буйруғини кутиб ўтирар эдилар.

— Қани, ўғлонларим, бўлақолинглар! Юпитер ҳайкалини қуйишга киришамиз! — деди у баралла овоз билан остонадан ҳатлаб ўтмасданоқ ва ўзи устахона томон отилди.

— Яхшимисиз, маэстро Челлини,— деди қўшиқ хиргойи қилиб устанинг орқасидан изма-из кириб келган Жак Обри.— Наҳотки мени кўчада кўрмаган ҳам, овозимни эшитмаган ҳам бўлсангиз? Беш дақиқадан бери муттасил орқангиздан қувиб, томоғим қирилгудек бўлиб роса чақирдим, ҳатто ҳаллослаб қолдим. Қасрда бирон ган бўлдими ўзи? Ҳамма худди ҳукм ўқишга шайланган ҳакамлардек маъюс.

— Ҳамма қуйиш хонасига! Тез, тез! — деб буйруқ беришда давом этди Бенвенуто Жакка бир қиё боқиб қўйиб.— Бутун иш қуйишнинг сифатига боғлиқ. Бизга раҳмон эгамнинг ўзи мадад берсин! Эҳ, дўстларим,— деб у гоҳ халфаларга, гоҳ Жак Обрига узуқ-юлуқ гаплар билан мурожаат қила бошлади.— Сўрама, Жак! Бу ерда менинг йўқлигимда нималар бўлганини билсанг эди! Улар менинг йўқлигимдан жуда усталик билан фойдаланишган!

— Ахир нима бўлди ўзи, маэстро? — деб сўради Челлинининг қаттиқ асабийлашганини, халфаларнинг мунгли қиёфасини кўриб ваҳимага тушган Жак Обри.

— Иигитлар, биринчи навбатда бу ерга қуриган

арча шохларидан иложи борича кўпроқ ғамланг, ҳа,ҳа, энг қуруқ шохлардан — бундан ярим йил бурун тайёрлаб қўйганим шохларни айтяпман... Азизим Жак, шундай фалокат юз бердики, менинг ўнг қўлим бўлган энг яхши шогирдим Асканио Шатледа ётипти. Асканионинг суюкли маҳбубаси — латофатли Коломба, превонинг қизи Коломба (мен уни Марс ҳайкалининг бошига яшириб қўйган эдим) ўғирланган ва ҳозир ўзининг энг ёвуз душмани д'Этамп хонимнинг назоратида. Ҳечқиси йўқ, биз уларни албатта қутқарамиз!.. Ҳей, ҳей! Қаёққа, Ҳерман? Ўтин ертўлада эмас, орқа ҳовлида.

— Асканио қамоқда! — деб чиқириб 'юборди Жак Обри. — Коломба ўғирланган!

— Ҳа. Қандайдир бир мараз айғоқчи шўрлик бола-ларнинг изига тушибдию ҳаттоки сизга ҳам, азизим Жак, айтмаган сиримни ҳерцогиняга етказибди. Шошманг, ўша аблаҳни олдин топай, кейин нима қилишимни ўзим биламан!.. Тезроқ, тезроқ, йигитлар!.. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Буни қарангки, қирол мени кўришни истамади, ҳолбуки ҳамиша мени дўстим деб атарди! Шундан кейин одамлар ўртасидаги дўстликка қандай қилиб ишониб бўлади! Тўғри, ҳақиқатга кўчадиган бўлсак, қироллар одам эмас, балки, бор-йўғи қироллардир, холос. Луврга кириш учун кўп уриндим, лекин барча ҳаракатларим зое кетди; мени аёло ҳазрат ҳузурига қўйишмади; шу боис унга бир оғиз ҳам сўз айта олмадим. Майли, энди ҳамма гапларимни ясаётган ҳайкалим айтсин!.. Дўстларим, тезроқ қолипни тайёрланглар, бир дақиқа ҳам вақтни бекор ўтказмайлик!.. Уфф... ўша ярамас аёл ҳозир шўрлик Коломбани таҳқирлаётган бўлса ҳам ажаб эмас! Аблаҳ прево мени мазах қила бошлади! Қамоқда бўлса Асканиони қийноққа солишаётгандир балки! Мана шу даҳшатли ҳаёлотлар кун бўйи менга тинчлик бермаяпти! Агарда биронта одам Асканионинг олдига кирсаю ундан такаббур ҳерцогиняни шарманда қиладиган сирни билиб чиқса, ўн йиллик умримдан, воз кечишга ҳам рози эдим! Биласанми, Жак, Асканио, ҳерцогиняга тааллуқли қандайдир бир сирни билади. Лекин диёнатли йигит у, сирни ҳатто менга ҳам очишни истамади. Аммо барибир, ўз мақсадимга етаман! Қўрқма, Стефана, мен сўнги томчи қоним қолгунча ўғлингни ҳимоя қиламан, фалокатдан қутқараман! Ҳа, қутқараман! Оҳ, қанийди

бизни сотган ўша хоин қўлимга тушса! Ўзим уни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирардим! Ҳеч бўлмаса, яна уч кунгина яшасам майлиди! Назаримда қалбимни куйдираётган аланга бутун вужудимни қамраб олаётганга ўхшайди. Наҳотки, Юпитерни ясаб улгурмай ўлиб қолсам-а?.. Тезроқ, тезроқ, йигитлар! Ғайрат қилинглари!

Жак Обри Бенвенутонинг дастлабки сўзларини эшитиб, бўздек оқариб кетди, чунки у, бу бахтсизликларнинг ҳаммасига сабабчи мен эмасмикинман, деб шубҳалана бошлаган эди. Челлинининг кейинги гапларини эшитаркан тахминининг тўғрилигига ишонч ҳосил қила бошлади. Шунда у қандайдир бир қарорга келди шекилли, бирдан ими-жимиди ғойиб бўлиб қолди. Бу аснода Челлини худди безгаги хуруж қилган одамдай дағ-дағ қалтираб, қуёв устахонаси томон отилди. Шогирдлари ҳам унинг орқасидан югуришди.

— Тезроқ, тезроқ ишга киришинглари, йигитлар! — деб қичқирарди уста худди телба одамдек.

Ўн иккинчи боб

УШБУ БОБДА ВИЖДОНЛИ ОДАМНИНГ ҚАМОҚҚА ТУШИШИ НАҚАДАР МУШКУЛ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА ГАП БОРАДИ

Бечора Жак Обри Нель қасридан мутлақо маъюс бўлиб чиқди: Асканионинг сирини, гарчи беихтиёр бўлса ҳам ўзи очиб қўйганига энди ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди. Лекин ўз навбатида, Жакни сотган ким бўлдикин? Ҳар қалай, анави Жак исмини билмаган саховатли ақобир йигит бўлмаса керак! Албатта, у эмас. Ахир у ҳақиқий асилзода-ку! Ундан кўра, муттаҳам Анридан кўпроқ шубҳа қилиш керак, эҳтимол уни Робен ё Шарло сотгандир, сотқин Гильом бўлишиям мумкин. Очиғини айтганда, бояқиш Обрининг боши қотган эди. Гап шундаки, бу оғзи бўш талаба қалин дўстларидан ўнтачасига ўз кашфиёти ҳақида мақтаниб гапириб қўйган эди, мана энди улардан қай бири хоинлик қилганини аниқлай олмай қийналяпти. Ундан кейин, сотқинни қидиргандан нима ҳам фойда! Ахир энг асосий, ҳақиқий, ягона сотқин унинг ўзи, яъни Жак Обри эди-ку! Ҳа-ҳа! Бенвенуто Челлини ўз қўли билан

бўғиб ўлдирмоқчи бўлган ҳақиқий сотқин унинг ўзи. Дустининг сирини беҳосдан билиб қолиб, уни қалбининг энг теран ерида сақлаш ўрнига, ҳаммага овоза қилиб юборган ва огзининг бўшлиғи оқибатида ўз инисидек эъзозловчи Асканионинг шунча азоб чекишига сабабчи бўлган эди. Жак аламидан сочларини юлар, кўксига «гурс-гурс» мушт урар, ўзини болахонадор қилиб бўралаб сўкар, аммо қабиҳ жиноятини қоралаш учун муносиб сўз топа олмас эди.

Жак Обрининг виждони шунчалик қаттиқ изтироб чекар эдики, салдан кейин у бутунлай умидсизликка тушди ва эҳтимол ўз умрида биринчи марта бўлса керак, мулоҳаза юрита бошлади. Рост-да, у сочини битта қўймай юлиб, кал бўлиб қолган, ўзини ўзи уравериб, ҳаммаёғини моматалоқ қилган ва виждон азобида қийналиб жинни бўлаёзган тақдирида ҳам, Асканионинг мушкулини осон қила олмайди. Демак, дам ғаниматида, қандай қилиб бўлмасин, йўл қўйган хатосини тузатиб айбини ювиши керак. Бенвенутонинг: «Агарда биронта одам Асканионинг олдига кирсаю ундан тақабур ҳерцогиняни шарманда қилувчи сирни билиб чиқса, ажалимдан ўн йил олдин ўлишга ҳам рози эдим», деган сўзлари диёнатли Жакка жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Натижада, юқорида айтиб ўтганимиздек, Жак ўз одатига зид ўлароқ, ўзича мулоҳаза юрита бошлади ва охири, биринчи галда Шатле қалъасига кириб олишим керак, кейин, у ерда бир амаллаб Асканиони ҳам учратиб қоларман, деган қарорга келди.

Қамоқхонага, Челлинига ўхшаб маҳбус билан учрашувчи одам сифатида киришга уриниш бефойда эди, қолаверса, Жак Обри, кимсан Бенвенуто Челлинининг омади юрмаган ерда мен муваффақият қозонаман, деб керила оладиган катта огиз йигитлардан ҳам эмас эди. Лекин агар қамоқхонага маҳбус билан учрашувчи одам сифатида киришнинг иложи бўлмаса, унда энг осон йўл — маҳбус бўлиб киришдир, — ҳарҳолда бу Жакка жуда осон бўлиб туюлган эди. У Асканио билан учрашиб ундан сирни билиб олганидан кейин Шатле қалъасида бир соат ҳам қолмайди. У қамоқдан чиқиб, тўппатўгри ўша нажоткор сирни Венвенутога етказди-да, бунинг эвазига, турган гапки, ҳайкалтарошдан ўн йиллик умрини эмас, балки беихтиёр сотқинлик қилиб қўйгани учун узр сўрайди.

Жак тахайюлининг бойлигидан қувониб, ўзининг

садоқатли дўст эканлигидан мағрурланиб, тўғри Шатле томон юриб кетди.

«Бошқа беъманилик қилиб қўймаслик учун, қани, бир яхшилаб бош қотириб кўрайлик-чи,— деб мулоҳаза юритарди у йўл-йўлакай, ўз кўзлаган мақсади сари отилиб бораркан.— Бу воқеа ўзи худди Жервезамнинг калавасига ўхшаб жуда чигаллашиб кетган кўринади.

Қани, ҳамма воқеани бир бошдан таҳлил қилиб чиқайлик-чи: Асканио превонинг қизи Коломбани севиб қолган. Яхши. Прево қизини граф д'Орбекка бермоқчи бўлган; буни эшитиб қолган Асканио маҳбубасини ўғирлаган. Жуда соз. Қизни ўғирлашга ўғирлаган-у, лекин уни қаерга яширишни билмай, ахири Марс ҳайкалининг бошига олиб кириб яширган, Офарин! Азбаройи худо, бундан зўр хуфия жой бўлмайди! Агарда мендек бир ҳайвон... лекин таҳлилни давом эттирайлик... ўзимга ҳам ҳали навбат келади. Хуллас, ҳаммасига оғзимнинг бўшлиги сабаб бўлган-у, прево қизини топиб олган, Асканиони қамаган. Бундан чиқди, мен икки карра ҳайвон эканман! Аммо шу ерга келганда, калава баттар чувалашиб кетяпти. Бу ишга ҳерцогинянинг нима дахли бор? Нега энди у ҳамма яхши кўрган Коломбадан нафратланади? Дарҳақиқат, нега?.. Ҳа-а, энди фаҳладим! Устахонада ҳерцогиня тўғрисида гап очиладиган бўлса, халфалар ҳиринглашиб кулишар, Асканио эса уялиб қизара бошларди... Масала равшан, демак д'Этамп хонимнинг Асканиога кўнгли бор, шунинг учун ўз рақибасини кўрарга кўзи йўқ,— бу табиий ҳол, албатта. Биродарим Жак! Сен гирт аблаҳсан, лекин шунга қарамай, фаросатинг жойида. Дарвоқе, Асканиода ҳерцогиняни шарманда қила оладиган қандай сир бўлиши мумкин? Нима учун Челлини икки гапнинг бирида қиролнинг номига қўшиб аллақандай Стефанани эслаяпти? Нега ахир у худди мажусийларга ўхшаб, нуқул Юпитерга сигиняпти? Агар бирон нимага тушунган бўлсам, арвоҳ урсин мени! Сирасини олганда, ҳозир ҳеч бош қотириш шарт эмас. Асканио ётган хонада ҳамма нарса ойдинлашади! Энг муҳими — қамоқхонага кириб олиш. Қолган гапларга кейин тушуниб олавераман».

Айни шу пайт Шатле қалъасига етиб борган Жак Обри жон-жаҳди билан дарвозани тақиллата бошлади. Шу заҳоти туйнук очилиб, дарвозабон дагал овоз билан сўради:

— Нима истайсиз?

— Қамоқхонангиздан бир хона, вассалом,— деб маъюс оҳангда жавоб қилди Жак.

— Хона? — ҳайрон бўлиб сўради қамоқхона қорувули.

— Ҳа, энг тор, энг қоронғисига тиқинг мени; ўшанда ҳам у хона мен учун кошона бўлади.

— Лекин нега қамоқда ётмоқчисиз?

— Негаки, мен энг қўрқинчли жиноятчиман.

— Хўш, қандай жиноят қилдингиз?

«Дарвоқе, гуноҳим нима ўзи?» — деб ўйлади Жак; қарангки, у биронта жиноятбоп ҳодисани ўйлаб қўймаган экан. Шўрлик Жак, гарчи ўзини «фаросатли йигит» деб айтган бўлса ҳам тез идрок қилишга ожиз эди, шунинг учун ҳам у қамоқхона назоратчисининг саволини такрорлашдан ўзга чора топа олмади:

— Қандай жиноятми?

— Ҳа, қандай?

— Ўзингиз топинг,— деди Жак, лекин ичида: «Бу азамат қандай жиноятлар бўлишини мендан яхшироқ билиши керак; қани, айтаверсин-чи, ичидан биронтасини танларман», — деб ўйлади.

— Қотилликми?

— Бе, қўйсангиз-чи! — деб аччиғланди Жак, ўзининг «қотил» деган ном олишини ўйларкан.— Мени ким деб ҳисоблаяпсиз, биродар?!

— Унда, балки ўғирлик қилгандирсиз? — деб савол беришда давом этди қамоқхона назоратчиси.

— Ўғирлик? Ҳеч ҳам-де?

— Хўш, бўлмаса нима жиноят қилдингиз, ахир? — деб бақирди тоқати тоқ бўлган назоратчи.— Жиноятчиман, деб айтишнинг ўзи кифоя қилмайди, яна қандай жиноят қилганини ҳам айтиши керак қамоққа тушмоқчи бўлган одам.

— Агар қилган жиноятимни ўзим айтадиган бўлсам, қаршингизда чархпалакка тортиб, дорга осиб ўлдирилиши лозим бўлган бир олчоқ, аблаҳ турипти.

— Жиноятингиз! Қандай жиноят қилганингизни айтинг,— дерди лоқайдлик билан дарвозабон.

— Қандай жиноят қилганимни билмоқчимисиз? Яхши, айтаман. Мен дўстимга хиёнат қилдим.

— Э, нимаси жиноят экан бунинг? Иўлингиздан қолманг,— деди қамоқхона назоратчиси ва туйнукни ёпди.

— Ие, жиноят эмасми? Дўстини сотиш — жиноят

ҳисобланмайдими? Унда, нима деб аташ керак буни сизнингча?

Шундай деб, Жак Обри эшикни болғача билан гурсиллатиб ура бошлади.

— Нима гап ўзи? — ҳозиргина дарвоза олдига келган бошқа одамнинг овози эшитилди.

— Қандайдир жинни одам Шатлега қамалишни хоҳлаяпти,— деб жавоб қилди дарвозабон.

— Жинни бўлса, қамоқда нима қилади, уни касалхонага жўнатиш керак.

— Касалхонага-я! — бақирди Жак ва шаталоқ отиб қоча бошлади.— Йўқ, кечирасизлар, жаноблар! Мен айнан Шатлега кирмоқчиман; касалхонанинг ҳеч ҳожати йўқ менга. Уёққа ғарибу ғураболарни юбораверишин. Ахир ўзингиз айтинг, киссасида ўттиз су ақчаси бўлган одамни касалхонага ётқишиганини қаерда кўргансиз? Касалхонагамиш! Э, ўргилдим сендақа нозирдан, дўстни алдаш жиноят эмас, дейди-я! Бундан чиқди, фақат одам ўлдирганлар ё ўғирлик қилганларгина қамалиш ҳуқуқига эга экан-да! Оҳо! Агар дўстга сотқинлик қилиш жиноят ҳисобланмаса, бошқача жиноят ҳам қўлимдан келади... Қайил, топдим иложини! Мана менинг жиноятим — мен Жервезани алдадим!

Шундан кейин Жак Обри ўз маъшуқаси, навниҳол каштадўз Жервезанинг уйига ғизиллаб бориб, камида олтмишта поғонаси бўлган зинадан бир интилишда югуриб чиқди-да, одмигина уй кўйлаги кийган дилбар қизнинг хонасига ўқдек отилиб кирди; қиз кофтасига дазмол босаётган эди.

— Вой, афандим-е,— нозланиб чинқирди қиз,— одамни чўчитиб юбордингиз-у!

— Жервеза, азизам,— деди Жак, қизни бағрига босишга шайланиб,— мени қутқаришинг керак!

— Вой, мунча шошқалоқсиз,— деди Жервеза қўлидаги дазмолни қалқон қилиб.— Қани, олдин айтингчи, ўйинқароқ, уч кундан бери қаёқларда дайдиб юрибсиз?

— Ҳа, айбдорман, кечир, Жервеза! Лекин, агар билсанг, мен жуда оғир бахтсизликка учрадим! Шундай бўлса ҳам сени севаман. Кўриб турибсан, фалокатга учраган заҳотим тўғри сенинг олдингга югуриб келдим. Шу эмасми севгимнинг энг яхши далили? Такрор айтаман, Жервеза, сен мени қутқаришинг керак!

— Ҳа, ҳа, тушуниб турибман: биронта қовоқхонада

ичиб маст бўлгансиз-да, одамлар билан муштлашгансиз; энди сизни ҳибсга олиш учун қидиришаётган бўлса керак. Мана шунинг учун энди, уч кундан бери эсингизга ҳам келмаган Жервезанинг ёрдамига муҳтож бўлгансизу бу ерга паноҳ излаб келгансиз. Йўқ, афандим, ўшу қамоқхонага кетаверингу мени тинч қўйинг!

— Менинг ниятим ҳам шу, жонгинам! Қамоққа тушмоқчиман, аммо лаънати дарвозабонлар мени ичкарига киритишмади.

— Ё тангрим, ўзинг раҳм қил! Жак, нима бало, жинни-минни бўлганмисан? — деб сўради Жервеза ниҳоятда самимий меҳрибонлик билан.

— Ана кўрдингми, улар ҳам жинни бўлиб қолган деб айтишди, ҳатто тутиб олиб жинниҳонага ётқизмоқчи бўлишди; аммо мен, нима қилиб бўлса ҳам Шатлега киришим керак!

— Шатлега? Нега энди, Жак? Шатле — энг даҳшатли қамоқхона. У ерга тушиш осон, аммо қайтиб чиқиш жуда мушкул, дейишади.

— Шундай бўлса ҳам у ерга киришим шарт! — деди Жак. — Тушуняпсанми — шарт! Фақат шу йўл билан қутқаришим мумкин уни.

— Кимни?

— Асканиони.

— Ие, дўстингиз Челлинининг шогирди, анави чиройли йигит қамоқдами?

— Ҳа, ҳа, Жервеза! Уни Шатлега қамашган. Энг даҳшатли томони — менинг айбим билан қамалган!

— Ё тангрим! — деб юборди Жервеза.

— Мана шунинг учун ҳам, — деди Жак, — мен қамоқхонага тушишим, шу йўл билан уни қутқаришим керак!

— Ахир қайси гуноҳи учун уни Шатлега қамашипти?

— Превонинг қизини севиб қолгани учун.

— Вой, шўрлиге! — хўрсиниб қўйди Жервеза. — Шунгайм одамни қамашар эканми?

— Қамашади, Жервеза. Энди тушундингми? У қизни яшириб қўйган экан. Лекин мен — чириган тўнка, мен — аблаҳ, мен — малъун ўша хуфия жойни кўриб қолиб, уни ҳаммага овоза қилиб юбордим.

— Фақат менга эмас! — деди Жервеза. — Фельнгиз менга отнинг қашқасидек маълум.

— Наҳотки сенга гапирмаган бўлсам?

— Оғиз ҳам очганингиз йўқ! Сиз ҳамма ерда, дуч келган одам билан чақчақлашасиз, лекин бу ерга келганингизда қиладиган ишингиз паққос еб-ичишу ҳазилкашлик. Мен билан ҳеч одамлардай суҳбатлашмайсиз. Лекин билиб қўйсангиз ёмон бўлмас эди, тақсир: аёллар ҳам гаплашишни жуда хуш кўришади.

— Мана ҳозир сен билан нима қиляпмиз, жонидан? Менимча, гаплашяпмиз.

— Бўлмасам-чи, негаки, мен сизга керакман.

— Гапинг тўғри: сен менга жуда катта хизмат кўрсатишинг мумкин.

— Қанақа хизмат?

— Мени алдади, деб устимдан шикоят қиласан.

— Бўлмасам-чи, албатта алдагансиз, бетавфиқ!

— Мен-а? — деб бақриб юборди, маъшуқасининг гапига ҳайрон қолган Жак Обри.

— Афсуски, сиз, тақсир, чиройли гапларингиз, сохта қасамларингиз билан мени йўлдан урдингиз, беҳаё.

— «Чиройли гапларингиз, сохта қасамларингиз билан?»

— Ҳа. Мени Сен-Жермен-де-Пре мавзеида энг соҳиб-жамол қиз, деб айтган сиз эмасмидингиз?

— Ҳозир ҳам шундай дейман.

— Агар мени севмасанг, ғам-андуҳдан ўлиб қоламан, деб ишонтирмаганмидингиз мени?

— Наҳотки шундай деган бўлсам? Қизиқ, ҳеч эслай олмаяпман.

— Агар мени севсанг, сенга уйланаман, деган эдингиз.

— Йўқ, Жервеза, мен ҳеч қачон бунақа гапни айтмаганман!

— Айтгансиз, тақсир!

— Йўқ, йўқ, йўқ! Чунки, сенга очигини айтсам, Жервеза, отам менга ёшлигимда қасам ичирган.

— Нима деб?

— Дунёдан бўйдоқ ўтасан, деб.

— О, шўрим қуриди! — деб дув-дув кўзёш тўка бошлади Жервеза, зеро у ҳам ҳамма аёллар сингари зарурат туғилган пайтда, дарров йиғлай олар эди.— Эркак зоти ўзи шунақа — қасам ичишади, ваъда беришади-да, бир зумдан кейин ичган қасамларини нутиб юборишади! Энди мен ҳам, ҳеч қачон бунақа тuzoққа илинмайман, деб ўзимга ўзим сўз бераман.

— Тўғри қиласан, Жервеза,— деб насиҳат қилди Жак Обри.

— Е товба! — деб гапида давом этди қиз.— Ўғрилар, қароқчилар, фирибгарлар учун қонун бўлсаю шўрлик қизларни алдаб йўлдан оздирадиган манавинақа ярамаслар учун ҳеч қандай жазо қўлланмаса-я!

— Бунақаларга ҳам жазо бор, Жервеза.

— Наҳотки?

— Бўлмасам-чи! Ахир бечора Асканиони Коломбани алдагани учун Шатлега қамашди-ку.

— Ажаб қилишипти,— деди Жервеза.— Сизни ҳам ўша ерга тиқишса хурсанд бўлардим.

— Е тангрим! Жервеза, ўзим ҳам шуни хоҳлаяпман-ку ахир! — деди талаба.— Боя айтганимдек, бутун умидим — сенинг ёрдамингдан.

— Менинг ёрдамимдан?

— Ҳа.

— Ҳа, кулинг-а, кулинг, ношукр банда!

— Жервеза, гапим мутлақо жиддий. Қанийди, агар рози бўлсанг...

— Рози бўлсам?.. Нимага рози бўлишим керак экан?

— Устимдан судга арз қилишга рози бўлсанг, демоқчиман.

— Нима деб арз қиламан?

— Мени алдади, деб шикоят қиласан. Лекин сен қўрқасан-да.

— Мен-а? — деди Жервеза хафа бўлиб.— Рост гапни айтишдан қўрқар эканманми?

— Ахир қасам ичиш керак бўлади.

— Нима қипти шунга?

— Ҳали, мени алдади, деб қасам ичишга тилинг борадими?

— Ҳа, ҳа, ҳа! Тилим боради! Минг карра қайтаришга ҳам тайёрман!

— Ундай бўлса, кўнглим тўлди! — Жак Обрининг юзи ёришди.— Мен, рози бўлмассан, деб қўрқувдим. Чунки қасам — жуда жиддий нарса.

— Мен ҳозироқ қасам ичишга тайёрман, ишқилиб сизни Шатлега тиқишса бўлгани, тақсир!

— Жуда соз!

— Даф бўлинг ўша Асканионгизнинг олдига!

— Офарин!

— Ўша ерда икковингиз қилган гуноҳларингизни ювиш учун бемалол тавба-тазарру қилиб ўтираверасизлар.

— Бирдан-бир орзум шу эди!

— Лекин мен ҳакамни қаердан қидираман?
— Адлия маҳкамасидан.
— Ҳозироқ бораман ўша ерга.
— Бўпти, бирга борамиз, Жервеза.
— Ҳа-ҳа, бирга борамиз. Ўйлайманки, тезда жазоингизни оласиз.

— Қўлтигимдан ол, Жервеза, менга суян,— деди Жак Обри.

— Қани, юринг, тақсир!

Шундан кейин, икковлари, одатда якшанба кунлари Пре-о-Клерга ё Монмартр майдонида сайрга чиқишганида юришганидек шошмасдан Адлия маҳкамасига йўл олишди.

Бироқ улар, Жакнинг тумтароқ таъбири билан айтганда, Фемида¹нинг маъбадига, яъни Парижнинг суд маҳкамасига яқинлашишган сари, Жервезанинг қадами секинлай бошлади, етиб боришгач эса қиз зинадан зўрга кўтарилди, судьянинг эшиги олдига яқинлашишганда-ку оёқлари ўзига бутунлай итоат этмай қўйди, шунда қиз бутун оғирлигини талабага ташлаб, унинг қўлига осилиб қолди.

— Ҳа, нима бўлди, жонгинам, қўрқиб кетдингми? — деб сўради Жак.

— Сираям,— деб жавоб қилди Жервеза.— Шунчаки ҳакамнинг салобатидан хиёл чўчиянман.

— О, унинг нимасидан чўчийсан? У ҳам ўзимизга ўхшаган битта одам.

— Тўғрику-я, лекин унга ҳамма сир-синоатни сўзлаб беришимга тўғри келади-да...

— Гапираверасан, нима, осмон узилиб ерга тушармиди!

— Ҳали қасам ичишимгаям тўғри келади.

— Ичаверасан!

— Жак, мени алдаганингга ўзинг ишонасанми?

— Ҳа, бўлмасам-чи, азбаройи шифо! Ахир ҳозиргина менга шундай деб ўзинг таъна қилмадингми?

— Таъна қилишга-ку қилдим-а, лекин, биласанми, ўртамиздаги можаро, ҳайронман, бу ерда уйдагидан бутунлай бошқача бўлиб кўринаяпти.

— Кир, киравер! Ўзим ҳам билардим қўрқоқлик қилишингни.

¹ Фемида — (юнон мифологияси) — одил суд маъбудаси.

— Жак, ўргилай,— деб ёлборди Жервеза,— юр, яхшиси уйга борайлик!

— Эҳ, Жервеза, Жервеза, ахир сўз берувдинг-ку!

— Жак, тентаквой, энди сенга ҳеч қачон таъна қилмайман! Ҳеч нима сўрамайман ҳам. Мен сени, шунчаки, кўнглимга ёққанинг учун севиб қолганман, вассалом.

— Юр, кирамиз! — Жак торта бошлади қизни.— Қўрқоқлик қилишинг кўнглимга келган эди-я. Лекин энди, барибир кеч бўлди.

— Нима учун?

— Ўзинг устимдан шикоят қилгани келдинг-ку, энди аҳдингдан қайтмагин-да.

— Йўқ, йўқ! Асло шикоят қилмайман, Жак! Уйимга кетгим келяпти!

— Э, йўқ! — деди Жак; қизнинг ўжарлик қилиб судга киришдан бош товлаши унинг аччиғини чиқара бошлаган эди.— Йўқ, буни хаёлингга ҳам келтирма!

Шундай деб туриб у маҳкама эшигини қатъият билан тақиллатди...

— Вой, нима қиляпсан? — деб чинқирди Жервеза.

— Кўряпсан-ку: тақиллатяпман.

— Кириг! — деган манқа овоз эшитилди ичкаридан.

— Хоҳламайман киришни, хоҳламайман! — дерди Жервеза Жакнинг қўлидан чиқиб кетишга уринаркан.

— Кириг! — деб такрорлади бояги овоз анча аниқроқ қилиб.

— Жак, қўйвор, бўлмаса ҳозир дод соламан! — деди Жервеза.

— Кириг, деяпман! — ичкаридан келаётган овоз бу гал шундоққина эшик тагидан эшитилдию шу заҳоти эшик ланг очилди.— Хўш, хизмат? — деб сўради бошдан-оёқ қора кийган бўйи новча, чўпдек ориқ одам; Жервеза уни кўриб, терак баргидек қалтирай бошлади.

— Мана бу қиз,— деди Жак Обри,— ҳузурингизга менинг устимдан шикоят қилгани келди.

У шундай деб Жервезани қоронғи, жирканч, исқирт дахлизга итариб киритди. Эшик худди қопқонга ўхшаб шу заҳоти «тарақ» этиб ёпилди.

Жервеза ё қўрққанидан, ёки бу кутилмаган ҳолдан оҳиста чинқириб юборди ва девор тагида турган курсига ўтирмади, балки чўкди.

Жак Обри бўлса, қизнинг чақириб қолишидан, уни

зўрлаб ёнида ушлаб туришидан қўрқиб, фақат котиблар-у, хаттотлару жанжални пулга сотиб олувчиларгагина маълум бўлган боши охири йўқ йўлақлардан тирақайлаб қочиб қолди. У Сент-Шапель черкови майдонига отилиб чиқиб, буёгига қўнгли анча хотиржам бўлдию Авлиё Михаил кўприги томон йўл олди; Жервеза уйига қайтаётганида албатта шу кўприкдан ўтиши керак эди.

Ярим соатдан кейин ҳақиқатан ҳам Жервеза шу ерга келди.

— Хўш, ишлар қалай? — сўради Обри унинг олдига югуриб бориб.

— Оҳ, Жак, сен мени ёлгон сўзлашга мажбур қилдинг! — деб жавоб қилди қиз. — Илло худо менинг бу гуноҳимни кечиради, деб ўйлайман — ахир яхши ният билан шундай қилдим-ку.

— Гуноҳинг менинг бўйнимга, — деб қизга тасалли берди Жак. — Қани, гапир.

— Ўзим ҳам ҳеч нарса тушунмадим, — деб жавоб қилди Жервеза. — Шунақанги уялиб кетдимки, нима тўғрида суҳбатлашганимни ҳам эслолмайман. Жаноби ҳакам менга ҳар хил саволлар берди, мен фақат «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб қилдим, тўғри гапирдимми, йўқми — ўзим ҳам билмайман.

— О, нодон қиз! — чинқириб юборди Жак. — Ҳали бу ҳакамга мени эмас, ўзини айбдор қилиб кўрсатиб, Жак мени эмас, мен Жакни йўлдан оздирдим, деб айтган бўлиши ҳам мумкин!

— Йўқ, — деб эътироз билдирди Жервеза, — у даражага бормади-ёв назаримда.

— Ҳеч бўлмаса, мени судга чақириш учун, адресимни ёзиб олишдими ўзи? — деб сўради Жак.

— Ҳа, адресингни бердим, — деб гўлдиради Жервеза.

— Хайрият, демак, ишимиз жойида, — Жакнинг руҳи енгил тортиб чуқур тин олди. — Энди буёғи худога ҳавола...

У Жервезани уйига кузатиб қўйиб, иложи борича унинг қўнглини кўтарди, кейин, бутун умидим худодан, деб ўз уйига равона бўлди.

Дарҳақиқат, бу ишга самовий қувва аралашдими, ё шунчаки, бир тасодиф бўлдимми, эртаси кун эрталаб Адлия маҳкамасидан Жак Обрига чақириқ қоғози

келди. «Суд» сўзининг қудрати шу қадар зўрки, Жак қоғозни ўқиб чиқиб беихтиёр сесканиб кетди, ваҳолонки, бу қоғозни у кўзи тўрт бўлиб кутаётган эди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, талабанинг одамгарчилиги: дўсти Асканиони кўриб, уни фалокатдан қутқариш истаги бу беихтиёр қўрқувни даф қилди.

Адлия маҳкамасига соат ўн иккида бориши керак эди, ҳозир эса соат энди тўққиз бўлди. Шунинг учун Жак физиллаганича Жервезаникига борди, шўрлик қизнинг кўнгли ҳали ҳам жойига тушмаган эди.

— Хўш, ишлар қалай? — деб сўради қиз.

— Мана, кўр! — деди виқор билан Жак Обри ва ажи-бужи қилиб ёзилган қоғозни Жервезага кўрсатди.

— Қачонга чақришипти?

— Туш пайтига. Қолган гапларни ўқий олмадим.

— Нимада айбланаётганингизни ҳам билмайсизми?

— Айбим — сени йўлдан оздирганим бўлса керак-да, жоним тасаддиқ!

— Шундай деб гувоҳлик беришга мени ўзингиз мажбур қилдингиз-а, эсингиздан чиққани йўқми?

— Нега энди эсимдан чиқаркан: қасам ичишим ҳам мумкин, мабодо сен, ундай бўлмаган, деб инкор қилгудек бўлсанг.

— Сўзингизга кириб, устингиздан шикоят қилганим учун мендан хафа эмасмисиз, ишқилиб?

— Йўқ, асло! Ўла-ўлгунимча сендан миннатдор бўлиб қоламан.

— Суд қандай ҳукм чиқарса ҳам-а?

— Суд қандай ҳукм чиқарса ҳам.

— Очиғи, мени судга беришга ўзингиз мажбур қилдингиз.

— Ҳа, албатта.

— Мабодо, қўрққанимдан эсим оғиб, оғзимдан бир-иккита ортиқча сўз чиқиб кетган бўлса мени кечирасизми?

— О менинг шириним, асалим Жервеза, сен илтимос қилмасингдан олдин кечириб бўлганман!

Соат чорак кам ўн иккида бирдан Жак ўн иккида судда бўлиши кераклигини эслаб, типирчилаб қолди. У Жервеза билан хайрлашиб, югурганча кўчага чиқди — Адлия маҳкамаси анчагина олисда эди.

У ҳаллослаб келиб кечаги эшикни тақиллатди; худди шу пайт соат ўн иккига жом чала бошлаганди.

Ичкаридан яна кечаги манқа овоз эшитилди:

— Киринг!

Жак таклифни такрорлашларини кутмай, бурнини кўтариб, каллапўшини чаккасига суриб қўйиб, оғзи қулоғида, тиржайганча қабулхонага кирди.

— Исми шарифингиз? — деб сўради қора либос кийган кечаги танишимиз.

— Жак Обри.

— Касбингиз?

— Талаба.

— Э, ҳа! Кеча устингиздан шикоят қилиб келган эди Жер... Жер...

— Жервеза Попино.

— Тўғри. Ўтириб навбатингизни кутинг.

Жак итоаткорлик билан кута бошлади. Қабулхонада ҳар хил ёш, турли тоифадаги беш-олтита эркак ва аёл ўтирарди. Улар судга Жакдан олдинроқ чақирилган эдилар. Бу одамларнинг баъзилари маҳкамадан соқчисиз чиқишди — бу ҳол уларни айблаш учун далиллар етарли бўлмаганидан далолат берарди; бошқа бировларни полиция офицери ёки превонинг бир жуфт соқчиси кузатиб олиб чиқди. Жак бу одамларнинг орқасидан ҳавас билан қараб қолди, чунки уларни Жак қамалишни орзу қилган Шатле қалъасига олиб кетишаётган эди.

Ниҳоят Жак Обрини ҳам чақиришди.

У дик этиб ўрнидан турди, ичкарида уни энг ёқимли хушxabар кутаётгандек, ҳакамнинг хонасига хурсанд чехра билан кириб борди.

Хонада икки киши ўтирарди. Бирини котиб бўлиб (Жак бундан беш дақиқа бурун унинг котиблигига асло ишонмаган бўларди), у қабулхонадаги одамдан ҳам найновроқ, ориқроқ, қуруқроқ, либоси ҳам уникадан қорароқ эди; иккинчиси — кўзлари шўх, хушжилва ва қувноқ чехрали кичкинагина бақ-бақалоқ одам — ҳакам эди.

Жак билан ҳакамнинг кулиб турган кўзлари учрашди, шунда бу муҳтарам зотга талабанинг меҳри товланиб кетиб, югуриб бориб унинг қўлларини сиқиб кўришишига сал қолди.

— Ҳе, ҳе, ҳе... Демак сиз экансиз-да ўша азамат? — деб сўради ҳакам Жакнинг юзига тикилиб қарар экан.

— Очигини айтсам, ҳа, менман, мессер,— деб жавоб қилди Жак Обри.

— Қарасам, сиз ҳақиқатан ҳам юлдузни бенарвон урадиган йигитга ўхшайсиз,— деб гапида давом этди ҳакам.— Қани жаноби шумтака, курсини олиб ўтиринг-чи.

Жак ўтириб, оёгини чалиштирди, кўкрагини керди.

— Хў-ўш! — деди ҳакам қўлларини бир-бирига ишқаб.— Қани, жаноби котиб, даъвогар берган гувоҳликни бизга ўқиб эшиттиринг-чи.

Котиб ўрнидан турди ва ўта даражада дароз бўлганлиги туфайли, стол узра энгашиб унинг нариги бошида ётган бир даста ҳужжатлар орасидан Жак Обрининг ишини осонгина ажратиб олди.

— Мана унинг иши,— деди у.

— Муддаиянинг¹ исми нима экан.

— Жервеза-Пьеретта Попино,— деб ўқиди котиб.

— Ҳа, шу,— деди Обри тасдиқ маъносида бош ирғаб.

— Балоғатга етмаган,— деб ўқишда давом этди котиб.— Ун тўққиз ёшда.

— Ана халос! Балоғатга етмаганмиш-а! — деб юборди Жак Обри.

— Унинг оғзидан эшитганимни ёзганман.

— Бечора Жервеза тўғри айтган экан! — деб гўлдирари талаба.— Уялганимдан, алланима балоларни гапириб юбордим, девди. Ахир унинг ўзи менга, йигирма иккига кирганман, деган эди-ку. Энди бўлса, мана, уч ёшга кичрайиб қолипти!

— Шундай қилиб, сиз, бевурд одам,— деди ҳакам,— қиз болани алдаганликда айбланасиз... Айбни бўйнингизга оласизми? — деб сўради ҳакам.

— Бўйнимга оламан, тақсир,— деб кескин жавоб қилди Жак.— Бу айбимга ҳам, бошқаларига ҳам иқрорман. Мен жинойтчиман, ҳакам жаноблари, илтимос, ҳеч кўнгилчанлик қилмасдан жазолайверинг.

— Оббо муттахам-е, оббо такасалтанг-е! — деди ҳакам бегараз оғангда.

Сўнг каттакон, дум-думалоқ бошини кўксига эгиб, чуқур ўйланиб қолди.

— Ёзинг,— деди у ниҳоят бир сесканиб қўйиб ва кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарди.— Ёзинг, жа-

¹ Муддаиян — даъвогар аёл.

ноби котиб. «Айбланувчи Жак Обри ёлгон ваъдалар ва сохта муҳаббат изҳор этиш йўли билан Жервеза-Пьеретта Попино исмли қизни йўлдан оздирганига иқрор бўлганини назарда тутиб, юқорида номи зикр этилган Жак Обри йигирма су жарима, шунингдек суд харажатларини ҳам тўлашга ҳукм этилсин».

— Ие, қамоқ нима бўлади? — деб сўради Жак.

— Қанақа қамоқ? — саволга савол билан жавоб берди ҳакам.

— Қамоқдака қамоқ! Нима, ҳали мен қамалмайманми?

— Йўк.

— Ие, мени Асканиога ўхшаб Шатлега қамашмай-дими?

— Асканио деганингиз ким?

— Уста Бенвенуто Челлинининг шогирди.

— Хўш, нима жиноят қилган эди ўша шогирд?

— Бир қизни алдаган эди.

— Айнан кимни?

— Париж превосининг қизи мадемуазель Коломба д'Эстурвилни.

— Хўш, нима бўпти шунга?

— Қизиқ экансиз-ку! Мен ҳукмингизни нотўғри деб ҳисоблайман. Икковимиз ҳам бир хилда жиноят қилган бўлсагу нега энди Асканиони Шатлега ҳибс этишадую, мендан атиги йигирма су жарима олиш билан чекланишади? Ахир адолат борми ўзи бу дунёда?

— Адолат бор албатта, йигитча. Мана шунинг учун ҳам мазкур ҳукмни чиқардик.

— Ҳеч нимага тушунмаяпман...

— Масала шундаки, такасалтанг, олижаноб ойим-қизнинг пок номига доғ тушириш қамоққа ҳибс этиш билан жазоланади, оддий фуқаро қизининг пок номини булгаш эса йигирма су туради.

— Қандай разолат! Қандай бемаънилик! — дея қичқириб юборди Жак Обри.

— Қани, азизим, жаримани тўланг-у, тезроқ қорангизни ўчиринг бу ердан! — деди ҳакам.

— Мен ҳеч қанақа жаримаям тўламайман, бу ердан ҳеч қаяёққа кетмайман ҳам!

— Унда соқчиларни чақириб, сизни қамоқхонага жўнатишимизга тўғри келади, то жаримани тўламагунингизча ўша ерда ётаверасиз.

— О, айна муддао-ку!

Ҳакам соқчиларни чақирди:

— Манави ишёқмасни Ҳазрат-кармелитлар¹ қамоқ-хонасига олиб бориб ҳибс этинглар.

— «Ҳазрат-кармелитлар қамоқхонасига!» — деди Жак. — Нега энди Шатлега эмас?

— Негаки, Шатле қарз ундирадиган қамоқхона эмас, балки қирол қалъаси. Тушундингизми, биродар? У қалъага тушиш учун биронта жиддийроқ жиноятга қўл уриш керак бўлади. Сиз Шатледа ётмоқчимисиз? Овора бўласиз!

— Шошманглар, шошманглар... — деб қаршилик кўрсата бошлади Жак. — Тўхтасанглар-чи ахир!

— Яна нима гап?

— Мени Шатлега жўнатмас экансиз, унда жарима тўлашга розиман.

— Бу бошқа гап: демак, изоҳлаш лозим бўладиган ҳеч гап қолмади, — деди ҳакам ва соқчиларга ўгирилиб илова қилди: — Сизлар чиқиб кетаверинглар, йигитча жарима тўлашга рози.

Соқчилар кетишди, Жак эса чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, ҳакамнинг олдига йигирма су қўйди.

— Санаб олинг, — деб буюрди ҳакам котибга.

Котиб турган еридан бир қадам ҳам жилмай яна қогозлар қалашиб ётган стол узра худди қора камалакдек эгилиб (бу одамнинг гавдаси гўё хоҳлаган миқдорда чўзилиш қобилиятига эга эди), ҳакамнинг олдига тўкилган тангаларни қўлига олди.

— Жарима мукаммал тўланган, — деди у пулни санаб чиқиб.

— Ундай бўлса, қани, такасалтанг, уйингизга жўнанг-у, жойни бошқаларга бўшатинг; адлия бошқалар билан ҳам шуғулланиши керак. Боринг, бора-қолинг!

Жак Обрининг ўзи ҳам бу ерда бошқа қиладиган иши қолмаганини кўрди, шундан сўнг, тарвузи қўлтиғидан тушиб, маҳкамадан чиқиб кетди.

¹ *Кармелитлар* — Фаластинда 1156 йилда, салиб юришлари пайтида Карменмель тоғида таъсис этилган католик роҳиблар мазҳабининг аъзолари.

Ун учинчи боб

БУ БОБДА ЖАК ОБРИ ҚАҲРАМОНЛИКНИНГ ЭНГ ЮКСАК ЧУҚҚИСГА КЎТАРИЛАДИ

«Қизиқ...— деб ўйларди Адлия маҳкамасида кичиб, Тегирмон кўприги орқали беихтиёр Шатле қалъаси томон йўл олган талаба,— қизиқ, агар Жервеза, унинг номусини атиги йигирма су баҳолашганини эшитса, нима қиларкин? Яна оғзинг бўшлик қилиб, маза-бемаза гапларни валдирабсан-да, деб мени юмма таласа керак».

— Ие! Буни қаранг: ниятим холис экан!

Жакнинг бу охириги сўзлари соҳилдаги панжарага суяниб тош отиб ўйнаб турган болага қаратилган эди; бу бола Жак Обри, энг қадрдон дўстим, деб сирларини айтган ўша назокатли асилзода йигитнинг маҳрами эди.

— Омадим бор экан, азбаройи худо! — деди ўзига талаба.— Фаҳмлашимча, исми йўқ дўстим дурустгина обрўга эга кўринади, демак, таниш-билиш қилиб мени қамоққа жойлаштириши ҳам мумкин. Унинг маҳрамини менга худонинг ўзи рўпара қилди; дўстимни қаердан қидириб топишим мумкинлигини маҳраמידан сўраб оламан. Ахир мен унинг исмини ҳам, турар жойини ҳам билмайман-ку.

Жак Обри худонинг бу марҳаматидан тезроқ фойдаланиб қолиш ниятида маҳрам томон йўл олди.

Бола ҳам уни таниган эди; у ўйнаётган тошларини илиб олиб, оёғини чалиштирди-да, маҳрамлар уюшмасининг барча аъзоларига хос истеҳзо билан Жак Обрини кута бошлади.

— Салом, жаноби маҳрам! — деб қичқирди узоқдан Жак Обри.

— Салом, жаноби талаба,— деб жавоб қилди бола.
— Бу томонларда нима қилиб юрибсиз?

— Нима десам экан... баъзи нарсаларни қидириб юрган эдим, ҳозир топгандайман, зеро, мана, сизни учратдим. Биласизми, мен ажойиб дўстим, граф... йўқ, барон... яъни виконт... хуллас, соҳибингизнинг қаерда туришини билмоқчи эдим.

— У билан учрашмоқчимисиз?

- Ҳа, иложи борича тезроқ.
- Омадингиз бор экан: ҳозир у прево ҳузурида.
- Шатледами?
- Ҳа, ҳозир чиқиб қолиши керак.
- Қандай бахтли одам-а — хоҳлаган пайтида

Шатлега кириши мумкин! Бундан чиқди, мессер Робер д'Эстурвиль билан яхши муносабатда бўлса керак менинг қадрдон дўстим виконт... граф... йўқ, барон шекилли...

— Виконт,— деб тузатди маҳрам.

— Ҳа, дўстим виконт... Айтақолсангиз-чи ахир исмини! — Обри ниҳоят дўстининг исмини билишга қулай фурсат туғилганидан фойдаланиб қолмоқчи эди. — Виконт де...

— Виконт де Мар...— деб маҳрам гап бошлаган эди, лекин Жак шу пайт унинг сўзини бўлди.

— О-о, азизим виконт! Хайрият, сизни топдим! — деди у қалъа эшигидан чиққан Марманни кўриб қолиб. — Менга жуда ҳам керак эдингиз! Сизни қидирмаган ерим қолмади.

— Салом, яхшимисиз, биродари азиз,— деб жавоб қилди Мармань, бу учрашувдан таъби тирриқ бўлгани сезилиб турарди.— Сиз билан бажону дил дилкашлик қилар эдим-у... аммо, афсуски, жуда шошиб турибман. Хўп, саломат бўлинг!

— Шошманг, шошманг! — деб қичқирди Жак Обри суҳбатдошининг қўлидан маҳкам ушлаб.— Мендан ўзингизни олиб қочмоқчи эмасдирсиз, албатта! Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчи эдим.

— Сиз-а!

— Ҳа. Ўзингизга аён: дўстлар ўртасидаги энг муқаддас бурч — ҳар бир ишда бир-бирини қўллаб-қувватлашдир.

— Дўстларнинг бурчи, денг?

— Албатта. Ахир сиз билан биз дўстмиз-ку! Қолаверса, дўстлик дегани нима ўзи? Бу — ўзаро тўла ишонч. Мен сизга ҳамма вақт ишониб келдим, шунинг учун, сиздан нафақат ўзимнинг, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам сирини яширмадим.

— Шундай қилганингиздан ҳеч қачон афсусланмадингизми?

— Ҳеч қачон! Ҳар нечук, сизга нисбатан, ҳеч қачон; афсуски, бошқа дўстларим тўғрисида бундай дея олмайман; Парижда бир одам бор, мен уни шунча

қидирганим билан ҳеч топа олмаяпман, лекин барибир, худо хоҳласа, бир кун эмас, бир кун у билан албатта биронта сўқмоқда тўқнашаман...

— Менга қаранг, азизим, такрор айтаман: шошиб турибман,— деб талабанинг сўзини бўлди Мармань, чунки у Жак Обрининг кимни қидираётганини жуда яхши тушунган эди.

— Бир зумгина сабр қилинг — айтдим-ку, менга ёрдамингиз тегиши мумкин...

— Ҳа, яхши, гапирақолинг, фақат тезроқ бўлинг.

— Айтинг-чи, саройда сизни қадрлашадими?

— Ҳарқолда, дўстларим шундай фикрда.

— Қиролнинг эътимодига сазовор бўлсангиз керак?

— Ҳа, бунга душманларим шоҳид бўлишди.

— Жуда соз! Азизим граф... йўғ-е, барон... қимматли дўстим...

— Виконт,— деб эслатди Мармань.

— Азизим виконт, илтимос, мени Шатлега жўнатинг!

— Ким сифатида?

— Маҳбус сифатида-да, албатта.

— Маҳбус сифатида? О, жуда антиқа истак-ку!

— Ҳа, истаклар ҳар хил бўлади.

— Лекин нега энди албатта Шатлени орзу қилиб қолдингиз? — деб сўради Мармань. Чунки у бу истак тагида қандайдир янги сир бўлиши керак деб шубҳа қилди ва уни билиб олмоқчи бўлди.

— Бу сиримни мен ҳеч бир кимсага очмаган бўлардим, азиз дўстим, зеро оғзи бўшликнинг оқибати нималарга олиб келишини ўз бошимдан кечириб, аниқроғи, Асканио бошига тушган мусибатни кўриб билдим,— деб жавоб қилди Жак.— Лекин сизнинг йўлингиз бошқа. Ўзингиз яхши биласиз, менинг сиздан яширадиган сирим йўқ.

— Ундай бўлса, тезроқ айтинг ўша сирингизни.

— Айтсам, мени Шатлега жўнатасизми?

— Ҳозироқ жўнатаман.

— Жуда соз! Буни қарангки, мен Марс бошида кўрганам дилбар қиз ҳақида сиздан бошқа яна баъзи бир одамларга эҳтиётсизлик қилиб оғзимдан гуллаб қўйган эдим.

— Хўш, нима бўпти?

— Ўша бетайин, такасалтанглар менинг кашфиётимни ҳаммага овоза қилиб юборишипти, натижада

воқеанинг дараги превонинг қулоғига етиб борган; сал олдинроқ превонинг қизи йўқолиб қолган эди, шунинг учун у, ўша Марснинг бошини маскан қилиб олган менинг қизим бўлмасин тагин деб ўйлаган-да, тезроқ бориб бу хабарни граф д' Орбек билан ҳерцогиня д' Этампага етказган. Оқибат, Челлини Фонтенблодалик пайтида улар Катта Нель қасрида тинтув ўтказишган. Коломбани топиб олиб кетишган. Асканиони бўлса Шатлега қамаб қўйишган.

— Наҳотки?!

— Бу чин ҳақиқат, биродари азиз! Биласизми, қайси гаразғўйининг иши бу? Ҳаммасини виконт де Мармань деган одам уюштирипти.

Жак номини дам-бадам тилга олаётганидан безовта бўлган Мармань гапни бошқа ёққа буришга шошилди.

— Лекин сиз менга нима мақсадда Шатледа ётмоқчи бўлганингизни айтмадингиз.

— Ўзингиз фаҳмламаяпсизми?

— Йўқ.

— Асканиони ҳибс қилишдимиз?

— Ҳа.

— Уни Шатлега қамашган-а?

— Ҳа, тўғри.

— Мана энди мен сизга шундай бир сирни очаманки, уни ҳерцогиня д' Этампа-у, Бенвенуто-ю, мендан бошқа ҳеч ким билмайди: Асканиода қандайдир бир мактуб бор, хуллас, у шундай бир сирни билладики, бу билан ҳерцогиняни шарманда қилиш мумкин. Хўш, энди тушундингизми?

— Ҳа, ҳа, сал тушуна бошладим. Лекин аниқроқ тушунтиринг, қимматли дўстим!

— Биласизми, виконт,— деб гапида давом этди Жак Обри зодагонларга хос виқор билан,— мен Асканио билан учрашиш ва ундан ўша мактубни олиш ёки унинг сирини билиш учун Шатлега кирмоқчиман. Кейин, қамоқдан қайтиб чиқиб, бор гапнинг ҳаммасини Бенвенутога сўзлаб бераман. Ана унда биз ҳамма де Марман-у, д' Орбекларга, превою ҳерцогиняларга қасд қилиб, Асканио билан Коломбанинг муҳаббатини хайрли яқунлашнинг иложини топамиз!

— Режангиз чакки эмас,— деди Мармань.— Кўрсатган ишончингиз учун ташаккур. Мен билан сирдош бўлганингиз учун ҳеч қачон афсусланмайсиз.

— Сиз ҳам мендан ёрдамнингизни аямайсизми?

- Қанақа ёрдам?
- Ахир айтдим-ку — Шатлега кирмоқчиман деб!
- Хотиржам бўлинг.
- Ҳозирнинг ўзидами?
- Мени шу ерда кутиб туринг.
- Шу ернинг ўзгинасидами?
- Ҳа, ҳа.
- Сиз-чи?
- Мен сизни ҳибсга олиш ҳақида ҳужжат тўғри-ри-лаб келаман.
- О, бебаҳо дўстим, қимматли барон, граф! Ҳеч бўлмаса энди ўз исмингиз билан турар жойингизни айтиб кетинг, мабодо кечикиб — нетиб қолгудек бўлсангиз...
- Йўқ-йўқ, мен бир зумда қайтаман.
- Тезроқ келинг! Башарти йўлда анави лаънати Марманни учратиб қолгудек бўлсангиз, унга айтинг...
- Нима деб айтай?
- Унга айтингки, мен онт ичдим...
- Нима деб?
- Уни ўз қўлим билан ўлдираман деб онт ичдим.
- Яхши қолинг! — деб қичқирди виконт узоқлашаркан, — Мени шу ерда кутиб туринг!
- Хайр, — деди Жак. — Тезроқ қайтиб келинг. Сиз ҳақиқий дўст экансиз: сизга батамом ишонса бўлади, кетмасингиздан менга айтиб кетсангиз бўларди ҳалиги...
- Яхши қолинг, жаноби талаба, — деди маҳрам; суҳбат пайтида у мудом ўзини четга олиб турган эди, энди ўз соҳибининг орқасидан югура бошлади.
- Яхши боринг, илтифотли маҳрам, — деб жавоб қилди Жак Обри. — Илтмос, кетиш олдидан бир саволимга жавоб берсангиз.
- Қандай савол экан?
- Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз хизматида бўлган анави саховатли ақобир йигитнинг исми шарифи нима?
- Ҳозир сиз камида чорак соат гаплашган одамнинг исмини сўраяпсизми?
- Ҳа.
- Сиз уни дўстим деб атадингиз шекилли?
- Ҳа.
- Нима, унинг исмини билмайсизми ҳали?
- Йўқ.

— Ахир бу одам...
— Жуда машҳур одам бўлса керак-а!
— Булмасам-чи!
— Жуда нуфузли ҳам денг?
— Қирол билан ҳерцогиня д'Этампдан кейин биринчи ўринда туради.

— Нима?! Ахир исми нима унинг?
— Виконт де... Хайр, мен кетдим. Кечирасиз, у менга қараб қолди, иш буюрмоқчига ўхшайди.

— Айтиб кетинг — виконт...
— Виконт де Мармань!
— Мармань?! — деб бақириб юборди Жак Обри.
— Виконт де Мармань? Ана шу йигит виконт де Марманми ҳали?

— Худди ўзи.
— Прево, граф д' Орбек ва ҳерцогиня д' Этампларнинг дўсти-а?

— Янглишмадингиз.
— Бенвенуто, Челлинининг ашаддий душмани-я?
— Мутлақо тўғри!

— Воҳ! — деб юборди Жак, гўё чақмоқ чақилиб, унинг кўз олдида ушбу учрашувгача бўлган барча воқеалар бирваракайига намоён бўлгандек. — Энди тушундим! Демак шу экан-да Мармань! Мармань!

Сўнг у кўз очиб юмгунча маҳрамнинг ёнидан унинг найза-шамширини суғуриб олиб (чунки ўзида қурол йўқ эди), Марманнинг орқасидан югуриб бораркан: — Тўхтанг! — деб қичқирди.

Мармань ҳавотирланиб орқасига қаради, қарадио шамшир яланғочлаб чопиб келаётган талабага кўзи тушиб, ўзининг фош бўлганини тушунди. Унинг жанг қилишдан ё қочишдан ўзга иложи қолмаган эди. Бироқ Мармань қиличбозлик қилаоладиган даражада довурак ҳам, душманидан тирақайлаб қочадиган қўрқоқ ҳам эмас эди. Шунинг учун миёна бир чорани танлади, яъни: сал нарироқдаги уйнинг очиқ турган дарвозаси томон югурди, у ичкари кириб, дарвозани ичидан занжирлаб олмоқчи эди. Лекин аксига юриб, дарвозани ҳадеганда беркитиб бўлмади; унинг занжири деворга илинган эди. Мармань минг уринган билан занжирни еча олмади. Шундай қилиб, Жак Обри виконтга дарвозахонада етиб олди.

— Ҳа-а, ахири топдим-а сени, малъун жосус! Мана, ниҳоят қўлимга тушдинг, мараз Мармань! Бировлар си-

рини ўғирлайдиган қароқчи! Қани, ўзингни ҳимоя қил, муттаҳам!

— Наҳотки, сиз, тақсир,— деб такаббурлик билан жавоб қилди Мармань асилзодаларга хос илтифотсизлик билан гапиришга уринаркан,— виконт де Мармань ўзини пастга уриб, қандайдир бир талаба билан қиличбозлик қилишга рози бўлади, деб ўйласангиз?

— Агар виконт де Мармань Жак Обрига тенг келишни истамаса, Жак Обри ўзини пастга уриб, виконт де Марманга тенг келади ва уни гумдон қилади!

Жак айган гапини исботлаш учун виконтнинг кўксига найза-шамширини тиради, камзулини тешиб, бадинини бир оз қитиқлаб қўйди.

— Войдод! Қутқаринглар! — деб бақирди Мармань.

— Бақир, овозингни борича бақиравер! — деб унинг жиғига тегарди Жак.— Дод-войингни битта-яримта эшитмасдан олдин ўзингнинг овозинг буткул ўчади! Ҳозир сен учун биттаю битта йўл — олишиш. Демак, яна огоҳлантираман: ўзингни ҳимоя қил, виконт!

— Шошмай тур, бўлмаса! Ўзинг шуни хоҳладинг; виконт де Мармань билан олишиш қанақа бўлишини кўрстиб қўяман сенга!

Биз биламизки, Мармань мард йигитлардан эмас эди, аммо ўша рицарлик замонининг асилзода одами сифатида у ҳам ҳарб ишидан сабоқ олган эди. Бунинг устига, дурустгина қиличбоз деб доврўқ ҳам қозонган эди. Лекин айтишларига қараганда, очиги, бу доврўқ унинг дуэлларда голиб чиқиши учун эмас, балки, кўпроқ уни дуэлга тушишдан қутқариш учун хизмат қилар эди. Нима бўлганда ҳам, ганимнинг жидду жаҳд билан ҳужумга ўтаётганини кўрган Мармань найза-шамширини суғуриб, қиличбозлик санъати қондасига амал қилганча, жангга шайланиб турди.

Аммо агар Мармань сарой аъёнлари даврасида яхши қиличбоз ҳисобланган бўлса, Жак Обри ўзининг абжирлиги билан талабалар ва адлия котиблари ичида беқиёс эди. Шундай қилиб, иккала томон ҳам ўз қаршисида кучли рақиб турганини биларди. Лекин Марманда жуда улкан имтиёз мавжуд эди: унинг найза-шамшири Жакнинг маҳрамдан тортиб олган найза-шамширидан салкам бир қарич узун эди. Бу ҳол Жак Обрининг ўзини ҳимоя қилишида унча халал бермаса ҳам, ҳужумга ўтишини мушкуллаштиради.

Аслида ҳам, бўйи Жакдан бир қарич баланд, бунинг

устига, анча узунроқ найза-шамшир билан қуролланган Мармань учун ғанимини ўзидан узоқроқда ушлаб туриб, айна пайтда ўз найза-шамширининг тиғини унинг юзи олдида ўйнатиш ҳеч қийин эмас эди. Шунга кўра, Жак қанча ҳамла қилса ҳам, ғанимини чалғитишга қанча уринса ҳам, виконт бир қадамгина чекиниш билан ўзини зарбадан четга оларди. Бу аснода, Жак ўзини ниҳоятда эпчиллик билан ҳимоя қилишига қарамай, Марманнинг найза-шамшири икки ё уч марта унинг кўкрагини ялаб ўтди, ваҳолонки талаба бениҳоя чаққон ҳаракат қилса ҳам, зарбани ҳеч мўлжалга теккиза олмасди.

Обри, шу кетишда яна бир оздан кейин суроби тўғри бўлишини тушунди ва ҳийла ишлатишни кўзлади. У ўзини ҳамон муҳофаза қилаётгандек кўрсатиб, дам ҳужумга ўтиб, дам чап бериб, оз-оздан виконтга яқин бораверди. Ниҳоят, талаба зарба бериш учун қулай масофага бориб олгач, гўё бехосдан ўзини душманга очди. Буни кўрган Мармань шу заҳоти ҳужумга ўтди, лекин Жак анойи эмас эди: у зарбани қайтарди ва ғаним шамширининг тиғи тепага кўтарилган пайтдан фойдаланиб, ўзи олга отилдию чаққон ва тез ҳамла билан виконтни яралади, яралаганда ҳам, қўлидаги найза-шамширининг унча узун бўлмаган тиғи то бандига унинг кўкрагига ботиб кирган эди. Мармань ҳаммаёқни бошига кўтариб жон аччиғида чинқириб юборди, ранги қув ўчиб кетди, шамширини қўлидан тушириб юбориб, ерга чалқанчасига йиқилди.

Бу пайт шу яқин ўртадан соқчилар патрули ўтиб бораётган эди. Улар фарёд овозини эшитиб, азда-базда қўл силтаб чақираётган маҳрамни ва дарвоза олдида тўпланган оломонни кўриб, бу ерга югуриб келишди. Жак қонга бўялган найза-шамширини ҳамон қўлидан қўймаган эди, турган гапки, дарҳол уни ҳибса олишди. Аввалига талаба қаршилиқ кўрсатмоқчи ҳам бўлди, лекин шу пайт патруль бошлиғининг дағдага билан:

— Бу ярамасни қуролсизлангириб, Шатлега олиб боринглар! — деган буйруғини эшитдию севиниб кетди ва итоаткорлик билан қуролини топширди-да, соқчилар орқасидан Шатле қалъаси томон йўл оларкан, бир кесак билан икки қарғани уришига: ҳам Асканио ётган қамоқхонага тушишига, ҳам виконт де Мармандан қасдини олишига имкон берган парвардигорга шукронда айтди.

Бу гал Жак Обрини қирол қалъасига ҳеч бир монелик қилмай киритишди. Қамоқхона маҳбусларга ўлиб кетганлиги сабабли, нозир билан дарвозабон Жакни қаёққа қамашни билмай, узоқ вақт маслаҳатлашишди. Ниҳоят, бу икки муҳтарам зот бир қарорга келди. Дарвозабон Жакка имо билан, орқамдан юр, деб буюрди, уни ўттиз икки пиллапояли зинадан пастга бошлаб тушди, шу ерда у бир эшикни очиб, маҳбусни мутлақо зим-зиё хужрага итариб киритди-да, устидан эшикни қулфлади.

Ўн тўртинчи боб

УШБУ БОБДА НОМУСЛИ ОДАМНИНГ ҚАМОҚДАН ЧИҚИШИ ҲАМ ҚИЙИН ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА ГАП БОРАДИ

Бирданига ёруғдан қоп-қоронги жойга кириб қолиб кўзи қамашган Жак Обри бир қанча вақтгача ўзига келла олмай данг қотиб қолди; у қаерда ўзи? Маълум эмас. Асканио шу яқин ўртадамикин, йўқми — айтиш қийин. Ҳозир уни олиб ўтишган йўлакда у ўзи кирган хонадан бошқа яна иккита қулфлоглик эшикни кўрган эди. Лекин нима бўлганда ҳам у ниятига эришди-ку — Асканио билан бир қамоққа тушди.

Лекин бир ерда қоққан қозикдек туравериш ҳам яхшимас. Шу пайт Жак ўзидан ўн беш қадамча нарида, хонанинг нариги бурчида ғира-шира ёруғ кўргандек бўлди, у ўша томонга оҳиста юра бошлаган эди, икки қадам қўйиши билан оёғи тойиб, уч-тўрт пиллапоя пастга сирпаниб тушди, лекин боши деворга бориб урилиш ўрнига оёғи юмшоқ бир нарсага қоқилиб, «гурс» этиб ерга йиқилди. Шунинг учун ҳеч ери қаттиқ лат емади.

Талабанинг бахтига, у қоқилиб кетган ғов оҳиста ингради.

— Мени афв этгайлар,— деди Жак ўрнидан тураркан лутфан каллаўшини ечиб. — Камина кимнидир ёки ниманидир босиб олдим чоғи. Агар бу ер салгина ёруғ бўлганида асло бундай беадаблик қилмаган бўлур эдим. Кечиринг мени!

— Сиз, олтмиш йилдан бери одам ҳисобланган, аммо энди ҳадемай мурдага айланадиган жонзодни босиб олдингиз,— деган овоз эшитилди.

— Ундай бўлса,— деди Ҷак,— сизни безовта қилганимдан беҳад таассуфдаман. Сиз ҳам, ҳар бир диёнатли христиан бандаси каби, ўлимингиз олдидан, худога сизиниб тавба-тазарру қилгандирсиз?

— Аллақачон тавба қилиб бўлганман, жаноб талаба. Мен ҳам ҳамма қатори гуноҳ қилганман, илло бахти қаро жафокашдек изтироб чекиб яшадим, энди, парвардигор қилмишларимни тарозуда тортган чоғида, чеккан изтиробларим қўйилган палла, шояд гуноҳларим қўйилган паллани босиб кетса, деб умид қиламан.

— Айтганингиз келсин! — деди Обри.— Сизга чин юракдан хайрихоҳлик билдираман. Энди, қимматли ҳамдард дўстим, башарти бу суҳбат сизни унчалик қийнаётган бўлмаса, айтинг-чи, талаба эканлигимни қандай мўъжиза туфайли билдингиз? Мен сизни «қимматли» деб айтяпман, зеро қўполлигимни кечиргандирсиз, деб умид қиламан. Очиги, мен бу қилмишимга афсусланмайман: ахир шу беадаблигим туфайли сиз билан танишишга мушарраф бўлдим-ку.

— Сизнинг талаба эканлигингизни либосингиздан, энг муҳими, белбоғингизга осиб олганингиз сиёҳдондан билдим: одатда, зодагонлар ўша сиёҳдон ўрнида ханжар олиб юрадилар,

— Либосим билан сиёҳдонимдан-а?.. Менга қаранг, азиз дўстим, агар янглишмасам, сиз ўлим тўшагида ётибман, деб айтувдингиз шекилли?

— Ҳа, ҳадемай рўйи заминда чекаётган азобларим тугайди! Бугун мен бу дунёда гафлатга кетиб, шояд эртага арши аълода уйғонсам, деб умид қиламан.

— Мен бу ниятингизга асло қрши эмасман,— деб жавоб қилди Ҷак,— лекин шуни айтишим керакки, ўзингиз не аҳволда ётибсиз-ку, яна ҳазил қилганингизга ҳайронман.

— Нега энди мени, ҳазил қиляпти, деб ўйлаяпсиз? — пичирлади жон бераётган одам чуқур хўрсиниб қўйиб.

— Нега бўларди? Ҳозир ўзингиз либосим билан сиёҳдонимни кўргангингизни айтдингиз. Ҳолбуки мен кўзимни қанча бақрайтирмай, ҳатто ўз қўлларимни ҳам кўрмаяпман.

— Ишонаман,— деб жавоб қилди қария.— Лекин агар сиз ҳам зимистон зиндонда ўн беш йил ётсангиз, кўзингиз ҳамма нарсани худди кундуз кунидай аниқ кўрадиган бўлади.

— Бунақа синовдан ўтгандан кўра кўзларимни шайтонга ўйдирганим афзал! — деди Жак. — Ўн беш йил-а — айтишга осон! Наҳотки сиз бу зиндонда ўн беш йилдан бери ётган бўлсангиз?

— Ё ўн беш, ё ўн олти йил бўлди... Э, барибир эмасми? Мен кўпдан бери вақтни кузатмай қўйганман.

— Сиз ниҳоятда мудҳиш жиноят қилган бўлсангиз керакки, бунчалик оғир жазо беришипти! — деди Жак.

— Мен бегуноҳман, — деб жавоб қлди маҳбус.

— Бегуноҳсиз! — деб чинқириб юборди даҳшатга келган Жак. — Ҳазилингизни қўйинг-е, азизим! Боя айтдим-ку сизга, ҳозир ҳазилни вақти эмас деб.

— Мен ҳам ҳазил қилаётганим йўқ, деб айтдим сизга.

— Лекин ёлғон гапириш яхши эмас. Нима бўлгандаям, ҳазил бор-йўғи тафаккурнинг беозор ўйини, у на худони, на бандани таҳқирлайди, аммо ёлғон — бу инсон қалбини тилка-пора қилувчи гуноҳи азимдир.

— Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман.

— Ие, бундан чиқди, сиз чинданам ҳеч қандай гуноҳ қилмай ўн беш йилдан бери қамоқда ётибсизда?

— Тахминан ўн беш йил.

— Ана холос! — деб чинқириб юборди Жак. — Биласизми, мен ҳам ҳеч қандай айб қилганим йўқ.

— Ундай бўлса, сизни худо ўз ҳимоясига олсин, — деди жон бераётган чол.

— Нима, менга бирон нима таҳдид солиши мумкинми?

— Ҳа, шўрлик бола! Жиноятчи-ку бу ердан қутулиб чиқишга умид қилиши мумкин, аммо бегуноҳ одам — ҳеч қачон чиқа олмайди!

— Мулоҳазаларингизда теран маъно мавжуд, биродари азиз, лекин биласизми, гапингиз унча тасалли бермаяпти менга.

— Мен сизга чин ҳақиқатни айтдим.

— Шунга қарамай, агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, битта-яримта арзимаган айбингиз топилиб қолар. Илтимос, ўша айбингизни менга айтақолинг!

Бу пайт Жак Обрининг қоронғига кўника бошлаган кўзларига бу ердаги нарсалар ғира-шира кўрина бошлаганди: у девор тагида турган курсини олиб, жон қаза қилаётган чолнинг чорпояси яқинига қўйди. Сўнг чолнинг ҳикоясини эшитишга шайланиб, мана шу наридан-бери ҳозирланган курсига жойлашиб ўтириб олди.

— Ахир нега индамаяпсиз, қимматли дўстим?..
Ҳа-а, тушунаман: ўн беш йил мутгасил ёлғизликда
ҳибсда ётиб, ҳаммадан шубҳаланадиган бўлиб қолган-
сиз, шунинг учун ҳам менга юрагингизни ёзишга журъ-
ат этмаяпсиз. Ҳа, яхши! Келинг, унда яқинроқ та-
нишиб олайлик: менинг исмим Жак Обри, ёшим йигир-
ма иккида, ўзингиз айтгандек, талабаман. Мен Шатлега
қамалишни ўзим хоҳладим — бунинг сабаби бор. Қа-
малганимга атиги ўн дақиқача бўлган бўлса ҳам, мана,
сиз билан танишиб олдим. Қисқа қилиб айтганда, ме-
нинг бутун ҳаётим шундан иборат. Энди сиз мени ўзим
билганчалик билиб олдингиз. Бинобарин, азиз дўстим,
ўз тўғрингизда сўзлаб беринг, қулогим сизда.

— Менинг исмим Этъен Ремон, — деди маҳ-
бус.

— Этъен Ремон? — оҳиста сўради Жак Обри. — Мен
бу исмни ҳеч қачон эшитмаганман.

— Биринчидан, мен худонинг хоҳиши билан ер юзи-
дан ғойиб бўлганимда сиз ҳали гўдак эдингиз, — деди
қария, — иккинчидан, факир киши панада, қабилида
кун кечирган эдимки, ғойиб бўлганимга ҳеч ким эъти-
бор ҳам қилгани йўқ.

— Лекин ким эдингиз? Нима иш билан шуғулланар
эдингиз?

— Мен коннетабль Бурбоннинг ишончли одами
эдим.

— Унда ҳаммаси тушунарли: сиз у билан қўшилиб
ватанга хиёнат қилгансиз.

— Йўқ, мен ўз соҳибимга хиёнат қилишдан бош
тортганман, бор-йўқ айбим шу.

— Бу воқеа қандай бўлган эди — сўзлаб беринг.

— Ўшанда мен Парижда, коннетаблнинг саройида
турар эдим, соҳибим эса ўзининг Бурбон-д' Аршамбо
қасрида яшарди. Кунларнинг бирида унинг шахсий соқ-
чилари капитани менга мактуб олиб келди; коннетабль,
ушбу мактабни олиб борган одамга хобхонамдаги чорпоя
бошида турган шкафчадан муҳрланган мўъжазгина па-
кетни олиб зудлик билан бериб юборинг, деб ёзган эди.
Мен элчига пакетни тутқаздим; у шу саҳоти жўнаб кет-
ди. Орадан бир соатча вақт ўтар-ўтмас, Луврдан бир
офицер бошчилигида аскарлар келишди, улар ҳам ҳер-
цогнинг хобхонасидаги шкафчани кўрсатишни бу-
юришди. Мен буйруққа итоат этдим. Улар шкафни
титкилашди, лекин турган гапки, ҳеч нима топиша

олмади; зеро ҳозиргина ҳерцогнинг элчиси олиб кетган пакетни қидиришган эди.

— Во ажаб! — деб гўлдиради бахти қаро ҳамхонасига раҳми кела бошлаган Обри.

— Офицер роса пўписа қилди, лекин мен гўё гап нима ҳақда бораётганини тушунмагандай, чурқ этмай туравердим. Чунки агар бўлган воқеани айтиб берсам, улар ҳерцог элчиси орқасидан қувиб бориб, ундан пакетни тортиб олишлари мумкин эди.

— Азбаройи худо, — деди Жак сабри чидамай, — буни ақл-фаросат билан иш кўриш дейдилар! Сиз садоқатли, ҳалол хизматчи сифатида иш кўргансиз.

— Шундан кейин, офицер мени қўриқлаш учун икки аскарни қолдириб, бошқа икки аскар билан Луврга жўнади. У ярим соатдан кейин мени Лиондаги Пьер Ансизий қалъасига жўнатиш ҳақидаги буйруқ билан қайтиб келди. Оёқ-қўлимга кишан солиб, фойтунга тиқишди, икки ёнимга иккита соқчи ўтирди. Беш кундан кейин ўзимни қамоқда кўрдим... Лекин эътироф этишим керакки, у қамоқ мана бунга ўхшаган зимистон ва мудҳиш эмас эди. Умуман олганда, барибир эмасми: қамоқ — қандай бўлганда ҳам қамоқ, — пичирлаб илова қилди ўлим тўшагида ётган чол. — Очиги, мен бошқа қамоқларга қандай кўниккан бўлсам, Шатлега ҳам шундай кўникиб қолганман.

— Ҳм... Бу гапингизга қараганда, файласуф экансиз, — деди Жак.

— Қамоқдаги дастлабки уч кеча-кундузим тинч ўтди, тўртинчи кеча келганда, оҳиста шитирлаган товушдан уйғониб кетдим: кўзимни очсам, эшик очилиб, мен ётган хонага қамоқхона нозирни кузатувида юзига тўр тутган бир аёл кириб келяпти. Бу нотаниш аёлнинг бир имоси билан нозир шамчироқни столга қўйдида, ўзи қулдек итоаткорлик билан ташқарига чиқди; шунда нотаниш аёл чорпоямга яқин келиб, юзига туширилган тўрни кўтарди. Мен қаттиқ чинқириб юбордим...

— Хўш, ким бўлиб чиқди ўша хоним? — деб сўради Обри, чолга яқинроқ сурилиб, ўтираркан.

— Бу хоним — ҳерцогиня Ангулемий, Франциянинг муваққат маликаси, савойялик Луиза, яъни қиролнинг онаси эди.

— Войбў-ў, — деб юборди Обри. — сиздек ғариб бир одамда нима иши бор экан унинг.

— У мendan, ҳерцогнинг элчиси олиб кетган пакет ҳақида сўрагани келган экан. Маълум бўлишича, бу пакетда ишқий мактублар бўлиб, уларни бу машҳура хоним, ҳозирги пайтда ўзи таъқиб қилаётган одамга, яъни менинг соҳибимга эҳтиётсизлик қилиб бир вақтлар ёзган экан.

— Тўхтанг, тўхтанг, тўхтанг;— деди Жак гижиниб.— Бу воқеа худди ҳерцогиня д'Этамп билан Асканио воқеасига жудаям ўхшаб кетяпти-ку.

— Э! Ошиқ йигитлару бетамиз машҳура хонимлар ҳақидага воқеаларнинг ҳаммаси бир-бирига худди икки томчи сувдек ўхшаб кетади!— деб жавоб қилди чол; унинг кўзлари жуда ўткир бўлганидек, қулоқлари «тиқ» этган товушни эшитарди.— Илло уларнинг кирдикорларига аралашиб қолган фақир бандаларнинг ҳолига вой!

— Шошманг, шошманг, мунча нафасингиз совуқ!— деб чинқириб юборди Жак Обри.— Нималар деб валдираяпсиз ўзи? Мен ҳам ўшанақа бетамиз ошиқ хонимнинг ишига аралашганларданман!

— О, ундай бўлса, сиз ҳам ёруғ жаҳон билан, ҳаттоки ҳаёт билан мангу видолашишингизга тўғри келди.

— Э, ўргилдим ўша башоратингиздан! Улар билан менинг неча пуллик ишим бор? Ахир хонимлар менга эмас, Асканиога ошиқ бўлиб қолишган-ку.

— Нима, сизнингча хонимлар менга ошиқ бўлишганмиди?— деб эътироз билдирди маҳбус.— Улар то кези келгунча дунёда мендек одам борлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Менинг бор-йўқ гуноҳим худди босқон билан сандон орасига тушгандек бесаамар муҳаббат билан қасос олиш хирси орасида қолганим, оқибат, ўша босқон билан сандон мени янчиб ташлади.

— Онт ичиб айтаманки,— деб чинқириб юборди Обри,— хийла совуқ гаплар айтяпсиз, азиз дўстим! Лекин, хоним воқеасига қайтайлик; ҳикоянгиз мени жуда қизиқтириб қолди; бошингизга тушган мусибатлар менинг қисматимга жуда ўхшаб кетяпти, эшитиб аъзойи баданим жимирлаб кетди.

— Хуллас,— деб ҳикоясини давом эттирди чол,— боя айтганимдек, хонимга мактублар керак экан. У менга нималарни ваъда қилмади денг: юксак мартаба, шоҳона илтифот, ақча! Хоним ўз мактубларини қайтариб олиш учун қирол хазинадоридан тўрт юз минг



экую пул олиб беришга ҳам тайёр эди; зотан хазинадор бу хизмати учун худди барон де Семблансе¹ каби дорга осиладиган бўлса ҳам, хоним ниятидан қайтмоқчи эмас эди.

Мен унга, ҳеч қанақа мактубни билмайман, умуман гап нима тўғрида бораётганига ҳам тушунмаяпман, деб жавоб қилдим.

Шунда бояги ғаройиб таклифлар тугаб, таҳдидлар бошланди; лекин мени ҳар хил поралар билан йўлдан оздириш қанчалик қийин бўлса, қўрқитиш ҳам шунчалик мушкул эди, чунки мен чин ҳақиқатни гапираётган эдим; менда ҳеч қандай мактуб йўқ эди. Ахир уларни чопардан бериб юборган эдим-да. Ҳерцогиня қаттиқ газабланиб чиқиб кетди, бир йилгача ундан ҳеч қандай дарак бўлмади.

Бир йилдан кейин у яна келди, яна аввалги машмаша бошланди. Бу сафар мен унга ялиниб-ёлбориб, хотин, бола-чақаларимнинг кўзёшлари ҳаққи қамоқдан озод этинг, деб илтижо қилдим. Лекин наф бўлмади. У менга, агар мактубларни бермасангиз, сизни қамоқда чиритаман, деб айтди.

Бир кун менга берилган нон ичидан эгов чиқди. Демак муруватли соҳибим мени унутмабди. У мени бу зиндондан қутқариш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилганида ҳам — хоҳ ялиниб ёлборсин, хоҳ куч ишлатсин — барибир ҳеч нимага эриша олмас эди — зеро унинг ўзи мусофир юртда, қувғинда, руҳий изтиробда яшаётган эди. Шунга қарамай, коннетабль Бурбон турма нозири орқали менга эгов олиб кириб бериш учун Францияга ўз хизматкорини юборипти.

Мен деразага қопланган темир панжаранинг иккита симини эговладим; чойшабни йиртиб, ундан арқон эшдим-да, шу арқонга осилиб пастга туша бошладим. Лекин унинг учигача осилиб тушиб, оёғим билан пайпаслаб ерни топа олмадим: арқоним жуда калта экан. Шунда мен, э худо, ўзинг мадад бер, дедиму арқоннинг учини қўйиб юбориб, пастга тушиб кетдим; қалъани айланиб юрган тунги соқчилар мени оёғим синиб беҳуш ётган ҳолда топишди.

¹ Семблансе: барон (1457-1527) — Франциск I нинг хазинадори; хазинадаги ақчаларни жинояткорона харж қилгани учун айбланиб дорга осилган эди.

Шундан сўнг мени Шалон-на-Соне қалъасига жўна-тишди. У ерда қамоқнинг бир кишилиқ хужрасида икки йил ётдим. Пайимга тушган хоним икки йилдан кейин яна қошимга келди. Уша машъум мактублар унга ҳеч ором бермасди. Бу гал у мени қийнаб тилга киритиш ниятида ўзи билан жаллодни ҳам бошлаб келибди. Қийноқлар ҳам наф бермади! Ҳерцогиня яна ҳеч нимага эриша олмади, эришиши мумкин ҳам эмас эди-да. Ўзим ҳам фақат мактубларни ҳерцогнинг элчисига берганимни билардим, холос.

Бир куни сув тўлдирилган кўза ичидан бир ҳалта олтин чиқди. Демак олижаноб соҳибим содиқ қулини яна эслабди.

Бу пулга мен қамоқхона нозирини сотиб олдим... аниқроғи, у ярамас ўзини сотилган қилиб кўрсатипти. Ярим тунда у хужрам эшигини очди, мен йўлакка чиқдим. Унга эргашиб қамоқхона йўлакларидан кетиб борар эканман, ўзимни ҳалитдан озод деб ҳис қила бошладим, лекин шу пайт қаерданир пайдо бўлган икки соқчи бизга ташланиб, иккаламизнинг ҳам оёқ-қўлимизни боғлашди. Кейин билсам, воқеа бундай бўлган экан: аблаҳ нозир қўлимдаги олтинни кўриб, ўзини менга раҳм қилгандек кўрсатибди-да, чақимчилар учун бериладиган мукофотдан қуруқ қолмаслик учун, ниятимни қамоқхона маъмуриятига етказипти.

Шундан кейин мени Шатлега олиб келиб қамашди.

Савойялик Луиза бу ерда ҳам қошимга бир марта, яна ёнида жаллод билан келди.

Лекин энди мен учун ўлим таҳдиди қийноқлар ва ваъдалар олдида ҳеч гап бўлмай қолган эди. Қўлларимни боғлаб бўйнимга сиртмоқ солишди. Барибир жавобим ўша-ўша бўлди. Бундан ташқари, мен унга, агар мени ўлдирсангиз қамоли мурувват қилган бўласиз, зеро бу рафторингиз билан бахти қаро маҳбусни зиндон азобидан халос этасиз, деб айтдим.

Мана шу сўзларим ҳерцогиняни ёвуз ниятидан қайтарган бўлса ажаб эмас. Шундан кейин у хужрамдан жаллодни олиб чиқиб кетган эди.

Мен уни бошқа кўрмадим. Мурувватли соҳибимга нима бўлди экан? Савойялик ҳерцогиня тирикмикин? Билмайман. Шундан бери орадан ўн беш йилча вақт ўтди, бу пайт ичида мен қамоқхона нозиридан бошқа ҳеч ким билан гаплашганим йўқ.

— Икковлари ҳам ўлган, — деб жавоб қилди Жак.

— Ўлган! Менинг саховатли соҳибим ўлган денг! Ҳали унчалик кекса эмас эди-ку, атиги эллик икки ёшда эди! У нимадан ўлипти?

— У Римни қамал қилиш пайтида ҳалок бўлган, билишимча уни... — Жак: «Билишимча, уни менинг дўстларимдан бири ўлдирган», деб айтмоқчи бўлдию, лекин бу билан чолнинг нафратига учраши мумкинлигини ўйлаб, тилини тийиб қолди. Маълумингизки, Жак Обри яқиндан бери анчагина эҳтиёткор бўлиб қолган эди.

— Сиз «Билишимча», деб гап бошладингиз. Давом этинг,— деди маҳбус.

— Билишимча, уни Бенвенуто Челлини деган отиб ўлдирган.

— Йигирма йил бурун соҳибимнинг қотилига лаънатлар ўқиган бўлардим; аммо бугун уни чин қалбимдан дуойи хайр қиламан! Саховатли ҳерцог учун унинг рутбасига монанд мақбара қуришдимикин?

— Ҳа, шундай қилишди шекилли; унинг хоки Гаэта жомесига қўйилган. Қабри устига қўйилган тошга, бу ерга дафн этилган инсон олдида Буюк Искандар бор-йўғи бир саргузашт талаб, Цезарь эса — ўйинқароқ одам бўлгандир, деб ўйиб ёзилган.

— Хўш, иккинчиси-чи?

— Қанақа иккинчиси?

— Мени шу аҳволга солган аёлни айтяпман. Унга нима бўлди?

— У ҳам бундан тўққиз йилча бурун қафо қилди.

— Ўзим ҳам шундай ўйлаган эдим. Негаки, бир кун тунда кўзимга тиз чўкиб ибодат қилаётган аёлнинг шарпаси кўринди. Чинқириб юборган эдим, шарпа ғойиб бўлди. Бу ҳерцогиня эди — у мендан кечирим сўрагани келган эди.

— Демак, ҳерцогиня ўлими олдидан сизни кечирган — шундай деб ўйлаяпсизми?

— Ўйлайманки, у ўз руҳини поклаш учун шундай қилган.

— Лекин ундай бўлса, сизни озод қилишлари лозим эди-ку.

— Эҳтимол у аёл бу ҳақда фармон бергандир ҳам, лекин ҳеч ким назарига илмайдиган жайдари бир одам бўлганим учун, эҳтимол уруш туфайлидир, мени унутиб юборишган.

— Сиз ҳам ўлимингиз олдидан у аёлни кечирасизми?

— Мени кўтариб ўтқизиб қўйинг, йигитча, икковларини ҳам руҳларини тилга олиб, дуо қилмоқчиман.

Ўлим тўшагида ётган чол Жак Обри ёрдамида ўрнидан туриб ўтириб, то жони узулгунча уни меҳр билан эслаб турган ўз валинеъмати коннетаблини ҳамда мудом нафратланиб уни таъқиб қилган муваққат маликани дуо қилди.

Чол тўғри айтган экан: Жакнинг кўзлари оз-оздан қоронгига кўника бошлади, энди унинг кўзига маҳбуснинг оипоқ соқоли, кенг манглайли қартайган нуроний чеҳраси элас-элас кўрина бошлади.

Қария ибодат қилиб бўлиб, чуқур бир тин олди-да, ўзини тўшакка ташлади: у ҳушидан кетган эди.

Жак бу жафокашни ўлди деб ўйлади, лекин шунга қарамай, кўзадан кафтига сув олиб, чолнинг юзини ҳўлади. У ўзига келди.

— Сен, йигит, мени ҳаётга қайтариб яхши қилдинг. Шу яхшилигинг учун мана сенга мукофот.

— Нима бу?

— Ханжар.

— Ханжар?! Сиз қаердан олдингиз уни?

— Яхшилаб қулоқ сол: бир куни нозир менга нон билан сув олиб келганида қўлидаги фонусни тасодифан девор тагига сурилган курсига қўйган эди. Шунда мен девордаги бир тошнинг хиёлгина туртиб чиқиб турганини, унга аллақандай ҳарфлар тирнаб ўйилганини кўриб қолдим-у, лекин ўқишга улгура олмадим. Елғиз қолганимдан кейин, ўша тошни синчковлик билан пайпаслаб-пайпаслаб, ахири унга «қасоскор» деб ёзилганини аниқладим. Бу қандай маънони билдирарди? Шунда мен ўша тошни қўлим билан тортиб олмоқчи бўлдим. Тош худди кекса одамнинг тишидек лиқиллаб турар эди. Мен анча-мунча ҳаракат қилиб, ниҳоят тошни суғуриб олдим, шу заҳоти тош ўрнида ҳосил бўлган кавакка қўлимни тикдим. Мана шу ханжарни ўша кавакдан олган эдим. Ана шунда бутун вужудимни озодликка чиқиш истаги қамраб олди. Мен қўшни ҳужрага йўл очиш ва у ердаги нотаниш маҳбус билан биргаликда қамоқдан қочиш режасини тузишга аҳд қилдим. Майли. Бу аҳдимдан ҳеч нима чиқмасин, лекин ҳарҳолда ер кавлаш, лаҳим қазиш ҳам бекорчиликда эрмак-ку! Мана, сиз ҳам, йигитча, қамоқда мен ётганчалик ётсангиз, ҳибсда ўтадиган вақтдан бешафқатроқ душман йўқлигини англаб оласиз!

Жак Обри бир сесканиб тушди.

— Лекин сиз кўзлаган ишингизни амалга оширдингизми? — деб сўради у.

— Ҳа, у иш мен ўйлагандан анча осон бўлиб чиқди. Бу ерда жуда кўпдан бери ётаман, шунинг учун ҳеч ким мени қочади деб ўйламайди. Менга мутлақо эътибор бермай қўйишган; анави остона нимаю мен нима — уларга барибир. Коннетабль ҳам, муваққат малика ҳам ўлиб кетишипти. Улардан бошқа ким ҳам мени эсларди, дейсиз? Бу ердагилар Этьен Ремон деган исми ҳатто эшитишмаган ҳам. Бу менинг исмиим эканлигини ҳеч ким билмайди.

Жак исми мутлақо унутилган, бутун умри хазон бўлган бу инсон ҳақида ўйларкан, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — деб сўради.

— Кейинми? Бир йил муттасил ер кавладим, — деб гапида давом этди маҳбус. — Натижада девор остидан одам эмаклар ўтса бўладиган лаҳим қазिशга муваффақ бўлдим.

— Кавлаб чиқарган тупроғингизни қаёққа ташладингиз?

— Ерга ёйиб, оёгим билан роса шиббаладим.

— Қаерда ўша туйнук?

— Чорпоя тагида. Уни жойидан кўзгатиш ўн беш йилдан бери ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Нозир бу ерга ҳар куни фақат бир марта киради. Эшик «шиқ» этиб қулфланиб, йўлақда оёқ товуши эшитилмай қолиши билан мен чорпояни суриб қўйиб ишга киришаман. Унинг келадиган пайти яқинлашганида, яна чорпояни ўрнига суриб қўяман-да, унга ётиб оламан... Мана, ўтган куни ётдим-у, бошқа тура олмай қолдим. Мадорим қолмади, умрим тугади. Сенга оқ фотиҳа бераман, йигитча! Жон қазо қилишимда менга кўмаклашасан, мен бўлсам сени ўз ворисим қилиб қолдираман.

— Ворисингиз? — ажабланиб сўради Жак.

— Ҳа, мен сени мана шу ханжарга меросхўр қиламан. Жилмайпсанми? Ахир маҳбус учун бундан қимматлироқ мерос бўлиши мумкинми? Эҳтимол мана шу ханжар туфайли эркка мушарраф бўларсан.

— Ҳақ гапни айтдингиз, миннатдорман сиздан, — деди Жак. — Лекин қазилган лаҳимингиз қаёққа олиб боради?

— Мен охиригача бора олмадим, илло сезишим-

ча — манзил яқин қолган. Кеча қўшни хонадаги овозларни эшитдим.

— О, қойил-у! Сиз ўйлайсизки...

— Ўйлашимча, атиги бир неча соатлик иш қолган.

— Ташаккур! — деди Жак Обри. — Маннатдорман!

— Энди руҳоний отани чақиртир... Мен тавба-тазарру қилмоқчиман, — деди жони узилаётган маҳбус.

— Хўп, отам! Улар жон қазо қилаётган одамнинг илтимосини рад қилолмасалар керак.

Жак эшик олдига югуриб бориб (унинг кўзлари энди қоронғиликка анча кўникиб қолган эди), уни ҳам қўли, ҳам оёги билан тапиллата, тепа бошлади.

Нозир кирди.

— Хўш, нима тўполон? — деб сўради у. — Нима дейсиз?

— Ҳамхонам қариянинг жони узиляпти, — деди Жак, — руҳоний отани сўраяпти. Наҳотки илтимосини рад қилсанглар?

— Ҳм... — деб тўнғиллади нозир. — Бу ерда ётган ҳамма жинояткор қароқчилар руҳонийни талаб қиладиган бўлса, унда нима бўлади?.. Ҳа, бўпти, руҳоний ота келади.

Дарҳақиқат, ўн дақиқалардан кейин қўлида муқаддас эҳсонлар билан руҳоний кириб келди. Унинг олдида икки шогирд бола: бири хоч, бири — қўнғироқча кўтариб олганди.

Улими олдидан худога сигиниб, наинки ўз руҳини поклашни ўйлаган, балки ўз ситамгарларининг гуноҳидан ўтишни ҳам илтижо қилган бу беайб жафокаш банданинг тавба-тазарруси бағоят улуғвор манзара касб этди.

Жак Обри, ҳар нарсага таъсирланаверадиган одам бўлмаса ҳам, тиз чўкиб, болалигида ёдлаган дуоларни беихтиёр эслай бошлади.

Тавба-тазарру тугагач, руҳоний отанинг ўзи ўлаётган чол қаршисига тиз чўкиб ундан оқ фотиҳа сўради.

Мўйсафиднинг чеҳраси нуроний табассум билан мунаввар бўлди, бундай табассумни фақат арши аълога рихлат этаётганлардагина кўриш мумкин; сўнг у қўлларини руҳоний билан Жак Обрининг бошлари узра чўзди, шу алфозда чуқур бир нафас олдию ёстиққа йиқилди. Бу унинг охирги нафаси эди.

Руҳоний ота дастёр болалар кузатувида чиқиб кетди,

шунда шамларнинг заиф шуъласи билан бир зумгина ёритилган хонани яна зулмат чулғаб олди.

Жак Обри марҳум билан ёлғиз қолган эди.

Бундай нохуш шароитда кишининг кўнглига энг оғир хаёллар келади... Ахир ҳозир унинг ёнида ётган одам бегуноҳ ҳибс этилиб ўн беш йил муттасил қамоқда ётган эди; хайриятки, мана, бугун энг буюк ҳалоскор — ўлим келиб, уни ўз бағрига олдию у барча азоблардан қутулди.

Қувноқтабиат Жак Обри ўзини таний олмай қолган эди. У ҳаётида биринчи марта бундай улугвор ва нохуш жумбоққа рўпара келган, биринчи марта турмушнинг талх сирларини идрок қилишга, гунг ўлимнинг энг теран гўшаларини ўз кўзи билан кўришга уринган эди...

Кейин унинг қалбида худбинлик туйғуси уйғонди: у ўзи ҳақида, киши қаддини букувчи, уни майиб қилиб ўлдирувчи қирол эҳтирослари гирдобига ўзининг ҳам мана шу қария сингари тушиб қолгани тўғрисида ўйлай бошлади. У ҳам, Асканио ҳам мана шу Этьен Ремонга ўхшаб ер юзидан буткул ғойиб бўлишлари мумкин. Ким ҳам уларнинг ташвишини қиларди? Фақат Жервезаю Бенвенуто Челлини, холос...

Аммо Жервеза нотавон қиз — унинг қўлидан фақат кўзёш тўкишгина келади; Бенвенуто бўлса қанча урингани билан Асканионинг олдига — қалъага кира олмаганини ҳикоя қилиб, ўзининг ночор аҳволга тушиб қолганини эътироф этди. Қамоқдан қутулиш учун бирдан-бир имконият, ягона умид — чол мерос қилиб қолдирган ханжар эди.

Жак уни қўйнига яширди ва шу заҳоти, гўё унинг ғойиб бўлиб қолишидан кўрққандек, ханжарнинг дастасини жон-жаҳди билан чангаллади.

Шу пайт эшик очилиб, қамоқхона ходимлари мурдани олиб кетгани киришди.

— Қачон овқат олиб келасизлар? — деб сўради Жак. — Қорним очди.

— Икки соатдан кейин, — деб жавоб қилди нозир. Шундан сўнг талаба хужрада ёлғиз қолди.

Ун бешинчи боб

ҲАЛОЛ УҒРИ

Обри то овқат келгунча бўлган икки соат мобайнида курсида қимир этмай ўтирди. У хаёлот гирдобига шу

қадар ғарқ бўлган эдики, ўрнидан қўзғолишга ҳам мажоли йўқ эди.

Нозир айтилган пайтда нон билан сув олиб келди — Шатле аҳлининг тилида бу нарса тушлик деб аталарди.

Талаба марҳум маҳбуснинг, хона эшиги бир кунда бир марта очилади, деб айтган гапини эслади; шунга қарамай, у яна узоқ вақт жойидан жилмади, чунки чолнинг ўлими муносабати билан ҳибсхона тартибида ўзгариш юз бериши ҳам мумкин, деб хавотирланган эди.

Кейин у ҳужранинг кичик дарчасига қараб, ташқарида қоронғи туша бошлаганини кўрди. Унинг бугунги куни ниҳоятда серташвиш бўлган эди: эрталаб ҳакамнинг сўроғи; чошгоҳда Мармань билан дуэль; соат бирда қамоқ; соат учда — маҳбус ҳамсоясининг ўлими, энди бўлса зудлик билан қочиш тараддуди.

Инсон ҳаётида бундай кунлар камдан-кам бўлади.

Жак оҳиста ўрнидан туриб, эшик тагига борди, ташқарига қулоқ солди. Сукунат... Кейин у, чанг бўлмасин, деб камзурини ечиб чорпояни четга сурди, ўрани кўриб, худди илондек унга сирғалиб тушди.

Кўз олдида узунлиги саккиз футча келадиган торгина лаҳим пайдо бўлди, лаҳим девор остидан ўтиб, нариги томонда кескин юқорига кўтарилган эди.

Жак ханжарни биринчи марта зарб билан урган даёқ, ернинг пўкиллашидан, кўзланган манзилга — ер юзасига чиқишига оз қолганини тушунди. Лекин қаердан, кимнинг олдидан тешиб чиқаркин? Бу саволга фақат сеҳргаргина жавоб бера олиши мумкин эди.

Нима бўлганда ҳам, Жак, иложи борича товуш чиқармай, зўр ғайрат билан ишлай бошлади. У вақти-вақти билан ҳужрасига қайтиб, кавлаган тупроғини ерга ёяр, сўнг яна лаҳимга кириб қазишни давом эттирар эди...

... Бу ёқда Обри иш билан банд бўлган пайтда, Асканио ғамга ботиб Коломбани ўйлаб ўтирарди. Унинг ҳам Шатледа эканлигидан, худди Обрига ўхшаб бир кишилиқ қамоқда ётганлигидан китобхоннинг хабари бор. Фақат у ётган хона ё тасодифан, ёки ҳерцогинянинг фармойишига кўра, Обри ётган ҳужра даража-сида шир яланғоч, шумшук эмас эди.

Аммо ҳибсда ётган одам учун қулайликнинг бор-йўқлиги барибир эмасми! Нима бўлганда ҳам Ас-

канио ҳибсхонада-ку. Маҳбуслик эса, унинг ўз маҳбубасидан жудо бўлганини билдиради. Унга ҳозир Коломба етишмасди; йигит учун у қиз дунёда ҳамма-ҳамма нарсадан ҳам, ҳаттоки озодликдан, ҳаётдан ҳам азиздек ҳилқат эди. Агарда ҳозир у Асканионинг ёнида бўлганида, улар учун қамоқ жаннат монанд ўлкага, афсонавий қасрга айланган бўларди.

Асканио кейинги пайтларда қандай хушбахт эди-я! Кундузлари у маҳбубаси ҳақида ўйлар, кечалари унинг ёнида ўтираркан, ширин хаёлларга бериларди; ўшанда бу саодатли кунларнинг интиҳоси йўқдек туюлган эди унга. Бироқ у ўзини дунёда энг бахтиёр одам деб ҳисоблаган пайтларида ҳам, шубҳа ўзининг ўткир тирноқларини унинг қалбига ништардек ботирар эди. Шунда у худди ўлим таҳдид солаётган одамдек, шоша-пиша истиқбол ҳақидаги ваҳимали ўйларини бошидан соқит қилар ва бугунги кун неъматларидан имкон борича кўпроқ лаззатланишга ҳаракат қиларди.

Мана, энди у ўз қамоғида ёлғиз ўтирипти. Коломба олисда. Ким билсин, балки у қизни монастырга тиқишгандир, энди ўша ғурбатхонадан фақат манфур графнинг хотини бўлиб чиқар...

Шўрпешона севишганларга энг мудҳиш хавф таҳдид солаётган эди: д'Этамп хонимнинг шахвоний ҳирси Асканиони, граф д'Орбекнинг мансабпарастлиги Коломбани хуфиёна кўз остига олган эди.

Асканио ёлғиз қолгач, бутунлай руҳи тушиб кетди. У мудо кучли бир одамнинг мададига муҳтож бўлган юмшоқ табиат одам эди. У бўроннинг илк бор уфуришидаёқ худди латиф ва нозик гулдек бошини ҳам қилди, энди офтобнинг ҳаётбахш шуъласигина уни қайта жонлантира олиши мумкин эди.

Агар қамоққа Бенвенуто тушганидами, биринчи галда ётган хонасининг эшиги, девори ва ерини синчиклаб текшириб чиқар эди; унинг ўткир ва саркаш ақли ҳибсдан қутулиб чиқиб кетиш иложини топиш учун тинимсиз ишлаган бўларди. Лекин Асканио чорпояга ўтирдию бошини ҳам қилганча пичирлаб Коломбанинг номини тилга олди, холос. У дарчасига уч қават темир панжара ўрнатилган бу хонадан қочиш, олти фут қалинликдаги деворни тешиш мумкинлиги ҳақида ҳатто ўйламади ҳам.

Асканио ҳибс этилган хонанинг Жак Обри ётган ертўла сингари ғариб эмаслигини биз юқорида айтиб

Ўтган эдик; бу ерда чорпоя, стол, иккита стул бор бўлиб, ерига эса эски бордон тўшалган эди. Бундан ташқари, девордаги махсус тош токчада шамчироқ ёниб турар эди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу хона имтиёзли жиноятчилар учун мўлжалланган эди.

Бу ердаги маҳбусга бериладиган овқатда ҳам анча фарқ бор эди: Жақка кунига бир марта нон билан сув берилса, бу ерда Асканиога икки марта овқат бериларди; аммо бу имтиёзнинг салбий томони бор эди, яъни қамоқхона нозирини ҳам кунига бир эмас, икки марта кўришга тўғри келар эди. Қолаверса, Шатле маъмуриятининг ғамхўрлигини эътироф этиб, шуни ҳам айтиш керакки, бу хонадаги маҳбусга бериладиган овқат унчалик жирканч эмас эди.

Валекин қамоқхона ҳаётининг бу томони Асканиони мутлақо қизиқтирмас эди: у қалби худди аёлларники сингари мулойим табиат йигитлардан эдики, одатда бундайлар фақат гул атриу эрталабки нафис шудринг билан ҳаёт кечирарди, деб ўйлаш мумкин эди. Ўз хаёлларига бутунлай ғарқ бўлган Асканио бир-икки тишлам нон еб, устидан бир неча қултум май ичди, сўнг яккаю ягона маҳбубаси Коломба билан биттаю битта таянчи Бенвенуто ҳақида ўйлай бошлади.

Тўғриси, Асканио шу пайтгача ҳеч ниманинг ташвишини қилмай яшади: ҳамма нарсага Челлини бош қотирар эди, йигит эса ҳеч ниманинг ғамини емай, энг ноёб санъат дурдоналарини яратар ва Коломбани севарди. У маҳобатли дарахт шоҳидаги мевага ўхшар ва ана шу дарахтдан шарбат эмиб яшарди.

Ҳатто ҳозир ҳам, ўзининг мутлақо ночор аҳволга тушиб қолган бўлишига қарамай, устозига бўлган ишончининг чеки йўқ эди. Агарда йигитни ҳибсга олишган ёки Шатле қалъасига олиб кетишаётган пайтда, у Бенвенутони кўриб қолсаю Бенвенуто унинг қўлини сиқиб: «Кўнглингни тўқ тут, ўғлим, сени ҳам, Коломбани ҳам ўзим муҳофаза қиламан», деса борми, Асканио бу ерда хотиржам ўтираверарди, чунки уни тасодифан домига олган қамоқнинг бу эшик ва панжаралари бир кун келиб албатта ланг очилишига ишонган бўларди. Лекин Бенвенуто ўз Стефанасининг ўғли бўлмиш севикли шогирдининг қамоқда азоб чекаётганидан беҳабар. Ҳатто бу ҳақда Фонтенблога хабар қилиш битта-яримтаниннг хаёлига келган тақдирда ҳам, у ерга бориб келиш учун камида икки

кеча-кундуз вақт керак: бу вақт ичида Асканио билан Коломбанинг душманлари қўлидан кўп ёвузликлар келиши мумкин.

Шундай қилиб, дўстининг мададидан умидини узган Асканио ҳибсдаги биринчи куннинг қолганини ва бутун тунни бедор ўтказди; у гоҳ хона ичида уёқдан буёққа танда қўяр, гоҳ яна ўтирар, гоҳ ўзини устига топ-тоза чойшаб ёзилган чорпоёга отарди.

Шу куни кечгача, кечаси, эртаси куни эрталаб, агар қамоқхона нозирининг, одат бўйича, овқат олиб кирганини ҳисобга олинмаса ҳеч қандай воқеа содир бўлмади.

Лекин маҳбуснинг тахминича, кундузи соат иккиларда қулоғига шу яқин ўртадан жуда заиф пичирлаган овоз эшитилгандай бўлди: сўзлар аниқ эшитилмаган бўлса ҳам, у одам овози эканлиги аниқ эди. Асканио қулоқ солиб турди, сўнг овознинг қаёқдан келаётганини тахминан аниқлаб, хона бурчагига борди-да, жимгина қулоғини деворга тутди, кейин ётиб ерга тутди. Пичирлаган овоз, назарида, ер тагидан келаётгандай эди. Демак, унинг хонаси билан қўшни хонани юпқа девор ажратиб турган бўлиши керак.

Икки соатлардан кейин овоз ўчиб, яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Кейин тун ярмида яна қандайдир шарпа эшитила бошлади, лекин энди бу одам овози эмас, балки гурсиллаган овоз эди — гўё кимдир чўкич билан тош йўнаётганга ўхшарди. Бу овоз ҳам ўша бурчакдан келаётган эди; гурсиллаш бир зум ҳам тинмас, тобора аниқроқ эшитиларди.

Асканио ўз хаёллари оғушида бўлса ҳам бу аломат овоз унинг диққатини тортди: у овоз келаётган бурчакдан кўзини узмай ўтирарди. Вақт алламаҳал бўлган, тун яримдан оingan эди, лекин Асканио кечаги тунни бедор ўтказган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам уйқуни хаёлига келтирмади.

Гурсиллаш давом этарди; бундай бемаҳалда қамоқхонада қурилиш иши олиб борилаётганига ишониш қийин эди; чамаси, биронта маҳбус қамоқдан қочиш учун лаҳим қазийётган бўлса керак. Асканио, шўрлик маҳбус лаҳим қазилани тугатиб, озодликка чиқиш ўрнига ўзини шу қамоқхонанинг бошқа ҳужрасида кўради, деб ўйларкан, аламли жилмайиб қўйди...

Бора-бора гурсиллаш шу қадар қатиқ эшитила

бошладики, Асканио қўлига шамчироқни олиб, бурчакка югуриб борди. Худди шу пайт хона бурчагида ер аввалига кепчиб кўтарилди, сўнг палахса-палахса бўлиб кўчиб, ўша ерда ўра ҳосил бўлди, ундан одам боши чиқиб келди.

Асканио аввалига бу тасодифдан, кейин эса севиниб кетганидан чинқириб юборди, лаҳимдан бош чиқарган одам ҳам унинг қувончига шерик бўлди: бу одам Жак Обри эди.

Асканио шу заҳоти Жакнинг ўрадан чиқишига кўмаклашди, дўстлар маҳкам қучоқлашиб кўришишди.

Турган гапки, икки ўртоқ ўртасидаги дастлабки савол-жавоблар пойинтар-сойинтар бўлди, лекин улар узук-юлуқ гаплар билан ҳол-аҳвол сўрашишгандан кейин, фикр ва мулоҳазаларини тартибга келтириб, юз берган воқеани таҳлил қила бошладилар. Асканионинг айтадиган гапи деярли йўқ бўлса ҳам кўп нарсани билиши лозим эди.

Жак Обри ўзи кўрган-билган ҳамма воқеани: Бенвенуто билан бирга Нель қасрига кириб боргани борми, у ерда икковлари Асканионинг ҳибс этилиб, Коломбанинг ўғирлаб кетилганини эшитганлари борми, шунда Бенвенутонинг худди телба одамдек устахонага отилгани ва: «Қани, тезроқ, тезроқ ишга киришинглар!» — деб бақиргани борми, ўзининг, яъни Жак Обрининг Шатле қалъасига кирмоқчи бўлгани борми — ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берди. Шундан кейин Нель қасрида нималар бўлганини у билмас эди.

Обри, минг урингани билан Шатлега кира олмагани, Жервеза билан қилган суҳбати, ҳакамнинг сўроғи, йигирма су жарима тўлашдан бош товлагани учун қарздорлар қамоғига ҳукм қилингани, кейин жаримани тўлаб, Шатлега кира олмаганидан руҳи тушиб кўчада кетаётганида ниҳоят Мармань билан тўқнашгани ва ундан кейин юз берган ҳодисаларни: то лаҳим қазини ниҳоясига етказиб, ўзини шамчироқ ушлаб турган Асканионинг ғира-шира ёритилган ҳужрасида кўрганигача бўлган барча воқеани сўзлаб берди.

Шунда дўстлар яна қучоқлашиб кўришиб, ўпишдилар.

— Энди, мен сенга айтсам, Асканио, бир дақиқа вақтни ҳам пайсалга солмаслигимиз керак.

— Олдин менга шуни айт: Коломба қаерда, унга нима бўлган? — деб сўради Асканио.

— Коломбами? Унинг тўғрисида ҳеч нима билмайман; эҳтимол у д' Этамп хонимникидадир.

— Д' Этамп хонимникида? — деб чинқириб юборди Асканио. — ўз рақибасиникида-я?

— Демак, ҳерцогинянинг сенга ишқи тушгани ҳақидаги гаплар тўғри экан-да?

Асканио қизариб кетди ва дудмолланиб бир нималарни гўлдиреди.

— Э, бунинг нимасига уяласан! — деб ажабланди Жак. — Азбаройи шифо, бунақа бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Буни қара-я: ҳерцогиня севиб қолипти! Тагин кимсан — қиролнинг шахсий маъшукиси Урнингда мен бўлганимда, асло юз ўгирмаган бқлардим. Ҳай, асосий гапга ўтайлик.

— Ҳа-ҳа, — деб қўшилишди Асканио, — Коломба ҳақида гаплашайлик.

— Коломба ҳақида? Э, йўқ, яхшиси мактуб тўғрисида гаплашамиз.

— Қанақа мактубни айтяпсан?

— Ҳерцогиня д' Этампнинг сенга ёзган мактубини-да.

— Менда ҳерцогинянинг мактуби бор, деб сенга ким айтди?

— Бенвенуто Челлини.

— Нима учун буни у сенга гапирди?

— Нимагаки, ҳерцогинянинг ўша мактуби унга керак бўлиб қолипти, унга ўша мактуб жуда-жуда зарурмиш; шунинг учун ҳам мен у мактубни қўлга киритишга бел боғладим; очиги, ҳозир сенга ҳикоя қилиб берганим саргузаштларимнинг ҳаммаси ўша мактуб туфайли бўлди!

— Бенвенуто ўша хат билан нима иш қилмоқчи ўзи? — деб сўради Асканио.

— Қаёқдан билай! Мен ҳеч нима билмайман, билишни ҳам истамайман. Бенвенутога мактуб керак экан, шунинг учун уни қўлга киритишга аҳд қилдим, вассалом. Улиб-тирилиб ҳаракат қилиб мени қамашларига муваффақ бўлдим, ниятим холис экан, мана, сени қидириб ҳам топдим. Қани, мактубни бер, мен уни Челлинига элтиб бераман. Хўш!.. Ие, нима бўлди?

Жак Асканионинг бирдан тумтайиб олганини кўриб бў саволни берган эди.

— Э, шўрлик Жак! — деди Асканио.— Бекорга овора бўлибсан.

— Нега энди бекорга бўларкан? — деб чинқириб юборди Обри.— Нима, мактуб йўқми сенда?

— У шу ерда, чўнтагимда,— деб жавоб қилди.

— Бўлмаса, нима қилиб турибсан? Қани, берақол, мен уни Бенвенутога олиб бориб берай.

— Йўқ, бермайман, Жак!

— Нега энди?

— Чунки бу хатнинг Бенвенутога нима учун керак бўлиб қолганини билмайман.

— Ахир у шу хат ёрдамида сени қутқармоқчи.

— Яна, эҳтимол, ҳерцогиня д' Этампи бадном қилмоқчи ҳамдир? Йўқ, Жак, мен ҳеч қачон аёл киши билан курашишга рози бўлмайман.

— Ахир ўша аёл сени нобуд қилмоқчи-ку, Асканио; у сени ёмон кўради! Йўқ, янглишдим, у сени яхши кўради.

— Сенингча, мен, Жак, шундай ҳиссиётга жавобан...

— Аммо сен уни севмайсан-ку. Ҳерцогинянинг яхши кўришиям, ёмон кўришиям сенга барибир эмасми? Ундан кейин, мана шу можароларнинг сабабчиси ҳам ўша аёл-ку, ахир!

— Бу билан нима демоқчисан?

— Айтмоқчиманки, сени ҳибсга олиш ҳам, Коломбани ўғирлаб кетиш ҳам ҳерцогинянинг буйруғи билан бўлган.

— Ким айтди сенга?

— Ҳеч ким айтгани йўқ. Лекин ундан бошқа ким ҳам қилиши мумкин.

— Прево-чи? Граф д' Орбек-чи? Мармань-чи? Ахир унга ҳамма гапни ўзинг оғзингдан гуллаб қўйган экансан-ку.

— Эҳ, Асканио, Асканио,— деди дўстига гап уқдиролмаслигига кўзи етган Жак алам билан,— ўзинг ўз бошингга етаясан!

— Улганим яхши разиллик қилганимдан кўра.

— Бунинг нимаси разиллик, ахир ҳамма ишни Бенвенуто Челлинининг ўзи амалга оширмоқчи-ку!

— Қулоқ сол, Жак,— деб гап бошлади Асканио,— лекин айтадиган гапларимдан кўнглинг ранжимасин. Агарда сенинг ўрнингда Бенвенуто Челлинининг ўзи бўлсаю у менга: «Д' Этамп хоним сенинг душманинг

— унинг амри билан сени ҳибсга олишди; Коломбани ҳам ўғирлаб кетган, уни граф д' Орбекка турмушга бериш мақсадида яшириб қўйган ҳам шу ҳерцогиня. Лекин мен Коломбани фақат сендаги мактуб ёрдамида халос этишим мумкин», — деса, шунда ҳам мен қиролга кўрсатмаслик ҳақида Челлинига олдин қасам ичириб, кейин унга хатни берардим. Аммо Бенвенуто бу ерда йўқ, қолаверса, бошимизга тушган бу мусибатларнинг сабабчиси ҳерцогиня эканлигига мутлақо ишонмайман. Бундан ташқари, мактубни сенга ишониб топшира олмайман. Мени кечир, азизим Жак, сен жуда енгил-таксан, буни ўзинг ҳам биласан.

— Азбаройи худо, Асканио, битта кечаги куннинг ўзида мен ўн ёш катта бўлгандекман!

— Сен мактубни йўқотиб қўйишинг мумкин, Жак, ёки, гарчи ниятинг холис бўлса ҳам, эҳтиётсизлик қилиб, ундан бемаврид фойдаланиб қўйишинг мумкин. Йўқ, мактуб ўзимда бўлгани маъқул!

— Ахир ўйласанг-чи, қадрдон дўстим, сени фақат шу мактуб халос этиши мумкин, деб айтяпти Бенвенуто!

— Йўқ, Жак, Бенвенуто мени шу мактубсиз ҳам қутқара олади. Зеро қирол Юпитер ҳайкали тайёр бўлгандан кейин устознинг ҳар қандай хоҳишини бажаришга ваъда берган — бу ҳазилакам гап эмас. Шу боис, Бенвенутонинг югуриб-елиб: «Тезроқ, тезроқ ишга киришинглар!» — деб чинқиргани, сен ўйлагандек, унинг телба бўлганидан эмас, балки мени қутқариш учун иш бошлаганидан далолат беради.

— Бордию Юпитер ҳайкали муваффақиятсиз чиқса-чи? — деб сўради Жак.

— Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! — деб жавоб қилди Асканио.

— Айтишларича, ҳатто энг маҳоратли француз ҳайкал қуювчиларининг иши ҳам нобоп чиққан пайтлар бўлган экан.

— Сизларнинг ўша маҳоратли ҳайкал қуювчиларингиз Бенвенутонинг олдида ношуд бир шогирддек гал.

— Ҳайкални қуйиш учун неча кун керак бўлади?

— Уч кун.

— Ҳайкални ўз ўрнига олиб бориб ўрнатиш яна қанча вақтни олади?

— Бунга ҳам уч кун кетади.

— Демак, бир ҳафта! Бордию бу орада ҳерцогиня Коломбани граф д' Орбекка тегишга мажбур қилса-чи?

— Коломбанинг тақдирига хўжайинлик қилишга д' Этамп хонимнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Ундан кейин, Коломбанинг ўзи ҳам ҳеч қачон бунга розилик бермайди.

— Ҳай, шундай ҳам бўлсин. Лекин Коломба, фарзанд сифатида превога итоат этиши шарт, прево бўлса, содиқ фуқаро сифатида қиролга тобедир. Қирол превога амр этади, кейин прево — Коломбага буюради, вассалом.

Асканионинг ранги қув ўчиб кетди.

— Ол, ана, Бенвенуто сени бир ҳафтадан кейин озод қила олди ҳам дейлик, лекин бу орада Коломбани бошқа одамга эрга бериб юборишлари мумкин. Унда сенга озодликнинг нима ҳожати бор?

Асканио қўлини кўтариб Жак Обрининг бу гапидан пешонасида пайдо бўлган совуқ тер томчиларини артди, иккинчи қўли билан чўнтагидаги мактубни олмоқчи бўлди. Жак дўстининг рози бўлганига мутлақо ишонган эди, лекин шу пайт Асканио гўё кўнглида пайдо бўлган шубҳани даф қилмоқчи бўлгандек бошини қатъий бир тарзда силкитди.

— Йўқ! — деди у кескин оҳангда. — Хатни мен фақат Бенвенутонинг ўз қўлига бераман... Яхшиси, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик.

Бу гапни у шундай оҳангда гапирдики, ортиқ тихирлик қилишдан ҳеч бўлмаса ҳозир, ҳеч қандай наф чиқмаслиги яққол сезилиб турар эди.

— Бошқа нарсалар тўғрисида эртага гаплашсак ҳам бўлаверади, — деди Обри, чамаси, у қандайдир бир муҳим қарорга келган эди. — Биласанми, дўстим, бу ерда ҳали бир оз вақт қолиб кетсак керак, деб қўрқаман. Қолаверса, кечаги ҳаяжонлару тунги ер қазидан кейин сал-пал дам олсам ёмон бўлмасди. Хўп, бўлмаса, мен ўз ҳужрамга ўтай. Мени кўргинг келса чақирарсан. Фақат туйнук оғзига бордон ташлаб қўй, тагин битта-яримта хуфия йўлимизни пайқаб қолмасин. Хўп, хайр, яхши тушлар кўр! Эрталаб бир иложини қилармиз. Шояд эртага сал мулоҳазалироқ бўлиб қолсанг.

Шу гаждан сўнг Жак Асканио билан бошқа

гаплашишни хоҳламай, оҳиста лаҳимга тушди ва эмаклаганча ўз ҳужрасига йўл олди.

Буёқда Асканио дўстининг маслаҳатига амал қилди: Жак кўздан ғойиб бўлиши билан бордонни судраб келиб ўра оғзини беркитди ва бу билан икки ҳужра оралиғидаги йўлнинг изини йўқотди. Кейин камзулини ечиб стулга илди-да, чорпога узала тушиб ётиб, бир зумда ухлаб кетди: жисмоний ҳорғинлик руҳий изтироблардан устун чиққан эди.

Жак Обрининг уйқуга эҳтиёжи Асканионикидан кам бўлмаса ҳам, у курсига ўтириб олиб фикр юрита бошлади. Китобхонга маълумки, фикр юритиш унинг табиатига хос эмас эди. Лекин ҳозир Жак, ўз феълига зид ўлароқ ниҳоятда муҳим масалани ҳал қилаётган бўлса керак.

Талаба ўн беш-йигирма дақиқа хаёлга чўмиб ўтирди, кейин аста-секин ўрнидан туриб, ҳар қандай шубҳа, гумонларни бартараф қилган одамдай, ерости йўлаги томон салобат ва қатъият билан юриб бориб, яна унга шўнғиди, эмаклаб юриб лаҳимнинг нариги чеккасига борди, боши билан бордонни хиёл кўтарди, Асканионинг маст уйқуда ётганини кўриб севиниб кетди — у ўз ишини мутлақо товуш чиқармай бажарган эди.

Жак Обрига фақат шу керак эди. У янада камоли эҳтиёткорлик билан ўрадан чиқди, нафасини ичига ютиб, камзул осилиб турган стулга яқинлашди ва кўзини ухлаб ётган дўстидан узмаганча, унинг чўнтагидан Челлини орзу қилган бебаҳо мактубни олди. Кейин у конвертдан мактубни чиқариб, ўрнига ўзи Жервезадан олган ва худди ҳерцогинянинг мактуби сингари букланган хатни солди «Агар Асканио,— деб ўйлади у,— хатни олиб ўқимаса, унинг ўзгартирилганини пайқамайди».

Сўнг у яна хандақ оғзига оёқ учиди юриб бориб, бордонни оҳиста кўтарди-да, пастга шўнғиди ва опера театрининг саҳнасига чиққан арвоҳдек зумда ғойиб бўлди.

Жак жуда вақтида кетган экан, зеро у ўз ҳужрасига етиб бориши ҳаманоқ, дўсти ётган хонанинг эшиги гижирлаб очилганини ва Асканионинг чўчиб уйғониб кетган одамдек чинқириб юборганини эшитди:

— Ким у?

— Қўрқманг,— деб жавоб қилди мулоийм аёл овози.— бу мен, дўстингизман.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, камзулини ечиб ухлаб ётган Асканио ўрнидан туриб ўтирди; овоз унга танишдай туюлганди, липиллаб ёниб турган шамчи-роқнинг хирагина ёруғида у юзига тўр тутган аёл кишини кўрди. У аёл чорпоя олдига аста юриб келиб, юзидаги тўрни кўтарди. Асканио янглинмаган экан: бу д'Этамп хоним эди.

Ўн олтинчи боб

УШБУ БОБДА ФАҚИР БИР ҚИЗНИНГ ХАТИ ҲАМ, АГАР ЕНДИРИЛСА, ҲЕРЦОГИНЯНИНГ МАКТУБИДАН КАМ АЛАНГА БЕРМАСЛИГИ ҲАҚИДА БАЕН ҚИЛИНАДИ

Анна д'Этампнинг латофатли, тароватли чехрасида ҳам ҳасрат, ҳам ҳамдардлик акс этарди. Асканио буни кўриб таъсирланиб кетди, натижада ҳерцогиня оғиз очишга улгурмасиданоқ, ўзи билан Коломбанинг бошига тушган бахтсизликларда хонимнинг қўли йўқ, деган қарорга келди.

— Учрашган жойимизни қаранг-а, Асканио! — деди д'Этамп хоним ўзининг ёқимли овози билан. — Мен сизга қасрлар армуғон қилмоқчи эдим, ваҳолонки, зиндонда кўриб турибман.

— Оҳ, хоним афанди! — деди йигит. — Демак, бошимизга тушган кулфатларга чиндан ҳам сизнинг дахлингиз йўқ экан-да?

— Мендан шубҳа қилишга уялмадингизми, Асканио! — деди ҳерцогиня. — Мендан нафратланганингизнинг сабабини энди тушундим, бунақада, мен яхши билган одам ҳали ҳам мени яхши билмас экан, деб афсусланишдан ўзга иложим йўқ.

— Йўқ, хоним афанди, мен сиздан шубҳа қилганим йўқ! Тўғри, мени ҳибсга олишга сиз сабабчи бўлганингизни айтишган эди, аммо мен бу гапларнинг биронтасига ҳам ишонмаганман.

— Тўғри қилгансиз, Асканио! Биламан, мени севмайсиз, илло кўзингизни нафрат шираси босмаганидан хурсандман. Йўқ, Асканио, мен сизга наинки ёмонлик қилдим, балки бу бахтсизликлардан мутлақо гофил эдим. Ҳамма айб превода: Коломба яширинган жойни ўша топган, кейин бўлган гапни қиролга

айтиб бериб, оқибат, қизини қайтариб олишга, сизни қамашга муваффақ бўлган.

— Демак, Коломба отасиникида, денг? — шоша-пиша сўради Асканио.

— Йўқ, у меникида,— деб жавоб қилди ҳерцогиня.

— Сизникида? — деб чинқириб юборди йигит.— Нега ахир?

— У бирам дилбар қиз эканки, Асканио,— деди ҳерцогиня овозини пасайтириб.— Нима учун айнан шу қизни севиб қолганингизни энди тушундим; биламан, энди сиз дунёда бошқа ҳеч бир аёлни, ҳаттоки оёғингиз остига энг бадавлат ҳерцогликни ташлашга қодир бўлган аёлни ҳам севмайсиз.

— Мен Коломбани севаман, хоним афанди, ўзингиз биласиз-ку, муҳаббат — бу атои само: у рўйи заминдаги жамики эзгуликлардан ҳам юқори туради.

— Ҳа, Асканио, сиз у қизни астойдил яхши кўрар экансиз. Мен бунга тезда унут бўлиб кетадиган оддий бир хушторлик деб ўйлаган эдим. Янглишган эканман. Ҳа, кўриб турибман,— деб хўрсиниб қўйди у,— сизларни бир-бирингиздан жудо қилишга уринсам — худонинг хоҳишига хилоф иш қилган бўларканман.

— Оҳ, хоним афанди! — деди Асканио, худога сиғинаётган одамдек кафтларини қовуштириб.— Парвардигор сизга улкан ҳуқуқ ато этган... Буёғига ҳам бебахт икки ёшдан мурувватингизни дариг тутманг-у, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимизда бизга мададкор бўлинг, шунда биз то умримизнинг охиригача сиздан миннатдор бўлиб қоламиз!

— Яхши! — деб жавоб қилди ҳерцогиня.— Мен мағлубман, Асканио, сизни авайлашга,ҳимоя қилишга розиман. Лекин, таассуфки, назаримда, энди кеч бўлди...

— Кеч бўлди?! Бу билан нима демоқчисиз, хоним афанди? — деб чинқириб юборди Асканио.

— Эҳтимол мен, Асканио, айни шу дамда ҳалокат ёқасида тургандирман.

— Ҳалокат ёқасида? Нима учун?

— Сизни севганим учун, Асканио.

— Мени севганингиз учун? Мени севганингиз учун ҳалок бўлишингиз мумкин эканми?

— Ҳа, ҳалок бўлишим мумкин, эҳтиётсизлик қилганим, сизга хат ёзганим бошимга бало бўлди!

— Ҳеч нимага тушунмаяпман, хоним афанди...

— Наҳотки тушунмасангиз, прево қиролнинг фармониغا суяниб, бугун Нель қасрида тинтув ўтказиш-

ни буюрди! Тушунинг ахир, улар ҳаммадан ҳам сизнинг хонангизни синчковлик билан текширишади! Зеро уларга Коломбани севишингизни истоботловчи далил керак.

— Нима бўпти шунга? — деди Асканио сабри чидамай.

— Вой, қизиқ экансиз-у! — ажабланди ҳерцогиня. — Бордию хонангиздан бемулоҳазалик қилиб сизга ёзган ўша мактубимни топиб олиб, дастхатимни танишса, кейин уни қиролга элтиб беришса, адойи тамом бўламан-ку! Франциск Биринчи сизни севишимни, сизни деб унга хиёнат қилишга ҳам тайёр эканлигимни билса нима деган одам бўлдим? Ахир унда мен сизга ҳам, Коломбага ҳам ҳеч қандай ёрдам қила олмайман-ку! Ҳалокат ёқасида турганимга энди тушундингизми?

— О, хоним афанди, кўнглингиз тўқ бўлсин! Асло хавотир олманг: мактубингиз шу ерда, ўзимда, мен уни ҳеч қачон ёнимдан қўймайман.

Ҳерцогинянинг кўнгли таскин топиб, чуқур бир тин олди, чеҳрасидаги безовталиқ ўрнини шодлик ифодаси эгаллади.

— Ҳеч қачон ёнимдан қўймайман, дедингизми? — деди у. — Ҳеч қачон-а? Асканио, қайси ҳиссиётингиз даъвати билан мактубимни ҳамиша ёнингизда олиб юрганингизни айтинг, мен ўша ҳиссиётингизга ҳамду сано айтай!

— Бу эҳтиёткорлик, хоним афанди, — деди гўлдираб Асканио.

— Бор-йўғи-я? Демак, яна янглишибман. Э худо! Аллақачон тушунишим керак эди буни! Демак, эҳтиёткорлик, денг? Ҳай, янаям яхши! — деди у гўё ўз ҳиссиётларини қийинчилик билан енгаётгандек кўришиб. — Баски гап эҳтиёткорлик ҳақида бораётган экан, унда айтинг-чи: истаган пайтларида сизни тинтиб кўришларини билатуриб, мактубни ёнингизда сақлашингиз наҳотки эҳтиёткорлик бўлса? Наҳотки сиз билан Коломбага ёрдам бера олиши мумкин бўлган ягона одамни хавф остига қўйишни оқилона иш деб ҳисобласангиз?

— Билолмадим, хоним афанди, — деди Асканио мулоҳим оҳангда ва бирон кимсадан шубҳаланганда ўзини ўнғайсиз ҳис этувчи қалби пок одамдек, — сиз мен билан Коломбани чиндан ҳам қутқармоқчимиз.

сиз ё бу анчайин бир гапми? Бошим қотиб қолди... балки, сиз бу ерга шунчаки мактубни қайтариб олиш учун келгандирсиз... Ахир ўзингиз, мактуб мени хароб қилиши мумкин, деб айтдингиз-ку. Ва ниҳоят, ўзингизни бизга дўст қилиб кўрсатиб келганингизнинг боиси мактубни қўлга киритиш эмасмикин, уни олганингиздан кейин бизга душманлик қилмасмикинсиз, деб шубҳадаман... Илло, шунга қарамай, хоним афанди, қатъий айтаманки, у мактуб сизники, бинобарин, уни талаб қилишга ҳаққингиз бор. Баски талаб қилаётган экансиз, мен уни қайтариб беришим шарт.

Шундай деб Асканио ўрнидан турди, стулга осиб қўйган камзули олдига бориб, унинг чўнтагидан мактубни чиқарди: ҳерцогиня бир қарашдаёқ конвертни таниди.

— Мана ўша сиз мунтазир бўлган мактуб, хоним афанди,— деди у.— Менга унинг кераги йўқ, аммо сизга зиён етказиши мумкин. Олинг, йиртиб, йўқ қилиб ташланг. Мен ўз бурчимни бажардим; энди сиз хоҳлаганингизни қилинг.

— Оҳ, Асканио, сиз дунёда энг қалби пок инсонсиз! — деди ҳерцогиня самимият билан, зотан бундай самимият баъзан энг фосиқ одамларда ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин.

— Эҳтиёт бўлнинг, хоним афанди, кимдир келяпти! — деди Асканио.

— Тўғри айтасиз,— деди ҳерцогиня.

Ҳақиқатан ҳам кимнингдир оёқ товуши яқинлашиб келаётган эди, шунга кўра, хоним мактубни дарров шамчироққа тутди: қоғоз зумда аланга олиб ёна бошлади. Олов ҳерцогинянинг бармоқларини куйдира бошлагандагина у ёнган хатнинг қолдиғини ташлаб юборди; жизганак бўлган қоғоз ҳавода чарх уриб учиб-учиб ерга индию кул бўлиб сочилди; лекин хоним ҳатто шу кулни ҳам оёғи билан эзгилаб ташлади.

Худди шу пайт остонада прево пайдо бўлди.

— Менга сизнинг ташриф буюрганингизни хабар қилишди, хоним афанди,— деди у гоҳ д'Этамп хонимга, гоҳ Асканиога хавтирланиб қараркан,— шу боис каминага бирон хизмат буюрмасмикинсиз деб қошингизга келувдим; ўзим ҳам, одамларим ҳам бутунлай амрингизга мунтазирмиз.

— Йўқ, мессер,— деб жавоб қилди д'Этамп хоним; унинг қувончдан терисига сиғмаётгани юз-кўзидан

яққол кўриниб турарди. — Йўқ, ташаккур; аммо менга ёрдам қилиш иштиёқида бўлганингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман. Мен бу ерга фақат манави маҳбус йигитдан баъзи нарсаларни сўраб билгани, яна унинг менга айтишганчалик айби борми ё йўқлигини аниқлагани келган эдим.

— Хўш, у сизда қандай таассурот уйғотди, хоним афанди? — сўради прево киноявий оҳангда.

— Менимча, Асканиода унчалик айб йўққа ўхшайди; шунинг учун, мессер, унга яхшироқ эътибор беришингизни илтимос қиламан. Биринчи навбатда, йигитчани дурустроқ хонага кўчиришнинг иложини қилинг.

— Эртагаёқ уни бошқа хонага олиб ўтаман, хоним афанди! Биласиз-ку, сизнинг ҳар бир сўзингиз мен учун қонун. Менга айтадиган яна бирон топширигингиз борми? Сўроқни давом эттиришни истамайдиларми?

— Йўқ, мессер, мен ҳамма керакли гапни сўраб билиб олдим, — деб жавоб қилди ҳерцогиня.

* Шундан сўнг, у Асканиога миннатдорона мулоим нигоҳ ташлаб хонадан чиқди.

Прево ҳам ҳерцогиня орқасидан чиқиб эшикни қулфлади.

— Азбаройи шифо, — деб гўлдиради бу суҳбатнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаб ўтирган Жак Обри, — мана буни, темирни қизигида босиш, дейдилар!

Дарҳақиқат, ҳушига келган Мармань биринчи навбатда ўзининг оғир яралангани... ҳаттоки тирик қолишидан умид йўқлиги ҳақида ҳерцогиняга хабар қилишни ва ўлими олдидан унга муҳим бир сирни айтмоқчи эканлигини изҳор қилди. Ҳерцогиня шу захотиёқ бемор қошига етиб келди. Мармань кўчада Жак Обри исмли бир талабанинг унга ҳужум қилганини айтиб, талабанинг нима қилиб бўлса ҳам Шатле қалъасига кирмоқчи бўлгани, у ерда Асканиони учрашиб, ундан Бенвенуто Челлинига қандайдир мактуб олиб чиқиб бермоқчи эканлиги ҳақида сўзлаб берди.

Ҳерцогиня бу гапни эшитган ҳамоноқ, гап қандай мактуб ҳақида бораётганини тушунди ва вақт тунги соат икки бўлишига қарамай, ўшанда ақлу ҳушини

олиб қўйган шахвоний ҳирсига минг-минг лаънатлар ўқиб Шатлега шошилган эди. У қамоқхонага келиб, Асканио ётган ҳужрада биз юқорида баён қилганимиздек, ўзини гўлликка солган ва ичида, ҳамма ишни хамирдан қил суғургандек осонгина эпладим, деб ўйлаган эди, валекин, биз биламизки, Асканио унчалик ҳам алданмаган эди.

Қисқаси, Жак Обри ҳақ чиқди: у чинданам темирни қизигида босиб қолган эди.

Бироқ ишнинг энди ярми бажарилган, ҳали олдинда энг қийин вазифа турар эди. Жак ҳозиргина оловдан асраб қолган қимматбаҳо мактубни ўз қўлида ушлаб турар эди. Қолбуки бу мактуб Бенвенуто Челлинининг қўлига тушгандагина чинакам бебаҳо буюмга айланиши мумкин эди.

Лекин Жак Обри қамоқда эди, бунинг устига, ҳали-бери бу ердан чиқиб кета олмайдиганга ўхшайди: зеро кечагина қўлида жон берган маҳбус чолнинг гапига қараганда, Шатле қалъасига ҳибс этилган одамнинг бу ердан қутулиб чиқиб кетиши жуда маҳол экан. Қисқаси, Жақнинг бошига марварид донасини топиб олиб, у бойликни нима қилишини билмаган ҳўрознинг куни тушган эди.

Куч ишлатиб қамоқдан чиқиб кетиш ҳақида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Тўғри, ханжар билан қуролланган Жак овқат олиб кирган нозирни ўлдириб, ёнидан калитларини, эгнидан кийимини ечиб олиши ҳам мумкин эди. Бироқ виждонли талаба бундай кескин чораларга қўл уришни ёқтирмас эди, қолаверса, бу йўл билан мақсадга эришишига кўзи ҳам етмас эди. Уни эшиқдан чиқиб улгурмасидан қўлга туширишлари, ёнини тинтиб мактубни тортиб олишлари ва яна ўз ҳужрасига тиқиб қўйишлари мумкин эди.

Унинг чапдастлиги ҳам иш бермас эди: у ётган ҳужра ер юзидан саксон фут пастга жойлашган, тепадан гира-шира ёруғ тушиб турган дарчага темир чивикларидан йўғон-йўғон панжара қопланган. Бундай чивиклардан бир донасини эговлаб узиш учун бир неча ой вақт керак бўлади. Ундан кейин, панжарадан ошган қочоқнинг ҳоли нима кечиши ҳам маълум эмас эди... Ким билсин, балки у қамоқхонанинг баланд деворлар билан ўралган ҳовлисига чиқиб қолар-у, тонг отиши билан яна қўлга тушар.

Ягона чора — пора бериш эди. Бироқ ҳақамнинг

хукми билан йигирма су жарима тўлаганидан кейин (Жервезанинг номуси шунча пулга баҳоланган эди), Жак Обрининг ёнида бор-йўғи ўн суча ақча қолган эди; аммо бу пул энг жайдари қамоқхонадаги энг хашаки қоровулни сотиб олишга ҳам етмасди; қирол ихтиёридаги Шатле қалъасининг такаббур дарвозабонига бунча оз пул тавсия қилиш ҳатто уят эди.

Демак, эътироф этиш керакки, Жак Обри ниҳоятда мушкул аҳволда эди.

Вақт-вақти билан миясида қамоқдан қутулиб чиқиш ҳақида янги-янги режалар пайдо бўлар эди, лекин у режаларни амалга ошириш амримаҳол бўлса керак, ҳар қандай ғаройиб фикр сингари улар хиралик билан миясига кирган ҳамонок, Обрининг чеҳраси маъюслашар ва шўрлик йигит шундай оғир оқ урардики, бу унинг қалбида кескин кураш бораётганидан далолат берар эди.

Бу руҳий кураш шу қадар кучли, шу қадар узоқ давом этдики, Жак кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. У хона ичида уёқдан буёққа юрар, ўтирар, бирдан «дик» этиб туриб кетиб, яна юра бошлар эди. Бу унинг ҳаётида ўй ўйлаб биринчи марта бедор ўтказган тун эди.

Эрталабга бориб унинг қалбида юз бераётган кураш бир оз тингандай бўлди — муҳолиф кучлардан бири устун чиққан бўлса керак. Шунда Жак Обри аввалгидан ҳам аянчлироқ оқ урди-да, мутлақо силласи қуриган бемадор одамдай ўзини чорпояга ташлади.

Худди шу пайт йўлакдаги зинадан оёқ товуши эшитилди.

Товуш яқинлашиб келарди; кейин қулф шарақлади, ошиқ-мошиқлар ғижирлади, эшик очилиб, остонада иккита адлия ходими пайдо бўлди: улардан бири ҳакам, иккинчиси унинг котиби эди.

Оёқ товушини эшитиб таъби тирриқ бўлган Жак эски танишларини кўриши билан кўнгли бир оз ёришгандай бўлди.

— Э-э, ҳа-а! Сиз экансиз-да, йигитча! — деди ҳакам Жак Обрини таниб.— Ахири орзуингизга эришиб, қамоққа тушибсиз-да? Оббо зумраша-е! Сиз учун асилзода одамнинг кўкрагидан тўйнуқ очиш ҳамирдан қил суғургандек оппа-осон иш экан-ку. Энди эҳтиёт бўласиз! Бу гал йигирма су жарима тўлаш билан

қутулиб кета олмайсиз! Зеро зодагон одамнинг ҳаёти оддий бир қизнинг номусидан қимматроқ туради.

Ҳакамнинг бу сўзлари нечоғлиқ сердағдага бўлмасин, овозидаги бамайлихотирлик оҳанги маҳбуснинг кўнглини бир қадар кўтарди. Жакнинг ишини кўрмоқчи бўлган бу хушмуомала одамнинг қўлидан ҳеч ёмонлик келмайдигандек туюларди. Илло котиб мутлақо бошқача тоифадаги одам эди: у ҳакамнинг ҳар бир пўписасини адоватона бош ирғаб тасдиқлаб турарди. Жак Обри бу икки одамни биринчи марта ёнма-ён кўраётган эди, аммо йигит ўзининг мушкул аҳволдан нечоғлиқ қаттиқ ташвишга тушган бўлишига қарамай, ҳам феъл-атвори, ҳам ташқи кўриниши бир-бирига тамомила зид бўлган бу икки одамни ўзаро қовуштириб, майнавозчилик қилувчи тақдирнинг ғаройиб тантиқликлари ҳақида беихтиёр фалсафий мулоҳаза юрита бошлади.

Сўроқ бошланди. Жак Обри ҳеч нимани яширмади.

— Мени кўп марта лақиллатган, сирларимдан воқиф бўлган асилзода одам Марманъ эканлигини билган заҳотим, унинг маҳраמידан шамширини тортиб олдим-у, виконтни дуэлга чақирдим, — деб ҳикоя қилди Жак. — Марманъ дуэль қилишга рози бўлди, биз жанг бошладик. Кейин рақибим йиқилди. Ундан кейин нима бўлганини билмайман.

— Ундан кейин нима бўлганини билмайсизми? Билмайсиз-а, билмайсиз! — деб жаврарди ҳакам. — Азбаройи шифо! Лекин ҳозир айтган гапларингизнинг ўзи ҳам сизни жавобгарликка тортиш учун, менимча, етиб ортади. Масалангиз кундай равшан, бундан ташқари, виконт де Марманъ — д'Этамп хонимнинг энг яқин одамларидан бири. Устингиздан шикоят қўзғаган ҳам шу хоним бўлади, о навқирон азаматим!

— Ана холос! — деди безовта бўла бошлаган талаба. — Айтинг-чи, ҳакам жаноблари, менинг ишларим ростданам сиз айтганчалик чатоқми?

— Ундан ҳам баттар, биродари азиз! Жуда ҳам чатоқ! Камина мижозларимни чўчитишга одатланмаганман. Лекин огоҳлангириб қўйиш бурчим, одам ходис, агар биронта айтадиган гапингиз бўлса...

— Айтадиган гапим! — деб чинқириб юборди талаба. — Ҳакам жаноблари, наҳотки сизда бирон асос бўлса, менинг устимдан...

— Ҳа, балли, — деб жавоб қилди ҳакам, — асос бор.

Сиз кўчада номвар бир зотни учратиб, унга тихирлик қилгансиз, уни дуёлга чақириб, шамшир билан кўкрагини тешгансиз-у, яна, менинг устимдан ҳукм чиқаришга асосингиз борми, деб сўраганингиз ортиқча! Ҳа, азизим, сиз хавф остидасиз!

— Ахир, одамлар деярли ҳар кун дуэль қилишади-ку! Аммо дуэль қилгани учун одамни судга тортишганини бирон марта ҳам эшитмаганман.

— Ҳақ гапирдингиз, навқирон дўстим, агар дуэль қилаётганларнинг иккаласи ҳам асилзода бўлса, улар судга тортилишмайди. Мабодо икки асилзода бири бирини гумдон қилиш иштиёқида бўлса, бу уларнинг шахсий иши, бинобарин, қирол уларга эътибор бермайди. Лекин бордию кунлардан бир кун авомларнинг миясига асилзодалар билан дуэль қилиш фикри келиб қолгудек бўлса (ўзингиз биласиз, авомлар асилзодаларга нисбатан бир неча марта кўпроқдир), унда сал вақт ичида биронта ҳам зодагон қолмаслиги мумкин ер юзида, ахир бу ўта аянчли ҳол-ку, шундай эмасми?

— Сизнингча, судда ишимни кўриш неча кун давом этиши мумкин.

— Беш-олти кун.

— Нима? — деб чинқириб юборди Ҳак.— Атиги беш-олти кунми?

— Бўлмасам-чи. Масала кундай равшан: одам ўлдирилган, сиз унинг қотили эканлигингизни эътироф этипсиз, адлия ҳам бундан қаноат ҳосил қилган. Лекин агар...— деб ҳакам яна ҳам оққўнгиллик билан давом этди,— агар сиз ишни яна икки-уч кунга чўзишимизни хоҳласангиз...

— Ҳа, жуда ҳам хоҳлайман! — деб юборди Ҳак.

— Хўп, яхши, суд ишини чўзиш билан икки-уч кун ютишимиз мумкин... Сиз кўнглимга ўтириб қолдингиз, оз бўлса ҳам сизга ёрдамим тегишини истайман.

— Миннатдорман сиздан, ҳакам жаноблари.

— Ана, энди айтинг-чи,— деб жавоб этди ҳакам,— яна қандай илтимосингиз бор?

— Руҳоний ота кирса девдим. Мумкинми?

— Албатта! Бунга ҳаққингиз бор.

— Ундай бўлса, ҳакам жаноблари, айтинг, уни бу ерга юборишсин.

— Илтимосингизни албатта бажараман, навқирон дўстим. Тагин орқамдан сўкиб қолманг.

— Ие, нега энди? Аксинча, сиздан беҳад миннат-дорман.

Шу пайт котиб Жакнинг олдига яқин бориб паст овоз билан деди:

— Жаноби талаба, менинг бир илтимосимни бажара олмайсизми?

— Жоним билан,— деб жавоб қилди Жак.— Қандай илтимос экан?

— Аммо, эҳтимол ўзингизнинг хешларингиз, дўстларингиз ё бошқа яқинларингиз бордир, буюмларингизни балки ўшаларга васият қилиб қолдирарсиз?

— Дўстларим? Менинг биттаю битта дўстим бор, лекин у ҳам, худди мендек, қамоқда ётипти. Энди хешларим масаласига келсак, фақат хешларимнинг хешлари, аниқроғи, авагамнинг авагалари қолган. Шунинг учун, очиқ айтаверинг, жаноби котиб, мендан нима сўрамоқчисиз?

— Тақсир, мен фақир бир одамман, бешта фарзандим бор.

— Жуда соз, хўш, гапираверинг.

— Биласизми, менинг ҳеч омадим юришмайди, ваҳолонки, ўз бурчимни доим ҳалол, бенуқсон бажариб келаман. Ҳамкасаба биродарларим бўлса, мендан ўзиб кетишяпти.

— Сабаб?

— Сабабми? Ҳамма бало шунда! Сабабини сизга айтиб бераман.

— Ҳа-ҳа, гапиринг, қулогим сизда.

— Сабаби — уларнинг омади юрган.

— Ҳа-а!

— Нима учун уларнинг омади юрган — биласизми?

— Мен ҳам сиздан айнан шуни сўрамоқчи эдим, жаноби котиб.

— Мен ҳам сизга шуни айтмоқчиман, жаноби талаба.

— Марҳамат, қулогим сизда.

— Уларнинг омади...— Котиб овозини яна ҳам пасайтирди.— Уларнинг омади шунинг учун юришганки, ҳар биттаси дорга осилган одамнинг сиртмогидан бир бўлагини чўнтагига солиб юради. Тушундингизми?

— Йўқ.

— Фаросатингиз сал чатоқроқ кўринади. Сиз ҳам васиятнома ёзасиз, шундай эмасми?

— Васиятнома? Нима ҳожати бор?

— Қандай тушунтирсам экан... Қисқаси, у нарса ворисларингизнинг мерос талашиб судлашиб юрмаслиги учун керак. Хулоса шуки, ўз васиятномангизда Париж шаҳридаги жиноий ишлар билан шуғулланувчи ҳакамнинг котиби Марк-Бонифаций Гримуанони хатга битиб, сизни осийшган арқоннинг бир бўлагини менга беришни жаллодга тайинласангиз.

— Э, ҳа-а! — деди чўзиб Жак. — Энди тушундим.

— Хўш, илтимосимни бажарасизми?

— Бўлмасам-чи, албатта бажараман!

— Фақат эсингиздан чиқмасин, йигитча. Менга бошқалар ҳам ваъда қилишган эди, лекин уларнинг баъзилари васиятнома ёзмасдан ўлиб кетишди, бошқалари исм-шарифимни нотўғри ёзиб қўйишипти, денг, натижада шу хатога ёпишиб олиб, васиятномани нотўғри деб ҳисоблашди — ёдингизда бўлсин, исмим: Марк-Бонифаций Гримуано; ниҳоят, яна баъзи бировлар, гарчи ҳақиқий жиноятчи бўлишса ҳам (гапимга ишонаверинг, тақсир), қандайдир йўлини қилиб оқланишди, лекин кейинчалик, барибир уларни дорга осийшди, аммо энди бу бошқа юртларда бўлди. Мен арқондан бутунлай умидимни узган эдим, лекин кутилмаганда худо бизга сизни рўпара қилди!

— Ҳа, яхши, яхши, жаноби котиб, — деди Жак, — бу гал кўнглингизни тўқ қилаверинг: агар мени дорга осийшса, арқон сизники.

— Сизни осийшади, тақсир, албатта осийшади! Хотирингиз жам бўлсин.

— Ҳой, Гримуано! Юрмайсизми тезроқ? — деб чақирди уни ҳакам.

— Кетяпман, ҳакам жаноблари, кетяпман! Демак, келишдик-а, жаноби талаба?

— Келишдик.

— Чин сўзингизми?

— Ҳалол авом сўзи.

— Хайрият, — деб гўлдиради котиб чиқиб кета туриб, — бу сафар ниятимга етадиган бўлдим. Бу хушxabарни тезроқ бориб хотиним билан болаларимга айтишим керак.

Шундай деб у ҳакамнинг орқасидан эргашди; ҳакам эса котибни узоқ ушланиб қолганини мулойимлик билан юзига солиб олдинда кетиб борар эди.

ҲАҚИҚИЙ ДУСТ ҲАТТО УЙЛАНИШДЕК ФИДОИИЛИККА ҲАМ ҚОДИРДИР

Жак Обри ёлгиз қолгач, ҳакам билан қилган суҳбати таъсирида, чуқур ўйга толди. Бироқ кези келганда, ҳикоямизга шуни ҳам илова қилишимиз лозим: агарда биз унинг дилидаги ниятларини ўқий олганимизда эди, ҳаммадан ҳам кўпроқ Асканио билан Коломба ҳақида ташвиш чекаётганидан воқиф бўлардик, чунки Жак бу икки ёшнинг тақдирини ўз қўлидаги мактуб ҳал қилиши мумкинлигини биларди; шунинг учун у ўзидан ҳам кўра кўпроқ шулар ҳақида қайғурарди; ўз қисмати ҳақида бафуржа бош қотириши ҳам мумкин эди-да.

Шу алфозда у ярим соат хаёл суриб ўтирди; кейин яна бирдан эшик очилиб, остонада қамоқхона нозирини пайдо бўлди.

— Сиз сўраётганмидингиз руҳоний отани? — деб тўнғиллади у.

— Ҳа, ҳа, — деб жавоб қилди Жак.

— Ҳеч нимага тушунмай қолдим, азбаройи шифо, нега керак бўлиб қолди ўзи бу касофат роҳиб ҳамма маҳбусларга? — деб жаврай бошлади нозир. — Нуқул мен шўрликнинг тинчимни бузиб, овораи сарсон қилишгани-қилишган. — Сўнг ўзини четга олиб, руҳоний отага йўл берди-да, илова қилди: — Қани, кирақолинг, отагинам, фақат, узоқ ўтирманг.

У минғирлаб-минғирлаб эшикни ташқаридан қулфлади, ҳужрада руҳоний ота билан маҳбус қолди.

— Мени чақиртирганмидингиз, бўтам? — деб сўради руҳоний.

— Ҳа, падари бузург, чақиртирган эдим, — деб жавоб қилди талаба.

— Тавба-тазарру қилмоқчимисиз?

— Унчалик эмас... Мен фақат сиз билан виждон ҳақида суҳбатлашмоқчи эдим.

— Сўзланг, бўтам, — деди руҳоний ота курсига ўтирар экан. — Агар камина ўз ожиз фикрим билан сизга бирон маслаҳат бера олсам...

— Топдингиз, падари бузург, менга айнан маслаҳатингиз зарур.

— Гапираверинг унда.

— Мен энг уччига чиққан гуноҳкор бандаман, падали бузург, — деди Жак.

— Тавба денг, бўтам! Зеро ўз қабиҳликларини эътироф этган банда масъуддир.

— Мен нафақат ўзим гуноҳи азимга ботганман, падали бузург, шунингдек, бошқа бандаларни ҳам ҳақ йўлдан оздирганман.

— Сиз ўшал бандалар олдида гуноҳингизни юва оласизми?

— Юва олсам керак, падали бузург. Умидворман. Мен навниҳол, маъсума бир қизни қусур гирдобига тортдим.

— Сиз уни алдадингизми?

— Алдадим. Ҳа, ҳа, падали бузург, тўғри айтдингиз, алдадим!

— Энди сиз шу айбингизни ювиб унга яхшилик қилмоқчисиз-а?

— Ҳар қалай, уриниб кўрмоқчиман, падали бузург.

— Бунинг учун фақат битта йўл мавжуд.

— Биламан, падали бузург, шунинг учун ҳам бошим қотиб, кўпдан бери бир қарорга кела олмай юрибман, агарда иккита йўл бўлганида, албатта иккинчи йўлни танлаган бўлардим.

— Демак, сиз у қизга уйланишни хоҳлайсиз.

— Шошилманг, отагинам. Гапнинг пўскаллеси: мен уйланишни хоҳламайман, аммо заруриятга итоат этмай иложим йўқ.

— Бундан покроқ, муқаддасроқ ҳиссиётга итоат этсангиз нур устига нур бўлур эди.

— Ноиложман, падали бузург! Баъзи одамларни худо эр-хотин бўлиб яшаш учун яратаркан, бошқалар бўлса, аксинча — умрини бўйдоқликда ўтказиш учун туғиларкан. Менга ҳам худо бўйдоқликни ато этган, сизга онт ичиб айтаманки, тасодиф мажбур қиляпти мени...

— Яхши, яхши, бўтам. Баски, сиз эзгулик сўқмоғига қайтишни ихтиёр қилган экансиз, бу қанча тез бўлса, шунча яхши.

— Айтинг-чи, буни амалга ошириш учун қанча вақт керак бўлади? — деб сўради Обря.

— Нима десам экан! — деди руҳоний ота. — Бу *in extremis*¹ ўтадиган никоҳ бўлгани учун, айрим им-

¹ Фавқулудда вазиятда (Лог.).

тиёзлардан фойдаланиш мумкин бўлади, ўйлайманки, хатто индингаёқ...

— Индинга бўлса, индинга-да,— деб хўрсиниб кўйди Жак.

— Хўш, қиз-чи? — деб сўради руҳоний ота.

— Нима қиз?

— Рози бўладими?

— Нимага?

— Сизга турмушга чиқишга.

— Вей, нима деяпсиз ўзи? Жон-жон деб рози бўлади! Ахир бунақа таклифни ҳар куни ҳам эшитавермайди-ку.

— Демак ҳеч қандай тўсқинлик йўқ?

— Йўқ.

— Ота-онангиз розими?

— Менинг ота-онам йўқ.

— Қизники-чи?

— У ҳам ота-онаси бор-йўқлигини билмайди.

— Унинг исми нима?

— Жервеза-Пьеретта Попино.

— Бу ҳақда унга шахсан ўзим хабар қилишимни хоҳлайсизми?

— Агар сиз, падари бузург, бу вазифани ўз зимангизга олсангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлур эдим.

— Таклифингизни қизга шу бугуноқ етказаман.

— Айтинг-чи, падари бузург, унга мендан хат элтиб бера олмайсизми?

— Йўқ, бўтам. Биз қамоқхона руҳонийлари маҳбуслардан, улар тирик пайтида, ҳеч кимга ҳеч нима олиб бориб бермасликка қасам ичганмиз. Маҳбус ўлгандан кейин эса бемалол, хоҳлаган нарсасини элтиб бераверамиз.

— Раҳмат, у пайтда хатнинг нафи қолмайди... Бўпти, уйланиш билан чеклана қоламиз,— деб пичирлади Обри.

— Бошқа айтадиган гапингиз йўқми?

— Йўқ... Ҳа, дарвоқе: агар бирон-бир қийинчилик туғилгудек бўлса, илтимосимнинг ҳақлигини тасдиқлаш учун, Жервеза-Пьеретта Попинонинг ҳакам жанобларига ёзган аризасини далил қилиш мумкин.

— Ҳамма ишни икки кун ичида муҳайё қилсам розимисиз? — деб сўради руҳоний ота; унинг назарида, Жак бўлгуси никоҳ ўқитиш маросимига жуда лоқайд

қараётгандек, бу нарсага фақат зарурият даъвати билан рози бўлаётгандек эди.

— Икки кун ичида, денг...

— Шу йўл билан қизнинг пок номига ўзингиз туширган доғни тезроқ ювиб ташлайсиз.

— Майли, шундай бўлақолсин,— деди Жак чуқур хўрсиниб.

— Жуда соз бўлди, бўтам!— деди севиниб кетган руҳоний ота.— Чекилаётган жафо қанчалик оғир бўлса, у худога шунчалик кўпроқ мақбул бўлади.

— Виждонан онт ичиб айтаманки, бундай ҳолда худо мендан беҳад мамнун бўлиши керак! Энди борақолинг, падари бузург, борақолинг!— деди талаба.

Дарҳақиқат, Жак улкан доҳилий зиддиятлардан кейингина бундай қарорга келган эди. Ўзи илгари Жервезага тушунтирганидек, унда уйланишга туғма нафрат мавжуд эди, фақат Асканиога бўлган муҳаббати, қолаверса, дўстимнинг бошига тушган бахтсизликларга ёлғиз мен айбдорман, деган фикр, Жакни бундай фидойиликка бел боғлашга мажбур қилдики, бу фидойиликни, унинг фикрича, қадимги замон паҳлавонларининг жасоратларига қиёс қилса бўларди.

Китобхонда савол тугилиши мумкин: Жакнинг Жервезага уйланиши билан Асканио ва Қоломбанинг бахти ўртасида қандай муносабат бўлиши мумкин? Қандай қилиб Обрининг уйланиши дўсти Асканиони бандиликдан қутқариши мумкин?

Бу саволга биз, китобхонда фаросат етишмаяпти, деб жавоб қилишимиз мумкин. Тўғри, ўз навбатида китобхон ҳам, менинг мавқеим буни билишни тақозо этмайди, деб эътироз билдириши мумкин. Агар шундай дейдиган бўлса, тишини тишига қўйсину бу бобни охиригача ўқиб чиқсин; ваҳолонки, агар ақли бир оз зийракроқ бўлганида, ўқиб ўтирмай ҳам ҳамма гапга тушуниб олган бўларди.

Руҳоний ота чиқиб кетгач, энди чекинишга имкон қолмаганини кўрган Жак Обрининг кўнгли бир оз таскин топди. Қабул қилинган ҳар қандай, ҳаттоки, энг кўнглисиз қарор ҳам шундай хусусиятга эга: курашдан толиққан ақл дам олади, безовта бўлган юрак тинчиб, бир маромда тепа бошлайди.

Шундай қилиб, Обри дам оларди, ҳатто у бир оз мизгигандек ҳам бўлди. Асканио ётган хужрадан қандайдир товушлар эшитилди, шунда Жак, дўстимга нонушта олиб келишди, демак энди нозир бир неча соат-

гача қорасини кўсатмайди, деб кўнглидан ўтказди. Жак яна бир оз кутиб ўтириб, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлганига ишонч ҳосил қилгач, лаҳимга тушиб, унинг нариги бошигача эмаклаб борди ва, одати бўйича, боши билан бордонни кўтарди. Асканионинг хонаси зим-зиё эди.

Жак паст овоз билан дўстини чақирди. Ҳеч ким жавоб бермади; ҳужра бўм-бўш эди.

Талаба аввалига, демак, Асканиони озод қилиштипти, деб қувониб кетди. Агар шу рост бўлса, унда Жак Обри учун уйланишнинг нима ҳожати бор... Бироқ шу заҳотиёқ у д'Этамп хонимнинг Асканиони қулайроқ хонага кўчириш ҳақидаги кечаги фармойишини эслади. Бундан чиқди, ҳозир бу хонадан овозлар эшитилганда, Асканиони бошқа ерга кўчиришаётган экан-да. Бечора талабанинг қалбини мунаввар қилган умид ниҳоятда порлоқ эди, аммо у чақмоқ шуъласидек зумда сўнди қолди.

У бордонни туширди, орқасига тисарилганча, ўз ҳужрасига қайтди. Уни охириги қувончидан жудо қилишди — ёнбошидаги дўстини юлиб олиб кетишди; бу дўсти учун Жак жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди.

Жак Обрининг мулоҳаза юритишдан ўзга иши қолмаган эди. Кейинги пайтларда талаба жуда кўп мулоҳаза юритадиган бўлиб қолди. Аммо унинг бу сермулоҳазалиги бошига паққос оғир мусибатлар солди, шунинг учун, ҳозир у ётиб ухлашни маъқул кўрди.

У ўзини чорпояга отдию юрагининг қаттиқ безовта эканлигига қарамай, маст уйқуга кетди, зеро мана, бир неча кундирки, унинг уйқусида ҳаловат йўқ эди.

Жак туш кўрди: тушида уни ўлимга ҳукм қилиб, дорга осишганмиш, лекин жаллоднинг ношудлиги туфайли яхши совунланмаган арқон узилиб кетганмиш. Жак ҳали ўлмаганмиш-у, лекин, барибир, уни дафн этишганмиш. Шунда у тириклайин кўмилган одамларнинг одати бўйича, қўлларини тишлай бошлаганмиш, лекин шу пайт, Жакнинг гўри тепасида у арқон ваъда қилган озгин котиб пайдо бўлганмиш-да, қабрни кавлаб, уни тирилтирганмиш, озод қилганмиш.

Ҳайҳот, бу фақат туш эди; талаба кўзини очиб яна ўзини қамоқхонада кўрди ва ўлимга маҳкум этилишни эслади.

Оқшом ҳам, тун ҳам, эртанги бутун кун ҳам осойишта ўтди; ҳужрага фақат нозир кирди. Жак ундан

гап сўрамоқчи бўлган эди, лекин бундан ҳеч нима чиқмади: мижғов нозир «чурқ» этиб ҳам оғиз очмади.

Тун ярим кечадан оққанда, маст уйқуда ётган Жак эшикнинг гижирлаганини эшитиб бирдан уйғониб кетди. Маҳбус қанчалик қаттиқ ухламасин, эшикнинг гижирлаб очилишидан албатта уйғониб кетади. Жак бошини кўтарди.

Нозирнинг:

— Туринг, кийининг,— деган дағал овози эшитилди.

Нозирнинг орқасида турган икки соқчининг ойболтаси унинг қўлидаги машғала шуъласидан ярақларди.

Буйруқни такрорлашга ҳожат бўлмади. Жак шу оноқ сапчиб ўрнидан турди, чунки ечинмасдан ётган эди; унда на чойшаб, на адёл бор эди.

— Мени қаёққа олиб бормоқчисиз? — деб сўради у ҳамон уйқу аралаш.

— Мунча суриштирасиз, ошна! — деди нозир.

— Барибир, қаёққа кетаётганимни билсам девдим, — бўш келмасди Жак.

— Қани, кетдик, гап сотманг! Орқамдан юринг. Қаршилиқ кўрсатиш бефойда эди. Маҳбус буйруққа итоат этди.

Нозир олдинда, талаба унинг орқасидан юрди, соқчилар бўлса, уларни кузатиб борди.

Ваҳимага тушган Жак атрофга аланглаб қараркан, ҳаяжонланаётганини яширишга уринмасди; кечаси бўлишига қарамай, мени қатлга олиб кетишяпти, деб қўрққан эди у, лекин жаллод ҳам, руҳоний ота ҳам кўринмаганидан, руҳи бир оз енгил тортди.

Ун дақиқалардан кейин Жак Обри ўзини Шатле қалъасининг қабулхонасида кўрди; шунда унинг кўнглига, яна бир неча қадам юрсам, қаршимда қамоқхона дарвозаси ланг очилади, деган фикр келди: бошига қайгу тушган одам ўзини ўзи алдашга одатланади.

Лекин нозир маҳбус кўзлаган дарвозани эмас, бурчакдаги кичкина эшикни очди, улар йўлакка, йўлакдан қалъанинг ички ҳовлисига чиқишди.

Ўзини ҳовлида, очиқда кўрган талаба биринчи галда тунги мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас ола бошлади, зеро бунақа фавқуллодда бахтга бир кун эмас бир кун яна мушараф бўладими, йўқми, билмас эди.

Кейин Жакнинг кўзи ҳовлининг нариги бошидаги XIV асрда қурилган бутхонанинг қуббасимон деразаларига тушдию масалага тушунди.

Бу ўринда қиссахоҳлик бурчимиз ушбуни қайд этишга ундайди бизни: бечора маҳбус бутхонани кўрдию не мақсадда бу ерга келаётганини тушуниб, ҳушидан кетаёзди.

Кейин, Асканиони, Коломбани эслади; ўзининг улкан жасоратга жазм қилганини тушунди; бу тушунча вужудда беихтиёр пайдо бўлган заифликни баргараф қилди ва Жак бирмунча дадилроқ қадам ташлаб бутхона томон йўл олди.

Жак Обри бутхона остонасидан ҳатлаб ўтиши билан ўзининг ҳақ эканлигига ишонди: руҳоний ота меҳроб олдида шай турар, супачада эса маҳбусни бир аёл кутаётган эди — бу Жервеза эди.

Бу ерда Жакнинг олдига қирол қалъасининг бошлиғи яқин келди.

— Сиз ўлимингиз олдидан ўзингиз йўлдан оздирган қиз билан никоҳдан ўтишни хоҳлаб, бунга имкон беришимизни сўраган эдингиз, — деди у Жакка. — Биз бу адолатли талабингизни қондирмоқчимиз.

Жак Обрининг кўз олди яна хиралашди, лекин у қўлини ҳерцогинянинг мактуби ётган чўнтагига солдию яна кўнгли жойига тушди.

— О, менинг шўрликкинам Жак! — деб чинқириб юборди Жервеза ва ўзини унинг қучоғига отди. — Кўпдан орзу қилганимиз бу маросимнинг шундай нохуш вазиятда юз беришини ким ўйлабди, дейсан!

— Иложимиз қанча, жонгинам Жервеза, — деб жавоб қилди Жак қизни бағрига босаркан. — Кимни газабига олишни ҳам, кимга раҳм қилишни ҳам парвардигорнинг ўзи билади. Биз ҳам ўзимизни унинг муқаддас иродасига ҳавола қилайлик. — Шундай деб туриб у қизга ҳерцогинянинг мактубини тутқазди ва пичирлаб илова қилди: — Шахсан Бенвенутонинг ўзига бер!

— Нима ҳақда пичирлашяпсиз? — деди келин-куёв олдига тез юриб келган қалъа бошлиғи.

— Мен Жервезага, сени севаман, деб айтдим, холос.

— Қўйинг, бунақа қасам ортиқча — чунки қиз сизнинг ёлғон гапирганингизга ишонишга ҳам улгурмайди ҳали. Қани, меҳробга яқин боринглар, имилламанглар!

Жак Обри билан Жервеза сўзсиз руҳоний ота қошига боришиб тиз чўкишди. Никоҳ ўқиш маросими бошланди.

Жакнинг Жервезага бир-икки оғиз сўз айтгиси қистаб кетди, Жервеза бўлса, Жакка ўз миннатдорчи-

лигини изҳор этиш иштиёқида ёнарди, лекин келин-куёвни қуршаб олган соқчилар, уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатига кўз-қулоқ бўлиб турардилар. Яхшиям, қалъа бошлиғи бу икки ёшга раҳм қилиб, уларнинг қучоқлашиб кўришишларига руҳсат берган экан. Бўлмаса, Жак мактубни Жервезага узата олмасди, ана унда йигитнинг ўз дўсти учун қурбон бўлаётганидан наф ҳам бўлмасди.

Руҳоний отага ҳам қандайдир топшириқ берилган бўлса керак: у хутбани қисқагина қилиб ўқиб қўя қолди. Ё балки, у икки-уч кундан кейин дорга осиладиган куёвга оила қурган эркакнинг вазифалари ҳақида муфассал сўзлаб ўтиришни ортиқча деб ҳисоблагандир.

Жак билан Жервеза, хутба айтилиб, никоҳ ўқилгач, бизни, ҳеч бўлмаса бир зумгина ёлғиз қолдиришар, деб ўйлашган эди, лекин бундай бўлмади. Соқчилар шашқатор кўзёш тўкиб йиғлаётган Жервезага парво ҳам қилмай, маросим тугаган заҳоти келин-куёвни бир-бирдан ажратдилар.

Шунга қарамай, икки ёш бир-бири билан маънодор кўз уриштиришга улгурди. Обрининг нигоҳи: «Берган топширигимни унутма», — дерди. Жервезанинг кўзлари эса: «Кўнглинг тўқ бўлсин, шу бугун кечасиёқ, ёки, нари борса, эртага эрталаб топширигингни бажараман», — деб жавоб қиларди.

Кейин уларни ажратиб икки томонга олиб кетишди: Жервезани навозиш билан дарвозадан чиқариб юборишди. Жакни яна ўз ҳужрасига олиб тушиб қамашди. У ҳужрага киргач, шундай оҳ уриб хўрсиндики, қамоқда ётгандан бери ҳали ҳеч бунчалик оғир хўрсинмаган эди: ахир у уйланди-ку — ҳазилакам азобми бу!

Шундай қилиб, Жак Обри, яъни янги Курций¹ дўсти учун жонини фидо қилиб, ўзини Гименей² нинг тубсиз жарига отган эди.

¹ Ривоятларга кўра, кунлардан бир кун Қадимги Румода зилзила бўлган ва шаҳарнинг Форум отли бош майдонида чуқур дарз ҳосил бўлган. Кошиф каромат коҳинлар, бу дарз ичи ҳазинага тўла, деб башорат қиладилар. Шунда шаҳарнинг акобирларидан Курций деган одам, бу бойликларни қўлга киритиб, давлат қудратини оширмақчи бўлади ва сипоҳ-совутларини кийган ҳолда, жанговар от чоптириб бориб, ўзини шу тубсиз дарз қаърига отади, шу заҳоти дарз ёпилади.

² Гименей — никоҳларга ҳомийлик қилувчи худо: «ўзини Гименейнинг тубсиз жарига отиш» ибораси бу ерда, уйланиш, деган маънони билдиради.

ЮПИТЕР ҲАЙКАЛИНИ ҚУЙИШ

Энди биз, китобхоннинг розилиги билан, Шатле қалъасини тарк этиб, Нель қасрига қайтамиз.

Бенвенутонинг ҳайқирганини эшитган халфалар югуриб келишди ва унга эргашиб қуйиш устахонаси томон йўл олишди.

Улар устознинг ҳамиша жон-жаҳд билан ишлашини яхши билишар эди, лекин, юзининг бунчалик ловиллаб ёнганини, кўзларининг чақмоқдек порлаганини шу пайтгача ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Агарда бирон бир санъаткор топилсаю Челлинининг ана шу қиёфасини ҳайкалда акс эттирса борми, санъатнинг дунёда энг ноёб бир дурдонаси вужудга келган бўлар эди.

Ҳайкал қуйиш учун ҳамма нарса тахт эди: сирти лой билан сувалиб, темир гардишлар билан мустаҳкамланган ҳайкалнинг мумдан ясалган нусхаси хумдон ўчоғига ётқизилган, ёқиш учун ҳозирланган ўтин ҳафсала билан қалаб чиқилган эди. Бенвенуто ўчоқнинг тўрт томонидан ўт қўйиб юборди, яхши қуриган қорақарағай гўлалари гуриллаб ёна бошлади, шунда бутун ўчоқни аланга қамраб олди ва ҳайкал шакли улкан гулхан орасида қолиб кетди. Махсус очилган тешиклардан мум оқиб туша бошлади, ҳайкал шакли оловда пиша бошлади. Бу — ишнинг биринчи босқичи эди. Бу аснода халфалар хумдон ёнидан ҳайкал қолипни қуйиш учун каттакон чуқур қазишди. Бир зум ҳам вақтни бекорга ўтказишни хоҳламаган Челлини қолип пишган заҳоти мана шу энг муҳим ишга — ҳайкал қуйишга киришмоқчи бўлди.

Ўттиз олти соат мутасил қолипдан мум оқиб турди, бу вақт ичида халфалар, худди ҳарбий кема матрослари сингари мудом алмашилиб туришди. Лекин Бенвенуто бир дақиқа ҳам дам олмади: у ўчоқ атрофида айланиб юрар экан, тинмай унга ўтин ташлар, шогирдларига далда берар эди. Ниҳоят, ҳайкалтарош шаклдаги бутун мум эриб оқиб чиққанига ва қолипнинг заранг бўлиб пишганига ишонч ҳосил қилди. Ишнинг иккинчи босқичи тугаган эди. Энди охирги, учинчи босқич қолган эди: бу босқичда маъдан эритилиб, ундан ҳайкал қуйилиши керак эди.

Устознинг бу қадар зўр ғайрат ва жидду-жаҳд

билан ишлаши сабабини тушунмаган халфалар, ҳайкал қуйишга киришишдан олдин бир оз дам олсангиз яхши бўларди, деб унга маслаҳат беришди. Лекин дам олиш учун қанча вақт кетса, Асканионинг ҳибсда ётиши ҳам, Колумбанинг изтироблари ҳам шунча вақтга чўзилар эди. Шунинг учун Бенвенуто ётиб дам олишдан қатъиян бош товлади. Унинг бу рафторига қараб, ўзи ҳам шу Юпитер ҳайкалини қуйиш учун ҳозирланган маъдан-дан ясалган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди.

У қолип атрофини пишиқ арқонлар билан маҳкам боғлашни буюрди, кейин чигирлар ёрдамида уни кўтаришди-да, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, махсус қазилган чуқур тепасига олиб келиб, авайлаб, аста-секин шу чуқурга туширишди; энди қолип ўчоқ билан бир текисда турарди. Бенвенуто уни шу ерга маҳкамлаб жойлаштирди; сўнг атрофини тупроқ билан тўлдириб, яхшилаб шиббалади, қолипнинг ичига сопол найчалар киритди — маъдан шу найчалардан оқиб кириши керак эди. Куннинг қолган қисми мана шу тарадуд билан ўтди. Кеч кириб, қоронғу тушди. Бенвенуто Челлини қирқ саккиз соатдан бери мижжа қоқмаган эди: у ухлаш уёқда турсин, ҳатто бир зумгина ёнбошлаб ётмади ҳам, ўтириб дам олмади ҳам. Халфалар бир оз дам олинг, деб кўп ялинишди, Скоццоне жиғибийрон бўлиб, роса куйгунчаклик қилди — лекин Челлини ҳеч кимга қулоқ солмади. Бамисоли, қандайдир бир ғайритабий куч унга мадад бериб тургандай эди, шу боис у жаврашларга ҳам, ёлборишларга ҳам парво қилмай, худди жанг майдонида турган генералдек, амирона, кескин овоз билан мудом халфаларга буйруқ берар эди.

Бенвенуто дарҳол ҳайкални қуйишга киришмоқчи эди. Ҳар қандай қийинчиликни ҳам енгишга одатланган бу серғайрат одам шу қудратли иродасига ҳатто ўзини ҳам бўйсундирмоқчи бўлди. У ҳоргинлиқдан оёқлари чалишиб, ҳаяжон ва талвасадан аъзойи бадани дағ-дағ қалтираётган бўлса ҳам, ўзини тиним билмай ишлашга мажбур этди. Бу орада халфалар худди жанггоҳдаги аскарлар сингари бирин-кетин сафдан чиқа бошладилар.

Ҳайкал қуйиш учун ўчоқ шай эди. Бенвенуто ўчоқ ичига чўян ва мис қуймаларини ўзаро мутаносиб тарзда териб чиқишни буюрди; шундагина олов маъданларнинг ҳаммаёғини бир хилда қамраши, эриш

жараёни ҳам тезроқ, ҳам текисроқ бориши мумкин эди. Кейин бу ўчоққа ҳам ўтни Челлинининг ўзи ёқди. Қорақарағайдан ҳозирланган ўтин жуда қуруқ ва серелим эди. Шунинг учун аланга, кутилмаганда, қуюв устахонасининг ёғоч шифтигача кўтарилиб, шу заҳоти томни ҳам ўт олди. Ҳермандан ўзга ҳамма халфалар ёнгин бўлишидан қўрқиб, энг муҳими, жазирама иссиққа дош бера олмай, ҳар ёққа қочиб кетишди. Аммо Бенвенуто билан Ҳерман бундан ҳам машаққатлироқ ишга бардош бера олар эдилар. Улар қўлларига болта олиб, шифтни тираб турган ёғоч устунларни чопа бошладилар. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас аланга олган том қулади. Шунда Ҳерман билан Бенвенуто ёнаётган тўсин ва хариларни чангакларга илиб ўчоққа тика бошладилар. Аланга яна ҳам зўрайиб, маъданлар эриши тезлашди.

Ана шунда Бенвенуто бутунлай ҳолдан тойди. Ахир олтмиш соат сурункасига мижжа қоқмай, йигирма тўрт соатдан буён туз татимай, яна, устига-устак бу шиддатли фаолиятга бош-қош бўлиб туриш ҳазилакам ишми! Бирдан безгак хуруж қилиб, ҳайкалтарошнинг вужудини қақшата бошлади. Унинг ҳозиргина ўт бўлиб ёнаётган юзи энди мурданикидек гезариб кетди. Қуюв устахонасидаги қайноқ ҳароратга Бенвенутодан бошқа ҳеч ким дош бера олмаган эди, энди бўлса у мана шу чўғдек иссиқ ҳавода, худди Лапландиянинг мангу эримас қорлари орасида қолган одамдек совуқ еб дағ-дағ қалтирар, тишлари тинимсиз такилларди. Устознинг бу аҳволини кўрган халфалар унинг атрофида парвона бўла бошладилар. Лекин Челлини ҳамон бўш келмасликка, ўз мағлубиятини тан олмасликка уринар, зеро у ҳаттоки ноиложликдан таслим бўлишни ҳам уят деб ҳисобларди. Аммо охири у ҳам бутунлай силласи қуриганини тан олди. Яхшиямки, энг муҳим ишлар бажарилиб бўлган: ҳайкал қуйиш охирлаб қолганди; фақат унча муҳим бўлмаган икир-чикир ишларгина қолган эдики, уни биронта омилкор халфа ҳам бемалол бажариши мумкин эди. Бенвенуто Паголонни чақирди; лекин у, аксига юриб, қаёққадир ғойиб бўлган эди. Уртоқлари баралла бақиритиб чақира бошлашди, ниҳоят у ичкаридан чиқиб келди. Паголо, қуюв ишини муваффақиятли чиқиши учун худодан мадад сўраб ибодат қилганини айтди.

— Ҳозир ибодат қиладиган пайтми? — деб бақиритиб

берди Бенвенуто.— Парвардигорнинг ўзи: «Ҳаракат ибодатдир», деган. Ҳаракат қилиш, ишлаш керак. Паголо! Гапларимни диққат билан эшит: мен ўлиб қоладиганга ўхшайман; лекин ўламанми, ўлмайманми, барибир, Юпитер ҳайкали тайёр бўлиши шарт. Паголо, қадрдоним! Қуов ишига бошчилик қилишни сенга топшираман. Аминманки, сен бу ишни худди ўзимдек уддалайсан. Қуйиш ҳароратида хатога йўл қўйишинг мумкин эмас; маъдан қизара бошлаган заҳоти, Ҳерман билан Симон-Чапақайга буюр, қўлларига мисранг¹ олиб... Э, худо, нима деётувдим-а?.. Ҳа, эсимга тушди! Учоқдаги тиқинларни мисранг билан уриб чиқаришсин, шунда эриган маъдан қолипга қуйилади. Мабодо ўлиб-нетиб қолсам, қиролнинг ҳузурига қўрига бориб, менинг илтимосимни бажаришга сўз берганини унга эслатинглар, қиролдан илтимосим шуки... Е танграм! Эслол-маяпман... Франциск Биринчидан нимани илтимос қилмоқчи бўлганимни унутиб қўйдим! Ҳа-а! Эсимга тушди! Асканио... Нель қасрининг эгаси... превонинг қизи Коломба... граф д' Орбек... д' Этамп хоним... Э, худо жинни бўлиб қоляпман шекилли...

Бенвенуто гандираклаб кетиб, Ҳерманнинг қўлига йиқилди, немис уни худди гўдак болани кўтаргандек, илиб олиб, ётоқхонага олиб кириб ётқизди. Паголо бўлса, устознинг амрига итоат этиб, халфаларга ишни давом эттиришни буюрди.

Бенвенуто, дардим оғир, деб тўғри айтган экан. У қаттиқ алаҳлай бошлади.

Скоццоне (чамаси, у ҳам Паголо билан бирга худога сизинган бўлса керак) Бенвенутога ёрдам бергани унинг тепасига югуриб келди. Ҳайкалтарош тинимсиз бақирарди:

— Вой, ўламан! Ана, ўламан! Асканио!.. Энди унга нима бўлади?.. Асканио!

Беморнинг хаёлидан ҳар хил мудҳиш шарпалар липлип ўта бошлади. Асканионинг, Коломбанинг, Стефананинг қиёфалари унинг кўз олдида намоён бўлиб, худди арвоҳлардек яна гойиб бўлишарди. Кейин Бенвенуто ханжар санчиб ўлдирган заргар Помпеонинг ҳам, пилтамилтиқдан отиб ўлдирган сиеналик почтачининг ҳам қонга бўялган шарпалари гавдаланди. Ўтмиш бугунги кун воқеалари билан айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Кў-

¹ Мисранг — лом.

зига гоҳ папа Климент VII нинг Асканиони қамоққа тиққани, гоҳ Медичининг Коломбани д' Орбекка эрга текишга мажбур қилаётгани кўринарди. У ўз қарлисида д'Этамп хоним турипти, деб ўйлаб, дам дағдага қилар, дам ёлборарди, кейин шу заҳотиёқ ўзининг д'Этамп билан эмас, ҳерцогиня Элеоноранинг арвоҳи билан гаплашаётганини пайқаб қоларди; кейин бирдан юм-юм йиғлаб ўтирган Скоццоненинг юзига юзини яқин олиб бориб хахолаб куларкан, Паголога кўз-қулоқ бўлиб юр, бўлмаса, худди мов бўлган мушукдек томма-том изғиб, бир кунмас бир кун йиқилиб ўлади, деб маслаҳат берар эди. У гоҳ жуда қаттиқ ҳаяжонланар, гоҳида тамомила руҳий тушкунликка тушардики, бундай пайтда у чиндан ҳам жон қазо қиладигандек бўлиб кўринарди.

Бенвенуто уч соатдан бери талвасаланиб ётарди. Афти буришиб, ранги қув ўчган Паголо хонага кириб келганида у мутлақо тинкаси қуриб беҳуш бўлиб қолган эди.

— Исо Алайҳиссалому Биби Марьям шафқатини дариг тутмасинлар сиздан, устоз,— деб чинқириб юборди у.— Ҳаммаси барбод бўлди, энди бутун умидимиз парвардигордан.

Бенвенуто қимир этишга мадори қолмай, ўлар ҳолатда ётган бўлса ҳам, Паголони сўзларини эшитди ва бу шум хабар қалбига ништардек санчилди. Унинг ҳушини қамраб олган парда бирдан кўтарилиб, оғир бетоб бўлишига қарамай, ётган еридан сапчиб туриб кетиб бақириб юборди:

— Ҳали Бенвенуто тирик экан, ҳаммаси барбод бўлди, деб айтишга кимнинг тили борди?

— Таассуфки, устоз, бу гапни мен айтдим,— деб жавоб қилди Паголо.

— Лаънати танбал!— деб бақирди Бенвенуто.— Сен, касофат, мудом менга хиёнат қилганинг қилган! Лекин хотиринг жам бўлсин, тасаддиқ. Сен муборак номларини тилга олиб илтижо қилган Исо Алайҳиссалом ҳам, Биби Марьям ҳам фақат номусли одамларга мадад бериб, хиёнаткорларни жазога мустаҳиқ этурлар!

Шу пайт халфаларнинг жон-жаҳд билан:

— Бенвенуто! Бенвенуто! — деб чинқирган овозлари эшитилди

Бу наърани эшитган ҳайкалтарош:

— Мен шу ердан! — деб қичқирди ва ранги докадек оқариб кетган бўлишига қарамай, камол қувва ва

шижоат билан хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди.— Мен шу ердан! Ўз ишини эплай олмаганларнинг шўрини қуритаман ҳозир!

Бенвенуто бир зумда қуйиш устахонасига ўқдек отилиб кирди, кирдию халфаларини пароканда ва маъюс қиёфада кўрди. Ваҳолонки у устахонадан чиқиб кетаётганида иш қайнаб турган эди. Ҳаттоки паҳлавон Ҳерман ҳам чарчоқдан тамоман силласи қуригандек кўринарди: у юрса гандираклаб кетар, шунга кўра, йиқилиб қолмаслик учун, омон қолган устунга суяниб олган эди.

— Қани, гапимга қулоқ беринглар! — деб ҳайқирди халфалар даврасига отилиб кирган Бенвенуто, унинг овози дабдурустдан гумбирлаган момақалдироқдек янгради.— Бу ерда нима бўлганидан ҳали беҳабарман, аммо жонимни тикиб онт ичаманки, ҳаммасини тузатса бўлади! Энди ишни яна ўзим бошқараман. Сизлар фақат менга сўзсиз итоат этишингиз керак. Огоҳлантириб қўяй: гапимга қулоқ солмаган одамни ўша заҳоти ўлдираман! Буни мен ишەқмас, танбалларга қарата айтяпман. Аммо тиришқоқ йигитларга айтадиган гапим шуки, суюкли ўртоғингиз Асканионинг озодликка чиқиши, бахтли бўлиши ўзингиз қуяётган шу ҳайкалнинг муваффақиятли чиқишига боғлиқ! Қани, бошладик!

Шундан кейин Челлини нима бўлганини билиш учун ўчоқ олдига борди. Маълум бўлишича, ўтин тугаб, совиған маъдан, мутахассислар таъбири билан айтганда, «сумалак»ка айланиб қолган экан.

Бенвенуто бир қарашдаёқ бу камчиликни осонгина бартараф қилиш мумкинлигини тушунди. Бор-йўғи, Паголониинг эътиборсизлиги оқибатида ўчоқнинг ҳарорати пасайган. Маъданин суюлтириб оқишиш учун ҳароратни кўтариш керак эди, вассалом.

— Ўтин ташинглар! — қичқирди Бенвенуто.— Қанча кўп бўлса, шунча яхши! Нонвойлардан бориб сўранглар, пулга бўлса ҳам сотиб олинглар, қасрдаги ҳамма хас-чўпларни йиғиб-териб келинглар! Кичик Нель қасридаги ўтинларни ҳам олиб чиқинглар; агарда Перрина хоним қаршилик кўрсатса, дарвозани бузиб кирилинглар; урушда ҳар қандай тадбир ҳам қўл келаверади. Энг муҳими ўтин! Кўп-кўп ўтин керак!

Шундан сўнг, Бенвенуто халфаларга ўрناق кўрсатиб, ўзи қўлига болта олди-да, қолган охирги иккита

устунни шиддат билан чопа бошлади; зум ўтмай иккала устун ҳам, томнинг зўрға илиниб турган қолдиғи ҳам қулаб тушди; шу заҳоти Челлини буларни ҳам апил-тапил ўчоққа тикди.

Бу пайт қучоқ-қучоқ ўтин кўтарган халфалар чор ёқдан югуриб кела бошладилар.

— Мана бу бошқа гап! — деди Бенвенуто. — Хўш, нима дейсизлар? Менга қулоқ соласизларми?

— Қулоқ соламиз, қулоқ соламиз! — деган овозлар эшитилди ҳар томондан. — Буюраверинг, сўнгги нафасимизгача амрингизни бажаришга тайёрмиз!

— Ундай бўлса, даставвал эман тахталарни ўчоққа қалаглар. Эман яхши ёнади, унинг олови Юпитеримизни бир зумда яна ўз ҳолига келтиради!

Шу заҳоти халфалар эман тахталар ва ғўлаларни ўтхонага ота бошлашди, ўчоқдаги ўтин меъёрига етгач, Бенвенуто:

— Бўлди, етади! — деб қичқирди.

Хайкалтарошдаги ғайрат ва шижоат унинг шогирдларига ҳам юққан эди: улар устознинг буюрмоқчи бўлган ишини оғзидан чиқмасданоқ тушунишар ва пайсалга солмай зумда бажаришарди. Фақат Паголо аҳён-аҳёнда тишини гижир қилиб мингирлаб қўярди.

— Сиз имкони йўқ ишни рўёбга чиқармоқчисиз, устоз, демакки, парвардигорни имтиҳон қилмоқчисиз.

Челлини бўлса фақат: «Шошмай тур, тасаддиқ, сен билан ҳали бафуржа гаплашамиз», демоқчи бўлгандек унга қараб қўярди.

Мана, ниҳоят, Паголониинг нохуш кароматига зид ўлароқ, маъдан яна эриб оқа бошлади. Бенвенуто бу иш жараёнини жадаллаштириш учун ўчоққа ўқтин-ўқтин қўргошин бўлақларини ташлаб, эриб суюлган биринжни узун темир косов билан тўхтовсиз ковларди; унинг ўз таъбири билан айтганда, «маъдан мурда» тирилмагунча биринжни ковлашдан тўхтамади. Маъдан билан бирга хайкалтарошнинг ўзига ҳам жон кирди: кўнгли ёришиб кетди, безгак ҳам қақшатмай қўйди, вужудидаги бемажоллик барҳам топди.

Ниҳоят, маъдан қайнаб тоша бошлади. Шунда Бенвенуто қолипнинг тешигини очди ва шогирдларига маъдан қайнаётган ўчоқнинг тиқинларини қоқиб чиқаришни буюрди. Буйруқ бир зумда бажарилди. Одамзод бажариши мушкул бўлган бу иш афсонавий паҳлавонлар жангини эслатарди. Дарҳақиқат, тиқин-

лар уриб чиқарилгач, Челлини маъданнинг фақат жилдираб оқаётганини, шунингдек унинг ҳайкал қуйиш учун етмаслигини ҳам пайқаб қолди. Шу пайт ҳайкалтарошнинг миясига ғоят ажойиб бир фикр келдики, бундай ҳол фақат даҳолардагина учраши мумкин.

— Бу ерда уч-тўрт киши қолсин, қолганлар мен билан юрсин! — деб буюрди у.

У беш нафар халфани ўзи билан эргаштириб Нель қасрига югуриб кириб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, ҳаммалари кумуш, қалай қуймаларини ва шу маъданлардан ясалган идишларни, чала ишланган обдасталару кўзаларни қучоқ-қучоқ кўтариб чиқдилар. Кейин халфалар Бенвенутонинг ишораси билан қўлларидаги бебаҳо буюмларни ўчоққа ота бошладилар; ўчоқ уларнинг ҳаммасини: биринжу қўрғошин-у, кумушларни ҳам, маъдан қуймаларини ҳам, зарб босилган энг нафис буюмларни ҳам шундай лоқайдлик билан ямламай юта бошладики, агар қўйиб берсанг, бу олов ҳайкалтарошнинг ўзини ҳам шундай бепарволик билан домига тортишдан қайтмайдиганга ўхшарди.

Мана шу кейинги ташланган маъданлар ёрдамида, ўчоқдаги биринж гўё қайсарлигига тавба қилгандек, тез суюлдию қолипга шовуллаб оқа бошлади. Биринжнинг бир томчиси ҳам қолмай қолишга оқиб тушганини кўрган Бенвенуто қалбини исканжага олиб ётган ваҳимадан ниҳоят фориг бўлди ва энди маъданнинг қолип бўғзигача тўлиб чиқишини безовталаниб кута бошлади. У қолип ичига узун таёқ тикиб кўриб, Юпитернинг калласи қотишма билан лим-лим тўлганини билди-ю, севинчдан вужуди титраб кетди.

Буюк уста тиз чўкди ва худога сифиниб, шукрона айта бошлади. Асканио билан Коломбанинг халоскори — Юпитерга яқун ясалди, худо хоҳласа, муваффақиятли чиққан бўлиши керак. Ҳолбуки, Бенвенуто ишнинг натижасини фақат эртаси куни аниқ билиши мумкин эди.

Ҳайкалтарош бутун тунни беором ўтказганини тушуниш қийин эмас. У ниҳоятда қаттиқ толиққан бўлишига қарамай, бир зумгагина кўзи илинди, холос. Лекин уйқу ҳам унинг кўнглига таскин беролмади. Ҳайкалтарошнинг кўзи уйқуга кетиши билан алоқ-чалок туш кўра бошларди. Унинг кўзига ўзи ясаган Юпи-

тер, яъни Олимп тоғининг кўрки ва ғурури худолар ҳукмдори Юпитер худди Вулкан¹ сингари маймоқ оёқ бўлиб кўринар, аммо нега бундай бўлганига ҳеч тушуна олмас эди. Қизиқ, ҳайкалнинг бундай чиқишига қолиб айбдормикин ё ишлаш жараёнида бирон хатога йўл қўйилдимикин? Бу унинг хатосимикин ё тақдирнинг ҳазилимикин? Унинг кўкси торс ёрилиб кетгудек сиқилар, чакка томирлари гурс-гурс урар, бутун вужуди дам-бадам совуқ терга чўмиб, юраги қинидан чиқиб кетгудек тепиб уйғониб кетарди. Аввалига у, тушимми ё ўнгимми, деб ҳеч нимага тушуна олмади. Шунда бирдан Юпитернинг она қорнида ётган гўдакдек, қолипда йўрғакланиб тургани, уни эҳтиёт қилиш чораларини кўриб қўйгани эсига тушди.

— Э, худо, — деди у танрига сиғиниб, — ўзинг шоҳидсан: мен наинки дурдона асар яратиш мақсадида, балки айни вақтда савоб ишга қўл уриш учун ҳам бу ҳайкални яратдим.

Ниҳоят, қаттиқ толиққан Бенвенуто кўнгли бир оз тинчигандек бўлиб ухлаб кетди, лекин уйқуси, барибир, беором бўлди: у яна аввалгидан ҳам изтироблироқ, мудҳишроқ тушлар кўра бошлади.

Тонг отиши билан, Бенвенуто ўрнидан сакраб турди, апил-тапил кийиндию дарҳол устахонага кириб борди.

Биринж унчалик совиб етмагандек кўринарди, демак уни очишга ҳали вақт бор. Лекин ҳайкалтарош ўз асарининг муваффақиятли чиққан-чиқмаганини тезроқ билишни истарди, шунинг учун, сабри чидамай, Юпитернинг калласини қолипдан озод қила бошлади. У очилган каллага қўл теккизиб кўрдию ранги мурданикидек оқариб кетди.

— Сиз петопсис-ку, афантим! — деган овоз эшитди у ўз орқасида. Гапирган Ҳерман эди, албатта. — Сиз ҳосир тўшакта ётишингис лосим.

— Янглишасан, биродарим, — деди немиснинг бу қадар барвақт турганидан ажабланган Бенвенуто. — Аксинча, тўшакда ётганимда ўлиб қолаётгандек бўлдим. Ўзинг нега бунчалик эрта турдинг?

— Мен сайр қилгани шиқувтим, афандим. Сайр қилишни мен шуда-шуда яхши кўради, — деб ғўлдира-

¹ Вулкан — Қадимги Румо мифологиясида олов худоси, темир-чилик ишининг ҳомийси. У осмондан йиқилиб чулоқ бўлган.

ди Ҳерман ва уялганидан тирноғининг учигача қизариб кетди.— Келинг, афантим, сиска ёртам перай!

— Йўқ-йўқ! — деб чинқириб юборди Бенвенуто.— Мендан бошқа ҳеч ким қолипга қўл теккизмайди! Шошма! Сабр қил!

Шундан сўнг у ҳайкал бошини ўраган қолип бўлақларини оҳиста кўчира бошлади. Тасодифни қарангки, ҳайкал қуйиш учун ишлатилган маъдан етарли бўлган эди. Агарда бисотидаги ҳамма кумуш идишларни — обдасталару кўзалар-у, лаганларни ўчоққа ташлашдек доно фикр ҳайкалтарошнинг миясига келмаганда эди, Юпитер бошсиз бўлиб қоларди.

Хайрият, калла жуда бежирим бўлиб чиқипти. Челлинининг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди. У энди худди тухум пўчоғини арчгандек хайкални бошдан-оёқ қолипдан тозалай бошлади. Ҳадемай, асоратдан қутулган Юпитер Олимп худосига монанд улугворлик билан ҳайкалтарош кўз олдида намоён бўлди. Ҳайкалнинг биринждан ясалган баданида биронта ҳам нуқсон топилмади, қолипнинг охириги қайноқ сопол парчаси кўчирилиб бўлганида, бу ерга бирин-кетин тўплана бошлаган халфалар ҳайратга келиб қийқириб юборишди. Ўз ишининг самараси оғушида бўлган Бенвенуто шогирдларнинг устахонага кириб келганини пайқамаган ҳам эди.

Аммо ҳайкалтарош уларнинг ҳайқириғини эшитгач, ўзини худодек ҳис қила бошлади. У бошини адл кўтариб, мағрурона табассум билан бундай деди:

— Кўрамиз, шундай ҳайкални яратган одамга Франция қироли мурувват кўрсатишдан бош тарта олармикин!

Лекин Бенвенуто мақтанчоқлик қилиб қўйганидан пушаймон бўлгандек (ҳолбуки, унда шундай хусусият бор эди), шу заҳотиёқ тиз чўкди ва кафтларини қовуштириб, баралла овоз билан тангрига сиғиниб шукрона айта бошлади.

У эндигина ибодат қилиб бўлган ҳам эдики, бу ерга Скоццоне югуриб кириб:

— Сизни Обри хоним сўраб келди,— деб хабар қилди.— У сизга мактуб олиб келибди; эри у мактубни шахсан Бенвенутонинг ўз қўлига топширасан деб таъинлаганмиш.

Ҳайкалтарош Катеринани келган аёлнинг исмини икки марта такрорлашга мажбур қилди, зеро у Жак

Обрининг қачон уйланганлигини ҳеч тасаввур қила олмаган эди.

Шунга қарамай, у устознинг истеъдодидан ҳайратга келган халфаларни устахонада қолдириб, ўзи ташқарига, уни кутиб турган аёл истиқболга чиқиб кетди.

Бироқ Паголо ҳайкалга диққат билан тикилиб, унинг товонида кичкинагина бир кемтик жойни кўриб қолди; чамаси, қолипнинг бу бурчагига маъдан қуйилиши учун бир нима халал берган бўлса керак.

Ўн тўққизинчи боб

ЮПИТЕР ВА ОЛИМП

Ўша куниёқ Бенвенуто ҳайкал тайёр бўлгани ҳақида Франциск I га хабар қилди ва, қачон Олимп қироли ўзини Франция қиролига намоиш қилиши мумкин, деб сўради.

Франциск I унга жавобан, келаси ҳафтанинг пайшанба куни император Карл V билан Фонтенблога ов қилгани боришини айтиб, ҳайкални ўша кунига қасрнинг катта галереясига ўрнатиш лозимлигини айтди.

Д'Этамп хоним қиролга унинг суюкли ҳайкалтарошини обдан ёмонлаган бўлса керак, жавоб хийла қуруқ бўлди.

Лекин Бенвенутога унинг гурури мадад бўлдимиди ё худого имон келтиргани ёрдам бердимиди, ҳар қалай, у жилмайганча:

— Яхши, — деб қўяқолди.

Душанба келди. Челлини ҳайкални аравага орттирди, йўлда бирон фалокат рўй беришидан қўрқди шекилли, ўз ижодини ўзи кузатиб бормоқчи бўлиб, отга минди.

Пайшанба куни эрталаб соат ўнда ҳайкалтарош ҳам, унинг асари ҳам Фонтенблога етиб борди.

Челлинига бир нигоҳ ташлашнинг ўзидаёқ унинг чехраси пок гурур ва порлоқ умиддан мунаввар бўлганини кўриш мумкин эди. Унинг санъаткорона туйғуси ўзининг дурдона асар яратганидан, пок қалби эса ҳадемай хайрли ишни бажаражагидан дарак берар эди. Шунинг учун, Бенвенуто кайфияти ниҳоятда чоғ ва адоват нималигини, демакки, қўрқувни ҳам билмайдиган одам сингари бошини адл кўтариб қасрга кириб

борди. Юпитернинг қиролга ёқиши муқаррар. Монм оранси билан Пуайе ҳам Франциск I га унинг берган ваъдасини эслатишади, бу воқеа императорнинг ва барча сарой аъёнларининг ҳузурида юз беради, ана унда, қиролда ваъдасини ижро этишдан ўзга илож қолмайди.

Ҳерцогиня д' Этамп ҳам ўзича режа тузарди — тўғри, унинг режалари Челлининики сингари хушният эмас эди-ю, аммо у ҳам тийиқсиз эҳтирос билан ҳаракат қиларди. Гарчи д' Этамп хоним ҳайкалтарошни ўз ҳузурига киритмай, Франциск I билан кўришишига йўл қўймай, тантана қилган бўлса ҳам, бу унинг Челлини билан биринчи тўқнашуви эканлигини, ҳали олдинда бундан ҳам хавфлироқ иккинчи тўқнашув турганини, ана унда, худо кўрсатмасин, қирол Бенвенутога берган ваъдасининг устидан чиқиши ҳам мумкинлигини жуда яхши тушунар эди. Шунга кўра, ҳерцогиня, қандай қилиб бўлмасин, бунга йўл қўймаслик учун бел боғлади: у Фонтенблога Челлинидан бир кун олдин етиб келган ва фақат аёлларгагина хос ўта муғамбирлик билан ўз ўйинини бошлаб юборган эди.

Бенвенуто шу куниеқ хонимнинг найрангига рўпара келди.

У Юпитер ҳайкали учун мўлжалланган галерея остонасига қадам қўйиши билан қоқ юрагидан зарба еди, сўнг бу зарбани ким урганини фаҳмладию руҳи тушиб кетиб, таққа тўхтаб қолди.

Галереяга қандай дурдона асарлар териб қўйилган тақдирда ҳам, унинг буюк Россо расмлари билан безатилган деворлари бу ерга кирган ҳар бир кишининг эътиборини ўзига тортиши муқаррар эди; аммо шунга қарамай, бу зал кейинги уч кун ичида Приматиччо Римдан юборган антик давр ҳайкаллари билан бойитилган эди. Бу ерга икки минг йилдан бери мутгасил мухлисларнинг ҳамду саноларига кўмилиб келаётган ҳайкалтарошлик санъати мўъжизалари: ҳар қандай муқоисани бартараф қилувчи, ҳеч қандай рақобатдан қўрқмайдиган ноёб ҳайкаллар олиб келиб қўйилган эди. Тошда ва биринжда ўз аксини топган мангу барҳаёт бўлиб қолган аҳли само: Ариадна, Венера, Ҳеркулес, Аполлон ва ниҳоят, энг буюк даҳолар армонини ўзида мужассамлаштирган олимпик муаззам Юпитер — бу ерда гўё худолар кенгашига йиғилгандек туришардики, уларнинг истиқболига отилиб чиқиш шак-

коклик ҳисобланар ва бу олий ҳакамлар ҳукмидан, ҳар қандай саъяткор ҳам қўрқмоғи лозим эди.

Бу ер — худолар жамоасининг маскани Олимп эди, бинобарин, ўз Юпитерини бу юксак Олимпга, Фидийнинг Юпитери ёнига олиб келиб қўйиш ўзини буюк ҳайкалтарошга қарши қўйиш билан баробар эди, Бенвенуто учун эса, бу худоларга шак келтириш билан баробар эдики, шу хаёлнинг ўзи виждонли ҳайкалтарошни, ижодиётнинг бу беқиёс намуналаридан эҳтиром билан уч қадам орқага чекинишга даъват этди, ҳолбуки Челлини ўз иқтидори ва истеъдодига қатъий ишонган санъаткор эди.

Яна шуни илова қилишимиз керакки, антик давр ҳайкаллари, ўз мавқеларига яраша, галереянинг энг кўримли ерларига ўрнатилган эдилар; Челлинининг бахти қаро Юпитерига эса фақат қоронғу бурчаклар қолган эди ва у ерларга бориш учун қадимги дунё худоларининг маҳобатли сафини айланиб ўтишга тўғри келарди.

Бутунлай руҳи тушиб кетган Бенвенуто галерея остонасида бошини қуйи солиб тураркан, қаршисида намоён бўлган манзарага ҳам қайғу, ҳам ҳайрат билан боқарди.

— Мессер Антуан Ле Масон, — деб мурожаат қилди ҳайкалтарош уни кузатиб юрган қирол саркотибига, — мен ҳозироқ ўз Юпитеримни қайтариб олиб кетмоқчиман, олиб кетишим шарт! Устознинг имтиёзига даъвогар бўлишга ҳеч бир шогирднинг ҳаққи йўқ; гўдак аждодлар билан кураша олмайди; бунга журъат қилиш учун менинг ғурурим ҳам, виждоним ҳам йўл қўймайди.

— Бенвенуто, — деди қирол саркотиби, — дўстона маслаҳатимга қулоқ беринг: агар олиб кетсангиз, хароб бўласиз. Сизга бир сирни айтай: душманларингиз сиздан айнан шуни, яъни ожизлигингизга иқрор бўлишингизни кутишяпти. Агар кетсангиз, мен Юпитерни интизор бўлиб кутаётган қиролга нима деб гапирмай, сизнинг номингиздан қанча узр сўрамай, аъло ҳазратлари биронта ҳам гапимни эшитмайди, натижада д'Этамп хонимнинг таъсирига берилиб, сизни ўз марҳаматидан тамоман маҳрум этади. Баъзи бировлар айнан шу ниятдалар. Сиз, Бенвенуто, ўлик рақиблардан эмас, тирик душманларингиздан кўрқинг!

— Ҳақ гапни айтдингиз, мессер, фикрингизга

тушундим, миннатдорман сиздан. Яхши эсимга солдингиз — ҳозир димоғ-фироғ қилишга ҳаққим йўқ.

— Баракалла, Бенвенуто! Сизга яна бир дўстона маслаҳат бермоқчиман: д'Этамп хоним бугун жудаям очилиб кетган; назаримда, у биронта макр ишлатмоқчига ўхшайди. Франциск Биринчини қандай ноз-карашма билан сайр қилгани ўрмонга етаклаб кетганини кўрмадингиз-да! Ростимни айтсам, сизга ачинапман, зеро ҳерцогиня қиролни қош қорайгунча ўрмонда ушлаб туриши ҳам мумкин.

— Наҳотки шундай қилса? — деди ранги қув ўчиб кетган Бенвенуто.— Унда мен адои тамом бўламан-ку: шамлар ёруғида ҳайкалим икки карра ёмонроқ кўринади.

— Шояд янглишган бўлсам,— деди Антуан Ле Массон,— қани, сабр қилиб кутаёлик-чи.

Челлини қаттиқ ҳаяжонланганидан вужуди дағ-дағ титраб кута бошлади. У Юпитер учун бўш жойлардан энг яхшисини танлади, шундай бўлса ҳам, ҳайкал кеч кирган пайтда унча кўримли бўлмаслигини, кечаси-ку мутлақо хунук кўринишини у жуда яхши тушунар эди. Ҳерцогинянинг Бенвенутога бўлган нафрати шу қадар зўр эдики, у ҳайкалтарошнинг ўз асарига қандай нисбат бериб намоиш қилишини аниқ ҳисоблаб чиққан эди. Айтмоқчимизки, д'Этамп хоним XIX аср танқидчилиги услубини 1541 йилдаёқ кашф этган эди.

Бенвенуто уфқ томон оға бошлаган қуёшга маъюс боқар, «тиқ» этган товушга қулоғи динг бўларди, аммо бутун қасрда хизматкорлардан бошқа ҳеч ким кўринмасди.

Соат учга жом чалди. Д'Этамп хонимнинг бирон шумликни кўзлаганига ва бу борада ютиб чиқишига энди шубҳа қолмаган эди. Бенвенутонинг тинкаси қуриб, курсига ўтирди.

Ҳамма режалар, биринчи навбатда, унинг ҳайкалтарошлик шон-шукрати барбод бўлаётган эди. У ўз мақсадига эришиш учун, жон олиб-жон бериб курашди, лекин бу жонбозлиги эвазига уни шармандаи шармсор қилишмоқчи, қолаверса, шўрлик ҳайкалтарош бу йўлда чеккан азобларини ҳам энди унутиб юборган эди, зеро бу азоблар уни музаффарият сари етаклаши керак эди. У ўзининг Юпитерига алам билан боқарди, чунки кеч кириб, зулмат пардаси уни аста буркай бошлаган,

оқибат, ҳайкалнинг нафис жиҳатлари хиралаша бошлаган эди.

Шу пайт бирдан ҳайкалтарошнинг миясига жуда ғаройиб бир фикр келди. У сапчиб ўрнидан туриб кетди ва ўзи билан келган Жимит-Жанни чақириб олиб, шоша-пиша саройдан чиқиб кетди. Қиролнинг келишидан ҳали ҳеч қандай дарак йўқ эди. У шаҳар дурадгори олдиға борди ва шу дурадгор билан унинг халфалари ёрдамида, орадан бир соат вақт ўтар-ўтмас, эман ёғочидан тўртта ғилдиракка ўрнатилган тагкурси ясади.

Энди Челлини, ишқилиб кўзлаган ишим битмагунча қирол ўз аъёнлари билан келиб қолмасин-да, деб хавотирлана бошлади. Лекин ана, соат бешга ҳам жом чалди, қош ҳам қорая бошладию, аммо тождор зотлардан ҳамон дарак йўқ эди. Д' Этамп хоним, қаерда бўлмасин, шу дамда ўз ғалабасини тантана қилаётган бўлиши керак.

Тагкурси тайёр бўлиши билан Бенвенуто ҳайкални унга ўрнатди. Юпитер чап қўлида ер куррасини, сал юқори кўтарган ўнг қўлида худди фоний бандаларни маҳв этишга шайлангандек чақмоқ ўқларини ушлаб турарди. Бенвенуто ҳайкалнинг мана шу қўлига кўринмайдиган қилиб шам ўрнатиб қўйди.

У эндигина ишини тугатган ҳам эдики, бурғу садолари янграб, қирол билан императорнинг шикордан қайтганини билдирди. Шу заҳоти Бенвенуто шамни ёқди ва Жимит-Жанга ҳайкалнинг орқасига ўтиб беркиниб туришни буюрди, сўнг юраги қаттиқ безовта бўлиб, қиролни кута бошлади.

Ун дақиқалардан кейин галерея эшиги ланг очилиб, остонада Франциск I пайдо бўлди; у Карл V билан қўлтиқлашиб турарди. Уларнинг орқасидан валиаҳд, малика, Наварра қироли — хуллас, барча аъёнлар кириб келишди. Ҳаммадан орқада прево ўз қизи билан ҳамда граф д' Орбек келарди. Коломба маъюс кўринар, унинг ранги қув ўчиб кетган эди. Лекин у Челлинини кўриб, бошини кўтардию юзи ёришиб, очиқ чехра билан табассум қилди.

Челлини унга нигоҳ ташлаб, кўзи билан: «Қўрқманг, нима бўлганда ҳам мен сизни ҳимоя қиламан», дегандек бўлди.

Галерея эшиги очилган заҳоти Жимит-Жан Бенвенутонинг ишораси билан ҳайкал ўрнатилган тагкурсини оҳиста итарган эди, шунда Юпитер қадимги дунё

санъат асарларини орқада қолдириб, худди тирикдек, қирол истиқболига пешвоз кела бошлади.

Шу заҳоти ҳамманинг нигоҳи Юпитерга қаратилди. Тепадан тушиб турган шамнинг майин шуъласи, чарогон офтоб нурига нисбатан анча ёқимлироқ қилиб кўрсатди ҳайкални.

Д' Этамп хонимнинг зардаси қайнаб, лабини тишлаб қолди.

— Бу хушомад хийла қўполроқ бўлиб туюлмадими сизга, сир? — деб сўради ҳерцогиня. — Ахир қирол пешвоз бориши керак-ку тангри қошига.

Франциск I мийиғида кулиб қўйди: унинг бу хушомаддан мамнун эканлиги сезилиб турарди; у, ўз одати бўйича, бу гал ҳам ижод маҳсулига маҳлиё бўлиб, ижодкорни унутиб юборди ва Юпитерга яқин бориб сукут сақлаганча уни узоқ вақт кузатиб турди. Гарчи кайфияти чоғ бўлган дамларда Тицианнинг мўйқаламини қўлига олиб турувчи, аммо мусаввирликдан кўра, қалбан сиёсатдон бўлган Карл V сарой аъёнлари билан бирга (уларнинг ўз шахсий мулоҳазалари бўлиши мумкин эмас эди) қиролнинг фикр айтишини кутиб турарди.

Теран сукунат бир неча дақиқа давом этди; бу орада Бенвенуто Челлини билан д' Этамп хоним ўзаро газаб тўла кўзларини уриштириб ҳам олишди.

— Ғоят гўзал! — деб юборди бирдан қирол. — Чинакам ноёб асар! Дарҳақиқат, ҳайкал мен ўйлагандан ҳам афзал бўлибди.

Шундан кейингина ҳамма ҳайкални мақтаб, ҳайкалтарошни табриклай бошлади. Бу борада император Карлнинг мақтови ҳамманинг овозини босиб кетди.

— Агар санъат аҳлини худди шаҳарларни забт этгандек қўлга киритиш мумкин бўлганда, — деди у Францискага, — бу устани тортиб олиш учун шу заҳоти сизга қарши уруш эълон қилган бўлардим, ога.

— Лекин Юпитернинг ҳайкали, — деди газаби қайнаган д' Этамп хоним, — қадимги дунёнинг дурдона асарларини биздан бутунлай тўсиб қўйди! Улар орқада қолиб кетди, ахир! Менимча, улар ҳам замонавий санъат намуналари сингари диққатга сазовордирлар.

Шунда қирол антик давр ҳайкаллари олдига яқин борди; паст томондан машъалалар билан ёритилган бу ҳайкалларнинг жуссалари қоронғуда қолган эди, шунинг учун Юпитер сингари эътиборни жалб қилмасдилар.

— Фидий, шак-шубҳасиз, беназир истеъдод соҳиби, — деди қирол, — илло шоҳ Перикл замонида бўлганидек, Франциск Биринчи билан Карл Бешинчи даврида ҳам уларнинг ўз Фидийлари бўлиши мумкин-ку.

— Йўқ, бу ерга албатта кундуз куни келиш керак, — деди ҳерцогиня алам билан. — Биринчи таассурот доим чалғитади, шам билан таассуротни кучайтириш эса ҳали санъат эмас. Ундан кейин, манави чойшабнинг хизмати нима? Очигини айтинг, маэстро Челлини, сиз бу билан ҳайкалнинг биронта нуқсонини беркитмоқчи эмасмисиз?

Челлини Юпитерни янада маҳобатлироқ қилиб кўрсатиш учун унинг елкасига ҳарир мато ташлаган эди — ҳерцогиня шу нарсага шама қилаётган эди.

Худди ўзи ясаган ҳайкал каби гунг, совуқ ва беҳаракат кўринган Бенвенуто ҳерцогинянинг бу сўзларини эшитиб аччиқ истеҳзо қилди ва дарғазаб кўзларини ўқрайтириб, мажусийлар замонининг ҳайкалтарошига хос густоҳона дадиллик билан ҳарир пардани юлиб олди.

У, ҳерцогинянинг жони ҳиқилдоғига келади, деб ўйлаган эди.

Лекин л'Этамп хоним, билъакс, астойдил уриниб ўз газабини тийди-да, сохта жилмайди ва ҳайкалтарошга илтифот кўрсатиб қўлини узатди: бундай кескин ўзгариш Челлинини эсанкиратиб қўйди.

— Тан оламан, мен янглишган эканман! — деди тантиқ болаларга ҳос баралла овоз билан. — Сиз, Челлини, буюк ҳайкалтарошсиз! Инжиқлик қилганим учун мени кечиринг, келинг, дўстлашайлик! Хоҳлайсизми? Қўлингизни беринг! — Сўнг паст овоз билан бидирлаб илова қилди: — Лекин билиб қўйинг, Асканио билан Коломбанинг никоҳига қиролдан розилик олишни хаёлингизга ҳам келтирманг, акс ҳолда сиз ҳам ҳалок бўласиз, улар ҳам!

— Бордию бошқа нарса сўрасам, мени қувватлайсизми? — пичирлаб сўради Бенвенуто ҳам.

— Ҳа, — деб дарҳол жавоб қилди ҳерцогиня. — Онт ҳам ичишим мумкин, сиз нимани илтимос қилманг, қирол уни албатта бажаради!

— Асканио билан Коломбанинг никоҳи масаласига келсак, бу ҳақда қиролдан ижозат сўраб ўтиришимнинг ҳожати йўқ, — деди Бенвенуто. — Буни ўзингиз илтимос қиласиз, хоним афанди.

Херцогиня нафратона истехзо қилди.

— Нималарни пичирлашяпсизлар? — деб сўради Франциск I.

— Херцогиня менга мурувват қилдилар: Юпитерим билан кўнглингизни хушнуд қилган тақдиримда илтимосимни бажаришга ваъда берган эдингиз, шу ваъдангизни эсимга солдилар, аъло ҳазратлари.

— Бунга биз ҳам гувоҳ эдик, аъло ҳазратлари, яъни мен билан канцлер Пуайе, — деди коннетабль қиролга яқин келиб. — Сиз ҳатто мен билан ҳамкасбимга буюриб эдингизки...

— Ҳа-ҳа, коннетабль! — қувноқ овоз билан унинг сўзини бўлди қирол. — Берган ваъдамни эсимга солишни илтимос қилган эдим сизлардан, лекин унутиб қўйган тақдиримдагина: чин асилзода сифатида онт ичиб айтаманки, ваъдам жуда яхши эсимда! Шунга қарамай, жаноблар, воқеага аралашганингиз учун сизларга миннатдорчилик изҳор қиламан. Дарвоқе, мен Юпитер тайёр бўлгач, Бенвенутонинг ҳар қандай истагини бажаришга сўз берган эдим. Шундай эмасми, коннетабль? Қалай, хотирам дуруст эканми, канцлер?.. Қани Челлини, айтаверинг талабингизни, камина сизнинг ихтиёрингиздаман. Фақат бир илтимос, ўз хизматларингиз ҳақида камроқ ўйланг, зеро улар беназир, лекин кўпроқ ўз имкониятларингиз тўғрисида ўйлангки, улар чекланган. Қани, хоҳлаган нарсангизни талаб қилаверинг, фақат бошимиздаги тожимиз билан мақбубамизни сўрамасангиз бўлгани.

— Яхши, сир, — деди Челлини, — баски, сиз мендек ношоист бир қулингизга камоли марҳамат қилаётган экансиз, мурувватингиздан фойдаланиб фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: Шатле қалъаси яқинида дарё бўйида виконт де Мармань билан жанжаллашиб, дуэлда унга шамшир санчган фақир бир талабанинг гуноҳидан ўтсангиз.

Бундай камтарона илтимосни эшитган барча аъёнлар, ҳаммадан ҳам кўпроқ д'Этамп хоним ҳангу манг бўлиб қолишди; херцогиня, янглиш эшитмадиммикин, деб ўйлаб Челлинига бақрайиб қолди.

— Азбаройи шифо! — деди Франциск I. — Сиз борйўғи афв этиш ҳуқуқимдан фойдаланишга мажбур этияпсиз-ку мени, зеро канцлер куни кеча, у жиноятчи дор жазосига мустаҳиқ, деб айтган эди!

— О, сир, — деди херцогиня, — мен ҳам ўша йигит-

чанинг ёнини олиб гапирмоқчи эдим. Гап шундаки, яқинда Мармандан дарак олдим. Виконт анча тузалиб қолипти: ўша талаба билан бўлган жанжалга ўзи сабабчи эканлигини сизга етказишимни мендан илтимос қилувди... Исми нима эди ўша йигитнинг, маэстро Челлини?

— Жак Обри, хоним афанди.

— Марманнинг айтишича, ўша Обрида ҳеч қандай айб йўқ экан. Маслаҳатим, сир, Бенвенуто билан тортишиб ўтирманг-у, бирдан ҳушини йиғиб олиб, бошқа каттароқ бир нарса сўрамасидан, тезроқ илтимосини бажаринг.

— Яхши, маэстро, майли, сизнингча бўлсин, — деди Франциск I. — «Тез олган — соз олади», деб бекорга айтишмаган. Шунга кўра, талабани озод қилиш ҳақидаги фармон дарҳол жўнатилсин. Эшитдингизми, канцлер?

— Ҳа, сир, амрингиз бажарилади.

— Сиздан эса, қимматли маэстро Челлини, — деб гапида давом этди Франциск I, — душанба куни Луврга боришингизни сўрайман. Биз кейинги пайтларда ҳазинадорим эътибор бермай қўйган айрим икир-чикир нарсалар тўғрисида келишиб оламиз сиз билан.

— Аъло ҳазратларининг хабари йўқми, ахир Луврнинг эшиги мен учун...

— Ҳечқиси йўқ! Бу буйруқни берган шахс уни бекор қилиши ҳам мумкин. Бу бир ҳарбий тадбир эди, баски, энди атрофимизга фақат дўстлар тўпланган экан, ҳарбий ҳолат бекор қилинади.

— Қандай яхши, сир! — деди ҳерцогиня. — Бугун сиз, аъло ҳазратлари, шунчалик олиҳиммат экансиз, менинг ҳам илтимосимни рад этмасангиз... гарчи Юпитерга менинг ҳеч қандай яқинлигим бўлмаса ҳам.

— Лекин сизнинг Даная¹ билан ўхшашлик жиҳатингиз кўп, хоним афанди, — деди пичирлаб Бенвенуто.

Унинг бу пичингини эшитмаган Франциск I:

— Хўш, илтимосингиз нимадан иборат, хоним афанди? — деб сўради. — Билингки, ҳерцогиня, бизнинг бирдан-бир истагимиз ҳар қачон ва ҳар ерда сизнинг кўнглингизни топмоқдир.

— Миннатдорман, сир! Мен сиздан, аъло ҳазратлари, жаноби д'Эстурвилга мурувват кўрсатиб, келгуси ҳафтанинг душанба куни дугонам мадемуазель д'Эстур-

¹ Даная — қадимги юнон ривояти бўйича ўз ҳусни билан олий худо Зевсни (Юпитерни) мафтун қилган соҳибжамол қиз.

виль билан граф д'Орбекнинг никоҳ гувоҳномасига имзо чекишингизни илтимос қилмоқчи эдим.

— Ахир бу мурувват эмас, чинакам ҳузур-ҳаловат-ку!— деди Франциск I.— Аввало қиролнинг ўзи кўпроқ ҳузур қилади бундан; азбаройи худо, бундай ҳузурбахш илтимосингиз учун мен сиздан миннатдор бўлишим керак, хоним афанди!

— Демак, сир, келишдик: душанба куни-а? — деб такрор сўради ҳерцогиня.

— Душанба куни,— деб жавоб қилди қирол.

— Ҳерцогиня,— деди Бенвенуто паст овоз билан,— шундай тантанали кунда Асканиога берган буюртмангиз — олтин нилуфарнинг тайёр бўлмаганига афсусланмайсизми?

— Албатта афсусланаман,— деб жавоб қилди д'Этамп хоним.— Лекин илож қанча, ахир Асканио қамоқда-ку.

— Тўғри, лекин мен озодликдаман-ку,— деб эътироз билдирди Бенвенуто.— Мен бажону дил нилуфарни ишлаб битириб, сизга келтириб бераман, хоним афанди.

— О! Агар шундай қилсангиз, мен чин юракдан айтаманки...

— Нима деб айтасиз, хоним афанди?

— Бағоят илтифотли одамсиз, деб айтаман.

Ҳерцогиня шундай деб туриб Бенвенутога қўлини узатди, ҳайкалтарош ҳам қиролдан кўзи билан ижозат сўраб, хонимнинг қўлидан ғоятда зўр назокат билан ўпди.

Шу пайт кимдир заиф овоз билан ингради.

— Нима гап? — деб сўради қирол.

— Афв эдинг, аъло ҳазратлари,— деди прево,— бу менинг қизим; кўнгли беҳузур бўлди.

«Шўрлик қиз!— деб кўнглидан ўтказди Бенвенуто.— Мени сотқинга чиқариб қўйди шекилли».

Иигирманчи боб

МАНФААТЛИ НИКОҲ

Бенвенуто шу куни кечқурун Фонтенблдан жўнаб кетмоқчи бўлди, лекин Франциск I уни қўйиб юбормади, шу боис, қасрда тунаб қолишига тўғри келди.

Ҳайкалтарош Парижга қайтгани ҳаманоқ кўпдан

бери чўзилиб келаётган бир можарога узил-кесил барҳам беришни кўзлаб қўйган эди. Бу нарсанинг биз кузатаётган воқеага мутлақо дахли бўлмаса ҳам Бенвенуто Асканио билан Коломбанинг тақдирини ҳал этишга киришишдан олдин уни бир ёқлик қилмоқчи бўлди.

Алқисса, у кечликни, ҳатто нонуштани ҳам қасрда қилиб, чошгоҳда қирол ва ҳерцогиня д'Этамп билан хайрлашди-да, Жимит Жаннинг ҳамроҳлигида сафарга чиқди.

Икковлари минган от ҳам яхши ҳордиқ чиқарган эди, лекин шунга қарамай, Бенвенуто, ўз табиатига зид ўлароқ, ҳеч шошмасди. Унинг Парижга ўзи кўзлаган пайтда етиб бормоқчи бўлгани сезилиб турарди. Дарҳақиқат, Жимит Жан билан икковлари фақат кеч соат еттидагина Арфа кўчасига кириб боришди.

Шунда ҳам, Бенвенуто, негадир, тўғри Нель қасрига боравермасдан, флоренциялик табиб дўсти Гвидонинг эшигини тақиллатди. У дўстининг уйда эканлигини кўриб, шу ерда кечлик қилмоқчи бўлди ва Жимит-Жанга Нель қасрига ёлғиз ўзи бориб, халфаларга устоз Фонтеблдан эртага қайтади, деб айтишни буюрди. Кейин унга, кўча эшикни мен оҳиста тақиллатган заҳотим очасан, деб тайинлади.

Жимит-Жан устозининг айтганларини бекаму кўст бажаришга сўз бериб, дарҳол Нель қасрига от чоптириб кетди.

Меҳмонни овқатга таклиф қилишди, лекин Бенвенуто овқатга ўтиришдан олдин дўстидан, ҳеч хато қилмай шартнома туза оладиган биронта омилкор нотариусни билмайсанми, деб сўради. Дўсти унга ўз куёвини тавсия қилди ва шу заҳотиёқ унга одам юборди.

Нотариус келганида кечлик тугай деб қолган эди. Челлини у билан қўшни хонага кириб, эшикни ичидан беркитиб олди-да, ундан келин-куёвнинг номига жой қолдириб никоҳ шартномаси тузиб беришни илтимос қилди. Шартнома ёзилгач, ҳеч қандай мавҳумлик йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун, уни икки марта диққат билан ўқиб чиқишди. Сўнг Бенвенуто шартномани чўнтагига солиб, нотариусга хизмати учун яхши ҳақ тўлади. Дўстидан узунлиги худди ўзиникидек келадиган шамшир сўраб олиб, уни плашчи остига яширди-да, Нель қасри томон равона бўлди. Бу пайт кеч кириб, қоронғу тушган эди.

У қаср дарвозаси тагига келиб, уни оҳиста тақил-

латди. Шу заҳоти дарвоза очилди. Жимит-Жан ўз вазифасини ҳушёрлик билан бажараётган эди.

Челлинининг, қасрда нима гап, деб берган саволига Жимит-Жан, халфалар кечлик қилишяпти, сизни эртага кутишяпти, деб хабар қилди. Бенвенуто, қайтиб келгани ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни тайинлаб, болани жўнатиб юборди, ўзи тўғри Катеринанинг ётоқхонаси томон йўл олди; ёнида бу хонанинг калити бор эди. У ҳеч кимга сездирмай хонага кириб, эшикни ичидан қулфлади-да, парда орқасига яширишиб олиб кута бошлади.

Чорак соатдан кейин зинадан чиқиб келаётган энгил оёқ товуши эшитилди, эшик очилиб, хонага қўлида чироқ билан Скоццоне кириб келди. У эшикни ичидан қулфлади, шамчироқни каминь устига қўйди-да, Бенвенуто турган томонга қаратиб қўйилган роҳаткурсига ўтирди: энди ҳайкалтарош қизни яққол кўриб турар эди.

Лекин Катеринанинг ҳамиша кулиб турувчи, хушчақчақ, очиқ чеҳраси бугун ўйчан ва маҳзун эди. Бу ҳол ҳайкалтарошни таажжублантирди.

Гап шундаки, Скоццоне виждон азобида қийналаётган эди.

Биз бу қизни ҳамиша хушбахт ва хушчақчақ ҳолда кўришга одатланган эдик, чунки илгари Бенвенуто Катеринани севар эди. Қиз устознинг севгисини, ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўзига кўнгли борлигини ҳис қилар экан, унга хотин бўлиш умиди худди уфқдаги заррин булут каби порлаб турар эди; қиз мана шу умидига ҳамиша содиқ қолди. Муҳаббат туйғуси Катерина қалбидаги ўтмиш иллатларини батамом ювиб юборганди. Лекин муҳаббат деб орзу қилган нарсаси бор-йўғи оддий хушторлик бўлиб чиққанини, демакки алданганини пайқаган Скоццоне энди, устоз билан бахтиёр ҳаёт кечириш орзусидан воз кечди, натижада, ҳайкалтарошнинг табассумидан гул-гул очилган жамоли сўлиб, яна руҳи тушиб кетди.

Скоццоненинг гўдакларга хос дўлворлиги ва шўхликлари секин-секин барҳам берди. Унинг юраги сиқилиб, эски одатини қўмсай бошлади. Янги бўялган девор ҳам шундай: очиқ ҳавода ярақлаб турадию ёмғир ёғиб юборса, ювилиб хирилашиб қолади. Челлинининг Скоццонегга қарамай қўйгани қизнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди, шунинг учун у ҳайкалтарошни нима қилиб бўлса ҳам ўзидан узоқлаштирмасликка уринди.

У Паголониинг бот-бот хушомад қилишидан фойдаланиб, Челлинига бу янги хуштори тўғрисида гап очадиган бўлди; мақсад: унинг дилида рашк ўтини ёқиш эди. Аммо бу ишда ҳам қиз панд еб қолди. У Бенвенутониинг жаҳли чиқади, деб кутган эди, ваҳолонки, ҳайкалтарош хохолаб кулиб юборди; у Катеринага Паголо билан учрашишни тақиқламади, билъакс, у билан тез-тез учрашиб туришни маслаҳат берди. Шунда ўзининг адои тамом бўлганини ҳис қилган Скоццоне яна ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган бўлиб қолдию куз шамоли узиб туширган сўлғин япроқ каби ўзини оқим ихтиёрига топширди.

Ана шундагина Паголо ўзига нисбатан қизнинг бепарволигини енгди. Ҳар на бўлганда ҳам Паголо ёш йигит эди, шўртумшуклиги бўлмаганда-ку, чиройли йигит дейиш ҳам мумкин эди. Паголо ошиқ эди, у Скоццонега тўхтовсиз севги изҳор этаверди, Челлини эса бунинг акси ўлароқ муҳаббат ҳақида мутлақо оғиз очмай қўйган эди. «Мен сени севаман» — одамзоднинг қалб тили фақат мана шу учта сўздан ташкил топгандирки, ҳар бир қалб иккинчи бир қалб билан айнан мана шу тилда гаплашмоғи лозим.

Скоццоне диққинафасликдан, аламдан, эҳтимол, ўзини алдаб овутиш учундир, бир кун Паголога, мен сени севаман, деб айтди, лекин уни севмай туриб, қалбида Челлини қиёфасини сақлаган, унинг исмини дилида такрорлаган ҳолда айтди бу сўзни.

Айтдию шу заҳоти кўнглига, эҳтимол бир кун эмас, бир кун Бенвенуто яна ёнимга қайтар, шунда унинг маслаҳатларига амал қилмай, ҳамон унга содиқ бўлиб қолганлигимни кўрадию бу вафодорлигим учун яна мени яхши кўриб қолади, деган фикр келди... Бу билан, бечора қиз Бенвенутога эрга тегишни назарда тутаётгани йўқ эди, устоз унга шафқат билан боқса, шунинг ўзи унга бир вақтлардаги севгининг қайтгани эди.

Скоццонени ўйчан, маҳзун қилган ана шу хаёллар бўлиб, шу хаёллар унинг қалбини виждон азобига солаётган эди. Шу пайт, зинадан эшитилган шарпа қизнинг хаёлини бузди; Катерина сесканиб кетиб бошини кўтарди; зина пиллапояси ғижирлади, кейин қулф «шиқ» этиб эшик очилди.

— Паголо, бу ерга қандай кирдингиз, сизга калитни ким берди? — деб чинқириб юборди Скоццоне, сапчиб ўрнидан туриб кетаркан.— Бу эшикнинг калити фақат иккита: бири менда, яна бири Челлинида.

— Ҳадеб ноз қилаверганингиздан кейин, иложим қанча, жонидан? — деди кулиб Паголо.— Гоҳ эшикни очиқ қолдирасиз, гоҳ қулфлаб оласиз; хонангизга деразадан ошиб кирмоқчи бўлсам, келишимга ўзингиз розилик берган бўлишингизга қарамай, дод солиб одамларни ёрдамга чақирасиз. Шунинг учун ҳийла ишлатишимга тўғри келди.

— Вой, ўлмасам! Лекин ростингизни айтинг, ҳар қолда, сиз калитни Бенвенутонинг чўнтагидан сездирмай олган бўлсангиз керак-а, калитни сизга унинг ўзи бермаган, бу ерга кирмоқчи бўлганингиздан у мутлақо беҳабар, шундайми? Акс қолда, уят ва ўкинчдан ўлиб қоламан!

— Тинчланинг, о дилбарим Катерина! — деди Паголо; у калитни икки бураб эшикни қулфлади ва қизни ўтқазиб ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди.— Бенвенуто энди сизни севмайди, бу ҳақ гап, лекин у бойлигидан ўзи ҳам фойдаланмайдиган, уни бировга ҳам бермайдиган, қурумсоқ бойга ўхшайди... Йўқ, бу калитни мен ўзим ясадим. Буюк нарсаларни яратишга қодир одам кичик буюмларни ҳам ясай олади. Заршунос устанинг оддий косибга айланиши қийин эмас. Кўрдингизми, Катерина, сизни шунчалик яхши кўраман! Инжу, олтин ва олмослардан нафис гуллар ясовчи бу бармоқлар оддий темир парчасига ишлов беришдан ҳам ҳазар қилмайди. Натижада, о маккор қиз, ўша темир парчасидан калит пайдо бўлди: калит бўлганда ҳам жаннат қопқасининг калити!

Паголо шундай деб туриб, Катеринанинг қўлидан ушламоқчи бўлди, лекин қиз уни итариб юборди; ошиқ-маъшуқларнинг ҳамма гапини эшитиб, ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган Бенвенуто Скоццоненинг бу журъатидан ҳайратга келди.

— Хўп, яхши! Хўш, токайгача давом этади бу нозу истиғнолар? — сўради Паголо.

— Қулоқ солинг, Паголо,— деб Катерина шундай ҳазин овоз билан гапира бошладики, буни эшитган Челлинининг юраги ачишиб кетди,— биламан, эркак кишига бир мартагина кўнгли бўшлиқ қилиб қўйган аёлнинг ўзини тегма нозик қилиб кўрсатиши бефойда; лекин, шунга қарамай, агар ўша эркак диёнатли одам бўлса, аёлнинг, эс-ҳушимни йўқотиб бир зумлик ҳиссиётга берилибман, деб айтган ўкинчига қулоқ соладию шўрликнинг бу хатосини суиистеъмол қилишга ҳадди

сизмайди. Гапимга ишонинг, Паголо: мен ҳам сизни севмай туриб кўнгил бўшлик қилдим, зеро мен бошқа одамни,— Бенвенуто Челлинини севаман. Сиз мендан нафратланишингиз мумкин, бунга ҳаққингиз бор, лекин менга раҳм қилингу ортиқ қийнаманг!

— Қойил! Бунақа усталик билан гел қилиш бўлмаган!— деди Паголо.— Илтифотингизга муяссар бўлгунимча роса овора қилдингиз мени, энди бўлса, бутун айбни яна менга тўнкаяпсиз! Лекин овора бўласиз, менга берган ваъдангизни — тагин, ўз ихтиёрингиз билан берган ваъдангизни қайтиб олишингизга асло рози эмасман! Йўқ! Қаранг-а, бу найрангларнинг ҳаммаси Бенвенутони деб, ўзингиздан, шунингдек, мендан ҳам икки баробар катта бўлган одамни деб қилинган экан-у. Ахир у сизни сира ҳам севмайди-ку!

— Жим бўлинг, Паголо! Бас қилинг, деяпман сизга!— чинқириб юборди ҳам уят, ҳам рашк, ҳам газабдан қизариб кетган Скоццоне.— Тўғри, Бенвенуто мени севмайди, лекин илгари севган, ҳурмат қилган, ҳозир ҳам ҳурмат қилади.

— Яхши, нега бўлмаса, у сизга уйланишга ваъда бериб уйланмади?

— Ваъда бериб? Йўқ! Бенвенуто ҳеч қачон, уйланаман, деб ваъда бермаган менга, агар ваъда берганида, албатта сўзининг устидан чиққан бўларди. Шунчаки бу менинг хоҳишим эди, бора-бора бу хоҳишим умидга айланди, умид эса мени шу қадар руҳлантириб юбордики, орзуларим менга ҳақиқат бўлиб кўрина бошлади, шунда мен улар ҳақида баралла гапира бошладим. Йўқ, Паголо,— деб давом этди беҳол Катерина ҳасратли жилва қиларкан,— йўқ, Бенвенуто менга ҳеч қачон ҳеч нима деб ваъда қилмаган.

— Яхши! Уйлаб кўринг, Скоццоне, ахир сиз ношукрлик қияпсиз!— деди Паголо қизнинг қўлидан ушларкан, зеро у Катеринанинг маҳзун ноласини нозланиш деб фараз қилган эди.— Мен сизга, ўзингиз айтган гапга қараганда, Бенвенуто ҳеч қачон ваъда ҳам, таклиф ҳам қилмаган нарсани ваъда қиламан, таклиф этаман. Мен сизга вафодор ёр бўламан, сизни севаман, ҳолбуки, сиз мени ўзингиздан четга итаряпсиз! Челлини сизга бевафолик қилди, лекин шунга қарамай, ҳозир у менинг ўрнимда бўлганида, имоним комилки, унга тегишга жон-жон деб рози бўлардингиз. Менга бўлса рад жавобини беряпсиз, гарчи сизни севишимни яхши билсангиз ҳам!

— Оҳ, кошкийди ҳозир устоз шу ерда бўлса!— деб юборди Скоццоне.— Шу ерда бўлганида, Паголо, уялганигиздан ерга кириб кетган бўлардингиз! Ахир сиз Бенвенутони ёмон кўрганингиздан унга хиёнат қилдингиз, мен бўлсам... мен ҳам хиёнат қилдим, лекин уни севганим учун шундай қилдим.

— Хўш, қани айтинг-чи, нега энди мен уялишим керак экан? — деди Бенвенутонинг бу ердан узоқда эканлигидан мард бўлиб кетган Паголо.— Нима, эркак кишининг боши боғлиқ бўлмаган аёлга муҳаббат изҳор этишга ҳаққи йўқми? Агар Челлини ҳозир шу ерда бўлганида, дангал унинг юзига: «Сиз Катеринага бевафолик қилдингиз, шўрлик қизга эътибор бермай қўйдингиз, у сизни севар эди! Олдиниға бечоранинг бутунлай руҳи тушиб кетди, лекин бахти бор экан, одобли, яхши бир йигитни учратди, йигит унинг қадрига етди, севиб қолди ва сиз қилмаган таклифни, яъни унга хотин бўлишни таклиф қилди. Сизнинг ҳақ-ҳуқуқингиз энди шу йигитга ўтди, демак бу қиз энди унинг хотини», деган бўлар эдим. Қизиқ, шу гапимга жавобан нима деган бўларди сенинг Бенвенутонг?

— Ҳеч нима,— деган эркак кишининг дадил овози эшитилди гапга тушиб кетган Паголониң орқасидан,— мутлақо ҳеч нима демасдим!

Шунда йигитнинг елкасига зилдай оғир бир қўл тушди. Булбулигўё бўлиб сайраётган Паголо таққа гапдан тўхтади: Челлини уни бир силтаб орқага отиб юборган эди, у «гуре» этиб йиқилди, энди унинг ҳозиргина намоийш қилаётган жасоратидан асар ҳам қолмаган эди.

Ғоятда ажиб манзара вужудга келган эди: мурдадек оқариб, тамоман эсанкираб қолган Паголо букчайганча хона ичида эмаклаб юарди, Скоццоне ўрнидан сал кўтарилиб, роҳаткурсисининг бандларига қўлини тираганча, ҳайратдан гунг бўлиб, ҳайкалдек донг қотиб турарди; чехрасида дам таҳдид, дам киноя ифодаси пайдо бўлаётган Бенвенуто эса, уларнинг қаршисида бир қўлида яланғочланган шамшир, иккинчи қўлида қинга солинган шамшир ушлаб турарди.

Машақатли сукут хийла вақт давом этди. Устознинг бу ерга қандай келиб қолганидан таажжуб қилган Паголо ҳам, Скоццоне ҳам, унинг хўмрайган нигоҳидан кўзларини олиб қочиб лол турардилар.

— Хиёнат! — деб пичирлади ниҳоят ўзини қаттиқ таҳқирланганини ҳис этган Паголо. — Хиёнат!

— Ҳа, бадбахт, — деб жавоб қилди Челлини, — хиёнат, аммо бу сенинг хиёнатинг!

— Қаранг-а, Паголо, — деди Скоццоне. — Сиз устозни кўрмоқчи эдингиз. Мана у!

— Ҳа, кўряпман, — деб гўлдиради севган қизи олдида ўзининг таҳқирланаётганидан уялган Паголо. — Лекин унинг қўлида қуроли бор, мен бўлсам, қуролсизман.

— Сенга ҳам қурол олиб келганман! Ма, ушла! — деб қичқирди Челлини, бир қадам орқага тисарилиб, чап қўлидаги шамширини Паголонинг оёғи остига ташларкан.

Халфа кўз олдида ётган қуролга тикилганча чурқ этмай донг қотиб қолди.

— Қани, бўл тез! Шамширни олиб, ўрнингдан тур! — деб буюрди Челлини. — Мен кутяпман.

— Дуэлми? — деб мингирлади Паголо, қўрққанидан тишлари такиллаб. — Ахир мен сиздек кучли рақиб билан тенглаша олармидим?

— Ҳа, яхши, — деди Челлини ва шамширини бошқа қўлига олди, — мен чап қўлим билан олишаман — шунда кучларимиз тенг бўлади.

— Сиз билан олишишга қандай ҳаддим сиғади? Ахир сиз менинг валинеъматимсиз-ку! Менга шунча яхшилик қилдингиз! Йўқ, асло олишолмайман! — деди Паголо.

Бенвенуто нафратланиб истехзо қилди, Скоццоне бўлса, йигитдан жирканаётганини ошкора намойиш қилиб, ўзини бир қадам орқага олди.

— Асканио билан икковларингнинг виждонингга ҳавола қилганим бу аёлни мендан тортиб олишни кўзламасдан олдин эсласанг дуруст бўларди яхшиликларимни! — деб жавоб қилди Бенвенуто. — Энди кеч бўлди, Паголо, қани, ўзингни ҳимоя қил!

— Йўқ-йўқ, керак эмас, — деб гўлдиради қўрқоқ йигит, эмаклаганча Бенвенутодан нарига тисарилар экан.

— На чора, агар номусли одамларга ўхшаб ҳалол олишишдан бош тортсанг, унда, аблаҳлигинг учун ўлдираман.

Шу гапдан кейин Челлини совуққонлик билан шамширини ғилофга солди ва ёнидан ханжарини суғуриб, аста-секин, аммо дадил қадам босиб Паголонинг тепасига яқинлаша бошлади. Скоццоне чинқириб юбориб

уларнинг ўртасига турди. Лекин Бенвенуто қизни бепарволик, аммо қатъият билан четлатди — унинг қўли ўзининг эмас, балки биринждан ясалган ҳайкалнинг қўлидек қудратли эди; қўрқиб кетган киз беҳол ўзини роҳаткурсига ташлади. Челлини бўлса, бахтиқаро шогирдни деворга сиқиб, бўғзига ханжар тиради.

— Улимнинг олдидан ибодат қил,— деди у,— бор-йўғи беш дақиқали умринг қолди.

— Раҳм қилинг!— деб ингради Паголо бўғиқ овоз билан.— Раҳм қилинг! Мени ўлдирманг!

— Нима дединг? — деб бақирди Челлини.— Билардинг-ку феълимни. Шунга қарамай, Катеринани алдаб йўлдан оздирибсан-да. Мен бу ерда бўлган ҳамма гапни эшитиб турдим! Шундан кейин ҳам мендан раҳм-шафқат кутаянсан-а! Нима, менинг устимдан кулмоқчимсан?

Бенвенуто шундай деб туриб бирдан хандон ташлаб кулиб юборди, унинг кулгиси шундай қаттиқ, шундай даҳшатли эдики, Паголониинг юраги орқага тортиб кетиб дағ-дағ титрай бошлади.

— Устоз, устоз! — деб чинқирди ханжарнинг дами кекирдагини қитиқлай бошлаганини ҳис қилган халфа.— Айб менда эмас! Унинг ўзи! Ўзи мени бу йўлга тортди!

— Тўхмат, хоинлик, қўрқоқлик! Бир куни келиб мен мана шу учта мудҳиш иллатдан шундай туркум ҳайкаллар ясайки, уларни томоша қилган одам даҳшатга келсин. Демак, Скоццоне йўлдан оздирган, дегин? Бадбахт! Ахир мен шу ерда туриб ҳамма гапни ўз қулоғим билан эшитдим-ку, унутдингми?

— О, Бенвенуто,— деди Катерина худди илтижо қилаётгандай,— ҳамма гапи бўхтон — наҳот тушунмасангиз?

— Ҳа,— деди Бенвенуто,— ёлгон гапираётганини жуда яхши тушуниб турибман, у сенга уйланаман, деганида ҳам ёлгон гапирди, лекин хотиржам бўл: Паголо бу қўшалоқ ёлғони учун тегишли жазосини олади.

— Майли, жазоланг мени,— деди Паголо,— фақат шафқат қилинг, ўлдирманг!

— Катерина мени йўлдан оздирди, деган гапинг ростми, ёлгонми?

— Ёлгон, айб ўзимда; лекин уни жонимдан ортиқ севардим, ахир муҳаббат кишини не қўйларга солишини ўзингиз ҳам биласиз-ку, устоз.

- Унга уйланмоқчи бўлганинг ҳам ёлғондир?
- Йўқ, устоз, буниси энди рост.
- Бундан чиқди, сен Скоццонени чиндан ҳам севасан, шундайми?
- Ҳа, севаман!— деб жавоб қилди Челлинининг кўзи олдида ўзини оқлаш учун шу эҳтирос қуввасидан ўзга таянчи йўқлигини тушунган Паголо.— Мен уни севаман,— деб такрорлади яна.
- Демак, сен Катеринага уйланаман, деб айтганингда ёлғон гапирмадинг, шундайми?
- Ҳа, рост гапирдим, устоз.
- Унга уйланармидинг?
- Ҳа.
- Жуда соз! Унда Катеринани хотин қилиб ол, уни сенга бердим.
- Нима дедингиз? Ҳазил қиляпсизми?
- Йўқ, Паголо, ҳеч қачон мен ҳозирдагидек жиддий бўлмаганман. Ишоммасанг, мана, кўзларимга боқ. Паголо қўрқа-писа бошини кўтариб Челлинига қаради, қарадию хўрсиниб кўзини ерга тикди, чунки устознинг важоҳати ҳакамни эмас, жаллодни эслата бошлаган эди.
- Паголо, манави узукни ечиб олиб, Катеринанинг бармоғига тақ.
- Халфа устознинг бу биринчи буйруғини сўзсиз бажарди. Бенвенуто Катеринани имлади, у яқин келди.
- Қўлингни унга узат, Скоццоне,— деб амр этди. Скоццоне итоат этди.
- Қани, айтганимни қил, Паголо,— деб гапида давом этди Бенвенуто.
- Паголо Катеринанинг бармоғига узук тақди.
- Мана, унаштириш маросими ҳам тугади, энди никоҳни бошлаймиз,— деди Бенвенуто.
- Никоҳ!— деди пичирлаб Паголо.— Бунинг нимаси никоҳ? Никоҳ ўқитиш учун руҳоний ота, нотариус керак бўлади.
- Биринчи навбатда никоҳ шартномаси керак,— деб эътироз билдирди Бенвенуто чўнтагидан қоғоз чиқарар экан.— Шартнома тайёр, фақат исмларингизни ёзсак бўлди.
- У шартномани стол устига қўйиб, Паголога пат-қалам узатди:
- Ёз.
- Мени тузоққа илинтиришди.



— Нима, нима? Нима дединг? — сўради Бенвенуто ўша-ўша паст овоз билан, аммо бу гапидан таҳдид оҳанги яққол сезилиб турар эди. — Тузоқ дедингми? Хўш, қани ўша тузоқ? Нима, мен сени Скоццоненинг хонасига зўрлаб киритдимми? Қизнинг розилигини сўра, деб сенга мен маслаҳат бердимми? Мана, энди уйланавер, Паголо! Катеринанинг эри бўлганингдан кейин вазифамиз алмашади: агар мен Катеринанинг хонасига кирсам, сен мени дуэлга чақирасан-у, мен қўрқиб кетаман.

— Вой, жудаям кулгили бўларди-да! — деди Катерина; у вужудини қамраган даҳшатдан зумда фориг бўлиб, энди телбаларча қувона бошлади, бундай манзарани кўз олдига келтириб хандон ташлаб кулиб юборди.

Паголо ҳам энди бояги қўрқувдан қутулиб бир оз ўзига келди, Катеринанинг кулгиси унга далда бўлиб, ўзини анча хотиржам ҳис қила бошлади. У, устоз мени уйлантириш учун шунчаки пўписа қиляпти, деб ўйлаб (ҳолбуки, бу майнавозчилик учун уйланиш фожиали яқун бўларди), мажбурий никоҳдан бош товламоқчи бўлди ва ўзини бирмунча дадил тутга бошлади.

— Нима ҳам дердик! — Скоццоненинг кайфиятига жўр бўлиб қувноқ оҳангда деди у. — Дарҳақиқат, бу никоҳ жуда аломат манзара касб этарди-да, лекин афсуски, ҳеч қачон бундай бўлмайди.

— Нега бўлмас экан?! — деб бақириб юборди Бенвенуто — у тулкининг ҳамла қилиб келаётганини кўрган шердек газабланди.

— Ҳа, бўлмайди, — деб гапида давом этди Паголо. — Уйлангандан ўлганим афзал! Яхшиси, мени ўлдирақолинг!

Шу гап Паголони оғзидан чиқиши билан, Челлини бир ҳамлада унинг рўпарасига келди. Йигит ханжарнинг ярақлаган даммини кўриб, ўзини четга олиб қолди. Учиб келган ханжар унинг елкасини бир оз ялаб ўтиб, деворнинг тахта қопламасига икки дюйм кириб санчилиб қолди — Челлини ханжарни шундай куч билан отган эди.

— Розиман! — деб чинқириб юборди Паголо. — Шафқат қилинг! Нимаики буюрсангиз ҳаммасини бажараман!

Шундан кейин, то Бенвенуто деворга санчилган ханжарни кучаниб тортиб олгунича, Паголо стол олди-

га югуриб бориб, у ерда ётган шартномага апил-тапил имзо чекди. Бу шу қадар тез содир бўлдики, Катерина бир нима дейишга ҳам улгурмади.

— Мени хотинликка олишга рози бўлиб, кўрсатган ҳимматингиз учун миннатдорман сиздан, Паголо,— деди қиз қўрқувдан ёшланган кўзларини артаркан ва айни пайтда кулиб юборишдан ўзини зўрға тияркан.— Лекин биз гаплашиб олишимиз керак. Мен гапларингизни эшитдим, энди сиз ҳам менинг гапимни эшитинг: ҳозиргина сиз менга уйланишдан бош товладингиз, энди мен сизнинг таклифингизни рад этаман. Бундай дейишимдан мақсад сизни таҳқирлаш эмас, албатта. Йўқ, Паголо, шунчаки, мен сизни севмайман, бинобарин, эрга тегмасликни афзал кўраман.

— Унда Паголо ўлади,— деди совуқ оҳангда Челлини.

— Бенвенуто, ахир ўзим рад қилипман-ку унинг таклифини!

— У ўлади,— деб такрорлади Бенвенуто.— Зеро мени таҳқирлаган одамнинг жазодан қутулиб қолгани ҳақида ҳеч қандай гап тарқалишини истамайман. Улимга тайёрмисан, Паголо?

— Катерина,— деб чинқирди халфа,— мен сизни севаман! Сизни то ўла-ўлгунимча севишга сўз бераман! Худо ҳаққи, раҳмингиз келсин менга! Шартномага имзо чека қолинг! Менга хотин бўлинг, Катерина, тиз чўкиб ёлбораман сизга!

— Қани, Скоццоне, тезроқ ҳал қил,— деди Челлини.

— Менга ҳаддан ташқари қаттиққўллик қилмаяпсизми, устоз? — жаҳл билан сўради Катерина.— Ахир мен сизни жудаям қаттиқ севардим, очигини айтсам, ниятларим бутунлай бошқача эди!.. Е тангрим! Афтига қаранглар бунинг! Қанақа башара ўзи!— деди қиз қайғуни тарк этиб, қувноқ кайфиятга ўтаркан.— Қани, бас қилинг ҳозир хўмрайишни, Паголо! Йўқса, сизга тегишга сира ҳам рози бўлмайман. Вой! Ҳозир қиёфангиз бирам аломатки!

— Сиз олдин мени қутқаринг, Катерина, кейин, агар хоҳласангиз, бирга қулишаверамиз!

— Ҳай, нима ҳам дейман! Агар сиз чинданам менга уйланишни истасангиз..

— Ҳа, жуда, жуда истайман!— деди чинқириб Паголо.

— Илгари ким бўлганим, кейинги ҳаётим сизга маълумми?

— Ҳа, ҳаммасидан хабарим бор.
— Демак, мен сизни алдаётганим йўқ-а?
— Йўқ.
— Кейин бориб, менга уйланганингизга афсусланмайсизми?

— Йўқ, ҳеч қачон!
— Ундай бўлса, майли, розиман, мана қўлим. Жуда аломат воқеа бўлди, очиги, сизга хотин бўлиш етти ухлаб тушимга кирмаган эди, ҳай, нима ҳам қилардик.

Скоццоне патқаламни олиб, итоаткор хотин сифатида ўз эрининг исми тагига имзо чекди.

— Миннатдорман сендан, азизим Катерина!— деди Паголо.— Мана, кўрасан, мен жуда яхши эр бўламан!

— Агар шу ваъдасини унутгудек бўлса,— деб гапга аралашди Бенвенуто,— дарҳол менга мактуб ёз, Скоццоне, қаерда бўлсам ҳам етиб келиб, эсини киритиб қўяман.

Бенвенуто шундай деркан, халфанинг юзига қаттиқ тикилиб туриб, ханжарни ёнига яширди, столдаги имзо чекилган шартномани қўлига олиб авайлаб тўрт буклади-да, чўнтагига солди; кейин Паголога қараб, ўз феълига хос шафқатсиз киноя билан деди:

— Мана энди, биродарим Паголо, Катерина билан икковларинг эр-хотин бўлдинглар, аммо ҳозирча фақат одамлар олдида эр-хотинсизлар, худо олдида эмас, чунки ҳали черков никоҳингизга фатво берганича йўқ. Шунга кўра, сенинг бу ерда бўлишинг ҳам илоҳий, ҳам инсоний қонунларга тўғри келмайди. Яхши бор, Паголо.

Паголонинг ранги бу гапдан мурдадек оқариб кетди, лекин Челлини амирона ишора билан унга эшикни кўрсатди, шунда йигит орқасига тисарилиб хонадан чиқди.

— Бунақа фикр фақат сизнинг миянгизга келиши мумкин, Бенвенуто!— деди Катерина худди телбалардек ҳахолаб куларкан, кейин, Паголо эшикни ёпиб чиқиб кетишга улгурмасидан унга қараб қичқирди:— Паголо, ҳозир кетишингизга рухсат беряпман, чунки таомили ўзи шунақа, лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, муқаддас Биби Марьям ҳаққи онт ичиб айтаманки, сиз менга эр бўлган дақиқадан бошлаб, барча эркаклар, улар қатори Бенвенуто ҳам мени фақат сизнинг вафодор хотинингиз сифатида эътироф этадиган бўладилар!

Эшик ёпилгандан кейин эса қувноқ оҳангда деди:
— О, Челлини! Менга эр топиб бердинг, лекин, шукрки, бугунчалик ундан мени озод қилдинг. Ҳай шунисига ҳам раҳмат. Ҳар нечук, сен мени бирон нима билан тақдирлашинг керак эди-да.

Йигирма биринчи боб

ЖАНГ ДАВОМ ЭТАДИ

Юқорида баён қилганимиз, можародан уч кун ўтгач, Луврда яна бошқача бир воқеа содир бўлди.

Душанба, яъни никоҳ шартномасига имзо чекиладиган кун келди. Эрталаб соат ўн бирда Бенвенуто Нель қасридан чиқиб Лувр томон йўл олди; у гарчи ҳаяжонланаётган бўлса ҳам, сарой дарвозаси олдидаги зинадан шахдам-шахдам қадам ташлаб чиқди.

Уни қабулхонага таклиф қилишди; бу ерда у бир бурчакда натариус билан суҳбатлашиб турган прево ва граф д'Орбекни кўрди. Залнинг нариги бурчида ранги докадек оқарган Коломба атрофида нималар бўлаётганини ҳам сезмай, тошдай қотиб ўтирарди. Чамаси, эркаклар нима ҳақда гаплашаётганларини қизга эшиттирмаслик учун ундан узоқлашган бўлишса керак.

Шўрлик қиз ёлғиз ўзи бошини ҳам қилиб, ифодасиз нигоҳини ерга қаратиб ўтирарди.

Унинг ёнидан ўтиб бораётган Челлини йўл-йўлакай деди:

— Дадил бўлинг! Мен шу ердаман.

Бу овозни эшитган Коломба қувончдан оҳиста чинқириб юборди ва бошини кўтарди. Лекин у бир огиз сўз айтишга улгурмади,— ҳайкалтарош қўшни залга чиқиб кетган эди.

Эшикоғаси қалин пардани суриб, Бенвенутони қиролнинг оромгоҳига киритиб юборди.

Коломба Челлинининг гапидан яна ўзига келди. Бечора қиз, ҳамма мендан юз ўғирди, энди адоий тамом бўлдим, деб ўйлаган эди. У худога қанчалик имон келтирмасин, Бенвенутога нечоғли ишонмасин, барибир, руҳи тушиб, карахт бўлиб қолганди; мессер д'Эстурвиль уни шу аҳволда саройга олиб келган эди. Коломба шу қадар қаттиқ умидсизликка тушган эдики, каретага чиқиш олдидан бутун ғурурини йиғиштириб қўйиб, д'Этамп хоним, мени монастирга жўнатинг,

Асканиодан то абад воз кечишга сўз бераман, фақат граф д'Орбек билан никоҳдан ўтмасам бўлгани, деб ялиниб-ёлборди. Бироқ ҳерцогиня галабадан мукаммал лаззатланишни истарди: нияти Асканиога унинг маҳ-бубасини бевафо қилиб кўрсатиш эди; шу сабаб, Анна д'Эйли бахти қора Коломбанинг илтижосини шафқатсизларча рад этди. Лекин Бенвенутонинг, ҳат-токи меҳроб қаршисида турганингизда ҳам руҳингизни туширманг, мард бўлинг, деб тайинлаган гапи қизни буткул умидсизликка тушишдан сақлаб қолди ва унинг Луврга бориши учун мадад бўлди — бугун чошгоҳда у ерда қирол никоҳ шартномасига имзо чекиши керак эди.

Саройга боргач, Коломбанинг яна руҳи тушиб кетди. Унда фақат учтагина имконият қолган эди: Бенвенутодан мадад олиш, кўзёши тўкиб Франциск I нинг раҳмини келтириш ё бўлмаса, қайғу-ҳасратдан ўлиш.

Ана, Бенвенуто келди! У Коломбани умидвор қилди. Шунда яна қизнинг руҳи кўтарилиб кетди.

Челлини қиролнинг оромгоҳида фақат ҳерцогиняни учратди. Бу айни муддао эди, акс ҳолда, бу машҳура хонимнинг қабулига кириш учун ижозат сўрашига тўғри келар эди.

Д'Этамп хоним зафар қозонган бўлишига қарамай, каттиқ безовта эди. Тўғри, у мактубни ўз қўли билан ёндириб юборганидан кейин, ўз нуфузидан хавотир олмаса ҳам бўларди, шунга қарамай, ҳар қадамда муҳаббатига тузоқ ташлаётган хавфга у даҳшат билан боқарди. Ўзи доим шунақа бўларди: ҳерцогиня шуҳрат-парастлик дардидан фориғ бўлгани ҳаманоқ қалбини муҳаббат дарди заҳарлай бошларди. Шуҳратпарастлик ва шаҳват зуваласидан ясалган бу хоним Асканиони юксак рутбалар билан хушбахт қилиш ниятида эди, лекин Асканио ҳерцогинянинг раъйига юрадиганга ўхшамасди; у оқсуяклар наслидан бўлишига қарамай (Гаддилар аждоди Флоренциянинг энг қадимги зодагонларидан бўлган), фақат бир нарсани — санъат билан шуғулланишни хоҳларди. Агар бирон нимани орзу қиладиган бўлса, орзуси гулдонлар, кўзалар, ҳайкалларнинг энг нозик, нафис безакларини кузатишдан нарига ўтмасди; бордию унда замин бойликлари — олтин, олмос, инжуларга талаб тугилса, бу бойликлардан у фақат тонг чоғида очилиб, ҳаётбахш шабнам томчилари билан ювинган табиий гуллардан ҳам гўзалроқ

гуллар яшаш учун фойдаланарди. У ўз истеъдодининг самараси бўлмаган, санъаткорлик довруғини оширмайдиган иззат-эҳтиром ва унвонларга мутлақо бепарво эди. Бас, шундай экан, бу хаёлпараст йигит д'Этамп хонимнинг беором, бесаранжом муҳтида нима ҳам қиларди? Эндигина гунча очган ва ғоят ажиб ҳосил берадиган бу гулнинг нозик банди бўроннинг илк нафасиданоқ синиши мумкин эди. Эҳтимол бу йигит руҳан эзилган ёки ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган дақиқаларда ўзини олий рутбали ҳомийси — ҳерцогиня ихтиёрига топшириб, у уюштирган фитналарга қатнашар ҳам, лекин бунинг оқибатида, у ўша фитначилар даврасида эътиборсиз юпқа сояга айланиб қолган ва фақат ўтмиш хотиралари билан яшаган бўларди. Ҳерцогиня Асканиони ҳаловатли, тароватли ҳаёт шайдоси, нозик ва зариф қалб соҳиби бўлган, табиатан ҳамиша ажиб бир гўдак бўлиб қоладиган одам деб ҳисобларди — аслида ҳам шундай эди. У ғояга эмас, балки бутун вужуди билан ҳиссиётга берилиши мумкин эди. Нафосат ва муҳаббат учун яратилган бу инсон ҳаётини қийинчиликларга дош бера олмай, эҳтирослар жанги бошланган заҳотиёқ нобуд бўлиши мумкин эди. Бундай одам д'Этамп хонимнинг шуҳратпарастлигини эмас, фақат қалбинигина қаноатлантириши мумкин эди.

Бенвенуто кирганида, ҳерцогиня шу ҳақда ўйлаётган эди; қирол маъшуқасига нохуш хаёллар ором бермаётгани унинг чехрасидан кўриниб турарди.

Икки рақиб бир-бирларига бошдан-оёқ разм солиб чиқди, уларнинг лабларида бир вақтда истеъзоли жилва пайдо бўлди, кўзлари эса, уларнинг ҳаёт-мамот жангига шай эканликларини ифодаларди.

«Ниҳоят менга муносиб рақиб дуч келди! — деб ўйларди Анна. — Бу мард эркак. Лекин менинг имтиёзларим униқидан анча ортиқ, шунинг учун, уни енгиш унчалик катта зафар бўлмайди».

«Дарҳақиқат, сиз довюрак аёлсиз, хоним афанди, — дерди ичида Бенвенуто ҳам, — сиз билан курашишдек оғир жангни мен жуда кам кўрганман, лекин хотирингиз жам бўлсин: мен назокат қуролини ҳам худди бошқа қуролларни ишлатгандек, усталлик билан ишлата оламан».

Товуш чиқармай айтилган бу гаплар оромгоҳда хукм сурган сукунатни бузмади.

Биринчи бўлиб ҳерцогиня гап бошлади.

— Шошқалоқлик қилибсиз, маэстро Челлини, — деди у. — Қирол никоҳ шартномасига имзо чекишни туш пайтига тайинлаган, ҳозир эса, соат энди ўн бирдан чорак ўтди. Ижозатингиз билан, қирол номидан узр сўрайман. Қолбуки, қирол кечиккани йўқ, балки сиз барвақт келдингиз.

— Шошқалоқлик қилганим жуда яхши бўлибди-да, хоним афанди; шу туфайли сиз билан холис суҳбатлашиб олиш шарафига муяссарман, шу бахтли ҳодиса бўлмаганда, ҳузурингизга ташриф буюриш учун ижозат сўрашимга тўғри келарди.

— Нима бўлди, Бенвенуто? Мағлубият сизни хушомадгўй қилиб қўйиптими?

— Мағлубият? Йўқ, хоним афанди, гап мен ҳақимда эмас: мен ҳаминша мушкул аҳволга тушганларга хайрихоҳлик қилишни эзгу фазилат деб ҳисоблаб келганман, мана гапимнинг исботи, хоним афанди!

Челлини шундай деб ридоси остидан ҳерцогинянинг буюртмаси — олтин нилуфарни чиқарди: уни бугун эрталаб ясаб битирган эди. Д'Этамп хоним ҳайрат ва қувончдан чинқириб юборди: у ҳали ҳеч қачон бундай ажиб зийнат буюмини кўрмаган эди. Афсонавий боғи эрамда очилган гуллар ҳам ҳуру париларни бунчалик мафтун қилмаган бўлса керак.

— Оҳ! — деди хоним қўлини бебаҳо нилуфарга узатаркан. — Дарҳақиқат, ваъда қилувдингиз-а, аммо мен кутмаган эдим.

— Нега энди, хоним афанди? Нима, сўзимга ишонмовдингизми? Мени хафа қиляпсиз!

— Агар сўзингиз замирида илтифот эмас, интиқом ётганида, унда бошқа гап.

— Ахир илтифот билан интиқомни бирга қўшса ҳам бўлади-ку — сиз бу ҳақда ўйламадингизми? — сўради Бенвенуто нилуфар ушлаган қўлини тортиб оларкан.

— Гапингизга тушунмадим, — деб жавоб қилди ҳерцогиня.

— Сиз нима дейсиз, хоним афанди, Франция манфатига хиёнат қилиш йўли билан олинган бўнак катта таассурот уйғотиши мумкин эмасми? — деб гапида давом этди Бенвенуто ҳерцогиняга олтин нилуфарнинг

дириллаб турган гул косасидаги Карл V томонидан туҳфа қилинган олмосни кўрсатаркан.

— Гапингиз жумбоққа ўхшайди, қимматли Челлини, лекин афсуски, уни ечишга менда вақт йўқ: ҳадемай қирол чиқиб қолади.

— Мен сизга қадимги лотин мақоли билан жавоб қилмоқчиман: «*Verba volant, scripta manent*», яъни: «Хатга тушдинг — ўтга тушдинг».

— Янглишасиз, муҳтарам заргар: хат куйиб кулга айланган. Мени кўрқитаман, десангиз овора бўласиз, — гўдак эмасман. Қани, беринг буёққа нилуфарни, қонунан у меники ҳисобланади.

— Сабр қилинг, хоним афанди, олдин сизни огоҳлантириб қўяй: бу нилуфар менинг қўлимда мўъжизакор тилсимга айланади, сизнинг қўлингизга тегса, бутун кадр-қийматини йўқотади қўяди. Бу ишим сиртдан қараганда одмигина кўринса ҳам, аслида ниҳоятда мураккабдир. Зеро оломонга оддий зийнат буюмидек кўринган нарса ичига аксар пайт санъаткор ўз хуфия ниятини яшириши мумкин. Хоҳласангиз, мен ҳам ўз ниятимни намойиш қилай, хоним афанди! Бу жуда осон. Кўздан яширинган мана бу тугмачани боссангиз, уруғдоннинг оғзи очилади, шунда биз коса тубида табиий гулларда ва баднийат одамларнинг чирик қалбларида учрайдиган қуртни эмас, балки шунга ўхшаб кетувчи, эҳтимолки, ундан ҳам баттароқ нарсани: ҳерцогиня д'Этампни шарманда қила оладиган, унинг ўзи имзо чеккан дастхатни кўришингиз мумкин.

Бенвенуто шундай деб туриб тугмачани босди ва нилуфарнинг ярақлаб турган уруғдонидан хатча чиқарди. Сўнг уни бамайлихотирлик билан ёйдида кўрққанидан бўздек оқариб, ғазабдан лол бўлиб қолган ҳерцогиняга кўрсатди.

— Бундай бўлишини кутмаган эдингиз, тўғрими, хоним афанди? — деб Челлини бепарво оҳангда сўраркан, хатни яна нилуфар ичига яшира бошлади. — Аммо агар менинг одатимни яхшироқ билганингизда эди, бу қилмишимдан ажабланмаган бўлардингиз. Зотан, кунларнинг бирида мен ҳайкал қорнига чойшабдан эшилган нарвонни яширганман; кейинги гал ҳайкал бошига дилбар қизни беркитдим; бу сафар энди фақат бир парча қоғозни яширишим керак эди, турган гапки, унинг учун хуфия жой ясаш хамирдан қил суғургандек оппа-осон бўлди.

— Ахир мен у машъум хатни йўқ қилган эдим-ку! Унинг қўлимда ёнганини ўз кўзим билан кўриб, кулини ўз оёғим билан топтаган эдим!

— Хатни ёқишдан олдин ўқиб кўрганмидингиз?

— Йўқ! Қандай телбалик — ўқимаган эдим!

— Чакки қилибсиз, хоним афанди, ўқиганингизда, ҳерцогинянинг ёндирилган мактубидан қанча кул тушса, оддий бир қиз ёзган хатдан ҳам шунча кул тушишига иқрор бўлардингиз.

— Демак, мени алдабди-да аблаҳ Асканио?

— Жим бўлинг, жим бўлинг, хоним афанди! У маъсум ва пок гўдакдан асло шубҳа қила кўрманг! Аслини олганда, у сизни алдаганида ҳам, қилмишингизга яраша жавоб қайтарган бўларди. Лекин Асканио сизни алдагани йўқ; у ҳатто ўз жонини қутқариш ниятида ҳам, ҳаттоки Коломбани озод қилиш учун ҳам бундай қилмаган бўлар эди. Унинг ўзи алданган эди.

— Ким алдабди уни?

— Бир йигит. Виконт де Марманни жароҳатлаган ўша Жак Обри исмли талаба. Виконт бу ҳақда сизга сўзлаб берган бўлса керак?

— Ҳа-я, — деб гўлдиради ҳерцогиня. — Марманъ Жак Обри деган бир йигитнинг Асканио олдига кириб, ундан хат олмоқчи бўлгани ҳақида гапирувди-я.

— Бу гапни эшитиб, сиз дарҳол Асканионинг олдига боргансиз, шундайми? Лекин, мен сизга айтсам, талаба халқи жуда эпчил бўлади: Жак Обри сиздан олдин отни қамчилаган. Сиз д'Этамп қасридан чиққанингизда, у дўстининг ҳужрасига эмаклаб кирган, сиз у ерга кириб борганингизда эса, у ишни пишириб чиқиб кетишга улгурган.

— Лекин мен у ерда ҳеч кимни кўрмадим-ку!

— Агар сиз, хоним афанди, тикилиброқ қараганингизда, бурчакда ётган бордонга кўзингиз тушарди, бордонни кўтарсангиз, қўшни ҳужрага олиб чиқувчи ер ости йўлини кўрардингиз.

— Аммо бунга Асканионинг нима дахли бор?

— Сиз ҳужрага кирганингизда, у ухлаб ётган эди — шундай эмасми?

— Ҳа, шундай.

— Хуллас, воқеа бундай бўлган: Асканио ухлаб ётганида, Жак Обри кирган-да, дўсти бермаган мактубни унинг чўнтагида олиб, ўрнига ўз маъшуқасининг хатини солиб қўйган. Сиз конвертни кўргансиз-у, уни ўз мактубингиз деб ўйлаб ёндириб юборгансиз; аслида эса, сиз Жервеза Попинонинг хатини ёққансиз.

— О, ўша аблаҳ Обри, асилзода одамнинг жонига қасд қилган ўша авом бу густоҳлиги учун қаттиқ жазоланади! У қамоқда, ўлим жазосига ҳукм қилинган.

— Жак Обри озодликда, ҳерцогиня, у биринчи навбатда, сизнинг шарофатингиз билан озодликка чиқди.

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб бўларди. Ахир ўзингиз менга қўшилиб, уни афв этишни қиролдан илтимос қилдингиз-ку.

— О, эси паст хотин! — пичирлади д'Этамп хоним ва лабини тишлаб Челлинига ўқрайиб қараркан, ҳаяжонланганидан энтика-энтика сўради: — Мактубни қандай шарт билан менга қайтаришингиз мумкин?

— Шартимни топишни ўзингизга ҳавола қилдим, хоним афанди.

— Мен топа олмайман, ўзингиз гапиринг.

— Сиз Асканионинг Коломбага' уйланиши учун қиролнинг розилигини олиб берасиз.

— Сиз ҳали ҳерцогиня д'Этампни яхши билмас экансиз, жаноби заргар! Дўқ-пўписа билан мени суюкли кишимдан воз кечишга мажбур эта олмайсиз!

— Уйламасдан жавоб қилдингиз, хоним афанди.

— Барибир, сўзимдан қайтмайман.

— Рухсат этинг, хоним афанди, ўтириб сиз билан бемалол, очиқчасига гаплашайлик, — деди Бенвенуто донишманд одамларгагина хос бўлган назокатли бамайлихотирлик билан. — Камина, бор-йўғи фақир бир ҳайкалтарошман, аммо сиз маълума ва машҳура ҳерцогинясиз, гарчи ўртамиздаги масофа беҳад улкан бўлса ҳам, биз бир-биримизнинг ниятимизга бемалол тушунишимиз мумкин. Илтимос, қироличаларга ўхшаб, ўзингизни такаббур қилиб кўрсатманг, ҳозир бунинг ҳожати йўқ. Мен сизни таҳқирламоқчи эмасман, фақат баъзи нарсаларга изоҳ бермоқчиман, холос. Ростини айтсам, бу ерда кибру ҳаво ўринсиз, зеро сизнинг гурурингизга ҳеч нима таҳдид солмайди.

— Ажойиб одамсиз-да, Бенвенуто, азбаройи худо! —

беихтиёр жилмайди Анна.— Хўп, яхши, сўзланг, гапларингизни эшитишга розиман.

— Боя айтган эдим, ҳерцогиня,— деб совуққина гапира бошлади Бенвенуто,— икковимизнинг мавқеларимиз турлича бўлишига қарамай, сиз билан бемалол келишишимиз, ҳаттоки бир-биримизга фойдамиз ҳам тегиши мумкин. Асканиога бўлган муҳаббатингиздан воз кечишни илтимос қилганимда мендан қаттиқ ранжидингиз, бу нарса сизга имкони бўлмаган ишдек туюлди. Аммо мен бунинг имкони борлигига мисол келтираман.

— Ўз шахсий ҳаётингизданми?

— Ҳа, хоним афанди! Сиз Асканиони севасиз, мен бўлсам Колумбани севар эдим.

— Сиз-а?

— Ҳа. Мен уни шундай севар эдимки, бундай севги киши ҳаётида бир марта бўлади. Унинг учун мен қонимни, жонимни беришга, қалбимни фидо қилишга тайёр эдим, шунга қарамай, Асканио туфайли, мен у қиздан юз ўгирдим.

— Мана буни беминнат муҳаббат деса бўлади,— деди истеҳзо билан ҳерцогиня.

— О, хоним афанди! Мен чеккан изтироблар устидан кулманг, андуҳларимни мазах қилманг! Мен бошимдан не-не савдоларни кечириб, ахири Колумбанинг мен учун яратилмаганини, шунингдек, Асканионинг ҳам сизга муносиб эмаслигини тушундим, ҳерцогиня. Гапларимни охиригача эшитинг: сиз билан икковимиз, агар шундай муқоиса сизга оғир ботмаса, ўзининг махсус ички дунёсига, хусусий турмуш тарзига эга бўлган ва ўзга одамлар билан камдан-кам иноқлашадиган фавқулодда ва антиқа табиат одамларимиз. Биз икковимиз, хоним афанди, буюк ва даҳшатли санамларга сифинувчи қоҳинларимизки, бу рафторимиз руҳимизни улуғлайди, ўзимизни оломондан юксакка кўтаради. Сизнинг санамингиз — шухрат-парастлик, меники — санъат. Мана шу иккала маъбуд ҳам ғоятда рашкчи, биз улардан қанчалик азоб чеккан бўлмайлик, улар ҳамиша ва ҳар ерда устимиздан ҳукмронлик қилаверадилар. Сиз Асканионинг муҳаббатига интизорсиз, зеро у муҳаббатни тож қилиб бошингизга киймоқчисиз; мен бўлсам, худди Полифем Галатеяни орзу қилганидек, Колумбани ўйладим. Сиз ҳерцогиня сифатида севдингиз, мен — санъаткор сифатида; сиз

таъқиб қилдингиз, мен азоб чекдим. О! Асло ўйламанг, мен сизни айблаётганим йўқ! Билъакс, сизнинг шижо-атингиз, довбюраклигингизга тасанно айтаман. Бинобарин, қора халқ нима деса дейверсин, аммо менимча, ўз севгилиси сари олиб борадиган йўлни тозалаш учун бутун дунёни остин-устин қилиб юбориш беҳад мароқлидир! Мен бунда эҳтироснинг маҳвор қуввасини эътироф этаман ҳамда жасорат ва жинойтга қодир бўлган собиттабиат одамларни улардаги ғайриинсоний фазилатларни қўллаб-қувватлайман, зеро мени кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, фавқулодда нарсалар мафтун қилади. Қисқаси, хоним афанди, мен Коломбани севар эканман, ўзимнинг такаббур ва бевош феълим билан ул фариштаваш пок қалб соҳибасига муносиб тушмаслигимни тушундим. Бунинг устига, Коломба ҳам аллақачон мулойимтабиат, назокатли Аскаиони севиб қолган экан; қолаверса, менинг дағал, чўрткесар феълим қизни чўчитиб юборган бўларди. Мен ўз қалбимга жим бўлишни амр этдим, лекин у амримга итоат этмади, шунда мен илоҳий санъатни ёрдамга чақирдим ва биз икковлашиб қайсар муҳаббатни енгишга ва уни қалбимдан мутлақо қувиб чиқаришга муяссар бўлдик. Шунда яккаю янога, ҳақиқий маҳбубам — ҳайкалтарошлик санъати юзимдан қайноқ бўса олдию кўнглим таскин топди қолди. Сиз ҳам мендан ибрат олинг, ҳерцогиня: бу икки гўдакнинг илоҳий муҳаббатини барбод қилманг, уларнинг саодатли истиқболини зулматга чулганманг! Сиз билан биз рўйи заминдаги жамики ғам-андухлару, жангу жадаллар ҳамда бизни сармаст этувчи зафар қувончлари билан кифояланмоғимиз керак. Сиз юрагингиз жароҳатини даволаш учун табиатингизга хуш ёқувчи шуҳратпарастлик шифохонасидан паноҳ топишга ҳаракат қилинг; агар кўнглингиз тусаса, империяларни вайрон қилинг, қироллар ва ҳукмдорларни кўғирчоқ қилиб ўйнатинг (улар ўзи шунга муносиб)! Ана унда мен сизни биринчи бўлиб олқишлайман. Аммо беғуноҳ икки ёшнинг бахтига зомин бўлманг, оромини бузманг — парвардигор ва Биби Марьям шоҳидки, улар бир-бирларини зариф меҳр билан севадилар!

— Қанақа одамсиз ўзи, маэстро Бенвенуто Челлини? Шу пайтгача сизни билмас эканман, — деди таажжуб билан ҳерцогиня.

— Азбаройи худо, мен ҳам худди сиз сингари мум-

тоз одамман, ҳерцогиня! — Бенвенуто ўз табиатига хос дўлворлик билан кулиб жавоб қилди. — Агарки сиз мени билмас экансиз, демак мен сизга нисбатан имтиёзга эгаман, зеро мен сизни жуда ҳам яхши ўрганганман, хоним афанди.

— Бўлса бордир, — деб жавоб қилди ҳерцогиня, — лекин мен шу гапингиздан кейин бир нарсани тушуниб олдим: мумтоз аёллар мумтоз эркакларга нисбатан кучлироқ севар экан; бундай аёллар ғайриинсоний фидойиликдан нафратланадилар ва энг охирги имкониятлари қолгунча, барча воситаларни ишга солиб ўз севгиларини муҳофаза қиладилар.

— Демак, сиз Асканио билан Коломбанинг никоҳига қаршилик қилишни давом эттирмақчисиз?

— Мен Асканиони севишда давом этаман.

— Хўп, майли. Лекин эҳтиёт бўлинг! Қўлим ниҳоятда залварли, мен билан олишиш сизга осон бўлмайди. Ҳозир ҳар ёқлама мулоҳаза қилиб гапиряпсиз-а, шундайми? Демак, Асканио билан Коломбанинг никоҳ ўқитишига розилик беришдан қатъиян бош товляяпсиз?

— Ҳа, қатъиян қаршиман, — деб жавоб қилди ҳерцогиня.

— Яхши. Ундай бўлса, олишувга шайланайлик! — деди Бенвенуто. — Жанг давом этади!

Худди шу пайт эшик очилиб, навкар қиролнинг келганини хабар қилди.

Иигирма иккинчи боб

СЕВИШГАНЛАР НИКОҲИ

Франциск I Диана де Пуатье билан қўлтиқлашиб кирди; қирол у билан ҳозир бетоб ётган ўгли олдидан чиқиб келаётган эди. Рақибасига нафрати тўлиб тошган Диананинг кўнгли д'Этамп хонимнинг бугун қаттиқ камситилишини ғайриихтиёрий равишда сезган эди, шу боис, бундай ёқимли манзарани албатта кўришни ихтиёр қилган эди.

Лекин Франциск I ҳеч нима кўрмас, ҳеч нима эшитмас, ҳеч нарсадан шубҳа қилмас эди; у д'Этамп хоним билан Бенвенуто апоқ-чапоқ бўлиб кетишган деб ўйларди, шунинг учун, ҳозир икковларининг

ширингина суҳбатлашиб ўтиришганини кўриб, жил-майганча бош иргатиб саломлашди.

— Салом, гўзаллик қироличаси! Салом, барча санъаткорлар қироли!— деди у.— Нима ҳақда бунчалик қизгин суҳбат қилаётган эдингизлар?

— О, аъло ҳазратлари! Биз шунчаки, сиёсат ҳақида гаплашаётган эдик,— деб жавоб қилди Бенвенуто.

— Маърифатли эйтиборингизни ўзига тортган қай масала экан?

— Ҳозирги кунда ҳамманинг оғзида гап бўлаётган масала-да,— деди Бенвенуто.

— Тушундим: Милан ҳерцоглиги масаласи.

— Ҳа, сир.

— Хўш, бу борада сиз қандай фикрдасиз?

— Ҳерцогиня билан биз бошқа-бошқа фикрдамиз: биримизнинг ўйлашимизча, император сизга берган ваъдасидан воз кечиб, Милан ҳерцоглигини ўғлингиз Карлга топширмоқчи.

— Қай бирингиз шундай фикрдасиз?

— Ҳерцогиня шекилли.

Д'Этамп хоним докадек оқариб кетди.

— Агар император шундай қилса, бу унинг энг разил сотқинлиги бўлади,— деди Франциск I,— лекин у бундай қилмайди.

— Шундай қилмаган тақдирда ҳам,— деб гапга аралашди Диана,— уни бундай йўлга ундовчи доно маслаҳатгўйлари йўқ, дейиш мумкин эмас. Ҳар қалай, одамлар шундай дейишяпти.

— Унга ким шундай маслаҳат бериши мумкин, азбаройи шифо!— деб чинқириб юборди Франциск I.

— Худо ҳаққи, ўзингизни босинг, сир!— деб қиролга таскин бера бошлади Бенвенуто.— Суҳбатимиз мутлақо мавҳум гаплардан иборат эди, биз шунчаки, ўз тахминларимизни ўртоқлашаётган эдик. Ахир ўзингиз ўйланг, д'Этамп хоним билан биздан қанақа ҳам сиёсатдон чиқарди, аъло ҳазратлари! Ҳерцогиня — ажойиб аёл, у фақат ўзига оро бериш, яхши кийиниш ҳақида ўйлайди (ҳолбуки, пардоз-андозсиз ҳам хонимнинг ҳусни беназрдир); мен бўлсам, аъло ҳазратлари, қон-қонимгача санъаткорман, бинобарин, санъатдан ўзга ҳеч бир нарса мени қизиқтирмайди. Шундай эмасми, ҳерцогиня?

— Энг муҳими, азизим Челлини,— деди Франциск I,— сиз ҳам, ҳерцогиня ҳам дунёда энг ноёб хазина

соҳибсизлар, шунга кўра, Милан ҳерцоглигини олган одамга ҳасад қилиб ўтирмайсизлар, албатта. Зотан ҳерцогиня — гўзаллик қироличаси, сиз — заковат қиролисиз.

— Қирол дедингизми, сир?

— Ҳа, гарчи менинг тамғамда акс этирилган уч нилуфар сизда бўлмаса ҳам, қўлингизда бир дона ажиб нилуфарни кўриб турибман. Менимча, у офтоб шуъласида мангу товланиб ўсган ёки тамғаларда ўз аксини топган жамики нилуфарлардан ҳам гўзалроқдир.

— Бу нилуфар меники эмас, сир, ҳерцогиняники, бунини шоғирдим Асканио д'Этамп хонимнинг букюртмаси бўйича ясаган эди; лекин у ишни охирига етказмади, шунга кўра, мен ҳерцогинянинг бу ноёб буюмга тезроқ муяссар бўлиш истагида эканлигини сезиб ҳамда кунин кеча сиз, аёло ҳазратлари ҳузурда ҳерцогиня билан икковимиз ўртамизда тузилган тинчлик аҳдининг рамзи бўлишидан умид қилиб, бу зийнатли тақинчоқни ясаб ўзим охирига етказдим.

— Ғоят ажойиб тақинчоқ бўлипти!— деди қирол қўлини олтин гулгаузатар экан.

— Сиз нима дейсиз, аёло ҳазратлари? — деди Бенвенуто нилуфар ушлаган қўлини гўё бехосдан тортиб олар экан.— Бу иш учун ҳерцогиня ёш устани сахийлик билан тақдирлашлари лозим, шундай эмасми?

— Мен ҳам айнан шундай қилмоқчиман,— деди д'Этамп хоним бу гапга жавобан,— шунини ҳам айтайки, менинг туҳфамга ҳатто қирол ҳам ҳавас қилиши мумкин.

— Ўзингиз яхши биласиз-ку, хоним афанди, гарчи туҳфангиз ғоятда қимматли бўлса ҳам, Асканио бутунлай бошқа нарсани хоҳлайди. Илож қанча, ҳерцогиня! Биз санъаткорлар, тутган ерини кесадиған қайсар одамлармиз, шунинг учун, кўпинча биз, ўз таъбирингиз билан айтганда, ҳатто қирол ҳавас қилиши мумкин бўлган нарсадан ҳам бош товлаймиз.

— Шунга қарамай, Асканио мен таклиф қиладиган мукофот билан қаноатланмоғи лозим,— деди д'Этамп хоним ғазабдан юзига қон қуюлиб.— Мен сўзимдан қайтмайман, деб сизга боя айтдим, Бенвенуто.

— Ундай бўлса, Асканионинг хоҳишини ўзинг менга кейин шипширсан, агар уни бажариш жуда ҳам мушкул бўлса, бирон иложини топармиз,— деди Франциск I ана қўлини нилуфарга узатаркан.

— Сиз бунга яхшироқ тикилиб қаранг,— деди Бенвенуто олтин гулни қиролга узатаркан.— Ҳар битта гулбарғни диққат билан кўздан кечириб, ана унда бундай дурдона учун муносиб мукофот тайинлаш нақадар маҳол эканлигини тушунасиз.

Бенвенуто шу сўзларни айтиб туриб, д'Этамп хонимга қаттиқ тикилди, лекин ўзини қўлга олган ҳерцогиня нилуфарни Франциск I нинг қўлида кўриб парво ҳам қилмади.

— Дарҳақиқат, ғоят гўзал буюм бу,— деди қирол.— Лекин гул косачасини ярақлатиб юборган бу мўъжизакор бриллиантни қаёқдан топдингиз!

— Уни мен топганим йўқ, аъло ҳазратлари,— мафтункор соддадиллик билан жавоб қилди Челлини.— Бриллиантни шогирдимга ҳерцогиня бергандилар.

— Бу қимматбаҳо тошни сизда ҳеч кўрмаган эдим, ҳерцогиня. Қаердан келди у?

— Қаердан бўларди, сир! Бошқа бриллиантлар қаердан келган бўлса, бу ҳам ўша ердандир-да: Гузарат ёки Голкондаги олмос конларидан бўлса керак.

— О, аъло ҳазратлари, бу бриллиантнинг тарихи ажойиб, агар майли десангиз, сўзлаб беришим мумкин,— деди Бенвенуто.— Бу олмос менинг эски қадрдоним: у бир эмас, уч марта қўлимда бўлган. Биринчи гал бу тош билан зоти муқаддаслари — папанинг каллаўшини безагандим; кейин Клемент VIнинг фармойиши билан уни муқаддас китоб муқовасига ўрнатганман, зоти муқаддаслари у китобни император Карл Vга инъом этган эдилар, Карл Бешинчи бўлса, бу тошни узугига кўз қилиб беришни буюрган эди менга: чамаси, бу бебаҳо олмосни, у ҳар эҳтимолга қарши, ўзи билан олиб юришни ихтиёр қилган бўлса керак — ахир унинг баҳоси миллиондан ҳам қимматроқ туради. Аъло ҳазратлари, сиз императорнинг қўлидаги узукни кўрган бўлсангиз керак?

— Дарвоқе?!— деб юборди қирол.— Фонтенблода император билан биринчи марта учрашганимда, унинг бармоғида кўзига мана шу тош ўрнатилган узукни кўрган эдим. Қандай қилиб бу бриллиант сизнинг қўлингизга тушиб қолди, ҳерцогиня?

— Ҳа-ҳа, илтимос қиламиз, бу бебаҳо буюмнинг қандай қилиб императордан сизга ўтиб қолганини сўзлаб беринг! — деди қувончдан кўзлари порлаб кетган Диана.

— Агар шу саволни сизга беришганда эди, хоним афанди,— деди д'Этамп хоним,— турган гапки, ҳеч қийналмай жавоб қайтарган бўлар эдингиз — зеро сиз айрим хуфия гапларни ўз руҳоний отангиздан ўзгаларга ҳам айтиб турасиз.

— Аммо сиз, хоним афанди, қиролнинг саволига жавоб бермадингиз,— деб эътироз билдирди Диана де Пуатье.

— Ҳар қалай, бу бриллиант қандай қилиб қўлингизга тушиб қолди? — деб саволни такрорлади Франциск.

— Бенвенутодан сўранг, у айтиб беради,— деб жавоб қилди ҳерцогиня рақибини сўнгги марта жангга даъват этаркан.

— Қани, Челлини, гапир тезроқ, кутиш жонимга тегди! — деб буюрди қирол.

— Яхши,— деб жавоб қилди Бенвенуто.— Очигини айтсам, бу тошга кўзим тушиши билан менда ҳам, худди сизда содир бўлганидек, аъло ҳазратлари, ғалати бир шубҳа уйғонди. Ўзингизга аёнки, илгари биз ҳерцогиня билан довлашиб қолган эдик; шунга кўра, сизнинг нигоҳингиз олдида хонимнинг обрўсини туширадиган бирон сирни билгим келдию изланувга тушиб кетиб, охири билдим...

— Нимани?

Челлини ҳерцогиня томонга ялт этиб қаради: хоним жилмайиб турарди. Унинг ўзини бу қадар дадил тута олиши ҳайкалтарошга ёқди, шунда Челлини бир зарба билан жангни тугатиш ўрнига уни давом эттириб завқланишни ихтиёр қилди: одатда, ўзига ишонган полвон кучли рақиб билан учрашган пайтда ўз маҳоратини шундай кўз-кўз қилади.

— Қани, айт, нимани билдинг? — деб талаб қила бошлади қирол.

— Билсам, ҳерцогиня бриллиантни судхўрдан сотиб олган экан. Дарвоқе, аъло ҳазратлари, сизга маълум бўлсинки, император Франция тупроғига кириб келгандан бери жуда серхарж бўлиб кетди, натижада, ҳатто бриллиантини ҳам гаровга қўйишга мажбур бўлган. Этамп хоним эса, Карл қашшоқлик қилиб ўзида сақлаб қола олмаган буюмни шоҳона саховат билан сотиб олган.

— О, чакки эмас бу ишингиз, азбаройи худо!..— деди ҳам маъшуқ, ҳам қирол сифатида кўнгли тоғдек кўтарилган Франциск I.— Лекин қимматли ҳерцогиня,— деб илова қилди у д'Этамп хонимга юзланиб,—

бриллиант харид қилиб, сармоясиз қолган бўлсангиз керак, бинобарин, бу харажатингизни қоплашни ўз бурчимиз деб билурмиз. Унутманг, Франциск Биринчи сиздан қарздор. Дарҳақиқат, ғоятда ажойиб тош экан, буни императордан эмас, Франция қиролидан совға, деб билишингизни истардим.

— Миннатдорман сиздан, Челлини, — деди д'Этамп хоним дичирлаб. — Бир-биримизни тушуна олишимизга энди ишона бошладим.

— Нималарни пичирлашяпсизлар? — деб сўради қирол.

— Арзимаган гаплар, аъло ҳазратлари! Мен гумон-сираганим учун ҳерцогинядан узр сўрадим, у киши узримни қабул қилдилар; мен д'Этамп хонимнинг бу муруватларини юксак қадрлайман, зеро дилимда уйғонган яна бир, аввалгисидан жиддийроқ шубҳамни ҳам шояд кечирсалар, деган умиддаман.

— Яна қандай шубҳа? — деб сўради Франциск I. Лекин ўз рақибасига бўлган нафратдан сергакланган Диана Бенвенутонинг бу майнавозчилигига ишонмади ва ҳерцогинянинг шодиёна чеҳрасига қаттиқ тикилиб қолди.

Ҳерцогиня эса, жангари рақиб билан бўлаётган олишувнинг ҳали тугамаганини сезиб, қўрқувдан ранги ўчди, лекин, барибир, бу дилбар аёлнинг ўзини тута билишига қойил қолиш керак: шу заҳоти унинг рангига қон югуриб, яна ўзига келиб олди. Шу билан бирга, қиролнинг бир зумгина паришон қолганидан фойдаланиб, нилуфарни унинг қўлидан олмоқчи ҳам бўлди. Бироқ Бенвенуто ҳерцогиня билан Франциск I нинг ўртасига гўё ногаҳон туриб олди.

— Қандай шубҳа, дедингизми? О! Бу ниҳоятда даҳшатли шубҳа, — деди жилмайиб ҳайкалтарош. — Мен уни тилимга олгани уяляпман, у ҳақда гапирсам густоҳлик қилган бўлмасмикинман, деб қўрқаман. Фақат, сиз аъло ҳазратларининг ниҳоятда кескин фармонигина мени айтишга мажбур қилиши мумкин буни...

— Буюраман! Гапиринг! — деди қирол, бетоқат бўлиб; у кўнглида уйғонган шубҳадан қовоғини солиб олган эди.

Бу гал энди д'Этамп хоним ўзини қанчалик бепарво қилиб кўрсатишга уринмасин, руҳан изтироб чекаётганини яшира олмади: у Диана де Пуатьенинг кўзларида бадхоҳ синчковлик аломатини аниқ кўрди; қолаверса, Франциск I ҳерцогинянинг давлатга хиёнат

қилганини кечирса-кечирардию, аммо ишқий хиёна-
тини асло кечирмасди — буни д'Этамп хоним жуда
яхши биларди.

Бенвенуто бўлса, ҳерцогинянинг аянчли аҳволини
гўё сезмаётгандек, гапида давом этди.

— Қисқаси, аёло ҳазратлари, шогирдимнинг дил-
бар йигитлиги ҳақида ўйларканман, кўнглимга бир
фикр келди... кечирасиз, менинг бу тахминим фран-
цузлар учун, эҳтимол, бирмунча дағал туюлар, аммо
мен ўзимизнинг италиялик маликалардан қиёс қилиб
гапиряпман: улар ишқий саргузаштлар бобида ўзлари-
ни худди авом аёллар сингари эркин тутадилар...
хуллас, айтмоқчиманки, ҳерцогиняни Асканиога
буюртма беришга даъват этган ҳиссиётини нафис
санъатга бўлган иштиёқ деб бўлмайди асло...

— Маэстро Челлини, — деб унинг сўзини бўлди
Франциск I баттар қовоғи солиниб, — оғзингизга қараб
гапиринг!

— Мен густоҳона гапим учун олдиндан узримни
айтдим, аёло ҳазратлари, ҳаттоки бу ҳақда оғиз
очмаслигим учун сиз, аёло ҳазратларидан ижозат ҳам
сўрадим.

— Ҳа, мен гувоҳман, ўзингиз гапиришни буюрдинг-
из унга, — деб луқма ташлади Диана. — Энди бўлса,
гапиртирмай, оғзига уряпсиз...

— Гапираётган гапингнинг ёлғонлигини сезсанг,
дарҳол оғзингни юмганинг маъқул, — деб эътироз бил-
дирди, д'Этамп хоним.

— Агар сиз шуни маъқул кўрсангиз, ҳерцогиня, га-
пирмаслигим мумкин, — деб таклиф киритди Бенвену-
то. — Бир оғиз сўзингиз кифоя.

— Йўқ, мен унинг гапиришини истайман. Сиз ҳақ-
сиз, Диана, баъзи нарсаларни охиригача очиб ташлаш
лозим, — деди қирол Бенвенуто билан ҳерцогинядан кў-
зини узмай. — Хўш, тақсир, давом этинг.

— Аввалига буларнинг ҳаммаси фақат тахмин эди,
лекин кейин битта ҳайратомуз далил шубҳаланишимга
асос бўлди.

— Қандай далил? — деб барабар савол беришди қи-
рол билан Диана де Пуатье.

— Давом этаверайми? — деб паст овоз билан сўради
Бенвенуто д'Этамп хонимдан.

Лекин ҳерцогиня, гўё ҳайкалтарошнинг гапини
эшитмагандек, қиролга мурожаат қилди:

— Сир, Челлини баён қилмоқчи бўлган воқеа жуда узун, шунгача нилуфарни ушлаб тураверасизми? Сиз, аъло ҳазратлари, салтанат ҳассасини маҳкам ушлашга одатлангансиз, шунинг учун, бу нафис гулни тагин синдириб қўймасмикинсиз, деб хавотирдаман.

Ҳерцогиня шундай деб, фақат унинг ўзигагина хос ажиб табассум билан қўлини нилуфарга узатди.

— Афв этасиз, ҳерцогиня,— деб гапга аралашди Бенвенуто,— лекин мен баён қилмоқчи бўлган воқеада бу гул муҳим вазифани бажаради, шунга кўра, рухсат этасиз, ҳикоямни изоҳлаш учун...

— Аҳа, демак, сиз сўйлайдиган воқеада нилуфарнинг вазифаси катта, денг? — деди Диана олтин гулни қиролнинг қўлидан яшин тезлигида тортиб оларкан. — Ундай бўлса, д'Этамп хоним ҳақ: агар Бенвенуто сўзлай бошлаган воқеа қисман бўлса ҳам менинг гумонимни тасдиқлар экан, унда бу гул менинг қўлимда тургани маъқул. Зеро сиз, аъло ҳазратлари, ё қасддан, ё беҳосдан, ё бўлмаса, асабингиз қўзиб, гулни синдириб қўйишингиз мумкин.

Ўз ҳалокатини ҳис қила бошлаган д'Этамп хонимнинг ранги қув оқариб кетди: у Бенвенутонинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, унга бир нима дейиш учун оғиз ҳам очган эди-ю, лекин куч билан ўзини тийди ва ҳайкалтарошнинг қўлини қўйиб юбориб, лабини чирт юмиб олди.

— Хоҳлаган гапингизни гапиринг,— деди у тишларини гижир қилиб,— гапираверинг...—Сўнг эшитилар-эшитилмас илова қилди: — Агар ҳаддингиз сигса.

— Ҳа, ҳа, гапиринг, маэстро, лекин эҳтиёт бўлинг, оғзингиздан ортиқча гап чиқиб кетмасин,— деди Франциск I.

— Сиз ҳам, хоним афанди, кўзингизни очинг, гунг бўлиб тураверманг,— деб пичирлади Бенвенуто ҳерцогиняга.

— Қани, бўлақолинг! Биз кутяпмиз! — деди синчковлик ўтида қоврилаётган Диана де Пуатье.

— Яхши, давом этаман. Тасаввур қилинг, аъло ҳазратлари, фараз қилинг, хоним афанди! Маълум бўлишича, ҳерцогиня билан Асканио ўзаро хат ёзишиб туришаркан...

Ҳерцогинянинг кўзлари, гўё ҳозир Челлинини маҳв этиш учун биронта қурол қидираётгандек ола-кула бўлиб кетди.

— Хат ёзишиб туришаркан? — такрорлаб сўради қирол.

— Ҳа, шундай. Энг қизиғи шундаки, ғариб халфа билан ҳерцогиня ўртасидаги ёзишмалар ишқий мактублардан иборат бўлган.

— Далил, маэстро Челлини! Бунга далил келтира оларсиз, албатта? — деб жаҳл билан чинқирди қирол.

— Албатта, сир,— деб жавоб қилди Бенвенуто, — Мен сизга айтсам, аъло ҳазратлари, ҳақлигимни исботлай олмаганимда, бундай шубҳани ўртага ташлашга журъат этмаган бўлардим.

— Бас, шундай экан, қани, тезроқ айтинг ўша шубҳаларингизни! — деди қирол.

— Мени афв этинг, аъло ҳазратлари, далил менда, деб янглишибман. Далил ҳозиргина сиз, аъло ҳазратларининг қўлида эди.

— Менда-я? — деди қирол таажжуб билан.

— Ҳа. Энди у де Пуатье хонимнинг қўлида.

— Менда? — деди Диана.

— Ҳа,— совуққонлик билан гапида давом этди Бенвенуто, зеро у мутлақо хотиржам эди, ваҳолонки, айна пайтда қирол дарғазаб, ҳерцогиня қаттиқ даҳшатда, Диана де Пуатье бўлса, рақибасига бўлган нафрат ўтида ёнарди.— Ҳа, сир, далил нилуфарда.

— Нилуфарда? — деди қирол гулни Дианадан олиб диққат билан кўздан кечираркан (аммо бу кузатувда санъатга бўлган ҳавасдан асар ҳам қолмаган эди).— Нилуфарда дедингизми?

— Ҳа, сир, нилуфарда,— хотиржамлик билан такрорлади Челлини.— Сиз, ҳерцогиня, далилнинг ўша ерда эканлигидан воқифсиз,— маънодор қилиб деди у ҳаяжонланганидан энтикиб-энтикиб нафас олаётган д'Этамп хоним томонга ўгирилиб.

— Мен ён босдим,— деб пичирлади ҳерцогиня.— Коломба графга тегмайди.

— Бу кифоя эмас,— Челлини ҳам пичирлаб жавоб қилди.— Қиз Асканиога турмушга чиқиши керак.

— Ҳеч қачон! — эътироз билдирди д'Этамп хоним.

Бу орада вужудини ғазаб ва ҳаяжон қуршаган қирол машъум гулни ҳамон қўлида айлантираркан, ҳиссиётини ошқора баён қила олмасди.

— Далил нилуфарда! — деб таъкидларди у.— Нилуфарда! Лекин мен ҳеч нима кўрмаяпман.

— Аъло ҳазратлари, бу гулни очадиган сирни билмагунингизча, далилни топа олмайсиз.

— Демак, бунинг сири бор, денг? Ҳозироқ уни очинг, акс ҳолда...

Франциск I гўё гулни синдирмоқчи бўлгандай ҳаракат қилди: иккала аёл чинқириб юборди. Қирол шаштидан қайтди.

— О, сир! Шундай ажойиб буюм бузилса ҳайф кетади-ку! — деди Диана. — Қани, менга беринг-чи, агар у ҳақиқатан ҳам бирон ҳийла билан очиладиган бўлса, мен уни топмай қўймайман.

Шундан сўнг Диана нафрат қуввасидан яна ҳам чаққонлашган нозик ва эгилувчан бармоқлари билан олтин гулнинг ҳамма чизиқлари, чуқурларини пайпаслай бошлади. Қаттиқ ҳаяжондан кўнгли беҳузур бўлаётган ҳерцогиня д'Этамп эса унинг ҳар бир ҳаракатини телбанамо кўзлари жовдираб кузатарди. Аввалига Диананинг барча уринишлари бекор кетди.

Лекин ниҳоят, унга бахт кулиб боқдимиз ё рашк туйғуси фаросатини ўткирлаштирдими, ҳар қалай ўша сирли тугмани тасодифан босиб юборди. Шу заҳоти нилуфар очилиб кетди.

Иккала аёл ҳам яна: бири қувончдан, иккинчиси қўрққанидан баралла чинқириб юборди.

Д'Этамп хоним Диананинг қўлидан гулни юлиб олиш учун у томон отилди, лекин Бенвенуто уни бир қўли билан ушлаб қолди ва иккинчи қўлини очиб, нилуфар ичидан олинган машъум хатни унга кўрсатди. Д'Этамп хоним шу заҳоти гул косачасига назар ташлаб, хуфия ернинг бўшлигини кўрди.

— Ҳамма шартингизга розиман,— деди курашни давом эттиришга ҳоли қолмаган ҳерцогиня ҳазин овоз билан.

— Инжил ҳаққи онт ичасизми? — сўради Бенвенуто.

— Онт ичаман!

— Қани ўша айтган далилингиз, маэстро Челлини? — деди бетоқат қирол. — Мен бу ерда фақат зўр маҳорат билан ишланган чуқурчани кўряпман, холос.

— Тўғри, айтасиз, аъло ҳазратлари, бу ерда ҳеч нима йўқ,— деб тасдиқлади Бенвенуто.

— Лекин илгари бўлган,— деди Диана.

— Орий рост, хоним афанди,— деб унинг ҳам гапини маъқуллади Челлини.

— Бунақа ҳазилкашлик сизга жуда қимматга тушиши мумкин, шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингизми, тақсир? Сиздан анча мартабалироқ одамлар ҳам мен билан ўйнашмоқчи бўлгани учун қаттиқ жазога тортилганлар.

— Гапимга ишонинг, аъло ҳазратлари, агар ўз феъл-атворим билан газабингизни қўзғатгудек бўлсам, қаттиқ пушаймон еган бўлардим,— мутлақо хотиржамлик билан жавоб қилди Челлини.— Азбаройи худо, мен ёмонлик қилишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, бинобарин бу мутоибам билан сиз, аъло ҳазратларини ранжитиб қўймаган бўлсам керак, деган умиддаман. Наҳотки, совуққонлик билан ҳерцогиняга шундай оғир айб қўйишга қодир, деб ўйласангиз мени? Агар хоҳласангиз, д' Этамп хонимнинг ўзи гул косасидан олган хатни сизга кўрсатиши мумкин. Тўғри, у хатда ҳақиқатан ҳам муҳаббат ҳақида, аммо Асканионинг нажиба бир қизга бўлган муҳаббати ҳақида гап боради. Юзаки қараганда, бундай севги ғирт телбалиқдек бўлиб кўринади, лекин Асканио ҳам барча санъаткорлар сингари, нафис буюм борки, у соҳибжамол хилқатларга муносиб бўлмоғи керак, деб фикр юритади. Шунга кўра, йигитимиз бу нилуфардан муҳаббат элчиси сифатида фойдаланиб, унинг ичига хат солган ва у хатда д' Этамп хонимга мурожаат қилиб, худди худога сизингандек ундан мадад сўраган. Ўзингизга маълумки, худойи таоло ҳар бир ишга қодирдир; энди сиз ҳерцогинядан аччиғланмассиз, деб ўймайман; зеро хоним бу ишга қўл ураркан, унинг савобига Франция қиролини ҳам шерик қилиш ниятидалар. Бор-йўқ жумбоқ мана шундан иборат, аъло ҳазратлари! Мабодо бу нотиклик фаолиятим сизга қаттиқ боғган бўлса, мени афв этишингизни ўтиниб сўрайман! Агар ёдингизда бўлса, аъло ҳазратлари, сизнинг ҳузурингизда ҳамиша ўзимни эркин ва бемалол тутишга ижозат берган эдингиз.

Бенвенутонинг бу жиддий ва мулоҳазали нутқи вазиятни бир зумда ўзгартириб юборди. Нутқ авжига чиққан сари Диананинг юзи қайратдан чўзила, д' Этамп хонимнинг чеҳраси эса, аксинча, гул-гул очила бошлади. Франциск I нинг кайфияти аста-секин чоғ бўлиб, юзи табассумдан ёришиб кетди.

— Узр, қимматли ҳерцогиня! — деди у. — Ўтинаман, бир оний шубҳам учун мени афв этинг! Айтинг, нима қилсам бу гуноҳимни ювишим, марҳаматингизга мушарраф бўлишим мумкин?

— Бунинг йўли битта, аъло ҳазратлари: ҳерцогиня сизга бир илтимос билан мурожаат қилмоқчи,— у менинг ҳам илтимосим — илтифот кўрсатиб, ўша илти-



мосни бажарсангиз, шунинг ўзи кифоя,— деб қирол маъшуқаси ўрнига Бенвенуто жавоб қилди.

— Челлини, хоҳишимни биласиз. Ўзингиз айтиб қўяқолинг,— деди д' Этамп хоним ғоят зўр назокат билан; бу ҳолни кўрган ҳайкалтарошнинг оғзи ланг очилиб қолди.

— Ҳай, на чора, агарки ҳерцогиня хоним мени воситачи этиб тайинлаган экан, унда, аъло ҳазратлари, ижозатингиз билан, шуни баён қиламанки, д' Этамп хоним сиздан бахти қаро шогирдим Асканионинг ишқий фаолиятига ўз шоҳона иқтидорингиз билан бош қўшишингизни илтимос қиладилар.

— Бажону дил бош қўшаман!— деди кулиб қирол.— Мен ўша ажойиб шогирдингизга чин қалбимдан бахт-саодат тилайман. Хўш, келин ким экан?

— Коломба д' Эстурвиль, аъло ҳазратлари.

— Коломба д' Эстурвиль? — деб бирдан чинқириб юборди Франциск I.

— Унутманг, аъло ҳазратлари, бундай муруватни сиздан ҳерцогиня д' Этамп сўраяптилар... Менга далда бўлсангиз-чи, хоним афанди! — деб ҳерцогиняга юзланди Бенвенуто, чўнтагидан машғум хатнинг учини чиқариб кўрсатар экан.— Бўлмаса, аъло ҳазратлари, менга ачинганингиздан шундай қиялпсиз, деб ўйлашлари мумкин.

— Шу никоҳ бўлишини сиз чиндан ҳам хоҳлайсизми, хоним афанди? — деб сўради Франциск I.

— Ҳа, сир, хоҳлайман...— пичирлаб деди ҳерцогиня.— Чин қалбдан хоҳлайман...

Д' Этамп хонимни балаandroқ овоз билан илтимос қилдириш учун Бенвенуто яна мактубнинг учини чиқариб кўрсатди.

— Лекин билмадим,— деди Франциск I,— прево насл-насабсиз одамни куёв қилишга рози бўлармикин?

— Авваламбор, аъло ҳазратлари,— деб эътироз билдира бошлади Челлини,— прево, содиқ фуқаро сифатида, фақат қирол ихтиёр қилган нарсани хоҳлаши шарт. Қолаверса, Асканио асло насл-насабсиз одам эмас. Унинг исми шарифи Асканио Гадди, аждодларидан бири Флоренциянинг подестаси¹ бўлган. Тўғри, у заргар, аммо Италияда санъаткорлик уят ҳисобланмай-

¹ Подеста — Италиянинг республика деб эълон қилинган бир қатор шаҳарларида сайланувчи маъмурий бошлиқ.

ди; ҳаттоки, Асканио агар қадимги оқсуяклар насабидан бўлмаган тақдирда ҳам, ҳозир у франциялик зодагон, зеро сиз, аъло ҳазратлари, менга инъом қилган ёрликқа ўз исмим ўрнига Асканионинг номини ёзишга журъат этдим. Бу рафторимни фидоийлик деб ўйламанг асло, аъло ҳазратлари. Асканиога мурувват қилсам — ўзимни икки ҳисса кўпроқ мукофотлаган бўламан. Шундай қилиб, энди Асканио Нель қасрининг соҳиби, мен эсам, бундан буёқ, унинг пулга муҳтож бўлмаслиги учун астойдил ҳаракат қилажакман. Асканио, агар хоҳласа, ўз касбини ташлаб, бир гуруҳ найзабардор ёллаши ёки саройда биронта лавозимда хизмат қилиши мумкин. Барча харажатлар менинг ҳисобимга бўлади.

— Биз эсак,— деди қирол,— бундай саховат оқибатида сизнинг ҳамёнингизга путур етмаслиги ҳақида ғамхўрлик қилурмиз.

— Демак, аъло ҳазратлари...

— Розиман, розиман! Майли, Нель қасрининг соҳиби Асканио Гадди куёв бўлсин! — деб самимий кулди қирол.

— Ҳерцогиня,— деди паст овоз билан Бенвенуто,— виждонан гапирадиган бўлсак, Нель қасрининг соҳибини ортиқ Шатледа ушлаб тураолмайсиз — энди у оддий халфа Асканио эмас.

Ҳерцогиня сарой соқчилари офицерларидан бирини имлаб чақириб, унга оҳиста нимадир буюрди. Сўнг баланд овоз билан илова қилди:

— Қирол номи билан!

— Нима иш буюрдингиз унга, хоним афанди? — деб сўради қирол.

— Оддий бир иш, аъло ҳазратлари,— деб д'Этамп ўрнига Челлини жавоб қилди.— Ҳерцогиня куёвга одам юбордилар.

— Дарвоқе, қаерда ўзи у?

— Аъло ҳазратларининг нечоғли оққўнгил эканлигини яхши билган д'Этамп хоним Асканиога, маълум бир ерда қирол амрини кутиб туришни буюрган эдилар.

Чорак соатдан кейин қабулхона эшиги ланг очилди: бу ерда Коломба, прево, граф д'Орбек, Испания элчиси ва ҳамон бетоб ётган виконт де Мармандан бошқа деярли барча аъёнлар Францек I нинг чиқишини кутиб ўтирардилар.

— Аъло ҳазратлари! — деб эълон қилди навкар.

Бу ерга Диана де Пуатъе билан қўлтиқлашиб Франциск I кирди, унинг орқасидан ранглари докадек оқарган д'Этамп хоним билан Асканионинг ўртасида Бенвенуто Челлини келарди.

Қирол остонада пайдо бўлиши билан барча аъёнлар ялт этиб эшик томонга қарашди ва бу антиқа гуруҳни кўриб, ҳайратдан бир лаҳза данг қотиб қолишди, Коломба эса хушидан кетаётганини ҳис қилди.

Шунда Франциск I Челлинини ўзидан олдинга ўтказиб, баралла деди:

— Маэстро Бенвенуто, ўз рутбамиз ва ҳуқуқимизни бир дақиқага сизга топширурмиз. Сиз Франция қироли номидан гапиринг, токи барча сизга худди қиролга бўйин эггандек итоат этсин!

Бу гапни эшитган сарой аҳлининг таажжуби яна ҳам ошди.

— Эҳтиёт бўлинг, аъло ҳазратлари: бундай олий мартабага сазовор бўлсам, чакана ҳукмдор бўлмайман! — деб ҳазил қилди Челлини.

— Яхши, яхши, Бенвенуто, — кулиб жавоб қилди қирол. — Сизнинг ҳар бир рафторингизни бизга манзур бўлиш учун интилиш деб билурмиз.

— Ундай бўлса, ишимизга ривож, аъло ҳазратлари! Бундай сўзлар менга хуш ёқади, шунинг учун, сизга кўпроқ манзур бўлишга ҳаракат қиламан... Демак, — деб давом этди у сарой аҳлига юзланиб, — машҳура хонимлар ва муҳтарам жаноблар, шуни унутмангларки, ҳозир менинг тилим билан қиролнинг ўзи гапиради! Жаноб нотариуслар, аъло ҳазратлари шахсан, ўз қўллари билан лутфан имзо чекмоқчи бўлган никоҳ шартномасини тайёрлаганмисизлар? Унга келин ва куёвнинг исмларини ёзинг.

Иккала нотариус қўлларига патқалам олиб, олдиларига иккита шартнома қўйдилар: шартноманинг бири давлат архивида, иккинчиси нотариуслар идорасида сақланиши лозим эди.

— Турмуш қураётганлар бир томондан — иқтидорли, машҳура мадемуазель Коломба д'Эстурвиль.

— Коломба д'Эстурвиль, — бош қотирмай такрорлашди нотариуслар.

Аъёнлар Бенвенутонинг гапларини ҳанг-манг бўлиб тинглашарди.

— Иккинчи томондан,— деб давом этди Челлини, Нель қасрининг сеньори, энг машҳур ва энг қудратли Асканио Гадди.

— Асканио Гадди! — деб баравар чинқириб юборишди прево билан д' Орбек.

— Ахир у оддий бир халфа-ку! — аччиқ алам билан деди прево Франциск I га юз ўгириб.

— Айни пайтда, Нель сеньори Асканио Гаддига,— деб бепарволик билан гапида давом этди Бенвенуто,— қирол Франциск Биринчи улкан марҳамат кўрсатиб, уни Франция фуқароси ҳамда қирол қасрлари мудири этиб тайинлайди.

— Агар аъло ҳазратлари амр этсалар, мен итоат этишга тайёрман,— деди прево,— лекин ҳарҳолда...

— Асканио Гаддининг тавсияси билан қирол аъло ҳазратлари Париж шаҳрининг превоси мессер д' Эстурвилга камергерлик унвонини ишъом этади.

— Сир, мен розиман,— деди жаноб д' Эстурвиль бутунлай таслим бўлиб.

— Э, худо! Ё парвардигор! Наҳотки шу рост бўлса! — деб гўлдираб курсига ўтириб қолди Коломба.

— Мен-чи? Мен нима қиламан? — деди д' Орбек.

— Сизга келсак, граф,— деди Челлини қироллик лавозимини бажаришда давом этаркан,— мен сизни кечираман, гарчи кўп номаъқулчиликлар қилган бўлсангиз ҳам ишингизни судга оширмайман. Олиҳимматлик ҳам худди жўмардлик сингари, қирол фазилатларидан биридир. Шундай эмасми, аъло ҳазратлари?... — деди у Франциск I га ўгрилиб.— Мана, шартномалар ҳам тайёр бўлди. Келинглар, жаноблар, имзоимизни қўяйлик.

— Қаранг, қиролдан қаери кам бунинг! — деди Франциск, I, худди таътилга чиққан мактаб боласидек қувониб.

Қирол шартномага имзо чекиб, патқаламни Асканиога узатди, у титроқ қўли билан ўз исминини ёзди, сўнг патқаламни Коломбага берди; Диана қизининг курсидан туришига ёрдамлашди ва авайлаб қўлтиқлаганча, уни шартнома ётган стол олдига етаклаб келди. Севишганларнинг қўллари туташди, шунда икковлари ҳам сал бўлмаса ҳушларидан кетаёздилар.

Сўнг шартномага қўл қўйиш навбати Дианага кел-

ди; патқалам унинг қўлидан д' Этамп хонимга ўтди; ҳерцогиня ўз навбатида, уни превога, прево граф д' Орбекка, граф эса, Испания элчисига узатди.

Мана шу олий мақом номларнинг остига Бенвенуто Челлини патқаламни босиб ёзиб аниқ имзо қўйди. Ахир бу ишга ҳаммадан ҳам унинг меҳнати кўпроқ синган эди-да.

Испания элчиси шартномага имзо чекиб бўлиб ҳерцогинянинг ёнига борди.

— Битимимиз ўз кучида қолади, шундай эмасми, хоним афанди? — деб сўради у.

— Э, худо! — деди инграб ҳерцогиня. — Билганингизни қилинг. Франция билан нима ишим бор? Менга деса ўт тушиб кетмайдими бутун дунёга!

Ҳерцог таъзим қилиб ўз ўрнига қайтди.

— Эшитишимча, император қирол Франциски эмас, балки унинг ўғлини Миланга ҳерцог этиб тайинламоқчи эмишми? — деб сўраб қолди элчидан унинг жияни — ҳали ёш ва гўр дипломат.

— Миланга униси ҳам, буниси ҳам ҳерцог бўлмайди, — деб жавоб қилди элчи.

Бу пайт қабулхонада ҳозир бўлганлар бирин-кетин шартномага имзо чекар эдилар.

Ҳамма қўл қўйиб бўлгач, Бенвенуто Франциск I истиқболига юриб борди ва унинг қаршисида бир тиззасига чўккалаб туриб шундай деди:

— Сир, ҳозиргина мен худди қиролдек амр-фармон бердим, энди бўлса, энг мўмин, энг садоқатли фуқаронгиз сифатида сиздан илтижо қиламан: аъло ҳазратлари, охирги марта менга яна бир мурувват қилсангиз!

— Гапир, Бенвенуто, гапиравер, — деди ўзининг қироллик қудратидан ҳузур қилаётган Франциск I хайрихоҳлик билан. — Гапир, нима истайсан?

— Италияга қайтмоқчиман, аъло ҳазратлари, — деб жавоб қилди Бенвенуто.

— Ие, Италияга?! — деди ҳайрон бўлган қирол. — Ҳали сен жуда кўп ноёб буюмлар ясаб беришинг керак, шундай пайтда мени ташлаб кетмоқчимисан? Йўқ, мен қаршиман.

— Яна қайтиб келаман! Қасам ичиб айтаман, сир, албатта қайтиб келаман! Лекин ҳозир кетишимга рухсат беринг. Мен ўз ватанимда бўлишим керак. Бошимга қандай оғир кулфатлар тушганини, ҳозир қал-

бим чекаётган изтиробларни сизга гапирмаганим маъқул — деб паст овоз билан илова қилди у ва маъюс бош чайқаб қўйди, — уларни сўз билан ифодалашга тил лол. Фақат ватаним ҳавоси яраланган қалбимга малҳам бўлиши мумкин. Ўзим кетсам ҳам, иккинчи нухам — Асканиони ва ўнг қўлим — Паголони сизга қолдираман: шулар Бенвенутонинг йўқлигини билдирмайди сизга, аъло ҳазратлари. Қадрдон Флоренциянинг майин шабадаси, дилимни аламу андуҳдан фориг қилгач, яна қайтиб келаман, ана унда дунёда ўлимдан бошқа ҳеч нарса бизни бир-биримиздан жудо қила олмайди!

— Майли, борақолинг, — ғамгин оҳангда рози бўлди Франциск I. — Санъаткор худди қушдек озод бўлиши керак. Рухсат сизга, Челлини!

Шундай деб қирол қўлини узатди, миннатдор Бенвенуто зўр эҳтиром билан унинг қўлини ўпди.

Челлини чиқиб кета туриб ҳерцогиня д'Этампа яқинлашди.

— Мендан қаттиқ хафа бўлдингизми, хоним афанди? — деб сўради у ҳозиргина мисоли сеҳрли тилсимдек ҳайратомуз мўъжиза яратган ўша машъум мактубни ҳеч кимга сездирмай хонимнинг қўлига қистираркан.

— Йўқ, — деди ўз хатининг ниҳоят қўлига келиб текканидан севиниб кетган ҳерцогиня. — Лекин сиз мени шундай қурол билан енгдингизки...

— Қўйинг энди, ҳерцогиня! — деб хонимнинг сўзини бўлди Бенвенуто. — Мен ўша сиз айтган қурол билан фақат пўписа қилдим, холос. Наҳотки, мени хатдан фош этувчи далил сифатида фойдаланади деб ўйлаган бўлсангиз?

— Ё самовий қувватлар! — деб юборди ҳерцогиня худди қулоғи остида тўсатдан замбарак отилгандек ҳайратга келиб. — Бошқаларни ўзингга қиёс қилсанг, хатога йўл қўйишинг ҳеч гап эмас экан!..

Эртаси куни Лувр саройидаги бутхонада Асканио билан Коломба никоҳ ўқитишди, шунда келин-куёв, гарчи сарой таомилига зид бўлса ҳам, қаттиқ туриб, бу маросимга Жак Обри билан унинг хотинини таклиф қилишга муяссар бўлдилар.

Жак учун бу энг зўр илтифот эди, албатта, қолаверса, камтарин талаба бундай иззат-икромга чиндан ҳам муносиб эди.

Йигирма учинчи боб

НИКОҲ — МАЖБУРИЯТ

Яна бир ҳафтадан кейин эса Ҳерман Перрина хоним билан тантанали равишда никоҳдан ўтди. Хоним эрининг уйига йигирма минг ливр кумуш пул билан келди: бу унинг сепи эди.

Китобхонга шуни илова қилиб айтишимиз керакки, юқорида тилга олинган сармоя никоҳнинг тезлашишига асосий туртки бўлганди.

Асканио билан Коломбанинг тўйи бўлган кун кеч-қурун Бенвенуто Челлини, келин-куёвнинг шунча ялиниб-ёлборишига қарамай, Флоренцияга жўнаб кетди.

У ерда Челлини дунёга машҳур бўлган ва ҳозирги кунгача Кўҳна қаср олдидаги майдонга зеб бериб турган Персей ҳайкалини яратди.

Персейни ҳайкалтарош асарлари орасида дурдона деса бўлади, зеро, бу ҳайкални у қаттиқ руҳий азб-чеккан дамларида ишлаган эди.

МУНДАРИЖА

<i>Биринчи</i>	<i>қисм</i>	5
<i>Иккинчи</i>	<i>қисм</i>	271

На узбекском языке

Александр Дюма

АСКАНИО

Р о м а н

Расм Э. С. Киглай
Расмлар муҳаррири А. Шоалимов
Техн. муҳаррири У. Ким
Корректор Ш. Соатова

ИБ № 0316

Босмахонага берилди 20.11.89. Босишга рухсат этилди 14.06.90. Формати 84×108^{1/32}. Мактаб гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма л. 29,4. Шарт кр.-отт. 29,82. Нашр. л. 31,3. Шартнома № 5-88. Буюртма 4125. Тиражи 150000 (I завод 1—75.000 экз.). Баҳоси 2 с. 80 т. қоғоз № 2

«Чулпон» навириёти, Тошкент, 700083. ГСП. «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Матбуот Лавлат комитети. Тошкент «Матбуот» полиграфия ишляб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, Янгийул шаҳри, 702800, Самарқанд кўчаси, 44.

Дюма, Александр.

Асканио: Роман: [Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун]/[Русчадан Қ. Мирмуҳамедов тарж.; Муҳар.: Т. Алимов].— Т.: Чўлпон, 1990.—560 б.

«Асканио» — Дюманинг энг яхши тарихий романларидан бири. Унда машҳур Италия ҳайкалтароши ва заргари Бенвенуто Челлинининг ўз суюкли шогирди Асканио билан биргаликда Франция қироли Франциск I ҳузурида хизмат қилган даври акс этирилган. Ҳоят қизиқарли саргузаштларга бой бу романининг ҳақиқий қаҳрамонлари тахт даъво қилувчи валиаҳдлар ҳам, асилзода мансабдорлар ҳам эмас, балки оддий халқнинг истеъдодли, саховатли, довюрак ва хушчақчақ вакиллари дир.

Дюма, Александр. Асканио: Роман: Для детей ср. шк. возраста.

И(Фр)